


ЖИНОЯТ
ПРОЦЕССИ

ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
томонидан вазирлик олий ўқув юртлари учун дарслик
сифатида рухсат этилган*



Тошкент — 2004

Муаллифлар жамоаси:

юридик фанлар доктори, профессор **Б. А. Миренский** – сўз боши, I, II, V, VI, IX, XIV, XV, XVIII, XXII, XXIII, XXIV, XXV, XXVI, XXVII, XXVIII, XXIX, XXXII боблар;
юридик фанлар номзоди **А. Х. Раҳмонкулов** – III, VII, VIII, XI, XII, XIII, XVI, XIX боблар;
юридик фанлар номзоди, доцент **В. В. Кадирова** – IV, XVII, XX, XXI боблар;
юридик фанлар номзоди **Ж. Камалходжаев** – X, XXX, XXXI боблар.

Т а қ р и з ч и л а р :

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш маркази жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедрасининг мудири юридик фанлар доктори **Б. Х. Пулатов**;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти жиноят процесси кафедрасининг мудири, юридик фанлар номзоди, доцент **З. Иноғомжонова**;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист **А. О. Шарофутдинов**

С Ў З Б О Ш И

Мустақиллик йилларида эркинлик ва адолатни қарор топтириш борасида муайян ижобий натижаларга эришилди. Давлатимиз Президенти И. А. Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек, «қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади»¹.

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳуқуқий тизимида амалга оширилган либераллаштиришнинг асосий мазмунини барча ҳуқуқий тақдир ва чеклашларга адолат нуқтаи назаридан қараш, уларни оқилона мўтадиллаштириш, инсонни таҳқирламайдиган мезонларни яратиш ташкил қилади. Жиноий-ҳуқуқий соҳани эркинлаштиришнинг бош мақсади эса инсон омили, давлатнинг жиноятчиликка қарши курашдаги одил сиёсати орқали адолат ҳамда қонун устуворлигини таъминлашдан иборат.

Жиноятчиликка қарши кураш сиёсатидаги янги ҳуқуқий доктринанинг таркибий қисмлари қаторига тарафлар ярашуви институтининг процессуал қонунчиликка киритилишини, эҳтиёт чоралари, жумладан қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш мезонларининг тубдан ўзгартирилганлигини, озодликдан маҳрум қилиш муддатларини қисқартириш орқали жиноий-ҳуқуқий жазоларнинг юмшатирилганлигини, ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган қилмишлар рўйхатининг қисқартирилганлигини, мулкнинг дахлсизлиги тўғрисидаги конституциявий қоидадан келиб чиққан ҳолда мол-мулкни мусодара қилишнинг жазо тизимидан чиқариб ташланганлигини, вояга етмаганлар, аёллар ва ёши олтмишдан ўтган эркакларга жазо қўллашдаги енгилликларни киритиш мумкин.

¹ Каримов И. А. Адолат қонун устуворлигида // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. Т., 2002. 28-б.

Шу билан бирга, қонунчиликка ушбу ўзгартишларнинг киритилиши билан мавжуд муаммоларнинг барчаси ўз ечимини топди, дейиш нотўғри бўлади. Зеро, келажакда, ижтимоий ҳаётнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, қонунчилик янада такомиллаштирилиб боришини инкор этиб бўлмайди.

Баён этилган фикрлар жиноят ишини юритишда тергов органлари ва судларнинг инсонга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига муносабати тубдан ўзгараётганидан далолат беради. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалга ошириб келаётган ишларнинг таҳлили уларнинг вақтинчалик тадбирлар эмаслигидан, балки қонун талабларига мос равишда доимий хусусиятга эга бўлишидан далолат бермоқда. Бу эса жиноят процессининг тобора инсонларвар тус олиб бориши ҳақида хулоса чиқаришга имкон бермоқда.

Мамлакатимиздаги юридик олий ўқув юртларида жиноят процесси фанига катта эътибор берилади. Ушбу олий ўқув юртларининг битирувчилари келажакда ким бўлиб ишлашларидан қатъи назар — адвокат, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқий маслаҳатчи бўладими — улар жиноят процессини билмасликлари мумкин эмас. Лекин, тан олиш лозимки, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг жиноят процесси фани бўйича жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг Умумий ва Махсус қисmlарини тўлиқ қамраб олган дарслик нашр этилмади.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу дарслик Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг бир гуруҳ тажрибали педагог-олимлари тайёрлаган ана шундай турдаги илк нашрдир. У Академияда ўқитиладиган «Жиноят процесси» курсининг дастури ва амалдаги ЖПКнинг тузилишига асосланган. Ҳар бир боб охирида унинг мазмунини тўлдиришга хизмат қиладиган ҳамда тингловчилар, курсантлар ва талабаларга ўрганилаётган материални ўзлаштиришлари, олган билиmlарини текширишлари ҳамда пухта тайёргарлик кўришларида ёрдам берадиган тахминий тестлар ва саволлар келтирилган.

Дарслик республикамызда ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш ишига қўшилган муносиб ҳисса бўлади, деб умид қиламыз.

УМУМИЙ ҚИСМ

I боб. Жиноят процесси ва унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятидаги ўрни

1.1. Жиноят процесси ва унинг вазифалари

Жиноят процесси — суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суднинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига асосланган ҳамда муайян тартиб ва тизимга эга бўлган фаолияти, ушбу фаолият муносабати билан унга у ёки бу даражада жалб этилган барча шахслар ўртасида юзага келувчи ҳуқуқий муносабатлар. Ушбу фаолият ва муносабатлар ихтиёрий равишда кечмайди, балки жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг нормаларига мувофиқ ва уларда белгиланган тартиб бўйича амалга оширилади. Бошқача айтганда, жиноят процесси (синоними «жиноий-ҳуқуқий судлов») суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суд Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширадиган фаолият, яъни жиноятларни аниқлаш, очиш ва уларнинг олдини олиш, уларни содир этишда айбдор шахсларни фош этиш, уларга жиноий жазо чораларини ёки бошқа чораларни қўллаш фаолияти, шунингдек ушбу фаолият муносабати билан унда иштирок этувчи органлар ва шахслар ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар тизимидир.

Жиноят-процессуал фаолият инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига энг кўп даражада дахл қилувчи жиноий жазони, шунингдек давлат мажбурлов чораларини (ушлаб туриш, тинтув ўтказиш ва ҳ.к.) қўллаш билан боғлиқ бўлиб, бу ҳол жиноятларни муваффақиятли очиш ва айбдорларнинг жавобгарликка тортилишини таъминлаш учун зарур (ЖПК¹ 2-м.). Шу сабабли ушбу фаолият одил судлов кафолатларини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини яратувчи ҳуқуқий нормалар (ЖПК 11–27-м.) билан қатъий ва батафсил тартибга солинади. Ушбу нормалар муҳимлиги сабабли, уларни фақат қонун чиқарувчи ҳокимият белгилайди.

Жиноят ишлари бўйича одил судлов, жиноятларни тергов

¹ Бундан буён матнда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси қисқача ЖПК тарзида берилган.

қилувчи органларнинг фаолияти сингари, процессуал деб аталмиш махсус тартибда амалга оширилади. ЖПКда тегишли давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят аниқланган пайдан бошлаб то жиноят иши судда узил-кесил ҳал қилингунича амалга оширадиган ҳаракатларнинг кетма-кетлиги, ушбу фаолият дахл қиладиган фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, барча тергов ва судлов ҳаракатларини юритиш ҳамда уларнинг натижаларини қайд этиш шакллари белгилаб берилган. Ушбу процессуал тартиб суд ҳамда тергов ва прокуратура органлари жиноят содир этилганлиги сабабли амалга оширадиган фаолиятнинг қонуний бўлиши учун зарурий шартдир.

Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар, шунингдек ҳимоячилар ва вакиллар (айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар) давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг пассив объектлари эмас, балки тегишли ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлган ҳуқуқ субъектларидир.

ЖПК билан тартибга солинган жиноят-процессуал фаолият суд ҳамда бошқа давлат органлари, шунингдек ушбу органлар билан фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида юзага келадиган муносабатлар шаклида кечади. Ушбу фаолият ҳуқуқий тусга эга.

«Жиноят процесси» термини «оғир гуноҳ» маъносини билдирувчи арабча «жиноят» сўзидан ва «чиқиш, намоён бўлиш, олға интилиш» каби маъноларни билдирувчи лотинча феълдан ясалган. У муайян турдаги фаолиятнинг ривожланиш ҳаракатини билдиради ва таъкидлайди.

Жиноят процессининг вазифаларини унинг жамият ҳаётида тутган ўрнини билдирувчи умумижтимоий нуқтаи назардан ҳам, жиноятни тергов қилиш ва суднинг жиноят ишини ҳал қилиши чоғида эришилиши керак бўлган аниқ вазифаларни таҳлил қилиб ҳам белгилаш мумкин.

Умумижтимоий даражада жиноят процесси шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек бошқа неъматларни, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини жинойий тажовузлардан ҳимоялаш, жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш орқали мавжуд ҳуқуқий тартибни муҳофаза қилиш каби вазифаларга эга.

Жиноят процессининг мақсадлари сифатида ҳам таърифлаш мумкин бўлган аниқ вазифалари қуйидагилардан иборат:

— жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, яъни жиноят содир этилганлиги фактининг ўзини ва уни ким содир этганлигини аниқлаш;

– жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги;

– бунда айбдор бўлганларни фош этиш ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш (ЖПК 2-м.).

Натижада жиноят процессининг умумижтимоий ва аниқ вази-фалари жиноят ишлари бўйича одил судловни таъминлаш учун уйғунлашади. Одил судлов – жиноят процессининг асосий ва пировард мақсади. Уни фақат суд энг кўп даражадаги ҳуқуқий кафолатларни таъминлабгина амалга оширади.

Жиноят процесси муайян вази-фаларини бажариш жараёнида объектив равишда жиноятларнинг олди олинишига ёрдам беради. Жиноятлар қанчалик муваффақиятли очилса, суд ҳокимияти органлари шунчалик адолатли ҳаракат қилади, шу билан бирга, жиноят қонунининг кучидан ҳам самарали фойдаланилади. Жиноятларнинг очилмаслиги, айбдорларнинг жазосиз қолиши янги жиноятлар содир этилиши, ҳуқуқий тартибнинг сусайиши, инсоннинг жинойий тажовузлардан ҳимоясиз қолиши учун шароит яратади.

1.2. Жиноят процессининг тизими, жиноят-процессуал функциялар, процессуал ҳаракатлар, процессуал қарорлар

Жиноят процесси жиноят аниқланганлиги сабабли бошланади ҳамда қонун билан белгиланган ва бир қатор босқичлардан ўтадиган кетма-кетликда ривожланади. Ушбу босқичлар жиноят процессининг вази-фаларини бажариш учун шарт-шароит яратувчи мантиқий изчил тизимни ташкил қилади. Ҳар бир босқич кейинги босқичларда муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун шарт-шароит яратади. Бинобарин, жиноят процессининг тизими ЖПКда (321–338; 344–388; 395–405; 428–477; 498–509; 510–521; 528–546-м.) назарда тутилган босқичлардан – агар жиноят процессини илм ва ўқув фани сифатида қарайдиган бўлсак – бўлимлар ва боблардан, жумладан, фаннинг предмети, методологияси, тарихи кабилардан иборат бўлади.

Жиноят процесси фани аста-секин, тарихий ривожланиш натижасида шаклланган билимлар тизимидир. У ушбу фан муаммоларининг мажмуини, жумладан, қонун чиқариш ҳамда жиноят процесси ўқув курси тизимига оид масалаларни қамраб олади.

Жиноят процесси ўқув курсининг мазмуни жиноят процесси

фанидаги муаммоларнинг ишлаб чиқилиши билан чамбарчас боғлиқ. Фанда эришилган ютуқлар ўқув курсининг мазмунига катта таъсир кўрсатади. Ўқув курсининг мазмуни ва ундан дарс беришнинг назарий даражаси жиноят процесси муаммоларининг илмий жиҳатдан ўрганилганлик даражасига боғлиқ. Ушбу курс ҳамда жиноят процесси фани тизимларининг кўп жиҳатдан жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари тизимини акс эттириши ҳам улар учун умумий бўлган жиҳатни ташкил қилади. Жиноят процесси ўқув курсининг тизими жиноят процессининг дастуридан келиб чиқиб, унинг тушунчалари, институтлари ва босқичларининг изчил ёритиб берилишини таъминлайдиган тартибда баён этилади.

Жиноят процесси нафақат давлат органлари ва шахсларнинг қатъий белгиланган тартибдаги фаолиятини, балки жиноят иши ўтадиган босқичларга ажратилган *процессуал ҳаракатлар тизимини* ҳам қамраб олади.

Жиноят процессининг босқичи умумий вазифалар билан бирлаштирилган ҳамда ваколатли органлар иш бўйича чиқарадиган ҳулосалар билан яқунланувчи процессуал ҳаракатлар ва қарорлар мажмуидир. Ҳар бир босқич кейинги босқичларда муваффақиятли фаолият кўрсатилиши учун шарт-шароит яратади.

Жиноят ишини кўзғатиш биринчи ва зарурий босқич бўлиб, унда суриштирув органи, терговчи, прокурор, судья ёки суд жиноят иши бўйича иш юритишни бошлаш учун сабаб ва асос мавжудлигига доир масалани ҳал қилади ҳамда жиноят аломатлари аниқланганида жиноят иши кўзғатади.

Дастлабки тергов босқичи барча жиноят ишларида мавжуд бўлади. У суриштирув ва дастлабки терговни бирга амалга ошириш ёки суриштирувсиз тергов ўтказиш орқали кечиши мумкин. Бу ўринда суриштирувчи ва терговчи жиноятларни очадилар, айбдорни фош этадилар, ишнинг қонуний ҳал қилиниши учун зарур бўлган барча ҳолатларни аниқлайдилар, содир этилган жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш чораларини кўрадилар. Буларнинг барчаси прокурор назоратида амалга оширилади.

Жиноят ишини судда кўриб чиқиш учун тайинлаш. Суд ишни кўриб чиқиш учун қабул қилиши, уни мазмунон кўриб чиқиши, иш юритишни тўхтатиши, тугатиши, ишни қўшимча терговга қайтариши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ЖПКнинг 395-моддасида жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш ҳақида сўз юритилмаган.

Суд муҳокамаси жиноят процессининг марказий босқичи бўлиб, унда судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлигига ҳамда унга нисбатан жиноий жазони қўллаш ёки қўлламасликка доир масала ҳал қилинади. Одил судловнинг энг муҳим ҳужжати бўлмиш суд ҳукми фақат суд муҳокамаси натижасидагина чиқарилиши мумкин.

Апелляция тартибида иш юритиш босқичи — жиноят процессининг яна бир босқичи бўлиб, унда биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукми юзасидан апелляция тартибида берилган шикоят ёки протест бўйича жиноят иши қайта кўрилиши ва судланувчининг мақомини ўзгартирган ҳолда такроран ҳукм чиқарилиши мумкин.

Кассация тартибида иш юритиш жиноят процессининг яна бир босқичи бўлиб, унда юқори турувчи суд процесс иштирокчиларининг шикояти ёки прокурорнинг протести бўйича биринчи инстанция ёки апелляция инстанциясидаги суднинг кучга кирган ҳукми қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текширади. Бунда у иш материаллари ҳамда қўшимча равишда тақдим этилган ҳужжатларга, энг муҳими, адолат мезонларига асосланади.

Ҳукмлар, ажримлар ва қарорларни ижро этиш — жиноят процессининг суд ҳукмида ифодаланган қарорларнинг мазмуни амалга ошишига, жумладан, ҳукмни ижро этиш пайтида юзага келиши мумкин бўлган процессуал масалаларни кўриб чиқишга хизмат қиладиган босқичи.

Назорат тартибида иш юритиш босқичи барча жиноят ишларида ҳам мавжуд бўлмайди. Ушбу босқич истисноли босқич деб аталади, чунки унда қонуний кучга кирган, аксарият ҳолларда эса ҳатто ижро этилган ёки ижро этилаётган ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар қайта кўриб чиқилади.

Жиноят процессининг босқичлари процессуал ҳаракатларга асосланади. Улар орасида ЖПКда қатъий тартибга солинган тергов ҳаракатлари муҳим ўрин тутади. Жиноятларни дастлабки тергов қилишнинг ва суд муҳокамасининг самарали бўлиши ўтказилган тергов ҳаракатлари (суд тергови)нинг сифатига боғлиқ. Бироқ жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал ҳаракатлари сони тергов ҳаракатлари сонига қараганда анча кўп. Аслида, жиноят ишини қўзғатиш, тергов қилиш ва кўриб чиқиш билан боғлиқ бутун жиноят-процессуал фаолият процесс иштирокчиларининг айрим процессуал ҳаракатларидан ташкил топади.

Процессуал ҳаракатларнинг мазмуни уларнинг ҳуқуқий тартиби билан боғлиқ. Ушбу ҳаракатларнинг хусусияти, уларни амалга ошириш кетма-кетлиги ва ҳуқуқий оқибатлари процессуал қонун билан тартибга солинади.

Процессуал ҳаракатлар — нафақат процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошириш, балки жиноят процесси вазифаларини ҳал қилишнинг ҳам ягона ва муҳим усули. Улар жуда хилма-хил бўлиб, кўплаб асослар — субъектлари, предмети, мазмуни, ҳуқуқий аҳамияти, босқичлари, мақсадлари, ушбу фаолият орқали амалга ошириладиган процессуал функциялари — бўйича таснифланиши мумкин.

Процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ҳар қандай шахс процесс иштирокчиси ва, бинобарин, жиноят-процессуал фаолият субъекти ҳисобланади. Аммо процессуал фаолият субъектларининг вазифалари ЖПКда уларга берилган ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар хусусияти бўйича ўзаро кескин фарқ қилиши мумкин. Шунга кўра, уларнинг жиноят процесси вазифаларини бажаришдаги процессуал ҳаракатларининг ўрни ҳам фарқланади. Масалан, давлат органларининг вакиллари бўлмиш мансабдор шахслар — терговчи, прокурор, судья ҳамда тегишли давлат органларининг ўзлари — жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш борасидаги давлат функцияларини бажарадилар. Уларнинг ҳаракатлари ҳокимият хусусиятига эга бўлиб, жиноят ишининг қўзғатилганидан тортиб то ҳукм ижро этилгунига қадар бўладиган ҳаракатларини белгилаб беради. Уларнинг процессуал ҳаракатлари кўп жиҳатдан ЖПКда белгилаб қўйилган бўлиб, муайян ҳодисалар юз берганида ёки шарт-шароитлар юзага келганида бажарилиши шарт ҳисобланади.

Жиноят процессининг шахсий манфаатларга эга бўлган ёки ваколат берган шахс манфаатларини ҳимоя қилувчи, жиноят процессида иштирок этиш учун жалб этилган, ёхуд ўз ихтиёри билан процессга киришган бошқа иштирокчиларининг ҳаракатлари ҳокимият хусусиятига эга эмас ва ҳар доим ҳам ЖПК билан тартибга солинмайди. Масалан, жиноят процессида иштирок этиши ўз манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш ва тегишли процессуал ҳаракатларни бажариш масаласини ўз хоҳиши бўйича ҳал қилишлари мумкин бўлса, бошқа бировнинг манфаатини ҳимоя қилаётган шахслар ўз ҳаракатларини танлашда камроқ эркинликка эга-

дирлар. Процессда иштирок этишга унинг вазифаларини бажаришда кўмаклашиш учун жалб қилинган шахслар (гувоҳлар, экспертлар, таржимонлар ва бошқалар) эса уларга берилган «дастур» бўйича ҳаракат қиладилар: қўйилган саволларга жавоб берадилар, тақдим этилган матнни таржима қиладилар ва ҳ. к.

Демак, процесс субъектлари нуқтаи назаридан, ҳаракатларни мажбурий ва номажбурий (факультатив), асосий ва ҳосила, ҳокимият хусусиятига эга бўлган ва эга бўлмаган ҳаракатларга ажратиш мумкин. Процессуал ҳаракатлар предмети умуман процесснинг предмети билан мос келиб, уни ушбу ҳаракатнинг аниқ мақсадларига ва ҳаракат қилувчи субъектнинг манфаатларига яқинлаштириб, мақсадларини муфассаллаштиради.

Исботлаш жиноят-процессуал фаолиятнинг муҳим қисмини ташкил қилади. Далилларни тўплаш, қайд этиш, текшириш ва баҳолаш, шунингдек ушбу фаолият учун шарт-шароитлар яратиш (яъни эҳтиёт чораларини қўллаш, дастлабки тергов ва қамокда сақлаш муддатларини узайтириш кабилар ҳамда улар асосида процессуал қарорларни қабул қилиш) билан боғлиқ ҳаракатлар, аслида, процессуал фаолиятнинг предметини ташкил қилади ва содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусиятини белгилаб беради.

Фактик мазмунига кўра, процессуал ҳаракатлар субъектнинг фаол ҳаракатларига (сўроқ қилиш, юзлаштириш, тинтув ўтказиш, ашёларни олиб қўйиш, шахсни айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш, илтимос ва шикоятлар қилиш, қарор қабул қилиш) ҳамда муайян процессуал оқибатларга олиб келувчи пассив хатти-ҳаракатига, ҳаракатсизлигига (масалан, маҳкум ёки жабрланувчининг кассация тартибида шикоят бериш ҳуқуқини рад этиш кабиларга) ажратилиши мумкин.

Процессуал ҳаракатлар уларнинг ҳуқуқий муносабатлар билан алоқасига кўра ҳам ўзаро фарқланиши мумкин. Процесс субъектлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларсиз мавжуд бўла олмайдиган ҳаракатлар (масалан, сўроқ қилиш, илтимос қилиш, суддаги нутқ кабилар) ҳам бор. Шунингдек бир томонлама, яъни ҳуқуқий муносабатдан аввал келувчи, уни юзага келтирувчи процессуал ҳаракатлар ҳам мавжуд (масалан, тегишли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатиш, шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ва ҳ.к.). Ушбу ҳаракатларнинг ўзи ҳуқуқий

муносабатлар мазмунини ташкил этмайди. Улар юридик фактлар вазифасини бажаради. Ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши ушбу фактларга боғлиқ бўлади.

Жинойт-процессуал фаолият процессуал функцияларга мос келувчи муайян йўналишлар бўйича фарқланади. Ушбу ҳолда айблов, ҳимоя, ишни ҳал қилиш функцияларини амалга оширишга қаратилган ҳаракатларни ажратиш ва гуруҳлаш мумкин.

Ниҳоят, процессуал ҳаракатлар процесснинг босқичлари бўйича гуруҳлаштирилиши мумкин, чунки уларнинг хусусияти тўпланиб борадиган ахборотнинг хусусияти ва ҳажмига ҳамда қабул қилинадиган қарорларнинг хусусиятига боғлиқ. Масалан, дастлабки терговда процессуал ҳаракатларнинг хусусиятлари кўпроқ ахборот излаш вазифалари билан, суд босқичларида эса уларни текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ бўлади.

Процессуал ҳаракатларни таснифлаш учун турли асосларнинг мавжудлиги уларнинг тизим ташкил этувчи хусусиятларининг ифодаси бўлиб, ушбу ҳаракатларни етарлича аниқ тизимга жамлаш имконини беради. Жиноят процесси — процессуал ҳаракатларнинг конгломерати (тартибсиз йиғиндиси) ёки оддий йиғиндиси эмас, балки жиноят процессининг предмети, вазифалари ва мақсадлари билан боғлиқ бўлган ҳаракат тизимидир, чунки охир-оқибатда процессуал фаолият жиноятни очиш, унинг содир этилиш ҳолатини аниқлаш, айбдорларни фош этиш ва адолатли жазолаш, инда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган.

Суриштирув органлари, терговчи, прокурор, судья ёки суднинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти қарорлар қабул қилишни ҳам ўз ичига оладиган процессуал ҳаракатлар тизимидир. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари бўлмиш ушбу қарорларда жиноят иши бўйича иш юритиш чоғида юзага келадиган айрим саволларга жавоблар бўлади. Қарорлар ҳужжатда ўз ифодасини топади. Ушбу ҳужжат эса ҳуқуқни қўллаш органининг юридик ҳаракатини қайд этувчи индивидуал-ҳуқуқий кўрсатма мавжудлигининг шакли бўлади.

ЖПКда иш юритиш вақтида юзага келиши мумкин бўлган ва қарор қабул қилишни талаб этадиган юздан ортиқ турли хил процессуал-ҳуқуқий масалалар ўз аксини топган. Ушбу қарорларда юридик аҳамиятга эга бўлган ҳамда муайян ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган ва ҳуқуқий кўрсатмалар («жинойт ишини қўзғатиш», «жинойт ишида айбланувчи тари-

қасида иштирок этишга жалб қилиш», «иш юритишни тугатиш» ва бошқалар) бажарилмайдиган ҳолатларнинг бор-йўқлиги аниқланади.

Шундай қилиб, процессуал ҳуқуқий қарорда муайян вазиятда умумий норматив кўрсатмага мувофиқ равишда «нима аниқланди» ва «қандай ҳаракат қилиш керак», деган саволларга жавоб бўлади. Ушбу қарорларни терговчи ёки прокурор жиноят ишини юритиши давомида қабул қиладиган кўплаб тактик қарорлардан фарқлаш керак. *Тактик қарор* умуман тергов вазиятига ва унинг алоҳида таркибий қисмларига, тергов жараёнининг бориши ва натижаларига, унинг элементларига тактик таъсир кўрсатиш мақсадларини танлаш ҳамда ушбу мақсадларга эришиш усуллари, йўллари ва воситаларини аниқлашдир.

Процессуал қарорлар мансабдор шахслар ва давлат органларининг ўз мажбуриятларини бажариш воситасигина эмас, балки процесс иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш шарти ҳамдир. Улар процессуал қонунчиликни қўллаш ҳужжатлари бўлиб, жиноят, фуқаролик, жиноят-ижроия қонунларини қўллаш ҳужжатлари вазифасини ҳам бажаради. Қарорларнинг айримлари фақат процессуал қонун ҳужжатларини қўллашга асосланади ва процессуал ҳаракатларни бажариш ҳақида кўрсатма беради (масалан, терговчининг қарори, суднинг ишни тўхтатиб туриш ёки ҳукм ижросини кечиктириш ҳақидаги ажрими), бошқа процессуал қарорларда (масалан, жиноят содир этганликда айбдор деб топишда) жиноят ҳуқуқига, яна бошқаларида (чиқарилган ҳукмнинг фуқаровий даъвога оид қисм бўйича) эса фуқаролик ҳуқуқига оид масалаларнинг ҳам ечими мавжуд бўлади.

Процессуал фаолият ва ушбу фаолият давомида қабул қилинадиган қарорлар пировардида жиноятларга оид қонун ҳужжатларнинг нормаларини қўллашга қаратилган бўлиб, уларнинг тўғри қўлланилишини таъминлайди. Шу билан бирга, жиноят-процессуал қарор жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг кўрсатмаларини қўллаш актидир, шу сабабли у ушбу қонунчилик кўрсатмаларини амалга ошириш ҳужжати сифатида мустақил ҳуқуқий мазмун ва аҳамиятга эга.

Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қабул қилиши мумкин бўлган қарорларда процессуал фаолиятнинг хусусиятлари, вазифалари ҳамда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни таъминлашда тугган ўрни акс этади. Жиноят процессида ушбу қарорлар юри-

дик кучи билан ажралиб туради. Улар юридик нормаларнинг кучига ва ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг ҳокимиятдан олган ваколатларига таянади. Жиноят процессида қарорларнинг юридик кучи ушбу ҳужжатлар бажарилишининг мажбурийлигида намоён бўлади.

Қонун ҳужжатлари нормаларини қўллаш борасидаги фаолиятнинг ҳокимиятга хос хусусияти процессуал қарорлар мазмунида ҳамда ушбу нормаларнинг бажарилишини таъминлаш учун қарор чиқарган мансабдор шахсларгина қўллашга ҳақли бўлган воситаларда намоён бўлади.

Жиноят процессида қарор ҳукм, ажрим ёки ҳал қилув қарори, шунингдек прокурорнинг санкцияси, терговчи ёки прокурорнинг тақдимномаси шаклиларида чиқарилади. Демак, ҳал қилув қарори – ҳужжатнинг моҳиятини, ҳуқуқий табиатини; қарор, ажрим, ҳукм эса – шаклини акс эттирувчи жинс тушунчадир.

Жиноят процессида қабул қилинадиган қарорлар уларни қабул қилишга ваколатли субъектлар (суриштирув органлари, терговчи, прокурор, судья ёки суд); ҳал қилинадиган масалаларнинг мазмуни бўйича (процесс иштирокчисини, масалан, жабрланувчи деб топиш тўғрисида, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида); функционал вазифаси (масалан, бошланғич – иш қўзғатиш тўғрисида; иш юритишни якунловчи – ишни тугатиш ҳақидаги қарор; ишни мазмунан ҳал қилувчи – ҳукм; жиноятнинг олдини олишга қаратилган – хусусий ажрим); юридик кучи (қонуний кучга кирган ва кирмаган қарорлар); қарорларнинг мажбурий кучи дахлдор бўлган шахслар доираси бўйича таснифланиши ҳам мумкин.

Ҳар бир алоҳида олинган қарор бир неча таснифловчи белгиларга эга бўлиши мумкин.

Баён этилганлар процессуал қарор жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини қўллаш ҳужжати сифатида эга бўлган қуйидаги ўзига хос жиҳатларни ажратиш учун асос беради: қарорларни фақат ишни юритаётган давлат органлари ва мансабдор шахслар ўз ваколатлари доирасида чиқаришлари мумкин; қарорларда давлат органларининг ҳокимият иродаси акс этади, улар жиноят-процессуал муносабатларни юзага келтиради, ўзгартиради ёки тугатади, моддий-ҳуқуқий муносабатларнинг мавжудлигини тасдиқлайди ёки йўқлигини аниқлайди; қарор ЖПКда белгиланган тартибда чиқарилиши ва унда белгиланган шаклда ифодаланиши керак.

Жиноят процессида қарор ЖПКда белгиланган процессуал

шаклда ифодаланувчи ҳужжат сифатида таърифланиши мумкин. Унда суриштирув органлари, терговчи, прокурор, судья ёки суд ўз ваколатлари доирасида иш юзасидан пайдо бўладиган ҳуқуқий саволларга белгиланган тартибда жавоб беради ҳамда аниқланган ҳолатлардан ва жиноят процессининг вазифаларини бажаришга қаратилган қонун ҳужжатларининг кўрсатмаларидан келиб чиқувчи ҳаракатлар хусусида ҳокимиятнинг иродасини акс эттиради.

Жиноят процессида қабул қилинадиган барча қарорлар тизими муайян ижтимоий ҳодиса сифатида қаралиши мумкин. Чунки ушбу қарорлар шахс манфаатларини, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати, соғлиғи, ҳаёти ва мол-мулкани, шунингдек давлатни ҳимоя қилиш учун катта аҳамиятга эга. Қарорларнинг ижтимоий аҳамияти уларнинг шахсни суд ҳукмидан бошқача тартибда айбдор деб топишга йўл қўймаслиги, процесснинг барча иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатланишини таъминлаш, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш сингари муҳим талабларни ифодаловчи ҳуқуқий кўрсатмалар амалга ошишини белгилаган ҳужжатлар эканлиги билан боғлиқ.

Шундай қилиб, суриштирув органлари, терговчи, прокурор, судья ёки суд ўз қарорлари орқали шахснинг ҳуқуқий ҳимояланишига, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари амалга оширилишининг кафолатларини яратишга кўмаклашишлари керак. Процессуал қарорлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ўз вазифаларини бажаришлари ва бутун фаолияти давомида зиммасига юклатилган функцияларни ижро этишларидан иборат энг муҳим омилдир.

Жиноят-процессуал функциялар — жиноят процесси олдида турган вазифаларни ҳал қилиш жараёнининг бориши ва яқунланишини таъминловчи органлар ва шахслар фаолиятининг бош йўналишлари. Юридик адабиётда жиноят процесси функцияларининг сони масаласида турли хил қарашларни учратиш мумкин. Назаримизда, улар ичида энг мақбули функцияларнинг қуйидаги тизимидир:

асосий функциялар: жиноятларни тергов қилиш; айблов; ҳимоя; жиноят ишини мазмунан ҳал қилиш;

қўшимча функциялар: жиноятларнинг олдини олиш; фуқаровий даъвони қувватлаш ва, бинобарин, фуқаровий даъводан ҳимоялаш (баъзан булар реабилитацияни ҳам ўз ичига оладиган ҳуқуқни тиклаш функцияси сифатида бирлаштириб юборилади).

Жиноятларни тергов қилиш функциясини ишни ўз юритувига олган суриштирув органлари, терговчи, прокурор бажаради.

Дастлабки тергов — жиноятни очиш, уни содир этган шахсни аниқлаш, айбдорнинг тергов ёки суддан бўйин товлаши имкониятини йўқ қиладиган чораларни кўриш мақсадларида далилларни тўплаш, қайд этиш, тадқиқ этиш, текшириш ва баҳолаш борасидаги судгача бўлган фаолият, жиноятларни текширишнинг асосий шакли.

Дастлабки терговни юритиш ҳуқуқига ички ишлар органлари, прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати терговчилари, шунингдек прокурорлар эгадирлар. Терговчи ўз ваколати доирасида жиноят ишларини қўзғатади. Унинг вазифасига жиноятларни очиш, жиноят ишларини тергов қилиш, айбдорларни фош этиш ҳамда ишни судда кўриш учун барча зарур маълумотларни тўплаш киради.

Мамлакатимизда барча жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шарт. Терговчи дастлабки тергов ўтказиш давомида унинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида барча қарорларни мустақил қабул қилади. Прокурор санкциясини олиш назарда тутилган қарорларгина бундан мустасно.

Прокурор ва тергов бошқармаси ёки бўлимнинг бошлиғидан бошқа ҳеч ким терговчига иш юзасидан ҳеч қандай топшириқ беришга ҳақли эмас. Аксинча, унинг ўзи оператив қидирув ишлари ўтказадиган суриштирув органларига кўрсатмалар беради.

Суриштирув органи жиноятлар содир этилиши фактлари юзасидан дарҳол чора кўради ва жиноятларни аниқлаш ҳамда очиш юзасидан кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказди. Оператив қидирув фаолияти жиноятни тергов қилишда ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилади. Аммо бир қатор ҳолларда терговчи ушбу воситани қўлламаслигининг иложи бўлмайди.

Оператив усулда олинган маълумотларнинг аксарияти терговчининг раҳбарлигида ошкоралаштирилади. Лекин оператив қидирув иши ҳам жиноятни тергов қилиш бошланишига сабаб бўлиши мумкин. Аммо оператив қидирув органларининг ходимлари терговчи каби мустақил эмасдирлар.

Айблов — ваколатли органлар ва шахсларнинг жиноятни очиш, судда муайян шахснинг жавобгарлиги ҳақидаги масала тўғри ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида ушбу шахснинг айбдорлигини исботлашга қаратилган фаолияти.

Айблов функциясини ким ва қандай шаклларда бажаришига

кўра унинг уч тури фарқланади: давлат (оммавий) айблови, хусусий-оммавий ва хусусий (жабрланувчи қувватлайдиган) айблов.

Айбловнинг асосий шакли давлат айблови бўлиб, уни прокурор амалга оширади ва жамоат бирлашмаси ёки жамоа вакили — жамоат айбловчиси қувватлаши мумкин.

Хусусий-оммавий ишлар фақат жабрланувчининг шикоят буйича қўзғатилади ва жабрланувчининг айбланувчи билан ярашуви натижасида тўхтатилиши мумкин эмас. Айбловни қувватлаш ҳуқуқи жабрланувчи ва прокурорга тегишли.

Жабрланувчининг шикояти (ўзига хос «хусусий айблов») юзасидан қўзғатиладиган жиноят ишлари буйича, ЖПКнинг 325-моддасига мувофиқ, айбловни фақат жабрланувчи қувватлайди.

Ҳимоя — айбловни рад этиш ва айбланувчининг айбсизлигини аниқлаш ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштиришга қаратилган процессуал фаолият. Ушбу функцияни адвокатлар ҳайъатининг аъзолари, ҳимоячи сифатида қатнашиш учун махсус рухсатномага эга шахслар; жамоат бирлашмалари аъзоларининг ишлари буйича — ушбу бирлашмаларнинг вакиллари бажаришлари мумкин. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари, шунингдек бошқа шахслар ҳимоячи сифатида иштирок этишига терговчининг қарори ва суд ажрими буйича йўл қўйилиши мумкин (ЖПК 49-м. 2-қ.).

Жиноят ишини мазмунан ҳал қилиш — фақат судга хос бўлган энг муҳим жиноят-процессуал функция. У суд мажлисларида жиноят ишларини кўриб чиқиш ва жиноят содир этганликда айбдор бўлган шахсларга жазо қўллаш ёки айбсиз шахсларни оқлашдан иборат. Унинг асосий мазмунини суд мажлисида ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириш ҳамда жиноят ишини кўриб чиқиш ташкил этади.

Жиноятларнинг олдини олиш билан суриштирув органлари, терговчи, прокурор ҳам, суд ҳам шуғулланади. Уларнинг ҳар бири учун жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг ўзига хос шакли мавжуд.

Ҳуқуқни тиклаш функцияси жиноят процессининг иштирокчилари жиноят иши қўзғатилган пайтдан бошлаб то суд ҳукми тўлиқ ижро этилгунига қадар амалга ошириладиган ҳамда жиноятдан жабр кўрган шахс, фуқаровий даъвогар ва реабилитация қилинган фуқаро фойдасига қаратилган фаолият бўлиб, уларнинг жиноят содир этилганлиги ёки ҳокимиятнинг суи-



стеъмол қилинганлиги натижасида поймол этилган умумфуқаролик ҳуқуқий мақомининг тўлиқ тикланишини ифодалайди.

1.3. Жиноят-процессуал ҳуқуқ

«Жиноят процесси» тушунчаси «жиноят-процессуал ҳуқуқ» тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, давлат руҳсат берган ҳамда жиноят ишлари бўйича иш юритишни тартибга солишга мўлжалланган нормалар, хатти-ҳаракат қоидалари мажмуини билдиради.

Ҳуқуқнинг ушбу соҳаси жиноят ҳуқуқи билан бошқаларидан кўра кўпроқ боғлиқ, чунки у жиноятлар содир этилганлиги учун мўлжалланган таъсир чораларини амалга ошириш тартибини белгилаб беради. Жиноят-процессуал ҳуқуқнинг мазмуни кўп жиҳатдан жиноят ҳуқуқининг нормаларида ўз аксини топади (масалан, жиноят таркиби жиноят ишлари бўйича иш юритишда исботлаш предметини белгилаб беради; жинорий жавобгарликка тортилаётган шахснинг муомалага лаёқатли ёки лаёқатсиз эканлиги ҳақидаги концепция тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартибига жиддий таъсир кўрсатади ва ҳ.к.).

Бироқ жиноят-процессуал нормалар мазмуни ва вазифаси бўйича ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари — фуқаролик-процессуал, маъмурий ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ тармоқларининг нормалари билан алоқадордир. Ушбу алоқа кўп масалаларда намоён бўлади: жиноят ёки суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суднинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли етказилган зиённи қоплаш фуқаролик қонун ҳужжатларининг нормалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак; хорижий давлатлар талаби бўйича жиноят содир қилган шахсларни ушлаб бериш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи хорижий органлар илтимосини бажариш билан боғлиқ бўлган ва бошқа айрим масалалар халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этган ҳолда ҳал қилинади.

Шунингдек, жиноят-процессуал нормаларнинг мамлакатимиз халқларининг маънавияти, менталитети ва анъаналарига мос келувчи ёзилмаган ахлоқ қоидалари билан чамбарчас алоқадорлиги кузатилади (масалан, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллигидан ёхуд шахсий кафилликдан эҳтиёт чораси сифатида фойдаланиш).

Ахлоқий асослар кўплаб процессуал тақиқларнинг негизидан

этади. Масалан, шахсни сўроқ қилиш чоғида кўрсатув беришга мажбурлаш, оқлов ҳукмига оқланган шахснинг обрўсини тўкадиган маълумотларни киритиш ва шу кабилар тақиқланган.

1.4. Жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар

Жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар бўлиб, уларнинг иштирокчилари (субъектлари) жиноят ишларини қўзғатиш, тергов қилиш, муҳокама қилиш ва ҳал қилиш борасидаги фаолият давомида процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг эгалари сифатида қатнашадилар. Ушбу ҳуқуқий муносабатларда давлат органининг иштироки шарт эканлиги уларнинг ўзига хос жиҳатини ташкил қилади. Айни пайтда мазкур муносабатлар давлат органларининг ўзлари, масалан, терговчи ва прокурор, прокурор ва суд кабилар ўртасида ҳам юзага келиши мумкин. Бинобарин, жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар ҳокимият ва бўйсунуш муносабатларидир. Шу боис улар ҳокимият муносабатлари деб аталиши мумкин.

Процессуал ҳуқуқий муносабатлар доимо икки томонлама хусусиятга эга бўлади, яъни ушбу муносабат субъектларидан бирининг ҳуқуқи албатта бошқасининг мажбуриятига мос келади ва, аксинча. Ҳатто, агар у ёки бу ҳаракатда бир неча шахс иштирок этса ҳам, ҳуқуқий муносабатлар икки томонлама бўлиб қолаверади ҳамда уларда муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгаси сифатида давлат органи иштирок этиши шарт бўлади. Масалан, юзлаштириш чоғида сўроқ қилинаётган шахс суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчининг рўхсати билан сўроқ қилинувчи бошқа шахсга савол бериши мумкин (123-м). Бироқ улар ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келмайди.

Жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа бир хусусиятини уларнинг жиноий-ҳуқуқий муносабатлар билан алоқаси ташкил қилади. Чунки жиноят-процессуал фаолият жиноий-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятини аниқлашга қаратилган. Айнан жиноий ҳуқуқбузарликларнинг катта ижтимоий хавфи жиноят-процессуал муносабатларнинг ҳокимият билан боғлиқ хусусиятини келтириб чиқаради.

Бироқ жиноий-ҳуқуқий ва процессуал муносабатлар ўртасида фарқлар ҳам мавжуд. Жиноий-ҳуқуқий муносабатлар

бевосита давлат ҳамда жиноятни содир этган шахс ўртасида юзага келса, жиноят-процессуал муносабатларда давлатнинг ўзи эмас, балки унинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга ошириш ваколати берилган органлари иштирок этади. Жиноий-ҳуқуқий муносабатлар юзага келишига олиб келувчи юридик фактни ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), жиноят-процессуал муносабатлар юзага келишига олиб келувчи юридик фактни эса содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақидаги маълумотларнинг келиб тушиши ташкил қилади ва ҳ.к.

ЖПКда процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар берилган шахслар ва органлар жиноят-процессуал муносабатларнинг иштирокчиси ҳисобланади. Қонунда уларнинг доираси, фаолиятининг хусусиятлари ҳам белгиланган. Процесс иштирокчиларининг жиноят-процессуал ҳуқуқ нормаларида белгиланган муайян процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш қобилияти уларнинг *процессуал ҳуқуқий лаёқати* деб аталади.

1.5. Жиноят-процессуал фаолият шакллари ва даражалари

Жиноят-процессуал фаолият нафақат муайян кетма-кетликда, балки қонунда қатъий белгиланган процессуал шаклларда ҳам амалга оширилади. *Жиноят-процессуал шакл* жиноят процесси ва унинг айрим босқичлари, шартларининг жиноят-процессуал ҳуқуқда мустақамланган тузилиши, процессуал ҳаракатларни бажариш ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этиш кетма-кетлиги ва тартибидир. Жиноят-процессуал шаклнинг хусусиятларини қуйидагилар ташкил этади: 1) масалани ҳал қилиш ва процесс иштирокчиларининг хатти-ҳаракат усуллари-ни танлашда ошкоралик принципининг диспозитивликдан устунлиги; 2) процесс иштирокчиларининг лозим тартибдаги хатти-ҳаракатларининг давлат мажбурлов чоралари билан таъминланганлиги; 3) мажбурлов хусусиятининг содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфига боғлиқлиги; 4) дастлабки тергов институтининг мавжудлиги; 5) одил судлов жиноий жавобгарлик юклаш ва айбдорга адолатли жазо тайинлашнинг ёки айбсиз шахсни оқлашнинг ягона усули эканлиги; 6) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш институтининг мавжудлиги.

Процессуал фаолиятнинг энг муҳим турларига процессуал шакл берилади. Ҳуқуқий тартибга солинганлик даражаси ушбу

фаолият турларининг пировард мақсад бўлмиш моддий ҳуқуқни (жиноят ҳуқуқини) қўллашда объектив ҳақиқатни аниқлашдаги аҳамиятига боғлиқ.

Масалан, ЖПКда (96–108, 114–120-м.) гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш асослари ва тартиби батафсил баён этилган. ЖПКда ҳатто алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш шартларигина эмас, балки кетма-кетлиги, уларни расмийлаштириш тартиби ҳам белгиланган. Масалан, сўроқ жараёни ва натижалари суриштирув ва дастлабки тергов босқичида – сўроқ баённомасида, суд муҳокамасида эса – суд мажлиси баённомасида қайд этилади (106-м.), шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради (360-м.) ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми ўзининг раҳбарий тушунтиришларида ва аниқ ишлар бўйича чиқарган қарорларида таъкидлаганидек, ЖПК талабларидан арзимас даражада чекинишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди, унда назарда тутилган процессуал шаклга оғишмай риоя этиш эса жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарор қабул қилишнинг муқаррар шартидир. Процессуал шаклнинг бузилиши бир қатор ҳолларда у ёки бу процессуал ҳужжатларнинг ҳақиқий эмас деб топилишига, шунингдек айрим процессуал ҳаракатларнинг қайта амалга оширилишига олиб келади.

Бироқ процессуал шаклнинг асосий хоссалари бир хил бўлгани ҳолда ЖПКда ушбу шаклни жинойий жавобгарликнинг хусусияти, ҳуқуқбузарлик субъектининг ўзига хос жиҳатлари ва бир қатор бошқа сабабларга кўра табақалаштиришга йўл қўйилади. Масалан, ЖПКнинг 13-моддасида жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқиш принципи ҳақида сўз юритилган, қайси ишлар якка тартибда, қайсилари эса халқ маслаҳатчилари иштирокида кўриб чиқилиши, назорат тартибида, суд раёсатида ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумида тегишли судлар ҳайъатларида ишларни кўриб чиқиш қандай таркибда амалга оширилиши батафсил кўрсатилган.

Процессуал шаклнинг муҳим таркибий қисмини ЖПКда белгиланган процессуал шаклдаги процессуал ҳужжатлар ташкил қилади. Уларда суриштирув органлари, терговчи, прокурор, судья ёки суд ўз ваколати доирасида, қонунда белгиланган тартибда жиноят иши бўйича юзага келадиган саволларга жавоб берадилар.

1.6. Жиноят процесси – илм ва ўқув фани

Жиноят процессини бошқача қилиб жиноят-процессуал ҳуқуқ деб атасалар-да, у нафақат ҳуқуқ тармоғи (юридик нормаларнинг муайян мажмуи), балки билимлар тармоғи (илм, фан тармоғи) ёки ўқув фани ҳамдир.

Жиноят процесси фани (жиноят-процессуал фан) тегишли қонун ҳужжатларини, уларни қўллаш амалиётини, ушбу асосда шаклланадиган доктринани, мазкур соҳадаги тарихий тажрибани ўрганиш билан шуғулланади. Шу асосда жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва тегишли ўқув фанларидан дарс беришни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилади.

Жиноят процесси (муайян тартибда амалга ошириладиган фаолият ва у билан боғлиқ муносабатлар, илм ва ўқув фани сифатида) ҳуқуқнинг қўллаб бошқа тармоқлари ва уларга мос фанлар билан алоқада бўлади. Аммо «Жиноят процесси» фанининг тузилиши, аввало, ушбу тармоқнинг асосий қонун ҳужжати – Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг тузилишини, шунингдек жиноят-процессуал фан маълумотларини инобатга олган ҳолда қурилган. Бинобарин, у фан предмети ва унинг тузилиши, қонун ҳужжатларининг хусусиятлари, принциплари ва муаммоларини (далиллар, субъектлар, процессуал мажбурлов чоралари каби) таърифлаш учун зарур бўлган асосий тушунчаларни изоҳлашдан бошланади. Сўнгра иш юритишнинг барча босқичлари ҳамда ишни кўриб чиқишнинг махсус тур ва усуллари (вояга етмаганлар жиноятлари ҳақидаги жиноятларни кўриб чиқиш хусусиятлари, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш) ҳақида маълумотлар берилади.

Шундай қилиб, жиноят процесси ўқув фани, аввало, ҳуқуқий қонуниятларга бўйсунади, шу билан бирга, қонун ҳужжатларининг нормаларини аниқ белгиланган доирада талқин этишга йўл қўяди ва бунда ЖПКнинг Умумий ва Махсус қисмлари нормаларини ва уларнинг амалиётда қўлланишини чуқурроқ ўрганади.

Тахминий тестлар

1. Мазкур қондалардан қайси бири жиноят процессининг вазифаларига кирмайди?

А. Жиноятларни тез ва тўлиқ очиш

- В.** Айбдорларни фош этиш
- С.** Жиноят-ижроия қонунининг тўғри қўлланилишини таъминлаш
- Д.** Қонунийликнинг мустаҳкамланишига ёрдам бериш
- Е.** Жиноятларнинг олдини олиш

2. Жиноят ишини ким кўзгатмайди?

- А.** Суд
- В.** Судья
- С.** Прокурор
- Д.** Терговчи
- Е.** Ҳоким

3. Жиноят процессининг қайси таърифи тўғри?

- А.** Давлат фаолиятининг махсус тури
- В.** Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалга оширадиган фаолият
- С.** Суднинг жиноят ишларини тергов қилиш ва фуқаролик ишларини кўриб чиқиш борасидаги иши
- Д.** Ҳужалик судларининг иши
- Е.** Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг фаолияти

4. Жиноят процессининг функцияларига нималар кирмайди?

- А.** Жиноятларни тергов қилиш
- В.** Айблов
- С.** Ҳимоя
- Д.** Ишни моҳияти бўйича ҳал қилиш
- Е.** Прокурор назорати

5. «Жиноят-процессуал шакл» тушунчасига нима киради?

- А.** Процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг қонунда белгиланган қоидалари
- В.** Тергов ва судлов ҳаракатларини амалга ошириш тартиби
- С.** Процессуал ҳаракатларни бажаришнинг қонунда белгиланган шартлари ва уларни расмийлаштириш тартиби

D. Алоҳида процессуал ҳаракатларни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам содир этиш тартиби ва шартлари

E. Белгиланган шаклдаги кийим (форма) кийиш қоидалари

Текшириш учун саволлар

1. «Жиноят процесси», «жиноят ҳуқуқий судлов», «жиноят ишлари бўйича одил судлов» тушунчаларининг ўзаро муносабати қандай?
2. Жиноят процессининг вазифалари нималардан иборат?
3. Жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар нима ва улар қандай тузилишга эга? Ушбу муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларини айтиб беринг.
4. Жиноят процессининг босқичи нима ва у қандай тузилишга эга?
5. Жиноят процессининг қандай функцияларини биласиз?
6. Жиноят процессининг турдош ҳуқуқ тармоқлари билан ўзаро муносабати ва алоқаси қандай?

II боб. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари

2.1. Жиноят-процессуал қонун – жиноят-процессуал ҳуқуқнинг бош манбаи

Жиноят ишларини тергов қилиш ва ҳал қилиш тартиби, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг фаолияти ҳамда уларнинг жиноят ишларини юритишда иштирок этувчи фуқаролар ва ташкилотлар билан муносабатлари жиноят-процессуал қонунда ифодаланган жиноят процесси (жиноят-процессуал ҳуқуқ) нормалари билан тартибга солинади.

Жиноят-процессуал кодекс – ҳар қандай бошқа қонун сингари бажарилиши шарт бўлган ҳамда аниқ ва оғишмай рияз этилиши лозим бўлган қонун. Ушбу қонунга қатъий амал қилган тақдирдагина жиноят процессининг мақсадларига эришиш мумкин. Жиноят-процессуал қонун суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг жиноят ишларини тергов қилиш ва мазмунан ҳал этишдаги фаолияти ҳамда уларнинг жиноят ишлари бўйича иштирок этадиган фуқаролар ва ташкилотлар билан муносабатларини тартибга солади. Жиноят процессининг тартибга солувчи вазифаси унинг ушбу орган ва шахсларга муайян ҳуқуқлар бериши ва зиммасига муайян мажбуриятлар юклашида намоён бўлади. Бу эса жиноят-процессуал қонун билан белгиланадиган ҳуқуқий қоидалар жиноят-процессуал нормаларни амалга оширишнинг умумий ва мажбурий шакли бўлган жиноят-процессуал муносабатлар орқали рўёбга чиқишини билдиради.

Дарҳақиқат, жиноят ишини юритишда иштирок этаётган қандайдир давлат органи, жамоат бирлашмаси ёки фуқаронинг ҳар қандай процессуал ҳаракати жиноят-процессуал муносабатларни келтириб чиқарадиган фактлар ёки ушбу муносабатлар субъекти ўз ҳуқуқларини амалга оширадиган ёхуд мажбуриятларини бажарадиган ҳаракатлардир.

«Жиноят-процессуал қонун» – жиноят-процессуал нормаларни бирлаштирувчи умумий тушунча. Мазкур нормалар ушбу процессуал норма қўлланилиши учун асос бўладиган ҳолатларни кўрсатувчи гипотеза, процессуал нормада баён этилган кўрсатмани ифодаловчи диспозиция ҳамда ушбу норма бажарилмаган тақдирда келиб чиқадиган оқибатларни ифодаловчи санкциядан иборат.

Кўпгина жиноят-процессуал нормалар мажбур этувчи ва императив (мажбурловчи) нормалардир: улар тергов ва судлов ҳаракатларини содир этишнинг муайян мажбурий тартиби, ўзгармас шаклига риоя этишни буюради. Жиноят-процессуал ҳуқуқда жиноят процесси иштирокчиларига муайян ваколатлар, ҳуқуқлар берувчи нормалар катта ўрин тутади. Жиноят-процессуал ҳуқуқ нормалари жиноят процессида иштирок этувчи шахслар, фуқароларга муайян ҳуқуқларни берган ва кафолатлаган тақдирда суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг бурчи мазкур шахсларга ўзларининг ушбу ҳуқуқларини тўлиқ ва қаршиликсиз амалга оширишлари учун имконият берилишини таъминлашдан иборат бўлади. Бироқ у ёки бу ҳуқуқдан фойдаланиш ёхуд фойдаланмаслик, масалан, илтимос билан мурожаат этиш ёки мурожаат этмаслик, шикоят қилиш ёки қилмаслик кабилар ишда иштирок этаётган шахслар, айбланувчи ёки жабрланувчининг ўзларига боғлиқ. Ана шу маънода тегишли ваколат берувчи процессуал нормалар (қолган нормалардан фарқли равишда) диспозитив хусусиятга эга.

Жиноят процессида бир қатор нормалар конституциявий хусусиятга эга, яъни Конституциядан олинган. Бу гап айбсизлик презумпцияси, фуқароларнинг ҳимояланиш ҳуқуқи, судьяларнинг мустақиллиги кабиларга тааллуқлидир. Бу ҳолат давлатимизнинг Конституцияда мустақамланган сиёсатини ифодалаб, жиноят-процессуал ҳужжатларга ҳокимият кучини беради.

Жиноят-процессуал қонун жиноят-процессуал ҳуқуқнинг бош манбаидир. Бу ҳол бошқа қонунларнинг, хусусан, «Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрирда), «Судлар тўғрисида»ги (янги таҳрирда), «Адвокатура тўғрисида»ги (янги таҳрирда) ва бошқа қонунларнинг аҳамиятини пасайтирмайди. Бироқ амалий фаолиятда жиноят процессининг иштирокчилари одатда жиноят-процессуал қонун нормаларига асосланадилар. Шу боис унинг обрўсини кўтариш мақсадида, гарчи бошқа манбалари бўлса ҳам, у ҳақда жиноят-процессуал ҳуқуқнинг бош манбаи сифатида гапирилади.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг нормалари республикамизда 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган Жиноят-процессуал кодексга бирлаштирилган. Амалдаги ЖПК жиноятларни тергов қилиш ва суд муҳокамасининг ҳақиқий дастури бўлди. У илгари Ўзбекистонда қабул қилинган ЖПКлардан анча фарқ қилади, чунки халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ва нормаларига мос келади,

жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатларни иложи борича тўлиқ тартибга солган, ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва инсон ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш руҳи билан суғорилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси Умумий ва Махсус қисмлардан иборат. Умумий қисмга жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг асосий қоидалари, жиноят процессининг принциплари, ушбу процесс иштирокчилари, далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар, процессуал мажбурулов, жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплаш, жиноятларнинг олдини олиш чоралари, реабилитация, процессуал муддатлар ва чиқимлар киритилган. Махсус қисмга эса ишни судга қадар юритиш; биринчи инстанция судида иш юритиш; ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш; ушбу суд ҳужжатларини ижро этиш, алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш киради. ЖПКнинг бундай тузилиши ва мазмуни жиноятларни тергов қилиш ва судда муҳокама қилишни ҳар томонлама қамраб олади.

2.2. Жиноят-процессуал тартибга солишнинг механизми ва ҳусусиятлари

«Жиноят-процессуал тартибга солиш механизми» — ҳуқуқий тартибга солишнинг тузилиши ва суръатларини ифодалашга ёрдам берадиган тушунча. Жиноят-процессуал тартибга солиш механизмини мустақил илмий муаммо сифатида ишлаб чиқиш ўтган асрнинг 60-йилларида бошланган. Ушбу муаммога турлича қарашлар бўлганлиги учун у махсус юридик, психологик, ижтимоий, бошқаришга оид каби турли йўналишларда ишлаб чиқилди. Мазкур ёндашувларнинг барчаси муаммонинг турли жиҳатларини акс эттиради ва шу боис бир-бирини инкор этмайди. Бироқ бизни фақат муаммонинг махсус юридик жиҳати қизиқтиради. У жиноят-процессуал муносабатларга ҳуқуқий таъсир кўрсатишни таъминловчи асосий ҳуқуқий элементларни кўриб чиқишни тақозо этади. Бундай элементларга қуйидагилар киради: жиноят-процессуал нормалар, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари, жиноят-процессуал муносабатлар ҳамда улар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш ҳужжатлари, яъни процессуал ҳаракатлар.

Ҳуқуқий тартибга солиш жараёни бир қатор босқичлардан ўтади. Уларнинг ҳар бирида муайян натижаларга эришилади.

Ҳуқуқий таъсирнинг ҳар бир босқичи механизмдаги муайян элементнинг иши билан боғланади.

Жиноят-процессуал тартибга солиш механизмида тўртта босқични ажратиш мумкин: 1) жиноят-процессуал нормаларнинг умумий амал қилиши (унда ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳуқуқий нормаларни билиш, уларга муносабатни ишлаб чиқиш, уларда мустаҳкамланган ҳулқ-атвор намуналарига риоя этиш каби натижаларга эришилади); 2) ҳуқуқни қўллаш босқичи (у жиноят-процессуал юридик факт мавжуд бўлганда юзага келади ва тегишли қарорни қабул қилиш билан яқунланади; мазкур босқичнинг вазифаси вазиятни, юридик жиҳатдан аҳамиятли фактни баҳолашдан ва ушбу вазиятга мўлжалланган жиноят-процессуал нормани қўллашдан иборат); 3) жиноят-процессуал муносабатлар босқичи (у одатда ҳуқуқни қўллаш ҳужжати чиқарилганидан кейин бошланади; мазкур босқичда жиноят-процессуал нормаларда мустаҳкамланган умумий процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар шаклини олади); 4) жиноят-процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг амалга ошиш босқичи (мазкур босқичда жиноят-процессуал муносабатлар субъектлари субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқувчи ҳаракатларни содир этадилар ва бу билан ҳуқуқ нормасида назарда тутилган натижаларга эришадилар).

Жиноят-процессуал нормалар — жиноят-процессуал тартибга солиш механизмининг бошланғич, ҳал қилувчи бўғини. Уларда давлатнинг жиноят ишини қўзғатиш, тергов қилиш ва ҳал қилишнинг зарур тартиби борасидаги иродаси бевосита ифодаланади. Жиноят-процессуал нормада, ҳуқуқни қўллаш ҳужжати ва ҳуқуқий муносабатдан фарқли равишда, бир неча бор амал қилишга мўлжалланган умумий, барча учун тенг ва барча риоя этиши шарт бўлган хатти-ҳаракат қоидалари ифодаланади. У механизмнинг бошқа барча элементлари мувофиқ келиши лозим бўлган намунадир. Ҳуқуқий нормаларнинг бутун ҳуқуқий тартибга солиш жараёнидаги алоҳида, белгилувчи аҳамияти ҳам ана шунда. Ҳуқуқий нормалар давлатнинг жиноят процессидаги таъсирига хос деярли барча хоссаларни ўзида жамлайди: жиноят ишлари бўйича энг мақбул, ижтимоий муносабатларнинг мавжуд даражасига энг кўп мос келадиган деб тан олинadиган тартибига барқарорлик бағишлайди.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг нормалари жиноят-процессуал фаолиятни асосан тартибга солиш механизмининг бошқа элементлари (ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари) ор-

қали тартибга солганлигига қарамай, улар жиноят процесси иштирокчиларининг хулқ-атвориға ушбу элементлардан ташқари ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Бунда жиноят-процессуал нормаларнинг улар амалға оша бошлайдиган пайтда ижтимоий онгга таъсири назарда тутилмоқда. Ушбу масала ҳуқуқнинг дунёқарашга таъсири муаммосига қиради. Мазкур муаммо, ўз навбатида, ахборот бериш ва баҳолаш жиҳатларига эга. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг ахборот бериш вазифаси кишилар эътиборига жиноят-процессуал таъсир мақсадлари ҳамда ушбу мақсадларга эришиш имконини берадиган хулқ-атвор намуналарини етказишдан иборат. Жиноят-процессуал нормаларнинг ахборот бериш жиҳати нафақат жиноят-процессуал қонуннинг мазмунини билишни, балки унда ижтимоий қадриятларни қабул қилишни ҳам тақозо этадиган аксиологик жиҳат билан боғлиқ. Жиноят-процессуал қонунда фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги, адолат, ҳақиқат, қонунийлик, айбсизлик презумпцияси, шахснинг дахлсизлиги каби ижтимоий қадриятлар ўзининг норматив аксини топган.

Аниқ социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, фуқароларнинг кўпчилиги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг энг муҳим қондаларини биладилар, тушунадилар ва уларга қўшиладилар.

Давлат жиноят процессининг иштирокчиларига ҳуқуқлар бериб ва мажбуриятлар юклатиб, аввало, фуқаролар ривожланган фуқаролик ва касбий бурч туйғуси, ҳуқуқий фаоллиги туфайли ўзларининг ушбу ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишларига ва юклатилган мажбуриятларни виждонан бажаришларига ишонади. Аммо фуқаровий ва касбий бурчга суяниш бир қатор ҳолларда етарли бўлмайди. Ушанда жиноят-процессуал тартибга солиш механизмига ҳатто процессуал мажбуриятларни бажаришдан бош тортган ёки улар виждонан бажарилмаган тақдирда ҳам ҳуқуқ нормасида назарда тутилган натижаларга олиб кела оладиган қўшимча воситалар қўлланилади. Ушбу воситалар «процессуал мажбурлов чоралари» тушунчаси орқали ифодаланади.

Процессуал мажбурлов нафақат жиноят-процессуал нормаларнинг, балки улар бузилган тақдирда моддий ҳуқуқ нормаларининг ҳам ҳаётда ҳақиқатда амалға оширилишини таъминлаб, гўёки икки томонлама функцияни бажаради.

Сўнги 20–30 йил ичида чоп этилган юридик адабиётда «мажбурлаш» тушунчасига камида икки хил умумназарий ёндашув мавжудлигини кўриш мумкин. Биринчи ёндашув ҳуқуқда

бажарилиши шарт бўлган ва мажбурий бўлган жиҳатларни фарқлаш учун асос қилиб мажбуриятга эга бўлган субъектнинг иродасини ифодалайди. Иккинчиси — бурчнинг мазмунига хос хусусиятни акс эттиради. Биринчи қарашга кўра, бурчлар, уларнинг хусусияти ва мазмунидан қатъи назар, ихтиёрий равишда бажариладиган бўлса, мажбурлаш бўлмайди. Иккинчи ёндашувга кўра, бурчлар, шахс бундай бурчларни ихтиёрий ёки гайриихтиёрий бажаришидан қатъи назар, ҳуқуқни чеклаш хусусиятига эга бўладиган жойда мажбурлаш бўлади.

Процессуалист олимларнинг кўпчилиги мажбурлаш концепциясини қўллаб-қувватлайдилар. Ушбу концепцияга кўра, мажбурият бурчдан у ёки бу бурчнинг «объектив ижтимоий заруриятни» акс этириши ёхуд субъектнинг ҳуқуқий мақомини чеклашни ифодалашига қараб фарқланади. Жиноят процессида иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш мақсадида йўл қўйиладиган ҳуқуқий чекловлар муаммоси ҳамда жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига риоя этишга мажбурлаш муаммосининг айрим жиҳатлари ўзаро мос келса-да, ҳар ҳолда булар чалкаштирилмаслиги керак бўлган нисбатан мустақил масалалардир.

Мажбурлов чоралари — жиноят-процессуал тартибга солиш механизмининг давлат мажбуриятга эга бўлган шахс белгиланган процессуал мажбуриятларини бажармаётган ёки лозим даражада бажармаётган вазиятда ҳам қонун талабларини ҳаётга жорий этишни мўлжаллашига ёрдам берадиган элементи. Ҳуқуқни чеклашлар эса жиноят процессининг махсус шароитларида процессуал бурчларини виждонан бажараётган шахсларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин (масалан, жабрланувчи гувоҳлантирилиши, гувоҳдан қиёсий текширув учун намуналар олиниши мумкин ва ҳ.к.).

Процессуал бурчларда ифодаланган давлат иродаси, ушбу бурчлар муайян ҳуқуқий чекловларга эга ёки эга эмаслигидан қатъи назар, албатта ҳаётга жорий этилиши керак. Мажбурлов чоралари жиноятга, бурчни бажаришдан бош тортганлик ёки лозим даражада бажармаганликка нисбатан бевосита жавоб реакцияси, процессуал мажбуриятларни белгилашдан кўзланган вазифаларнинг муқаррар равишда бажарилишини таъминлаш мақсадида қўлланиладиган чоралардир. Процессуал мажбурлов (жиноятнинг олдини олувчи мажбурлов чоралари бундан мустасно) ушбу мажбурловнинг ҳуқуқий механизми нормал амал қилмай қолганда, шунингдек, ундан оғиш рўй берганда юз берадиган реакциядир. Мажбурлов ўзининг функционал белги-

лари бўйича ажратилганидан кейингина ўзининг хизмат вази-
фасини амалда бажариши учун қандай бўлиши кераклиги
ҳақида сўз юритиш мумкин. Аммо бу – мажбурловнинг, яъни
ҳуқуқий жазоларнинг самарадорлиги ҳақидаги масала.

Процессуал мажбурлов жиноят-процессуал ҳуқуқни қўллаш
ҳужжатлари ёрдамида амалга ошади. Процессуал қарорлар му-
айян маънода, қонун чиқарувчи орган умумий хусусиятга эга
бўлган ҳуқуқий нормани чиқариш давомида бошлаган ишни
давом эттирадиган ҳуқуқни қўллаш актлари сифатида намоён
бўлади. Ушбу давом эттиришнинг моҳияти шундаки, процес-
суал ҳуқуқни қўллаш акти умумий норма асосида ва доирасида
якка тартибдаги норматив тартибга солишни амалга оширади.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжати жиноят-процессуал муноса-
батларни ҳокимият кучи билан индивидуал тарзда тартибга
солади ва бу ҳуқуқ нормаларига асос бўлган дастурларнинг
қатъий доирасида юз беради. Бундай ҳужжат янги процессуал
нормаларни яратмайди, балки амалдаги ҳуқуқий нормаларни
якка тартибда қўллайди ва шу боис жиноят-процессуал тартибга
солиш жараёнида таъминот функцияларини бажаради.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини амалга оширишнинг
умумий кўриниши қуйидагича. Ваколатли мансабдор шахс реал
воқеликда процессуал норма қўлланилиши мўлжалланган ҳолат-
ларнинг (юридик фактларнинг) мавжудлигини аниқлайди, мазкур
ҳолатларнинг мавжудлигини тасдиқловчи ва бу билан ушбу норма
амалга оширилиши кераклигини тан олувчи ҳуқуқни қўллаш
ҳужжатини чиқаради. Бунинг натижасида ушбу норманинг амал
қилиш доирасига тушувчи шахсларда муайян субъектив ҳуқуқ ва
мажбуриятлар юзага келди, яъни одамлар ўртасида аниқ жиноят-
процессуал ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқади. Ҳуқуқий
муносабатлар қарор толганидан кейин эса уларнинг субъектлари
субъектив ҳуқуқ ва бурчларнинг мазмунини ташкил қилувчи
ҳаракатларни содир этиш имкониятига эга бўладилар, яъни ушбу
ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш ва бу билан жиноят-
процессуал нормани рўёбга чиқариш имконига эга бўладилар.
Ҳуқуқий нормани амалга ошириш жараёни уларнинг амалда
қонун асосида ҳаракат қилиши билан яқунланади.

Бироқ ҳар бир жиноят-процессуал норма айнан шу тариқа
амалга ошади, деб ҳисобламаслик керак. Жиноят-процессуал
қонун ҳужжати тизимли бўлганлиги, турли ҳуқуқий нормалар
ўртасида «меҳнат тақсимоти» мавжудлиги боис улар ҳуқуқий
тартибга солиш жараёнида турли функцияларни бажаради. Баъ-

зи нормалар кўпроқ жиноят-процессуал фаолият вазифаларини белгилашга хизмат қилса, бошқалари жиноят-процессуал муносабатлар субъектларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилайди ва ҳ.к. Бундай нормалар бутунлай мустақил равишда амал қилмайди, балки бошқа процессуал нормаларга сингиб кетади ва улар орқали амалга ошади.

Агар субъектлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни соф ҳуқуқий алоқалар (айбланувчининг нимада айбланаётганлигини билиш ҳуқуқи ва терговчининг айблов хулосасини тақдим этиш, унинг моҳиятини тушунтириб бериш мажбурияти) сифатида қарайдиган бўлсак, ҳуқуқий муносабатлар кўз олдимизда ҳуқуқий тартибга солиш воситаси сифатида, ҳақиқий жиноят-процессуал муносабатлар (терговчи билан айбланувчи ўртасидаги муносабатлар) – тартибга солиш предмети сифатида, яъни жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари ҳуқуқ ва мажбуриятлар ёрдамида таъсир кўрсатадиган ижтимоий муносабатлар соҳаси сифатида намоён бўлади.

Жиноят-процессуал муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш воситаси сифатида, амалдаги жиноят-процессуал муносабатларни эса тартибга солиш предмети сифатида қараш анча қийин. Зеро, агар ҳуқуқ нормаси мавжуд бўлса, юзага келаётган амалдаги жиноят-процессуал муносабатларга нормада назарда тутилган юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлар қўйилади ва шу боис амалдаги жиноят-процессуал муносабатлар дарҳол ҳуқуқий шаклда, яъни ҳуқуқий муносабатлар сифатида мавжуд бўла бошлайди.

Масалан, қўйилган айблов бўйича терговчи билан айбланувчи ўртасида мавжуд бўлган амалдаги жиноят-процессуал муносабатлар айблов эълон қилинган заҳоти юзага келади. Ана шу пайтда, фаолият ҳали тугамаганлиги ва иккала субъект ҳам унинг натижаларидан манфаатдор бўлганлиги сабабли, улар ўртасида объектив равишда алоқа ва боғлиқликлар юзага келади. Улар қандайдир хатти-ҳаракат шаклига кириши керак бўлади. Аммо ушбу вазиятни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлганлиги туфайли, терговчи билан айбланувчи ўртасида қўйилган айб бўйича амалий муносабатлар юзага келган ана шу пайтнинг ўзида уларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар, яъни айбланувчида – жиноят ишига айбланувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб этиш бўйича тушунтириш олиш ҳуқуқи, терговчида эса уни сўроқ қилиш мажбурияти пайдо бўлади. Шу боис уларнинг амалдаги муносабатлари жиноят-процессуал қонун нормаларидан ва юридик фактдан (айблов қўйиш фактидан)

келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан дарҳол тартибга солинади, яъни ўша ондаёқ ҳуқуқий муносабатларга айланади.

Аммо амалдаги ижтимоий муносабат қонун билан тартибга солинган шаклга кирган, субъектлар қонун улардан айнан қандай хатти-ҳаракатларни талаб қилишини ва улар ўзларини бошқача тутганларида нима юз беришини билган пайтда бундай ижтимоий муносабат ҳуқуқий тартибга солишнинг натижаси сифатида намоён бўлади. Ана шундай сабабли ҳам жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш воситаси деб баҳолаш мумкин (бунда ҳуқуқ ва мажбуриятлар амалдаги ижтимоий муносабатни қамраб олган ва тартибга солинган бўлади). Жиноят-процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар жиноят процесси иштирокчиларининг биргаликдаги фаолиятини қамраб олганлиги, уларга муайян тартиб бағишлаганлиги, уларни давлат ҳимоясига қўйганлиги сабабли, уларни ҳуқуқий шакл деб, амалдаги жиноят-процессуал фаолиятни эса ушбу шаклнинг моддий мазмуни деб қараш мумкин.

Жиноят-процессуал фаолият муайян хусусиятга эга бўлганлиги туфайли, жиноят процесси вазифаларининг тегишли босқичда бажарилиши учун масъул бўлган мансабдор шахс ёки давлат органи жиноят-процессуал муносабатнинг мажбурий субъекти бўлиши керак. Чунки фуқаролар ўртасида мустақил жиноят-процессуал муносабатлар мавжуд эмас (фақат айбланувчи билан ҳимоячи ўртасидаги муносабатлар бундан мустасно).

Ҳуқуқий тартибга солиш жараёни ҳуқуқий муносабатларнинг амалга ошиши билан, яъни ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мазмунини ташкил қилувчи ҳаракатларнинг содир этилиши (уларни содир этишдан ўзини тийиш) билан яқунланади. Ҳуқуқий механизмнинг ишлаши айнан инсоннинг реал ҳаракатларига боғлиқ. Бироқ реал ҳуқуқий хатти-ҳаракат, уларнинг нормада назарда тутилган моделдан оғишига таъсир этувчи омиллар муаммоси унга қараганда кенгроқ бўлган жиноят-процессуал фаолиятнинг самарадорлиги муаммосининг таркибий қисмини ташкил этади.

2.3. Жиноят-процессуал қонуннинг замон, макон ва шахслар бўйича амал қилиши

Жиноят-процессуал нормалар ЖПК моддалари кўринишида ифодаланган бўлиб, замон ва маконда чекланган муайян доирадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ушбу чегаралар норманинг ўзида кўрсатиш ёки амал қилиш вақти ва ҳудудига доир умумий қоидалар орқали белгиланади.

Жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳар қандай бошқа объектив реаллик каби, вақтда амал қилади. Амал қилиш бошланган вақт эса уларнинг кучга кириш пайтига қараб белгиланади. Ушбу пайтни аниқлаш жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг ҳам, процессуал ҳуқуқнинг амалга ошуви жараёнининг ҳам муҳим жиҳатидир. Зеро, қонуннинг кучга кириши шу пайтдан эътиборан суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура, суд адвокатуранинг барча мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар унга амал қилишлари шарт эканлигини, у бажариш учун мажбурий ҳужжатга айланишини билдиради.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида процессуал нормаларнинг кучга кириш пайтини аниқлашнинг қуйидаги усуллари мавжуд: биринчидан, ушбу нормалар қабул қилинган ёки чоп этилган пайтидан бошлаб кучга киради; иккинчидан, кучга кириш вақти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси ёки «Халқ сўзи» («Народное слово») газетасида чоп этилганидан кейин муайян муддат (10 кун) ўтиши билан белгиланади; учинчидан, жиноят-процессуал хусусиятга эга бўлган норматив ҳужжат унинг ўзида ёки, худди ЖПКдаги каби, ушбу ҳужжатни тасдиқловчи қонунда бевосита кўрсатилган пайтдан бошлаб кучга киради.

Жиноят-процессуал ҳужжатнинг амал қилиш муддати (давомийлиги) у кучга кирган пайтдан то амал қилишдан тўхтаган пайтгача ўтган вақт билан ўлчанади. Жиноят-процессуал қонунлар қуйидаги асослар бўйича кучини йўқотган, бинобарин, амал қилишдан тўхтаган ҳисобланади: янги қабул қилинган процессуал ҳужжат ёки ваколатли органнинг махсус қарори матнидаги бекор қилиш тўғрисидаги бевосита кўрсатма натижасида; илгари амалда бўлган процессуал ҳужжатни алмаштирувчи янгиси қабул қилиниши муносабати билан (бунда аввалги ҳужжат расман бекор қилинмаганлигининг аҳамияти йўқ); процессуал ҳужжатнинг ўзида белгиланган амал қилиш муддатининг тугаши натижасида.

Процессуал ҳужжатларнинг маконда амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди билан чекланади, яъни ушбу ҳудудда уларга риоя этилади. Бунда давлат ҳудуди деганда, ер юзининг давлат чегараси билан чекланган қисми, ички ва ҳудудий сув ҳавзалари, улар устидаги ҳаво бўшлиғи, шунингдек давлатнинг очиқ денгизда бўлган ҳарбий кемалари, давлат ҳудудидан ташқари-

даги ҳавода парвоз қилаётган ҳаво кемалари ҳамда элчи-хоналарнинг худудлари тушунилади.

Мамлакатимиз худудида жиноят-процессуал нормалар унинг барча фуқаролари, мансабдор шахслари, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва ажнабийларга нисбатан амал қилади. Қонунда унинг кимларга нисбатан қўлланиши бевосита кўрсатилган бўлади. Бу ўзига хос таъсир этувчи шахсларнинг доираси аниқлаштирилган, яъни мажбуриятга эга бўлган шахслар доирасини чекловчи нормадир.

Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар мамлакатимизда унинг фуқаролари билан бир хил ҳуқуқий лаёқатга эгадирлар. Ўзбекистон қонун ҳужжатларида айрим чекловлар белгиланиши мумкин. Бироқ хорижий фуқаролик муомала лаёқати у қайси мамлакатнинг фуқароси бўлса, ўша мамлакатнинг қонунида белгиланади. Фуқаролиги бўлмаган шахснинг фуқаролик муомала лаёқати у доимий асосда яшайдиган мамлакат қонуни бўйича белгиланади. Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар мамлакатимиз қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда муомала лаёқатига эга бўлмаган ёки муомала лаёқати чекланган деб топилишлари мумкин.

Агар Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган халқаро шартномаларида давлатнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида кўрсатилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартномаларнинг қоидалари қўлланилади. Ўзбекистон имзолаган халқаро шартномада мамлакатимиз жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига нисбатан ҳам худди шундай тартиб қўлланади.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси худудида яшовчи барча шахсларга нисбатан қўлланиши ҳақидаги умумий қоидадан айрим истиснолар мавжуд бўлиб, улар тартибга солинадиган муносабатларнинг ва халқаро ҳуқуқий битимларнинг хусусиятидан келиб чиқади. Масалан, дипломатик иммунитетга эга бўлган чет эллик фуқароларни жинойий жавобгарликка тортиш тақиқланади. Улар, шунингдек кўрсатув бериш учун судга мажбуран чақирилишлари ҳам мумкин эмас. Хорижликларнинг гайриқонуний ҳаракатлари ҳақидаги масала фақат дипломатик йўл билан ҳал этилиши мумкин. Улар фақат фуқаролик ишлари бўйича ва халқаро ҳуқуқ нормалари ёки тегишли давлатлар

билан имзоланган битимлар билан белгиланадиган доирадагина Ўзбекистон миллий қонунларига бўйсунадилар.

2.4. Судлар, прокурорлар, терговчиларнинг хорижий давлатларнинг тегишли муассасалари билан алоқа қилиш ва уларнинг процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳақидаги топшириқларини бажариш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонга чиқиши, халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида эътироф этилиши, мамлакатимизнинг жиноятчиликка қарши кураш борасида ҳамкорлик қилувчи халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши судлар, прокурорлар, терговчиларнинг хорижий давлатлардаги тегишли муассасалар билан алоқа қилишини тақозо этади. Жиноятчилик ҳам давлатлараро чегараларни тан олмайди. Бунинг устига, МДХ давлатларининг чегаралари ҳамон «шаффоф» бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда халқаро ҳамкорликнинг жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича икки томонлама, минтақавий ва универсал даражалардаги бир қатор йўналишлари мавжуд. Ушбу ҳамкорлик МДХ давлатлари ўртасида ҳам ва, биронта ҳамжамиятга мансублигидан қатъи назар, ҳар қандай давлат билан амалга оширилиши мумкин. Масалан, МДХ давлатларининг бошлиқлари 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида имзолаган Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенция ёки Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида 1994 йил 23 июнда имзоланган Фуқаролик, савдо ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартнома ана шу мақсадга қаратилган.

Жиноятчиликка қарши кураш борасида амалга ошириладиган халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

а) жиноят ишлари бўйича жиноятчиларни ушлаб топшириш ва ҳуқуқий ёрдам бериш (экстрадиция);

б) илмий-ахборот йўналиши (давлат миқёсидаги илмий ва амалий тажриба алмашиш, муаммоларни муҳокама қилиш ҳамда биргаликда тадқиқотлар ўтказиш);

в) давлатларга оғир жиноятларга қарши курашда касбий-техникавий ёрдам кўрсатиш;

г) бир неча давлатларга дахлдор бўлган жиноятларга қарши курашни шартномавий-ҳуқуқий мувофиқлаштириш (давлатлар-

нинг халқаро битимлар асосида жиноятларнинг айрим турларига қарши курашда ҳамкорлик қилиши.

Мазкур асосий йўналишлардан келиб чиқиб, судлар, прокурорлар ва терговчиларнинг хорижий давлатлардаги тегишли муассасалар билан алоқалари одатда икки шаклда — халқаро идоралар ва ташкилотлар доирасида (БМТнинг Ўзбекистонда наркотикларнинг халқаро назорат қилиниши бўйича дастури, Интерполнинг Ўзбекистондаги миллий марказий бюроси) ҳамда халқаро битимлар асосида — амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрда қабул қилинган 573-сонли қарори билан Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги миллий марказий бюроси ҳақидаги низом тасдиқланган. Унга биноан Интерполнинг ушбу бўлинмаси мамлакатимиз Ички ишлар вазирлиги таркибидаги халқаро жиноятчиликка қарши кураш масалаларини мувофиқлаштирувчи марказдир. У ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон имзолаган халқаро шартномаларга, Халқаро жиноят полицияси ташкилотининг Устави ва бошқа норматив ҳужжатларига, Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги миллий марказий бюроси тўғрисидаги низомга ҳамда мамлакатимиз Ички ишлар вазирлигининг норматив ҳужжатларига асосланади. Интерполнинг миллий марказий бюроси ўз вазифаларини фақат оғир жиноятларга қарши кураш масалалари бўйича амалга оширади ва сиёсий, ҳарбий, диний хусусиятга эга фаолият билан шуғулланмайди.

Хорижий муассасаларнинг процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқларини бажариш масалаларида миллий қонунчилик ҳамда халқаро ҳуқуқ нормалари чамбарчас боғланиб кетади. Ушбу боғланишнинг асосини халқаро ҳуқуқ муаммоларига тааллуқли миллий ҳуқуқий норма фақат халқаро шартномада мустаҳкамланган тақдирда ёки халқаро амалиёт орқали халқаро одат нормаси хусусиятига эга бўлган тақдирдагина халқаро ҳуқуқий нормага айланиши мумкинлиги ва муқаррарлиги ҳақидаги қоида ташкил қилиши керак. Бошқа томондан қараганда, халқаро ҳуқуқ давлатнинг ичида амал қиладиган ҳуқуқни янги нормалар билан тўлдириш, аниқлаштириш ва кенгайтириш орқали унга таъсир этади.

Жиноятларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг жиҳатларидан бири турли хил халқаро битимларда ва ҳужжатларда қайд этилган ҳамда жиноятчиликка

қарши қураш муносабати билан инсон ҳуқуқларини таъминлашга ҳамда адлия органларининг фаолиятини ташкил қилиш кабиларга бир хилда тааллуқли бўлган маълум миқдордаги халқаро нормалар, стандартлар, қоидалар, раҳбарий кўрсатмалар кабиларни ишлаб чиқишдан иборат.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида (1948 йил), айниқса, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда (1966 йил) жиноят процессининг алақачон қарор топган демократик принципларидан бўлган айбсизлик презумпцияси, ваколатли ҳокимият органларининг ҳуқуқий ҳимоя воситалари билан таъминлаши каби принциплар ифодаланган. Бундай ҳимоя воситалари хорижий муассасаларнинг процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳақидаги топшириқларини тергов органлари ва судлар бажарган тақдирдагина тақдим этилиши мумкин. БМТ Бош Ассамблеясининг XXXIV сессияси 1979 йилда маъқуллаган Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий тартибни сақлаш борасидаги хатти-ҳаракатлари кодексиди ҳам давлатларнинг тергов органлари ва судлари уларга хорижий муассасалар айрим тергов ва суд ҳаракатларини ўтказиш ҳақида берган топшириқларни бажаришлари зарурлиги таъкидланган.

Хорижий муассасалар ЖПКнинг 6-моддасида келтирилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш борасида берган топшириқлар Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигига ёки мамлакатимиз Прокуратурасига юборилиши керак. Агар улар бевосита тергов органлари ёки судга келиб тушадиган бўлса, тегишли равишда Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги ёки Прокуратураси билан келишилганидан кейингина бажарилиши мумкин. Бошқача айтганда, ушбу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи марказий органлар хорижий муассасаларнинг процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳақидаги топшириқларини бажариш учун рухсат беради.

Қонунда суд ҳокимиятини ўзида ифодалаб хорижий давлатларнинг тегишли муассасалари билан процессуал ҳаракатларни амалга ошириш масалалари бўйича бевосита алоқа қиладиган асосий суд органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди учунгина истисноларга йўл қўйилади. Бинобарин, Олий суд хорижий муассасаларнинг топшириқларини бажариш учун мамлакатимиз Адлия вазирлиги ва Прокуратураси билан келишиши талаб этилмайди.

Ўзбекистон ҳудудида хорижий муассасаларнинг гувоҳлар,

айбланувчилар, экспертлар ва бошқа шахсларни сўроқ қилиш, шунингдек тинтув, ашёвий далилларни олиб қўйиш ва бировга бериш каби тергов ҳаракатларини ўтказиш билан боғлиқ топшириқларини бажаришда зарур ҳужжатларни тузиш ва жўнатиш ишлари, жиноят қаерда содир этилганлигидан қатъи назар, ушбу ҳаракатлар амалга оширилаётган пайтда амал қилаётган қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда юритилади.

Агар қандайдир сабабга кўра, хорижий муассасанинг топширигини бажаришнинг иложи бўлмаса, ушбу муассасалардан олинган ҳужжатлар ҳуқуқий жиҳатдан батафсил тартибга солиниб ҳамда унинг бажарилишига тўсқинлик қилган сабаблар кўрсатилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки Прокуратураси орқали мазкур топшириқни берган муассасага қайтарилади.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми, Бош прокурор ва Ички ишлар вазирлиги норматив ҳужжатларининг қўлланилиши

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тушунтириш берилган қонунни қўлловчи судлар, бошқа органлар ва мансабдор шахслар учун бажарилиши шарт бўлган ҳужжатлардир. Раҳбарий тушунтиришларнинг мажбурий хусусияти шундаки, жиноят процесси фақат қонун билан тартибга солинади ҳамда ушбу қонунни қўллаш бўйича берилган тушунтиришлар қонуннинг ўзи билан қандай нисбатда бўлади, деган саволга жавоб беришни талаб қилади. Бунинг учун мазкур тушунтиришлар зарурлигини юзага келтирадиган асосларни таҳлил қилиб чиқамиз.

Суд амалиётини ўрганиш давомида судларнинг жиноят-процессуал қонунни қўллаш фаолиятида аниқланган камчиликлар, жумладан, суд хатолари умумий асос бўлиб хизмат қилади. Суд фаолиятида аниқланган камчиликларнинг сабаблари жиноят-процессуал қонун маъноси ва мазмунини тушунишдаги қийинчиликлар ёки етарлича тушунарли бўлган ҳуқуқий нормаларни қўллашга салбий таъсир этувчи ташкилий ёхуд психологик хусусиятга эга бўлган жиҳатлар бўлиши мумкин. Одатда бу жиноят-процессуал қонуннинг у ёки бу талабларини етарлича баҳоламаслик билан боғлиқ бўлади.

Пленумларнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини қўллашга доир масалалар бўйича қабул қилган раҳбарий қарор-

ларини таҳлил қилиш уларда берилган кўрсатмаларнинг деярли чорак қисми уни оғишмай бажариш зарурлигига эътиборни тортишга, процессуал воситалардан самарали фойдаланишга ёрдам берувчи баъзи бир ташкилий жиҳатларни кўрсатишга қаратилмаганлигидан далолат беради. Масалан, кассация тартибида берилган шикоят ва протестларга диққат билан ва ўйлаб муносабатда бўлиш, далилларни пухта таҳлил этиш зарурлиги ҳақидаги тушунтиришлар ана шундай хусусиятга эга. Мазкур тушунтиришлар қонуннинг мазмунига тааллуқли бўлмаган ҳолда суд амалиётини жиноят процесси вазифаларининг бажарилишига эришиш мақсадида ушбу қонунни оғишмай бажаришга йўналтиради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 16-сонли қарорида: «Одил жазо тайинлаш республикада қонунийликни, фуқароларнинг хавфсизлигини ва конституциявий ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоялашнинг жуда муҳим негизи бўлиб, у жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар мажмуи ҳамда айбдорнинг шахсиятини эътиборга олган ва фақат алоҳида ёндашув, инсонпарварлик ва адолат қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда белгиланиши зарур. Бунда ЖК 42-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойий фаолиятни давом эттиришига йўл қўймаслик ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилишини инобатга олмоқ керак»¹.

Суд амалиётининг камчиликларига жиноят-процессуал қонун мазмуни ва маъносини тушунишда бир хилликнинг йўқлиги сабаб бўлган ҳолларда тушунтиришлар бошқача хусусият касб этади. Ушбу ҳолларда Пленум мазкур қонуннинг расмий ва мажбурий тушунтиришини (ёки талқинини) бериши керак. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди қасддан одам ўлдириш жиноятларига қарши кураш борасидаги қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини ўрганиб чиқиб, Пленумнинг 1996 йил 20 декабрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 40-сонли қарорида шундай деб таъкидлади: «Судларнинг эътибори ҳар бир жиноят ишини кўришда мажбурий ҳисобланган содир этилган жиноятнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холис равишда текшириш тўғ-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991–1997: Икки жилдли. I жилд. Т., 1997. 41-б.

рисидаги қонун талаби, айниқса одам ўлдириш тўғрисидаги ишлар бўйича инобатга олиниши кераклигига қаратилсин, чунки қонун айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда бу жиноятни содир этган айбдорга ўлим жазосини қўллашни кўзда тутуди.

Дастлабки терговнинг тўла ўтказилмаганлиги ва бир томонлама юргизилганлиги натижасида ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган одам ўлдириш жиноятининг барча ҳолатлари аниқланмаган ҳолларда ва бу камчиликларни суд мажлиси вақтида тўлдириш мумкин бўлмаса, иш қўшимча терговга юборилиши лозим»¹.

Қонуннинг мазмунини тўғри тушуниш борасидаги қийинчиликлар кўпгина жиноят-процессуал нормаларнинг мавҳумлиги, уларда баҳоловчи тушунчаларнинг мавжудлиги, жиноят-процессуал қонуннинг мураккаб тузилиши каби ҳолатлар билан боғлиқ. Амалиётда бир хил қўлланилишига эришиш мақсадида, Пленум ўзининг тушунтиришларида жиноят-процессуал қонуннинг ҳуқуқни қўлловчи субъектлар тўғри тушунишга қийналдиган тушунчаларнинг ҳақиқий ҳажмини очиб бериши керак.

Қонуннинг мазмунини очиб бериш ҳуқуқий тушунча ҳажмига кирадиган муайян фактик ҳолатларни кўрсатиш орқали амалга оширилади. Айнан шу боис Пленум қонунни тушунтириш натижасида ишлаб чиқадиган мажбурий кўрсатмалар аниқлаштирувчи ҳуқуқий қоидалар хусусиятига эга бўлади. Пленум ифодалаб берадиган аниқ тушунтиришлар янги жиноят-процессуал нормаларни ҳосил қилмайди, балки мавжуд нормаларнинг мазмунига аниқлик киритади. Шу сабабли мажбурий тушунтиришлар қонунга аниқ мос келиши талаб қилинади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми ўзининг 1996 йил 20 декабрдаги «Жиноят ишларининг судлар томонидан кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги 43-сонли қарориди «Судлар қонунга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 479, 500, 504-моддалари) процесс иштирокчилари келиб тушган шикоят ёки протестлар билан танишишга ва ўз эътирозларини билдиришга ҳақлидирлар. Лекин уларга бу мажбуриятни юклаш қонунга зиддир»², деб тушунтирган.

Бироқ қонунга мувофиқлик ёки тушунтиришнинг адекватлиги муаммоси баъзан уни сўзма-сўз талқин этиш талаби сифати-

¹ Ўша жойда. 75-б.

² Ўша жойда. 93-б.

да нотўғри изоҳланади. Аслида, сўзма-сўз ва адекват талқин этиш – бир нарса эмас.

Адекват талқин этиш – қонун чиқарувчи органнинг ҳақиқий иродасига тўла мос тарзда, яъни тўғри талқин этиш. Сўзма-сўз талқин этиш эса қонун ҳарфи доирасида талқин этишдир. Одатда сўзма-сўз талқин этиш адекват ҳам бўлади, чунки нормани сўзлар орқали ифодалаш кўп ҳолларда унинг маъносига аниқ мос келади.

Пленумга қонунларни фақат сўзма-сўз тушунтириш талабини қўйиш ҳажми ҳеч кимда шубҳа уйғотмайдиган жиноят-процессуал нормаларга нисбатангина маънога эга бўлади. Албатта, «бошқа ҳужжатлар», «иш учун муҳим ҳолатлар», «шахсни жиноий жазо чораларини қўлламадан туриб ахлоқан тузатиш мумкинлигидан далолат берувчи ҳолатлар» каби тушунчаларни сўзма-сўз талқин этиш ҳақидаги тавсиялар кам аҳамиятлидир.

Агар норма барча қабул қилган маънога эга бўлса, у ҳақда расмий тушунтириш бериш зарурати ҳам пайдо бўлмайди. Бундай зарурат у ёки бу нормалар ҳар хил тушунилганда юзага келади. Уларни тушунишдаги фарқлар айрим ҳуқуқни қўлловчилар у ёки бу фактик ҳолатларни ҳуқуқий норма мазмунига кирадиган ҳолатлар сифатида, бошқалари эса кирмайдиган ҳолатлар сифатида баҳолашларида намоён бўлади. Натижада биринчи ҳолда қонунни кенгайтирилган тарзда талқин этиш, иккинчисида чекланган тарзда талқин этиш ҳолати мавжудлиги таъкидланади. Аслида, улардан биттаси, яъни ё кенгайтирилган, ё чекланган талқингина тўғри бўлади. Ана шу тўғри талқинни энг малакали ҳуқуқни қўлловчи орган – Олий суд бериши керак. Шу боис Пленум у ёки бу қонуннинг чекловчи ёки кенгайтирувчи талқинини берди, деганда Пленум тушунтирилаётган норманинг чегарасидан, яъни қонун чиқарувчи орган иродасининг чегарасидан чиққанлиги тушунилмайди, чунки норманинг ҳажмини айнан шундай тушунтириш ягона тўғри тушунтириш бўлиши мумкин. Бунда шубҳалар мавжуд бўлганда охириги сўзни доимо қонун чиқарувчи органнинг ўзи айтиши назарда тутилади. Айнан шу боис Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қонунларни талқин этиш ҳуқуқи Олий Мажлисга берилган. Лекин бу фақат угина қонунни қўллаш чоғида юзага келадиган унинг маъно ва мазмунига оид ҳар қандай шубҳаларни бартараф этиши мумкинлигини билдирмайди. Жуда кўп ҳолларда қонунларни талқин этишнинг фанда ишлаб чиқилган ва

амалиётда синовдан ўтган барча усулларидан фойдаланиш Олий суд Пленумига жиноят-процессуал норманинг ҳақиқий ҳажмини нисбатан осон ва бехато аниқлаш имконини беради ва Олий Мажлиснинг аралашувини мутлақо талаб этмайди.

Ҳуқуқни қўлловчилар қонунни ҳар хил тушунишларининг ҳар қандай кўриниши аниқланганда, Олий суд ўзининг раиси орқали талқин этиш ҳақида илтимос билан Олий Мажлисга мурожаат этиш керак, деб ҳисоблаш Олий судга қонунни қўллашни тушунтириш ҳуқуқини бериш зарурлигининг ўзини шубҳа остига олишни билдиради. Шуниси аниқки, Олий суд раисининг тушунарсиз қонунни шарҳлаб беришни сўраб мурожаат этиш ҳуқуқи ҳақида сўз борганда, Олий суднинг ўзида юзага келадиган ҳоллар назарда тутилади. Бунга қуйидаги ҳолларда муқаррар равишда дуч келинади: а) талқин этишнинг барча усулларини қўллаш ҳам турли хулосаларга олиб келганда; б) нормани талқин этиш натижаси бошқа ҳуқуқий нормага зид келганда; в) талқин этиш натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки процессуал мажбурловни кенгайтириш хавфи юзага келганда. Бу тоифадаги шубҳаларни фақат қонун чиқарувчи орган ҳал қилиши керак.

Албатта, Пленумнинг жиноят-процессуал нормаларнинг мазмунини очиб бериши ва шу асосда мажбурий кўрсатмалар бериши — ҳуқуқ ижодкорлиги сифатида, Пленумнинг қарорлари эса — жиноят-процессуал ҳуқуқнинг манбаи сифатида қаралиши мумкин эмас.

Пленум ўзининг раҳбарий қарорларида процессуал нормаларнинг мазмунидан у ёки бу мантиқий хулосалар чиқарган ҳолларда ҳам шундай бўлади. Бундай вазиятда Пленум қандайдир янги нормалар яратмаслиги, балки қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган қоидаларни очиб бериши ҳамда уларга риоя этиш ва уларни бажаришни талаб қилиши аниқ. Бунга қўшимча қилиб шуни таъкидлаш керакки, бундай ахборот унинг мазмунини очиб бериш орқали олинади, бу эса уни тушунишни осонлаштиради ва фойдаланишда самарасини оширади. Бундай ҳолларда қонунни мантиқан кенгайтириш ҳақида сўз юритиш расм бўлган.

Энди Пленумнинг қонун чиқарувчи орган тартибга солмаган масалада, яъни жиноят-процессуал қонунда камчилик аниқланганда, кўрсатма бериши зарур эканлиги ҳақида сўз борган тушунтиришларнинг хусусиятига тўхталамиз. Бундай камчиликлар қонун чиқарувчи орган у ёки бу муносабатларни

тартибга солишни назарда тутган, ammo буни етарлича тўлиқ амалга оширмаган ҳолларда юзага келади.

Бундай камчиликларни бартараф этишнинг энг типик во-ситаси — ҳуқуқий жиҳатдан ўхшаш процессуал вазиятни тартибга солувчи қонундан фойдаланиш (қонундан аналогия бўйича фойдаланиш; бунга фуқаролик ва хўжалик процессларида йўл қўйилади). Бироқ жиноят-процессуал қонундан аналогия бўйича фойдаланиш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақидаги масала анча мураккаб ва баҳсли масаладир. Жиноят процессида қонунийлик принципнинг алоҳида аҳамиятга эгаллиги ва қонун чиқарувчи орган бир қатор процессуал ҳаракатларга нисбатан улар фақат қонунда белгиланган тартибдагина амалга оширилиши мумкинлигининг махсус таъкидлаганлиги процессуалистларга жиноят ишлари бўйича иш юритишда қонундан аналогия бўйича фойдаланиш муаммосини жуда эҳтиётлик билан ҳал қилишни талаб этади.

Аналогия бўйича қонундан фойдаланиш имкониятига нисбатан қаттиқ позициянинг маъноси уни қатъиян тақиқлашдан иборат бўлиб, у истисносиз барча ҳолларда ҳам мақбул эмас. Гап жиноят процессида мажбурловни кенгайтириш хавфи тўғрисида борганда, шубҳасиз, у тўғри; лекин фуқаролар жузвий камчиликлар натижасида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун уларга берилган процессуал ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўладиган ҳолларда бу асло ижобий бўла олмайди.

Бироқ, ҳатто фуқароларга берилган ҳуқуқларни таъминлаш борасидаги камчиликларни тугатиш натижасида иш бўйича ҳақиқатга эришиш кафолатларини кучайтириш мумкинлиги ҳақида сўз борган ҳолларда ҳам янги жиноят процессуал нормалар яратишни қатъиян тақиқлаш талабига эътибор бермаслик мумкин эмас. Камчиликларни қисман тўлдириш амалдаги ҳуқуқ ижодкорлигига айланмаслиги учун процессуалистлар қонунни аналогия бўйича қўллашнинг қонунийлиги чегараларини қайд этувчи кўрсаткичларни топиш ва ифодалашга ҳаракат қилмоқдалар. Шу маънода тартибга солинмай қолган ижтимоий муносабатлар янги жиноят-процессуал муносабатлар бўлмаслиги, балки қонунда тартибга солинган ва қонун чиқарувчи орган ўзининг қатъий фикрини аниқ билдирган муносабатнинг жиҳати, хусусияти бўлиши керак. Камчиликларнинг қисман тўлдирилиши жиноят процессининг барча демократик принципларига таяниши керак. Табиийки, буни мамлакатимизнинг Олий суд органи ҳаммадан кўра малакали бажара олади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари жиноят процессида қонунийликни мустақкамлашга жиддий ҳисса қўшади. Бош прокурорнинг прокуратура органларига раҳбарлик қилиш борасидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) қонунининг 19-моддасида белгиланган. Ушбу модданинг 2-қисмида, жумладан, шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори Ўзбекистон Республикасидаги барча прокуратура ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, кўрсатмалар, йўриқномалар чиқаради». 3-қисмига биноан эса, «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тергов ишларига оид кўрсатмалари барча тергов органлари учун бажарилиши мажбурийдир».

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тергов ишлари ҳамда прокурорнинг судда иштирок этиши соҳасидаги прокурорлик назорати масалалари бўйича чиқарган буйруқларини таҳлил қилиш уларнинг кўпчилиги жиноят-процессуал қонунининг аниқ ва ташаббус кўрсатиб бажарилишини ташкил қилишга, тергов ва прокурорлик амалиётида учрайдиган ҳамда жиноят-процессуал қонун маъноси ва мазмунини тушунишдаги қийинчиликлар билан бевосита боғлиқ бўлмаган камчиликларни бартараф этишга қаратилганлигини кўрсатмоқда.

Ушбу буйруқларни уларнинг жиноят процесси ҳуқуқий асосларини мустақкамлашдаги аҳамияти нуқтаи назаридан тавсифлаш қийин эмас, чунки улар жиноят-процессуал қонунга қандайдир янги жиҳатларни қўшмайди, балки барча кучларни уни муқаррар равишда бажаришга сафарбар этади ёки қонунларнинг бажарилиш самарадорлигини ошириш учун зарур ташкилий шарт-шароитларни яратади. Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг жиноятларни тез ва малакали тергов қилиш мақсадида энг тажрибали терговчиларни жиноятларнинг муайян турлари бўйича ихтисослаштириш, зарур ҳолларда бундай ишларни тергов қилиш учун улардан гуруҳлар тузиш, жиноятларни тергов қилишда фан-техника воситаларидан кенг ва самарали фойдаланилишини таъминлаш, терговчиларнинг ҳудудий тизимида ишлаш тартибини жорий этиш каби вазифаларни юқловчи кўрсатмаларини келтириш мумкин.

Айни пайтда, бир қатор ҳолларда қонунларнинг аниқ ва муқаррар бажарилишини ташкил қилиш терговчилар ва прокурорларнинг фаолиятини тартибга солувчи жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг мазмунига муайян даражада аниқлик киритиш,

унинг ҳақиқий маъносини очиб беришни талаб этади. Шу боис қонун доирасида аниқлик киритувчи кўрсатмалар бериш жиноят процесси соҳасида қонунийликни назорат қилувчи органлар ва мансабдор шахсларнинг зарурий фаолиятидир.

Агар Олий суд Пленумининг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг суд фаолиятини тартибга солувчи нормаларини тушунтириш ҳуқуқи одатда юристларда шубҳа уйғотмаса, Бош прокурорнинг тергов-прокурорлик фаолиятини тартибга солувчи худди шундай ҳуқуқи муайян даражада асослашни тақозо этади. Гап Бош прокурорга қонунларни талқин этишни талаб этувчи масалалар бўйича Олий Мажлисга тақдимномалар киритиш ва қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи берилганлигида эмас («Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддаси). Уйлаймизки, ушбу ҳуқуқнинг амалга оширилиши энг малакали ҳуқуқни қўлловчилар, жумладан, Бош прокурорда қонуннинг ҳақиқий маъноси ва мазмуни юзасидан баргараф этиб бўлмас шубҳалар юзага келган ҳолларга мўлжалланган. Айнан шундай ҳолларда улар қонун чиқарувчи органнинг ўзига шарҳлаб беришни сўраб мурожаат этишлари керак.

Бироқ гап шундаки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлар чиқариш ва мажбурий кўрсатмалар бериш борасидаги ваколатларини тартибга солувчи норма шундай ифодаланганки, терговчилар ва прокурорлар маъносини ҳар хил тушунадиган жиноят-процессуал нормаларни буйруқлар ёки кўрсатмалар шаклида тушунтириб бериш мумкинлиги улардан аниқ келиб чиқмайди. Шу боис бу масала, шубҳасиз, муҳокама қилинмоғи керак. Айни пайтда қонунни талқин этмасдан, унинг том маъносини тушунмасдан туриб уни аниқ бажариб ҳам бўлмайди.

Агар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига қонунни бажариш мақсадида прокуратура органларининг барчаси учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш ҳуқуқи берилган бўлса, бу зарурат, ўз навбатида, қонуннинг маъно ва мазмунини очиб бериш ҳуқуқини ҳам муқаррар равишда тақозо этади. Шу боис, агар фанда ишлаб чиқилган талқин этиш усуллари Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурорига қонуннинг ҳақиқий маъносини очиб бериш ва бу билан унинг тўғри бажарилишини таъминлаш имконини берса, у суриштирув, дастлабки тергов ва прокурорлик назоратини тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунга расмий тушунтириш бериш ҳуқуқига эга бўлмаслиги мумкин эмас.

Дастлабки тергов босқичидаги фаолиятни тартибга солувчи деярли барча жиноят-процессуал нормаларнинг ижро этилиши судда текширилиши ва суд қарорларида ўз ифодасини топиши сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг судларга бериладиган тушунтиришларида терговчилар ва прокурорларнинг фаолиятини тартибга солувчи нормалар бўлиши муқаррар ва ушбу тушунтиришлар улар учун бажарилиши мажбурийдир. Бироқ бу ҳол тергов ва прокурорлик амалиётининг таҳлили тушунтириш берилиши зарурлигидан далолат берса, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ўз ваколати доирасида тушунтириш бериши мумкинлигини истисно этмайди.

Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар вазири дастлабки тергов босқичида юзага келадиган жиноят процессига оид масалалар юзасидан буйруқлар, йуриқномалар ва кўрсатмалар чиқаради. Бироқ бу норматив ҳужжатлар асосан ички ишлар органлари тергов аппаратлари фаолиятининг ва статистик ҳисоботларнинг айрим жиҳатларига тааллуқлидир. Ушбу жиҳатлар жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг мазмунига эмас, балки аксарият ташкилий масалаларга дахлдордир (масалан, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг «Ички ишлар органларида тергов ишини ташкил қилиш тўғрисида»ги 171-сонли 2001 йил 10 июль буйруғи).

Айрим масалалар бўйича, айниқса жиноятларни дастлабки ҳисобга олиш ва тергов ҳисоботини тузиш билан боғлиқ масалалар бўйича ички ишлар вазири бош прокурор, баъзан эса адлия вазири билан бирга қўшма норматив ҳужжатлар чиқаради. Бу табиий, чунки жиноятларни қайд этиш, очиш, тергов қилиш ва судда муҳокама қилиш борасида ягона ҳисоб-китоб бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқлари ва мамлакатимиз ИИВ норматив ҳужжатларининг жиноят процессининг ҳуқуқий асосларини мустақкамлашдаги аҳамиятини баҳолаганда қуйидаги хулосаларга келиш лозим: а) улар жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини қўллашдаги камчиликларни аниқлаганликлари сабабли, ҳуқуқий асосни мустақкамлайди ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш йўллари ва воситалари ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради; б) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми ва Бош прокурор жиноят-процессуал нормаларнинг мазмуни ҳуқуқни қўлловчилар учун етарлича аниқ бўлмаган ҳолларда уларнинг

маъно ва мазмунини очиб беради, қонундан муайян мантиқий хулосалар чиқаради, уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг қўшимча ва ёрдамчи воситалари бўлиб хизмат қиладиган ҳуқуқий қоидалар тариқасида ифодалаб беради; в) Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг жиноят-процессуал фаолият масалалари бўйича норматив ҳужжатлари суриштирувчилар ва тергов аппаратининг ишини барқарорлаштиришга, шунингдек уларнинг ўзаро ҳамда бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорлигини тартибга солишга хизмат қилади; г) ҳеч бир, ҳатто энг обрўли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, ҳуқуқий қоидалар кўринишидаги бажарилиши шарт бўлган кўрсатмаларни ишлаб чиқаркан, қонун чиқарувчи органнинг ўрнини босишга ва янги жиноят-процессуал нормалар яратишга ҳаракат қилмаслиги керак. Мазкур органлар ва мансабдор шахсларнинг вазифаси жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг мавжуд нормалари самарали қўлланилиши учун шароит яратишдир.

Тахминий тестлар

1. Қуйидаги ҳужжатлардан қайси бири Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал ҳуқуқининг манбаи эмас?

- A. Конституция
- B. Жиноят-процессуал қонун
- C. Ўзбекистон Президентининг фармонлари
- D. Олий суд Пленумининг қарорлари
- E. Туман ҳокимининг буйруқлари

2. Жиноят-процессуал қонун орқага қайтиш кучига эгами?

- A. Ҳа, эга
- B. Йўқ, эга эмас
- C. Одатда эга эмас
- D. Янги қонун ҳуқуқларнинг чекланишини бекор қилганда эга бўлади
- E. Улар ҳуқуқларининг кафолатланишини камайтирганда эга бўлади

3. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нормалари Ўзбекистонда жиноят содир этган хорижий давлатларнинг фуқароларига нисбатан қўлланиладими?

- A. Ҳа, барча ҳолларда қўлланилади
- B. Йўқ, қўлланилмайди
- C. Одатда қўлланилади
- D. Қўлланилади, аммо чет эллик фуқароларнинг ўзлари буни илтимос қилганларида ёки бунга рози бўлганларида
- E. Дипломатик дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадиган шахслардан бошқа барча чет эллик фуқароларга қўлланилади

4. Жиноят-процессуал қонуннинг маконда амал қилишига нималар кирмайди?

- A. Жиноят ишининг жиноят содир этилган жойда тергов қилиниши
- B. Тергов органлари ва суднинг иш тергов қилинадиган ва судда муҳокама қилинадиган жойда амал қилувчи жиноят-процессуал нормаларни қўллашлари
- C. Ишни тергов қилиш ёки судда кўриш чоғида ЖПКнинг жиноят содир этилган жойга доир нормалари қўлланилиши
- D. Муайян шароитларда бир ишга доир процессуал ҳаракатлар бошқа давлатнинг ЖПК асосида амалга оширилиши мумкинлиги
- E. Ишнинг жиноят қаерда содир этилганига боғлиқ бўлмаган равишда тергов қилиниши

5. Ўзбекистон Республикаси ҳар доим ҳам ўз фуқароларини бошқа давлатнинг талаби бўйича ушлаб топширадими?

- A. Ҳа, ҳар доим
- B. Йўқ, ҳар доим эмас
- C. Икки томонлама шартнома бўлганда
- D. Умуман топширмайди
- E. Ўз хоҳишига кўра

Текшириш учун саволлар

1. Жиноят-процессуал ҳуқуқнинг қандай манбаларини биласиз?
2. Жиноят-процессуал тартибга солиш механизми ва хусусиятлари нималардан иборат?
3. Жиноят-процессуал норманинг турлари ва тузилиши қандай?
4. Жиноят-процессуал қонун замон, макон ва шахслар бўйича қандай амал қилади?
5. Жиноят-процессуал қонун аналогия бўйича қўлланиши мумкинми?
6. Экстрадиция нима?
7. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини кодификациялаш ва такомиллаштириш муаммолари нималардан иборат?

III боб. Жиноят процессининг принциплари

3.1. Жиноят процессининг принциплари ва уларнинг аҳамияти

Принциплар ёки бошланғич асослар жиноят процессининг ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган вазифаларидан келиб чиқувчи ҳамда жамоатчилик ёрдамида жиноят ишларини тергов қиладиган ва судда кўриб чиқадиган давлат фаолиятининг энг муҳим жиҳатларини, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, бутун процесс тизимининг тузилишини белгиловчи раҳбарий қоидалардир. Ушбу принциплар жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Принциплар процесснинг асослари, шарт-шароитлари ҳақидаги тасаввурлар мажмуи бўлиб, асосий аҳамиятга эга. Ҳуқуқий нормалар шаклига эга бўлган ушбу принциплар процессуал тизим асосланадиган ва амал қиладиган энг умумий, марказий қоидалардир. Шу жиҳатдан, ғоя-принциплар бажарилиши шарт бўлган ҳуқуқий қонунлар аҳамиятига эга. Айни пайтда бундай ғоялар амал қиладиган соҳа ҳуқуқ билан чекланиб қолмайди: улар ҳуқуқнинг асосий тушунчалари, категориялари сифатида, шунингдек ижтимоий ва индивидуал ҳуқуқий онгда унинг элементлари сифатида мавжуд бўлади ва ривожланади.

Айрим принципиал жиҳатдан муҳим ғоялар ҳуқуқий нормаларда махсус терминлар ва тегишли ифодалар кўринишида мустаҳкамланмайди. Шу боис принциплар ҳар доим процессуал нормалар билан айнанлаштирилмайди.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётига тартибга солувчи таъсирни процессуал қонунда мустаҳкамланмаган ҳуқуқий ғоя-принциплар ҳам кўрсатиши мумкин. Бунинг устига процессуал ҳаракатлар ва муносабатлар жиноят процессига хос бўлмаган ва фақат ҳуқуқий бўлмаган ғоя принциплар (гуманизм, адолат) билан белгиланади. Ушбу умумижтимоий принциплар ё процессуал қонунлар матнида адекват терминлар ва сўздаги ифодалар кўринишида умуман мустаҳкамланмайди, ёки уларда қисман мустаҳкамланади, холос.

Принциплар жиноят процессининг мақсадларидан келиб чиқади ва улар билан боғлиқдир. «Мақсад» категорияси фаолият нимага қаратилганлигини билдирса, «принцип» категорияси у қай тариқа амалга оширилишини кўрсатади. Улар ўртасида

вертикал эмас, балки горизонтал алоқа мавжуд. Бу уларнинг бир-биридан келиб чиқмаслиги ва ҳуқуқий тушунчалар тизимининг бир хил, яъни энг юқори даражасида эканлигини билдиради. Агар қандайдир категория бошқасидан келтириб чиқариладиган бўлса, у категория бўлмади ва тушунчалар занжирининг қуйи даражасида туради.

Шундай қилиб, принциплар жиноят процессининг асосини, яъни унинг энг муҳим ва белгиловчи негизларини ташкил қилади. Ушбу асосдан бошқа барча хоссалар ва муносабатлар келтириб чиқарилади. Процесснинг принципиал асоси қандай бўлса, унинг моҳияти ҳам шундай бўлади. Бусиз жиноят процесси мавжуд бўлиши ҳам, ривожланиши ҳам мумкин эмас.

3.2. Жиноят процесси принципларининг тизими ва таснифланиши

Ҳуқуқий категориялар шаклида ифодаланган принциплар тизими мантиқий-назарий хусусиятга эга бўлади. Улар ёрдамида принциплар ўртасидаги ички қонуний алоқаларни ёритиш ва муайян даражада ушбу принципларни таснифлаш мумкин. Айни пайтда принциплар тизими энг умумий хусусиятга эга бўлган юридик нормалар тизими сифатида процессуал фаолиятнинг қатъий ҳуқуқий асоси аҳамиятига эга. Ушбу тизим процесснинг тузилишини, процессуал фаолиятнинг механизми, мазмуни, процессуал шакли, процессуал қарорлар қонунийлиги ва адолатлилигининг кафолатларини белгилаб беради ва ҳ.к.

Принциплар тизимда оддийгина жамланиб қолмайди, балки қандайдир яхлит тизим ҳосил қилади. Ушбу яхлитлик эса махсус бирлаштирувчи (интегратив) сифатга эга бўлади. Фақат принциплар тизимигина жиноят процессининг пировард мақсадларига эришишни кафолатлаши мумкин. Унинг янги сифати айнан ана шундан иборат бўлиб, бундай сифатга айрим олинган ҳеч бир принцип эга эмас.

Тизимнинг яхлитлиги унинг тўлиқлиги оқибатида юзага келади. Тегишли ҳуқуқий категориялар орқали жиноят процессининг табиатини, асосий хусусиятлари ва қонуниятларини етарли даражада ифодаладиган принциплар тизиминигина тўлиқ деб эътироф этиш мумкин. У процесснинг охириги мақсадларига эришиш оқибатлари сифатидаги натижаларга эришиш учун зарур шарт-шароитлар ва юридик кафолатларни таъминлаганда тўлиқ ҳисобланади.

Принциплар тизими ўзининг тўлиқлиги ҳамда уни ташкил этувчи элементларнинг турли мазмунга эгаллиги сабабли, яхлитлигини сақлаб қолиш, ўзини тиклаш қобилиятига эга. Шу туфайли процесснинг бирор-бир принципи бузилиши тизимнинг ишламай қолишига муқаррар равишда олиб келмайди, жиноят процесси вазифаларининг ҳал қилиниш имкониятини йўқ қилмайди.

У ёки бу принципни амалга ошириш доираси жиноят процессининг умумий вазифалари ва муайян босқичнинг бевосита вазифалари билан боғлиқ, аммо жиноят процессининг барча принциплари айна вақтда одил судловнинг ҳам принципларидир.

Баён этилганлар асосида шуни айтиш мумкинки, жиноят процесси принципларининг тизими қуйидагича тасаввур этилиши мумкин: конституциявий, соҳавий ва махсус, яъни ЖПК нормаларида мустақамланган айнан процессуал принциплар. Ушбу нормалар умумҳуқуқий конституциявий принциплардан келиб чиқади, аммо фаолиятнинг ушбу тури учун хос бўлган мазмунга эгадир.

3.3. Қонунийлик

«Қонунийлик» тушунчаси ҳуқуқий воқелик, ҳуқуқий нормалар қандай бажарилаётганлиги, ҳуқуқий тузилманинг сиёсий асослари бошқа ижтимоий-сиёсий институтлар ва сиёсий режимлар билан боғлиқ равишда қандай аҳволда эканлиги кабилар ҳақида тасаввур беради. Ушбу тушунча учта қонидани, яъни фуқароларнинг қонун талабларини албатта бажариши, жамиятда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг қонуний тартиби ва қонунийлик назариясини қамраб олади. Қонунийлик назарияси, биринчи навбатда, ҳуқуқий онгда шаклланади ҳамда ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ҳаракатларининг қонунга мувофиқ бўлишини таъминлашга қаратилган.

Қонунийлик талабларига қуйидагилар киради: ҳуқуққа оид умумижтимоий тушунчаларга эга бўлиш, яъни ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий бошқарилишига эҳтиёжнинг мавжудлиги ва қонун билан бошқарилишининг эътироф этилиши, конституция ва қонунлар устунлигининг тан олиниши; фуқароларнинг қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги мақомига риоя этилиши; ҳуқуқнинг ижросини таъминловчи юридик ва ижтимоий механизмларнинг мавжудлиги; ҳуқуқий

нормаларнинг сифат жиҳатдан юқори даражада бажарилиши, яъни ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун юридик жавобгарликка тортилиш; ҳуқуқий тартибнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлиги, ҳуқуқий бошқарув механизмининг ягона фаолияти.

Жиноят-процессуал муносабатларда иштирок этувчи судья, прокурор, суриштирувчи, ҳимоячи ҳамда жиноят ишининг бошқа иштирокчилари юқорида келтирилган қонунийлик талабларига риоя этишлари керак. Акс ҳолда ғайриқонуний ҳаракатларнинг содир этилиши қонунийлик принципининг бузилиши деб топилади ва бу ҳаракат ҳеч қандай ҳуқуқий кучга эга бўлмайди. Айрим ҳолларда эса ҳатто юридик жавобгарлик келиб чиқишига олиб келади. Бундай ҳаракатни содир этган шахс тегишли жавобгарликка тортилиши мумкин.

Судья, прокурор, суриштирувчи, терговчи ўз фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадини кўзлайдилар ҳамда жиноят ва жиноят-процессуал қонунларининг талабларига тўлиқ риоя этадилар.

Процессда иштирок этувчи шахсларнинг зиммасига юклатилган ҳуқуқий мажбуриятлар қонун талабларига мувофиқ бажарилиши керак ва иштирокчилар ўз процессуал ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишга ҳақлидирлар. Агар жиноят процесси иштирокчиларидан бири процессуал мажбуриятларини бажармаса, бу шахс қонунийлик принципини бузган ҳисобланади ва унга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин. Қонун талабларига тўлиқ риоя этилиши жиноят процесси иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари бажарилишига асосий кафолатдир. Мажбуриятларни бажармаган ҳолда ҳуқуқлардан фойдаланиш қонунийлик талабига зид келувчи ҳолат ҳисобланади.

3.4. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши

Жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади. Суд деганда, биринчи инстанция судлари ҳамда жиноят ишларини кассация ва назорат тартибларида кўриб чиқувчи судлар назарда тутилади. Суддан бошқа ҳеч бир орган, корхона, бирлашма инсонни айбдор деб топиш ва жазолаш ҳуқуқига эга эмас.

Суднинг қонунга хилоф тарзда олиб бориладиган иши «одил судлов» тушунчасига мос келмайди ва қонунга хилоф тарзда чиқарган ҳукм ҳуқуқий кучга эга бўлмайди. Одил судлов қонун принципларига мос келиши шарт.

Одил судлов талабларига риоя этмайдиган суд ҳамда ушбу суд чиқарган ҳукм юзасидан судланувчи ёки жабрланувчи шикоят қилишга ҳақлидир. Аммо шикоят асосланган бўлиши керак. Шикоятда судга нисбатан ҳурматсизлик ёки таҳдид қилишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми ва Олий ҳўжалик судининг Пленуми чиқарган «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги 1-сонли 1996 йил 20 декабрь қарорига биноан, «қонунга мувофиқ ҳар қандай тарафнинг, мансабдор шахс ёки фуқаронинг ҳар қандай сабаб бўйича суд муҳокамасини қандайдир тарзда чеклашига, суд фаолиятига бевосита ёки билвосита таъсир ўтказишига, қўрқитиши ёки фаолиятига аралashiшига йўл қўйилмайди».

3.5. Жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқиш

ЖПКнинг 13-моддасида икки принцип ифодаланган: жиноят ишларини судлар якка тартибда ва ҳайъатда кўрадилар. Жиноят ишларининг судья томонидан якка тартибда кўрилиши шарти шундаки, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфи унча катта бўлмайди ва Жиноят кодекси бўйича бундай жиноят учун беш йилдан ортиқ бўлмаган жазо муддати белгиланган (ЖК 15-м. 2 ва 3-қ.). Суд муҳокамасида икки нафар халқ маслаҳатчисининг иштирок этиши аҳолини одил судловни амалга оширишга жалб этиш воситаси деб ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг демократия талабларига риоя этишидан далолат беради. Халқ маслаҳатчилари куйидагиларга ҳам ёрдам беради: жиноят содир этилиши учун сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлаш; жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахснинг хулқини, унинг воқеликка муносабатини баҳолаш ҳамда судьяга одил жазо тайинлашда кўмаклашиш. Улар судья эга бўлган барча ҳуқуқлардан фойдаланадилар, суд мажлисида юзага келадиган низоларни ҳал этишда, суд баённомаси билан боғлиқ шикоятларни ҳал қилишда, турли хил процессуал ҳамда ҳукм чиқаришда юзага келадиган масалаларни муҳокама қилишда иштирок этадилар,

улар юзасидан ўз фикрларини билдирадилар, улардан келиб чикувчи муаммоларни ҳал қилишда иштирок этадилар. Раислик қилувчи судья халқ маслаҳатчиларининг фикридан хабардор бўлиши ва юзага келган вазифаларни улар билан бирга хотиржам ҳал қилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Олий суди жиноят ишларини уч судьядан иборат таркибда кўриб чиқади. Олий судда, апелляция, кассация, назорат инстанцияларида халқ маслаҳатчиларининг иштирок этмаслиги ушбу судларнинг мақсади биринчи инстанция суди чиқарган ҳал қилув қарорлари ва қарорларнинг қонунларга кафолатли мувофиқ бўлишини текширишдан иборатлиги билан изоҳланади. Шу боис мутахассис судья биринчи инстанция суди чиқарган ҳукм ёки ажримнинг асосли, қонуний ва одил эканлигини текшириши керак.

Жиноят ишлари Ўзбекистон Республикаси Олий судининг суд ҳайъатларида беш нафар судьядан иборат таркибда апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқилади, чунки мамлакатимиз Олий суди жиноят ишини биринчи инстанция сифатида кўриб чиқишда, юқорида таъкидланганидек, уч нафар судья иштирок этади.

3.6. Судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасига мувофиқ, судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди, бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади. Олий суд ҳамда Олий ҳўжалик судининг раислари ва аъзолари Олий Мажлис депутаты бўла олмайдилар. Судьялар, шу жумладан туман судьялари, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас. Судьялар, қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлмаса, ваколат муддати тугагунига қадар судьялик вазифасидан озод этилишлари мумкин эмас.

Судьялар мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishининг кафолати ушбу мансабдор шахсларнинг судьялик лавозимида

махсус тартибда тайинланишида ҳам намоён бўлади. Ҳар бир судьяни, туман (шаҳар) судьясидан бошлаб то Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьясигача, мамлакатимиз Президенти тайинлайди. Бу судьяларга уларнинг ишларига ҳар қандай мансабдор шахсларнинг аралашishiларидан қўшимча кафолат бўлиб хизмат қилади.

Судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi принципи (ЖПК 14-м.) халқ маслаҳатчиларига ҳам тааллуқлидир. Суд муҳокамаси жараёнида халқ маслаҳатчилари судьялар билан тенг ҳуқуқлидирлар.

Судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi қуйидагиларда намоён бўлади: а) судьялар айрим шахслар ёки турли давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг таъсиридан тўлиқ озоддирлар; судда кўриб чиқиладиган ишларни мустақил муҳокама қилиш ҳамда қонунга мос бўлган тўғри қарор ва ажримлар чиқариш мажбуриятига эгадирлар; б) судлар юқори турувчи судлардан мустақилдирлар ва жинойт ишларини юқоридан келган топшириқ бўйича эмас, балки қонун бўйича ҳал қиладилар; судлар дастлабки терговни юритувчи органларнинг, шунингдек жинойт ишини судда кўриб чиқишга тайёрлашда иштирок этувчи шахсларнинг таъсиридан мустақилдирлар; г) судьяларга таъсир ўтказиш мумкин эмас. Жинойт ишини кўриб чиқиш вақтида судья қонунга бўйсунган ҳолда ўз фикрини билдириш ва қарор чиқариш ҳуқуқига эга.

Ҳукми бекор қилувчи ва жинойт ишини судда янгитдан кўриб чиқиш учун жўнатувчи юқори турадиган суд далилларга баҳо берар экан, қуйи турувчи суд чиқарган ҳукмга таъсир ўтказишга ҳақли эмас. Жинойт ишини муайян тартибда ва тегишли ҳукм асосида текшириш зарур.

Суд мажлисида судьялар жинойт ишига оид далилларни текширадилар, зарур ҳолларда эса янги далилларни жалб этишга ҳақлидирлар.

Судьялар ишни холисона ҳамда суриштирувчи, терговчи ёки давлат айбловчиси (прокурор) нуқтаи назаридан мустақил равишда кўриб чиқишлари керак. Бу талаб суд муҳокамасида иштирок этаётган жабрланувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ҳамда бошқа шахсларга ҳам тааллуқлидир. Улар ўз фикрлари ва эътирозларини билдирган тақдирда ҳам судьялар мустақил равишда қарор чиқаришлари зарур.

Судьяларнинг мустақиллиги нафақат уларнинг қонунгагина бўйсунishi билан, балки ҳукм чиқаришдан аввал алоҳида

хонага (маслаҳатхонага) чиқиб кетишлари билан ҳам кафолатланади (ЖПК 456-м.).

Суд ҳайъатидаги ҳар бир судьянинг мустақиллиги уларнинг тенг ҳуқуқлилиги билан кафолатланган. Бундан ташқари, раислик қилувчи судья ҳукм чиқарилаётганида ўз фикрини энг охирги бўлиб билдиради. Худди шунингдек у ҳукм чиқариш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинаётганида охирги бўлиб овоз беради. Агар судьялардан бирортаси суднинг ҳукмига рози бўлмаса, ўз фикрини ёзма тартибда баён этиши ва ҳукмга илова қилиши керак.

Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг қонунга бўйсунishi қуйидагиларда намоён бўлади: жиноят ишини кўриб чиқишда суд мажлиси вақтида, ҳукм чиқарилаётган пайтда улар жиноят ва жиноят-процессуал қонунларнинг талабларига риоя этадилар, жиноят ишини аввал мавжуд бўлган фикрлари, таклифлар ва ҳар қандай таъсирлардан холи тарзда юритишлари керак. Улар жиноят ишини қонун талабларига асосан ҳал қилишлари шарт.

Судьялар ва халқ маслаҳатчилари амалга оширадиган одил судловга аралашув ғайриқонуний ҳаракат деб топилади ва бундай шахслар қонун асосида жавобгарликка тортилишлари керак.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига мувофиқ, суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар учун мажбурийдир.

Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатларнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиш учун сабаб бўлади.

3.7. Жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги

Ушбу принципнинг моҳияти қуйидагиларда намоён бўлади: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёки судья жиноят аломатлари аниқланган ҳар бир ҳолатда жиноят иши қўзғатишлари шарт ва бу мажбурият қонун талабларига асосланади. Мазкур шахслар дастлабки тергов юритиш давомида айбдорни аниқлайдилар, тегишли жавобгарликка тортадилар, суд мажлиси давомида ҳукм чиқариш учун шароит яратадилар. Ушбу мансабдор шахсларнинг процессуал ҳужжатлари жабрланувчи, ушбу ишдан манфаатдор шахс ёки ташкилотнинг талабларига боғлиқ

бўлмаслиги керак. Бу қоида жиноят иши жабрланувчининг шикоятни бўйича қўзғатилган ҳолларда амал қилмайди, чунки бундай ҳолларда жиноят иши айнан жабрланувчининг аризаси бўйича қўзғатилиши керак (ЖПК 325-м.).

Жиноят иши судда кўриб чиқиш учун тайёрланадиган босқичда суд, ушбу жиноят иши бўйича дастлабки терговнинг тўғри юритилганлигини текшириб, далилларни диққат билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона баҳолаши, шунингдек мавжуд асосларнинг жиноят ишини судда кўриб чиқиш учун етарлилигини аниқлаши шарт.

3.8. Одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш

Жиноят процессида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгадирлар (ЖПК 16-м.). Улар – жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий аҳволидан қатъи назар – қонун олдида тенгдирлар.

Агар бирон кимса жиноят процессида иштирок этиши вақтида унинг ҳуқуқлари ирқий ва миллий мансублигига кўра чекланадиган бўлса ёхуд унга, бевосита ёки билвосита эканлигидан қатъи назар, ортиқча ҳуқуқлар бериладиган бўлса, бунда айбдор бўлган мансабдор шахс қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши керак.

ЖПКда фуқароларнинг – а) ижтимоий, молиявий аҳволи ёки лавозимидан; б) ирқий, жинсий, миллий мансублигидан ёки қайси тилда сўзлашишидан; в) қайси динга эътиқод қилиши ёки қилмаслигидан қатъи назар – қонун ва суд олдида тенг эканлиги белгиланган. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки тергов юритиш ва ишни судда кўриб чиқиш вақтида барча фуқароларга бир хил жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари қўлланилишини билдиради.

Фуқароларнинг суд олдида тенглиги уларнинг суриштирув ва дастлабки тергов вақтида тенг эмаслигини билдирмайди.

Дипломатик дахлсизликка эга бўлган шахсларга нисбатан одил судлов фақат тегишли руҳсат олинганидан сўнг ва истисноли ҳоллардагина амалга оширилиши мумкин. Акс ҳолда бу шахслар «персона нон-грата» (номақбул шахс) деб эълон қилинишлари ва Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидан чиқариб юборишлари мумкин.

Агар жиноят содир этган шахс депутат бўлса, унга нисбатан жиноят ва жиноят-процессуал қонунларни уни депутатлик мандатидан маҳрум этгандан кейингина қўллаш мумкин. У бошқа фуқаролар олдида ҳеч қандай имтиёзларга эга эмас ва улар билан тенг ҳуқуқлидир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 7-моддасига мувофиқ, «барча одамлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир. Барча одамлар... ҳар қандай камситишдан тенг муҳофаза қилиниш ҳуқуқига... эгадир»¹. Ушбу норма Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Жиноят-процессуал кодексига ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, мамлакат ҳудудида амал қилади. У тегишли нормаларга нисбатан афзалликка эга бўлиб, дастлабки тергов босқичида ҳам, жиноят процессининг барча босқичларида ҳам бажарилишини талаб этади.

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, барча кишилар суд олдида тенгдирлар. Ҳар бир киши ўз ишининг қонун асосида ташкил этилган обрўли ва мустақил судда адолатли ва ошқора кўриб чиқиши ҳуқуқига эга. Фуқарога қарши берилган айблов суд тартибида кўриб чиқиладиган ҳолларда унга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтириб берилади. Ахлоқий мулоҳазалардан ёки давлат хавфсизлиги, шунингдек уларнинг шахсини муҳофаза қилиш манфаатларидан келиб чиқиб ёки айрим ҳолларда ошқора суд муҳокамаси судловнинг одил бўлишига ҳалақит бериши мумкин бўлганда, матбуот ходимлари ва аҳоли суднинг барча мажлисларига ёки уларнинг айримларига қўйилмасликлари мумкин. Бироқ суднинг жиноят иши бўйича қарори ошқора эълон қилиниши шарт.

3.9. Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш

Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, аввало, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддасида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 17-моддасида ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган. Хусусан, Конституциямизнинг 27-моддасида: «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралаштиришдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга», — деб белгиланган. Инсон ҳуқуқлари

¹ Халқаро ҳужжатларга саволаларнинг барчаси қуйидаги манбадан берилди: Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир, юридик фанлар доктори, проф. А. Х. Саидов. Т., 2002.

умумжаҳон декларациясининг 12-моддасида шундай дейилади: «Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиб, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга». Мансабдор шахснинг ушбу талабларни тан олмаслиги, қўпол равишда ва қасддан ҳақоратлаши конституциявий ва халқаро ҳуқуқий нормалар бузилганидан далолат беради. Бундай ҳаракатларни оддий фуқаро содир этган тақдирда, у ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 5-моддасида: «Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни ҳўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак», — деб белгиланган. Бундан ташқари, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 7-моддасида кўрсатилишича, «ҳеч ким азоб-уқубатга солинмаслиги ва унга нисбатан шафқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматини ҳўрловчи муомала қилинмаслиги ёки жазоланмаслиги керак. Жумладан, ҳеч бир шахс устидан ўзининг розилигисиз тиббий ёки илмий тажриба ўтказилиши мумкин эмас». Ушбу қоидалар Конституциямизда ҳам белгиланган (26-м.).

Атайин шахсни қийнаш кучли оғриққа солиш ва руҳий азоблаш деб ҳисобланади. Бошқа шахсга нисбатан бундай ҳаракатлар содир этилиши унинг жиноят содир этганликка иқроп бўлиши учун ҳаракат қилиш деб баҳоланади. Шу билан бирга, инсонни қўрқитиш мақсадида унга руҳий таъсир ўтказиш ёки унга нисбатан куч ишлатиш билан бирга қўрқитиш зарур кўрсатувлар беришига ҳаракат қилиш деб топилиши лозим. Ушбу ҳаракатларнинг барчаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини поймол этиш деб ҳисобланади.

Агар жиноят иши бўйича дастлабки тергов ўтказиш давомида ёки суд муҳокамаси жараёнида айбланувчи ёки судланувчига нисбатан уни қийноққа солиш, унга зулм ўтказиш ёки шаъни ва қадр-қимматини ерга уриш билан боғлиқ ҳаракатлар қўлланилганлиги аниқланса ҳамда бу ҳаракатлар дастлабки тергов жараёнида амалга оширилган бўлса, суд судланувчига нисбатан пухта текширув ўтказилишини ташкил қилиши ва унинг натижаларидан келиб чиқиб, ҳукм чиқаришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани ҳал қилиши керак. Бундай судланувчи суд залининг ўзидаёқ дарҳол озод қилиниши лозим.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан даст-

лабки тергов давомиди унга нисбатан гуёки куч ишлатилган, у қийноққа солинган, шафқатсиз ёки шаъни ва қадр-қимматини ерга урувчи муносабатда бўлинганлиги ҳақида ариза тушса-ю, ушбу маълумотлар ҳеч бир далиллар билан исботланмаса, бундай ҳолларда суд муҳокамани давом эттиради ҳамда судланувчига нисбатан ҳукм чиқаришга ва унинг ахборотини исботланмаган деб топишга ҳақли бўлади.

3.10. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш

Жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида иштирок этаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мажбурияти халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда, Конституциямизда, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида қайд этилган бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш талабларининг дарҳол бажарилиши ва таъминланишидан иборат. Масалан, ҳар бири киши эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Суд қарори ёки прокурорнинг рўхсатсиз уни қамоққа олиш ёки қамоқда сақлаш тақиқланади.

Қамоққа олинаётган пайтда шахсга бунинг сабаби тушунтирилиши ва қонунда кўрсатилган муддатларда айб қўйилиши лозим. Акс ҳолда уни қамоқда сақлаш қонунга хилоф деб топилади ва тегишли мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилиши керак бўлади. Бу борада Конституциямизнинг 25-моддасида: «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас», — деб белгиланган. Суд ва прокурор ғайриқонуний тарзда озодликдан маҳрум этилган ёки қамоқда қонунда ёхуд суд ҳукмида белгиланган муддатдан ортиқ сақланаётган ҳар қандай шахсни дарҳол озод қилишлари шарт. Ушбу талабни бажармаган мансабдор шахслар эса қонун асосида жавобгарликка тортилишлари керак.

Мансабдор шахслар талабларига риоя этишлари ҳамда фуқароларнинг шахсий ҳаётига, уй-жойи, ёзишмаларига, телеграф хабарлари ва телефон орқали сўзлашувларига аралашмасликлари шарт. Акс ҳолда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 13, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 12, Ўзбекистон Конституциясининг 27-моддасида белгиланган

талаблар кўпол равишда бузилади. Бундай ҳолларда жабрланган шахс қонуний воситалар билан ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Жиноят иши юритилаётганида мансабдор шахс фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлашлари керак. ЖПКнинг 18-моддасида мустаҳкамланган ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар фуқароларга тушунтирилиши зарур.

3.11. Судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасида белгиланганидек, «ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади». Ушбу моддада ишларнинг ошкора кўрилиши принципи белгиланган бўлиб, унинг аҳамияти шундаки, биринчидан, кенг жамоатчилик жиноят содир этган шахс ҳақида, жиноятга олиб келган сабаблар ҳақида, шунингдек жиноятчига суд қандай жазо белгилаганлиги ҳақида хабардор қилинган тақдирдагина суд жараёнини юритишнинг тарбиявий вазифалари бажарилган бўлади; иккинчидан, фуқароларга нисбатан суднинг одил қарори чиқарилиши таъминланади; учинчидан, фуқароларга жиноят ишини юритишда тўлиқ иштирок этиш ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларининг бажарилиши учун шароит яратилади; тўртинчидан, жиноят процессида иштирок этаётган шахслар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошираётганида юксак масъулият ҳис этиши талаб қилинади.

Конституциянинг мазкур моддасида ўз аксини топган қонун билан белгиланган ҳоллар суднинг жиноят ишини очик кўриб чиқиши давлат сирларининг сақланиши манфаатларига зид бўлмаганида, шунингдек жинсий ҳаёт билан боғлиқ жиноят ҳақидаги ишлар кўриб чиқиляётганида мавжуд бўлади.

Ёпиқ суд мажлиси ўтказишга, бундан ташқари, суд ажрими билан, 18 ёшга етмаган шахсларнинг жиноятларига доир ишлари бўйича, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ерга урувчи маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш мақсадида бошқа ишлар бўйича йўл қўйилади.

Давлат сирларининг муҳофаза қилиниши талаб этганида, шунингдек жинсий ҳаёт билан боғлиқ жиноятларга оид ишлар кўриб чиқиляётганида ва буни жабрланувчи, гувоҳ ёки жиноят ишида иштирок этаётган бошқа шахслар, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш

манфаатлари талаб этганида ҳам ёпиқ суд мажлиси ўтказилиши мумкин.

Суднинг жиноят иши бўйича ҳукми ёки бошқа қарори кучга кирганидан сўнг унинг бир нусхасини судланувчининг иш ёки яшаш жойига юбориш ҳамда, агар бу иш суднинг ёпиқ мажлисида кўриб чиқилмаган бўлса, оммавий ахборот воситаларида бу ҳақда хабар бериш мумкин.

Шахсий ёзишмалар ва шахсий телеграф хабарлари очиқ суд мажлисида ушбу хат-ёзишмалар ва хабарларни жўнатган ва олган шахсларнинг розилиги билангина ўқиб эшиттирилиши мумкин. Ушбу талаб телефон аппаратлари орқали олиб бориладиган сўзлашувларга тааллуқли эмас, чунки уларни эшитиб туриш учун суд ажрими бўлиши лозим.

Агар процесс иштирокчиси шахсий ёзишмалари ва телеграф орқали берган хабарлари ошкор этилишига розилик бермаса, суд ушбу ҳолда жиноят ишини ёпиқ мажлисда кўриб чиқишга ва у бўйича ажрим чиқаришга мажбур бўлади.

Процесс иштирокчилари ўз ишларининг ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Суд судланувчи ва жабрланувчининг яқин қариндошлари бошқа шахсларга ёпиқ мажлисларда иштирок этишларига рухсат беришга ҳақлидир. Аммо бунда мазкур шахслар ушбу мажлисларда текшириладиган ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни ошкор этганлик учун жавобгарликка тортилишлари мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилишлари керак. Қолган шахсларнинг ёпиқ суд мажлисида иштирок этишларига рухсат этилмайди. Суд раси, давлат сирларини муҳофаза қилиш мақсадида, бегона шахсларнинг суд мажлисида иштирок этишига рухсат бермаслиги керак. Суд жараёнида иштирок этмайдиган ҳамда судланувчи ва жабрланувчининг қариндошлари бўлмаган кишилар бегона шахслар деб ҳисобланади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддасида белгиланганидек, «...барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши, унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқиляётганда ёки фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга. ...Ахлоқ юзасидан, жамият тартиби ёки давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёки буни томонларнинг шахсий ҳаёти манфаатлари талаб этганида ёки суд фикрига

кўра бу қандайдир даражада қатъиян зарур деб топилганида, яъни омма кўз ўнгида бўладиган жараён судлов манфаатларига халал берадиган алоҳида ҳолларда матбуот ходимлари ва омма барча мажлисларга ёки шу мажлисларнинг бир қисмига киритилмаслиги мумкин; бироқ жинойий ёки фуқаролик иши бўйича чиқарилган ҳар қандай суд қарори ошқора бўлиши керак. Балоғат ёшига етмаганларнинг манфаатлари бошқача талаб этганда ёки никоҳ борасидаги низоларга ёки болаларга васийлик қилишга алоқадор ишлар бундан мустасно».

Суд залидаги тартибни бузган шахсни раислик қилувчи залдан чиқариб юбориши мумкин. Судда раислик қилувчи тартибни бузаётган, судга ҳурматсизлик кўрсатаётган, жанжал қилаётган, ноқонуний ва ғайриахлоқий ҳаракатларга йўл қўяётган, бошқа шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини поймол қилаётган, жисмоний куч ишлатишга ҳаракат қилаётган ва бошқа шу каби ҳаракатларга йўл қўяётган шахсни залдан чиқариб юбориши, бундай шахсга нисбатан қонуний таъсир чораларини қўллаши мумкин.

Суд залида овоз ёзиб олиш, фотосурат олиш, видеоёзув ва кинога олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади. Бу масала юзасидан суд ажрим чиқаради.

Судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошқора ўқиб эшиттирилади. Суднинг ёпиқ мажлисида чиқарилган ҳукм ушбу мажлис иштирокчиларига эълон қилиниши керак. Бу қоида ЖПКнинг 19-моддасида белгиланган.

Айрим тоифадаги жиноят ишлари бўйича суд процессларини кенг ошқор этган ҳолда ўтказиш лозим. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 36-сон қарориди айтилишича, «давлатга кўп миқдорда зарар етказганлик, қимматбаҳо ва ноёб ҳайвонларни қириб ташлаганлик тўғрисидаги, шунингдек портловчи моддалар, кимёвий воситалар ва ҳоказоларни қўллаб, гуруҳ бўлиб содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд процессларини кенг оммага етказмоқ керак».

3.12. Жиноят ишлари юритиладиган тил

Ушбу принцип мамлакатимиз ҳудудида жиноят ишларининг қандай тилларда юритилишини белгилайди. У Конституциянинг 115-моддасига асосланган: «Ўзбекистон

Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойидаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади». Шу билан бирга, ушбу принцип «Давлат тили тўғрисида»ги 1989 йил 21 октябрь қонунида ҳам акс этган.

Жиноят процесси, давлат тилидан ташқари, қорақалпоқ тилида ва муайян ҳудуд аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тилда ҳам олиб борилади. Мазкур принцип жиноят процессининг барча босқичларида қўлланилади. Унга риоя этиш иш бўйича ҳақиқатни аниқлашда, жиноят процессининг тарбиявий таъсирини кучайтиришда, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини тўла ҳажмда амалга оширишда, уларнинг масъулиятини оширишда, иш бўйича далилларни бевосита ва оғзаки текширишда, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг айбсизлик принципини кафолатловчи ҳимоясини таъминлашда, шунингдек фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги принципининг амалга оширилишида катта аҳамиятга эга.

Агар дастлабки тергов ёки суд жараёнида тергов ва суд жараёни иштирокчилари иш юритилаётган тилни билмасликларини ва уни тўлиқ тушунмасликларини айтсалар ҳамда буни терговчи, прокурор ёки суд аниқласа, ёрдам кўрсатиш мақсадида таржимон жалб этилади. Бунда таржимон терговчи, прокурор ва судьяларга процесс иштирокчиларининг кўрсатувлари, илтимослари, аризалари ва саволларини тўлиқ ва сўзма-сўз таржима қилиши керак.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёки судья ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилари айна бир вақтда таржимон сифатида ҳам иштирок этишга ҳақли эмасдирлар, чунки айна бир шахс жиноят процессида бир неча функцияни бажаришига йўл қўйилмайди.

Айбланувчига тақдим этиладиган ҳужжатлар, хусусан айблов хулосаси ва ҳукм она тилига таржима қилиб берилиши лозим. Айбланувчига тақдим этилмайдиган ҳужжатлар (масалан, жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор) оғзаки таржима қилиб берилади.

Агар жиноят ишида иштирок этаётган айбланувчи жиноят иши юритилаётган тилни билмаса, мазкур ишда ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

ЖПКнинг 2-бобида белгиланган принципларнинг қўпол тарзда бузилишига йўл қўйган, дастлабки тергов ёки суд мажлиси давомида уларнинг талабларига риоя этмаган мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортиладилар. Шу боис дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида терговчи, прокурор, судья ушбу талабларга, иш мазмунига хос хусусиятларни ҳамда ушбу ишда иштирок этаётган шахсларнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда, тўлиқ риоя этишлари шарт.

3.13. Жиноят ишining юритишда жамоатчиликнинг иштироки

Жиноят процессининг мазкур принципи суриштирувчи, терговчи, прокурор, судга содир этилган жиноятнинг ҳолатларини аниқлаш, айбдорларни фош этиш, адолатли ҳукм чиқаришга ёрдам беради. Жамоатчилик ёрдамида жиноятларнинг сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитлар аниқланади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд жиноят ишлари бўйича жамоатчиликни жалб қилишнинг қуйидаги усулларидадан фойдаланишлари мумкин: жамоатчиликка радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали бевосита мурожаат этиш; маҳалла, корхона, ташкилот жамоатчилиги билан уларнинг эътиборини жиноят ишларига тортган ҳолда учрашиш ва ш.к. Бундан ташқари, тергов ёки судлов ҳаракатларини ўтказишда жамоатчилик вакилларининг бевосита ёрдамидан фойдаланиш мумкин.

Жамоатчилик вакиллари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга ёрдам беришлари керак. Агар жамоатчилик вакиллари бундай ёрдам кўрсатишдан бўйин товласалар, қонунга мувофиқ, уларга нисбатан жавобгарлик чораси қўлланиши мумкин.

Тергов ёки судга ёрдам берган энг фаол жамоатчилик вакилларини рағбатлантириш мақсадида, бу ҳақда суриштирувчи, терговчи, прокурор — тақдимнома, суд эса — ажрим чиқаради (ЖПК 300-м.). Масалани бу тариқа ҳал қилиш учун жамоатчилик вакилларининг тергов ишида фаол иштирок этганликларини кўрсатувчи фактлар асос бўлади.

Жамоат вакиллари иштирокида ўтказилган тергов ва судлов ҳаракатлари катта далилий аҳамиятга эга. Жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг вакиллари жиноят ишларини юритишда жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячилари тариқасида иш-

тирок этишга ҳақлидирлар. Улар жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эгадирлар.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор маҳалла, давлат корхонаси, муассаса ва хусусий корхона жамоатчилиги олдида ушбу корхона ишига тааллуқли жиноят ва ҳолатлар юзасидан сўзга чиқишлари, оғзаки ва ёзма фактлар келтиришлари, тегишли мажлисларда, телекўрсатув ёки радиосёшиттиришда фойдаланиш учун жиноятлар ҳақида ҳужжатлар, маълумотлар юбориш ҳамда ёрдам кўрсатишни сўраб жамоатчиликка муурожаат этишлари мумкин. Жамоатчилик суриштирувчи, терговчи, прокурорга жиноят содир этилган жой ва унинг изларини кўриқлашда, жиноят содир этиш қуроолларини ва бошқа ашёвий далилларни топишда, гумон қилинувчи ва айбланувчини қидириб топиш ва ушлашда, жабрланувчилар ва гувоҳларни аниқлашда, жиноятларнинг сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишда ёрдам кўрсатишлари мумкин.

3.14. Ҳақиқатни аниқлаш

Ҳақиқатни аниқлаш жиноят процессининг энг муҳим принципларидан бири бўлиб (ЖПК 22-м.), суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга жиноят ҳодисаси бўлган-бўлмаганлигини, унинг содир этилишида ким айбдор эканлигини ҳамда шулар билан боғлиқ бошқа ҳолатларни аниқлаш вазифасини юклатади. Жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун сўроқ қилишни ҳамда бошқа тергов ва судлов ҳаракатларини ҳолисона ўтказиш зарур. Ушбу талабларнинг бажарилмаслиги ҳақиқатнинг аниқланишини мумкин қилмай қўяди ва кейинчалик хатоларга ва нотўғри қарорлар қабул қилинишига олиб келади.

Жиноят бўйича тергов ўтказиш жиноят ҳодисаси ва турли тусмол(тахмин)ларни илгари суриш билан боғлиқ ҳар хил текширувларни ўтказишга мажбур этади. Бундан ташқари, ушбу тусмол(тахмин)лар аниқланиши ва ҳисобга олиниши керак, чунки бунда айбланувчи ёки судланувчини оқлайдиган, унинг аҳволини энгиллаштирадиган ёки оғирлаштирадиган ҳолатлар текширилади.

Жиноят иши бўйича терговни ҳолисона ўтказиш суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг жиноят ишидаги мавжуд ҳолатларнинг воқеликка мос келиш-келмаслигини аниқлашдан, далилларни тўплаш, қайд этиш, текшириш ва баҳолашдан иборат.

ратдир, чунки жиноят ишининг барча иштирокчиларига салбий ёки ижобий нуқтаи назардан ёндашиш мумкин эмас. Бунда холис ҳамда айблашга ёки оқлашга мойилликдан эркин бўлиш керак. Агар иш бўйича қандайдир ҳолатларнинг холислиги шубҳа уйғотса, суриштирувчи, терговчи, прокурор, халқ маслаҳатчилари, судья ишни юритишдан четлаштирилади.

3.15. Айбсизлик презумпцияси

Айбсизлик презумпцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида белгиланган: «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунича у айбдор ҳисобланмайди». Ушбу қоида асосида ЖПКда айбсизлик презумпцияси ривожлантирилган (23-м.)

Жиноятни очиш ва айбдор шахсни аниқлаш мақсадида, суриштирувчи, терговчи, прокурор ушбу шахснинг жиноят содир этишда иштирок этганлигидан далолат берувчи далилларга асосланган ҳолда қонунда белгиланган тартибда бундай шахсни аниқлайдилар. Аммо жиноят содир этганликда айбдор деб топиш ҳуқуқи фақат судга тегишли, суд бундай ҳукми чиқармагунича шахснинг айбдорлиги қайд этилиши керак, яъни суриштирув ва дастлабки тергов органлари жиноят содир этган шахсни айбланувчи сифатида жиноят ишида иштирок этишга жалб этишлари керак. Мазкур ҳаракатлар тегишли қарор асосида амалга оширилади. Айбланувчига нисбатан жазо чораларини қўллаш ёки уни айбдор деб топишга фақат суд ҳақлидир.

Айбсизлик презумпцияси воқеликнинг ҳуқуқий ҳолатидир. Унга асосланиб жиноят содир этганликда айбдорликни исботлаш мумкин ҳамда суд айблов ҳукми чиқарган ва айнан шу шахсни айбдор деб топган, унинг жиноят ишидаги айби тўпланган далиллар билан исботланган, шунингдек бу шахснинг жиноий жавобгарликка асосли тарзда ва адолатли равишда тортилганлиги жиноят иштирокчиларида шубҳа уйғотмаган тақдирдагина шахс айбдор деб топилиши мумкин.

Айбсизлик презумпцияси принциpidан қуйидаги талаблар келиб чиқади:

- суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд айбланувчига ўз айбсизлигини исботлаш мажбуриятини юклашга ҳақли эмас;
- айбланувчининг айби исботланмаса, демак, улар унинг айбсизлиги исботланганлигини тан олишлари керак;

– айбдорлик борасидаги барча шубҳалар, уларни бартараф этиш имконияти тугаган бўлса, айбланувчининг фойдасига ҳал этилиши керак.

Айбсизлик презумпцияси айбланувчининг айби тўлиқ, равшан ва шубҳасиз аниқланишини талаб этади. Агар ушбу талаб бажарилмаса, яъни айбланувчининг айби далиллар билан аниқ ва тўлиқ исботланмаса, суднинг бу шахсни жиноят содир этганликда айбдор деб ҳисоблаш керак бўлган ҳукми адолатсиз, ушбу шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини чекловчи бўлади. Бундай ҳукм ҳуқуқий кучга эга бўлмаслиги аниқ.

Ҳарчи жазо Жиноят кодексининг тегишли моддасида белгиланган доирада тайинланган бўлса-да, тури ва меъёри жиҳатидан рўйи рост адолатсиз бўлса, жиноятнинг оғирлик даражасига ва судланувчининг шахсига номувофиқ деб эътироф этилади (ЖПК 489-м.). Бундай ҳукм айбсизлик презумпцияси принципига мос эмас деб ҳисобланади. Унинг ҳуқуқий оқибатлари айблов ҳукмининг ҳуқуқий кучга эга бўлмаслигида намоён бўлади.

Мазкур принципга риоя этмаган суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья Конституциянинг 26-моддасида ва ЖПКнинг 23-моддасида белгиланган талабларга зид ҳаракатларни содир этган деб топилади.

3.16. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш

Айбланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида қайд этилган: «Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади». Ушбу талаб дастлабки тергов босқичига алоқадор бўлиб, гумон қилинувчига бундай ҳуқуқдан фойдаланиш имконини беради. Судланувчи ушбу ҳуқуқдан суд муҳокамаси вақтида ҳам фойдаланиши мумкин.

Ушбу принципнинг мазмуни қуйидагилардан иборат:

– ҳимоячининг ишда иштирок этишига фуқарога айблов эълон қилинган вақтдан бошлаб ёки у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор эълон қилинган пайтдан ёхуд у ушланган пайтдан бошлаб рухсат этилади (ЖПК 49-м. 3-қ.);

– ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф этилади. Гумон қили-

нувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди (ЖПК 50-м. 1, 2-қ.);

– гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи танлаган ҳимоячи исталган вақтда ишда иштирок этишга киришишга ҳақлидир (ЖПК 50-м. 3-қ.);

– ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари давлат ҳисобидан бўлади (ЖПК 50-м. 4-қ.);

– ЖПКнинг 51-моддасида назарда тутилган бир қатор ишлар бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш принципини бажармаслиги процессуал қонун талабларига номувофиқлик фактига олиб келади ва бу мазкур шахсларнинг юқорида таъкидланган ҳуқуқлари қўпол тарзда бузилганидан далолат беради.

3.17. Судда ишларни юритишда тортишув

Судда ишларни юритишда тортишув принципи қуйидагиларда намоён бўлади: биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилаётганида иш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида юритилади. Бу ҳол тарафлар суд муҳокамаси давомида тенг ҳуқуқлардан фойдаланишларини, уларни текширишда иштирок этишларини, илтимослар билан мурожаат этишларини, ишнинг судда адолатли кўриб чиқилиши учун аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини тушунтиришларини билдиради.

Ушбу принципнинг талаби иккита ҳолат билан боғлиқ:

а) иш судда кўрилаётганида айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳақ қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас. Бу, масалан, прокурорнинг ҳимоялаш вазифасини бажармаслиги кераклигини, ҳимоячи эса айблов функциясини бажара олмаслигини билдиради. Суд иш бўйича қарор қабул қилиши керак. Суд айбловнинг ёки ҳимоянинг вазифаларини зиммасига олиб, иш бўйича қарор қабул қилса, судда ишларни юритишда тортишув принципи қўпол тарзда бузилади.

Агар прокурор айблаш учун етарли асосларга эга бўлмаса ва бу ҳақда судья ёки суд ҳайъатига айтиш лозим, деган хулосага келса, ушбу ҳолда прокурор судда ишларни юритиш пайтидаги тортишувда иштирок эта олмайди, Акс ҳолда иш судда кўриб чиқишга ҳаттоки тайинланмайди;

б) биринчи инстанция судида иш юритиш фақат айблов хулосаси ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор мавжуд бўлганда бошланиши мумкин.

Ҳозир судда том маънодаги тортишувни таъминлаш борасида чоралар кўрилмоқда. Президент И. А. Каримов Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» нутқи билан сўзга чиқиб: «Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркор»¹, — деб таъкидлаган эди.

Судланувчига қўйилган айбловни исботлаш вазифаси, ким бўлишидан — давлат айбловчисими ёки жабрланувчими — қатъи назар, айбловчига юклатилади. Иш юритишда тортишувчиликни таъминлаш учун ҳимоячи судланувчининг манфаатларини ҳимоя қилишда қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланиши шарт.

Айни пайтда суд жиноий таъқиб органи эмаслигини, айблов ёки ҳимоя тарафида турмаслигини ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларидан бошқа бирон-бир манфаатларни ифодаламаслигини инобатга олиш лозим.

У ҳолислик ва бегаразликни сақлаган ҳолда тарафларга процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб беради.

3.18. Далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш

Далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш принципи судья ва суд ҳайъати аъзоларидан жиноят ишини кўриб чиқиш давомида иш бўйича тўпланган материаллардан фойдаланиш учун бирин-кетин барча далилларни текшириб чиқишни талаб этади. Уларни дастлабки терговда ҳам текшириш, қонуний йўл билан олинганлигига, ҳақиқатан ҳам ушбу жиноят ишига

¹ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.8. Т., 2000. 344-б.

алоқадорлигига ишонч ҳосил қилиш, бошқа далиллар билан қиёслаш ҳамда уларга баҳо бериш лозим.

Жиноят иши бўйича тўпланган далилларни текшириш қуйидагилардан иборат: гумон қилинувчи, айбланувчи; судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш, эксперт хулосаларини эшитиш, ашёвий далилларни кўздан кечириш, баённома ва бошқа ҳужжатларни ўқиб эшиттириш. Ушбу ҳаракатларни суд амалга ошириши керак, акс ҳолда мазкур принцип қўпол равишда бузилади. Агар судда кўриб чиқиш жараёнида судья бетоб бўлиб қолса ва судга келмаса ҳамда янги судьялар ва халқ маслаҳатчиларини жалб этишга тўғри келса, жиноят иши янгидан кўриб чиқилади.

Судья ёки суд жиноят ишини кўриб чиқиш давомида тўпланган барча далилларни бевосита баҳолаши керак.

3.19. Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи

Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи жиноят процессидаги асосий принциплардан бири бўлиб, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилишдаги қонуний восита сифатида фойдаланилади. ЖПКнинг 27-моддасига мувофиқ, процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар, шунингдек жиноят ишини юритишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари процессуал ҳаракатлар ёки қарорлар устидан шикоят беришга ҳақлидирлар. Бунинг устига, процесснинг ҳар қандай босқичида илтимослар қилиш ва шикоятлар бериш мумкин.

Айбланувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳаракатлари ва қарорлари хусусида шикоят қилиш ҳуқуқига ҳам эга (ЖПК 46-модда).

Худди шундай ҳуқуқ гумон қилинувчи (ЖПК 48-м.), ҳимоячи (ЖПК 53-м.), жабрланувчи (ЖПК 55-м.), фуқаровий даъвогар (ЖПК 57-м.), фуқаровий жавобгар (ЖПК 59-м.), қонуний вакил (ЖПК 61-м.) ҳамда вакилга (ЖПК 63-м.) ҳам берилган. Энг асосийси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья мазкур шахсларга шикоят қилиш ҳуқуқини тушунтириб беришлари ва ушбу ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун зарур шароитни таъминлашлари шарт.

Тахминий тестлар

1. Қонунда жиноят процессининг принципларига таъриф берилганми?

- A. Йўқ берилмаган
- B. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида принципларга таъриф берилган
- C. Принципларнинг таърифи жиноят процесси фанида берилган
- D. Ҳа, берилган
- E. Бундай таърифнинг зарурати йўқ.

2. Жиноят процесси принципларининг қуйида келтирилган таърифларидан қайси бири тўғри?

- A. Давлат иқтисодиётини, сиёсий тузумини, умуман ҳуқуқий тизимни, тарихий ва миллий анъаналарни, ҳукмрон мафқурани ва бошқа объектив мавжуд омилларни акс эттирадиган нормалар
- B. Жиноят процессининг энг муҳим хоссалари ва қонуниятлари, асослари, шарт-шароитлари ҳақидаги тасаввурларни ўз ичига олган дастлабки раҳбарий ғоялар
- C. Жиноят процессининг хусусиятини, барча институтларининг мазмунини белгиловчи ҳамда жиноят ишлари бўйича одил судловни, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият манфаатларини жинойи тажовузлардан самарали ҳимоя қилишни таъминлайдиган процессуал тартибнинг тузилиши ҳақидаги қарашларни ифодаловчи асосий, раҳбарий, ҳуқуқий нормалар
- D. Жиноятчиликка қарши курашдаги асосий ғоялар
- E. Жиноят иши бўйича терговни амалга оширишнинг асосий қоидалари

3. Қуйидаги принципларнинг қайси бири конституциявий принцидир?

- A. Қонунийлик
- B. Ҳақиқатни аниқлаш
- C. Судда ишларни юритишда тортишув

D. Диспозитивлик

E. Айбсизлик презумпцияси

4. Қуйидаги принципларнинг қайси бири махсус принципдир?

A. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш

B. Судда ишларни юритишда тортишув

C. Ҳақиқатни аниқлаш

D. Диспозитивлик

E. Айбсизлик презумпцияси

5. Қонунда жиноят ишларини ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқиш ҳақида процессуал ҳужжат чиқариш назарда тутилганми?

A. Ҳа

B. Йўқ

C. Қонунда бу масала тартибга солинмаган

D. Баъзан тартибга солинади

E. Баъзан тартибга солинмайди

IV боб. Жиноят процессининг иштирокчилари

4.1. Жиноят процессининг иштирокчилари ва уларнинг таснифланиши

Жиноят процессининг иштирокчилари жиноят-процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ва жиноят-процессуал муносабатларга киришиш учун ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган органлар ва шахслардир. Уларга қуйидагилар киради: суд, прокурор, суриштирув органлари, айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар ва жавобгар, эксперт, таржимон ва ҳ.к.

Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш, биринчидан, жиноят процессининг иштирокчилари қонунда тўлиқ келтирилганлиги; иккинчидан, улар муайян процессуал, тергов ва судлов ҳаракатларида иштирок этишлари ҳақидаги ҳулосага олиб келади.

Бироқ амалдаги ЖПКда «жиноят процессининг иштирокчилари» тушунчасининг ўзи берилмаган. Юридик адабиётда ушбу масала турлича ёритилган, барча учун умумий бўлган тушунча ҳали ишлаб чиқилмаган.

Жиноят процессининг иштирокчилари қандай талабларга жавоб бериши кераклиги масаласида ҳам ягона ёндашув йўқ (фақат жиноят ишида ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини еки ўзлари вакили бўлиб қатнашаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсларгина жиноят процессининг иштирокчилари бўлиб ҳисобланади, чунки улар жиноят ишини юритишда фаол иштирок этишларига имкон берувчи муайян процессуал ҳуқуқларга эгадирлар). Уларга айбланувчи, жабрланувчи, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси ёхуд жиноят-процессуал функцияларни (ишни тергов қилиш, ҳимоя қилиш, ишни моҳияти бўйича хал қилиш) функцияларини бажарувчи барча субъектлар, яъни суд, прокурор, терговчи, суриштирув органи, айбланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи киради.

«Жиноят процесси иштирокчилари»нинг кенгроқ тушунчаси ҳам мавжуд. Унга биноан, ушбу иштирокчилар қаторига жиноят процессида амалда иштирок этадиган, бунда процессуал ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўладиган барча шахслар кири тилади, чунки бу ҳол жиноят процесси соҳасидаги ҳақиқий аҳволни акс эттиради ҳамда ҳозирги замон процессуал назариясига мос келади.

Албатта, процесс иштирокчиларининг тутган ўрни бир хил эмас. Уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳажми, шунингдек ваколатлари ва ишда қатнашиш шакллари ҳам турлича. Қонунда санаб утилган субъектларнинг барчаси ҳам муайян ишнинг юритилишида муқаррар тарзда доимо иштирок этмайди.

Масалан, жиноят процессида ҳатто жабрланувчи ёки ҳимоячи ҳам бўлмаслиги мумкин. Гумон қилинувчининг иштироки эса баъзан жуда чекланган вақт давом этади. Шунга қарамай, вазифаси ва жиноят ишидаги иштирокининг мазмунига кўра улар жиноят процессининг иштирокчилари ва, бинобарин, субъектларидирлар.

Қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий адабиётни таҳлил қилиш жиноят процессининг иштирокчилари, биринчидан, қонунда кўрсатилган; иккинчидан, муайян процессуал функцияларни бажаришда иштирок этадиган; учинчидан, қонунга кўра тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган шахслар эканлиги ҳақидаги ҳулосага олиб келади.

Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқий макомини билиш улкан амалий аҳамиятга эга. Фуқароларнинг субъектив жиноят-процессуал ҳуқуқлари одил судлов вазифаларини муваффақиятли бажаришга кўмаклашади. Аксинча, суриштирув органи, терговчи, прокурор ва суднинг процесс иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришдан иборат ўз вазифаларини бажармасликлари қонунийликнинг бузилишига олиб келади.

Жиноят процессининг иштирокчиларини, вазифалари ва манфаатларидан келиб чиқиб, тегишлича таснифлаш мумкин. ЖПКнинг иккинчи бўлимида жиноят процесси иштирокчиларининг тугалланган рўйхати ва таснифи берилганлиги боис ушбу вазифа осонлашади.

Мазкур бўлимнинг III боби жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар — суд, судья ва халқ маслаҳатчилари, суд мажлисининг котиби, прокурор, терговчи ва суриштирув органининг фаолиятига бағишланган.

IV бобда жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари, жумладан, жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячилари тавсифланади.

V бобда жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар (айбланувчилар, гумон қилинувчилар, жабрланувчилар, фуқаровий дафтарлар, фуқаровий жавобгар, уларнинг

вакиллари) ҳақида сўз юритилади. Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам шу бобда тартибга солинган.

Ниҳоят, VI бобда жиноят процесси иштирокчиларининг яна бир катта гуруҳи ҳақида сўз боради. Булар жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслардир. Қонунга биноан, улар қаторига гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, ҳолис киритилади.

Жиноят-процессуал фаолият кўп қирралидир, чунки у ўзаро мос келмайдиган муайян жиҳатлар ва йўналишларга эга.

4.2. Жиноят ишhini юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар

Жиноят-процессуал фаолият иштирокчилари орасида, аввало, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи ва қонунга кўра муайян ваколатларга, жумладан, давлат мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари ажратилади.

Иш бўйича жиноят процессининг натижасини белгилувчи асосий орган — суд. ЖПКнинг 28-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасида одил судловни Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар амалга оширади. Биринчи инстанция суди жиноят иши бўйича ҳукм ёки ажрим чиқариш ҳуқуқига эга. Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Назорат инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган протестлар бўйича ишларни улар апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан кейин кўриб, қарор (ажрим) чиқаради.

ЖПКнинг 29-моддасига кўра, суднинг ваколатларига: жиноят ишhini суд муҳокамасига тайёрлаш; ишни муҳокама қилиш ва ҳукм чиқариш ёки бошқа қарор қабул қилиш; ишни апелляция, кассация, назорат тартибида кўриб чиқиш; ҳукмни ижро эттириш киради. Юқори судлар, бундан ташқари, ўз

ваколатлари доирасида қўйи судларнинг суллово фаолияти устидан назоратни амалга оширадilar.

Жиноят ишини кўришда ушбу суд таркибига тайинланган ёки сайланган судьялар ва халқ маслаҳатчилари қатнашадilar. Судья якка тартибда ёки ҳайъатда иш тутиб, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади. Бундан ташқари, судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш билан боғлиқ ҳаракатларни бажаради, суд мажлисида раислик қилади ҳамда бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширади.

Суд мажлисида суд ишни мазмунан, яъни судланувчининг айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги ҳақидаги масалани ҳал қилади. Бунда суд мажлисида иштирок этувчи шахсларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини суд уларни асосли деб тан олган тақдирда эътиборга олади, акс ҳолда рад этади.

Ушбу масалаларни ҳал қилишда суд жиноят процессининг иштирокчиларидан, хусусан, прокурордан қанчалик мустақил эканлиги ҳақида қонуннинг қуйидаги қондасига қараб хулоса қилиш мумкин. Агар прокурор суд мажлисида айбловдан воз кечса, бу суд муҳокамасининг тугатилишига ва оқлов ҳукми чиқарилишига олиб келмайди. Суд ишни кўриб чиқишда давом этади ва суд терговининг барча материалларига мувофиқ ҳукм чиқаради. Ҳукм айблов ёки оқлов ҳукми тарзида бўлиши мумкин.

Суд ўз мажлисида дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаган ёки қонунни бузиб ўтказилган деб тан олиши ва жиноят ишини қўшимча терговга юбориш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Суднинг қонуний кучга кирган ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча давлат ва жамоат муассасалари, корхоналар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, республиканинг бутун ҳудудида бажарилиши лозим.

ЖПКнинг 32-моддасига мувофиқ, суд мажлисининг котиби раислик қилувчининг топшириғига биноан жиноят ишини суд мажлисида кўриш учун тайёрлайди; суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида процесс иштирокчиларига хабар беради; судга чақирилган процесс иштирокчиларининг келган-келмаганлигини текширади ва ҳозир бўлмаган шахсларнинг келмаганлиги сабабини аниқлаб, бу ҳақда судга маълум қилади; суд мажлислари баённомасини ёзиб боради; раислик қилувчининг суд муҳокамасини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа топшириқларини бажаради.

Котиб баённомада суднинг ҳаракатлари ва қарорларини, шу-

нингдек суд мажлиси барча иштирокчиларининг ҳаракатлари, ариза, илтимос ва кўрсатувларини тўлиқ ва тўғри баён қилиб бориши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриши шарт. У ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори кўрсатмаларига таянган ҳолда амалга оширади (ЖПК 33-моддаси).

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида ЖПКнинг 243, 382—388, 558-моддаларида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади. У суд муҳокамасида қатнашиб, ЖПКнинг 409-моддада назарда тутилган ваколатларни амалга оширади.

ЖПКнинг 35-моддасига биноан, жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари олиб борадилар.

Терговчи жиноят ишини кўзғатишга ва тугатишга, ишни кўзғатишни рад этишга; жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва сўроқ қилишга; ЖПКда назарда тутилган тергов ҳаракатларини олиб боришга; шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш тўғрисида ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида қарор чиқаришга; ўзи юритишга қабул қилган иш бўйича суриштирув органларига қидирув ва тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисида ёзма топшириқлар беришга; суриштирув органларидан айрим тергов ҳаракатларини юритишда кўмаклашишни талаб қилишга ҳақлидир.

Терговчи терговнинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни, прокурор рухсатини олиш қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мустақил равишда қабул қилади. Терговчи прокурорнинг шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги, жиноятни тавсиф қилиш ва айблов ҳажми ҳақидаги, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ҳақидаги, ишни судга юбориш

ёки ишни тугатиш ҳақидаги, тугалланган ишни қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги кўрсатмаларига рози бўлмаса, ўз эътирозларини ёзма равишда баён қилган ҳолда ишни юқори турувчи прокурорга тақдим этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда қуйи турувчи прокурорнинг кўрсатмасини юқори турувчи прокурор ўз қарори билан ё бекор қилади, ё иш бўйича тергов юритишни бошқа терговчига топширади.

Терговчининг ўз юритувидаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорларини барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этишлари шарт.

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи ва унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилишини назорат этадилар, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона олиб бориш чораларини кўрадилар.

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи ва унинг ўринбосари ишларни текшириб кўришга, шунингдек дастлабки тергов ўтказиш, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш, жиноятни тавсиф қилиш ва айбловнинг ҳажми, ишнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида терговчига кўрсатмалар беришга, ишни бир терговчидан иккинчи терговчига олиб беришга, ишни тергов қилишни бир неча терговчига топширишга, шунингдек терговчи ваколатларидан фойдаланиб, дастлабки тергов олиб боришда қатнашишга ва дастлабки терговни шахсан ўзи олиб боришга ҳақлидир.

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғининг ва унинг ўринбосарининг иш юзасидан кўрсатмалари терговчига ёзма тарзда берилади ва уларнинг ижро этилиши мажбурийдир.

Олинган кўрсатмалар устидан прокурорга шикоят қилиниши, ЖПК 36-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, уларнинг ижро этилишини тўхтатиб қўймайди.

Қуйидагилар *суриштирув органлари* ҳисобланади:

1) милиция;

2) ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари — уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек ўқув машқлари

ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшилма, муассаса ё ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича;

3) миллий хавфсизлик хизмати органлари — қонунга кўра уларнинг юритувига берилган ишлар бўйича;

4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, қамоқ тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари — шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича;

5) давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари — ёнғинларга доир ва ёнғинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар бўйича;

6) чегарани қўриқлаш ёрганлари — давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича;

7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари;

8) давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари — тегишлича божхона ҳамда солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар, шунингдек контрабанда бўйича (ЖПК 38-моддаси).

ЖПКнинг 38-моддасида санаб ўтилган ҳар бир органнинг раҳбарлари суриштирув органининг бошлиғи сифатида жиноят ишини кўзғатишга, бу ишни ўз юритувига қабул қилиш ва суриштирувни бошлашга ёки ўзига бўйсунувчи бошқа ходимга суриштирув юритишни топширишга ёхуд иш кўзғатишни рад этишга ёки аризани, хабарни терговга тегишлилигига кўра ўтказишга ҳақлидир.

Суриштирув органи бошлиғининг топшириғига биноан ва унинг раҳбарлигида ишлаётган суриштирувчи иш бўйича ЖПКнинг 339-моддасида назарда тутилган вазифаларни бажариш учун зарур, кечиктириб бўлмайдиган барча тергов ҳаракатларини амалга ошириши шарт.

Суриштирувчининг зиммасига, шунингдек терговчи

юритаётган иш бўйича унинг айрим тергов ва қидирув ҳаракатларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариш ҳамда терговчига унинг тергов ҳаракатларини бажаришида қўмаклашиш мажбурияти юклатилади.

Суриштирувчи суриштирувни амалга ошираётганида, худди шунингдек терговчининг топшириғини бажараётганида дастлабки тергов ўтказиш учун белгиланган қоидаларга амал қилиб, тергов ҳаракатлари олиб боради ва қарорлар чиқаради. Суриштирув органининг бошлиғи ҳам, агарда у суриштирувчининг вазифаларини бажараётган бўлса, худди шу қоидаларга амал қилади.

Суриштирувчининг қарорини суриштирув органининг бошлиғи тасдиқлаши лозим. Суриштирув органи бошлиғининг ёзма кўрсатмаси суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирувчи кўрсатмага норози бўлса, кўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, бу кўрсатма устидан прокурорга шикоят қилишга ҳақлидир.

Прокурорнинг ёзма кўрсатмаси суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи прокурор кўрсатмасига рози бўлмаган тақдирда, кўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, унинг устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилишга ҳақлидирлар (ЖПК 39-моддаси).

4.3. Жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари

Жамоат бирлашмалари ва жамоалар ҳамда уларнинг вакиллари содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят тўғрисидаги хабар билан суриштирув органига, терговчига, прокурорга ёки судга мурожаат этишлари мумкин. Улар: айбланувчига ёки судланувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида уларни жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафиллигига беришни танлаш ҳақида; маҳкумни муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳақида; озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг жазони ўташ шароитларини ўзгартириш ҳақида; судланганликни олиб ташлаш ҳақида ва бошқа масалалар бўйича ЖПКнинг 40-моддасида назарда тутилган ҳолларда ҳамда тартибда илтимос қилишга ҳақлидирлар.

Суриштирувчи ва терговчи фуқаронинг оғир ва ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишда айбланувчи тариқасида иштирок

етишга жалб қилингани ҳақида унинг иш, ўқиш ёки яшаш жойидаги жамоага хабар беради, суд эса уларга шу иш бўйича суд муҳокамаси қачон ва қаерда ўтказилиши ҳақида хабар беради (ЖПК 41-моддаси).

Жамоат бирлашмалари ва жамоалар суд муҳокамасида жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси тариқасида иштирок этиш учун ўз вакилларини юборишлари мумкин. Ушбу вакилларнинг номзодини жамоат бирлашмасининг ёки корхона, муассаса, ташкилот жамоасининг йиғилиши кўрсатади. Йиғилиш қарори судга тақдим этилиши лозим.

Жамоат бирлашмаси, жамоа ўзи йўллаган жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячисини хоҳлаган вақтда чақириб олишга ёки уни бошқа вакил билан алмаштиришга ҳақлидирлар (ЖПК 42-моддаси).

Суд муҳокамасида иштирок этаётган жамоат айбловчиси: иш материаллари билан танишишга; далиллар тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга; илтимоснома беришга; тарафларнинг музокараларида сўзга чиқиб, айбловнинг исботлангани ҳақида судга фикр билдиришга, шунингдек айбловдан воз кечишга ҳақли.

Жамоат айбловчиси: суд муҳокамасида иштирок этиши; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судда баён қилиши ва иш ҳолатларини аниқлашга кўмаклашиши шарт (ЖПК 43-моддаси).

Суд муҳокамасида иштирок этаётган жамоат ҳимоячиси: иш материаллари билан танишишга, далиллар тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга; илтимоснома беришга; тарафларнинг музокараларида сўзга чиқиб, судланувчини оқлайдиган ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ҳолатлар хусусида судга фикр билдиришга ҳақлидир.

Жамоат бирлашмалари ёки жамоа жамоат ҳимоячисини чақириб олишга ёки уни бошқа вакил билан алмаштиришга ҳақлидир.

Жамоат ҳимоячиси: суд муҳокамасида иштирок этиши; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судда баён қилиши ва ишнинг судланувчининг аҳволини енгиллаштирувчи ҳолатларини аниқлашга кўмаклашиши шарт (ЖПК 44-моддаси).

4.4. Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар

Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахсларга айбланувчи, гумон қилинувчи, уларнинг ҳимоячилари ва вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари киради.

ЖПКнинг 45-моддасига мувофиқ, *айбланувчи* жиноят-процессуал ҳужжатларда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсдир.

Айбланувчи судда судланувчи деб, ҳукм чиқарилганидан кейин эса маҳкум ёки оқланган шахс деб аталади.

Айбланувчи кенг доирадаги процессуал ҳуқуқларга эга. Терговчи, прокурор ва суд унинг ушбу ҳуқуқларини таъминлашлари шарт, бу эса айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини амалга ошириш учун кафолатдир.

ЖПКнинг 46-моддасига биноан, айбланувчи: ўзининг нимада айбланаётганлигини билиш; ўзига қўйилган айблов юзасидан ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатув ва тушунтириш бериш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ҳимоячига эга бўлиш ва у билан холи учрашиш; ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад этиш; далиллар тақдим қилиш; терговчи ёки суриштирувчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ва ундан керакли маълумотларни ёзиб олиш; терговчи ёки прокурор томонидан жиноят ишининг тугатилганлигига эътироз билдириш ва суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиш; ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эга. Судланувчи охириги сўз билан чиқишга ҳақлидир.

Айбланувчи: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг

чақирувига биноан ҳозир бўлиши; дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши; гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва суднинг ажримлари ҳамда ЖПКда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Айбланувчининг зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг айбдор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

Гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради (ЖПК 47-моддаси).

Гумон қилинувчи ўзининг процессуал ҳолатига кўра айбланувчига яқин туради. Худди айбланувчи каби, у ЖПКнинг 48-моддасида белгилаб қўйилган муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Гумон қилинувчи ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш; ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш; ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан ёки у ушланган пайтдан бошлаб ҳимоячи олиш ва сўроқ тугаганидан сўнг у билан холи учрашиш; ҳуқуқларини ҳимоя қилишни шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим қилиш; суриштирувчи ёки терговчининг руҳсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эгадир.

Гумон қилинувчи: суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши, суриштирувда ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни қундиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ва ЖПКда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергов қилишда тартибга риоя этиши шарт.

Гумон қилинувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

Жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс *жабрланувчи* деб эътироф этилади. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор — қарор, суд эса — ажрим чиқаради.

Жабрланувчи вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахс бўлса, ишда у билан биргаликда ёки унинг ўрнига қонвий вакили иштирок этади (ЖПК 54-моддаси).

ЖПКнинг 55-моддасига асосан, жабрланувчи: кўрсатув бериш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш; қонунда назарда тутилган ҳолларда ярашув тўғрисида аризалар бериш ҳамда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; шахсан ўзи ёки вакили орқали судда айбловни қувватлаш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича

келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Жабрланувчи: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ҳаққоний кўрсатувлар бериши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг талаби бўйича далиллар тақдим қилиши; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Жабрланувчи узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда ЖПКнинг 261–264-моддаларида назарда тутилган тартибда мажбуран олиб келиниши мумкин. У кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлгон кўрсатувлар берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

Жабрланувчининг ўлимига олиб келган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича ушбу моддада кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан марҳумнинг қонуний вакили деб эътироф этилган яқин қариндошлари ёки бошқа шахслар амалга оширадилар.

Жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг жамоат учун хавfli қилмиши шахсга, корхонага, муассасага ёки ташкилотга мулкый зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлса, улар **фуқаровий даъвогар** деб эътироф этилади. Фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Вояга етмаганларнинг, шунингдек муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаровий даъво уларнинг қонуний вакиллари ва прокурор томонидан кўзғатилиши мумкин (ЖПК 56-моддаси).

ЖПКнинг 57-моддасига мувофиқ, фуқаровий даъвогар: фуқаровий даъво кўзғатиш ва уни қувватлаш; далиллар тақдим қилиш; кўзғатилган даъво бўйича тушунтиришлар бериш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; суриштирувчидан, терговчидан, прокурордан ёки суддан даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақида илтимос қилиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг иш материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотлар ёзиб олиш; биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг

ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд ҳукми ва ажримнинг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоят қилиш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаровий даъвогар: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ва уларнинг талабларига асосан фуқаровий даъвога тегишли бўлган далиллар тақдим этиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахс айнаи вақтда жабрланувчининг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва унинг мажбуриятларини бажаради.

Агар фуқаровий даъвогар суд мажлисига келмаса, суд унинг даъвосини кўриб чиқмайди. Бироқ даъвогарнинг ўз даъвосини фуқаровий процесс тартибида тақдим этиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Агар даъво жиноят ишида кўриб чиқиладиган бўлса, шахс давлат божи тўлаш мажбуриятидан озод қилинади.

Айбланувчи томонидан ёки ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган ақли норасо шахс томонидан етказилган зарар учун қонунга кўра мулкӣ жавобгар шахс, корхона, муассаса ёки ташкилот ишда **фуқаровий жавобгар** сифатида иштирок этиш учун жалб қилиниши мумкин. Фуқаровий жавобгар сифатида жалб қилиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради (ЖПК 58-моддаси).

Фуқаровий даъвогар сифатида жиноят процессида жинояти туфайли зарар етказганлиги учун моддий жавобгарликка тортиладиган ва фуқаровий даъво тақдим этиладиган шахслар қатнашадилар. Одатда фуқаровий жавобгар сифатида қонунга биноан моддий жавобгарликка эга бўлган ота-оналар, ҳомийлар, васийлар ёки бошқа шахслар, шунингдек муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар жалб этилишлари мумкин.

ЖПКнинг 59-моддасида фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари санаб ўтилган.

Фуқаровий жавобгар: айблов ва фуқаровий даъвонинг мазмунини билиш; даъвога эътироз билдириш; тушунтириш бериш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш;

дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг иш материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш; биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суднинг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд ҳукми ва ажримнинг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоятлар бериш; иш бўйича келтирилган шикоят ва протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаровий жавобгар: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ва уларнинг талабларига асосан фуқаровий даъвога тегишли бўлган далиллар тақдим қилиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Агар фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили судга келмаса, бу даъвони кўриб чиқиш учун тўсиқ бўлмайди.

Шундай қилиб, фуқаровий жавобгар жиноят процессида айблов эълон қилинган пайтдан бошлаб ва фуқаровий жавобгар сифатида жиноят ишига жалб қилиш ҳақида қарор (ажрим) чиқарилганидан сўнг пайдо бўлади. Агар айбланувчининг ўзи фуқаровий жавобгар бўлса, айбланувчини фуқаровий жавобгар тариқасида ишга жалб этиш ҳақида махсус қарор чиқариш талаб этилмайди.

Даъвони таъминлаш мақсадида айбланувчи ёки жавобгарнинг мулки хатланиши мумкин.

Қонуний вакил ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинади.

Ишда қонуний вакил сифатида ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар, вояга етмаганга ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган иштирокчига ҳомийлик қилувчи муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашишлари мумкин. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ва судланувчининг қонуний вакили ишда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи билан бирга, жабрланувчининг қонуний вакили эса жабрланувчи билан бирга, шунингдек унинг ўрнида ҳам иштирок этади.

Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига йўл қўйилганлиги ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор — қарор, суд эса — ажрим чиқаради. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг манфаатлари билан қонуний вакилнинг манфаатлари ўзаро мос келмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи тарафида ишда иштирок этиш учун қарор ёхуд ажрим билан адвокат тайинланади (ЖПК 60-моддаси).

ЖПКнинг 61-моддасига мувофиқ, қонуний вакил: ўзи вакиллик қилаётган шахснинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга чақирилганидан хабардор бўлиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг рухсати билан шу шахснинг сўроқ қилинишида иштирок этиш; ўзи вакиллик қилаётган қамоқдаги шахс билан холи учрашиш; ўзи вакиллик қилаётган шахс ЖПКга мувофиқ эга бўлган процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Қонуний вакил: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Қонуний вакил гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, шунингдек ҳимоячи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда қонуний вакил юқорида айтиб ўтилган процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади.

Жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакиллари тариқасида адвокатлар, вакил сифатида иштирок этишга махсус рухсатномалари бўлган шахслар, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига кўра ишда қатнашишга рухсат берилган яқин қариндошлар ва бошқа шахслар иштирок этишлари мумкин.

Вакилнинг ишда иштирок этиши учун унинг жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар билан тузган топшириқ шартномаси асос бўлади. Юридик шахснинг вакили сифатида унинг раҳбари иштирок этиши учун алоҳида ваколатнома керак эмас. Раҳбар томонидан берилган ишонч қоғози бўйича юридик шахсларнинг вакиллари сифатида унинг штатдаги ходимларига ва адвокатларга рухсат этилади.

Жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ёки фуқаровий

жавобгарнинг вакили ишда ўзи вакиллик қилаётган шахс билан бирга, шунингдек унинг ўрнида ҳам иштирок этади. Жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар иш юритишнинг исталган вақтида вакилдан воз кечишга ёки бошқа шахсни вакил қилиб олишга ҳақлидир (ЖПК 62-моддаси).

Жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили тегишлича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар эга бўлган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади. Вакил иш юритишнинг исталган вақтида ўз мажбуриятларини бажаришни давом эттиришдан воз кечишга ҳақлидир.

Вакил: ўзи вакиллик қилаётган шахсларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши; уларнинг ишончини суиистеъмол қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт (ЖПК 63-моддаси).

ЖПКнинг 64-моддасига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, шунингдек жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва уларнинг вакилларига берилган ҳуқуқларини тушунтириб бериши ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятларини таъминлаши шарт. Шу билан бирга процесс иштирокчиларига юкланган мажбуриятлар ва уларни бажармаслик оқибатлари тушунтирилиши лозим.

Ҳимоячи гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга оширишга ҳамда уларга керакли юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

Ишда ҳимоячи сифатида: адвокатлар; ҳимоячи сифатида қатнашиш учун махсус рухсатномага эга шахслар; жамоат бирлашмаларининг ўз аъзоларининг ишлари бўйича вакиллари қатнашишлари мумкин. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари, шунингдек бошқа шахслар ҳимоячи сифатида иштирок этишига терговчининг қарори ва суд ажрими бўйича йўл қўйилиши мумкин.

Ҳимоячининг ишда иштирок этишига фуқарога айблов эълон қилинган вақтдан бошлаб ёки у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор эълон қилинган пайтдан ёхуд у ушланган пайтдан бошлаб рухсат этилади (ЖПК 49-моддаси).

Жамоат бирлашмаларини жамоат ҳимоячилари билан чалкаштирмаслик лозим: жамоат ҳимоячилари фақат судда иштирок этишлари мумкин, жамоат бирлашмаларининг вакиллари бўлган ҳимоячилар эса дастлабки терговда ҳам иштирок этишга ҳақлидирлар. Жамоат бирлашмаси ушбу бирлашма ёки жамоанинг фикрини билдиради. Жамоат ҳимоячиси эса жиноят ишида ўз номидан қатнашади.

Ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф этилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди.

Танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида ишда иштирок этишга киришишга имконияти бўлмаган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига ёхуд уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячини таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига мурожаат қилишни тавсия этади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи танлаган ҳимоячи исталган вақтда ишда иштирок этишга киришишга ҳақлидир.

Ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат ҳисобидан бўлади (ЖПК 50-моддаси).

Қуйидаги ишлар бўйича:

- 1) вояга етмаганларнинг иши бўйича;
- 2) соқовлар, карлар, кўрлар, жисмоний нуқсонли ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларнинг иши бўйича;
- 3) судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича;

4) жазо чораси сифатида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича;

5) шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича;

6) давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган ишлар бўйича;

7) жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишларда;

8) тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари туфайли гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин деган хулосага келса, бошқа ишлар бўйича ҳам ҳимоячининг иштирок этишини шарт деб топишга ҳақлидир.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи томонидан ёки уларнинг илтимосига кўра ёхуд розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмаси раҳбари суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг талаби бўйича суриштирувда, дастлабки терговда ёки ишни судда муҳокама қилишда иштирок этиш учун ҳимоячи тайинлаши шарт (ЖПК 51-моддаси).

Юридик маслаҳатхона, адвокатлар бюросининг мудирини ёки адвокатлар ҳайъатининг раёсатини гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчинини ҳимоя қилиш учун адвокат ажратишлари шарт.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритилаётган даврда исталган вақтда ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланадиган реал имкониятлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади, бунда адвокат ҳимоядан воз кечилганлигини тасдиқлайди. Бу ҳақда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек адвокат, суриштирувчи ёки терговчи имзолайдиган баённома тузилади ёхуд суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

ЖПК 51-моддаси биринчи қисмининг 1, 4 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда ҳимоячидан воз кечиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд учун мажбурий эмас.

Ҳимоячидан воз кечиш гумон қилинувчини, айбланувчини ёки судланувчини кейинчалик ишда ҳимоячи иштирок этишига рухсат бериш ҳақида илтимос қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Бундай илтимос барча ҳолларда қаноатлантирилиши керак. Суд тергови давомида ҳимоячининг иштирок этиши ҳақида берилган илтимоснома ишнинг ҳолатларини ҳисобга олиб ва судланувчига ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш манфаатларини кўзлаб суд томонидан ҳал этилади. Ҳимоячининг суд мажлиси давомида ишга киришиши суд терговини қайта бошлаш учун асос бўлмайди (ЖПК 52-моддаси).

Ҳимоячи: манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг нимада гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганлигини билиш; ишда иштирок этиш учун ўзига ижозат берилгани тўғрисида суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суддан ёзма равишда тасдиқ талаб қилиш; гумон қилинувчи сўроқ қилинаётганида иштирок этиш, шахсга айблов эълон қилинаётганида ҳозир бўлиш ҳамда айбланувчи сўроқ қилинаётганида, шунингдек уларнинг иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида қатнашиш ва гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга саволлар бериш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан бошқа тергов ҳаракатлари юритилаётганида иштирок этиш; ўзи қатнашган тергов ҳаракатларининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар бериш; илтимоснома бериш ва рад этиш; далиллар тақдим қилиш; давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ҳамда жамоат бирлашмаларидан ҳимояни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар сўраб олиш; гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса, жиноят ишига доир барча материаллар билан танишиш ва улардан керакли маълумотларни ёзиб олиш; агар ҳимояни амалга ошириш зарурияти тақозо этса, давлат сирлари, тижорат сири ёки бошқа сир ҳисобланган маълумот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш; ишнинг суддаги муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд

мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш; апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, ҳимоячи у билан холи учрашишга ҳақлидир. Бунда учрашувлар сони ва давом этиш вақти чекланмайди. Ҳимоячи ўз вазифасини амалга ошириши муносабати билан билган маълумотларини ошкор қилишга ҳақли эмас.

Ҳимоячи: гумонни ёки айбловни рад этадиган ёхуд жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усулларни қўллаши ҳамда гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Ишда иштирок этиш ҳақида битим тузилган ёки тайинланган вақтидан бошлаб адвокат ҳимоячи вазифасини бажаришни рад этишга ҳақли эмас (ЖПК 53-моддаси).

Шундай қилиб, ЖПКда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг манфаатларини ҳимоя қилиши учун ҳимоячига катта ҳуқуқ ва ваколатлар берилган. Терговчи, прокурор, суднинг ўз зиммаларидаги айбланувчига ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлашдан иборат мажбуриятларини бажармасликлари ҳукмнинг бекор қилинишига ёки ишнинг қўшимча терговга қайтарилишига олиб келади.

4.5. Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида ушбу шахслар қаторига гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ва холис киритилган.

Жиноят процессида ҳаммадан ҳам кўпроқ *гувоҳ* қатнашади. ЖПКнинг 65-моддасига биноан, жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин.

Айни пайтда ЖПКнинг 115-моддасига биноан гувоҳ ва жабрланувчи тариқасида:

1) ҳукм ва ажрим чиқариш жараёнида келиб чиққан масала-

ларни маслаҳатхонада муҳокама қилишга оид ҳолатлар тўғрисида – судьяни ва халқ маслаҳатчисини;

2) жиноят иши юзасидан ўз вазифаларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида – ҳимоячини, шунингдек жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакилини;

3) руҳий ёки жисмоний нуқсонли сабабли иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатни тўғри идрок этиш ва бу ҳақда кўрсатув бера олиш лаёқатига эга бўлмаган шахсни сўроқ қилиш мумкин эмас.

ЖПКнинг 66-моддасига мувофиқ, гувоҳ: сўроқ юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида кўрсатувлар бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; унинг сўроқ қилинишида иштирок этувчи таржимонни рад этиш; кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб бериш; сўроқ баённомаси билан танишиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш; кўрсатувлар беришда ёзма белгилар ва ҳужжатлардан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоялаш ва суриштирувчи, терговчи, прокурор қарори ва суд ажрими устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эгадир.

Гувоҳ: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; иш бўйича ўзига маълум ҳамма нарса ҳақида ҳаққоний сўзлаб бериши; берилган саволларга жавоб қайтариши; иш бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатларни сўроқ қилувчининг рухсатисиз ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Гувоҳ узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда ЖПКнинг 261–264-моддаларида назарда тутилган тартибда мажбурий равишда олиб келиниши мумкин. У кўрсатув беришдан бош тортганлик, шунингдек била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкин (ЖПК 116-моддаси).

Хулоса бериш учун зарур билимга эга бўлган ҳар қандай шахс эксперт сифатида чақирилиши мумкин.

Эксперт чақириш, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш ЖПКнинг 172–187-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Экспертиза предмети фан, техника, санъат, ҳунарнинг ҳар

қандай тармоғига кириши мумкин, ҳуқуқ масалаларигина бундан мустасно.

Эксперт: экспертиза қилиш учун тегишли иш материаллари билан танишиш ва ундан керакли маълумотларни ёзиб олиш; ўзига қўшимча материаллар тақдим этилиши ҳақида илтимоснома бериш; башарти ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар унинг мутахассислигига оид бўлмаса ёки хулоса бериш учун унга тақдим этилган материаллар етарли бўлмаса, хулоса беришнинг иложи йўқлиги ҳақида ҳужжат тузиш; суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг рухсати билан тергов ҳаракатлари юритилишида иштирок этиш ва тергов ҳаракатида иштирок этувчи шахсларга экспертизага оид тегишли саволлар бериш; экспертизага оид далилларни текширишда суд муҳокамасида иштирок этиш ва суднинг рухсати билан сўроқ қилинаётган шахсларга саволлар бериш; ашёвий далилларни ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз хулосаларида фақат унинг олдига қўйилган масалалар ҳақида эмас, балки экспертизага оид бошқа масалалар бўйича ҳам фикр билдириш; башарти иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса ва кўрсатув бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эгадир.

Эксперт: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; олдига қўйилган саволлар бўйича ёзма хулосалар бериши; ўзи ўтказган экспертиза бўйича кўрсатувлар бериши ва бу хулосаларни тушунтириш учун қўйилган қўшимча саволларга жавоб бериши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Эксперт узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши мумкин. У шундай сабабга кўра ўз вазифаларини бажаришни рад этган ёки ундан бўйин товлаган тақдирда, шунингдек била туриб ёлғон хулоса берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади (ЖПК 68-моддаси).

Тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва қайд этишда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун *мутахассис* чақирилади. Мутахассис сифатида шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар чақирилиши мумкин.

Тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда фан-техника воситаларини (магнитофон, видеомагнитофон, кинога олиш аппаратлари ва бошқа аппаратларни) қўллаш учун мутахассис чақирилиши мумкин.

Тергов ва суд муҳокамасига мутахассис чақириш ҳамда унинг иштирок этиши ЖПКнинг 91, 92, 136-138, 146, 147, 149, 151, 156 ва 93-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади (ЖПК 69-моддаси).

Мутахассис: ўзининг қандай мақсадда чақирилганлигини билиш; башарти тегишли билимларга эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан бош тортиш; ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга оид иш материаллари билан танишиш; ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга алоқадор арз ва мулоҳазалар билдириш; тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасида иштирок этаётган шахсларга суриштирувчининг, терговчининг, прокурор ва суднинг рухсати билан саволлар бериш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эгадир.

Мутахассис: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасини юритишда далилларни топиш ва қайд этиш учун фан-техника воситалари, махсус билим ва малакасидан фойдаланган ҳолда иштирок этиши; иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг эътиборини қаратиши; ўзи бажараётган ҳаракатлар бўйича тушунтиришлар бериши; жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, содир қилинишига имкон берган шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт (ЖПК 70-моддаси).

Экспертдан фарқли ўлароқ, мутахассис тадқиқотлар ўтказмайди ва хулосалар бермайди. У фақат махсус билими ва тажрибасидан фойдаланиб, суриштирувчи, терговчи ёки судга тергов ҳаракатини амалга оширишда ёрдам беради. Экспертнинг хулосаси далиллар манбаи ҳисобланади, мутахассиснинг фикри эса бундай вазифани бажара олмайди.

Мутахассисни жиноят ишини юритишда иштирок этишга жалб этиш тартиби ҳам экспертиза тайинлаш тартибидан фарқ

қилади. Қонунда мутахассис иштироки шарт бўлган икки ҳол кўрсатилган: 14 ёшгача бўлган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишда ва мурдани кўздан кечиришда. Тергов ҳаракатини ўтказишда иштирок этиш мутахассиснинг мажбурияти эмас, ҳуқуқидир (унинг иштироки мажбурий бўлган ҳоллар бундан мустасно). Ишда мутахассис сифатида иштирок этган шахс келгусида ушбу иш бўйича эксперт қилиб тайинланиши мумкин (ЖПК 78-моддаси).

Таржимон — таржима учун билиш зарур бўлган тилларни эгаллаган ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан ишда иштирок этаётган шахслар жиноят тергов қилинаётган ёки суд муҳокамаси амалга ошириладиган тилни билмаганида тайинланадиган шахс.

Таржимон қуйидаги ҳолларда чақирилади:

1) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёхуд уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис иш юритиладиган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса ёнки қар ёки соқов бўлса;

2) бирор матнни бошқа тилдан таржима қилишга зарурат бўлса.

Таржимонга тегишли қоидалар иш юритишда иштирок этиш учун таклиф қилинган, қар ёки соқовнинг имо-ишораларини тушунадиган шахсга нисбатан ҳам қўлланилади (ЖПК 71-моддаси).

Суриштирув ёки тергов олиб бориладиган тилни билмайдиган шахс иштирокида амалга ошириладиган ҳар қандай тергов ҳаракатини ўтказишда; суд муҳокамасида таржимон иштирок этиши шарт. Таржимоннинг тайинланиши суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан расмийлаштирилади. Жиноят процессининг бошқа иштирокчиларидан ҳеч бири, жумладан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья таржимон вазифасини бажариш ҳуқуқига эга эмас. Таржимонни танлашда давлат муассасалари, жамоат бирлашмалари, институтлар, махсус ўқув юртларига мурожаат этиш лозим. Мутахассисни таклиф қилиш имкони бўлмаганидагина хусусий шахслар хизматидан фойдаланиш мумкин.

Таржимон: таржимани аниқлаштириш мақсадида процесс иштирокчиларига саволлар бериш; ўзи қатнашган тергов ҳаракатлари баённомаси, шунингдек суд мажлиси баённомаси билан танишиш ҳамда баённомага киритилиши лозим бўлган

мулоҳазалар билдириш; башарти таржима қилиш учун зарур билим ва малакага эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан воз кечиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эгадир.

Таржимон: суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ўзига топширилган таржимани аниқ ва тўлиқ бажариши; таржиманинг тўғрилигини ўзининг иштирокида ўтказилган тергов ҳаракати баённомаси ва суд мажлисининг баённомасига, шунингдек процесс иштирокчиларига уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб топшириладиган процессуал ҳужжатларга имзо чекиш билан тасдиқлаши; суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг рухсатсиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Таржимон била туриб нотўғри таржима қилган тақдирда қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади (ЖПК 72-моддаси).

ЖПКнинг 73-моддасига мувофиқ, **холисларни** суриштирувчи, терговчи, прокурор тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ЖПКда назарда тутилган ҳолларда чақиртиради.

Тергов ҳаракатларини юритишда иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар воёга етган фуқаро чақирилиши лозим. Тергов ҳаракатини бошлашдан олдин суриштирувчи, терговчи ёки прокурор холисларга уларнинг ЖПКнинг 74-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Холис: тергов ҳаракатида иштирок этиш; тергов ҳаракати бўйича баённомага киритилиши лозим бўлган арз ва мулоҳазалар бериш; ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг баённомаси билан танишиш; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эгадир.

Холис: суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; тергов ҳаракатини юритишда иштирок этиши; тергов ҳаракати ўтказилгани, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тергов ҳаракати баённомасида имзо чекиб тасдиқлаши; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсатсиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслиги шарт.

Холис узрсиз сабабга кўра ўз вазифасини бажаришдан бош тортганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади.

Холис ўзи иштирок этган тергов ҳаракатини юритиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин. У бундай ҳолларда ЖПКнинг 66-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

ЖПКнинг 252-моддасида холисларнинг тергов ҳаракатларидаги иштироки, жумладан фуқаронинг терговчининг қонуний талаблари ва таклифларини бажаришдан бош тортиш фактини тасдиқлаш ёки терговчига қаршилик кўрсатиш ёки дастлабки терговни юритиш тартибини бузувчи бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар қилганлигини тасдиқлаш учун иштирок этиши белгиланган.

Шундай қилиб, биз қонун ҳужжатларида жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар тоифасига киритилган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини кўриб чиқдик.

ЖПКнинг 75-моддасига мувофиқ, жабрланувчи ёки унинг вакили, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида чақирилган шахснинг иш жойидаги ўртача ойлик маоши унинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳузурига чақирилиши муносабати билан кетган ҳамма вақт учун сақланади. Ишламайдиган шахсларга улар кундалик машғулотлари билан шуғуллана олмаганликлари учун ҳақ тўланади. Бундан ташқари, кўрсатилган ҳамма шахслар чақирилиш муносабати билан қилган сарф-харажатларини ундириш ҳуқуқига эгадирлар.

Эксперт, мутахассис ва таржимон ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Ушбу мажбуриятлар хизмат топшириғи тарзида бажарилган ҳоллар бундан мустасно. Сарф-харажатлар қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда тўланади.

4.6. Жиноят процессида иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар. Рад қилишлар

ЖПКнинг 76-моддасига мувофиқ, куйидаги ҳолларда судья, шунингдек халқ маслаҳатчиси, прокурор, терговчи, суриштирувчи, суд мажлисининг котиби жиноят ишини юритишда иштирок этишга ҳақли эмас ва уни рад қилиши лозим:

1) у шу иш бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқа-

ровий жавобгар, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, гувоҳ, ҳимоячи сифатида, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг қонуний вакили ёки жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этаётган ёки илгари иштирок этган бўлса;

2) у ушбу ишни юритиш учун масъул бўлган бирор мансабдор шахснинг ёки юқорида кўрсатилган ўзга шахсларнинг қариндоши бўлса;

3) унинг холислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Судья илгари шу ишни юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд мажлисининг котиби сифатида иштирок этган бўлса, ўша ишни келгусида кўришда қатнаша олмайди.

Биринчи инстанция, апелляция ёки кассация инстанцияси судида ёхуд назорат тартибида ишни кўришда иштирок этган судья унинг иштирокида чиқарилган ҳукм, ажрим (қарор) бекор қилинганидан кейин ўша ишни кўришда иштирок эта олмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларнинг Пленумда ишларни кўришда иштирок этиш ҳоллари бундан мустасно.

Суриштирувчининг, терговчининг ҳамда суд мажлиси котибининг ўз процессуал мажбуриятини бажариши, агарда ушбу иш қўшимча тергов юритиш ёки судда янгидан кўриш учун жўнатилган бўлса, уларнинг тегишлича суриштирув, дастлабки тергов юритишига, шунингдек суд мажлиси баённомасини тузишига монелик қилмайди.

ЖПКнинг 77-моддасига мувофиқ жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси ва жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг бошқа вакиллари ЖПКнинг 76-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда ишда иштирок этишга ҳақли эмаслар ва рад қилинишлари лозим.

Эксперт, мутахассис, таржимон, холис ЖПКнинг 76-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек ишда иштирок этаётган шахслардан бирортасига хизмат юзасидан ёки бошқа жиҳатдан тобе бўлса, жиноят ишини юритишда иштирок этишга ҳақли эмас ва рад қилиниши лозим.

Бундан ташқари, башарти эксперт, мутахассис, таржимоннинг ўз касбига нолайиқлиги аён бўлиб қолса, холислар эса, ички ишлар органи, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, адлия ёки суд ходими бўлсалар, рад қилинишлари лозим.

Материаллари ишнинг қўзғатилишига асос бўлган тафтиш ёки ўзга идоравий текширув ўтказган шахс ушбу ишда эксперт ёки мутахассис сифатида иштирок этишга ҳақли эмас. Ишда мутахассис сифатида иштирок этган шахс келгусида ушбу иш бўйича эксперт қилиб тайинланиши мумкин (ЖПК 78-моддаси).

Ҳимоячи, шунингдек жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ёки фуқаровий жавобгарнинг вакили қуйидаги ҳолларда жиноят ишини юритишда иштирок этишга ҳақли эмас, башарти у:

1) илгари шу иш бўйича судья, халқ маслаҳатчиси, прокурор, терговчи, суриштирувчи, суд мажлисининг котиби, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида иштирок этган бўлса;

2) ушбу ишнинг терговда ёки судда кўрилишида иштирок этган ёхуд иштирок этаётган судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи ёки суд мажлисининг котиби билан қариндошлик муносабатида бўлса ёхуд юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида у билан битим тузган процесс иштирокчисининг манфаатларига манфаати қарама-қарши бўлган шахс билан қариндошлик муносабатида бўлса;

3) судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи лавозимида бўлса, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: башарти у муомалага лаёқатсиз шахсларнинг вакили бўлса ёки ўзи ишлайдиган ва фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишга жалб қилинган муассасанинг вакили сифатида қатнашса;

4) ўз ҳимоясидаги гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки ўзи вакиллик қилаётган жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг манфаатларига манфаати қарама-қарши бўлган шахсга юридик ёрдам кўрсатаётган ёки муқаддам шундай ёрдам кўрсатган бўлса (ЖПК 79-моддаси).

ЖПКнинг 80-моддасига мувофиқ, ЖПКнинг 76–79-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда судья, халқ маслаҳатчиси, прокурор, терговчи, суриштирувчи, суд мажлисининг котиби, жамоат бирлашмасининг ёки жамоанинг вакили, ҳимоячи, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ёки фуқаровий жавобгарнинг вакили, эксперт, мутахассис, таржимон, холис ўзини ўзи рад этиши шарт. Агар ўзлари бундай қилмасалар, улар шу асосга кўра гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий

жавобгар ва уларнинг вакиллари, ҳимоячи томонидан, суд мажлисида эса, бундан ташқари давлат айбловчиси, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили томонидан рад қилиниши мумкин.

Ишни тергов қилиш чоғида рад этиш масаласи прокурор, терговчи, суриштирувчи томонидан, суд мажлисида эса суд томонидан ҳам қўйилиши мумкин. Рад қилиш ҳақидаги арз асослантирилган бўлиши керак. Рад қилинган шахс рад этиш ҳақидаги масала кўрилгунига қадар тушунтириш беришга ҳақли.

Судьяни рад қилиш масаласи қолган судьялар томонидан рад қилинган шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилади. Овозлар тенг бўлинганда судья рад қилинган ҳисобланади. Кўпчилик судьяларни ёки суднинг буткул таркибини ёхуд суд мажлисининг котибини рад қилиш ҳақидаги масала тўла таркибдаги суд томонидан оддий кўпчилик овоз билан ҳал этилади. Ишни якка тартибда кўраётган судьяни рад қилиш масаласини унинг ўзи ҳал қилади. Прокурорни рад қилиш масаласи ишни тергов қилиш чоғида юқори турувчи прокурор томонидан, суд мажлисида эса, ишни кўраётган суд томонидан ҳал этилади.

Жамоат бирлашмаси ёки жамоа вакилини рад қилиш масаласи ишни кўраётган суд томонидан ҳал этилади. Суриштирувчи ёки терговчини рад қилиш масаласини суриштирув ва дастлабки тергов устидан назорат олиб борувчи прокурор ҳал этади. Эксперт, мутахассис, таржимон ёки ҳимоячини, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарнинг вакиллари рад қилиш масаласини ишни тергов қилиш чоғида суриштирувчи ёки терговчи, суд мажлисида эса ишни кўраётган суд ҳал этади. Холисни рад қилиш масаласи суриштирувчи ёки терговчи томонидан ҳал этилади.

Ишни тергов қилиш чоғида қўйилган рад қилиш масаласини суриштирувчи, терговчи, прокурор 24 соат ичида ҳал этади. Рад қилиш суд мажлисида қўйилган бўлса, бу масала шу мажлисда дарҳол ҳал этилади. Рад қилишни қаноатлантириш ёки қаноатлантирмаслик ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор — қарор, суд эса — ажрим чиқаради.

Шундай қилиб, ЖПКнинг 76—80-моддаларида жиноят ишида жиноят процессининг ҳар хил субъектлари иштирок этишига монелик қилувчи ҳолатлар, шунингдек уларни рад этиш шартлари ва тартиби кўриб чиқилган бўлиб, бу жиноят иши ҳолатларини холисона тадқиқ этишнинг муҳим кафолатидир.

Тахминий тестлар

1. Жиноят процессининг иштирокчилари қайси жавобда тўғри таърифланган?

А. Жиноят ишида ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ёхуд ўзлари вакили бўлган (ҳимоя қилаётган) шахснинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилаётган ва шу туфайли жиноят ишида фаол иштирок этишларига имкон берувчи муайян процессуал ҳуқуқларга эга бўлган шахслар

В. Ишдан манфаати бор ёки йўқлигидан қатъи назар, жиноят-процессуал функцияларни бажарувчи барча субъектлар

С. Манфаати бор-йўқлигидан ва процессуал функцияларни бажариш-бажармаслигидан қатъи назар, жиноят ишида иштирок этувчи барча шахслар

Д. Жиноят-процессуал фаолиятда иштирок этувчи, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ва жиноят-процессуал муносабатларга киришадиган барча шахслар

Е. Жиноят ишини юритишда қатнашадиган тергов ва судлов фаолиятининг тўла ҳуқуқли субъектлари

2. Шахс қайси пайтдан бошлаб айбланувчи бўлади?

А. Процессуал *мақоми* билан танишган пайтдан бошлаб

В. Айб қўйилган пайтдан бошлаб

С. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор чиқарилган пайтдан бошлаб

Д. Ушланган пайтдан бошлаб

3. Айбланувчи ким?

А. Айб қўйилган шахс

В. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор чиқарилган шахс

С. Жиноят содир этганликда айбдор шахс

Д. Ўзини айбдор деб тан олган шахс

Е. Содир этган жинояти билан зиён етказган шахс

4. Гумон қилинувчига берилган қайси таъриф тўғри?

A. Шубҳа билан ушланган шахс

B. Шубҳа остидаги шахс

C. Ишда унинг жиноят содир этганлигидан далолат берадиган, ammo уни ишга айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш учун етарли бўлмаган маълумотлар бўлган шахс

D. Жабрланувчи жиноят содир этганликда шубҳа қилаётган шахс

E. Терговчи айб қўйган шахс

5. Ким ҳимояланиш ҳуқуқига эга?

A. Айбланувчи

B. Гумон қилинувчи

C. Судланувчи

D. Оқланган шахс

E. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи

Назорат учун саволлар

1. Жиноят процессининг иштирокчилари қандай таснифланади?

2. Терговчи қандай ваколатларга эга?

3. Қандай суриштирув органларини биласиз?

4. Жиноят процессида иштирок этишга монелик қилувчи қандай ҳолатлар мавжуд?

5. Рад этиш, ўзини рад этиш нима ва улар қандай тартибда ҳал қилинади?

6. Ким ва қайси тартибда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум сифатида тан олинади?

7. Қандай ҳолларда ҳимоячи жиноят процессида иштирок этиши шарт?

8. Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар кимлар?

9. Жиноят процессида жабрланувчи қандай процессуал мақомга эга?

10. Экспертни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш мумкинми?

V боб. Жиноят процессида далиллар

5.1. Исбот қилиш ҳуқуқи ва унинг далиллар назарияси билан ўзаро муносабати

Исбот қилиш ҳуқуқи – жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш мақсадида тергов тусмолларини илгари суриш, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан бевосита боғлиқ бўлган процессуал фаолиятни ва унинг давомида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуи. Исботлаш ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ тармоғи эмас, балки жиноят-процессуал ҳуқуқнинг қисмидир. Унинг нормалари бошқа процессуал нормалар билан боғлиқ бўлиб, процесснинг барча босқичларида қўлланилади.

Исботлаш ҳуқуқини далиллар назарияси билан чалкаштирмалик керак. Далиллар назарияси жиноят процесси ҳақидаги фаннинг бир қисми бўлиб, жиноят ишлари бўйича исботлашга багишланган илмий қоидалар тизимидир. Унда исботлашнинг методологик асослари, «далиллар» тушунчаси, уларнинг турлари, таснифланиши, исботлаш предмети ва доираси кўриб чиқилади. Далиллар назариясига исботлаш ҳуқуқи нормаларини, жиноят процесси субъектларининг ушбу нормаларни қўллаш борасидаги амалий фаолияти ҳамда далиллардан тўғри фойдаланишга ёрдам берувчи тавсияларни ишлаб чиқиш киради.

5.2. Ҳақиқатни аниқлаш – исботлашнинг мақсади

Далиллар назарияси учун ҳақиқатни аниқлаш йўллари, унинг мазмуни ва мезони ҳақидаги таълимот алоҳида аҳамиятга эга. Билиш фаолияти сифатида исботлашнинг муҳим жиҳатлари ҳар қандай билиш жараёнининг мазмунини очиб берувчи инъикос назариясида намоён бўлади. Бутун материяга хос бўлган инъикос, табиат ва жамият барча ҳодисаларининг ўзаро алоқадорлиги инсоннинг атроф воқеликни билиш жараёнининг асосини ташкил этади. Табиат ва жамият барча ҳодисаларининг ўзаро алоқадорлиги жараёнида атроф оламнинг турли объектлари ўзаро таъсир кўрсатади, ахборот алмашуви юз беради. Исботлаш билвосита, ретроспектив инъикос жараёни бўлиб, у акс этилувчи ва акс этирувчи тизимларнинг ўзаро

таъсири сифатида юз беради: суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ёки суд, ўтмишда содир бўлган жиноят ҳодисаси асосида жиноят туфайли қолдирилган излар орқали билвосита билиб оладилар. Белгиланган тартибда тўпланган ва текширилган ушбу излар жиноятни исботлаш ва уни содир этган шахсни аниқлаш воситасидир. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси жиноят изларини моҳирона аниқлаш ва қўллашдан ҳамда улар асосида тўғри хулосалар чиқаришдан иборат.

Материалист файласуфлар *ҳақиқат* деганда, инсон билимларининг унинг онгидан ташқарида ва мустақил равишда мавжуд бўлган объектив воқеликни тўғри акс эттирадиган мазмунини тушунадилар. Жиноят ишини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида терговчи, прокурор, суд олдида содир этилган жиноятнинг барча ҳолатларини улар объектив воқеликда қандай рўй берган бўлса, худди ўшандай билишдан иборат. Жиноят ишида ҳақиқатни аниқлаш қуйидагиларни билдиради:

- 1) жиноятни очиш;
- 2) уни содир этган шахсларни аниқлаш;
- 3) айбдорларни адолатли жазолаш;
- 4) айбсиз шахсларнинг жинойий жавобгарликка тортилишига ва жазоланишига йўл қўймаслик;
- 5) чиқариладиган қарорларнинг қонуний ва асосланган бўлишини таъминлаш;
- 6) фуқароларни қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга кўмаклашиш;
- 7) жиноятнинг олдини олиш;
- 8) жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатлаш.

Жиноят процессидаги ҳақиқат табиатан объектив ҳақиқатдир, яъни терговчи ва суд иш ҳолатлари ҳақида чиқарган хулосаларнинг мазмуни уларнинг хоҳиш-истакларига боғлиқ бўлмайти ҳамда объектив воқеликка мос келиши керак бўлади. Жиноят процессида аниқланадиган ҳақиқат табиатан ҳам мутлақ, ҳам нисбий ҳақиқатдир. Ҳақиқатнинг нисбийлиги жиноят процессида объектив оламнинг таркибий қисми бўлган жиноят воқеликдаги барча алоқалари билан бирга эмас, балки жиноят процессининг вазифаларини бажариш учун зарур бўлган муайян доирада ўрганилиши билан боғлиқ (ЖПК 82-м.). Шу билан бирга, нисбий ҳақиқат — ташқи дунёнинг

ҳодисаларини тўғри акс эттирадиган объектив ҳақиқатдир ва шу боис мутлақ ҳақиқатнинг заррасига эга. Мутлақ ҳақиқатнинг «зарралари» қонун мавжудлигини муайян ҳуқуқий оқибатлар билан боғлайдиган барча ҳолатларни аниқлашга тааллуқлидир. Жиноят процессининг тартиби ҳақиқатни аниқлаш кафолатларини яратади. Ҳақиқатга эришишда содир этилган жиноятнинг ҳолатларини аниқлайдиган суриштирувчи, терговчи, прокурор, судьяларнинг шахсий хислатлари катта аҳамиятга эга.

Амалиёт ҳар қандай билиш жараёнида ҳақиқатнинг асоси ва мезони сифатида қаралади. Процесснинг турли иштирокчиларининг жиноят-процессуал фаолиятида далиллар текширилади ва баҳоланади ҳамда улар асосида жиноят ҳодисаси тикланади. Уларнинг бундай фаолияти исботлаш асоси бўлиб хизмат қилади. Жиноят процессида, амалий фаолиятнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, содир этилган жиноятни тажриба (эксперимент) ўтказиб текшириш ҳам, бунга йўл қўйиш ҳам мумкин эмас. Шу боис жиноят процессида амалиёт унинг билвосита ва бевосита шакллариининг, жиноят ишини тергов қилувчи ва кўриб чиқувчи шахсларнинг бевосита ва билвосита тажрибасининг мажмуи бўлиши ижтимоий амалиёт сифатида намоён бўлади.

5.3. Исботлаш предмети ва доираси

Исботлаш предмети – хусусияти қандай эканлигидан қатъи назар, ҳар бир жиноят иши бўйича аниқланиши шарт бўлган ва ишни мазмунан ҳал қилиш учун ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар мажмуи.

Исботлаш предметиға қуйидагилар киради:

1) жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;

2) жиноят содир этилган вақт, жой, уни содир этиш усули, шунингдек Жиноят кодексига кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлар; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;

3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;

4) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари;

5) айбланувчи ёки судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар (ЖПК 82-м.).

Вояга етмаганлар жиноятлари ҳақидаги ишлар ҳамда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга оид ишлар бўйича исботлаш предмети айрим хусусиятларга эга. Мазкур ҳолатлар жиноят ишини тергов қилиш ва кўриб чиқиш давомида жиноят содир этилганлигини тасдиқлаш ва уни содир этган шахсни топиш учун аниқланади. Шу билан бирга, исботлаш предмети доирасида жиноят иши юритишни истисно этувчи ҳолатлар ҳам аниқланиши мумкин (ЖПК 83-м.). Ушбу ҳолатларнинг аниқланиши, процесснинг қайси босқичда эканлигига қараб, қўйидаги қарорлардан бирининг қабул қилинишига олиб келади: жиноят ишини қўзғатишни рад этиш, жиноят ишини тутатиш, оқлов ҳукмини чиқариш.

Жиноят ҳолатлари уларни тергов қилиш ва кўриб чиқиш пайтига нисбатан ўтмиш фактлари сифатида далиллар ёрдамида аниқланади. Агар исботланиши лозим бўлган барча ва ҳар бир ҳолат ҳақидаги ҳақиқатни рад этиб бўлмас даражада аниқловчи жиноят ишига доир барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, далиллар мажмуи ишни ҳал қилиш учун етарли деб тан олинади. Текшириш доирасини тўғри аниқлаш исботлаш предмети, исботлаш субъектининг фаоллиги, далилларнинг сифати ва сонига боғлиқ. Дастлабки тергов давомида исботлаш доираси муайян пайтда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ўзгаришига боғлиқ равишда ўзгариб туради.

5.4. Далиллар ва уларнинг хоссалари

Жиноят процессида ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар далил ҳисобланади.

Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади (ЖПК 81-м.).

Далилга ичдан хос бўлган ҳамда фактик маълумотлар шу тўғрисида жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўладиган ҳолатларни аниқлашга қодир бўладиган хусусият далилнинг алоқадорлиги деб аталади. Алоқадорлик далилнинг

Далилнинг мақбуллиги деганда, далилни унинг манбаи, ваколатли шахсларнинг фактик маълумотларни олиш ва қайд этиш усуллари нуқтаи назаридан тавсифловчи хусусияти тушунилади.

Далилнинг ишончлилиги олинган маълумотларнинг қонунда назарда тутилган манбаларга мослиги бўлиб, уни дастлабки терговда ва судда пухта текшириш натижасидир.

Далилнинг етарлилиги – жиноят ҳолатларини воқеликка мос тарзда аниқлаш, жиноят ишини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида асосланган қарорлар чиқариш учун зарур бўлган ҳамда ички эътиқод (ишонч) бўйича аниқланадиган алоқадор ва ишончли далиллар мажмуи.

5.5. Далилларни таснифлаш

Далиллар хусусий ва ашёвий, айблов ва оқлов, дастлабки ва ҳосила, бевосита ва билвосита далилларга бўлинади.

Хусусий далилларга гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчининг кўрсатувлари, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ҳамда бошқа ҳужжатлар, экспертнинг хулосаси кабилар киради. Хусусий далилларнинг турли гуруҳлари учун умумий бўлган жиҳат инсоннинг ҳодисаларни руҳий идрок этиши ва ишнинг тўғри ҳал қилиниши учун аҳамиятли бўлган маълумотларни оғзаки ёки ёзма, лисоний (тилга оид) ёки бошқа шаклларда бериши ташкил қилади.

Ашёвий далилларга жиноят ҳолатларини таъсир, ўзгариш, юз бериш кабиларнинг излари кўринишида акс эттириш хусусиятига эга бўлган моддий объектлар киради. Моддий объектларда мавжуд бўлган ахборот лисоний шаклда эмас, балки предмет белгиларини бевосита идрок этиш орқали берилади.

Дастлабки ва *ҳосила* далиллар терговчи, суд ушбу ахборотни дастлабки манбалардан ёки «иккинчи қўл»дан олишига қараб фарқланади.

Далилларни *айблов* ва *оқлов* далилларига бўлиш айблов предметига бўлган муносабат билан боғлиқ. Муайян шахснинг жиноят содир этганлигидан далолат берувчи ёки унинг айбини оғирлаштирувчи ҳолатларни аниқлайдиган фактик маълумотлар айблов далиллари ҳисобланади. Муайян шахснинг жиноят содир этганлигини инкор этувчи ёки унинг айбини енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлайдиган фактик маълумотлар оқлов далиллари ҳисобланади.

Бевосита ва *билвосита* далиллар исботлаш предметига кўра бўлинади. Бевосита далиллар исботлаш предметига кирувчи ҳолатлар ҳақидаги ахборотга эга бўлган фактик маълумотлардир, билвосита далиллар эса иккиламчи фактлар ҳақидаги ахборотга эга бўлиб, улардан иш бўйича қидирилади фактлар ҳақида хулосалар чиқариш мумкин бўлади.

5.6. Исботлаш жараёни: далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш

Исботлашнинг умумий шартлари ЖПКнинг 9-боби (85–95-м.)да назарда тутилган бўлиб, уларнинг бажарилмаслиги ҳар қандай тергов ҳаракатининг натижалари судда кўриб чиқиш вақтида далилий аҳамиятга эга бўлмаслигига олиб келади. Исботлаш – бутун жиноят-процессуал фаолиятга сингиб кетган ва жиноят процесси вазифаларининг иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш орқали амалга оширилишини таъминлайдиган мураккаб жараён. Исботлашнинг мазмунини, аввало, ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат процессуал ҳаракатлар мажмуи ташкил қилади (ЖПК 85-м.). Ушбу ҳаракатларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга оширади. Исбот қилишда иштирок этиш ҳуқуқига гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси ҳам эгадирлар. Ниҳоят, исботлашда иштирок этишга гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, шунингдек ЖПКда белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларини амалга оширувчи ва бурчларини бажарувчи бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар ҳам жалб этилади.

Исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга оширади. Исбот қилишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирок этишга ҳаққидирлар.

Исбот қилишда иштирок этишга гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, шунингдек бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар жалб этилади. Улар ЖПКда мазмунини ифодалайди.

белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларни амалга оширадилар ҳамда мажбуриятларни бажарадилар (ЖПК 86-м.).

Исбот қилишнинг мазмунига далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари, шунингдек ушбу органлар билан фуқаролар ўртасида юзага келадиган муносабатлар ҳам ҳосилдир. Исбот қилиш жиноят процессининг барча босқичларида мавжуд, чунки ҳамма жойда фактларнинг воқеликка мослиги аниқланади. Турли босқичларнинг вазифалари ва процессуал шакллари хусусиятларига қараб ҳолатларнинг хусусияти, далилларнинг етарлилиги, исбот қилиш воситалар ва далилларни олиш усуллари ўзгариши мумкин. Аммо далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш борасидаги фаолиятнинг асосий йўналиши — иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш ўзгармай қолаверади.

Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш йўли билан тўпланади (ЖПК 87-м.).

Шундай қилиб, процессуал исбот қилиш деганда, суриштирув органлари, прокурор ва суднинг қонунда белгиланган тартибда амалга ошириладиган процесснинг бошқа иштирокчилари ёрдамида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш борасидаги фаолияти, шунингдек ушбу фаолият давомида иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш мақсадида юзага келадиган муносабатлар тушунилади.

Исбот қилиш элементлари:

а) далилларни тўплаш — суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг фактик маълумотлар манбаини аниқлаш, ундан зарур ахборотни олиш ва уни қайд этиш борасидаги фаолияти бўлиб, ушбу фаолият жиноят-процессуал қонунда назарда тутилган шакллар ва усулларда амалга оширилади. Далилларни давлат органлари ва мансабдор шахслар ЖПК 22 ва 86-моддаларининг

талаблар асосида тўплайдилар. Далилларни, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, ҳар қандай фуқаролар ва ташкилотлар ҳам тақдим этишлари мумкин. Далиллар жиноят процессининг ҳар қандай босқичида ҳар бир босқичнинг процессуал хусусиятларидан келиб чиқадиган шакл ва усулларда тўпланadi;

б) далилларни текшириш — суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг фактик маълумотларнинг ишончилигини ҳамда улар олинadиган манбаларнинг жиноят иши ҳолатларини тўғри аниқлаш учун яроқчилигини пухта, ҳар томонлама ва ҳолисона аниқлаш борасидаги фаолияти. Далиллар (ЖПК 94-м.) процесснинг барча босқичларида текширилади. Фактик маълумотлар ҳам, улар олинadиган манбалар ҳам, ҳар бир далил алоҳида ҳамда бошқа мавжуд далиллар билан биргаликда ҳам текширилиши лозим. Далилларни процессуал қарорларнинг қабул қилинишига алоқадор бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар текширадилар. Процесснинг бошқа субъектлари далилларни текширишда иштирок этадилар, холос.

Фан ва техника ютуқлари жиноят процессига далилларни тўплаш ва текшириш чоғида турли экспертизалар ўтказиш кўринишида, видеоёзувни қўллаш, қолип ва нусхалар тайёрлаш йўли билан жадал жорий этилмоқда. Қонунда уларни расмийлаштиришнинг процессуал тартиби назарда тутилган. Фан-техника воситаларини қўллаш материаллари процессда ҳам ҳужжатлар сифатида, ҳам ашёвий далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин. Ҳаммаси ушбу материаллар қандай белгилар мажмуига эгалигига боғлиқ. Фан-техника воситаларини процессдан ташқарида қўллаш уларни судда текшириш учун шарт-шароит яратишни талаб қилади. Шу тариқа олинган ҳужжатларни мансабдор шахслар қандай ҳолатларда ва ким аниқлаганини тушунтирувчи расмий ҳужжат билан бирга тақдим этишга ҳақлидирлар. Ҳужжат уни суриштирувчи, терговчи, судья ёки суд ишга қўшиб қўйган тақдирдагина далиллар манбаи аҳамиятига эга бўлади.

Ҳар қандай процессуал фаолият сингари, исбот қилиш ҳам қўриқлашни талаб этади. Бу, айниқса, фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳақида сўз юритилганда долзарбдир. Бошқача айтганда, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида фуқароларнинг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқла-

ри ва қонуний манфаатларини қўриқлаш таъминланиши керак. Шу боис ЖПКнинг 88-моддасига мувофиқ, исбот қилишда қуйидагилар тақиқланади:

1) шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш;

2) зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар билан кўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эришиш;

3) тунги вақтда, яъни кеч соат 22-00 дан эрталаб соат 6-00 гача тергов ҳаракатлари олиб бориш. Тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига ёки гумон қилинувчининг қочиб кетишига йўл қўймаслик, эксперимент жараёнида текширилаётган ҳодисанинг ҳолатини қайтадан тиклаш зарурати бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Ахлоқ нуқтаи назаридан, тергов ёки суд ҳаракатлари билан боғлиқ ишлар бажарилаётганида, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва ишда мутахассис ёки эксперт сифатида иштирок этаётган шифокорлардан бошқа шахсларнинг ўзга жинсдаги шахсни яланғочлаб эчинтириш чоғида ҳозир бўлишлари тақиқланади.

Бундан ташқари, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья тергов ва суд муҳокамаси жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва бошқаларнинг шахсий ҳаётига доир аниқланган маълумотларни ошкор қилмаслик чоратадбирларини кўриши шарт. Бунинг учун шундай маълумотлар аниқланиши мумкин бўлган тергов ёки суд ҳаракатлари олиб борилаётганида иштирок этадиган шахслар доираси чекланади, иштирокчилар эса уларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади.

Тергов ёки суд ҳаракатлари жараёнида олиб қўйиладиган нарсалар ва ҳужжатлар тегишли баённомаларда аниқ кўрсатилиши керак. Шу билан бирга, нарса ёки ҳужжат эгасига баённома нусхаси ёки унинг кўчирмаси топширилиб, тилхат олинади. Ишга алоқаси бўлмаган нарса ва ҳужжатлар топилганда, улар қонуний эгасига дарҳол қайтарилиши керак. Бироқ фуқаролар сақлаши тақиқланган нарса ва ҳужжатлар йўқ қилиниши ёхуд уларни сақлашга ваколати бўлган ва уларни тасарруф этадиган муассасалар ёки ташкилотларга берилиши лозим (ЖПК 88-м.).

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида давлат сирлари қўриқланишининг кафолатлари ҳам назарда тутилган. Хусусан, давлат сирлари бўлган ҳужжатлар ёки нарсаларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ва унга доир бошқа ҳаракатлар фақат суриштирувчи ёки терговчининг прокурор санкция берган қарорига биноан ёхуд суд ажримига қўра амалга оширилиши мумкин. Прокурор ёки суд мажлисида раислик қилувчи бундай ҳаракатларни ўтказиш вақти, жойи ва бошқа шартларини шу ҳужжатлар ёки нарсаларни сақлаш учун жавобгар бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари билан келишиб олади.

Бундай ҳаракатларни юритишда эксперт, мутахассис, холис сифатида фақат давлат сирлари бўлган ҳужжатлар ва нарсалар билан танишишга рухсат берилган шахслар иштирок этадилар (ЖПК 89-м.).

Ҳар қандай далил баённомада қайд этилиши керак. Маълумотлар ва нарсалардан, улар тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилганидан кейингина далил сифатида фойдаланиш мумкин. Баённомалар юритиш учун шахсий масъулият суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ва терговчи, судда эса, раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби зиммасига юклатилади.

ЖПКнинг 90-моддасида баённомаларга албатта киритилиши керак бўлган маълумотлар рўйхати келтирилган. Булар: тергов ёки суд ҳаракатининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар, бу шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани; тергов ёки суд ҳаракатининг ўтказилиш жойи ва вақти, шарт-шароитлари, жараёни ва натижалари, бунда топилган моддий объектлар тавсифи ва уларнинг иш учун аҳамиятли бўлган белгилари; тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси иштирокчилари тасдиқлашни сўраган фактлар; уларнинг юз бераётган ҳодиса сабаблари хусусидаги кўрсатувлари, тушунтиришлари, мулоҳазалари; улар томонидан берилган илтимосномалар, шикоятлар, рад этишлар; тергов ҳаракатини олиб бориш ёки суд муҳокамаси жараёнидаги тартиббузарлик ҳоллари, шунингдек бу тартиббузарликларни бартараф этиш ва олдини олиш учун кўрилган чора-тадбирлар.

Бундан ташқари, далилларни қайд этишнинг ёрдамчи усуллари ҳам мавжуд. ЖПКнинг 91-моддасига мувофиқ, далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва

ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, суд далилларни қайд этишнинг бу усуллари қўлланишига кўмаклашиш учун мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи, суд томонидан далилларни қайд этишнинг қандай усуллари қўллангани, фойдаланилган аппаратлар, асбоблар, ускуналар, материалларнинг техникавий тавсифи келтирилиб, тегишлича тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади. Бунда тергов ёки суд ҳаракатининг бориши ва натижалари акс эттирилган фотосуратлар, фонограммалар, видеоёзувлар, кинотасвирлар, қолиплар, нусхалар, режалар, схемалар ва бошқалар баённомага илова қилинади. Ҳар қайси иловада тергов ёки суд ҳаракатининг номи, ўтказилган жойи, санаси кўрсатилган изоҳловчи матн бўлиши лозим. Бу изоҳловчи матнни суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ёки терговчи ва ҳолислар, судда эса раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби ўз имзолари билан тасдиқлайдилар.

ЖПКнинг 92-моддасига мувофиқ, тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг, шунингдек суд муҳокамасидаги тарафларнинг бу ҳаракатлар жараёни ва натижалари акс эттирилган баённома билан танишиш, худди шунингдек баённомага қўшимча ва тузатишлар киритиш ҳуқуқлари таъминланиши керак. Бунда суриштирувчи ёки терговчи тергов ҳаракатлари тамом бўлиши билан дарҳол ушбу ҳаракат иштирокчиларига баённомани ўқиб чиқишга имкон беради ёхуд илтимосларига кўра уларга ўқиб беради. Шундай тартибда раислик қилувчи ёки унинг топшириғига биноан суд мажлиси котиби суд залидан ташқарида бажарилган суд ҳаракати иштирокчиларини, шунингдек тарафларни суд мажлиси баённомасидаги мазкур суд ҳаракатига тааллуқли ёзувлар билан таништиради.

Оғзаки билдирилган қўшимчалар, тузатишлар, фикр-мулоҳазалар, эътирозлар, илтимослар ва шикоятлар баённомага киритилади, ёзма равишда ифода этилганлари эса баённомага илова қилинади. Учиришлар ёки киритилган қўшимча сўзлар ёхуд бошқа тузатишлар хусусида баённома охиридаги имзолар олдиан изоҳлар берилади. Тергов ҳаракати баённомаси билан таништирилган шахслар баённоманинг ҳар бир саҳифаси остига ва унинг охирига имзо чекадилар.

Тергов амалиётида тергов ҳаракати баённомасини имзо чекишдан бош тортиш ёки имзо чека олмаслик ҳоллари учраб

туради. ЖПКнинг 93-моддасига мувофиқ, суриштирувчи ёки терговчи процесс иштирокчиларидан биронтасининг ёки бошқа шахсларнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тергов ҳаракатлари баённомасига имзо чекишдан бош тортганлиги тўғрисида баённомага ёзиб қўйиб, уни ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Юқорида назарда тутилган ҳолларда суд мажлиси баённомасининг суд ҳаракатлари тўғрисидаги ёзувларини имзолашдан бош тортганлиги ҳақида шу баённомага ёзилади ҳамда уни раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби ўз имзоси билан тасдиқлайдилар. Баённомага имзо чекишдан бош тортган шахс бош тортиш сабабини тушунтириш ҳуқуқига эга. Унинг тушунтириши баённомага киритилиши лозим.

Тергов ёки суд ҳаракати иштирокчиси ўзининг жисмоний нуқсони туфайли баённомани ўқиб, имзолай олмаса, баённомани унинг розилиги билан ҳимоячи, вакил ёки мазкур шахс ишонадиган бошқа фуқаро овоз чиқариб ўқиб беради ва имзо чекади. Бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади.

5.7. Далилларни баҳолаш. Ички ишонч — далилларни баҳолаш усули ва натижаси

Далилларни баҳолаш — судьялар, прокурор, терговчи, суриштирувчининг фикрий фаолияти бўлиб, ушбу фаолият давомида улар далилларни тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб, ўзларининг ички ишончлари асосида ҳар бир далилнинг ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги ҳамда уларнинг процессуал қарор қабул қилиш учун етарлилиги ҳақидаги масалани ҳал қиладилар. Далиллар процесснинг барча босқичларида баҳоланади. Далилларни баҳолашнинг моҳиятини уларнинг ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги ҳамда жиноят иши бўйича исбот қилиш предметига кирувчи ҳолатларни топиш учун етарлилигини аниқлаш ташкил қилади. Қонунда далилларни баҳолашга умумий талаблар белгиланган бўлиб, улар жиноят процессининг барча босқичлари учун ягонадир (ЖПК 95-м.).

Далилларни баҳолаш исбот қилиш жараёнининг элементи сифатида суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ёки суднинг фикрий, мантикий фаолияти бўлиб, улар ушбу фаолият асосида ҳар бир далилнинг ишга алоқадорлиги,

мақбуллиги ва аҳамияти ҳамда жиноят иши бўйича исбот қилиш предметиға кирувчи ҳолатларни аниқлаш учун етарлилиги ҳақида ишонч ҳосил қиладилар, шунингдек жиноят ишини юритишнинг муайян пайтида мавжуд бўлган далиллар мажмуи бўйича оралиқ ва якуний қарорлар қабул қилинади.

ЖПКда далилларни баҳолаш юқорида келтирилган шахсларнинг ички ишончига ҳавола қилиниши билан бирга, ушбу баҳонинг шаклланиши шартларини ҳамда амалга оширилган баҳолашни ифодалашнинг процессуал шаклини ҳам белгилаб беради. Бу ички ишончдан иборат субъектив омил ҳамда иш бўйича баҳоловчи хулосаларнинг кўриб чиқилган далиллари мажмуидан иборат бўлган объектив омилнинг уйғунлигини таъминлайди.

Далилларни баҳолашда ички ишонч икки жиҳатдан – далилларни баҳолаш усули сифатида ҳамда бундай баҳолашнинг натижаси сифатида кўриб чиқилиши зарур. Ички ишонч далилларни баҳолаш усули сифатида суд, прокурор, терговчининг қандайдир бошқа орган процесснинг ҳар қандай босқичида берган далилларни баҳолашга боғлиқ эмаслиги; бир турдаги далилларнинг бошқаларидан афзаллиги ҳақидаги қоидаларнинг йўқлиги билан кафолатланади. Далилларни баҳолаш натижаси сифатидаги ички ишонч суриштирувчи, терговчи, судьянинг далилларнинг ишончлилиги ҳамда улар жиноят-процессуал исбот қилиш давомида келган хулосаларнинг тўғрилигига ишонишларини билдиради.

Тахминий тестлар

1. Қонунда кўрсатилмаган далиллар манбаини белгиланг.

- A. Жабрланувчининг кўрсатувлари
- B. Гувоҳнинг кўрсатувлари
- C. Фуқаровий даъвогарни сўраш
- D. Фуқаровий жавобгарнинг кўрсатувлари
- E. Гумон қилинувчининг кўрсатувлари

2. Гувоҳни сўроқ қилиш баённомасида шундай ёзув бор: «Рустамов (айбланувчи) Қодировни (жабрланувчини) қандай урганлигини айтиб берди». Бу қандай далил?

- A. Айблов
- B. Оқлов

- C. Бевосита
- D. Билвосита
- E. Ҳосила

3. Исботлаш предметига кирувчи фактларни бевосита идрок этган терговчи рад этилиши мумкинми?

- A. Ҳа
- B. Йўқ
- C. Ҳар доим ҳам эмас
- D. Баъзан
- E. Прокурорнинг ихтиёри бўйича

4. Тергов жараёнида аниқланишича, босқинчилик чоғида ўлдирилган А. К. Раҳимов жиноят иши бўйича фуқаровий даъво келтирган қария С. Н. Раҳимовнинг ягона боқувчиси бўлган. Қотиллик С. Н. Раҳимовнинг кўз ўнгида содир этилган. Марҳумнинг отаси ким сифатида сўроқ қилиниши мумкин?

- A. Фуқаровий даъвогар
- B. Шоҳид
- C. Гувоҳ
- D. Жабрланувчи
- E. Жабрланувчининг вакили

5. Далиллар оператив қидирув чораларини қўллаш натижасида олинган маълумотлардан қайси белгилари билан фарқ қилади?

- A. Маълумотларнинг мазмуни бўйича
- B. Фактик маълумотларни олиш манбаи бўйича
- C. Маълумотларнинг шаклланиш вақти бўйича
- D. Маълумотларни олиш субъекти бўйича
- E. Уларни баҳолаш бўйича

Текшириш учун саволлар

1. Қонунда далилларга таъриф берилганми?
2. Жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашнинг қандай процессуал кафолатлари мавжуд?

3. Қонунда далилларнинг турлари белгиланганми?
4. Исбот қилиш предмети ва доираси нима, уларнинг ўзаро муносабати қандай?
5. Исбот қилиш жараёнининг қандай босқичларини биласиз?
6. Исбот қилишнинг умумий шартлари тизими нимадан иборат?
7. Далилларни баҳолаш нима, улар қандай элементлардан ташкил топган?
8. Исбот қилиш иштирокчилари қандай таснифланади?
9. Далилларни баённомаларда қайд этиш тартиби қандай?
10. Далилларни таснифлаш нима ва унинг амалий аҳамияти нимада?
11. Исбот қилиш жараёнида оператив қидирув маълумотлари қандай аҳамиятга эга?
12. Гувоҳлик иммунитетини нима?

VI боб. Тергов ҳаракатлари — исботлаш воситалари

6.1. Тергов ҳаракатлари, уларнинг турлари ва тизими

Суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ амалга оширадиган, жиноят ишининг ҳолатларини аниқлаш учун аҳамиятга эга фактик маълумотларни топиш, текшириш ва қайд этишга қаратилган процессуал ҳаракатлар *тергов ҳаракатлари* дейилади.

И. Е. Биховский тергов ҳаракатларини «терговчининг ҳамда қонун билан ваколат берилган бошқа шахснинг дастлабки тергов босқичида ҳамда янги очилган ҳолатларни тергов қилишда далилларни аниқлаш, текшириш, қайд этиш ва олиб қўйишнинг жиноят-процессуал ҳуқуқ асосида ва унга мувофиқ равишда амалга оширадиган билиш фаолияти»¹ сифатида таърифлаган.

Ушбу ҳаракатларни амалга ошириш чоғида ҳал қилинадиган вазифаларига кўра, ҳаракатларнинг ўзи икки мустақил гуруҳга бўлинади:

1) суриштирув органи, терговчи ёки прокурор дастлабки (судгача бўлган) тартибда далилларни аниқлаш, текшириш ва қайд этиш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилишда фойдаланадиган ва тадқиқот хусусиятига эга бўлган тергов ҳаракатлари;

2) аввало, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ эрини таъминлашга қаратилган бошқа тергов ҳаракатлари.

Биринчи гуруҳ тергов ҳаракатларига батафсилроқ тўхталамиз.

Далилларни аниқлаш, қайд этиш ва текширишда фойдаланиладиган тергов ҳаракатлари қуйидагилардир:

— сўроқ қилиш (гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, баъзан эса мутахассис ва экспертни);

— юзлаштириш;

— таниб олиш учун кўрсатиш;

— кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;

— кўздан кечириш;

— гувоҳлантириш;

— мурдани эксгумация қилиш;

¹ Биховский И. Е. Процессуальные и тактические вопросы системы следственных действий: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., 1976. С. 6–7.

- эксперимент;
- олиб қўйиш;
- тинтув ўтказиш;
- телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш;
- экспертиза;
- экспертиза тадқиқоти учун намуналар олиш;
- нарсалар ва ҳужжатларни тақдим этиш;
- ишга нарса ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далиллар сифатида қўшиб қўйиш.

Бироқ ушбу гуруҳга кирувчи тергов ҳаракатларини шартли равишда яна тўрт гуруҳга бўлиш мумкин. Ушбу таснифни С. А. Шейфер ишлаб чиққан бўлиб, у тергов ҳаракатларини: 1) фактик маълумотларни акс эттириш усули бўйича; 2) ахборотнинг хусусияти бўйича; 3) акс эттириладиган объектларнинг мураккаблиги бўйича; 4) тергов ҳаракатининг мақсади бўйича гуруҳларга бўлади¹.

Тергов ҳаракатларини қуйидаги кўрсаткичлари бўйича таснифлаш зарур: тергов ҳаракатининг номи, ушбу тергов ҳаракати ЖПКнинг қайси моддаси билан тартибга солинганлиги, уни ўтказиш учун прокурорнинг рухсати талаб этилиш-этилмаслиги, уни ўтказишда холислар иштирок этиш-этмаслиги, тергов ҳаракати баённомаси тузилиш-тузилмаслиги бўйича. Бунга мувофиқ биз қуйидаги жадвалда акс эттирилган тергов ҳаракатлари тизимини ишлаб чиқдик.

¹ Қаранг: *Шейфер С. А.* Следственные действия. Система и процессуальная форма. М., 2001. С. 54–68.

№	Тергов ҳаракати -нинг номи	ЖПК нинг моддаси	Қарор чиқарилади ёки йўқми	Прокурорнинг рўхсати талаб этилади -ми	Баённома тузилади -ми	Холис-лар ништи-рок этади-ми	Изоҳ
1.	Қўздан кечириб	135-141	Йўқ	Йўқ	141	Ҳа, 74, 352	Жиноят иши қўзғатилгунча ўтказилади
2.	Экспертиза	172-187	Ҳа, 180	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Эксперт хулосаси тузилади 184
3.	Ўвоқдан -тириш	142-147	144	Йўқ	147	352	
4.	Мурдани эксгумация қилиш	148-152	148	Ҳа, 148	151	352	Дафн этиш чоғида, баённома, 152
5.	Эксперимент	153-156	154	Баъзан ҳа, 154	156	352	
6.	Тинтув	157-168	159	Ҳа, 161	163	352	санкция олинмаган бўлса, 24 соат, мобайнида прокурорга хабар бериш
7.	Олиб қўйиш	157-168	159	Баъзан, агар почта, телеграф, дип., давлат сирлари 161	163	352	Қолган ҳолатда рух олим талаб этилмайди
8.	Телефон сўзлашувларини эшитиб туриш	169-171	169	Ҳа, 169	171	МХХ ўтказад	Олти ойгача давом этади
9.	Эксперт текшируви учун намуналар олиш	188-197	191	Йўқ	197	352	Терговчи ёки мутахассис (193 ва 194) ёхуд эксперт (195) ўтказиши мумкин
10.	Таниб олиш	125-131	Йўқ	Йўқ	131	352	Тирик одамлар ва

	учун кўрсатиш						нарсалар, ҳайвонлар, мурда
11.	Нарсалар ва ҳужжатларни тақдим этиш	198-202	Иуқ	Иуқ	202	352	Икки тури мавжуд: терговчининг талаби бўйича ва шахснинг ташаббуси билан
12.	Кўрсатувларни воқеа жойида текшириш	132-134	Иуқ	Иуқ	134	325	Фақат кўрсатувлари текширилаётган шахс хоҳиши бўйича
13.	Юзлаштириш	122-124	Иуқ	Иуқ	123		
14.	Сўроқ қилиш	96-108					
14 ^а .	Айбланувчини	109-113	Ҳа, 361	Иуқ	96-108	Иуқ	Ҳимоячи иштирок этиши керак
14 ^б .	Ёумон қилинувчини	109-113	Ҳа, 360	Иуқ	96-108	Иуқ	Ушлангандан сўнг 24 соатдан кечиктирмай сўроқ қилиниши керак
14 ^в .	Жабрланувчини	114-120	Ҳа, 54	Иуқ	96-108	Иуқ	
14 ^г .	Гувоҳни	114-120	Иуқ	Иуқ	96-108	Иуқ	

Ҳар қандай ҳолда ҳам ҳар қандай тергов ҳаракатига қўйиладиган ўзгармас талаб шундаки, у фақат етарли асослар бўлгандагина ўтказилиши керак. Тергов ҳаракатининг асосланганлиги ҳар қандай мажбурлаш ёки кимнингдир ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаш фақат ҳақиқатан ҳам зарур бўлганда, яъни муайян вазият шарт-шароитлари билан оқлангандагина юз беришини билдиради.

Тергов ҳаракатига қўйиладиган бошқа бир талаб шундаки, у қонуний бўлиши керак, яъни уни амалга оширишда қонунда белгиланган процессуал тартибга қатъий риоя этилиши керак. Бу эса йўл қўйиладиган ва йўл қўйилмайдиган ҳаракатлар доирасини назарда тутди. Бу билан тергов ҳаракатини ўтқа-

зишда иштирок этувчи инсоннинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатланиши билан бирга, айти пайтда бунда олинган фактик маълумотларнинг процессуал яроқлилиги, бошқача айтганда, муайян иш бўйича уларнинг алоқадорлиги ва мақбуллиги таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йили 2 майда қабул қилган «Суд ҳукми тўғрисида»ги 2-сонли қарорида: «Қонунни бузган ҳолда олинган ҳар қандай далил ҳукмга асос қилиб келтирилиши мумкин эмас», – деб тушунтириш берилади.

Тергов ҳаракатларини юритиш муқаррар равишда ахлоқий принциплар ва нормаларга асосланиши керак. Хусусан, уларнинг исталган турини ўтказишда ишда иштирок этувчи шахслар ва атрофдаги кишиларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига йўл қўйилмайди. Инсон соғлиғига хавф туғдириш тақиқланади. Бунда фақат қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари ўтказишга йўл қўйилади. Жиноят иши қўзғатилгунча ўтказилиши рухсат этилган тергов ҳаракатлари (кўздан кечириш, ушлаб туриш, экспертиза)гина бундан мустасно.

Тергов ҳаракатларининг бориши ва натижалари суд учун далил бўлиб хизмат қиладиган тегишли баённомаларда қайд этилиши керак. Тергов ҳаракатларининг натижалари одатда баённомаларда мустақамланади, бир қатор ҳолларда эса қарор бўйича ўтказилади.

6.2. Сўроқ қилишнинг умумий қоидалари

Энг кўп тарқалган тергов ҳаракатларидан бири *сўроқ қилиш* бўлиб, ким сўроқ қилинаётганидан қатъи назар, ушбу ҳаракат муайян умумий қоидаларга мос келиши керак. Сўроқ қилиш суриштирув, дастлабки тергов ўтказиладиган жойда ёки сўроқ қилинувчи қаерда бўлса, ўша жойда амалга оширилади. Суд эса шахсни суд муҳокамаси юритилаётган жойда сўроқ қилади (ЖПК 96-м.).

Жиноят процессида иштирок этувчи (гувоҳ, жабрланувчи), шунингдек ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи (озодликда юрган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи) суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга чақирув қоғози билан чақирилади. Чақирув қоғози почта орқали жўнатилади ёки чопар орқали топширилади. Чақирув телефонограмма, телеграмма, радиogramма билан ёки телефакс орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Чақирув қоғозида шахс ким сифатида, қайси манзилга ва кимнинг ҳузурига чақирилаётганлиги, қайси куни ва қайси соатга келиши кераклиги, шунингдек узрсиз сабабларга кўра келмай қолган тақдирда қандай оқибатлар рўй бериши кўрсатилган бўлиши лозим.

Чақирув қоғози чақирилувчига топширилиб, тилхат олинади. Чақирув қоғози олиб борилганда чақирилувчи вақтинча йўқ бўлса, унга бериб қўйиш учун чақирув қоғози у билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига, ётоқхона маъмуриятига, уй эгасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади.

Агар шахс тергов ҳибсхонасида, вақтинча қабул қилиш-тақсимлаш қабулхоналари, жазони ижро этиш ёки тарбия колонияларида сақланаётган бўлса, шу муассасаларнинг маъмурияти орқали чақиртирилади (ЖПК 97-м.).

Суриштирувчи, терговчи ва суд сўроқ қилиш олдидан сўроқ қилинувчидан унинг фамилияси, исми ва отасининг исмини, туғилган вақти (йили, ойи, куни) ва туғилган жойини, яшаш жойи ва иш жойини, мансаби, машғулот тури, маълумоти, оилавий аҳволини, судланганлиги ёки судланмаганлигини аниқлаши ҳамда бу маълумотларни жиноят ишидаги ёки сўроқ қилинувчининг шахсий ҳужжатларидаги маълумотлар билан солиштириб кўриши ёхуд сўроқ қилинувчи ўзини ким деб таништирган бўлса, айнан ўша шахс эканлигига бошқа йўллар билан ишонч ҳосил қилиши лозим (ЖПК 98-м.).

Сўроқ қилинувчи иш юритилаётган тилни билладими, у қайси тилда кўрсатув бера олиши мумкин, деган саволлар туғилиб қолса, бу масала аниқланиши лозим, зарур ҳолларда таржимон чақирилади ва у келгунча сўроқ қилиш тўхтатиб турилади (ЖПК 99-м.).

Сўроқ қилинувчининг шахси аниқланганидан кейин унга амалдаги ЖПКда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунтирилганлиги сўроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилади (ЖПК 100-м.).

Одатда сўроқ қилинувчига ишнинг унга маълум бўлган ҳолатлари тўғрисида сўзлаб бериш таклиф қилинади. Сўроқ қилинувчи эркин сўзлаб берганидан кейин унинг кўрсатувларини тўлдириш ва аниқлашга қаратилган саволлар берилиши мумкин (ЖПК 101-м.).

Қонунга асосан ишора қилувчи саволлар беришга йўл

қўйилмайди. Кутилаётган жавобга бевосита ёки билвосита йўналтириш мазмунидаги саволлар ишора қилувчи саволлар деб ҳисобланади (ЖПК 102-м.).

Сўроқ қилинувчининг кўрсатувлари статистик маълумотлар ёки хотирада сақланиши қийин бошқа маълумотларга тааллуқли бўлса, у сўроқ пайтида ўзидаги ёки ишга қўшиб қўйилган ҳужжаглardan ёхуд бошқа ёзувлардан фойдаланиши мумкин. Сўроқ қилинувчига сўроқ қилиш жараёнида ўзидаги ҳужжатлар ва бошқа ёзувларни ўқиб эшиттиришга рухсат этилиши мумкин. Бунинг устига суриштирувчи, терговчи ва суд сўроқ қилинувчидан сўроқ қилиш жараёнида у фойдаланаётган ҳужжатлар ва бошқа ёзувларни талаб қилиши, уларни кейин қайтариб бериши ёки ишга қўшиб қўйиши мумкин (ЖПК 103-м.).

Сўроқ қилинувчининг илгариги сўроқда берган кўрсатувлари фақат унинг ҳозирги сўроқда берган кўрсатувлари тингланиб, қайд қилиниб, у имзо чекканидан кейин ва қўйидаги ҳолларда ўқиб эшиттирилиши мумкин:

- 1) ҳозирги ва илгариги сўроқларда берилган кўрсатувлар ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда;
- 2) сўроқ қилинувчи судда кўрсатув беришдан бош тортганда;
- 3) иш сўроқ қилинувчининг иштирокисиз кўриб чиқи-лаётганида (ЖПК 104-м.).

Ўз навбатида, сўроқ жараёнида суриштирувчи, терговчи ва суд, шунингдек суд муҳокамасида тарафлар ишга қўшиб қўйилган ёки тарафлар ихтиёрида бўлган нарсалар ва ҳужжатларни сўроқ қилинувчига кўрсатишлари, шунингдек бу ҳужжатларни ўқиб эшиттиришлари мумкин. Бунда сўроқ баённомасида ёки суд мажлиси баённомасида қайси нарса ёки ҳужжат кўрсатилганлиги, ҳужжат матнининг қайси қисми ва унинг ким томонидан ўқиб эшиттирилганлиги, нарса ёки ҳужжатни кўрсатиш вақтида қандай саволлар берилганлиги ва бунга жавобан сўроқ қилинувчи қандай кўрсатувлар берганлиги аниқ акс эттирилади (ЖПК 105-м.).

Сўроқ жараёнининг ўзи ва унинг натижалари суриштирув ва дастлабки тергов босқичида сўроқ баённомасида, суд муҳокамасида эса суд мажлиси баённомасида қайд қилинади. Бундан ташқари, сўроқ жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш ҳам қўлланилиши мумкин.

Кўрсатувлар баённомага биринчи шахс номидан, имкон бо-

рича сўзма-сўз ёзиб борилади. Савол-жавоб сўроқ жараёнида қандай олиб борилган бўлса, шундай изчилликда қайд қилинади. Суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи томонидан четлатилган, шунингдек сўроқ қилинувчи жавоб беришдан бош тортган саволлар ҳам баённомага киритилиши керак.

Баённомада сўроқ қилинувчи томонидан аввалги сўроқларда берилган кўрсатувларнинг ўқиб эшиттирилгани, кўрсатув бериш жараёнида сўроқ қилинувчининг ҳужжат ёки бошқа ёзувлардан фойдалангани, сўроқ қилинувчига сўроқ давомида нарса ва ҳужжатлар кўрсатилгани, сўроқ пайтида овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвирга олиш ўтказилгани ҳам қайд қилинади. Фонограмма, видеоёзув ва кинотасма баённомага илова қилинади.

Сўроқ тугаганидан кейин баённома ўқиб чиқиш учун сўроқ қилинувчига кўрсатилади ёхуд унинг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи томонидан унга ўқиб берилади.

Шуни инобатга олиш лозимки, сўроқ қилинувчи кўрсатувни ўз қўли билан ёзма равишда баён қилишга ҳақли. Ушбу ҳолда ўз қўли билан ёзилган кўрсатув баённомага илова қилинади, бу ҳақда унга ёзиб қўйилади.

Сўроқ қилинувчи ёки тарафларнинг илтимосига кўра суд мажлисида баённомага имзо қўйилгунига қадар ёзилган овоз, видеоёзув ёки кинотасвир намойиш қилиниши мумкин. Улар билан баённома ўртасида жиддий тафовут бўлган ҳолларда, тафовут сабабини аниқлаш учун янгитдан сўроқ қилиниши мумкин.

Сўроқ қилинувчи баённомани ўқиб бўлгач, кўрсатувлари тўғри ёзилганлиги ва у билан танишганлигини имзо чекиб, тасдиқлайди. Имзо баённоманинг охирига қўйилади, агар кўрсатувлар бир неча саҳифага ёзилган бўлса, ҳар қайси саҳифага алоҳида имзо чекилади.

Сўроқ қилишда таржимон қатнашаётган бўлса, у сўроқ қилинаётган шахснинг баённомадаги кўрсатувини унга оғзаки таржима қилади, сўроқ қилинувчининг ўз қўли билан ёзиб берган кўрсатувларини эса, ёзма равишда таржима қилади. Таржимон кўрсатувлар ёзилган баённоманинг охирига ва ҳар бир саҳифасига алоҳида, шунингдек сўроқ қилинувчининг ўз қўли билан ёзиб берган кўрсатувларининг таржимасига имзо чекади (ЖПК 106-м.).

Сўроқнинг умумий давом этиш вақти бир кунда саккиз

соатдан ошмаслиги лозим. Дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган бир соат танаффус бу ҳисобга кирмайди (ЖПК 107-м.). Аммо қуйидаги ҳолларда қўшимча сўроқ ўтказилиши ҳам мумкин:

1) сўроқнинг умумий давом этиш вақти чекланганлиги боис сўроқ қилинувчи ишнинг ўзига маълум бўлган барча ҳолатлари тўғрисида кўрсатув бера олмаганида;

2) сўроқ қилинган шахс илгари берган кўрсатувларини тўлдириш ёки ўзгартириш истагини билдирганда;

3) айбланувчига янги ёки ўзгартирилган ёхуд қўшимча айблов эълон қилинганда;

4) суриштирувчи ёки терговчи томонидан илгари сўроқ қилинган шахснинг кўрсатувлари тўғри ёзилганлигини прокурор қўшимча сўроқ қилиш йўли билан текшириб кўришни лозим топганда;

5) суриштирувчи ёки бошқа терговчи томонидан илгари сўроқ қилинган шахснинг кўрсатувлари тўғри ёзилганлигини ишни юритиш учун қабул қилган терговчи қўшимча сўроқ қилиш йўли билан текшириб кўришни лозим топганда;

6) илгари сўроқ қилинган шахсга берилиши керак бўлган иш учун муҳим янги саволлар туғилганда;

7) шахс сўроқ қилинганидан кейин ишга киришган захирадаги халқ маслаҳатчиси ушбу шахсни янгитдан сўроқ қилишни талаб қилганда (ЖПК 108-м.).

6.3. Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш

Гумон қилинувчи ва айбланувчи сўроқ қилишнинг умумий қоидаларига риоя этган ҳолда сўроқ қилинади. Айни пайтда унинг бир қатор ўзига хос жиҳатлари ҳам бор. Масалан, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун чақирилган, қамоққа олинган ёки мажбурий келтирилганидан кейин дарҳол ёки йигирма тўрт соатдан кечиктирмай, сўроқ қилиниши керак.

Судья суд тергови кетаётганида судланувчига истаган вақтида кўрсатув бериш ҳуқуқини таъминлаши шарт. Агар судланувчи бирор суд ҳаракати ўтказилаётган пайтда кўрсатув бериш тўғрисида истак билдирса, суд унга шу ҳаракатлар тугаши биланоқ кўрсатув бериш учун имконият яратади (ЖПК 110-м.).

Суриштирувчи ёки терговчи сўроқ қилинаётган шахснинг кимлигини, қайси тилда кўрсатув бериши мумкинлигини аниқ-

лагач, унга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради ва қуйидаги ҳаракатларни бажаради:

1) гумон қилинувчига, айбланувчига унинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради;

2) гумон қилинувчи, айбланувчи шартнома тузган ҳимоячининг ёхуд, агар гумон қилинувчи, айбланувчи шартнома тузишга улгурмаган ёки туза олмаган бўлса, бошқа ҳимоячининг сўроқда иштирок этишини таъминлайди;

3) гумон қилинувчига унинг қандай жиноят содир этишда гумон қилинаётганлигини эълон қилади;

4) гумон қилинувчига ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги тўғрисидаги қарорни тақдим қилади ва айбловнинг моҳиятини тушунтиради.

Терговчи айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдин у ўзини айбли ҳисоблаши ёки ҳисобламаслигини ёинки ўз айбини тўла ёхуд қисман рад этиши ёки этмаслигини ҳам аниқлаши керак.

Суриштирувчи, терговчи ушбу ҳаракатларнинг бажарилишини гумон қилинувчи ёки айбланувчининг сўроқ баённомасида, суд эса суд мажлисининг баённомасида қайд қилади (ЖПК 111-м.).

Гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқдор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳоланиши лозим (ЖПК 112-м.).

Гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқдор бўлиши мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олинishi мумкин. Бошқача айтганда, айбланувчининг айбига иқдор бўлиши «далиллар маликаси» сифатида тан олинган ўтмиш сабоқлари инобатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўзининг «Суд ҳукми тўғрисида»ги 1997 йил 2 май қарорида судланувчининг терговда ёки суд жараёнида айбига иқдор бўлганлиги ушбу факт иш бўйича тўпланган ва судда текширилган бошқа далиллар билан тасдиқланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқариш учун асос бўла олади. Бу эса айблов ҳукми тахминларга асосланиши мумкин эмаслигини белгилаб қўйган ЖПК 463-моддасининг мазмунидан бевосита келиб чиқади.

Гумон қилинувчи ва айбланувчи билан ишлашда айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз алоҳида ўрин тутади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз ариза берувчининг ўзи содир этган жинояти тўғрисида у шу жиноятни содир этишда гумон қилинмасдан ва унга айблов эълон қилинмасидан олдин берган хабаридир.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд оғзаки хабарни баённомада акс эттиради, унга арз қилувчининг шахсига доир маълумотлар киритилади ва унда арзнинг мазмуни биринчи шахс номидан баён қилинади. Баённомага арз қилувчи ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья имзо чекади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арзни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд гумон қилинувчи ва айбланувчининг кўрсатувларини баҳолаш борасидаги умумий қоидаларга мувофиқ баҳолайдилар (ЖПК 113-м.).

Гувоҳ ва жабрланувчи умумий қоидалар 6 йича сўроқ қилинади.

Гувоҳ ва жабрланувчи тариқасида:

1) ҳукм ва ажрим чиқариш жараёнида келиб чиққан масалаларни маслаҳатхонада муҳокама қилишга оид ҳолатлар тўғрисида — судьяни ва халқ маслаҳатчисини;

2) жиноят иши юзасидан ўз вазифаларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида — ҳимоячини, шунингдек жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакилини;

3) руҳий ёки жисмоний нуқсонни сабабли иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатни тўғри идрок этиш ва бу ҳақда кўрсатув бера олиш лаёқатига эга бўлмаган шахсни сўроқ қилиш мумкин эмас (ЖПК 115-м.).

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкин (ЖПК 116-м.).

Гувоҳ ёки жабрланувчининг шахси аниқланганидан ва унга процессуал ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилганидан кейин у кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиб, бу ҳақда сўроқ баённомаси ёки суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар (ЖПК 117-м.). Аммо суриштирувчи, терговчи ёки суд аниқлаётган ҳолатлар ўзида давлат сирларини ёки касб сирини ёхуд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёхуд бошқа шахслар ҳаётининг сир тугиладиган томонларини акс эттирганлигини баҳона қилиб, гувоҳ ва жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортишга ҳақли эмас.

Аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ўзида давлат сирини ёки касб сирини акс эттиради ёхуд шахслар ҳаётининг сир тугиладиган томонларига тегишли деб ҳисоблаш учун асос бўлганда, суриштирувчи, терговчи ва суд гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш чоғида бу ҳолатларнинг ошкор этилишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриши шарт (ЖПК 118-м.).

Гумон қилинувчи ва айбланувчининг кўрсатувлари бир қатор ҳолларда жиноят иши учун катта аҳамиятга эга бўлади. Гувоҳ ёки жабрланувчи процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганидан кейин жабрланувчи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар билан ўзаро муносабатлари, гувоҳ эса, шунингдек жабрланувчи билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги саволларга жавоб беради. Шундан сўнг сўроқ қилувчининг таклифига кўра гувоҳ ёки жабрланувчи иш бўйича ўзлари билган барча маълумотларни айтиб берадилар. Улар иш учун аҳамиятли бўлган ёки аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолат тўғрисида, шу жумладан гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ва процесс бошқа иштирокчиларининг шахси ҳақида ҳам кўрсатувлар беришлари мумкин (ЖПК 118-м.).

Тергов олиб борилаётган жойда ёки судда бўлган гувоҳ ёки жабрланувчи кўрсатув беришга хоҳиш билдирса, улар қоида тариқасида ўша куннинг ўзида ёки кейинги кундан кечиктирмай сўроқ қилиниши керак.

Гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатув беришга хоҳиши тўғрисидаги хабар терговчи ёки судга почта орқали келган тақдирда, унга сўроқ ўтказиладиган жой ва вақт дарҳол хабар қилинади ва у келиши биланоқ сўроқ ўтказилади (ЖПК 120-м.).

Вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг бир қатор ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Бундай шахсларни сўроқ

қилиш қонуний вакили ёки қатта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирокида уларнинг розилиги билан ўтказилади. Кўрсатилган шахслар сўроқ қилувчининг рухсати билан гувоҳ ёки жабрланувчига саволлар беришлари мумкин. Бундай гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар. Бироқ суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи шу гувоҳ ва жабрланувчиларга уларнинг процессуал ҳуқуқи ва мажбуриятларини тушунтириш чоғида ҳаққоний кўрсатув бериш ва бу билан жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга қўмаклашиш маънавий бурч эканлигини эслатиб ўтади (ЖПК 121-м.).

6.5. Юзлаштириш учун асослар

Илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршилиқлар бўлганда бу қарама-қаршилиқларнинг сабабини аниқлаш учун ўтказиладиган юзлаштириш аслида сўроқ қилишнинг турларидан биридир. Унда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ сўроқ қилинишлари мумкин.

Юзлаштириш ўтказиш чоғида сўроқ қилишнинг умумий қоидаларига риоя қилинади. Юзлаштириш ўтказишнинг тартиби қуйидагича: сўроқ қилиш олдидан суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи ҳар бир сўроқ қилинувчидан навбат билан уларнинг ўзаро танишлиги ёки таниш эмаслигини, ўзаро муносабатлари қандай эканлигини сўрайди ва жавобларини тинглайди. Шундан сўнг ҳар бир сўроқ қилинувчига навбат билан қарама-қаршилиқ келиб чиққан ҳолатлар тўғрисидаги саволларга жавоб бериш таклиф қилинади. Башарти бундай қарама-қаршилиқ бир нечта масалага ёки бир нечта ҳолатга тааллуқли бўлса, юзлаштиришда ҳар икки сўроқ қилинувчи бир масала ёки бир ҳолат бўйича кўрсатув бергач, уларга кейинги масала ёки кейинги ҳолат тўғрисидаги саволлар берилиши мумкин.

Юзлаштириш чоғида сўроқ қилинаётган шахс суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билангина бошқа сўроқ қилинувчига савол бериши мумкин. Суд мажлисида сўроқ қилинувчиларнинг ҳар иккаласига халқ маслаҳатчилари, шунингдек тарафлар савол беришлари мумкин. Суриш-

тирувчи, терговчи ва суд мажлисида раислик қилувчи иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлмаган ёки юзлаштиришда аниқлаштирилаётган қарама-қаршиликка тааллуқли бўлмаган саволларни четлатишга ҳақлидир (ЖПК 123-м.).

Қонунда юзлаштириш чоғида илгариги кўрсатувларни ўқиб эшиттиришга йўл қўйилади. Юзлаштириш чоғида сўроқ баённомаси ёки сўроқ қилинаётган шахслар аввалги сўроқларда берган кўрсатувларнинг фонограммалари шу шахслар юзлаштирилиб, уларнинг кўрсатувлари баённомага киритилганидан кейингина ўқиб берилиши ёки эшиттирилиши мумкин.

6.6. Таниб олиш учун кўрсатиш

Таниб олиш учун кўрсатиш – тергов ҳаракатларидан бири бўлиб, у гувоҳ, жабранувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувини текшириб кўриш учун ушбу кўрсатув муайян бир шахс ёки муайян бир нарсага оид эканлигини аниқлаш зарур бўлганда; суриштирувчи, терговчи ёки судга маълум бўлган кўплаб шахс ёки нарсалар орасидан кўрсатувда тасвирлаб берилган шахс ёки нарсани топиш зарур бўлганда амалга оширилади (ЖПК 125-м.).

Таниб олувчи таниб олиш лозим бўлган шахс ёки нарсанинг белгилари, аломатлари, хусусиятлари тўғрисида олдиндан сўроқ қилинади (126-м.).

Қонунда таниб олиш учун ким ёки нима кўрсатилаётганига қараб шахсни таниб олиш учун кўрсатишнинг махсус тартиби назарда тутилган (ЖПК 127–129-м.).

Шахс таниб олиш учун тергов олиб борилаётган жиноятга алоқаси бўлмаган, ташқи белгилари билан ўзига ўхшайдиган шахслар гуруҳи орасида холислар ҳузурида кўрсатилади. Таниб олиш учун кўрсатилаётган шахсларнинг умумий сони уч нафардан кам бўлмаслиги керак.

Таниб олинувчига таниб олиш учун кўрсатиладиган шахслар гуруҳи орасида истаган жойни эгаллаш таклиф қилинади. У кийими, соч қирқтириши ёки тараши ёхуд бошқа белгилари билан таниб олиш учун кўрсатиладиган ўзга шахслар орасида яққол ажралиб турмаслиги лозим.

Шахсни таниб олиш учун кўрсатишнинг иложи бўлмаган тақдирда ёки хавфсизликни таъминлаш мақсадида унинг фотосуратидан фойдаланиш мумкин. Бундай вазиятда таниб олиш

учун жадвал қоғозга яхшилаб ёпиштирилиб, муҳрланган ва рақамланган, лекин суратга олинган шахсларнинг исми ва фамилиялари кўрсатилмаган камида учта фотосурат кўрсатилади (ЖПК 127-м.).

Тергов олиб борилаётган жойга, судга ёки бошқа жойга олиб борилиши мумкин бўлган нарсалар, нарсаларнинг бўлаги ва ҳайвонлар ушбу ишга алоқаси бўлмаган бошқа турдош нарсалар орасида таниб олиш учун кўрсатилади. Шу муносабат билан таниб олувчи сўроқ қилинганда тасвирлаганидан ташқи белгилари, аломатлари, хусусиятлари бўйича жиддий фарқ қилмайдиган нарсалар турдош деб ҳисобланади. Таниб олиш учун кўрсатилаётган нарсаларни жойлаштириш тартиби суриштирувчи, терговчи томонидан ҳолислар ҳузурда белгиланади.

Турдош объектлар орасидан таниб олиш тўғрисидаги бундай қоидалар мурдани таниб олишда қўлланилмайди (ЖПК 128-м.).

Агар жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи жой, бино, бинодаги алоҳида хона ёки бошқа кўчмас объект номини айтиб ва тасвирлаб берса-ю, бироқ унинг жойлашган ўрнини аниқ айтиб бера олмаса, бирор аниқ жойдан объектга бориш йўлини кўрсатишга истак билдирса, унга шу объектни кўрсатишига имкон берилади.

Суриштирувчи ёки терговчи ва ҳолислар ёхуд суд таркиби ва тарафлар таниб олувчи билан биргаликда у айтган жойга келадилар. Таниб олиш учун кўрсатиш иштирокчилари шу жойдан бошлаб таниб олувчининг кўрсатуви бўйича юра бошлайдилар. Бунда таниб олувчига таниб олиш учун кўрсатишнинг бошқа иштирокчилари ёки ёт шахслар тарафидан йўналиш айтиб қўйилишининг олдини олиш чоралари кўрилиши лозим (ЖПК 129-м.).

Таниб олиш учун бир гуруҳ шахслар ёки бир нечта нарсани кўрсатилганидан кейин таниб олувчига у илгари тасвирлаган шахс ёки нарсани кўрсатиш таклиф этилади. Таниб олувчи кўрсатилган шахслардан ёки нарсалардан бирини кўрсатса, унга кўрсатилган бошқа шахслар ёки нарсалар орасидан бу шахсни ёки нарсани қайси белгилари ёки хусусиятларига кўра таниганлигини тушунтириб бериш таклиф қилинади.

Агар таниб олувчи таниб олиш учун унга кўрсатилган шахслар ёки нарсаларни илгари кўрмаганлигини айтса, унга қидирилаётган шахс ёки қидирилаётган нарса улардан нимаси билан фарқ қилишини тушунтириб бериш таклиф қилинади (ЖПК 130-м.).

Суриштирувчи ёки терговчи ўтказган таниб олиш баённома билан мустаҳкамланади. Агар таниб олиш учун кўрсатиш суд мажлисида амалга оширилса, у суд мажлисининг баённомасида қайд қилинади.

Барча ҳолларда баённомага: таниб олувчи, таниб олиш учун кўрсатиш шароити, жараёни ва натижалари, таниб олиш учун кўрсатилган шахслар, уларнинг ёши, бўйи, миллати, турар жойи, кўзга ташланувчи белгилари, кийимлари; таниб олиш учун кўрсатилган нарсалар тавсифи; таниб олиш учун кўчмас объектлар кўрсатилганда эса, шунингдек таниб олувчи кўрсатган йўналишлар ва изланаётган объектга бирор аниқ жойдан бориш йўллари тўғрисидаги маълумотлар киритилиши лозим.

Таниб олиш учун фотосуратлар кўрсатилган бўлса, баённомага фотожадвал илова қилиниши лозим. Таниб олувчининг кўрсатувлари, шунингдек унга суриштирувчи, терговчи, суд, тарафлар ёки бошқа шахслар томонидан берилган саволлар ва қайтарилган жавоблар суд мажлиси баённомасига ёзиб борилади (ЖПК 131-м.).

6.7. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш

Ушбу тергов ҳаракати мустақил ҳаракат ҳисобланади. Унинг моҳияти шундаки, суриштирувчи, терговчи, суд гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, гувоҳлар ҳамда жабрланувчиларнинг кўрсатувларини текширилаётган ҳодиса содир бўлган жойда ҳолатларни қайта тиклаш йўли билан текшириб кўрадилар.

Бундай текшириш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади: кўрсатувлари текширилаётган шахсга маълум, суриштирувчи, терговчи ва судга эса номаълум бўлган нарсалар, ҳужжатлар, излар ва белгиларни топиш; шахснинг тергов ёки суд муҳокамаси давомида топилган нарсалар, ҳужжатлар, излар қаерда бўлганлигини кўрсатиб бериши; бир неча шахснинг айна бир ҳодиса тўғрисида берган кўрсатувларидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш учун ишда аҳамиятли бўлган жой ёки йўналишни шахс кўрсатиб бериши; ҳолатларни қайта тиклаш ва ҳодиса содир бўлган жойдаги шароит билан қиёслаш орқали кўрсатувларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш.

Кўрсатуви текширилаётган шахс ҳодиса содир бўлган жойда бир вақтнинг ўзида кўрсатиш, кўздан кечириш ёки баъзи нарсаларни, ҳужжатларни, изларни олиш ёхуд муайян

ҳаракатларни намоиш қилиш орқали тушунтириш беради ёки ўзининг аввал берган кўрсатувларига аниқлик киритади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш натижалари, бу шахсларнинг муайян ҳодисалар ҳақида билганлари фақат уларнинг жиноят содир этишга дахлдорлигидан дарак берсагина, далил кучига эга бўлади (ЖПК 132-м.).

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тартиби қуйидагича: ушбу тергов ҳаракатини суриштирувчи ёки терговчи ҳолислар иштирокида, суд эса тарафлар иштирокида ўтказлади. Зарур ҳолларда кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишга мутахассислар ва экспертлар жалб қилиниши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тарафлар ва ушбу тергов ҳаракатининг бошқа қатнашчилари иштирокида текширилаётган кўрсатувларни эълон қилади, кўрсатув берган шахсдан уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини, қўшимча ва ўзгартишлар киритишга эҳтиёж бор ёки йўқлигини сўрайди, текширишнинг мақсади ва тартибини тушунтиради. Башарти гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувлари текширилаётган бўлса, улар, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларни истисно қилганда, кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилиши лозим.

Бир вақтнинг ўзида бир неча шахснинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текширишга йўл қўйилмайди.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: кўрсатув берган шахс текширилаётган ҳодисанинг шароит ва ҳолатини жойида тиклайди; иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларни, ҳужжатларни, изларни қидириб топади ва кўрсатади; айрим ҳаракатларни намоиш қилади; текширилаётган ҳодисада у ёки бу нарсанинг қандай аҳамияти бўлганлигини кўрсатади; ҳодиса содир бўлган жойда шароитнинг ўзгарганлигига эътиборни қаратади; ўзининг аввалги кўрсатувларини аниқлаштиради ва уларга ойдинлик киритади. Бу ҳаракатлар вақтида четдан аралаштишга, гап ўргатишга ва ишора қилувчи саволлар беришга йўл қўйилмайди.

Кўрсатуви текширилаётган шахс эркин сўзлаб бергач ва ҳаракатларни эркин намоиш қилиб бўлгач, унга саволлар берилиши мумкин. Кўрсатувни ҳодиса содир бўлган жойда текширишда қатнашаётган шахслар суриштирувчи, терговчи ва суд-

нинг эътиборини, уларнинг фикрича иш ҳолатларини аниқлаштиришга ёрдам берадиган барча нарсаларга қаратишга, баъзи ҳаракатларнинг такрорланишини талаб қилишга ҳақлидир. Кўрсатувлари ҳодиса содир бўлган жойда текшириляётган шахс ва тергов ҳаракатининг бошқа иштирокчилари ўтказиляётган тергов ҳаракати юзасидан уларни қўшимча равишда сўроқ қилишни талаб этишга ҳақлидир (ЖПК 133-м.).

Кўрсатувлар ҳодиса содир бўлган жойда текширилгани ҳақида суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса текширувнинг бориши ва натижаларини суд мажлиси баённомасига киритади.

Бундан ташқари баённомада: кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш қаерда, қачон, қандай шароитда ўтказилганлиги; қандай жойлар ва нарсалар кўздан кечирилганлиги; ҳодиса содир бўлган жойда берилган кўрсатувларнинг мазмуни қандайлиги; ҳодисанинг шароити ва ҳолатларини тиклаш нимада ўз аксини топганлиги; шахс ўзининг аввалги кўрсатувларига қандай аниқликлар киритганлиги кўрсатилади (ЖПК 134-м.).

6.8. Кўздан кечириш

Кўздан кечириш жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида амалга оширилади. Ҳодиса бўлган жойни кўздан кечириш жиноят иши қўзғатилгунига қадар ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатларига киради. Суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиради.

Нарсаларни олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш чоғида топилган нарса ва ҳужжатлар шу тергов ҳаракатларини ўтказиш учун белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда кўздан кечирилади (ЖПК 135-6.).

Суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида кўздан кечириш ҳолислар иштирокида ўтказилади. Агар суд мажлисини ўтказиш вақтида кўздан кечиришга зарурат туғилса, суд бу ҳақда ажрим чиқаради ва кўздан кечиришни тарафлар иштирокида ўтказади.

Зарур ҳолларда суриштирувчи, терговчи ёки суд кўздан кечириш чоғида ўлчов ўтказади, фотосуратга, кинотасвирга, видеоёзувга туширади, режалар, схемалар, чизмалар тузади, излардан қолиплар

ва нусхалар олади. Бу ишларни бажаришга ёрдам бериш учун кўздан кечиришга мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Кўздан кечириш чоғида топилган ва олиб қўйилган барча нарсалар ҳолисларга, тарафларга ва кўздан кечиришнинг бошқа иштирокчиларига кўрсатилиши лозим. Бунда кўздан кечиришда иштирок этаётган шахслар суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини ўзларининг фикрича иш ҳолатларини ойдинлаштиришга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолларга қаратишга ҳақлидирлар (ЖПК 136-м.).

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш учун айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлигидан далолат берувчи маълумотлар бўлиши керак.

Агар ҳодиса содир бўлган жой жиноят иши қўзғатилишидан олдин кўздан кечирилаётган бўлса (кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда), кўздан кечириш ўтказилганидан сўнг кечи билан 72 соатда, алоҳида ҳолларда эса 10 кун ичида жиноят ишини қўзғатиш ҳақида ёки қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши лозим.

Катта майдонларни ва биноларни кўздан кечириш бир неча суриштирувчи ёки терговчи томонидан амалга оширилиши мумкин, бунда уларнинг ҳар бири камида икки нафар ҳолис иштирокида кўздан кечириши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ўраллади ва муҳрланади. Катта ҳажмдаги нарсалар олинмайди ва муҳрланмайди, лекин суриштирувчи ёки терговчи уларни сақлаш чораларини кўриши лозим (ЖПК 137-м.).

Мурдани кўздан кечириш айрим ўзига хос жиҳатларга эга. Мурданинг ташқи кўринишини суриштирувчи ёки терговчи у топилган жойда ҳолислар ва суд-тиббиёт соҳасидаги мутахассис шифокор иштирокида кўздан кечирилади. Бундай мутахассис шифокор иштирок этишига имконият бўлмаган тақдирда, бошқа шифокор иштирок этади. Зарур ҳолларда мурдани кўздан кечириш учун бошқа мутахассислар, шунингдек экспертлар жалб қилинади.

Мурда топилган жойда уни таниб олиш учун кўрсатишдан олдин сўроқ қилиш ҳаракати ўтказилади. У баённома билан расмийлаштирилади. Таниб олинмаган мурдаларнинг бармоқ излари олинниши шарт. Мурдадан текшириш учун зарур бўлган бошқа хил намуналар ҳам олинниши мумкин.

Таниб олинмаган мурда фақат прокурор руҳсати билангина кўмилади (ЖПК 138-м.).

Теварак-атроф ва бинолар қўйидаги қоидаларга риоя қилган

ҳолда кўздан кечирилади: фуқаронинг уйи ёки хизмат жойини кўздан кечириш зарурати бўлса, суриштирувчи ёки терговчи бу ҳақда қарор, суд эса ажрим чиқаради. Турар жойи кўздан кечирилаётган шахс ёки тегишли корхона, муассаса, ташкилотнинг вакили чиқарилган қарор ёки ажрим билан таништирилиб, бу ҳақда имзо чектирилади.

Кўздан кечириш корхонада, муассасада, ташкилотда ўтказилса — маъмурият вакилининг, ҳарбий қисмда, штабда ва муассасада ўтказилса — кўмондонлик вакилининг, зарур ҳолларда эса, моддий жавобгар шахснинг қатнашиши шарт (ЖПК 139-м.). Давлат сирларига эга бўлган нарсалар ва ҳужжатларни фақат махсус рухсатга эга бўлган суриштирувчи, терговчи ёки судья худди шундай рухсатга эга бўлган ҳолислар иштирокида кўздан кечирилади.

Суриштирувчи, терговчи ва суд нарса ва ҳужжатларни улар топилган жойда, башарти кўздан кечириш кўп вақт ёки қўшимча техник воситалар талаб қилса, кейинчалик суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган жойда кўздан кечирилади.

Кўздан кечириш нарса ёки ҳужжатларнинг йўқолишига ёхуд шикастланишига олиб келмаса, техник воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мумкин (ЖПК 140-м.).

Ушбу тергов ҳаракати баённома билан расмийлаштирилади. Суд эса кўздан кечириш жараёнини ва унинг натижаларини суд мажлиси баённомасида қайд этади. Баённомада кўздан кечириш давомида топилган барча нарсалар, улар қандай тартибда кўздан кечирилган бўлса, худди шу тартибда, кўздан кечириш пайтида қандай ҳолатда кузатилган бўлса, худди шу ҳолатда қайд этилади. Кўздан кечириш чоғида топилган ва олинган барча излар, нарсалар ва ҳужжатлар санаб ўтилади. Олинган буюмнинг эгасига тегишли маълумотнома ёки баённоманинг нусхаси берилади.

Бундан ташқари, баённомада: кўздан кечириш қайси вақтда, қандай об-ҳавода ва қандай ёруғликда ўтказилганлиги; қандай илмий-техникавий воситалар қўлланилганлиги ва қандай натижалар олинганлиги; кўздан кечиришда кўмаклашиш учун кимлар жалб қилинганлиги ва кўмаклашиш нимада ўз аксини топганлиги; қандай нарсалар ва ҳужжатлар қай тартибда ва қандай муҳр билан муҳрланганлиги; кўздан кечирилганидан кейин мурда ва иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларнинг қаерга юборилганлиги кўрсатилади (ЖПК 141-м.)

Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказишга қуйидаги ҳолларда эҳтиёж пайдо бўлади:

1) одамнинг баданидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатларни, алоҳида белгиларни, унинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотларни, доғларни, тирналган, шилинган, қонталаш жойларни топиш зарурати туғилган ҳолларда, агар бунинг учун экспертиза ўтказиш лозим бўлмаса;

2) экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган усулларни қўллаш йўли билан шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатини аниқлаш зарурати туғилган ҳолларда (ЖПК 142-м.).

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчи гувоҳлантирилишлари мумкин. Гувоҳ унинг кўрсатувлари тўғрилигини текшириш учунгина гувоҳлантирилиши мумкин (ЖПК 143-м.).

Гувоҳлантириш учун қарор тузилади, ушбу тергов ҳаракатининг бориши эса баённомада қайд этилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг баданида жиноят излари, иш учун аҳамиятга молик бошқа белгилар ёки унинг ғайритабиий физиологик ҳолати тўғрисида етарли маълумотлар бўлса, гувоҳлантиришни ўтказиш ҳақида суриштирувчи ёки терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Ушбу ҳужжатда: гувоҳлантиришни ким ва қандай мақсадда ўтказиши; кимни гувоҳлантириш кераклиги; гувоҳлантирилиши учун шахс кимнинг ҳузурига ва қачон етиб келиши кўрсатилган бўлиши лозим (ЖПК 144-м.).

Суриштирувчининг, терговчининг гувоҳлантириш ўтказиш тўғрисидаги қарори ёки суднинг шу тўғридаги ажрими қайси шахс хусусида чиқарилган бўлса, ўша шахсга нисбатан мажбурийдир. Гувоҳлантиришдан бош тортаётган шахслар мажбурий келтирилиши ва гувоҳлантирилиши мумкин (ЖПК 145-м.). Мажбурий келтиришни ички ишлар органларининг ходимлари амалга оширадилар.

Гувоҳлантиришни ўтказиш ҳақидаги қарор ёки ажрим гувоҳлантирилувчига эълон қилинади. Гувоҳлантиришнинг барча иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилиши лозим.

Агар гувоҳлантириш шахсни ечинтириб яланғочлаш, шунингдек унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлмаса, уни суриштирувчи ёки терговчи холислар иштирокида, зарур ҳолларда эса, шифокор ёки бошқа мутахассис иштирокида ўтказилади. Ушбу турдаги гувоҳлантиришни тарафлар иштирокида суд ҳам ўтказиши мумкин.

Шахсни ечинтириб яланғочлаш ёки унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган, шунингдек шахснинг физиологик аҳволини гувоҳлантириш суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топшириғига биноан шифокор ёхуд бошқа мутахассис тиббий ходим томонидан ўтказилади (ЖПК 146-м.).

Гувоҳлантириш ўтказилганлиги ҳақида суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса гувоҳлантириш жараёни ва натижаларини суд мажлиси баённомасида қайд этади. Бундай баённомада гувоҳлантириш ўтказган шахснинг ҳамма ҳаракатлари ва гувоҳлантириш давомида аниқланган барча излар, хусусиятлар ва белгилар қайд этилган бўлиши лозим.

Гувоҳлантириш шифокор ёки бошқа мутахассис томонидан ўтказилган бўлса, у баённома тузади ва имзолайди, гувоҳлантирилган шахс ва холислар ҳам имзолаганидан сўнг баённомани суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим этади (ЖПК 147-м.).

6.10. Мурдани эксгумация қилиш

Ушбу тергов ҳаракати кўпинча дастлабки терговда йўл қўйилган хатолар туфайли учраб туради. Кўздан кечириш, таниб олиш, текшириш ёки экспертизага намуналар олиш учун мурдани қабрдан чиқариб олиш зарур бўлган тақдирда суриштирувчи, терговчи бу ҳақда қарор чиқаради ва прокурорнинг санкциясини олади. Суд эксгумацияни суриштирув органига ёки терговчига топшириши мумкин. Бу ҳақда тегишли ажрим чиқарилади (ЖПК 148-м.).

Эксгумация қилиш тартиби қуйидагича: суриштирувчи, терговчи ёки суд мурдани эксгумация қилишни соғлиқни сақлаш органлари билан келишган ҳолда ва мурда кўмилган жой вакилининг иштирокида амалга оширади. Эксгумация суриштирув ёки дастлабки тергов вақтида амалга оширилаётган бўлса, холисларнинг иштирок этиши шарт. Суд эксгумацияни тарафлар иштирокида амалга оширади. Аммо бу ҳол анча кам учрайди.

Мурдани эксгумация қилишда суд тиббиёти соҳасидаги мутахассис шифокор, зарур бўлса, бошқа мутахассислар ҳам қатнашадилар. Агар экспертиза тайинланган бўлса, эксгумация ўтказишда суд тиббиёти экспертнинг иштирок этиши шарт. Зарур ҳолларда, эксгумацияни ўтказишга гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи, шунингдек мурдани таниб олиши мумкин бўлган шахслар жалб қилиниши мумкин (ЖПК 149-м.).

Эксгумация экспертиза қилиш мақсадида ўтказилаётган бўлса, экспертиза ўтказиш ҳақида қарор ёки ажрим чиқарилиши лозим. Бунда мурда экспертиза муассасасига жўнатилади ёки экспертиза мурда кўмилган жойнинг ўзйда ўтказилади (ЖПК 150-м.).

Мурдани эксгумация қилиш суриштирувчи ёки терговчининг ёхуд суд мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Баённомага қабр, тобут ва мурданинг фотосуратлари, кинотасвир ва видеоёзувлари илова қилиниши мумкин.

Мурда эксгумация қилинганидан сўнг кўздан кечириш, таниб олиш ёки эксперт текшируви учун намуналар олиш амалга оширилган бўлса, мазкур тергов ҳаракатлари тўғрисида баённома тузилади (ЖПК 151-м.).

Эксгумациядан ва бошқа процессуал ҳаракатлардан сўнг мурдани кўмиш мурдани эксгумация қилиш тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарган шахснинг иштирокида амалга оширилади. Мурда кўмилганлиги тўғрисида ҳам баённома тузилади (ЖПК 152-м.).

6.11. Эксперимент

Эксперимент дастлабки терговда кам ўтказиладиган тергов ҳаракатлари сирасига киради, чунки уни ўтказиш муайян қийинчиликлар билан кечиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи ва суд гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг кўрсатувларини, бошқа далилларни, шунингдек иш юздан қилинган тусмол, текширилаётган ҳодисага оид муайян ҳаракатлар, шароит ва ҳолатларни тиклаш ҳамда зарурий тажрибалар ўтказиш орқали текширишга ҳақлидир.

Эксперимент бирор ҳодисани идрок қилиш, муайян ҳаракатларни бажариш, бирор ҳодисанинг содир бўлиш имкониятини текшириш, шунингдек ҳодисанинг юз бериш ва изларнинг қолиш йўсинларини аниқлаш учун ўтказилади (ЖПК 153-м.).

Эксперимент ўтказиш учун суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Эксперимент натижасида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мулкий зарар етказилиши, ишлаб чиқариш тартиботининг, транспорт воситалари ҳаракати жадвалининг бузилиши ва бошқа нохуш оқибатларнинг келиб чиқиши эҳтимол бўлса, суриштирувчининг, терговчининг бундай эксперимент ўтказиш тўғрисидаги қарорига прокурор санкция бериши лозим. Бошқа ҳолларда прокурорнинг санкцияси талаб этилмайди.

Эксперимент жамоат тартиби ёки ахлоқ нормаларининг бузилишига олиб келадиган бўлса, уни ўтказишга йўл қўйилмайди. Уни эксперт ўтказадиган бўлса, бундай эксперимент суд экспертизасининг таркибий қисми ҳисобланади (ЖПК 154-м.).

Экспериментни суриштирувчи ёки терговчи ўтказганда ҳолисларнинг иштирок этиши шарт. Суд эса экспериментни тарафлар иштирокида ўтказди.

Бундан ташқари, эксперимент ўтказишга мутахассис ва эксперт, шунингдек тажриба ҳаракатларини олиб борувчи шахслар жалб қилиниши мумкин. Мураккаб экспериментлар камида икки нафар ҳолис ва бир неча мутахассис иштирокида ўтказилиши мумкин. Эксперимент ўтказишга, шунингдек кўрсатувлари текширилиши лозим бўлган шахслар ҳам жалб қилиниши лозим. Бунда гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бўйин товлаганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши лозим. Эксперимент иштирокчиларига унинг мақсади ва ўтказилиш тартиби тушунтирилади.

Тажриба ҳаракатларини ўтказишдан олдин ўрганилаётган ҳодиса шароитлари текшириляётган кўрсатув ёки тусмолларга тўла мувофиқ ҳолда тикланган бўлиши лозим. Бунинг учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ўзи қатнашган ёки шохид бўлган ҳодисанинг шароит ва ҳолатларини тиклаш таклиф қилиниши мумкин. Сўнгра суриштирувчи, терговчи ёки суд тегишли тажриба ҳаракатларини ўтказди, шу мақсадда ўлчаш, фотосуратга тушириш, кинотасвирга олиш, овоз ёзиш, видеоёзув, режа, схема ва чизмалар тузиш, экспериментал қолиплар ва изларнинг нусхаларини тайёрлаш мумкин.

Эксперимент ўтказиш шароити тикланаётган ҳаракат ёки ҳодисалар юз берган шароитга иложи борича ўхшаш бўлиши лозим. Тажрибалар имкон борича бир неча марта ўтказилади. Тажрибаларнинг шароитлари ўзгартирилиши мумкин.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, мутахассис ва экспертга эксперимент ўтказиш билан боғлиқ савол берилиши мумкин. Бунда суднинг ижозати билан экспериментда иштирок этаётган шахсларга тарафлар ҳам савол бериши мумкин. Тарафлар ва экспериментда иштирок этаётган бошқа шахслар суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини, уларнинг фикрича иш ҳолатини аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолатларга қаратишга, эксперимент шаро-

итига аниқлик киритишни ва тажриба ҳаракатларини такрорлашни талаб қилишга ҳақлидир. Кўрсатуви текширилаётган шахс эксперимент муносабати билан ўзининг қўшимча сўроқ қилинишини талаб қилиши мумкин (ЖПК 155-м.).

Эксперимент баённома билан расмийлаштирилади. Баённомани суриштирувчи ёки терговчи тузади, суд эса экспериментнинг бориши ва натижаларини суд мажлиси баённомасида акс эттиради.

Баённомада: эксперимент қандай мақсадда, қачон, қаерда ва қандай шароитда ўтказилганлиги; ҳодисанинг шароитини ва ҳолатини тиклаш айнан нималарда ўз аксини топганлиги; қандай тажриба ҳаракатлари қай тартибда, ким томонидан ва неча марта ўтказилганлиги; қандай натижалар олинганлиги кўрсатилган бўлиши шарт (ЖПК 156-м.).

6.12. Олиб қўйиш

Агар суриштирувчи, терговчи ва суд жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларнинг айнан кимда ва қаерда эканлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлсалар уларни олиб қўйишга ҳақлидир (ЖПК 157-м.). Бундай олиб қўйиш суриштирувчи ёки терговчининг қарори ёхуд суднинг ажрими билан амалга оширилади. Ушбу ҳужжатларда қаерда ва кимнинг хонасида олиб қўйиш тергов ҳаракатини амалга ошириш кераклиги, қандай нарса ва ҳужжатлар олиб қўйиши лозимлиги кўрсатилади (ЖПК 159-м.).

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишда холислар, айрим ҳолларда эса мутахассис ва таржимон ҳам иштирок этадилар. Бунда олиб қўйиш жараёнида бу ҳаракат уйида ўтказилаётган шахснинг иштирок этиши таъминланиши лозим.

Агар давлат сирларига эга бўлган нарса ва ҳужжатлар олиб қўйиладиган бўлса, олиб қўйиш ҳақидаги қарорга прокурорнинг санкцияси олинishi керак. Бундай олиб қўйиш чоғида давлат сирларини билишига рухсат этилган холислар иштирок этгани маъқул.

Тинтув қилинаётганларга, холисларга, мутахассисларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмларнинг вакилларига олиб қўйиш ўтказилишидан аввал уларнинг суриштирувчи ёки терговчининг барча ҳаракатлари чоғида ҳозир бўлиш ҳамда ана шу ҳаракатлар хусусида арз қилиш ҳуқуқлари тушунтирилиши керак. Бундай арз баённомага киритилиши шарт (ЖПК 160-м.).

Суриштирувчи ёки терговчи олиб қўйиш ҳақидаги қарорга

ёки ажримга асосан турар жойга ёки бошқа бинога киришга ҳақлидир. Бунда улар олиб қўйиш ўтказилаётган шахсни қарор ёки ажрим билан таништириб имзо қўйдириши шарт.

Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш чоғида қарор ёки ажрим билан таништирганидан сўнг олинishi лозим бўлган нарса ва ҳужжатларни ихтиёрий равишда беришни таклиф қилади, таклиф рад этилган тақдирда мажбурий равишда олади. Агар бу нарса ва ҳужжатлар олиб қўйишни амалга ошириш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда кўрсатилган жойдан топилмаса, у ҳолда тинтув ўтказилади.

Олинаётган нарса ва ҳужжатларнинг ҳаммаси холисларга, олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишда иштирок этган бошқа шахсларга кўрсатилади, баённомада тўлиқ акс эттирилади, зарурат бўлган тақдирда ўралиб, муҳрланади. Ўралган ва муҳрланган нарса ва ҳужжатларни кейинги тергов давомида очишга фақат холислар иштирокида йўл қўйилади.

Олиб қўйиш мажбурий равишда амалга оширилганлиги сабабли, ёпиқ биноларни ёки буюмлар сақланадиган жойни унинг эгаси ўз ихтиёри билан очиб беришдан бош тортса, суриштирувчи ёки терговчи уларни очишга ҳақлидир. Бунда зарурат бўлмаганида қулфлар, эшиклар ва бошқа нарсаларнинг шикастлантирилишига йўл қўйилмаслиги ҳамда уйдаги саранжомлик бузилмаслиги лозим (ЖПК 161-м.).

Суриштирувчи ёки терговчи шахсининг кийимлари, шунингдек унинг ёнидаги буюмлари ичидан ёки баданидан топилган, иш учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиши мумкин.

Суд томонидан ўтказилган нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш натижалари суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

Баённомада нарса ва ҳужжатларнинг айнан қаерда ва қандай шароитда топилганлиги, ихтиёрий равишда берилганлиги ёки мажбурий равишда олинганлиги кўрсатилиши лозим. Барча олинган нарса ва ҳужжатлар баённомада бирма-бир қайд қилиниб, уларнинг миқдори, ўлчови, оғирлиги, ҳар қайсисининг ўзига хос белгилари кўрсатилиши, зарурат бўлган тақдирда ўралиши ва муҳрланиши лозим.

Олиб қўйиш вақтида изланаётган нарса ва ҳужжатларни йўқ қилишга ёки яширишга уриниш ҳоллари содир бўлган тақдирда, бу ҳол суриштирувчи ёки терговчи кўрган чоралар ҳам кўрсатилиб баённомада акс эттирилиши лозим (ЖПК 163-м.).

Олиб қўйиш тўғрисидаги қарор ва баённоманинг нусхаси суд мажлисининг олиб қўйишни ўтказиш тўғрисидаги баённомасидан

қўчирма тинтилган шахсга ёки унинг вояга етган оила аъзоларига, улар бўлмаган тақдирда эса, тегишли ҳокимлик ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади. Зарур ҳолларда мазкур шахсларга олиб қўйилаётган ҳужжатларнинг нусхалари берилади (ЖПК 164-м.).

Почта-телеграф жўнатмаларини олиб қўйиш анчагина ўзига хос жиҳатларга эга. Бу ҳаракат ЖПКда почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш деб номланган (ЖПК 166-м.).

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи бошқа шахсларга юборган ёхуд бошқа шахслар гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига юборган почта-телеграф жўнатмаларида содир этилган жиноятга доир маълумотлар ёки иш учун аҳамиятга молик ҳужжатлар ва буюмлар бор деб гумон қилиш учун етарлича асослар бўлганда, суриштирувчи, терговчи, суд бу шахсларнинг барча почта-телеграф жўнатмаларини ёки уларнинг айримларини хатлаб қўйишга ҳақлидир.

Хатлаб қўйилиши мумкин бўлган почта-телеграф жўнатмаларига барча турдаги хатлар, телеграммалар, радиogrammалар, бандероллар, посилкалар, почта контейнерлари киради.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш суриштирувчи ёки терговчининг қарори билан расмийлаштирилади. Унга албатта прокурорнинг санкцияси олинади. Суд эса бундай хатлаш учун ажрим чиқаради.

Қарор ёки ажримда: жўнатмалари ушлаб турилиши лозим бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; бу шахснинг аниқ манзили; хатланаётган почта-телеграф жўнатмаларининг тури; хатлаш чорасининг муддати; жўнатмаларни ушлаб туриш ва бу ҳақда суриштирувчи ёки терговчига маълум қилиш қайси алоқа муассасасига юклатилганлиги кўрсатилади.

Суд ажримда почта-телеграф жўнатмаларини судга етказиб бериш ҳақида алоқа муассасасига кўрсатма берилиши лозим. Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ҳақидаги қарор ёки ажрим тегишли алоқа муассасасининг бошлиғи номига юборилади ва уни бажариш мазкур бошлиқ учун мажбурийдир. Бу қарорни ёки ажримни бажармаслик ёки унинг ошкор этилиши қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Алоқа муассасасининг раҳбари суриштирувчи, терговчининг қарорида ёки суднинг ажримда кўрсатилган хат-хабарлар ва бошқа жўнатмаларни ушлаб туриши ҳамда бу ҳақда хатлаш ташаббускорига дарҳол маълум қилиши керак (ЖПК 166-м.). У, ўз навбатида, бундай хат-хабарлар ва бошқа жўнатмаларни кўздан кечиради ва олиб қўяди.

Суриштирувчи ёки терговчи алоқа муассасасига бориб, ушланган почта-телеграф жўнатмаларини холислар иштирокида, зарурат бўлганда эса, тегишли мутахассис иштирокида очиб, кўздан кечиради. Иш учун аҳамиятга молик маълумотлар, ҳужжатлар, нарсалар топилган тақдирда, суриштирувчи, терговчи почта-телеграф жўнатмаларини олиб қўяди ёхуд улардан нусха кўчириш билан чекланади. Агар кўздан кечирилган жўнатмаларда иш учун аҳамиятга молик маълумотлар, ҳужжатлар, нарсалар бўлмаса, суриштирувчи, терговчи уларни эгаларига етказиш ёки ўзи белгиллаган муддатгача ушлаб туриш ҳақида кўрсатма беради.

Ушланган жўнатмалар кўздан кечирилган ҳар бир ҳолда баённома тузилади. Унда қайси почта-телеграф жўнатмалари кўздан кечирилганлиги, нималар олинганлиги ва нималар эгаларига юборилиши, нималар эса вақтинча ушлаб қолиниши кераклиги, қайси жўнатмалардан нусхалар олинганлиги кўрсатилиши лозим (ЖПК 167-м.).

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш чорасини қўллашга зарурат қолмаса, хатлаб қўйган суриштирувчи, терговчи ёки суд бу чорани бекор қилади. Дастлабки тергов давомида иш тугатилганда, биринчи инстанция судида эса, ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқарилганда ёхуд ҳукм қонуний кучга киргач, хатлаб қўйиш чораси бекор қилиниши лозим (ЖПК 168-м.).

6.13. Тинтув

Суриштирувчи ва терговчи бирор тўрар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда тинтув ўтказишга ҳақлидир. Бундан ташқари, тинтув қидирилаётган шахсни, шунингдек мурдани топиш учун ҳам ўтказилиши мумкин (ЖПК 158-м.).

Тинтув ўтказиш ҳақида суриштирувчи ёки терговчи чиқарган қарор ёхуд суд чиқарган ажримнинг мазмунини олиб қўйиш ҳақидаги худди шу ҳужжатлар мазмунига ўхшайди.

Олиб қўйишда бўлгани каби тинтув ўтказишда ҳам холислар, зарурат бўлган тақдирда мутахассис ва таржимон ҳам иштирок этадилар.

Тинтув қилинаётганларга, холисларга, мутахассисларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмларнинг вакилларига тинтув ёки олиб қўйиш ўтказилишидан аввал

уларнинг суриштирувчи ёки терговчининг барча ҳаракатлари чоғида ҳозир бўлиш ҳамда ана шу ҳаракатлар хусусида арз қилиш ҳуқуқлари тушунтирилиши керак. Бундай арз баённомага киритилиши шарт.

Олиб қўйишдан фарқли ўлароқ, тинтув суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарорига биноан, прокурорнинг санкцияси билан ўтказилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув прокурорнинг санкциясиз ўтказилиши мумкин, лекин бундай ҳолда кейинчалик шу ўтказилган тинтув ҳақида 24 соат ичида прокурорга хабар қилинади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар суриштирувчи ёки терговчининг прокурорга юборган хабарномасида асослантирилиши лозим. Хабарноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади.

Суриштирувчи, терговчи тинтув ўтказилаётган бинода ёки ўзга жойда турган шахсларнинг тинтув тамом бўлгунига қадар шу бино ёки жойдан чиқиб кетишини, шунингдек уларнинг бир-бирлари билан ёки бошқа шахслар билан гаплашишини тақиқлаб қўйишга ҳақлидир.

Суриштирувчи, терговчи тинтув ўтказишга киришаётганида қарор ёки ажрим тақдим этганидан сўнг, олиб қўйилиши керак бўлган нарса ва ҳужжатларни беришни таклиф қилади. Башарти улар ихтиёрий равишда берилса, олиб қўйиш баённомаси тузилади, аммо қидирилаётган нарса ёки ҳужжатлар берилмаса ёхуд тўлиқ ҳолда топширилмаган бўлса, тинтув ўтказилади. Бу хусусдаги қарорда ёки шунда кўрсатилган нарса ёки ҳужжатлар қидирилади ва олинади. Иш учун аҳамиятга молик бошқа нарса ёки ҳужжатлар, шунингдек сақланиши тақиқланган ашёлар топилган тақдирда, улар ҳам олиб қўйилиши лозим. Суриштирувчини, терговчини бу нарса ёки ҳужжатларни олиб қўйишга ундаган асослар тинтув ўтказилганлиги ҳақидаги баённомада акс эттирилади.

Шахсий тинтув ҳам суриштирувчи ёки терговчининг прокурор санкцияси олинган қарори асосида ўтказилади. Бироқ қўйидаги ҳолларда шахсий тинтув алоҳида қарор ёки ажрим чиқарилмасдан ҳам ўтказилиши мумкин:

1) жамоат тартибини сақлашга доир бурчини бажараётган милиция ходими томонидан гумон қилинувчини ушлаш чоғида ушланувчининг ёнида қурол борлигига ёхуд жиноят содир этганлигини фош қиладиган далиллардан қутулмоқчи эканлигига етарли асослар бўлганда;

2) гумон қилинувчи милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза

қилувчи бошқа органга олиб келиниб, уни ушлаш ҳақида баён-нома тузилганда;

3) айбланувчига нисбатан қамокда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилаётганида, башарти унинг ёнида қурол, шунингдек сақланиши ман этилган буюмлар ёхуд иш учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатлар бўлиши мумкин деб ўйлашга етарли асослар бўлганида;

4) олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилаётган бинода ёки бошқа жойда турган шахс олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорга ёки ажримга кўра олинishi зарур бўлган нарса ёки ҳужжатларни ўз ёнида яширинча сақламоқда деб ўйлаш учун етарли асослар бўлганида.

Шахсий тинтувни тинтилаётган шахс билан бир жинсдаги суриштирувчи ёки терговчи мутахассис ҳамда ҳолислар иштирокида ўтказиши мумкин (ЖПК 162-м.).

Олиб қўйишда бўлгани каби, тинтув ўтказилганда ҳам суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади. Баённоманинг бир нусхаси тинтилган шахсга топширилади (ЖПК 164-м.).

Тинтув, шунингдек олиб қўйиш ҳам, дипломатия ваколатхонаси ҳудудида ўтказилаётганида дипломатия ваколатхоналари ва уларнинг дипломатия дахлсизлигига эга бўлган ходимлари, шунингдек уларнинг оила аъзолари эгаллаб турган биноларда фақат дипломатия ваколатхонаси бошлиғининг илтимосига кўра ёки унинг розилиги билан ўтказилиши мумкин, дипломатия ваколатхонаси ходимларининг ёки уларнинг вояга етган оила аъзоларининг истиқомат жойларида ёхуд улар эгаллаб турган бошқа биноларда тинтув уларнинг илтимосларига кўра ёки розиликлари билан ўтказилиши мумкин. Кўрсатилган имтиёзлар, мамлакатимизда аккредитация қилинмаган бўлса-да, дипломатия дахлсизлигига эга бўлган ажнабий вакилларга ва уларнинг оила аъзоларига ҳам берилади.

Дипломатия дахлсизлигига эга бўлган шахсга ва унинг оила аъзоларига нисбатан шахсий тинтув мазкур талабларга риоя қилган ҳолда ўтказилиши мумкин.

Дипломатия вакили ёки унинг оила аъзоларининг олиб қўйишга ёки тинтув ўтказишга розилиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали сўралади.

Дипломатия ваколатхоналари ва дипломатия дахлсизлигидан фойдаланадиган вакиллар, шунингдек уларнинг оила аъзолари жойлашган биноларда тинтув ёки олиб қўйиш ўтказиш чоғида прокурор ва мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлигининг вакили ҳозир бўлиши шарт (ЖПК 165-м.).

6.14. Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш

Жиноят иш бўйича иш учун аҳамиятга молик хабарларни олиш мумкинлигига етарли даражада асос бўла оладиган далиллар мавжуд бўлганда суриштирувчи ёки терговчи телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақлидир (ЖПК 169-м.).

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг бундай сўзлашувларини эшитиб туриш суриштирувчи ёки терговчи прокурорнинг санкциясини олиб чиқарган қарорга биноан ёки суд ажримига кўра амалга оширилади. Одатда телефон ёки бошқа сўзлашув қурилмалари орқали бўладиган сўзлашувларини эшитиб туриш жабрланувчига, гувоҳга, шунингдек уларнинг қариндошлари ва яқинларига нисбатан куч ишлатиш, товламачилик ёки бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир этиш хавфи мавжуд бўлганда, бу шахсларнинг аризалари бўйича ёки уларнинг ёзма розилиги ва прокурорнинг санкцияси билан ёхуд суднинг ажримига кўра амалга оширилади.

Суриштирувчи, терговчи кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, прокурорни кейинчалик дарҳол ёзма равишда хабардор этиш шарти билан, унинг санкциясиз сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисидаги қарорни Миллий хавфсизлик хизмати органларига юборишга ҳақлидир. Прокурорнинг санкциясиз сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисидаги қарор бир сутка давомида қонуний кучга эга бўлади.

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тўғрисидаги қарор ёки ажримда эшитиладиган ахборотнинг хусусияти ва ҳажми, шунингдек сўзлашувларни эшитиб туришнинг боришини ва натижаларини қайд этиш шакли белгиланиши керак. Ушбу ҳужжат миллий хавфсизлик хизмати органларига ижро этиш учун юборилади. Сўзлашувларни эшитиб туриш олти ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш чоғида овоз ёзиш мосламалари қўлланилади. Сўзлашув фонограммаси акс эттирилган магнит тасмаси тергов ҳаракати баённомасига қўшиб қўйилади (ЖПК 170-м.).

Эшитиб туриш ва овоз ёзишни амалга оширган шахс ишга алоқадор сўзлашувлар фонограммаси мазмунининг қисқача баённомасини тузади. Фонограмма муҳрланади ва баённомага қўшиб қўйилади, унинг иш учун аҳамиятли бўлмаган қисми ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин йўқ қилинади.

Эшитиб туриш ва овоз ёзиш баённомасида абонент рақами, эшитиб туриш ва овоз ёзиш вақти ва жойи, фойдаланилган техникавий воситалар тури ва модели, бу ишларни амалга оширган шахсларга оид маълумотлар ҳамда иш учун аҳамияти бўлиши мумкин деб ҳисобланган бошқа маълумотлар акс эттирилади (ЖПК 171-м.).

6.15. Экспертиза

Экспертиза – махсус билимларни талаб этадиган ва суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажри-ми асосида ўтказиладиган текширув. Ушбу тергов ҳаракати иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганда тайинланади. Бунда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, мутахассислар, холисларнинг бундай билимларга эга бўлиши экспертиза тайинлаш заруратидан озод этмайди.

Айни пайтда эксперт олдига қўйилган саволлар ва унинг берган хулосаси экспертларнинг махсус билимлари доирасидан ташқари чиқиши мумкин эмас.

Қонун экспертизани ЖПКда белгиланган тартибга ҳилоф равишда ўтказиладиган текширув билан алмаштиришга йўл қўймайди. Идоравий текширув хулосаси, тафтиш ҳужжатлари, мутахассислар маслаҳати экспертиза ўтказиш заруратини истисно этмайди (ЖПК 172-м.).

Эксперт томонидан текшириладиган объектлар жумласига: ашёвий далиллар ва эксперт текшируви учун олинган намуналар; экспертиза орқали далилий аҳамияти аниқланадиган бошқа моддий объектлар; тирик одамнинг бадани; руҳий ҳолати; мурда; ҳужжатлар кириши мумкин. Эксперт текшириши лозим бўлган объектлар, агар уларнинг ҳажми ва хусусиятлари имкон берса, экспертга ўралган ва муҳрланган ҳолда берилиши керак.

Текширишни ўтказиш вақтида экспертиза моддий объекти текширув учун қай даражада зарур бўлса, шу даражада бузилиши ёки ишлатилиши мумкин. Экспертиза ўтказиб бўлинган-

нидан кейин ўша текшириш объектлари тўла сарф қилинмай ортиб қолган бўлса, экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки судга қайтарилиши лозим.

Экспертиза объектлари экспертиза муассасаларида, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органларида ва судларда ашёвий далилларни сақлаш қоидаларига риоя қилинган ҳолда сақланади (ЖПК 175-м.).

Экспертизанинг, «одатдаги» кўринишидан ташқари, қўшимча, такрорий, комиссия иштирокидаги ҳамда комплекс турлари бўлади.

Қўшимча экспертиза эксперт хулосасидаги камчиликларни тўлдириш учун тайинланади. Уни шу экспертнинг ўзи ёки бошқа эксперт ўтказиши мумкин.

Экспертнинг хулосаси асослантилмаган ёки унинг тўғриликлигига шубҳа туғилган ҳолларда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишонарсиз деб топилганда ёки экспертиза ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда *қайта экспертиза* тайинланади. Уни ўтказиш тайинланганда эксперт олдида илгари фойдаланилган текшириш усуллари ва илмий асосланганлиги тўғрисида масала қўйилиши мумкин.

Қайта экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда биринчи экспертиза хулосасига қўшилмаганлик сабаблари кўрсатилиши лозим. Мазкур экспертзани ўтказиш бошқа экспертга топширилади, биринчи экспертзани ўтказган эксперт ёки экспертлар комиссияси эса қайта экспертиза ўтказишда ҳозир бўлиши ва тушунтиришлар бериши мумкин, лекин у эксперт текшируви ўтказиш ва хулоса тузишда иштирок этмайди (ЖПК 176-м.).

Мураккаб экспертзалар бир ихтисосдаги экспертлар комиссияси томонидан ўтказилиши мумкин. Экспертлар ўзаро маслаҳатлашадилар ва умумий фикрга келганларидан кейингина хулосани имзолайдилар. Экспертлар ўртасида келишмовчилик рўй берганда ҳар бир эксперт келишмовчилик чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

Агар экспертиза ўтказиш экспертиза муассасасига топширилган бўлса, унинг бошлиғи комиссиявий экспертзани ўтказишни ўзи ташкил қилишга ҳақлидир. Аммо қонунда эксперт текширувини тўлиқ ёки қисман ўтказишни экспертлар комиссияси таркибига киритилмаган шахслар бажаришига йўл қўйилмайди (ЖПК 177-м.).

Агар жиноят иши учун аҳамиятга молик бирор ҳолатни турли илм соҳаларидан фойдаланиб, бир неча текширув ўтказиш орқалигина аниқлаш мумкин бўлса, комплекс экспертиза тайинланади. Уни ўтказишда ҳар бир эксперт жиноят иши бўйича аниқланган ҳолатларга асосланиб, ушбу экспертизада аниқланиши лозим бўлган ҳолат тўғрисида яқуний хулоса чиқаради. Бунда комплекс экспертиза ўтказишда қатнашаётган ҳар бир эксперт уларнинг ҳар бири ўзи аниқлайдиган ҳолатлар ҳажми ва мажмуидан қатъи назар, текширувни мустақил амалга оширади, бунинг учун шахсан жавобгар бўлади ва фақат ўз ваколати доирасида хулоса беради. Эксперт комплекс экспертиза хулосасининг фақат ўз ваколатига тааллуқли қисмини имзолайди.

Экспертиза ўтказиш экспертиза муассасасига топширилган бўлса, комплекс текширувни ташкил қилиш унинг раҳбари зиммасига юклатилади (ЖПК 178-м.).

Экспертиза ўтказиш ҳақидаги масалани суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья ҳал қилади. Бунинг устига, экспертиза жиноят иши қўзғатилгунча тайинланиши ва ўтказилиши мумкин. Бироқ экспертизасиз жиноят ишини юритиш мумкин бўлмаган ҳоллар ҳам бор.

Иш бўйича:

1) ўлимнинг сабабини, етказилган тан жароҳатларининг хусусияти ва оғирлик даражасини;

2) жинсий алоқада бўлганликни, ҳомиладорлик ҳолатини ва ҳомилани сунъий йўл билан тушириш белгиларини;

3) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг ёшини, агар бу ҳақда ҳужжатлар бўлмаса ёки ҳужжатлар шубҳа туғдирса;

4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг, устидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга доир иш юритилаётган шахсининг руҳий ва жисмоний аҳволини ҳамда уларнинг ғайриқонуний қилмишни содир этаётган пайтда ўз ҳаракатларини идрок этиш ва идора қилиш лаёқатини, шунингдек жинойий жавобгарликнинг аҳамиятини тушуниш, жиноят процессида кўрсатувлар бериш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

5) жабрланувчининг, гувоҳнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳамда улар иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни идрок қилиш, эсда сақлаш ва сўроқ қилганда ифодалаб бериш лаёқатига эга эканликларини, шунингдек жабрланувчининг

жиноят процесси чоғида ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

б) таносил ва бошқа юқумли касалликларга чалинган, сурункали ичкиликбозликка ва гиёҳвандликка дучор бўлган шахсларни даволаш зарурлигини ва имкониятларини;

7) гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг турлари мавжудлигини;

8) пул белгилари, қимматли қоғозлар ва бошқа ҳужжатлар қалбакилаштирилганлигини;

9) портлашлар, ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг техникавий сабабларини аниқлаш зарур бўлганда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт.

Бундан ташқари, жиноят иши учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлашда ҳам, агар бунинг учун махсус билимларни қўллаш зарур бўлса ва бу ҳолатлар исботлашнинг бошқа воситалари билан пухта аниқланмаган бўлса, экспертиза ўтказиш шарт (ЖПК 173-м.).

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья экспертиза қаерда ўтказилишини ва уни ким амалга ошириши мумкинлигини яхши билишлари керак. Экспертизани экспертиза муассасаларининг, бошқа давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг мутахассислари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ёхуд судларнинг мазкур ходимлари тайинлаган бошқа билимдон шахслар ўтказди.

Суд-тиббиёт, суд-психиатрия, суд-психология, суд-автотехника, суд-бухгалтерия, криминалистика экспертизаларини фақат экспертиза муассасаларининг мутахассислари, алоҳида ҳолларда эса, давлатга қарашли бошқа муассасаларнинг мутахассислари ўтказадилар. Алоҳида ҳоллар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда асослантирилиши лозим.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг эксперт этиб тайинланган шахсни чақириш ва унинг экспертиза ўтказиши тўғрисидаги талаби шу шахс ишлаётган корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари учун мажбурийдир (ЖПК 174-м.).

Экспертиза тайинлаш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Унда: экспертиза тайинлаш учун асос бўлган сабаблар; экспертизага юборилаётган ашёвий далиллар ва бошқа объектлар, уларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ва олинганлиги; иш материаллари бўйича экспертиза ўтказишда эса эксперт хулосаси асосланиши лозим бўлган маълумотлар; эксперт олдига қўйилган саволлар;

экспертиза муассасасининг номи ёки экспертиза ўтказиш топширилган шахснинг фамилияси кўрсатилади.

Экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим унга тааллуқли шахслар учун мажбурийдир (ЖПК 180-м.).

Қонунда экспертиза ўтказишда мажбурлаш чегаралари белгиланган. Мураккаб тиббий текширув усулларидан, шунингдек кучли оғриқ бериш билан боғлиқ усуллардан мажбурий фойдаланишга фақат экспертиза ўтказилаётган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади. Башарти бундай шахс 16 ёшга тўлмаган ёки руҳий касал бўлса, экспертиза унинг қонуний вакили, васий ёки ҳомийининг розилиги билан амалга оширилади (ЖПК 181-м.).

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи экспертиза тайинлаш ва ўтказишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) экспертиза ўтказилгунга қадар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим билан танишиб чиқиш ва ўзига берилган ҳуқуқлар тушунтирилишини талаб қилиш. Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор ёки ажрим билан танишганлик тўғрисида алоҳида баённома тузилади ёки суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади;

2) экспертни рад этиш;

3) ўзи кўрсатган шахслар орасидан эксперт тайинланишини илтимос қилиш;

4) эксперт хулоса бериши учун унинг олдига қўшимча саволлар қўйиш, қўшимча материаллар тақдим этиш;

5) экспертиза ўтказилаётганида суриштирувчи, терговчи, суднинг руҳсати билан ҳозир бўлиш, экспертдан текширув вақтида қўллаётган усулларининг ва олинган натижаларнинг моҳиятини тушунтириб беришни талаб қилиш, экспертга тушунтиришлар бериш;

6) эксперт хулосаси билан танишиб чиқиш ва қўшимча ёки қайта экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.

Худди шундай ҳуқуқлардан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланаётган шахс ҳам, агар бунга унинг руҳий ҳолати имкон берса, фойдаланади (ЖПК 179-м.).

Экспертиза эксперт муассасасида ҳам, ундан ташқарида ҳам ўтказилиши мумкин. Одатда суриштирувчи, терговчи, суд экспертиза тайинлаш тўғрисида ўзи чиқарган қарорни ёки ажримни, текшириладиган объектларни, зарур ҳолларда жиноят ишини ҳам экспертиза муассасасининг раҳбарига юборади. Қарор ёки ажримда муайян эксперт кўрсатилмаган бўлса, экспертиза муассасасининг раҳбари ўз фармойиши билан шу муассаса ходимларидан бирига экспертиза ўтказиш вазифасини

юклатади. Бу ҳақда у экспертизани тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки судга хабар беради.

Экспертиза муассасасининг раҳбари экспертиза ўтказишни ташкил қилади, текшириладиган объектнинг сақланишини таъминлайди, экспертизани ўтказиш муддатини белгилайди. У экспертиза муассасасида ишламайдиган мутахассисларни экспертизани тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки суднинг розилиги билангина экспертиза ўтказиш учун жалб этишга ҳақлидир, аммо бунинг учун экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки суднинг розилиги керак бўлади (ЖПК 182-м.).

Экспертиза махсус муассасадан ташқарида ўтказиладиган бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертиза ўтказиш тўғрисида қарор ёки ажрим чиқаргандан кейин экспертиза ўтказиш топширилаётган шахсни чақиртиради, унинг шахси ва малакасини, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчига бўлган муносабатини ва уни рад этишга асослар бор-йўқлигини аниқлайди.

Сўнгра экспертга экспертиза тайинланганлиги тўғрисидаги қарор ёки ажрим тақдим этилади, унга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади ва у хулоса беришдан бўйин товлаганлик, шунингдек била туриб ёлғон хулоса берганлик учун жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилади.

Эксперт берган ариза ва илтимосномалар ҳам шу зайдда қайд этилади. Экспертнинг илтимоси рад этилса, экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки суд бу ҳақда қарор ёки ажрим чиқаради, агар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳнинг баданини ёхуд руҳий ҳолатини текшириш зарурати пайдо бўлса, уларнинг экспертга олиб келинишини таъминлайди (ЖПК 183-м.).

Эксперт зарурий текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин ўз номидан ёзма хулоса тузади ва уни имзолаб, эксперт муассасасининг муҳри билан тасдиқлайди.

Экспертнинг хулосасида: унинг фамилияси, исми ва отасининг исми, маълумоти, ихтисоси, ушбу ихтисослик бўйича стаж, илмий даражаси ва илмий унвони, эгаллаб турган лавозими; хулоса беришдан бўйин товлаганлик ва била туриб ёлғон хулоса берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида экспертнинг огоҳлантирилганлиги; экспертиза қайси процессуал қарорга асосан ва қачон ўтказилганлиги; уни ўтказиш вақтида ким ҳозир бўлганлиги; эксперт ишнинг қайси материалларидан фойдаланганлиги, қайси ашёвий далиллар,

намуналар ва бошқа объектлар текширувдан ўтказилганлиги; хусусан қандай текширишлар ўтказилганлиги, қандай усуллардан фойдаланилганлиги ва уларнинг ишончлилик даражаси; қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлган ва эксперт ўз ташаббуси билан аниқлаган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Эксперт хулосасида жиноят сабаблари ва унинг содир қилинишига имкон берган шарт-шароитлар (агар экспертиза ўтказиш давомида улар аниқланган бўлса), шунингдек уни бар-тараф қилишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилади. Текшириш ўтказилганидан қолган ашёвий далиллар, намуналар, бошқа объектлар, фотосуратлар, схемалар, чизмалар эксперт хулосасига қўшиб қўйилади.

Агар текширув чоғида экспертга берилган материалларнинг ёки махсус билимларнинг етарли эмаслиги маълум бўлиб қолса, эксперт буни хулосада кўрсатади ва қўйилган айрим саволларга жавоб беришни рад этишини батафсил асослаб беради (ЖПК 184-м.).

Экспертга тақдим қилинган объектлар экспертиза ўтказиш учун етарли бўлмаган тақдирда, эксперт қўшимча материаллар берилишини сўрайди, бундай материаллар бўлмаса ёки эксперт олдига қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаса, хулоса бериш имконияти йўқлиги тўғрисида асослантирилган ҳужжат тузади ва уни экспертиза муассасасининг раҳбарига ва экспертиза тайинлаган суриштирувчи, терговчи ёки судга юборади (ЖПК 185-м.). Амалиётнинг кўрсатишича, бундай ҳоллар суд-биологик, суд-бухгалтерия ва баъзи бир бошқа экспертизаларни ўтказишда учрайди.

Тергов амалиётида экспертни сўроқ қилиш зарурати юзага келадиган ҳоллар учраб туради. Агар экспертнинг хулосаси етарли даражада аниқ бўлмай, камчиликларини тўлдириш учун қўшимча текшириш ўтказишга зарурат бўлмаса ёки эксперт фойдаланган усулларга аниқлик киритиш зарур бўлиб қолса, суриштирувчи, терговчи ёки суд экспертни барча умумий қоидаларга риоя этган ҳолда сўроқ қилиш ҳуқуқига эга (ЖПК 186-м.).

Эксперт хулосаси суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда унинг илмий асосланганлиги ва экспертиза ўтказиш учун белгиланган барча процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳоланади. У суриштирувчи, терговчи ёки суд учун муқаррар далилий кучга эга эмас. Хулосага

қўшилмаслик қарорда ёки ажримда асослаб берилиши лозим.

Жиноят иши бўйича бир неча экспертиза ўтказилган ва экспертлар бир хил фикрга келмаган бўлсалар, суриштирувчи, терговчи ёки суд баъзи экспертларнинг хулосаларига қўшилиш ва бошқа экспертларнинг хулосаларига қўшилмаслик тўғрисидаги ўз фикрини асослаб бериши лозим (ЖПК 187-м.).

6.16. Экспертиза текшируви учун намуналар олиш

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тирик одамнинг, мурданинг, ҳайвоннинг, модданинг хусусиятларини ўзида акс эттирувчи намуналар олишга, башарти уларни текшириш эксперт олдига қўйилган саволларни ҳал қилиш учун зарур бўлса, ҳақлидир. Бунда тирик одамдан ўзида унинг хусусиятларини акс эттирувчи: биологик — қон, соч, сўлак, инсон организмидан ажралиб чиқадиган моддалар; психофизик — дастхат; анатомик — тери нақшининг чизиқлари, тиш қолиплари; шунингдек овознинг хусусиятлари, касб малакасини акс эттирувчи намуналар олиниши мумкин. Мурдани кўздан кечиришда ҳам текширув ўтказиш учун керакли моддий намуналар олиниши мумкин.

Намуна тариқасида хомашё, маҳсулот ва бошқа материаллардан модданинг турга оид ёки ўзига хос физик ёхуд кимёвий хоссаларини акс эттирувчи намуналар олиниши мумкин.

Текширув ўтказиш жараёнида эксперт гильза, ўқ, бузиш асбоблари ва бошқа объектларнинг тажриба намуналарини тайёрлашга ва уларнинг экспериментал изларига қараб, ўхшашлик ёки фарқланиш масаласини ҳал этишга ҳақлидир (ЖПК 188-м.).

Намуна олиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи — қарор, суд эса — ажрим чиқаради. Унда: намуна оладиган шахс ёки орган; намуна олиниши керак бўлган шахс; айнан қандай намуна ва қанча миқдорда олиниши лозимлиги; намуна олинadиган шахс қачон ва кимнинг ҳузурига келиши зарурлиги; олинган намунанинг қачон ва кимга тақдим қилиниши кераклиги кўрсатилади (ЖПК 191-м.).

Қонунда намуна олишда муайян мажбурлов чегараси белгиланган. Хусусан, ўздан намуна олиниши учун келишдан бош тортаётган гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, жабрланувчилар мажбурий келтирилиши мумкин, бунда, башарти қўлланиладиган усуллар оғриқ бермайдиган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлса, улардан мажбурлов йўли билан намуналар олинади.

Ўзга шахслардан намуналар фақат ҳодиса содир бўлган жойда ёки ашёвий далилларда изларни айнан улар қолдирган бўлиши мумкинлиги тўғрисида етарлича асослар бўлган тақдирда ҳамда таносил касаллиги ва бошқа юқумли касалликларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган ҳолларда мажбурлов йўли билан олиниши мумкин (ЖПК 192-м.).

Намуналар олиш тартиби қуйидагича: суриштирувчи ёки терговчи намуна олиниши керак бўлган шахсни чақиртиради ёки у турган жойга бориб, уни намуна олиш тўғрисидаги қарор ёки суднинг ўзига келиб тушган ажрими билан таништириб тилхат олади ва бу шахсга, мутахассисга, холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, агар кимдир рад этилган бўлса, бу масалани ҳал қилади. Кейин суриштирувчи ёки терговчи керакли ҳаракатларни бажаради ва эксперт текшируви учун намуналар олади. Бунда оғриқ бермайдиган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавfli бўлмаган илмий-техникавий воситалар қўлланилиши мумкин.

Мурдадан, хомашёлардан, маҳсулотлардан, бошқа материаллардан намуналар олиш эксгумация қилиш, олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Олинган намуналар ўралади ва муҳрланади. Кейин суриштирувчи ёки терговчи уларни намуна олиш баённомаси билан бирга тегишли экспертга юборади. Агар намуна олиш суднинг ажримига биноан амалга оширилган бўлса, ушбу ажримни бажарган суриштирувчи ёки терговчи намуналарни уларни олиш тўғрисидаги баённома билан бирга судга юборади. Суд тарафлар иштирокида намуналарни кўздан кечириб, уларнинг ҳақиқийлигига ва тўла сақланганлигига ишонч ҳосил қилганидан кейин олинган намунани ажрим ва баённома билан бирга тегишли экспертга юборади (ЖПК 193-м.).

Намуналарни суриштирувчи, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими бўйича врач, эксперт ёки бошқа мутахассис олиши мумкин (ЖПК 194–195-м.). Бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам эксперт текшируви учун намуналар олишда қўлланиладиган усуллар ва илмий-техникавий воситалар инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлиши лозим. Кучли оғриқ берадиган мураккаб тиббий тадбирлар ва усулларни қўллаш намуна олиниши лозим бўлган шахснинг розилиги билан, башарти у 16 ёшга тўлмаган ёки руҳий касал бўлса, унинг қонуний вакили, васийлари ёки ҳомийларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Намуна олиш намуна олинувчини ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, шифокор, бошқа мутахассис, холислар намуна олинувчи шахс билан бир жинсда бўлишлари лозим (ЖПК 196-м.).

Эксперт текшируви учун намуналар олинганлиги тўғрисида суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса ўзига келган намуналарни суд мажлиси баённомасида акс эттиради (ЖПК 197-м.).

6.17. Нарсалар ва ҳужжатларни тақдим қилиш

Фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз фикрларига кўра иш учун аҳамиятга молик бўлган нарсаларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга тақдим қилишлари мумкин. Суриштирувчи, терговчи ёки суд, тақдим қилинган нарса ёки ҳужжатни иш учун аҳамиятли деб топса ёки келгусида аҳамияти бўлиши мумкин деб ҳисобласа, уларни барча кўздан кечириш қоидаларига асосан қабул қилишлари шарт. Шунингдек ушбу иш учун аҳамиятли бўлмаган, лекин муомаладан чиқарилган нарсалар (куроллар, гиёҳвандлик воситалари, порнография нашрлари ва бошқалар) ҳам қабул қилиб олинади.

Иш учун аҳамиятли бўлмаган ва муомаладан чиқарилмаган нарсалар тақдим қилинган ҳолларда улар кўздан кечириб бўлинганидан кейин дарҳол эгаларига қайтариб берилади (ЖПК 198, 200-м.).

Қонун суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга тинтув ёки олиб қўйиш ўтказмасдан туриб, корхона, муассаса, ташкилот раҳбаридан, шунингдек фуқародан тергов ва суд ҳаракатларини юритиш чоғида вақтинча фойдаланиш учун зарур бўлган нарсаларни тақдим этишларини талаб қилишга рухсат этади. Бундай нарсалар ва ҳужжатлар жумласига қуйидагилар киради:

1) эксперимент ўтказишда текширилаётган ҳодисанинг ҳолатини ва шароитини қайта тиклаш учун фойдаланиладиган ўхшаш нарсалар ёки макетлар;

2) таниб олиш учун кўрсатилаётган нарса билан турдош бўлган нарсалар;

3) тергов ёки суд ҳаракатларини юритиш ёхуд эксперт текширувини ўтказиш учун зарур бўлган мосламалар, асбоб-ускуналар, анжомлар, материаллар, агар бундай нарсалар суриш-

тирувчи, терговчи ёки судда ёхуд уларнинг топшириғи бўйича ҳаракат қилаётган мутахассис, эксперт ёки экспертиза муассасасида бўлмаса. Зарурат қолмагач, бу нарсалар эгасига қайтарилиши лозим (ЖПК 199-м.);

4) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар маъмуриятининг ихтиёридаги ёки уларда мавжуд бўлган маълумотлар асосида махсус тузилган ҳужжатлар.

Бундан ташқари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг маъмурияти суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг талабига кўра ўз ваколатлари доирасида ҳужжатли тафтиш ёки бошқа хизмат текширувини ўтказишлари ва тафтиш ёки текширув далолатномасини барча иловалари билан бирга белгиланган муддатда тақдим қилишлари шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд тафтиш ёки текширув далолатномасида ёхуд бошқа ҳужжатда белгиланган қоидалардан чекинишга, нуқсон, зиддият ёки бошқа камчиликларга йўл қўйилганлигини аниқлаганда ушбу камчиликлар бартараф этилишини талаб қилишга ҳақлидир (ЖПК 199, 201-м.).

Табийки, ашёвий далиллар сифатида аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган нарса ва ҳужжатлар тақдим қилинганлиги тўғрисида суриштирув ёки дастлабки тергов даврида баённома тузилади. Суд эса суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўяди.

Баённомада:

1) нарса ёки ҳужжатни тақдим этган шахс тўғрисидаги маълумотлар;

2) бу шахснинг нарса ёки ҳужжатни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси;

3) нарса ёки ҳужжатни кўздан кечириш жараёни ва натижалари, агар у почта орқали юборилган бўлса, унинг ўрамасини кўздан кечириш натижалари;

4) нарса ёки ҳужжатнинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга ҳақиқатан ҳам топширилгани ёхуд нарса ёки ҳужжат уни келтирган шахсга қайтариб берилгани кўрсатилади.

Ашёвий далил сифатида аҳамиятли бўлган ёки аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган нарса ёки ҳужжатни тақдим этган шахсга баённомадан нусха суд мажлиси баённомасидан кўчирма берилади.

Қабул қилиб олинган нарса ёки ҳужжат почта орқали келган бўлса, баённоманинг нусхаси ёки ундан олинган кўчирма нарсани ёки ҳужжатни юборган шахсга жўнатилади, почта паттаси баённомага илова қилинади. Почта орқали олинган нарса ёки

ҳужжат ишга алоқадор эмас деб топилиб, уни юборувчига почта орқали қайтарилган тақдирда ҳам почта паттаси баённомага қўшиб қўйилади.

Тақдим этилган нарса ёки ҳужжатни ашёвий далил сифатида жиноят ишига қўшиб қўйиш ҳақидаги илтимосни рад қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Тафтишлар ва бошқа хизмат текширувларининг далолатномалари ашёвий далил сифатида тақдим қилинган бошқа ҳужжатлар қатори ишга махсус расмийлаштирилмасдан қўшиб қўйилади.

Тергов ёки суд ҳаракатларини юритишда вақтинча фойдаланиш учун сўралган нарсаларнинг қабул қилингани ва қайтариб берилгани суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд мажлисида раислик қилувчи ёхуд суд мажлисининг котиби, шунингдек нарсаларнинг эгаси томонидан бериладиган тилхатлар билан расмийлаштирилади. Тақдим қилинган нарсалар иш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлса, уларнинг белгилари, хоссалари, техникавий тавсифи, башарти улар юритилаётган тергов давомида ишлатилган бўлса, шу тергов ҳаракати баённомасида ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади (ЖПК 202-м.).

Келиб чиқишини, кимга тегишлилигини, маълум мақсадларда фойдаланилганлигини ёки фойдаланишга яроқлилигини, қўлдан-қўлга ўтганлиги ёки турган жойи ўзгарганлигини, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ҳодисалар таъсир этганлигини аниқлаш мумкин бўлган физикавий аломатлар ёки белгиларга, шунингдек иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиладиган ҳар қандай бошқа аломатлар ва белгиларга эга бўлган нарса ашёвий далил ҳисобланади (ЖПК 203-м.).

Нарса ва ҳужжатларни жиноят ишига ашёвий ва ёзма далиллар сифатида қўшиб қўйиш бошқа нарса ва ҳужжатларни тақдим этишдаги каби қоидалар асосида амалга оширилади. Аммо улар ашёвий далил деб суриштирувчи, терговчининг қарори ёки суднинг ажримида эътироф этилиши лозим. Ушбу ҳужжатда ашёвий далилни ишда қолдириш ёки уни сақлаш учун топшириш масаласи ҳам ҳал қилиниши керак (ЖПК 207-м.).

Ишга ашёвий далил сифатида қўшиб қўйилган пул, қимматли қоғозлар, валюта бойликлари, заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллардан, қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар, бундай буюмларнинг резгилари топилганда мутахассис иштирокида кўздан кечирилганидан сўнг белгиланган тартибда сақлаш учун топширилади.

Агар фуқаровий даъвони таъминлаш мақсадида ёхуд гаров

тариқасида пул олиб қўйилган ёки қабул қилинган бўлса, уч суткадан кечиктирмай суриштирув, дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисобига топширилиши шарт (ЖПК 209-м.).

Жиноят ишини юритиш тамом бўлгунига қадар ашёвий далиллар тўғрисида қабул қилинадиган қарорлар баъзи хусусиятларга эга.

Ашёвий далиллардан: тез бузиладиган нарсалар, кундалик рўзғорда зарур бўладиган нарсалар; уй ҳайвонлари, паррандалар ва боқиш лозим бўлган бошқа ҳайвонлар зарур тергов ҳаракатлари ўтказилгач, кечиктирмай эгаларига қайтариб берилади. Тез бузиладиган нарсалар ёки уй ҳайвонлари, паррандалар ва бошқа ҳайвонларнинг қонуний эгаси ёхуд мулкдори номаълум бўлган ёки бошқа сабабларга кўра уларни қайтариб бериш мумкин бўлмаган ҳолларда улар қараб туриш ёки белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун тегишли корхона, муассаса, ташкилотга топширилиши лозим (ЖПК 210-м.).

Ҳукмда, шунингдек жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажримда ёки қарорда ашёвий далиллар масаласи қуйидаги қоидаларга риоя этилган ҳолда ҳал қилинади:

1) гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига қарашли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши лозим, улар тегишли муассасага топширилади ёки йўқ қилиб юборилади;

2) муомаладан чиқарилган ашёлар тегишли муассасаларга берилиши лозим ёки йўқ қилиб юборилади;

3) ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган ашёлар йўқ қилиб юборилади, манфаатдор шахслар ёки муассасалар илтимос қилган ҳолларда эса уларга берилиши мумкин;

4) жиноят ёки бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир қилиниши натижасида қонуний эгаси ва мулкдоридан маҳрум бўлиб қолган пуллар ёки бошқа бойликлар қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқ ворисларига, шунингдек меросхўрларига қайтариб берилиши лозим;

5) агар пул ва бошқа бойликлар жиноий йўл билан орттирилган бўлса, улар суднинг ҳукмига биноан жиноят натижасида етказилган мулкий зарарни қоплашга ўтказилади, мулкий зарар кўрган шахс аниқланмаган тақдирда, давлат фойдасига ўтказилади;

6) ашёвий далил ҳисобланувчи ҳужжатлар уларни сақлаш зарурати тугагунига қадар жиноят ишда асраб турилади ёки манфаатдор шахсларга ёхуд муассасаларга берилади (ЖПК 211-м.).

Экспертиза ўтказиш ёки бошқа қонуний ҳаракатлар натижасида шикастланган ёки йўқолган ашёнинг қиймати суд чиқимларига қўшилади ёки зарар келтириш натижасида келиб

чиқадиган мажбуриятларга доир фуқаровий қонун ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ тўлаттирилиши лозим (ЖПК 212-м.).

Тахминий тестлар

1. Тергов ҳаракатлари деб нимага айтилади?

- A. Далилларни тўплаш ва текшириш бўйича процессуал ҳаракатлар
- B. Жиноятни очишга қаратилган оператив қидирув фаолияти
- C. Жиноят ишини процессуал расмийлаштиришга қаратилган ҳаракатлар
- D. Айбланувчини қидириш ҳаракатлари
- E. Жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш борасидаги ҳаракатлар

2. Қайси органлар ва мансабдор шахслар тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳуқуқига эга?

- A. Вакиллик органлари кўринишидаги ҳокимият ходимлари
- B. Суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суд
- C. Жиноят процессининг ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилаётган иштирокчилари
- D. Айбланувчи ва судланувчи
- E. Ҳимоячи ва қонуний вакил

3. Мазкур ҳаракатларнинг қайсилари тергов ҳаракатлари эмас?

- A. Воқеа жойини кўздан кечириш
- B. Гувоҳлантириш
- C. Сўроқ қилиш
- D. Гувоҳлар ва шоҳидларни сўров қилиш
- E. Хизмат қидирув итларидан фойдаланиш

4. Санаб ўтилган қоидалардан қайси бири сўроқ қилишнинг умумий қоидаларига кирмайди?

- A. Сўроқ қилиш жойини аниқлаш, сўроқ қилишга чақирув қоғози орқали чақиртириш, сўроқ қилинувчининг шахсини аниқлаш

- B. Сўроқ қилинаётган шахс қайси тилда кўрсатув бериши мумкинлигини аниқлаш
- C. Ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириш
- D. Ишора қилувчи саволлар бериш йўл қўйилмаслиги
- E. Қайси динга эътиқод қилишини аниқлаш

5. Шахсни гумон қилинувчи сифатида ушлаб туришнинг ҳуқуқий табиати қандай?

- A. Тергов ҳаракати
- B. Процессуал мажбурлов чораси
- C. Қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилиш
- D. Эҳтиёт чораси
- E. Жиноят ишини кўзғатиш ҳаракати

Текшириш учун саволлар

1. Тергов ҳаракати нима, унинг вазифаси, турлари ҳамда суриштирувчи, терговчининг бошқа процессуал ҳаракатларидан фарқи нимада?
2. Сўроқ қилишнинг умумий қоидалари қандай?
3. Вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш қандай хусусиятларга эга?
4. Ким гувоҳ ва жабрланувчи сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас?
5. Юзлаштиришни ўтказишнинг процессуал асослари ва тартиби қандай?
6. Таниб олиш учун кўрсатишнинг қандай турлари ва асослари мавжуд?
7. Гувоҳлантиришда шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қандай кафолатланади?
8. Олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш асослари ва шартлари қандай?
9. Қандай ҳолларда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт?
10. Прокурор санкцияси зарур бўлган тергов ҳаракатларига нималар киреди?

VII боб. Процессуал мажбурлов

7.1. Процессуал мажбурлов чоралари ва уларнинг аҳамияти

Жиноят ишини юритиш суриштирув органи, терговчи, прокурор ва суд қабул қиладиган турли хил процессуал қарорлар ва уларга мувофиқ равишда амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлардан ташкил топади. Ушбу қарор ва ҳаракатлар у ёки бу тарзда жиноят процессининг у ёки бу иштирокчисининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлади. Ушбу қарорларга хос жиҳат шундан иборатки, улар баъзан жиддий хусусиятга эга бўлган муайян чекловлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, аммо баъзан процесснинг у ёки бу иштирокчисига ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишига чекловлар билан боғлиқ жиддий таъсир чоралари ҳам қўлланилади.

Бундай чекловларнинг императив хусусияти жиноятларни очиш, муайян шахснинг содир этилган жиноятга алоқадорлик далилларини аниқлаш ва тегишли равишда уни жиноий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ жиноят-процессуал вазифалардан келиб чиқади. Жиноят-процессуал фаолият, аввало, давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланадиган фаолият сифатида амалга оширилади ва ушбу мажбурлов тегишли процессуал мажбурлов чораларида ўз ифодасини топадики, улар жиноят процесси у ёки бу иштирокчисининг ноқонуний ва ғайриҳуқуқий манфаатларига контрадиктор (қарши) муносабатда бўлади. Айнан шу боис жиноят-процессуал фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига жиноят процесси вазифаларини муваффақиятли ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида турли мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ кенг процессуал ваколатлар берилган.

Мажбурлов чоралари ўзининг мазмуни ва оқибатлари бўйича фарқланадиган тегишли ҳокимият ҳаракатларида амалга оширилиши мумкин. Суд мажлисида тартибни бузган, раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунмаган ёки судни беҳурмат қилган тақдирда тартиббузарга нисбатан ЖПКнинг 272-моддасига мувофиқ чоралар қўлланилади.

Суд мажлиси залидан чиқариб юборилган шахс (судланувчи, айбловчи ва ҳимоячи бундан мустасно) раислик қилувчи томонидан унинг жойнинг ўзида чиқарган ажримга асосан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ажрим суд мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Жиноят ишени юритишда Жиноят кодексининг 230–241-моддаларида назарда тутилган одил судловга қарши жиноятларни содир этган суриштирувчи ёки терговчи ЖПКнинг умумий қоидалари бўйича жавобгарликка тортиладилар. Бу одил судловга қарши жиноятларни содир этган процесс иштирокчиларига нисбатан жиноят иши қўзғатилишини ва улар жиноий жавобгарликка тортилишини билдиради.

Процессуал мажбурлов чоралари жиноят процесси иштирокчиси тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган бўлса, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчининг келгуси жиноий фаолиятининг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлаш учун зарур бўлган тақдирда қўлланилишини таъкидлаш зарур (ЖПК 213-м.).

Жиноят процессида процессуал мажбурлов чораларига қуйидагилар кирилади:

- ушлаб туриш;
- эҳтиёт чоралари;
- лавозимдан четлантириш;
- мажбурий келтириш;
- шахсни тиббий муассасага жойлаштириш.

Мазкур процессуал мажбурлов чораларини кўриб чиқамиз.

7.2. Гумон қилинувчини ушлаб туриш ва сўроқ қилиш

Гумон қилинувчини *ушлаб туриш* процессуал мажбурлов чораси сифатида муайян даражада далилларни олиш усули деб қаралиши мумкин.

Гумон қилинувчини ушлаб туришни кўриб чиқиш давомида унинг баённомада қайд этилган асослари фактик ҳолатлар эканлигини инобатга олиш зарур. Улар муҳим далилий аҳамиятга эга бўлади. Бироқ ушлаб туришнинг мақсади фақат далилларни олишдан иборат эмас: бунда одил судловнинг муҳимроқ манфаати – гумон қилинувчини суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниш, жиноий фаолиятини давом эттириш ва бошқа имкониятларидан маҳрум қилиш биринчи ўринга чиқади.

Жиноятлар содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаб туриш тартиби ЖПКнинг 27-бобида белгиланган.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга соли-

Надиган гумон қилинувчини ушлаб туриш чорасини маъмурий ушлаб туриш ва қамоққа олиш эҳтиёт чораларидан фарқлаш зарур. Жиноят-процессуал маънодаги ушлаб туришда шахс жиноят содир этганликда гумон қилинади. Шахсни маъмурий ушлаб туриш эса жиноят содир этиш билан боғлиқ эмас, балки шахсни аниқлаш, тартиббузарликни бартараф этиш зарурати билан боғлиқ бўлиб, ушбу ҳаракатдан сўнг шахсга нисбатан процессуал ушлаб туриш эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин.

Эҳтиёт чораларини қўллашдан гумон қилинувчини ушлаб туриш бир неча белгилари билан фарқ қилади: биринчидан, ушлаб туриш кўпинча эҳтиёт чоралари қўлланилишидан аввал келади ва ҳеч қачон унинг ўрнини босмайди. Иккинчидан, процессуал мажбурлов сифатида у фақат суриштирув ва дастлабки тергов чоғида қўлланилиши мумкин. Эҳтиёт чораси эса дастлабки терговни ўтказиш чоғида, шунингдек жиноят процессининг кейинги ҳар қандай суд босқичида то ҳукм қонуний кучга киргунича қўлланилади. Бундан ташқари, эҳтиёт чорасини прокурор ва суд танлаши мумкин. Учинчидан, ушлаб туриш фақат гумон қилинувчига нисбатан, эҳтиёт чораси эса айбланувчига нисбатан, камдан-кам ҳоллардагина гумон қилинувчига нисбатан қўлланилади. Тўртинчидан, айбланувчига нисбатан қамоқда сақлаш эҳтиёт чорасини қўллаш муддати белгиланган тартибда узайтирилиши мумкин. У ушлаб турилганида эса қамоқда сақлаш муддатини узайтириб бўлмайди.

Шундай қилиб, *ушлаб туриш* деганда, гумон қилинувчини қисқа муддатга озодликдан маҳрум этиб, вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштиришдан иборат процессуал мажбурлов чораси тушунилади.

Ушлаб туриш асослари ва мотивлари. Ушлаб туриш учун асос бўлиб муайян шахснинг жиноят содир этишда иштирок этганлигини тасдиқловчи фактик маълумотлар хизмат қилади. Қонун чиқарувчи орган бундай асосларнинг тўрт гуруҳини фарқлайди. Улардан ақалли биттасининг мавжудлиги суриштирув органига шахсни гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туриш ҳуқуқини беради (ЖПК 221-м.). Ушбу асосларни кўриб чиқамиз.

1. Шахснинг жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушиши. Бу шахснинг айбдорлигидан далолат берувчи жиддий далилдир.

2. Жиноят шоҳидларининг, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўр-

сатишлари. Ушбу ҳолда гумон қилинувчини ушлаш асоси шоҳидлар хабар берган маълумотлар ёрдамида аниқланади. Бундай маълумотлар қатъий ҳамда асосли бўлиши керак. Агар шоҳид жиноят содир этган шахсни аниқ билмаса, унинг айбдорлигига шубҳаланса, у ҳолда унинг кўрсатувлари ушлаб туриш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди. Қонунга мувофиқ, жиноят шоҳиди бўлмаган шахсларнинг кўрсатувлари шахсни гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туриш учун асос бўла олмайди.

3. Гумон қилинувчининг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилиши. Ушбу ҳолда уйи деганда, гумон қилинувчи жиноят содир этишдан аввал ёки кейин амалда яшаб турган жой тушунилиши керак. Келиб чиқиши бўйича уларнинг жиноятга алоқадорлиги шубҳа уйғотмайдиган изларни яққол излар деб ҳисоблаш керак.

4. Бошқа маълумотлар. Қонунда уларни олдиндан назарда тутиш мумкин эмас, чунки улар турли хил ҳолатлар бўлиши мумкин. Қонунда ушбу маълумотлар бўйича асоссиз равишда ушлаб туришга йўл қўймаслик учун, ушлаб туриш шартлари ҳам назарда тутилган: шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, унинг қочмоқчи бўлаётганлиги ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлиши. Шундай қилиб, ушлаб туришнинг мазкур асоси мавжуд бўлиши учун: а) шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиш ҳуқуқини берувчи ҳолатлардан лоақал биттасининг мавжуд бўлиши; б) гумон қилинувчи қочмоқчи бўлаётганлиги ёхуд доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган эканлиги ҳақида маълумотларнинг мавжудлиги зарур.

Ушлаб туриш учун мазкур асослардан фақат биттасининг мавжудлиги етарли эмас. Қонунда ушлаб туриш асослилигининг қўшимча кафолати, яъни гумон қилинаётган шахсни қисқа муддатли ҳибсга олиш учун қонуний асос мавжуд бўлганда, ундовчи сабаб бўлмиш унинг мотиви назарда тутилган. Гумон қилинувчи озодликда қолса, терговдан яшириниши, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал бериши ёки жиноий фаолиятини давом эттириши мумкинлиги борасида реал хавф мавжудлиги ушлаб туриш мотиви бўлиб хизмат қилади.

Ушлаб туришнинг процессуал тартиби. ЖПКнинг 222, 227-моддаларига мувофиқ, гумон қилинувчини ушлаш ҳуқуқига суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд, шунингдек ҳар қандай муомала лаёқатига эга бўлган шахс эга.

Қонунда ушлаб туриш ва ушлаб турилган шахсни тинтув қилиш чоғида холисларнинг иштирок этиши назарда тутилган. Бу шахсни вақтинча сақлаш ҳибсхонасига киритишнинг зарурий шартидир.

Ушлаб туриш вақти ушланган шахс милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайдан бошлаб ҳисобланади (ЖПК 226-м.).

Қидирилаётган айбланувчи ушланганда, агар унга нисбатан қамокда сақлаш тартиқсида эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор бўлмаса, шахс ушлаб турилган туман (шаҳар) прокурори ушлаб турилганни тергов ўтказиладиган жойга олиб бориб топшириш учун зарур бўлган, лекин ўн суткадан ортиқ бўлмаган муддатга ушлаб туриш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли (ЖПК 227-м.).

Ушланган пайдан бошлаб шахс гумон қилинувчи процессуал мақомига эга бўлади. Жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланган шахс тинтув қилинади. Тинтув ЖПК моддаларининг талабларига мувофиқ амалга оширилади. Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсни ушлаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳол ҳақида баённома тузилади (ЖПК 225-м.).

Гумон қилинувчини ушлаб туриш баённомасида ушлаб туришни амалга ошираётган шахс (унинг лавозими, унвони, фамилияси) ҳақидаги маълумотлар, ушлаб турилган шахс (унинг фамилияси, исми-шарифи, туғилган йили ва жойи, иш жойи, шахсини тасдиқловчи ҳужжат) ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади.

Ушлаб туриш билан бир вақтнинг ўзида шахсий тинтув ўтказилганлиги сабабли, бу ҳақда ҳам баённома тузилади. Амалиётда кўпинча ушлаб туриш ва шахсий тинтув ҳақида ягона баённома тузилади. Аммо бу тўғри эмас. Яхшиси бундай процессуал ҳужжатларни алоҳида-алоҳида тузган маъқул. Ушанда улар тўлиқроқ ва холисроқ бўлади.

Ушлаб туриш нафақат процессуал мажбурлов чораси, балки озодликдан маҳрум қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳолатларни аниқлаш воситаси ҳамдир. Шу боис баённомада ушлаб туриш асосларини (масалан, шохидлар ва жабрланувчиларнинг ушбу шахсни жиноят содир этган шахс деб кўрсатишлари, жиноятчини жиноят содир этилган жойда ёки уни содир этгандан сўнг дарҳол, қўлида жиноят қуроли билан ўғирланган нарсани ташиш вақтида ушланганлиги ҳақидаги маълумотлар ва ҳ.к.) кўрсатиш зарур. Ушбу асослар шахсни жиноят содир этганликда фош этувчи муҳим далиллардир.

Баённомада ушлаб туриш мотиви, яъни ушлаш ҳақида қарорга

олиб келган ундовчи жиҳат, масалан, гумон қилинувчи тергов ва суддан яшириниши мумкинлиги ҳақидаги хавф, ушлаб туриш соати, куни, оyi, йили, жойи, ушланган шахснинг тушунтиришлари ва баённома тузилган вақт кўрсатилиши шарт.

Ушлаб туриш баённомасини уни тузган шахс, ушланган шахс ва холислар имзолайдилар. Суриштирувчи тузган ушлаб туриш баённомасини суриштирув органининг бошлиғи тасдиқлайди.

Жиноят иши қўзғатилгунига қадар ушлаб туриш тартиби баъзи хусусиятларга эга. Чунончи, милиция ходими, бошқа ваколатли шахс ёки фуқаро бевосита ўзи ёки шоҳидларнинг сўзлари бўйича ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган ушлаб туриш асосларидан ақалли биттасининг мавжудлигини аниқлагач, гумон қилинувчига у жиноят содир этгани учун ушланганлигини айтиши ва ундан яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга у билан бирга боришни талаб қилиши шарт. Бунда ушлаган шахс ўзининг кимлигини айтиши ва ушланаётган шахснинг талаби бўйича ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши шарт.

Ушлаётган ваколатли шахс, ушланаётган шахснинг ёнида қуроли мавжудлигига ёки ўзининг жиноят содир этганлигини фош этувчи далиллардан қутулишга ҳаракат қилаётганлигига етарли асослар мавжуд бўлганда, шахсий тинтув ёки олиб қўйиш чорасини кўришга ҳақли бўлади. Шахсий тинтув ёки олиб қўйиш баённомаси ушланган шахс милиция муассасаси ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келинганидан сўнг холислар иштирокида тузилиши мумкин.

Ваколатли шахслар ва фуқаролар ноқонуний ёки асоссиз равишда ушлаганлари учун ёхуд ушлаш чоғида ўз ваколатларидан ташқари чиққанлари учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилишлари керак (ЖПК 224-м.).

Агар ушлаш жиноят иши қўзғатилгунча амалга оширилдиган бўлса, бунинг учун қарор чиқариш зарур. Ушлаб туриш, гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими ушланган шахсни ЖПКнинг 224-моддаси қоидаларига риоя этган ҳолда энг яқин милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга дарҳол олиб бориши шарт. Шахс ушлангани тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарган ваколатли шахс ёки суд дарҳол хабардор қилиниши лозим.

Кидирилаётган айбланувчи ушланганда, агар унга нисбатан қамоқда сақлаш тариқасида эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор бўлмаса, шахс ушлаб турилган туман (шаҳар) прокурори ушлаб турилганни тергов ўтказиладиган жойга олиб бориб топшириш учун зарур бўлган, лекин ўн суткадан ортиқ бўлмаган муддатга ушлаб туриш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли. Прокурор қарор чиқариш олдидан ушлаб турилган шахсни сўроқ қилиши шарт.

Гумон қилинувчи ҳақиқий ушланган пайтдан бошлаб ўтган вақт айбланувчини қамоқда сақлаш ҳамда Жиноят кодексининг 62-моддасида белгиланганига мутаносиб равишда суд томонидан тайинланган жазо муддатига киритилади (ЖПК 227-м.).

Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларнинг прокурор, терговчи ёки суриштирувчига йўллаган шикоят ва аризалари уларга топширилади.

Бошқа шахс ва органларга йўлланган шикоят ва аризалар ҳам терговчи ёки суриштирувчига топширилади, улар томонидан кўриб чиқилгач, тегишли жойга жўнатилади. Терговчи ёки суриштирувчининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоят ва аризалар тергов органининг бошлиғига ёхуд прокурорга юборилади. Хабар қилиниши жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган маълумотларни ўз ичига олган шикоят ва аризалар тайинланган жойга жўнатилмади ва бу ҳақда шикоят ёки ариза топширган шахс, шунингдек прокурор хабардор қилинади (ЖПК 231-м.).

Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахслар, башарти:

- 1) жиноят содир этганлиги ҳақидаги гумон тасдиқланмаса;
- 2) ушлаб турилган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш зарурати бўлмаса;
- 3) белгиланган ушлаб туриш муддати тугаган бўлса, озод қилинадилар.

Ушлаб турилган шахсни озод қилиш суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига биноан ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг бошлиғи томонидан амалга оширилади. Озод қилиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ушлаб турилганлар сақланадиган жойга келиб тушиши билан дарҳол ижро этилади.

Ушлаб турилган шахсни бундан буён ушлаб туриш учун асослар йўқлиги аниқланиши биланоқ суриштирувчи ва терговчи уни дарҳол озод қилишлари шарт.

Прокурорнинг, терговчининг ёки суриштирувчининг ушлаб

турилган шахсни озод қилиш ҳақидаги ёхуд унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги қарори қонунда белгиланган ушлаб туриш муддати ичида ушлаб турилганлар сақланадиган жойга келиб тушмаса, ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг бошлиғи бу шахсни озод қилади ва унинг озод қилинганлиги тўғрисида прокурорга, терговчига ёки суриштирувчига билдириш хати юборади.

Зарур ҳолларда ушлаб турилганлар сақланадиган жойнинг маъмурияти озод қилинган шахсларнинг яшаш жойига бепул жўнаб кетишини таъминлайди; уларнинг илтимосига кўра, ушлаб турилганлар сақланадиган жойда бўлган вақти ҳақида маълумотнома беради (ЖПК 234-м.).

7.3. Эҳтиёт чораларининг умумий тавсифи

Қонун суриштирув, дастлабки терговни ўтказувчи органлар, шунингдек суд ихтиёрига айбланувчиларнинг шахсий эркинлигини чеклайдиган, уларнинг янги жиноятлар содир этишга, жиноят изларини яширишга қаратилган ҳаракатларига чек қўядиган процессуал мажбурлов чораларини берган. Ушбу чоралар эҳтиёт чоралари деб аталади. ЖПКда уларга муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш, шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги, гаров, қамоққа олиш, вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви каби чоралар киритилган.

Тинтув, гувоҳлантириш каби эҳтиёт чоралари ҳам мажбурлов чоралари ҳисобланади. Аммо ушбу чоралар ўртасида муайян фарқ мавжуд бўлиб, улар: 1) мажбурлов хусусияти бўйича; 2) мақсадга мувофиқлиги бўйича; 3) ушбу чоралар қўлланиладиган шахслар бўйича фарқланади.

Эҳтиёт чораларини қўллашда мажбурлов айбланувчининг шахсий эркинлигини (ҳаракатланиш эркинлигини ва ш.к.) чеклаш ёки камайтиришда намоён бўлади. Улар айбланувчининг суриштирув органлари, тергов ва суддан яширинишига, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал беришига, жазони ўташдан бўйин товлашига, жинойий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш мақсадида қўлланилади. Бошқа мажбурлов чоралари, масалан, тинтув, бошқа мақсадларга хизмат қилади. У иш бўйича далилий аҳамиятга эга бўлган нарса ва ҳужжатларни аниқлаш мақсадида қўлланилади.

ЖПКнинг 234-моддасига мувофиқ, эҳтиёт чораси фақат айб-

данувчилар, судланувчилар, маҳкумларга ва муомала лаёқатига эга эмас деб топилган ёки жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Бошқа мажбурлов чоралари – тинтув, ашёларни олиб қўйиш, мажбуран ушлаб келиш – нафақат айбланувчи ёки гумон қилинувчига, балки бошқа шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Айни пайтда, ЖПКнинг 226-моддасида кўрсатилганидек, алоҳида ҳолларда гумон қилинувчига нисбатан прокурорнинг рухсати билан қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда гумон қилинувчига у ушланган кундан бошлаб ўн кун ичида айб эълон қилиниши лозим. Акс ҳолда эҳтиёт чораси бекор қилиниб, шахс қамоқдан озод қилинади. Жиноят иши кўзгатилганидан кейин ва ушлаб туришнинг бутун муддати мобайнида ишни юритиш тааллуқли бўлган суриштирувчи ва терговчи жиноятни содир этиш ҳолатларини аниқлаш, ушлаб туришнинг асосли эканини текшириш учун ўз ваколатлари доирасида тергов ҳаракатлари ўтказишлари мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, *эҳтиёт чораларига* қуйидагича таъриф бериш мумкин: жиноят процессида суриштирув органи, терговчи, прокурор ёки суд айбланувчи, судланувчи, маҳкумга нисбатан, унинг тергов ва суддан бўйин товланининг олдини олиш ёки иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилишига, жазони ўташдан бўйин товланишига, жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш мақсадида, шунингдек жазонинг ўталишини таъминлаш учун қўллайдиган процессуал мажбурлов чоралари эҳтиёт чоралари деб аталади.

Эҳтиёт чораларининг аҳамияти уларнинг жиноят процессини амалга оширишда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиноятчилар тажовузидан ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутиши билан белгиланади. Айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораларини қонуний ва асосли равишда қўллаш тергов учун қулай шароит яратди, унинг тез ва самарали бўлишига ёрдам беради.

Эҳтиёт чоралари айбланувчининг янги жиноятлари содир этишининг олдини олишда ҳам катта аҳамият касб этади. Давлат айбланувчига нисбатан тергов жараёнини, мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқини берар экан, айни пайтда фуқароларнинг ҳуқуқларини асоссиз тарзда чеклашга, хусусан, уларга нисбатан асоссиз равишда эҳтиёт чораларини танлашга йўл қўймаслик ҳақида ғамхўрлик қилади.

Эҳтиёт чораларини қўлаш доимо фуқаронинг шахсий эркинлигини чеклаш билан боғлиқ. Шу боис қонун талабларига ва айниқса процессуал қафолатларга аниқ риоя этишнинг алоҳида аҳамиятини таъкидлаш зарур.

7.4. Эҳтиёт чораларини қўлаш асослари ва процессуал тартиби

Эҳтиёт чоралари айбланувчи, судланувчининг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш; унинг бундан буёнги жиноий фаолиятига чек қўйиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади (ЖПК 236-м.)

ЖК (15-м.)да рўйхати берилган энг оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси жиноятнинг хавфлилиги (қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга шикаст етказиш, порахўрлик, босқинчилик, талончилик ва ҳ.к.) мотивлари асосидаёқ қўлланиши мумкин.

Айбланувчи, судланувчи содир этган, Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган жиноятнинг хавфлилиги туфайли у суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан яшириниши мумкин деган ўринли тахмин ҳам қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асос бўлиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилишини кутаётган, шунингдек ақли норасо деб эътироф этилган ёки жиноят содир қилганидан сўнг руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан эҳтиёт чоралари улар яширинишининг ва бошқа ижтимоий хавфли қилмишлар содир қилишининг олдини олиш, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўлаш ҳақидаги суд ажрими ижросини таъминлаш мақсадида қўлланилиши мумкин (ЖПК 236-м.).

Эҳтиёт чораларидан қайси бирини қўлаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ЖПК-нинг 236-моддасида назарда тутилган асослардан ташқари, қўйилган айбнинг оғирлигини, айбланувчининг шахсини, машғулот турини, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳам ҳисобга олади (ЖПК 238-м.). Эҳтиёт чораси суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ва суднинг ажрими билан қўлланилиши, бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкин (ЖПК 240-м.).

Эҳтиёт чорасини қўлаш, бекор қилиш, ўзгартириш тўғриси-

даги қарорда ёки ажримда: шахснинг қандай жиноятни содир этишда айбланаётганлиги; эҳтиёт чораси қандай қонуний асосларга таяниб қўлланганлиги ёхуд тегишли далиллар келтириш йўли билан бу асослар йўқлиги ёки ўзгаргани; эҳтиёт чорасини танлашга таъсир қилувчи, қонун билан белгиланган ҳолатларни ҳисобга олиб, эҳтиёт чораларини қўллаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш заруратини изоҳловчи сабаблар кўрсатилган бўлиши лозим. Қарор ёки ажрим кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахсга дарҳол эълон қилинади, шахснинг оғир касаллиги ёки унинг қочиб кетганлиги туфайли эълон қилиниши мумкин бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Дастлабки терговда танланган эҳтиёт чораси устидан терговни назорат қилувчи, эҳтиёт чорасини бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли бўлган прокурорга шикоят берилиши мумкин. Прокурор шикоятни олганидан сўнг уч сутка ичида уни қараб чиқиши ҳамда шикоят берган шахсни ўз қароридан воқиф этиши шарт (ЖПК 241-м.).

Эҳтиёт чораси, ҳар қандай мажбурлов чораси каби, фуқаронинг эркинлигини чеклайди. Шу боис уни қўллаш бир қатор процессуал кафолатлар билан боғлиқ. Улар қуйидагилардан иборат:

1) эҳтиёт чорасининг қўлланилиши ҳақида суриштирув органи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқариши шарт;

2) қарор ёки ажрим асослантрилиши ҳамда у кимга нисбатан чиқарилган бўлса, ўша шахсга эълон қилиниши керак.

Жиноий жавобгарликка бир эмас, балки бир неча шахс тортилаётган ишлар бўйича ҳар бир шахсга эҳтиёт чораси танлаш ҳақида алоҳида қарор чиқарилади.

Қарорнинг ўзи кириш, тавсифлаш ва хулоса қисмларидан иборат. Кириш қисмида — қарор чиқарилган вақт ва жой, уни чиқарган шахснинг лавозими, унвони ва фамилияси; тавсифлаш қисмида — айбловнинг моҳияти ҳамда у ёки бу эҳтиёт чорасини танлаш асослари баён этилади. Шунингдек эҳтиёт чорасини танлашга таъсир кўрсатувчи ҳолатлар — жиноятнинг оғирлиги, айбланувчи ёки гумон қилинувчининг нима иш билан шуғулланиши, ёши, оилавий аҳволи кабилар — ҳам кўрсатилиши керак. Хулоса қисмида айбланувчининг фамилияси, исм-шарифи, туғилган йили ҳамда унга нисбатан танланган эҳтиёт чорасининг номи кўрсатилади.

Қарорни уни чиқарган шахс имзолайди. Суриштирув органларида қарорларни суриштирув органининг бошлиғи

имзолайди, қамоққа олиш эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги қарорга прокурор санкция беради. Эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги қарор ушбу қарор чиқарилган шахсга эълон қилинади, бу тўғрида қарорда белгилаб қўйилади.

Айбланувчига нисбатан у ёки бу эҳтиёт чорасини белгилаш ҳақидаги масалани суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ўзининг ички эътиқоди бўйича, ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиқиб ҳал қилади. Бироқ жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги ёхуд шахсий кафиллик каби эҳтиёт чораларини қўллаш учун мазкур органларнинг бир томонлама қарорининг ўзи етарли эмас. Ушбу ҳолларда жамоа, жамоат бирлашмаси ёки алоҳида шахслар ўзларининг кафиллик бериш истagini билдиришлари талаб этилади.

Алоҳида эҳтиёт чораларини танлашда бу ҳақда қарор чиқаришнинг ўзи етарли бўлмайди. Агар муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат олиш эҳтиёт чораси танланадиган бўлса, ушбу эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги қарор асосида айбланувчи ёки судланувчидан ёзма мажбурият олинади. Шахсий кафиллик эҳтиёт чораси танланганида, улар ўз зиммаларига олган мажбурият ҳақида тилхат олинади. Жамоат бирлашмаси (жамоа)нинг кафиллиги ҳам ёзма шаклда, яъни жамоат бирлашмаси ёки жамоа умумий мажлисининг қарори шаклида тақдим этилади.

7.5. Эҳтиёт чораларининг турлари ва уларнинг тавсифи

Эҳтиёт чораларига қуйидагилар киради: муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш; шахсий кафиллик; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги; гаров; қамоққа олиш; вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви.

Муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат айбланувчи, судланувчининг суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёки судга терговдан ва суддан яширинмаслиги, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги, жиноий фаолият билан шуғullanмаслиги, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақируви бўйича етиб келиш ҳақида берган ёзма мажбуриятидир. Тилхат бераётган шахс суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг рухсатисиз ушбу аҳоли пунктдан чиқиб кетмаслик ва мазкур аҳоли пункти доирасида турар жойини ўзгартирганда бу ҳақда хабар бериш мажбуриятини олади.

Айбланувчи, судланувчи берган мажбуриятини бузган тақдирда унга нисбатан қаттиқроқ эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Бу ҳақда у тилхат олинаётганида огоҳлантирилади.

Тилхат бериш шаклидаги эҳтиёт чорасининг моҳиятини яшаб турган аҳоли пунктидан чиқиб кетмаслик ҳақидаги тилхат ташкил қилган илгари амалда бўлган 1959 йилги ЖПКнинг 75-моддасидан фарқли равишда амалдаги ЖПКнинг 250-моддасида айбланувчи ёки судланувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга берадиган ёзма мажбуриятда мавжуд бўлган чекловлар анча кенг талқин этилади.

Шахсий кафиллик эҳтиёт чорасининг моҳияти шундаки, ишонч туғдирадиган шахслардан улар гумон қилинувчи ёки айбланувчининг муносиб хулқ атворда бўлиши, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ҳақида ёзма мажбурият олинади.

ЖПКда шахсий кафиллик нафақат айбланувчининг органларга келишини таъминлаш воситаси, балки айбланувчи ёки гумон қилинувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлаш воситаси сифатида ҳам қаралади. Муносиб хулқ-атворда бўлиш деганда, айбланувчининг бошқа жиноят, шунингдек ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилувчи ҳаракатлар содир этмаслиги тушунилади.

Шахсий кафиллик эҳтиёт чораси танланганда кафиллар сони қанча бўлишини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд белгилайди. Камдан-кам ҳолларда алоҳида ишончга эга бўлган битта шахс ҳам кафил бўлиши мумкин.

Ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги масала кўпинча айбланувчини кафилликка олишни истовчи фуқаролардан аризалар тушиши муносабати билан юзага келади. Қандай эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги қарор, шунингдек айбланувчини ишониб топшириш мумкин бўлган кафилларни танлаш учун масъулият суриштирув ўтказаетган шахс, терговчи, прокурор ва суднинг зиммасига тушади.

Шахсий кафиллик ҳақида тилхат олинаётганида, кафил эҳтиёт чораси танланган ишнинг мазмунидан хабардор қилиниши ҳамда гумон қилинувчи ёки айбланувчи эҳтиёт чорасини танлаш билан олдини олиш мўлжалланаётган ҳаракатни содир этган, яъни тергов ва суддан яширинган, янги жиноят содир этган ёки иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилган тақдирда жавобгар бўлиши ҳақида огоҳлантирилиши керак. Ушбу ҳолларда кафиллар қонунда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Кафиллар айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атворини кузатиш имкони бўлмаганлигини баҳона қилишга ҳақли эмаслар. Кафиллар уларни жавобгарликка тортиш учун сабаб бўладиган асослар келиб чиққунига қадар зиммаларига олган мажбуриятларидан воз кечишлари мумкин.

Жамоат бирлашмаси ёки жамоа ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахсни кафилликка олиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли бўлиб, ўз қарорини айбланувчининг, судланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканлиги тўғрисидаги ёзма мажбурият тарзида баён қилади. Бу мажбурият суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга тақдим қилинади, улар жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг қарорига рози бўлсалар, шундай эҳтиёт чорасини танлаб, бу ҳақда қарор ёки ажрим чиқарадилар. Айни вақтда жамоат бирлашмаси ёки жамоа вакилига ушбу эҳтиёт чораси қўлланилишига сабаб бўлган айбловнинг моҳияти, айбланувчига, судланувчига эса, башарти хулқ-атвори номуносиб бўлса, эҳтиёт чораси оғирроғи билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилгани тўғрисида баённома тузилади.

Айбланувчи, судланувчи бошқа ишга ўтган ёхуд истиқомат жойини ўзгартирган тақдирда жамоат бирлашмаси ёки жамоа бу ҳақда эҳтиёт чорасини танлаган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга дарҳол хабар бериши шарт. Бундай ҳолларда жамоа кафиллиги бекор қилинади ва бошқа эҳтиёт чораси билан алмаштирилиши мумкин. Айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атвори номуносиб бўлган тақдирда жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафилликдан воз кечишга ҳақлидир.

Жамоат бирлашмасининг кафиллиги жамоатчиликнинг жиноят процессида иштирок этиши шаклларида биридир. Лекин эҳтиёт чораси сифатидаги жамоат бирлашмасининг кафиллигини унча хавfli бўлмаган жиноятни содир этган шахсни жамоат бирлашмаси ёки меҳнаткашлар жамоаси оталиғига беришдан фарқлаш лозим. Оталиққа берилганда айбдор жинойий жавобгарликдан озод қилинади ва жиноят иши тугатилади. Жамоат кафиллигига олиш эҳтиёт чораси тергов юритилаётганида ёки иш судда кўрилаётганида танланади.

Ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш учун мажбурият жамоат бирлашмаси ёки меҳнаткашлар жамоаси аъзоларининг умумий мажлисидан келиб чиқиши зарур. Ушбу мажбурият

мажлисининг ёзма қарори кўринишида бўлиши ва унда жамоа айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлиши ва чақирилганда ҳозир бўлишига кафолат бериши талаб этилади.

Муассаса ва корхона маъмуриятидан ёки жамоат бирлашмаларининг ижро органларидан келиб чиқадиган кафиллик жамоат кафиллигини қўллаш учун старли эмас. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, жамоа кафиллиги эҳтиёт чораси сифатида ҳали жуда кам қўлланилмоқда. Чунки тергов органлари амалиётида жамоатчиликни жиноятчиликка қарши курашга жалб этишнинг ушбу шакли старли баҳоланмаяпти. Баъзан жамоатчилик билан алоқанинг суствлиги ҳам бунга сабаб бўлмоқда.

Жамоат бирлашмасининг кафиллиги эҳтиёт чораси айбланувчи ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноят содир этган ва келажакда уни тегишли жамоат таъсири чорасини кўриб, жиний жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Ушбу ҳолда айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлиши ва тергов ёки ишни кўриб чиқиш жараёнида ҳозир бўлиши учун мажбурият олган жамоа илгари жиноят иши материаллари билан тўқнашган ҳамда ўз аъзосининг тақдирини белгилашда фаол иштирок этган бўларди. Айбланувчига келганда эса, жамоат ташкилоти унинг пировард тақдири ҳал бўлмасидан аввал кафиллик бериши унга ижобий тарбиявий таъсир кўрсатиши ва иш бўйича тўғри қарор қабул қилинишига ёрдам бериши мумкин.

Ушбу чоранинг кучи жамоанинг ишонч билдиришида бўлиб, бундай ишончни йўқотиш ўзини жамоадан ташқари қўйиш билан баробардир. Ана шу нарса айбланувчининг ўз вақтида ҳозир бўлишини ва муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлайди. Бундай эҳтиёт чорасини танлаш ташаббуси тергов олиб бораётган шахслардан ҳам, жамоат бирлашмаларидан ҳам чиқиши мумкин. Илгари амалда бўлган 1959 йилги ЖПКда бундай эҳтиёт чораси бўлмаган.

Гаров айбланувчи, судланувчи, уларнинг қариндошлари, бошқа фуқаролар ёки юридик шахслар дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисобварағига топширадиган пул маблағи ёки қимматбаҳо буюмлардан иборатдир. Гаров тариқасида кўчмас мулк ҳам қабул қилиниши мумкин.

Гаровни қабул қилиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор баённома тузади, суд эса суд мажлиси баённомасига тегишлича ёзиб кўяди. Баённомада айбланувчига, судланувчига — унинг ЖПКнинг 46-моддасида кўрсатилган мажбуриятлари ту-

шунтирилганлиги ва бу мажбуриятларни бузмасликка у сўз берганлиги, гаровга қўювчига эса — айбланувчи, судланувчи мажбуриятларини бажармаган тақдирда гаровга қўйган нарсаларидан маҳрум бўлиши маълум қилингани кўрсатилиши лозим. Баённомани гаровни қабул қилган мансабдор шахс, гаровга қўювчи ва айбланувчи, судланувчи имзолайдилар.

Гаров суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан оз бўлиши мумкин эмас ва уни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд айбловнинг оғирлигини, айбланувчининг, судланувчининг ва гаровга қўювчининг шахсини, гаровга қўювчининг мулкӣ аҳволини ва унинг айбланувчи билан муносабатларини эътиборга олиб белгилайди.

Гаровни толшириш вақтида, гаровга қўювчи шу эҳтиёт чораси танланган ишнинг моҳияти, айбланувчига, судланувчига тайинланиши мумкин бўлган жазо ва ўзининг жавобгарлиги тўғрисида хабардор қилиниши лозим. У ўзининг олган мажбуриятидан гаровнинг давлат фойдасига ўтиб кетиши учун сабаб бўладиган асослар келиб чиққунига қадар воз кечиши мумкин. Гаровга қўювчи айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атворини кузатишга имкони бўлмаганлигини баҳона қилишга ҳақли эмас, у бартараф этиб бўлмайдиган вазиятнинг таъсирини исботлаб берадиган ҳоллар бундан мустасно.

Эҳтиёт чорасини ўзгартириш уни танлаш шарт-шароитлари бузилганлиги туфайли рўй бермаётган бўлса, шунингдек иш юритиш тугатилган ҳолларда ёхуд суд ҳукми кучга кириши муносабати билан гаров уни қўювчига қайтарилади. Айбланувчи, судланувчи зиммасига олган мажбуриятларини бузган тақдирда гаров суд ажрими билан давлат фойдасига ўтказилади ва айбланувчига, судланувчига нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланилади (ЖПК 249-м.).

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Жиноят кодексида уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.

Алоҳида ҳолларда мазкур эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг

учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ҳам қўлланилиши мумкин.

Бундай талаб қўлланиладиган эҳтиёт чораси шахсга содир этган жинояти учун қўлланилиши мумкин бўлган жазодан қаттиқ бўлмаслиги кераклиги билан изоҳланади. Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини озодликдан маҳрум қилиш билан тенглаштириш мумкин эмас.

Жазо чорасини фақат суд айнан жиноят содир этганликда айбли деб топилган шахсга нисбатан суд муҳокамаси натижасида қўллаши мумкин. Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини эса нафақат суд, балки суриштирув органлари, терговчи ва прокурор ҳам қўллаши мумкин. У айбланувчилар ёки гумон қилинувчиларга нисбатан суриштирув ўтказиш, дастлабки тергов ёки ишни судда кўриб чиқиш жараёнида қўлланилади. Унинг қўлланилиши ишнинг натижасини олдиндан ҳал қилмайди ва жазонинг хусусиятига таъсир кўрсатмайди.

Барча эҳтиёт чораларининг қўлланилишига тааллуқли умумий асослардан ташқари, қамоққа олиш жиноятнинг хавфли-лигидангина иборат мотивлар бўйича ҳам қўлланилиши мумкин. Бу билан бундай жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан мурасизлик ҳолати яратилади.

ЖПК 243-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақатгина ушлаб турилган гумон қилинаётган шахсга ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Фуқароларни қамоққа олиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ва уларнинг ўринбосарлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, уларга тенглаштирилган прокурорлар рухсат бериш ҳуқуқига эга.

Қамоққа олишга рухсат бериш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда прокурор жиноят ишига доир барча материаллар билан пухта танилиши ва зарурат бўлганда гумон қилинувчи ёки айбланувчини шахсан сўроқ қилиши, сўнг куйидаги ҳаракатлардан бирини бажариши шарт:

1) терговчининг эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олиш тўғрисидаги қарорига рухсат бериш;

2) бошқа енгилроқ эҳтиёт чорасини қўллаш ёки эҳтиёт чораси қўллашни рад этиш ва ушлаб турилган шахсни дарҳол озод қилиш.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ноқонуний қўллаш туфайли шахсга етказилган зарар, агар кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган ёки жиноят иши ЖПКнинг 83-моддасида назарда тутилган асослар бўйича тугатилган бўлса, тўлиқ ҳажмда қопланади. Бунда ЖПК еттинчи бўлимида белгиланган қоидалар қўлланилади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатига нисбатан; Қорақалпоғистон Республикаси Жўрорғи Кенгеси депутатига нисбатан; халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатларига нисбатан — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда;

2) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьясига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилиги билан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа судлари судьяларига нисбатан — тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг розилиги билан;

3) прокурор ва прокуратура терговчисига нисбатан — Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори розилиги билан қўлланилиши мумкин.

ЖПКнинг 244-моддасига мувофиқ, эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олинган айбланувчилар тергов ҳибсхонасининг умумий камераларида сақланадилар. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд бир жиноят иши бўйича ёки бир неча ўзаро боғлиқ ишлар бўйича айбланувчиларни алоҳида-алоҳида сақлаш тўғрисида тергов ҳибсхонасининг маъмуриятига кўрсатма беришга ҳақли.

Қамоққа олинганлар Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган бўлсалар, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан турма ёки тергов ҳибсхонасининг бир кишилик камерасида қамоқда сақлаб турилиши мумкин. Бу чора вояга етмаганларга, олтмиш ёшдан ошганларга, шифокор томонидан тасдиқланган оғир касалларга ва руҳий касалликка чалинганларга нисбатан қўлланилмайди. Турмада сақлаш шароитлари тергов ҳибсхонасида сақлаш шароитларидан фарқ қилмаслиги керак.

Қамоқда сақланаётган шахслар ушлаб турилганлар сақланадиган жойда кўпи билан ўн суткагача олиб турилиши мумкин. Қамоққа олинганларни тергов ҳибсхонасига ўз вақтида олиб

боришга имконият бўлмаса, улар ушлаб турилганлар сақланидиган жойларда ўттиз суткагача сақланиши мумкин.

Ҳарбий хизматчилар авахтада кўпи билан йигирма суткагача, олис жойларда эса, эҳтиёт чорасининг буткул муддати давомида ушлаб турилиши мумкин. Ҳарбий хизматчини авахтада ушлаб туриш муддати ҳарбий судлар томонидан ишни судда кўриб чиқиш даврига, лекин ўн беш суткадан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Интизомий қисмга йўллашга ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар ҳукм қонуний кучга киргунига қадар авахтада сақланишлари мумкин.

Башарти маҳкум бошқа иш бўйича гувоҳ, жабрланувчи бўлса, у тарбия колониясидан ёки жазони ижро этиш колониясидан тергов ҳибсхонасига ўтказилиши ёки ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг ҳам тергов ҳибсхонасида қолдирилиши мумкин. Бу ҳолда маҳкум: вилоят прокурори ва унга тенглаштирилган прокурорнинг рухсати билан уч ойгача муддатга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари рухсати билан олти ойгача муддатга тергов ҳибсхонасида сақланиши мумкин.

ЖПКнинг 245-моддасига мувофиқ, жиноятлар тергов қилинаётганида қамоқда сақлаб туриш уч ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Бу муддат терговни тамомлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда ва эҳтиёт чорасини ўзгартириш учун асослар бўлмаган тақдирда беш ойгача узайтирилиши мумкин.

Қамоқда сақлаш муддатини беш ойдан ортиққа, яъни етти ойгача бўлган муддатга узайтиришга фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари томонидан, тўққиз ойгача бўлган муддатга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан йўл қўйилади. Алоҳида ҳолларда, тергов қилинаётган ишнинг ўта мураккаблигини инобатга олиб, оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан қамоқда сақлаш муддати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин. Муддатни яна узайтиришга йўл қўйилмайди.

Тергови тамомланган жиноят ишининг материаллари айбланувчига ва унинг ҳимоячисига танишиб чиқиш учун қамоқда сақлаб туришнинг охириги муддати тугашидан камида бир ой олдин тақдим этилиши лозим. Айбланувчи ва унинг ҳимоячиси ишнинг материаллари билан танишиб чиқиши учун кетган вақт эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақлаб туриш муддатини ҳисоблаб чиқишда эътиборга олинмайди.

Айбланувчини қамоқда сақлаб туриш муддати тугаган жиноят ишини суд қўшимча терговга қайтарган, ишнинг ҳолатларига кўра эса, қамоқда сақлаб туриш тариқасидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаган тақдирда, тергов устидан назоратни амалга ошираётган прокурор қамоқда сақлаб туриш муддатини иш унга келиб тушган пайтдан бошлаб бир ойгача узайтириши мумкин. Кўрсатилган муддатни узайтириш айбланувчи иш судга юборилгунига қадар қамоқда бўлган вақтни ҳисобга олган ҳолда ҳамда ЖПК 245-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида белгиланган тартибда ва доирада амалга оширилади.

Айбланувчини қамоқда сақлаб туришнинг белгиланган муддати тугашидан камида беш кун олдин терговчи бу муддатни узайтириш ҳуқуқига эга бўлган прокурорга ишни ва илтимосномани тақдим этиши шарт, илтимосномада терговнинг чўзилиш сабаблари, аниқланиши лозим бўлган тусмоллар ва ҳолатлар, сўралаётган қўшимча муддат кўрсатилиши лозим.

Айбланувчини қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлган прокурор иш ва терговчининг илтимосномаси билан танишиб чиқиб, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришга рухсат беради ёки эҳтиёт чорасини ўзгартиради ёхуд бекор қилади. Прокурор рухсат беришдан олдин ўзига нисбатан қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш масаласи қўйилаётган шахсни сўроқ қилиши мумкин. Айбланувчини қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома тергов муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан қўшиб берилишига йўл қўйилади.

ЖПКнинг 253 ва 256-моддаларига мувофиқ, вояга етмаган айбланувчиларга нисбатан, умумий эҳтиёт чораларидан ташқари, ота-оналари, васийлари, ҳомийлари *кузатувига бериш*, болалар муассасаларида тарбияланаётган вояга етмаганларга нисбатан эса – ушбу муассасаларнинг маъмурияти кузатув остига олиши учун топшириш қўлланилиши мумкин.

Ушбу эҳтиёт чорасининг моҳияти шуки, мазкур шахслар вояга етмаган шахснинг терговчи ва суднинг ҳузурига боришини, шунингдек муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлаш бўйича ёзма мажбурият оладилар.

Бундай тавсия вояга етмаганларга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш нафақат эҳтиёт чораларига хос бўлган тор, махсус мақсадларга эришиш воситаси сифатида, балки тарбия чоралари сифатида ҳам қаралишига асосланади. Ота-оналар ва

бошқа қонуний вакиллар, шунингдек тегишли болалар муассасалари маъмуриятининг кузатуви вояга етмаган шахсни тергов бошқичидаёқ тарбиялаш билан шуғулланиш учун реал имконият беради.

Терговчи кузатув остига бериш эҳтиёт чорасини танлаётганида ушбу шахслар ўз вазифаларини қай даражада бажара олишларини ва вояга етмаган шахсга тўғри тарбиявий таъсир кўрсата олишини аниқлаши шарт. Бунинг учун мазкур шахсларнинг шахсий хислатлари, уларнинг жамиятдаги маъқеи, фарзандларига таъсири каби жиҳатлари пухта ўрганилади.

Кузатув остига бериш чораси фақат ота-оналар, васийлар, ҳомийлар розилиги билан қўлланилиши мумкин, акс ҳолда вояга етмаганларни қайта тарбиялаш ҳақида гапириш қийин бўлар эди. Бундай мажбуриятларни зиммаларига олаётган шахслар вояга етмаган шахс содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган жиноят ҳақида ва зиммаларига олаётган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда жавобгар бўлишлари ҳақида огоҳлантирилишлари керак.

Айбланаётган муддатли ҳарбий хизматчи ёки ўқув йиғинига чақирилган ҳарбий хизматга мажбур шахс суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими бўйича ҳарбий қисм, қўшилма, ҳарбий муассаса, ҳарбий ўқув юрти қўмондонлигининг кузатувига берилиши мумкин.

Қўмондонлик кузатуви қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлайдиган чораларни кўришдан иборат. Ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими қўмондонлик учун мажбурийдир, унга ҳарбий хизматчи устидан кузатув ўрнатиш заруратини келтириб чиқарган айбловнинг моҳияти тушунтирилиши лозим. Айбланувчи олдини олиш мақсадида мазкур эҳтиёт чораси қўлланилган ҳаракатларни содир этган тақдирда, қўмондонлик суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судни бу ҳақда дарҳол хабардор қилиши шарт.

7.6. Лавозимдан четлаштириш

Башарти айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилади ёки жинорий фаолиятини давом эттиради деб ҳисоблашга етарли асослар

бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд уни лавозимидан четлаштиришга ҳақлидир.

Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида тўхтамга келгач, суриштирувчи, терговчи, прокурор бу ҳақда қарор, суд эса ажрим чиқаради. Суриштирувчи ва терговчининг бу тўғридаги қарорига прокурор розилик бериши керак.

Қарорда ёки ажримда: лавозимидан четлаштириладиган шахс; унинг иш жойи; лавозимидан четлаштириш асослари; айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида корхона, муассаса, ташкилотнинг ваколатли раҳбарига қаратилган талаб кўрсатилган бўлиши керак.

Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим корхона, муассаса, ташкилот раҳбари учун мажбурий бўлиб, у қарор ёки ажримни олгач, уни зудлик билан ижро этиши ва айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақида қарор ёки ажрим чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судга бу ҳақда хабар бериши шарт.

Лавозимидан четлаштириш чорасига кейинчалик зарурат қолмаган тақдирда айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд суд томонидан бекор қилинади. Суд оқлов ҳукмида ёки ишни тугатиш ҳақидаги ажримда судланувчини лавозимидан четлаштиришни бекор қилади.

Суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарори асосида лавозимидан четлаштирилган айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили, шунингдек лавозимидан четлаштирилган шахс ишлаган корхона, муассаса, ташкилот раҳбари юқори турувчи прокурорга ушбу қарор устидан шикоят қилишга ҳақлидир. Судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан манфаатдор шахслар томонидан юқори судга хусусий шикоят берилиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, башарти улар ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб қилинган бўлсалар, лавозимдан четлаштирилган ҳисобланади. Шахснинг лавозимидан қонунга хилоф равишда четлаштирилгани оқибатида етказилган зиён, агар кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган ёки жиноят иши ЖПКнинг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра тугатилган бўлса, тўла ҳажмда қолинади.

7.7. Мажбурий келтириш

Жиноят ишени юритиш муносабати билан суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахслар айнан кўрсатилган вақтда ҳозир бўлишлари шарт. Узрсиз сабабларга кўра келмаганлари тақдирда улар мажбурий келтириладилар.

Мажбурий келтириш гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг, гувоҳнинг процессуал ҳаракатларда ёки суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун, улар узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортганлиги аниқланган тақдирда қўлланилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини олдиндан чақирувсиз мажбурий келтириш улар суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниб юрган ёки аниқ яшаш жойи бўлмаган тақдирда қўлланилиши мумкин.

Судланувчининг судга келмаганлиги сабабини олдиндан аниқламасдан туриб, мажбурий келтиришга алоҳида ҳолларда, ишни кўриш судланувчи бўлмаганлиги сабабли кейинга қолдирилаётган ва бунда унинг турган жойи тўғрисида маълумот бўлмаган тақдирда йўл қўйилади. Гувоҳга ёки жабрланувчига нисбатан мажбурий келтиришнинг қўлланилгани уларни кўрсатув беришдан бош тортганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор мажбурий келтириш тўғрисида қарор, суд эса ажрим чиқаради. Ушбу қарор ёки ажримда: мажбурий келтирилиши керак бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; унинг процессуал мавқеи; яшаш ёки иш жойи; мажбурий келтириш учун асослар; шахсни қаерга ва қачон олиб келиш кераклиги; мажбурий келтириш кимга топширилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим (ЖПК 263-м.).

Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ижро этиш учун иш юритилаётган жойдаги ички ишлар органига топширилади. Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни топган ички ишлар органининг ходими уни қарор ёки ажрим билан таништириб тилхат олади ва мазкур қарорни ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судга олиб келади. Бунда қарорга (ажримга) шахс топилган вақт ва жой, у келтириб топширилган вақт, шунингдек унинг мажбурий келтирилиши билан боғлиқ ариза, шикоят ва илтимослар ҳақидаги маълумотнома илова қилиниши лозим.

Ички ишлар органи шахсинг қочиб кетганлиги, таътилда, хизмат сафариди эканлиги, оғир касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра йўқлиги оқибатида мажбурий келтиришга имкон бўлмаганлигини аниқласа, бу ҳақда маълумотнома тузади ҳамда қарорни ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёхуд судга хабар беради.

7.8. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш

Суд-тиббий ёхуд суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда стационар кузатув зарурати бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд айбланувчини ёки судланувчини, башарти улар озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятни содир этишда айбланаётган бўлсалар, тегишли тиббий муассасага жойлаштиришга ҳақлидир.

Рухий ҳолати айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва айблов эълон қилиш имкониятини истисно этадиган шахс ҳам, агар айнан унинг ижтимоий хавfli қилмиш содир этганлигига етарлича далиллар мавжуд бўлса, экспертиза ўтказиш учун психиатрия муассасасига жойлаштирилиши мумкин.

Шахсни гумон қилинувчи тариқасида ушлаб туриш муддати стационар суд-психиатрия экспертизаси тамомлангунига қадар тугаса, гумон қилинувчининг рухий ҳолати имкон берса, унга айблов эълон қилиш ёки уни тиббий муассасадан озод қилиш ёхуд уни тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахс тариқасида эътироф этиш тўғрисида қарор чиқариш керак.

Жабрланувчилар ва гувоҳларни экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага мажбурий жойлаштириш мумкин эмас. Улар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этишда айбли эканлигини очиб бераётган ва улар берган кўрсатувларнинг ишончлилигини текширишнинг бошқа имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш суриштирувчи ёки терговчининг прокурор розилик берган қарорига, прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримга асосан амалга оширилади. Қарорда ёки ажримда: тиббий муассасага жойлаштириладиган шахс ва унинг процессуал мавқеи; шахс

жойлаштирилаётган тиббий муассасанинг номи; зарур бўлганда шахсни шу муассасага олиб бориш тўғрисидаги фармойиш; эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор акс эттирилади.

Тиббий муассасага жойлаштирилаётганда айбланувчига, судланувчига ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан иш юритилаётган шахсга нисбатан, башарти бу муассаса қамоққа олинганларни сақлашга мослаштирилган бўлса, қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси танланиши мумкин. Бошқа ҳолларда кўрсатилган эҳтиёт чораси бекор қилиниши ёки енгилроғи билан алмаштирилиши лозим.

Айбланувчи, судланувчи ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан иш юритилаётган шахснинг тиббий муассасада бўлган вақти қамоқда сақлаш муддатига қўшиб ҳисобланади. Ушбу шахс тиббий муассасага бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга жойлаштирилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда шифокорларнинг стационар экспертиза ўтказиш жараёнида олинган хулосасига асосан бу муддат иш юритувида бўлган прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими билан бир ойга узайтирилиши мумкин. Муддатни янада узайтиришга йўл қўйилмайди.

Тиббий муассасага эксперт текшируви учун жойлаштирилган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили суриштирувчининг, терговчининг ва прокурорнинг тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи прокурорга, суднинг бу хусусдаги ажрими устидан юқори судга шикоят қилишга ҳақлидир.

7.9. Процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш

Жиноят процессида иштирок этувчи шахслар хавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноят процесси иштирокчилари ҳаёти, соғлиғи, мулкӣ ҳамда бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини гайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий-техникавий ва бошқа чоралар комплексини амалга оширишдир.

ЖПКнинг 270-моддасига мувофиқ, жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга, шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларига ўлдириш, куч ишла-тиш, мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш ёхуд мол-мулкига шикаст стказиш билан ёки ўзга гайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинапти дейиш учун етарли маълумотлар

мавжуд бўлган тақдирда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд бу шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулкани муҳофаза қилиш, шунингдек айбдорларни аниқлаш ҳамда уларни жавобгарликка тортиш чораларини кўришлари шарт.

Жиноят процессининг хавфсизлиги таъминлаши керак бўлган иштирокчиларга қуйидагилар киради:

— ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноят ҳақида ариза берган ёки жиноятни аниқлаш, унинг олдини олиш, уни бартараф этиш ва очишда бошқача тарзда иштирок этган шахс;

— жиноят иши бўйича жабрланувчи ва унинг вакили;

— айбланувчи, унинг ҳимоячиси, вакили ёки қонуний вакили;

— жиноят ишида жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш зарурлиги муносабати билан иштирок этаётган фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари;

— гувоҳ;

— эксперт, мутахассис, таржимон ва холис;

— мазкур шахсларнинг оила аъзолари ва яқинлари (агар жиноят процессининг ушбу иштирокчиларига улар орқали ғайри-қонуний таъсир кўрсатишга ҳаракат қилинаётган бўлса).

Ҳимоя қилинаётган шахсларнинг хавфсизлигини қуйидаги органлар таъминлайдилар:

а) хавфсизлик чораларини қўллаш ҳақида қарор қабул қиладиган органлар;

б) хавфсизлик чораларини амалга оширадиган органлар.

Хавфсизлик чораларини қўллаш ҳақидаги қарор қабул қиладиган органларга тергов қилишда ёки судда кўриб чиқишда ҳимоя қилинаётган шахслар иштирок этган ёки иштирок этаётган жиноятлар ҳақидаги ишларни юритаётган суриштирув органи, терговчи, прокурор суд ёки судья киради.

Хавфсизлик чораларини амалга ошириш вазифаси терговга тегишлилиги бўйича Миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар органлари ва прокуратурага юклатилади. Процессуал ҳаракатларни ўтказишда хавфсизлик чораларини жиноят ишини юритаётган суриштирув органи, терговчи, прокурор, суд ёки судья амалга оширади. Ҳарбий хизматчиларга нисбатан хавфсизлик чораларини ҳарбий қисмларнинг командирлари ҳам кўрадилар.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш борасидаги қонун ҳужжатларининг

ижросини Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар назорат қиладилар.

Хавфсизлиги таъминланаётган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар: ўзларининг ва бошқа шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳақида илтимоснома бериш; ўзларига нисбатан хавфсизлик чоралари қўлланилишини билиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёки судьядан қўшимча хавфсизлик чоралари қўлланилишини ёки амалга оширилаётган чораларнинг бекор қилинишини талаб қилиш; юқори турувчи орган, прокурор ёки судга хавфсизликни таъминловчи органларнинг ноқонуний қарорлари ва ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш.

Айни пайтда ушбу шахслар қуйидагиларга мажбурдирлар: хавфсизликни таъминловчи органлар амалга ошираётган хавфсизлик чораларини амалга ошириш шартларини ва қонуний талабларини бажариш; ўзларига нисбатан тажовуз қилинган ёки ғайриқонуний ҳаракат содир этилган ҳар бир ҳолат ҳақида мазкур органларга зудлик билан хабар қилиш; уларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хавфсизлигини таъминлаш учун шахсий фойдаланишга берган ашёлардан белгиланган қондаларга мувофиқ фойдаланиш.

Хавфсизлиги таъминланиши ҳақида қарор қабул қиладиган органлар қуйидагиларга ҳақлидирлар: бундай турдаги таъминлашга муҳтож бўлган шахслардан келиб тушган хавфсизликларига тажовуз ҳақидаги аризалар ва хабарлар бўйича зарур материалларни талаб қилиб олиш ва тергов ҳаракатлари ўтказмай туриб тушунтиришлар олиш; хавфсизлик чораларини қўлловчи органлардан қўшимча чораларни кўришни талаб қилиш; амалга оширилаётган чораларини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ички ишлар органларига ишда иштирок этаётган шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминловчи барча зарур чораларни кўриш хусусида ёзма равишда топшириқ беришга ҳақлидир. Бунда ички ишлар органи хавф таҳдид солаётган шахсларга доир жиноят ишидаги мавжуд маълумотлардан, бу хавфнинг эҳтимол тутилган хусусияти, манбалари, жойи, вақти ва бошқа ҳолатларидан хабардор этилиши лозим (ЖПК 270-м.).

Бироқ жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш вазифасини фақат ички ишлар органларига юклатиб қўйиш уларнинг тўлиқ хавфсизлик чораларини кўриш имкониятларига мос келмайди. Афтидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа

органлар ҳам жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўришлари лозим.

Хавфсизлик чораларини амалга оширувчи орган қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши керак: хавфсизлик чоралари рўйхати, уларни қўллаш воситалари ва усулларини белгилаш, зарур бўлганда ушбу чораларни ўзгартириш ва тўлдириш; ҳимоя қилинаётган шахслардан хавфсизлик чораларини амалга ошириш шартларига риоя этишларини, шунингдек ушбу чораларни қўллаш билан боғлиқ қонуний фармойишларини бажаришларини талаб қилиш; жиноят ишини юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёки судьяга процессуал ҳаракатларни ўтказиш вақтида хавфсизлик чораларини қўллаш ёки амалга оширилаётган чораларини бекор қилиш ҳақида илтимос билан мурожаат этиш.

Хавфсизликни таъминловчи органлар қуйидагиларга мажбурдирлар: шахсий хавфсизлигининг таъминланишига муҳтож бўлган шахсларга нисбатан жиноят процесси ўтказишга қўмаклашиш муносабати билан содир этилган уларга маълум бўлиб қолган ҳар бир қонунга хилоф ҳаракат ҳодисаси бўйича зудлик билан чора кўриш; ҳимоя қилинаётган шахслар хавфсизлигига солинаётган таҳдиднинг хусусиятини инобатга олган ҳолда уларнинг ҳаёти, соғлиғи, кадр-қиммати, уй-жойи ва мулкнинг ҳимояланишини таъминлаш; ҳимоя қилинаётган шахсларни хавфсизлик чораларининг ўзгартирилиши ёки бекор қилинишидан ўз вақтида хабардор қилиш; хавфсизликни таъминлашда қонунийликка риоя этиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш.

Хавфсизлик таъминлашда иштирок этувчи органлар ходимларининг, шунингдек ҳимоя қилинаётган шахсларнинг кўрилаётган хавфсизлик чоралари ҳақидаги маълумотларни ошкор этиши тақиқланади.

Хавфсизлик чоралари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- шахсий муҳофаза, уй-жой ва мулкни кўриқлаш;
- қурол ҳамда хавфдан огоҳлантирувчи якка тартибда ҳимоялаш воситаларини бериш;
- телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни назорат қилиш ва эшитиб бориш техник воситаларидан фойдаланиш;
- ҳужжатларни алмаштириш ва ташқи қиёфани ўзгартириш;
- бошқа турар жойга кўчириш;
- иш жойини ўзгартириш;

– болалар тарбия муассасасига ёки ижтимоий таъминот органлари муассасасига жойлаштириш;

– ёпиқ суд мажлиси ўтказиш.

Ҳимоя қилинаётган шахслар ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати, мулкӣ ва бошқа ҳуқуқлари учун туғилган хавфнинг хусусияти ва даражасини инобатга олган ҳолда уларга нисбатан бошқа хавфсизлик чоралари ҳам қўлланилиши мумкин (масалан, айблов ҳулосасига берилган иловада, яъни суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатида уларнинг таҳаллуси кўрсатилиши мумкин. Хавфсизлиги таъминланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар улар иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомаларининг кириш қисмлари билан бирга судга муҳрланган шаклда тақдим этилади. Ушбу ҳужжатлар билан айблов ҳулосасини тасдиқловчи прокурор ва ишни кўриб чиқувчи судьяларгина танишишлари мумкин).

Зарур бўлганда, хавфсизликни таъминловчи органлар шахсни муҳофаза қиладилар, уй-жойи ва мулкни қўриқлайдилар. Бу шахсларнинг уй-жойи ва мулки ёнғинга қарши воситалар ва қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланиши мумкин. Уларнинг уй телефонлари номерлари ва транспорт воситаларининг давлат рақамлари ўзгартирилиши мумкин.

Ҳимоя қилинаётган шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф бўлганда уларга қурол ҳамда якка тартибда ҳимояланишни таъминловчи ва хавфдан огоҳлантирувчи махсус воситалар берилиши мумкин. Уларга нисбатан зўравонлик қилиш-ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар содир этилиши хавфи юзага келса, уларнинг аризасига кўра ёхуд уларнинг розилиги билан ёки розилигисиз суриштирувчи ва терговчининг прокурор санкцияси олинган қарори асосида ёхуд суд ажрими бўйича ЖПКнинг 169–171-моддаларига мувофиқ телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувлар эшитиб турилади.

Сўзлашувларни эшитиб туриш ва ёзиб олиш иштирокчилари уларга маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор этганлиги учун жавобгарликка тортилишлари ҳақида огоҳлантириладилар. Ҳимоя қилинаётган шахс хавфсизлигига таҳдидни бартараф этиш ундан аввалги иш жойидан бўшашни талаб қилса, унинг илтимоси ёки розилиги билан янги ишга жойлашишга ёрдам берилади. У мажбуран ишдан қолган кунлар меҳнат стажига киритилади, мазкур давр учун компенсация (товон) тўланади, янги иш жойида камроқ маош олган тақдирда иш ҳақидаги фарқ тўланади.

Вояга етмаган шахснинг хавфсизлигини таъминлаш учун

улар ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ро- зилиги билан вақтинча болалар тарбия муассасаларига, вояга етган меҳнатга лаёқатли шахслар эса — ижтимоий таъминот органларининг муассасаларига жойлаштирилишлари мумкин.

Ҳимоя қилинаётган шахсларнинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни қуйидаги йўллар билан ошқор қилмаслик мумкин:

— терговгача бўлган текширув материалларида (аризалари, тушунтириш хатлари ва бошқаларда), шунингдек тергов ҳа- ракатлари ва суд мажлислари баённомаларида уларнинг шахсига оид маълумотларни чеклаш, ушбу ҳужжатлардаги фамилия, исм, ота исmlарини тахаллуслар билан алмаштириш ва айни пайтда ҳақиқий анкета маълумотларни жиноят иши материалларидан алоҳида сақланаётган махсус карточкаларга киритиш;

— ҳимоя қилинаётган шахс ҳақидаги маълумотларнинг ад- реслар бюроси, паспорт хизмати, йўлларда ҳаракатланиш хавф- сизлиги хизматининг бўлинмалари, АТС маълумотлар бериш хизмати ҳамда бошқа давлат ва хусусий ахборот-маълумот фондларидан. шунингдек пейжинг ва уяли алоқа хизматидан берилишини вақтинчалик тақиқлаш.

Суд ёки судья камдан-кам ҳолларда хавфсизлик чоралари қўлланилаётган жабрланувчилар ва гувоҳлардан ишни кўриб чиқишда фойдаланиш учун ёзма кўрсатувлар олишга ва бу билан мазкур шахсларни суд мажлисига келишдан озод қилишга ҳақлидир.

Ҳимоя қилинаётган шахс хавфсизлигининг манфаатлари та- лаб этган ҳолларда суднинг асослангирилган ажрими ва судья- нинг қарори бўйича ёпиқ суд муҳокамаси ўтказишга йўл қўйи- лади. Бундай шахс ушбу ҳолларда ниқобда ёки ниқобловчи ли- босда сўзга чиқиш ҳуқуқига эга, ҳимоя қилинаётган шахсни судланувчига ниқобсиз ва ниқобловчи либоссиз кўрсатиш қатъиян тақиқланиши керак.

Судланувчиларнинг қариндошлари махсус ажратилган хонада жиноят иши бўйича гувоҳлар ва жабрланувчилардан ажратилган ҳолда бўлишлари керак. Гувоҳ ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчиси, кўрсатув берганидан кейин унинг хавфсизлигини таъминлаш учун, қўриқчилар билан бирга суд жойлашган ердан узоқдаги бошқа жойга транспортда олиб борилиши керак.

Ҳарбий хизматчиларнинг хавфсизлиги ушбу шахсларнинг ҳарбий хизматда бўлишини инобатга олган ҳолда қўлланилади- ган мазкур чоралар орқали таъминланади. Ҳарбий хизматчи-

ларни ҳимоя қилиш учун қуйидаги чоралар ҳам қўлланилиши мумкин: бошқа ҳарбий қисм, қўшилма ёки ҳарбий муассасага хизмат сафарига жўнатиш; янги хизмат жойига кўчириш; қисм қўмондонининг кузатувиغا олиш.

Жазони ижро этиш муассасасидаги шахсларнинг хавфсизлиги уларнинг ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиқувчи айрим чеклашлар билан юқорида келтирилган чоралар орқали таъминланади. Уларга қуйидаги чоралар ҳам қўлланилиши мумкин: бир жазони ижро этиш муассасасидан бошқасига ўтказиш; алоҳида хонада сақлаш; эҳтиёт чораси, жазони ўташ тури ёки режимини ўзгартириш.

Эҳтиёт чораси, жазони ўташ тури ёки режимини ўзгартириш амалдаги жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан жиноят процесси амалга оширилиши ёки суднинг жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги фуқаролик даъвосини ҳал қилиши муносабати билан уларга ўлдириш, куч ишлатиш, мол-мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш ёхуд шарманда қилувчи маълумотларни ошкор этиш ҳамда бошқа ғайриқонуний ҳаракатларни содир этиш билан қўрқитиш ҳаракатлари қилинаётганлиги ҳақида старли маълумотларнинг мавжудлиги хавфсизлик чораларини қўллаш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу маълумотларни мазкур шахсларнинг ёзма ёки оғзаки аризаси бўйича ёхуд бошқача тарздаги хабарлари бўйича хавфсизлик чораларини қўллаш ҳақида қарор қабул қилувчи орган белгилайди.

Хавфсизликни таъминловчи органнинг ҳимоя қилинаётган шахс жиноят процессига қўмаклашаётганлиги туфайли унинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати ва мулкига нисбатан таҳдиднинг йўқлигини аниқлаши ЖПКнинг 270-моддасига мувофиқ равишда амалга оширилаётган хавфсизлик чораларини бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ҳимоя қилинаётган шахслар хавфсизлигини таъминлаш чоралари тегишли асослар бўлгандагина қўлланилади. Ушбу чораларни қўллаш тартиби ЖПКнинг 270-моддаси ва уни ижро этиш учун чиқарилган норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Жиноят процесси иштирокчисининг хавфсизлигига таҳдид солинаётганлиги ҳақида ариза ёки хабар олган суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёки судья унинг аризасини (хабарини) текшириши ҳамда кўпи билан уч сутка ичида, кечиктириб бўлмас ҳолларда эса дарҳол хавфсизлик чоралари қўллаш ёки қўллашни рад этиш ҳақида қарор қабул қилишлари шарт. Ке-

линган тўхтам ҳақида улар асослантирилган қарор ёки ажрим чиқарадилар ва уни хавфсизлик чораларини кўриш вазифаси юклатилган органга ижро этиш учун юборадилар. Мазкур органлар ушбу ажрим ёки қарорни бажаришлари шарт.

Хавфсизликка таҳдид солинаётганлиги ҳақидаги ариза (хабар)да жиноят содир этилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлганда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёки судья жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жиноят иши қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш ёхуд жиноят содир этилганлиги ҳақидаги ариза (хабар)ни терговга ёки судловга тегишлилиги бўйича юбориш ҳақида қарор қабул қилади. Ариза берувчига қабул қилинган қарор ҳақида хабар берилади.

Хавфсизлик чораларини кўриш топширилган орган зарур чоралар ва уларни амалга ошириш усуллари рўйхатини белгилайди, бунда ишнинг аниқ ҳолатлари ҳамда мавжуд таҳдидни бартараф этиш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Мазкур чораларни амалга оширувчи орган кўрилган хавфсизлик чоралари ва уларнинг натижалари ҳақида жиноят иши билан шуғулланаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёки судьяга хабар беради, таҳдид бартараф этилганда унга ёки ҳимоя қилинаётган шахс яшайдиган жойдаги тегишли органга хавфсизлик чораларини бекор қилиш ҳақида илтимос билан мурожаат этади.

Хавфсизлик чораларини кўраётган орган ҳимоя қилинаётган шахс билан ушбу чораларни қўллаш шартлари ва тарафларнинг жавобгарлиги ҳақида шартнома тузишга ҳақлидир. Хавфсизлик чораларини бекор қилишга фақат суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори суд ёки судьянинг ажрими билан йўл қўйилади.

Зарур ҳолларда жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг хавфсизлик чораларини кўрмаслиги, шунингдек хавфсизлик чоралари ҳақидаги маълумотларнинг ошкор қилиниши қонун бўйича тегишли чора кўрилишига олиб келади. Ҳимоя қилинаётган шахснинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида унга шахсий фойдаланиш учун берилган мулкни сотиш, гаровга қўйиш ёки бошқа шахсларга бериш, худди шунингдек йўқотиш ёки бузиш қонунга мувофиқ тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

7.10. Процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик

ЖПКнинг 271-моддасига мувофиқ, жиноят ишини юритиш чоғида Жиноят кодексининг 230–241-моддаларида назарда тутилган, одил судловга қарши қаратилган жиноятни содир этган

процесс иштирокчилари ЖПКнинг умумий қоидаларига биноан жавобгарликка тортиладилар.

Бундан ташқари, процессуал мажбуриятларни бузганликлари учун, хусусан:

жабрланувчилар ва гувоҳлар — суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг гувоҳлантиришдан, экспертизадан ўтиш, эксперт текшируви учун намуналар тақдим этиш тўғрисидаги қонуний талабларини бажаришдан бош тортганлик учун;

уйида олиб қўйиш, тинтув ўтказилаётган шахслар, шунингдек мол-мулки хатланган шахслар (гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг яқин қариндошларидан ташқари) — суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг талаби билан изланаётган ашёларни беришдан бош тортганлик учун;

алоқа муассасаларининг ходимлари — суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги қарорини бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун;

мансабдор шахслар ва фуқаролар — башарти улар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга, тергов эксперименти ўтказишга, мурдани эксгумация қилишга, олиб қўйиш ва тинтув ўтказишга тўсқинлик қилсалар;

процесс иштирокчилари — суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилганлик учун, агар улар маълумотларни ошкор қилишга йўл қўйилмаслиги ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан огоҳлантирилган бўлсалар;

корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари — суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, мутахассис, эксперт, таржимон, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, халқ маслаҳатчиларининг келишига тўсқинлик қилганлик, жиноятнинг сабабларига ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга барҳам бериш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномасини ёки суднинг хусусий ажримини бажармаганлик ёхуд талаб даражасида бажармаганлик учун қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Одатда суд мажлисида тартибни бузган, раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунмаган ёки судни беҳурмат қилган тақдирда тартиббузар бундай ҳаракатларнинг такрорланиши уни

суд мажлиси залидан чиқариб юборишга сабаб бўлажаги ҳақида, ЖПК 272-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган тартиббузар эса, бундан ташқари, маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкинлиги хусусида огоҳлантирилади. Бу огоҳлантириш таъсир қилмаса, процесс иштирокчиси суднинг ажримига, бошқа шахслар эса, раислик қилувчининг фармойишига мувофиқ суд мажлиси залидан чиқариб юборилади. Ишни кўриш чиқариб юборилган шахсларсиз давом эттирилади.

Суднинг ажрими айбловчи ёки ҳимоячига тааллуқли бўлган тақдирда, ишни эшитиш кейинга қолдирилиши лозим, бир шахсни бир неча айбловчи айблаётган ёки бир неча ҳимоячи ҳимоя қилаётган ҳоллар бундан мустаснодир. Залдан чиқариб юборилган айбловчи ёки ҳимоячининг номуносиб хулқ-атвори тўғрисида суд хусусий ажрим чиқариб, уни тегишлилигига қараб, юқори турувчи прокурорга ёки адвокатлар малака комиссиясига юборади.

Суд залидан судланувчи чиқариб юборилган бўлса, ҳукм унинг иштирокида эълон қилиниши ёки эълон қилинганидан кейин унга дарҳол маълум қилиниб, тилхат олиниши лозим. Суд мажлиси залидан чиқариб юборилган шахсни (судланувчи, айбловчи ва ҳимоячи бундан мустасно) раислик қилувчи шу жойнинг ўзида чиқарган ажримига асосан маъмурий жавобгарликка тортиши мумкин. Ажрим суд мажлисининг баённомасида қайд этилади (ЖПК 272-м.).

Процесс иштирокчисининг одил судловга қарши жиноят содир этганлик учун жинойий жавобгарликка тортилишига асослар суд муҳокамасида ёки иш кассация ёхуд назорат тартибида кўриб чиқиладиганида аниқланган бўлса, суд бу процесс иштирокчисига нисбатан жиноят иши кўзгатади ва тергов қилиш учун уни прокурорга юборади (ЖПК 273-м.).

ЖПКда назарда тутилган ҳолларда пул ундириш ва жарима солиш жиноят ишини кўриш қайси судга тааллуқли бўлса, шу суд томонидан амалга оширилади. Процессуал мажбуриятларни ёки тартибни бузишга бевосита суд мажлисида йўл қўйилган бўлса, жарима солиш ҳақидаги ажрим ишни кўраётган суд томонидан шу мажлиснинг ўзида чиқарилади. Бошқа ҳолларда пул ундириш тўғрисидаги масала суд томонидан пул ундириладиган шахс чақирилиб ҳал қилинади. Мазкур шахснинг узрсиз сабабларга кўра келмаслиги ишни кўришга монелик қилмайди.

Суд мажлисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан тартиббузарлик тўғрисида тузилган баённома ва унга илова қилинган материаллар ёхуд суд мажлиси баённомасидан олинган

тегишли кўчирма ўқиб эшиттирилади. Шундан сўнг жавобгарликка тортилаётган шахснинг изоҳлари, суд мажлисида прокурор қатнашаётган бўлса, унинг фикри эшитилади ва ажрим чиқарилади.

Таржимонга, мутахассисга, кафилга пул ундириш ёхуд суд мажлиси залида тартибни бузган шахсга жарима солиш тўғрисидаги ажримни чиқарган суд бу ажримнинг ижросини уч ойгача муддатга кечиктиришга ёки ижронинг бўлиб-бўлиб бажарилишига рухсат беришга ҳақлидир (ЖПК 274-м.).

Тахминий тестлар

- 1. Қуйидаги чораларнинг қайси бири эҳтиёт чораси ҳисобланади?**
 - А. Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат
 - В. Жарима
 - С. Танбеҳ
 - Д. Авахтада сақлаш
 - Е. Огоҳлантирувчи қамоқ
- 2. Процессуал тартибда ушлаб туриш муддати қанча?**
 - А. 3 соатгача
 - В. 10 суткагача
 - С. 15 соатгача
 - Д. 30 суткагача
 - Е. 72 суткагача
- 3. Қачон гумон қилинувчини ушлаб туриш учун асос мавжуд бўлади?**
 - А. Шахс жиноят устида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол ушланганда
 - В. Тергов тўхтатиб турилганидан сўнг
 - С. Эҳтиёт чораси прокурорнинг кўрсатмаси бўйича танланганда
 - Д. Шахс маст ҳолда аниқланганда
 - Е. Паспорти мавжуд бўлган шахсни аниқлаш учун

4. Қамоққа олиш эҳтиёт чораси қандай жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилиши мумкин?

- A. Алоҳида ҳолларда — озодликдан маҳрум билан боғлиқ бўлмаган жазо назарда тутилган жиноятлар ҳақидаги ишлар бўйича
- B. Бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум шаклидаги жазо назарда тутилган жиноят учун
- C. Озодликдан маҳрум билан боғлиқ бўлмаган жиноят учун
- D. Ҳомиладор аёлларга нисбатан
- E. Ёш болаларга нисбатан

5. Эҳтиёт чораси устидан кимга шикоят қилиш мумкин?

- A. Суриштирув органининг бошлиғига
- B. Судга
- C. Прокурорга
- D. Тергов бўлимининг бошлиғига
- E. Ўзбекистон Республикасининг Олий судига

Текшириш учун саволлар

1. Процессуал мажбурлов чораларининг аҳамияти нимада ва уларни қўллаш асослари нималардан иборат?
2. Қайси қонунда процессуал мажбурлов чораларининг турлари белгиланган?
3. Ушлаб туриш асослари нималардан иборат?
4. Жиноят процессуал ушлаб туриш маъмурий ушлаб туришдан нимаси билан фарқ қилади?
5. Эҳтиёт чораларининг қандай турларини биласиз?
6. Эҳтиёт чораларини танлаш ва бекор қилишнинг қандай процессуал тартиби мавжуд?
7. Қамоқда сақлаш муддатлари қанча?
8. Процесс иштирокчиларининг хавфсизлиги қандай тартибда таъминланади?

VIII боб. Жиноят натижасида етказилган мулкый зиёни қоплаш

8.1. Жиноят процессида фуқаровий даъво

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида айтилишича, «ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади». Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш шаклларида бири жиноятни тергов қилиш ва судда муҳокама этиш давомида жиноят иши бўйича фуқаровий даъво қилиш мумкинлигидир. Бундай даъво даъвогарнинг жавобгарга нисбатан моддий ҳуқуққа асосланган талабидан иборат моддий-ҳуқуқий ҳамда моддий-ҳуқуқни амалга ошириш шакли ва тартибини ташкил қилувчи процессуал таркибий қисмларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади.

Даъвонинг моддий-ҳуқуқий ва процессуал томонлари айна бир ҳодисанинг мазмуни ва шаклидан бошқа нарса эмас. Субъектив фуқаровий ва бошқа ҳуқуқсиз даъво предметсиз бўлур эди, чунки шакл мазмуннинг шакли бўлмаса, у ҳеч қандай қадрга эга бўлмаслиги маълум. Ўз навбатида, даъвогарнинг жавобгарга талабларини ифода этиш шакли сифатида субъектив ҳуқуқ амалга оширилиши мумкин эмас.

Ҳуқуқий низонинг хусусияти ва даъвогар талаб қиладиган суд ҳимоясининг турига кўра: а) мажбурлаш, яъни бузилган ҳуқуқни тиклаш ҳақидаги ёки ижро этиш даъволари; б) даъвогарнинг жавобгарда ҳуқуқнинг йўқлигини тан олиш ҳақида қўйган талабини тан олиш ҳақидаги даъволар, яъни аниқлаш даъволари фарқланади.

Одатда барча турдаги даъволар фуқаролик судловида кўриб чиқилади. Бироқ агар даъво мавзуини жиноят процесси тартибида судда кўриб чиқилиши лозим бўлган жиноят туфайли етказилган мулкый зарарни қоплаш ҳақидаги талаб ташкил этса, қонунга биноан жабрланган шахс жиноят процессида ҳам даъво билан мурожаат этишга ҳақлидир (ушбу даъво жиноят иши билан бир вақтда кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши учун). Бундай даъво жиноят процессидаги фуқаровий даъво деб аталади.

Жиноят процессидаги фуқаровий даъво — оддий мажбурлаш ҳақидаги даъво, чунки унинг мазмунини жавобгарни даъвогар фойдасига муайян ҳаракатлар содир этишга мажбурлаш, жиноят туфайли етказилган мулкӣ зарарни қоплаш ҳақидаги талаб ташкил этади. Бундай даъво жиноят процессида кўриб чиқилиши сабабли фуқаролик процесси юритилганда бўлмайдиган бир қатор хусусиятларга эга бўлади. Лекин ушбу хусусиятлар унинг ҳуқуқӣ табиатини ўзгартирмайди, уни мажбурлаш даъвосидан бошқача даъвога айлантирмайди.

Бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоӣ хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зиённи қоплаш, шунингдек жабрланувчини дафн этиш ёки унинг стационарда даволаниш харажатларини ҳамда суғурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги бундай фуқаровий даъволар жиноят процессида кўрилади. Фуқаровий даъвонинг судловга тегишлилиги бу даъво қўзғатилган жиноят ишининг қайси судловга тегишлилигига қараб аниқланади.

ЖПКнинг 276-моддаси жиноят процессида фуқаровий даъво қилиш учун ҳуқуқӣ асос бўлиб хизмат қилади. Унга кўра, «жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоӣ хавфли қилмиши натижасида ўзини мулкӣ зиён кўрган деб ҳисобловчи шахс ёхуд унинг вакили жиноят иши қўзғатилган пайтдан бошлаб то суд тергови бошлангунига қадар фуқаровий даъво қўзғатишга ҳақлидир.

Жиноят содир этиш ёки ақли норасо шахснинг ижтимоӣ хавфли қилмиши натижасида мол-мулки йўқолган ёки шикастланган шахс вафот этган тақдирда унинг меросхўрлари жиноят процессида фуқаровий даъво қўзғатиш ва уни қувватлаш ҳуқуқига эга бўлади».

Агар зарар бир неча шахснинг биргаликдаги ҳаракатлари туфайли етказилган бўлса, жиноят ишида бир неча шахсга даъво қилиниши мумкин. Бунда шунини эътиборда тутиш лозимки, фақат биргаликдаги ҳаракатлари билан зарар етказган шахсларгина жиноят процессида даъво бўйича биргаликдаги жавобгарликка тортилишлари мумкин. Ушанда ҳам уларнинг барчалари иш бўйича айбланувчи, судланувчи бўлишлари керак.

Фуқаровий даъво ёзма шаклда ҳам, оғзаки шаклда ҳам қўзғатилиши мумкин. Дастлабки терговда ҳам, судда ҳам оғзаки даъво аризаси баённомага ёзиб қўйилади.

Жиноят процессида фуқаролик даъвоси қилинганда, кўриб

чиқилганда ва ҳал қилинганда давлат божи олинмайди. Жиноят процессида фуқаролик даъвосини қилмаган шахс, шунингдек даъвоси кўриб чиқилмай қолдирилган шахс даъвони фуқаролик судлови тартибида қилишга ҳақлидир.

Суд процесснинг фаол иштирокчиси ҳисобланади ва ишнинг ҳақиқий аҳволини, манфаатдор томонларнинг ҳақиқий ҳуқуқлари ва ўзаро муносабатларини аниқлаши, яъни объектив ҳақиқатни билиб олиши керак. Ушбу мақсадларда у тарафлар тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва уларнинг тушунтиришларини тинглаш билан чекланмай, ҳуқуқий қоидалардан беҳабарлиги ёки бошқа ҳолатлардан улар ўзларига зарар келтирадиган тарзда фойдаланмасликлари учун уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда уларга кўмаклашиши керак. Бунда фуқаровий даъво жиноят процессининг барча принциплари (ошкоралик, бевоситалик, тортишув ва шу кабилар)га риоя этган ҳолда кўриб чиқилади. Бироқ амалдаги ЖПКда суднинг аҳамиятини камайтирмаган ҳолда жиноят процессининг дастлабки босқичларида фуқаровий даъво қилишга эътибор қаратилди. Жумладан ЖПКнинг 277-моддасида айтилишича, фуқаровий даъво кўзғатилган ҳолларда содир этилган қилмиш оқибатида шахсга мулкӣ зиён етказилган деб ҳисобласа, уни фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Қарорнинг ёки ажримнинг нусхаси даъвони кўзғатган шахсга ёки унинг вакилига тақдим этилади. Бунда фуқаровий даъвогарга ЖПКнинг 57-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш рад қилинган шахсга эса, қарор устидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади.

Ариза берувчи фуқаровий даъвогар деб эътироф этилгач ва айбланувчининг, судланувчининг ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши тўғрисидаги ма-сала қўйилган шахснинг қилмишлари оқибатида етказилган зиён учун қонунга кўра бошқа шахслар мулкӣ жавобгар эканлиги аниқлангач, тегишли фуқарони ёки юридик шахсни ишда фуқаровий жавобгар тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Қарор ёки ажрим фуқаровий жавобгарга ёки унинг вакилига эълон қилинади. Уларга тегишлича фуқаровий жавобгар ва даъвогарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтириб берилади.

Фуқаровий даъво ва жиноий айбловни бирга тақдим этиш жабрланувчининг жиноят туфайли бузилган мулкӣ ҳуқуқлари тез тикланишини таъминлайди, судлар ишидаги муқаррар тақрорлаш (параллелизм)ни ва айни бир жиноят иши бўйича зиддиятли қарорлар чиқарилиши имкониятини истисно этади, далилларнинг иложи борича тўлиқ текширилишини кафолатлайди ҳамда жиноят-процессуал фаолиятнинг барча иштирокчилари учун қулайлик туғдиради.

ЖПКнинг 279-моддаси прокурордан фуқаровий даъвони кўзга-тиш ёки кўзгатилган фуқаровий даъвони қувватлаш ёхуд, башарти давлат ёки жамият манфаатларини ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тақозо этса, даъвога қарши эътироз билдиришни талаб этади. Прокурор фуқаровий даъвогар сиймосида айбловни қувватлашга ёрдам берувчи ишончли иттифоқчига, фуқаровий даъвогар эса прокурор сиймосида қудратли ёрдамчига эга бўлади.

Жиноятдан жабрланган шахс суд муҳокамасида икки марта иштирок этиш заруратидан ва, бинобарин, содир этилган жиноятнинг ҳолатларини текшириш билан боғлиқ муайян ҳаяжонларга дучор бўлишдан, шунингдек одатдаги машғулотларидан чалғишдан озод бўлади. Ўз талабларини исботлашдан иборат вазифаси анча осонлашади, чунки ушбу талабларга асос бўлиб хизмат қилувчи жиноят содир этилганлиги фактини терговчи ва прокурор исботлайди. Бундан ташқари, жабрланувчи давлат божи тўламайди.

Судланувчи суд олдида икки марта, яъни аввал жиноят иши бўйича, сўнгра эса фуқаролик иши бўйича жавобгар сифатида ҳозир бўлиш мажбуриятидан озод бўлади. Фуқаровий даъвогар каби у ҳам давлат божи тўлашдан озод этилади.

Гувоҳлар, таржимонлар, экспертлар ва бошқа шахслар ўзларининг одатдаги машғулотларидан иккинчи марта чалғимайдилар.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, бир қатор жиноят ишлари бўйича етказилган зарар миқдорини аниқлаш жиноятни тўғри тавсифлаш (масалан, ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш ҳақидаги ишлар бўйича), жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни баҳолаш ва ҳатто жиноят таркибининг ўзи бор ёки йўқлиги ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун ҳам катта аҳамиятга эга. Айблов ва фуқаровий даъвони биргаликда кўриб чиқиш бундай ҳолларда уларнинг тўғри ҳал қилиниши учун қўшимча кафолат бўлиб хизмат қилади.

Ниҳоят, жиноий жавобгарлик ва фуқаровий даъво бўйича моддий жавобгарликни бир бақтнинг ўзида комплекс қўллаш жиноятчининг такроран жиноятлар содир этишининг олдини олиб, унинг ўзига ҳам (хусусий олдини олиш), бошқа шахсларнинг қонунларга оғишмай риоя этиш ва жамиятда яшаш қоидаларини ҳурмат қилиш руҳида тарбияланишига кўмаклашиб, уларга ҳам (умумий олдини олиш тарзида) энг самарали таъсир этишга ёрдам беради.

Агар зарар бир неча шахснинг биргаликдаги ҳаракати туфайли етказилган бўлса, жиноят ишида бир неча шахсга даъво қилиниши мумкин. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, биргаликдаги ҳаракатлари билан зиён етказган шахсларгина, башарти уларнинг барчаси айбланувчилар (судланувчилар) бўлсалар, жиноят процессида даъво бўйича биргаликдаги жавобгарлар бўладилар.

Агар моддий зиённи судланувчи иши алоҳида жиноят иши сифатида ажратилган бошқа шахс билан биргаликда етказган бўлса, суд зарарни қоплаш мажбуриятини тўлалигича судланувчининг зиммасига юклайди. Кейинчалик алоҳида жиноят иши юритилган шахсга нисбатан чиқарилган айблов ҳукмида суд унинг зиммасига зарарни илгари ҳукм этилган шахс билан биргаликда қоплаш вазифасини юклатиши мумкин.

Суд амалиётида жиноят ҳақида хабар бермаганлиги ёки уни яширганлиги учун жазога ҳукм этилган шахс жиноят туфайли етказилган зарар учун моддий жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоидага изчил равишда асосланилмоқда. Ушбу ҳолларда даъво фуқаролик судлови тартибида кўриб чиқилиши лозим. Даъво талабларини ушбу зарарни кўрган шахс, унинг вакили ёки прокурор бериши мумкин. Агар фуқаровий даъво берилмай қолса, суд жиноят туфайли етказилган моддий зарарни қоплаш ҳақидаги масалани ўз ташаббуси билан ҳал қилади.

Жиноят туфайли етказилган моддий зарарни қоплаш ҳақидаги талаб иш кўриб чиқилгунига қадар ва ундан кейин фуқаровий судлов тартибида берилиши мумкин. Суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ва судда фуқаровий даъво бўйича иш юритиш ЖПКда назарда тутилган тартибда олиб борилади. Фуқаровий даъво бўйича юзага келадиган процессуал муносабатлар ЖПК билан тартибга солилмаган бўлса, унда жиноят процесси принципларига хилоф бўлмаган фуқаровий-процессуал қонун ҳужжатларининг қоидалари қўлланади.

Фуқаровий даъво бўйича иш юритишда зиённи ундириш асослари, шарт-шароити, ҳажми ва усули фуқаровий, меҳнат ва бошқа соҳа қонун ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ аниқланади. Бошқа соҳа қонун ҳужжатларида белгиланган даъво муддати жиноят процессидаги фуқаровий даъвога нисбатан қўлланилмайди.

Фуқаровий даъвони кўриб чиқишда ўзаро келишув битими тузилиши ҳам мумкин. Айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг даъвони тан олганлиги, шунингдек фуқаровий даъвогар, айбланувчи, судланувчи ёхуд фуқаровий жавобгарнинг ўзаро келишганлик тўғрисидаги аризаси фуқаровий даъво бўйича иш юритишнинг тугатилишига олиб келмайди ва суриштирувчини, терговчини фуқаровий даъвога доир ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириш мажбуриятидан, судни эса фуқаровий даъвони кўриш ва ҳал қилиш мажбуриятидан озод этмайди.

Даъводан воз кечишнинг қабул қилиниши даъво бўйича иш юритишни тугатишга асос бўлади ва жиноят процессида ҳам, фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ҳам фуқаровий даъвогарни ўша шахсга худди шу асос билан даъвони қайта қўзғатиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Айблов ҳукмини чиқаришда, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ёки содир этган қилмишнинг хусусиятига ва ўзининг руҳий ҳолатига кўра шахс ижтимоий хавfli бўлмаган ҳолларда бундай чорани қўлламаслик ҳақида ажрим чиқаришда суд асосларнинг исботланиши ва даъво ҳажмини эътиборга олиб, уни тўлиқ ёки қисман қаноатлантиради ёхуд уни қаноатлантиришни рад этади.

Суд оқлов ҳукмини чиқараётганида, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқараётганида фуқаровий даъвони қондиришни куйидаги ҳолларда рад этади, башарти:

1) жиноят ёки ижтимоий хавfli қилмиш ҳодисаси юз бермаган бўлса;

2) судланувчининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш масаласи ҳал этилаётган шахснинг содир этилган жиноятга ёки ижтимоий хавfli қилмишга дахли йўқлиги аниқланган бўлса;

3) судланувчининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш масаласи ҳал этилаётган шахснинг мулкий зиён келтирган ҳаракати зарурий мудофаа чегарасидан чиқмаган ҳолда содир этилган бўлса.

Судланувчи томонидан содир этилган қилмиш жиноят деб топилмаганлиги сабабли у оқланган тақдирда, шунингдек ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган асослардан бошқа асосларга кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича иш юритиш тугатилганда суд даъвонинг исботланиш даражаси ва ҳажмини эътиборга олиб, уни тўлиқ ёки қисман қаноатлантиради ёки қаноатлантиришни рад этади.

Даъвонинг ҳажми жиноят тавсифига ва айбдорга жазо чораси тайинлашга таъсир этмаса, фуқаровий даъвони қаноатлантиришда суд даъво талаби чегарасидан чиқишга ҳақлидир. Бироқ жиноят процессида кўзғатилган фуқаровий даъво қаноатлантирилмаган тақдирда даъвогар шу шахсга ва худди шу асослар бўйича фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво кўзғатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Бу баъзан содир этилган жиноятлардан фойда олишга ҳаракат қилиб, айрим шахсларнинг виждонсизларча судма-суд юришининг олдини олади.

Жиноят предмети бўлган мол-мулк, агар аввалги эгасига қайтариб берилиши лозим бўлмаса, суд ҳукми билан давлат эгаллигига ўтказилади. Бу мол-мулк топилмаган бўлса, суд ҳукми билан, жиноят иши тугатилган бўлса, суднинг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида чиқарган ҳал қилув қарорига кўра унинг қиймати давлат фойдасига ундирилади. Айбланувчи жиноий йўл билан орттирган пуллар, буюмлар ва бошқа бойликлар суд ҳукми билан етказилган мулкий зиённи қоплаш учун сарфланади, зиённи қоплашдан ортган сумма эса давлат фойдасига ўтказилади.

Жиноят предмети бўлмиш мол-мулк учинчи шахсларда топилиб, улардан тортиб олинган ва тегишлигига қараб, қайтарилган бўлса, судланувчи томонидан ушбу мол-мулкни сотиш йўли билан орттирилган пуллар, буюмлар ва бошқа бойликлар суд ҳукми билан давлат эгаллигига ўтказилади. Мол-мулкни ҳалол йўл билан топган пулига сотиб олган шахсга бу мол-мулк эгасига қайтарилиши натижасида етказилган зиённи ундириш ҳақида маҳкумга нисбатан фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво кўзғатиш ҳуқуқи тушунтирилади.

Ҳукмнинг ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги ажримнинг фуқаровий даъвони қаноатлантиришга, шунингдек бошқа мулкий ундиришларга оид қисми фуқаровий-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ижро этилади.

8.2. Мол-мулкни жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарга қайтариш

Жиноят иши бўйича ашёвий далиллар деб топилган жиноят предметлари тергов аппаратининг ашёвий далиллар сақланадиган камерасида туради. Уларни эгаларига ўз вақтида қайтариш учун, ЖПКнинг 287-моддасида шундай деб белгиланган: «Жиноят содир этилиши натижасида жабрланувчи ёки юридик шахснинг йўқолган ва ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулки эгасига қайтарилиши лозим. Жабрланувчи вафот этган тақдирда унинг мол-мулки меросхўрларига, тугатилган юридик шахснинг мол-мулки эса, унинг ҳуқуқ ворисига ўтказилади».

Агар жиноят ишида эгасини аниқлаб бўлмаган мол-мулк мавжуд бўлса, у давлат эгалигига ўтказилади. Мол-мулкни қайтариб бериш ёки уни давлат эгалигига ўтказиш суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ажримга асосан, иш тугатилганда эса, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажримига кўра амалга оширилади.

Судда кўрилиши керак бўлган иш бўйича терговчи ёки прокурор мол-мулкни эгасига қайтариш ёки давлат мулкига айлантириш ҳақидаги масалани ўз қарори билан ҳал қила олмайди. Бундай иш бўйича бу масала фақат суднинг ваколатига киради.

Жиноят содир этилиши натижасида маҳрум бўлинган ва иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулкнинг мулкдори ёки қонуний эгаси бу мол-мулкдан воз кечса ва унинг қийматини ундириб бериш тўғрисида фуқаровий даъво кўзғатса, суд мол-мулкдан воз кечишни асосли деб топиб, фуқаровий даъвони қаноатлантирган ҳолда мол-мулкни маҳкумга ёки фуқаровий жавобгарга беради.

Суд мол-мулкдан воз кечишни асосиз деб топса, даъвони қондирмайди ёки қисман қондириб, қайтариладиган мол-мулкнинг қиймати қанчага пасайган бўлса, шу суммани ёхуд товар кўринишини йўқотганлиги сабабли (таъмирлаш зарур бўлса), таъмирлашга қилинадиган чиқим суммасини ва товонини жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар фойдасига ундириб беради. Мол-мулкнинг дастлабки ва кейинги қиймати ҳамда товар кўринишини йўқотганлик учун товон пули мутахассис ёки эксперт иштирокида аниқланади, таъмирлаш қиймати эса, таъмирлашни амалга ошираётган ва

таъмирланганлигини тасдиқлайдиган корхона берган ҳужжат асосида аниқланади.

Хусусий эгалиқда бўлиши ман қилинган мол-мулк иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бўлса, мулкдор тўғри ёки ғайриҳуқуқий равишда қўлга киритганига қараб, у реквизиция қилинади ёки мусодара этилади, яъни мол-мулк ҳақини тўлаш ёки тўламаслик шarti билан суд томонидан бундай мол-мулкка (дори-дармонлар, ўқотар қурол ва шу кабиларга) эгалиқ қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган тегишли давлат органига ёки юридик шахсга берилади.

8.3. Ҳукмнинг мулкий ундиришлар тўғрисидаги қисми ижросини таъминлаш

Жиноятлар ҳақидаги ишларни тергов қилиш ва муҳокама этиш чоғида дастлабки тергов ва суднинг олдида юзага келадиган энг қийин масала — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мол-мулкни ундириш борасидаги қарорнинг ижросини таъминлаш. Ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкни хатлаши шарт. Гарчи бошқа усуллар мавжуд бўлса-да, бу мол-мулкнинг ундирилишини таъминлашнинг энг тўғри ва қонуний усулидир.

Бироқ қонунда хатланиши мумкин бўлмаган мулк турлари санаб ўтилган (ЖПК 290-м.) Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгар оиласининг нормал турмушини таъминлаш учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй анжомлари ва жиҳозлари, кийим ва буюмлар хатланмайди.

Турар жойлар ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, мулк шаклидан қатъи назар, давлатга хоинлик қилиш, конституциявий тузумга, Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш, терроризм, қўпоровчилик жиноятлари содир этиш учун фойдаланилган ёхуд бу жиноятлар қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик ёки бошқа оғир, ўта оғир жиноятлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда — бу жойлар хатланади.

Мол-мулкни хатлаш деганда нима тушунилади? Хатлаш мулкдорга ёки мол-мулкнинг эгасига мол-мулкни тасарруф қилиш, зарур ҳолларда эса, ундан фойдаланиш ман этилганлигини эълон қилишдан ёхуд мол-мулкни тортиб

олишдан ва уни сақлаб туриш учун бошқа шахсларга топширишдан иборатдир.

Мулкни хатлаш суриштирувчи, терговчи қарори бўйича ёхуд бу тергов ҳаракатини бажаришни тергов органига топширишга ҳақли бўлган суднинг ажрими бўйича амалга оширилади. Хатлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда у ким томонидан, қачон ва қайси иш бўйича чиқарилгани, нима мақсадда ва кимнинг мол-мулки хатланиши лозимлиги, фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланаётганида эса, хатланаётган мол-мулк суммаси ҳам кўрсатилади.

Суриштирувчи ёки терговчи ҳукмнинг мулкий ундириш ёхуд мулкий йўсиндаги жазо қисмининг ижросини таъминловчи чораларни кўрмаган тақдирда, ишни юритаётган суд уларга бундай чораларни кўриш мажбуриятини юклайди. Фуқаровий даъвони қаноатлантирганда ёки бошқа мулкий ундиришларни қўллаётганда ҳукм қонуний кучга киргунига қадар, башарти олдин чора кўрилмаган бўлса, суд ҳукмнинг шу қисми ижросини таъминлайдиган чоралар кўриш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Дипломатия ваколатхоналари биноларидаги ва дипломатия вакилларига қарашли мол-мулкни хатлашда дипломатия ваколатхоналарининг биноларидан ва дипломатия вакилларида олиб қўйиш ёки уларда тинтув ўтказиш қоидаларига риоя қилиниши лозим. Суриштирувчи ёки терговчи мол-мулкни хатлаш тўғрисида ЖПКнинг 90–92-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда икки нафардан кам бўлмаган холислар иштирокида баённома тузади. Баённомада хатланган барча мол-мулкнинг номи, ўлчови, оғирлиги, эскириш даражаси ва бошқа ўзига хос белгилари санаб ўтилиб, мол-мулкни хатлаётган шахснинг ҳаракатлари тўғрисидаги ва баённомага киритилган мол-мулкнинг учинчи шахсларга тегишлилиги ҳақидаги арзлар баён этилади. Мол-мулк олиб қўйилган тақдирда айнан ниманинг олинганлиги ва қаерга ёки кимга сақлаш учун топширилганлиги баённомада кўрсатилади.

Мол-мулкни хатлаш чоғида уни яшириш, йўқ қилиб юбориш ёки шикастлашга уринишлар қилинган бўлса, суриштирувчи ёки терговчи томонидан қўлланган чоралар кўрсатилиб, баённомада акс этирилиши лозим. Баённоманинг нусхаси мол-мулки рўйхатга олинган шахсга ёки унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда, мол-мулк рўйхатга олинган ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига

топширилиб тилхат олинади. Корхона, муассаса, ташкилот ёки дипломатия ваколатхонаси ҳудудидаги мол-мулкни рўйхатга олиш ўтказилган бўлса, мол-мулк хатланганлиги тўғрисидаги баён-номанинг нусхаси тегишли маъмурият ёки дипломатия ваколатхонаси вакилига топширилиб, қўл қўйдириб олинади.

Суриштирувчи ёки терговчи хатланиши лозим бўлган мулкни баҳолаши керак. Хатланаётган мол-мулк суриштирувчи ёки терговчи томонидан унинг эскириш даражасини эътиборга олиб, баҳолаш пайтидаги бозор нарҳица баҳоланади. Зарурат бўлганда мол-мулкни баҳолаш мутахассис иштирокида амалга оширилади. Пуллар, облигациялар, чеклар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар ўз қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Ҳукмнинг фуқаровий даъво қисми ижросини таъминлаш учун мол-мулкни хатлашда баённомага қиймати зиёни қоплаш учун етарли мол-мулк киритилади. Бунда мулкдор ёки мол-мулк эгаси, ўзининг фикрича, қайси мол-мулкни баённомага киритиш зарур деб ҳисобласа, шу мол-мулкни кўрсатишга ҳақлидир. Хатланган мол-мулк олиб қўйилиб, сақлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёхуд бошқа ташкилот вакилига топширилиши мумкин. Бу мол-мулк мулкдорга ёки мол-мулк эгасига, унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига ёки бошқа шахсга сақлаб туриш учун қолдирилиб, унга ушбу мол-мулкнинг тўла-тўқис сақланиши учун қонунда назарда тутилган жавобгарлик тушунтирилади ва бу ҳақда ундан тилхат олинади. Бунда муомалада бўлиши ман қилинган ашёлар ҳар қандай ҳолларда ҳам олиб қўйилиши керак. Уларни сақлаш тартиби қонун билан белгиланади.

Банк муассасаларида сақланаётган пуллар, шунингдек давлат заёми облигациялари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар олиб қўйилмайди, лекин мол-мулк хатлангани тўғрисидаги қарорни ёки ажримни олиш биланоқ, уларни харжлаш операциялари тўхтатиб қўйилади. Оқлов ҳукми қонуний кучга кирганда, жиноят иши тугатилганда, шунингдек фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда ҳамда фуқаровий даъвони қаноатлантириш юзасидан кўрилган чораларга сабаб бўлган асослар бартараф этилган бошқа ҳолларда мол-мулкнинг хатланганлиги бекор қилинади.

Тахминий тестлар

1. Жиноят процессида кимнинг фуқаровий даъволари кўриб чиқилади?

- A. Гувоҳлар ва жабрланувчилар
- B. Фуқаролар ва юридик шахслар
- C. Холислар ва таржимонлар
- D. Экспертлар ва мутахассислар
- E. Зарар етказилган ҳар қандай шахслар

2. Жиноят процессида фуқаровий даъвонинг судловга тегишлилиги нима билан аниқланади?

- A. Жиноят ишининг терговга тегишлилиги билан
- B. Содир этилган жиноятнинг оғирлиги билан
- C. Зарарнинг қопланиши зарурлиги билан
- D. Жиноят ишининг судловга тегишлилиги билан
- E. Содир этилган ножўя ҳаракатнинг тавсифланиши билан

3. Ким фуқаровий даъво кўзгаши мумкин?

- A. Айбланувчи ва унинг ҳимоячиси
- B. Гумон қилинувчи ва унинг вакили
- C. Ўзини муомала лаёқатига эга бўлмаган шахсни жинояти ёки ижтимоий хавfli қилмиши туфайли мулкый зарар кўрган деб ҳисобловчи шахс
- D. Судланувчи ва унинг адвокати
- E. Вояга етмаган айбланувчи ва унинг қонуний вакили

4. Жиноят-процессуал фаолиятнинг қайси босқичида фуқаровий даъво кўзгатилади?

- A. Жиноят ишини кўзгатиш пайтида
- B. Айблов қўйилганидан сўнг
- C. Жиноят иши кўзгатиш пайтдан бошлаб суд тергови бошлангунича
- D. Суд тергови вақтида

Е. Жиноятни тергов қилиш тамомланганидан сўнг

5. Жиноят процессида фуқаровий даъво кўзғатиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилишда давлат божи олинадами?

- А. Олинади
- В. Олинмайди
- С. Қисман олинади
- Д. Баъзан олинади
- Е. Прокурорнинг ихтиёрига кўра

Текшириш учун саволлар

1. Жиноят процессида фуқаровий даъво деганда нима тушунилади?
2. Жиноят процессида фуқаровий даъвонинг предметини нима ташкил қилади?
3. Жиноят процессида фуқаровий даъвони кўзғатиш тартиби қандай?
4. Шахсни фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар деб топишнинг процессуал тартиби қандай?
5. Реквизиция ва мол-мулкни мусодара қилиш нима?
6. Мол-мулкни хатлаш вақтида у қандай баҳоланади?
7. Мол-мулкни хатлаш чоғида уни яшириш, йўқ қилиш ёки шикастлашга уринишлар бўлса, суриштирувчи ёки терговчи қандай чора кўриши керак?
8. Мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги баённоманинг нусхаси кимга топширилади?
9. Хатланган мол-мулк қаерда сақланади?
10. Мол-мулкни хатлашни бекор қилишнинг процессуал тартиби қандай?

IX боб. Жиноятларнинг олдини олиш чоралари

9.1. Жиноятларнинг олдини олиш ва унинг аҳамияти

Жиноятларнинг олдини олиш — жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этувчи ёки уларни зарарсизлантирувчи (сусайтирувчи, чекловчи) ва бу билан уларнинг камайишини таъминловчи давлат, жамоат ва бошқа хусусиятга эга бўлган чораларнинг комплекс тизими. Унинг асосини, биринчи навбатда, давлатнинг халқ фаровонлигини ошириш, унинг маданий даражаси ва онгини юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий асосини, меҳнат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш, шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши тўғрисидаги ғамхўрлиги ташкил этиши керак.

Суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суднинг жиноятларнинг олдини олиш борасидаги иши ҳам процессуал, ҳам нопроцессуал шаклларда амалга оширилади.

Ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларни тарғиб қилиш, аҳоли орасида юридик билимларни тарқатиш, маърузалар, ваъзлар, газета ва журналларда эълон қилинадиган турли мақолалар, радио ва телевидение орқали чиқишлар, турли хил конференциялар ва давра суҳбатларининг материаллари кабилар жиноятларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Ички ишлар органларининг жамоат жойларида тартибнинг сақланишини, паспорт режимига риоя этилишини, кўча ва йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини, руҳсат этиш тизимини ва бошқаларни таъминловчи кўпгина хизматларининг нопроцессуал фаолияти ҳам кўп жиҳатдан жиноятларнинг олдини олишга қаратилган. Патруль-пост хизмати ходимлари ва оператив гуруҳлар айбдорларни жамият учун хавфли ҳаракатлар содир этаётган пайтларида аниқлайдилар ва ушлайдилар.

Жиноят процесси, умуман олганда, фуқароларни ҳуқуқий ва ахлоқий тарбиялашга ёрдам беради. Жиноят процесси жиноятларнинг ғайриижтимоий моҳиятини очиб, ҳар бир жиноят учун жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлигини ҳамда айбсиз шахсларнинг реабилитация қилинишини таъминлаб, барча босқичларда жиноятчиларнинг онгида ижобий ўзгаришлар ясайди, беқарор шахсларни бу каби қилмишлар содир этишдан сақлайди, кенг аҳоли қатламларини ҳуқуқий тартибни муҳофаза қилишга сафарбар этади.

Шу билан бирга, жиноят-процессуал қонунда бевосита мақсади жиноятларнинг олдини олиш бўлган (VI бўлим. «Жиноятларнинг олдини олиш чоралари») ҳаракатлар тизими назарда тутилган. Шу сабабли жиноятларнинг олдини олишни процессуал фаолиятнинг алоҳида тури сифатида, яъни процессуал функциялардан бири сифатида ажратиш учун барча асослар бор.

Жиноят процессида жиноятларнинг олдини олиш функцияси деганда, жиноятларнинг олдини олиш мақсадларига бўйсунувчи криминоген омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларни ҳуқуқий ва ахлоқий тарбиялашга қаратилган процессуал фаолият тушунилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг уларга мавжуд ҳолатларни баҳолашлари ва энг мақбул ҳаракат тарзини танлашлари учун муайян имконият берилганда кўрсатадиган фаолияти жиноят процессининг ЖПК 2-моддасида кўрсатилган мақсадларига эришиш даражасига жиддий таъсир этади. Жиноят процесси жиноятларнинг олдини олиш функциясининг самарадорлиги унинг мақсадларига эришиш даражасига, улар билан ҳақиқий нагижалар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ.

Жиноят-процессуал фаолият бир неча босқичлардан ташкил топади. Ушбу босқичларда жиноятларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинган ўзига хос шакллари, усул ва воситалари амал қилади. Масалан, ЖПКнинг 296-моддаси суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга жиноят ишини юритишда жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мажбуриятини юклайди; ЖПКнинг 21-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ўз ваколати доирасида жиноятнинг содир этилиш ҳолатларини аниқлаш, айбдорларни қидириб топиш ва фош этиш, одил ҳукм чиқариш, шунингдек жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш учун жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи мустаҳкамланган; ЖПКнинг 349-моддасида жамоатчиликнинг дастлабки терговда, жумладан, жиноятларнинг олдини олиш ва уларни очиш мақсадида иштирок этиши тартибга солинган. Бунинг учун терговчи жамоат бирлашмалари, жамоалар, аҳолига жиноят иши учун муҳим бўлган маълумотларни хабар қилиш, қидирилаётган шахслар ёки нарсалар қаерда жойлашганлигини айтиш ҳақида илтимос билан мурожаат қилишга ҳақлидир; ЖПКнинг 339-моддасида суриштирув органлари зиммасига жиноят содир этилишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш

мақсадида кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини амалга ошириш вазифаси юклатилган; ЖПКнинг 384-моддасида прокурор ёки унинг ўринбосарига терговчидан айблов хулосаси билан келган жиноят ишини ўрганиб чиқишда жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлари аниқланган ёки аниқланмаганлигини ҳамда уларни бартараф этиш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини текшириш талаб қилинади; ЖПКнинг 409-моддасида прокурор биринчи инстанция судида жиноятларга доир ишларни кўришда иштирок этиб, бошқа вазифалари билан бир қаторда жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳамда уларни бартараф этиш чоралари ҳақида ўз фикрини билдириши таъкидланади; ЖПКнинг 298-моддасида суддан жиноят ишини кўриш жараёнида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаганидан кейин хусусий ажрим чиқариб, унда тегишли давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, жамоалар ёки мансабдор шахслардан ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш талаб қилинади.

Ушбу нормаларни қўллаш самарадорлиги умуман жиноят процесси жиноятларнинг олдини олиш функциясининг самарадорлигига ҳам ёрдам беради. Ушбу функциянинг ижтимоий самарадорлик даражасини баҳолаш — жуда мураккаб вазифа, чунки унинг ҳал қилувчи пировард натижаси бўлмиш жиноятчилик даражасининг ўзгаришига фақат судларнинг эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-тарбиявий хусусиятга эга бўлган омиллар ҳам таъсир этади. Бироқ бундай баҳони ҳар ҳолда жиноят процессини амалга оширишда унинг мақсадига эришиш даражасидан келиб чиқиб бериш лозим.

Мақсадни белгилаш жиноятларнинг олдини олиш борасидаги процессуал фаолиятни баҳолаш мезонларини аниқлашга, бунда унинг самарадорлигини ўрганишдаги бир қанча босқичларни шартли равишда ажратишга ёрдам беради.

Биринчи босқичда жиноят ишининг материаллари жиноят ишини кўзғатиш ва дастлабки тергов (жумладан, терговгача бўлган текширув) босқичларида криминоген ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида кўрилган чораларни аниқлаш нуқтаи назаридан ўрганилади, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда тутган ўрни аниқланади.

Иккинчи босқичда — жиноят иши материаллари суд муҳока-маси давомида жиноятларнинг олдини олиш ва криминоген ҳо-латларни энг тўлиқ равишда ва ҳар томонлама аниқлаш борасида кўрилган чораларни аниқлаш нуқтаи назаридан ўрганилади. Судьянинг ЖПКнинг 395-моддасида белгиланган тартибда жи-ноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ҳақидаги ажрими унинг ушбу масалаларга муносабатини, криминоген омилларни аниқ-лашга ва бартараф этишга интилишини акс эттиради.

Шундай қилиб, суднинг бартараф этилиши лозим бўлган кри-миноген ҳолатларни энг тўлиқ, ҳар томонлама ва ишончли аниқлаши унинг жиноятларнинг олдини олиш борасидаги фаолия-ти самарадорлигининг мезонларидан биридир. Ушбу фаолиятни, аввало, жиноят иши материалларини ўрганиб баҳолаш мумкин.

Учинчи босқичда аниқланган криминоген ҳолатлар суднинг хусусий ажримида баён этилган фактларга мос келишини, унинг қонунийлиги ва асослилигини аниқлаш учун суднинг хусусий ажрими мазмуни ва (агар ишда мавжуд бўлса) терговчининг тақдимномаси текширилади.

Тўртинчи босқичда жиноятларнинг олдини олиш фаолияти-нинг самарадорлигини ўрганиш жиноят иши материаллари дои-расидан чиқади. Суд чиқарган хусусий ажримларнинг лозим даражада bajarилётганлигини унинг ўз вақтида ижро этилиши-ни аниқлаб, суднинг жиноятлар содир этилишига олиб келган шарт-шароитларнинг бартараф этилишини назорат қилиш фао-лиятини кўриб чиқиб, шунингдек судга тақдим этилган хусусий ажримни ижро этиш ҳақидаги ҳужжатларни, унга суднинг му-носабатини ўрганиш орқали аниқлаш мумкин.

Пировардида, жиноятларнинг олдини олиш борасидаги про-цессуал фаолият самарадорлигининг мезони бўлиб суднинг ху-сусий ажримида жиноятлар содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитларининг ҳақиқатда бартараф этилиши хизмат қи-лади. Шу боис ушбу фаолият самарадорлигини фақат жиноят содир этилишини мумкин қилган ҳолатларнинг бартараф этил-ганлигини инobatта олган ҳолда ижобий баҳо бериш мумкин.

9.2. Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги тақдимнома

Дастлабки тергов босқичида жиноятларнинг олдини олиш-нинг ихтисослашган илғор шакли суриштирувчи, терговчи ёки

прокурорнинг тақдимномасидир. Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ишончли аниқлаш жиноят ҳодисасининг ўзига олиб келган ҳамда мазкур сабаб ва шарт-шароитларнинг қонуний натижаси бўлган ҳолатларни текшириш билан чамбарчас боғлиқ. Айнан шу боис терговчининг уларни бартараф этиш борасидаги асосий иши процессуал нормалар шаклини олган. Ушбу фаолият нафақат айблов хулосаси ёхуд ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқиш учун судга юбориш ҳақидаги қарор чиқариш билан яқунланадиган ишлар бўйичагина эмас, балки ЖПКнинг 83, 84-моддаларида назарда тутилган асослар бўйича тутатиладиган ишлар бўйича ҳам амалга оширилиши керак.

Терговчи ўз тақдимномасида ишнинг моҳиятини баён қилади, яъни жиноятни, унинг оқибатларини тавсифлайди, сабаблари ва унга олиб келган шарт-шароитларни кўрсатади ва уларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилади. Агар жиноят ишини кўриб чиқишда жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш чоралари кўрилмаган бўлса, худди суд каби ишни қўшимча терговга қайтаришга ҳақлидир (ЖПК 384-м. 9-б., 396-м. 4-б.).

Бинобарин, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар биргаликда ЖПКнинг 82-моддасида санаб ўтилган ҳолатлар билан бирга жиноят иши бўйича аниқланиши ва ушбу масалани амалда ҳал қилиш исботланиши керак бўлган ҳолатларга киради. Бошқача айтганда, ушбу ҳолатларнинг йиғиндиси процессуал исботлаш предметини ташкил этади, шу боис терговчининг ушбу йўналишдаги фаолияти процессуал хусусиятга эга бўлиб, ЖПКда назарда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

Юридик адабиётда жиноятларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни қуйидагиларга ажратиш мумкинлиги таъкидланган:

— айбланувчида ғайриижтимоий майлларни шакллантиришга имкон берадиган шарт-шароитлар;

— айбланувчининг ғайриижтимоий қарашлари жиноий мақсадга айланадиган шарт-шароитлар;

— муайян вазиятда жиноят содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитлар.

Бироқ ҳар бир муайян вазиятда ушбу ҳолатлар тергов қилинаётган ишларнинг хусусияти билан боғлиқ бўлади.

“ Шуниси аниққи, шахсга ва жамоат тартибига қарши жиноятларга маълум бир сабаблар, шарт-шароитлар, ҳолатлар хос бўлса, ўзгалар мулкига қарши жиноятларга бошқалари хос бўлади. Худди шунингдек улар вояга етмаганлар ёки рецидивистлар жиноятлари ҳақида гап борганда ҳам кескин фарқ қилади.

Тергов жараёнида жиноятларнинг умумий ва хусусий сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш режали тартибда амалга оширилиши керак. Бундай тадбирларни амалга ошириш терговчига жиноятларнинг содир этилишига имкон берган ҳолатларнинг йиғиндисини текшириш фаолиятининг йўналишини тўғри аниқлаш имконини беради.

Уларни бартараф этишга исботлаш предметига кирувчи бошқа ҳолатларни аниқлашда қўлланиладиган воситалар билан, яъни тергов ҳаракатлари ёрдамида эришилади. Шу боис тергов режаси жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга дахлдор масалаларни аниқлашни ҳам ўз ичига олиши керак.

Кўп воқеали иш тергов қилинаётган ҳолларда алоҳида тадбирлар режасини тузган маъқул. Режалаштириш учун асос сифатида тергов қилишнинг дастлабки босқичида маълум бўлган жиноятга оид ҳақиқий маълумотлар олинади. Бундай маълумотлар терговчига ушбу жиноятни келтириб чиқарган сабаблар ва шарт-шароитлар ҳақида тусмолларни илгари суриш имконини беради.

Тергов жараёнида жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақидаги тусмолларни илгари суриш ва текшириш ушбу вазифани муваффақиятли бажариш учун шароит яратади. Бунда терговчининг алоҳида тергов ҳаракатларини (сўроқ қилиш, кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш, тинтув ўтказиш, ашёларни олиб қўйиш, эксперимент ўтказиш ва ҳ.к.) тўғри бажариши, суриштирув органлари ва жамоатчилик билан моҳирона ҳамкорлик қилиши жуда муҳим. Ушбу органлар ҳамда жамоат вакиллариининг фаолияти чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли, кўпинча уларнинг жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини аниқлаш борасидаги тадбирлари чамбарчас боғланиб кетади.

Ички ишлар органлари терговчиси ва оператив ходимларининг ҳамкорлиги процессуал, маъмурий ва оператив қилирув тадбирларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун уларнинг имкониятларини бирлаштириш заруратидан келиб чиқади.

Дастлабки тергов жараёнида терговчи нафақат тергов қилинаётган жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш чораларини кўриши, балки келажакда шунга ўхшаш жиноятлар содир этилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳам аниқлаши керак. Сабаб ва шарт-шароитларни аниқлашда текширув материаллари иложи борича тўлиқ ва ишончли бўлишига интилиш керак. Бу уларни бартараф этиш учун амалий чоралар кўриш имконини беради.

Юқорида таъкидланганидек, қонунда процессуал чоралар сифатида тегишли давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахсга жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида аниқланган жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш ҳақида тақдимнома киритиш назарда тутилган.

Шундай қилиб, тақдимнома — қонунда белгиланган мақсадларга эришиш учун, яъни жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш учун қонун асосида тузиладиган процессуал ҳужжат.

Шу ўринда суриштирув органлари, терговчилар, прокурорлар ва суд фаолиятида ушбу йўналишдаги бир қатор ижобий жиҳатлар мавжудлигини айтиш билан бир қаторда, барча амалиётчи ходимлар ҳам ушбу ишнинг муҳимлигини лозим даражада инобатта олмаётганлигини, бу масалада расмийлик ва назоратсизликка, тақдимномаларни тузишда хатоларга йўл қўяётганликларини ҳам таъкидлаш лозим.

Улардан энг кўп тарқалгани жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотлар ё умуман тушириб қолдирилишида, ё «жамоадаги тарбиявий ишлар» камчиликларига тенглаштирилишида намоён бўлади. Бундай юзаки тақдимномаларда жиноятнинг бевосита сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар чуқур очиб берилмайди ва уларни бартараф этишга доир аниқ чоралар кўрсатилмайди.

Бу каби тақдимномаларни тузишга олиб келган сабаблар нима — иш ҳолатларининг етарли текширилмаганлигими ёки ушбу ҳолатлардан сабаб ва шарт-шароитларни ажратиб олишни билмаганлигими — эканлигидан қатъи назар бундай тақдимномалар ниҳоятда расмий хусусиятга эга ва самарасиз бўлади, бунинг устига дастлабки тергов органларининг обрўсига путур еткази.

Тақдимномада тарбиявий, маъмурий, хўжалик фаолиятининг айнан қайси камчиликлари мавжудлиги, уларга қачон, қерда, ким ва кимнинг айби билан йўл қўйганлиги, қай тариқа жиноятга имкон берилганлиги аниқ кўрсатилиши зарур. Ушбу ҳолатларни аниқлаш учун махсус илмий ёки техникавий билимлар талаб этилганда, тақдимнома матнида ёки унга берилган иловада (хулосанинг нухаси ёки ундан олинган кўчирма кўринишида) экспертнинг ушбу масала ҳақидаги фикрларини келтирган маъқул. Бу эса тақдимноманинг ишончлилиги ва амалийлигини оширади.

Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини бартараф этиш учун талаб этиладиган чоралар масаласида терговчи ўз фикрини фақат соф юридик хусусиятга эга бўлган масалалар доирасида (масалан, муайян ҳуқуқий кўрсатмаларнинг бузилишида айбдор бўлган шахсларни интизомий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида) айтиши мумкин. Экологик ёки техникавий хусусиятга эга бўлган тадбирларни ўтказиш масаласида эса терговчи улар хусусида қандайдир ажримлар чиқаришдан тийилгани маъқул. Унинг корхонада технологик жараёни ўзгартириш, асбоб-ускуналарни алмаштириш, штатлар тузилишини ўзгартириш каби масалаларда айтган тақдирлари жиддий қабул қилиниши қийин. Ушбу масалалар тақдимнома йўлланган корхона, муассаса, ташкилотнинг ёхуд юқори турувчи органнинг ваколатига киради. Уларнинг ҳал этилиши терговчи амалга оширган тергов ва унинг мутахассислиги доирасидан чиқувчи кўплаб бошқарув, хўжалик, молиявий, ишлаб чиқариш омилларино инобатга олишни талаб қилади.

Тақдимнома лўнда, шу билан бирга, мазмунан равшан бўлиши, аниқ тушунилиши учун зарур ахборотга эга бўлиши керак. Мансабдор шахслар ёки жамоатчиликка ишнинг ҳолатлари ҳақида қанча ҳажмда ахборот бериш мумкин ва кераклиги ҳақидаги масалани ҳар бир муайян вазиятда иш ҳолатидан келиб чиқиб ҳал қилиш лозим. Албатта, ошкор этилиши далилларнинг йўқотилишига ёки сохталаштирилишига, кўрсатувларнинг кўнгилсиз ўзгартирилишига, фуқаролар шаъни ва қадр-қимматининг поймол этилишига олиб келиши мумкин бўлган фактларга доир маълумотларни хабар қилиш мумкин эмас. Ушбу талаблар газета мақолалари, радио ва телевидение орқали чиқишларга ҳам батамом тааллуқлидир.

Хўш, терговчи терговнинг қайси босқичида тақдимнома кiritиши керак. Одатда тақдимномалар тергов тугаганидан сўнг

берилади, бироқ буни эртароқ қилиш керак бўлган вазиятлар ҳам бўлади.

Энг умумий шаклда ушбу саволга жиноят содир этилишига имкон берган ҳолатлар аниқланган заҳоти деб жавоб бериш мумкин. Ушбу ҳолатлар ҳақида ишончли маълумотлар олинганда ва янги жиноий тажовузлар хавфи мавжуд бўлганда тақдимнома киритиш кечиктириб бўлмас чоралардан биридир.

Аммо жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш узоқ вақт давомида кўп меҳнат сарфлаб тергов қилишни, тафтишлар, экспертизалар ўтказишни талаб этиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда асосли тақдимномани фақат дастлабки терговнинг охириги босқичларидагина киритиш мумкин бўлади. Акс ҳолда терговчининг шошма-шошарлик билан берган таклифлари бир томонлама, режасиз, юзаки ва фойдасиз бўлиб чиқади.

Жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш борасидаги чораларни энг оқилона амалга ошириши мумкин бўлган орган ёки мансабдор шахсни тўғри белгилаш ҳам жуда муҳим, чунки ваколатсиз ташкилот ёки мансабдор шахсга юборилган тақдимноманинг фойдасизлиги мутлақо аниқ.

Баъзи терговчилар, тақдимнома жиноятларнинг олдини олишда ягона шакл эмас, деган фикрга асосланиб, жиноятларга олиб келадиган шарт-шароитларни бартараф этиш учун тегишли чоралар кўриш ҳақида (масалан, айбланувчининг иш жойидаги жамоа мажлисида) оғзаки таклиф бериш билан чекланиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди.

Тақдимнома – процессуал ҳужжат. У тақдимнома олувчида жиноят содир этилишига имкон берган шарт-шароитни бартараф этиш чораларини кўриш мажбуриятини, терговчида эса зарур чоралар кўрилганлигига ишонч ҳосил қилиш ҳуқуқини юзага келтиради. Ҳар қандай процессуал ҳужжат сингари, тақдимномага ҳам ёзма шакл хос бўлиб, бу аниқлик, муайянлик, ижро учун масъулият, назорат қилиш имкониятини таъминлайди.

Юридик адабиётда кўп бора таъкидланганидек, тақдимномалар бўйича кўрилган чораларнинг самарадорлигини нафақат ИИБ терговчилари, балки профилактика хизматининг ходимлари ҳам назорат қилишлари керак. Чунки улар функционал вазифаларидан келиб чиқиб корхона, муассаса,

ташкilot, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, жамоалар ёки мансабдор шахслар кўрган чораларнинг қанчалик амалий бўлганлигини текшириш имкониятига эгадирлар.

Назаримизда, бундай назоратни амалга оширишни шахсан терговчининг ўзи бир ойлик муддат билан чеклаб қўйиши керак. Ушбу муддат ичида қонунга (ЖПК 299-м.) мувофиқ, тегишли давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, жамоалар ёки мансабдор шахслар ушбу тақдимномани кўриб чиқишлари, зарур чоралар кўришлари ва кўпи билан бир ой ичида тегишли терговчи, прокурор ёки судга иш натижалар ҳақида хабар беришлари керак.

Суднинг жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги хусусий ажримни суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг тақдимномасидан кам бўлмаган юридик кучга эга. Жиноят ишини кўриш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланганидан кейин суд хусусий ажрим чиқариб, унда тегишли давлат органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, жамоат бирлашмаларидан, жамоалардан ёки мансабдор шахслардан ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилади (ЖПК 298-м.).

Бир қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра терговчилар берган тақдимномалар ва судлар чиқарган хусусий ажримларнинг ҳаммасига ҳам кўрилган чоралар ҳақида ўз вақтида ва сифатли жавоб берилмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг ушбу соҳасидаги асосий камчилик — зарур назоратнинг, аниқланган камчиликларни бартараф этишда принципиалликнинг йўқлиги, матбуот, радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари, турли хил йиғилишлар, анжуманлар, давра суҳбатлари минбарларининг имкониятларидан суист фойдаланиш ва ҳ.к.

ЖПКнинг 299-моддасида белгиланганидек, тақдимнома ёки хусусий ажрим бажарилмаган ёки виждонан бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкilotнинг айбдор раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади. Айни пайтда, ЖПКнинг 300-моддасида кўрсатилишича, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор — тақдимнома, суд эса, хусусий ажрим чиқариш йўли билан тегишли корхона, муассаса ва ташкilot раҳбарини ва жамоасини жиноятнинг олдини

олиш ёки уни фош этишда фуқаро юксак онглилик, жасорат кўрсатгани, ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида хабардор қилиши мумкин.

Тахминий тестлар

1. Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш вазифаси кимга юклатилади?

- A. Жамоалар раҳбарларига
- B. Суриштирувчига
- C. Терговчига
- D. Прокурорга
- E. Судга

2. Суриштирув органи, терговчи, прокурорнинг тақдимномаси ва суднинг хусусий ажрими кимга юборилади?

- A. Давлат органига
- B. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига
- C. Жамоага
- D. Мансабдор шахсга
- E. Барча жавоблар тўғри

3. Тақдимнома ёки хусусий ажримни кўриб чиқиш натижалари ҳақида қандай муддат ичида хабар қилиниши керак?

- A. 10 кун ичида
- B. 20 кун ичида
- C. 1 ой ичида
- D. 2 ой ичида
- E. 3 ой ичида

4. Тақдимнома ёки хусусий ажримни бажармаганлик ёки виждонан бажармаганлик учун қандай жавобгарлик белгиланган?

- A. Моддий
- B. Интизомий
- C. Маъмурий

D. Жиноий

E. Қонунда бунинг учун жавобгарлик назарда тутилмаган

5. Фуқароларнинг ижтимоий бурчини намунавий бажарганлиги тўғрисида ким тақдимнома чиқаришга ҳақли?

A. Суриштирувчи

B. Терговчи

C. Прокурор

D. Суд

E. Ушбу масала қонунда тартибга солилмаган

Тегишириш учун саволлар

1. «Жиноятларнинг олдини олиш» тушунчаси нимани билдиради?

2. Жиноятларнинг олдини олиш қандай аҳамиятга эга?

3. Жиноят процесси иштирокчиларидан кимлар жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаши шарт?

4. Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг бартараф этилганлиги ҳақида қандай процессуал ҳужжат чиқарилади?

5. Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг тақдимномаси ёхуд суднинг хусусий ажрими олинганда қандай муддатларда қандай чоралар кўрилади?

6. Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги тақдимнома ёки хусусий ажрим юзасидан чора кўрмаганлик учун қандай жавобгарлик белгиланган?

7. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд фуқаронинг ҳаракатларида ижтимоий бурчини намунали бажарганлигини кўрса, нима қилиши мумкин?

Х боб. Реабилитация

10.1. «Реабилитация» тушунчаси

Ҳозирги вақтда «реабилитация» тушунчасининг ягона таърифи на турли маълумотлар берадиган ёрдамчи адабиётда, на қонун ҳужжатларида ва на ҳуқуқий назария ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онгида мавжуд. «Реабилитация» сўзи латин тилидан келиб чиққан бўлиб «яроқлилиқнинг тикланиши» маъносини билдиради. Луғатларда ушбу тушунча суд тартибда ёки маъмурий тартибда шахснинг аввалги ҳуқуқлари, яхши номи ва обрўининг тикланиши ёхуд ногиронларнинг меҳнат лаёқатини турли даъво усуллари, шунингдек турли мосламалар ёрдамида тиклаш тарзида изоҳланади.

Совет даври адабиётида реабилитация жиноят ҳодисаси, жиноят таркиби йўқлиги, шахснинг жиноят содир этишида иштирок этганлиги исботланмаганлиги туфайли оқланиши ёки жиноят ишининг тугатилиши факти билан тенглаштирилган ёхуд асоссиз равишда жинойий таъқибга учраган фуқаролар ҳуқуқ ва обрўларининг тикланиши сифатида таърифланган. Ушбу тушунчага оқлов қарорлари ҳам, ушбу қарорни чиқаришнинг ҳуқуқий асослари, субъектлари доираси ва ҳуқуқий оқибатлари ҳам киритилган.

«Реабилитация» тушунчаси ҳозирги кунда ҳуқуқнинг ва бугунги жамият ижтимоий ҳаётининг ажралмас таркибий қисмига айланди. Қонун чиқарувчи орган уни 1930—1940 йиллардаги қатағон даври қурбонларининг хотирасини абадийлаштириш ҳамда шаъни ва қадр-қимматини тиклашга бағишланган норматив ҳужжатларда қўллади. Мазкур тушунча собиқ СССРнинг узоқ ҳудудларига зўрлик билан кўчириб юборилган халқлар ва айрим фуқароларнинг ҳуқуқий ва маънавий мақомини тиклашга бағишланган ҳуқуқий ҳужжатларнинг номларида келтирилган. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми, Раёсати ва Жиноят ишлари бўйича суд ҳайъати «реабилитация этилувчи шахс», «реабилитация этиш асослари» тушунчаларини ўзларининг қарорлари ва ажримларида қўлламоқдалар.

Адабиётда ва суд ҳужжатларида ишлатиладиган «реабилитация» тушунчасини қиёсий таҳлил қилиш унинг мазмунан бир хил эмаслигидан далолат беради. Бунинг сабабларидан бири

шундаки, маҳкумларни реабилитация этиш ҳуқуқий институти афв этиш институтидан келиб чиққан ва ривожланмоқда. Фарбий Европа мамлакатларида ва Россияда илгари реабилитация деганда, ҳукм этилиш билан боғлиқ барча ҳуқуқий маҳрумликларни бундан буён тугатиш тушунилган. У орқага қайтиш аҳамиятига эга бўлмаган ва муайян муддат ўтгач ахлоқан тузалган жиноятчиларнинг ёки жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг ҳуқуқий лаёқатини тиклашга қаратилган бўлган.

Казарма социализмининг юридик амалиётида сиёсий сабабларга кўра қатағонга учраган фуқароларнинг реабилитация этилганлари қонунга мувофиқ, ҳукм этилиши натижасида етказилган зарарни қоплатиб, қўшимча икки ойлик иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Шу боис қатағон қилинган шахсларни оқлаш собиқ СССР Олий Совети Раёсатининг «Даълат ва жамоат ташкилотларининг, шунингдек хизмат вазифаларини бажараётган мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари туфайли фуқароларга етказилган зарарни қоплаш тўғриси»даги 1981 йил 18 май фармонида ҳамда унга асосан қабул қилинган Низомга мувофиқ, тўлиқ товон (компенсация) олаётган фуқароларнинг оқланиши билан тенг аҳамиятли эмаслиги ҳақида тасаввур ҳосил бўлади. Бинобарин, ушбу ҳолда «реабилитация», афтидан, қандайдир ҳаракатларни содир этиш пайтида ушбу ҳаракатлар қонунга асосан жиноий деб топилганлиги, оқлаш эса айбсизликнинг оқибати эмас, балки қонун ўзгаришининг натижаси деб эътироф этилганлиги асосида ҳуқуқни тиклаш келажакка қаратилган. Мазкур тушунчани бу тариқа тор маънода тушунишни нафақат ҳуқуқий онг нуқсонлари билан, балки фуқароларнинг ҳақиқатда ҳимояланиш ҳуқуқини бузиш ҳоллари ўрин олган қонуннинг такомиллашмаганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Мавжуд ҳолатни тугатиш учун мазкур фармонни оқлов ҳукми чиқарилган ёки жиноят иши реабилитация этилувчи асослар бўйича тугатилган барча шахсларга қўллаш керак эди. Аммо бунинг ўрнига собиқ СССР Олий Совети Раёсатининг «30—40-йилларда ҳамда 50-йиллар бошларидаги қатағон қурбонларига нисбатан адолатни тиклаш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида»ги 1989 йил 6 май фармони чиқарилди.

Айни пайтда реабилитация юридик таълимотда жиноят ишларини оқлаш ҳамда «реабилитация этилувчи асослар бўйича», яъни 1981 йилдан кейин жиноят ишлари бўйича жиноят ҳоди-

саси бўлмаганлиги, жиноят таркиби бўлмаганлиги учун тугатишнинг ҳуқуқий оқибати сифатида талқин этилади.

Табиийки, ушбу тушунчани ана шундай кенг маънода, яъни жиноий қилмишларни содир этмаган деб топилган айбсиз шахсларга ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Қонун ўзгариб, жиноят деб ҳисобланган қилмиш жиноий бўлмай қолганда ва бунинг натижасида фуқарога нисбатан қўзғатилган иш жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли тугатилганда эса, жиноий таъқиб натижасида етказилган зарар қопланмайди.

Шундай қилиб, *реабилитация* деганда, ноқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортиш, озодликдан маҳрум қилиш, айбсиз шахсларнинг нотўғри ҳукм этилиши билан боғлиқ равишда йўқотилган ҳуқуқ ва имтиёзларнинг қайтарилиши, ҳуқуқий чеклашларнинг бартараф этилиши, шунингдек келгусида ҳуқуқий лаёқатнинг тикланиши тушунилади.

Реабилитациянинг юридик мақсади — тўлиқ фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлмаган инсонни тўла ҳуқуқли фуқарога айлантириш; ахлоқий мақсади эса — айбсиз фуқаронинг омма олдидаги ва хизмат соҳасидаги ҳаётига тушган доғни бартараф этиш, жамиятдаги яхши номини тиклаш, унинг сиёсий вазифаси эса — фуқаро ва давлат ўртасида йўқотилган ишончни тиклаш, жиноят содир этилишининг олдини олиш, давлат учун иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлмаган унинг аъзолари хонавайрон бўлишининг олдини олишдан иборат.

Илмий адабиётда «реабилитация» тушунчасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хатолари қурбонларининг ҳуқуқий мақомини ифодалашда фойдаланилади. Амалдаги ЖПКда реабилитацияга икки бобдан иборат бутун бошли еттинчи бўлим ажратилган. Энди ЖПКнинг мазкур бобларини кўриб чиқишга ўтамиз.

10.2. Реабилитациянинг асослари ва оқибатлари

Асоссиз гумон қилинган, айбланган, баъзан эса айбсиз ҳукм қилинган шахсларни реабилитация қилиш — жиноят-процессуал фаннинг муҳим институти. У фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини энг яхши тарзда таъминлаш ғояси билан суғорилган. Ўз вақтида ва тўлиқ реабилитация этилишдан асоссиз ушланган, қамалган, айбланувчи ёки судланувчи тариқасида ишга жалб этилган шахсгина манфаатдор эмас. Ҳеч ким унинг тақдирига бефарқ бўлмаслиги керак. Жамият ҳар

бир айбсиз шахснинг реабилитация этилишидан манфаатдор, шу боис реабилитация қилиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг бурчидир.

Фуқаро ўзининг айбсизлигини исботлаш мажбуриятидан озод этилган. Унинг жиноий жавобгарликка ноқонуний тортилиши ва ҳукм қилинишида жавобгарликдан хавфсираб оқлов ҳукмини чиқармасликка ҳаракат қиладиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим мансабдор шахслар айбдордирлар. У мазкур органлар ҳаракатларининг қонунга хилоф эканлигини исботлаши ҳам зарур эмас: агар худди шу асослар бўйича оқлов ҳукми чиқарилса, уларнинг айби ўз-ўзидан маълум бўлади.

Демак, бу ўринда фуқаролик жавобгарлигининг ўзига хос ҳолати кўзга ташланади, чунки бундай жавобгарлик айбдорлик ҳақидаги умумий принцип бўйича эмас, кўриб чиқиладиган вазиятларда зарар етказилганлик принципи бўйича келиб чиқади. Бу билан фуқароларни реабилитация этиш учун энг қулай шароит яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, реабилитация этиш ҳуқуқи амалда терговчи, прокурор ва судга берилган. Бунда фуқароларни реабилитация этишда суднинг ўрнига алоҳида урғу берилади.

ЖПКнинг 301-моддасига мувофиқ, шахсни реабилитация этишга оқлов ҳукми, шунингдек ЖПКнинг 83-моддасида назарда тутилган ҳолатлар, яъни иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги; унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги; унинг содир этилган жиноятга дахли йўқлиги асос бўлади.

Суд нафақат судланувчини жазога ҳукм қилишга, балки ўз ҳукми билан давлат номидан айб қўйилган шахснинг айбсизлигини тасдиқлаб уни оқлашга, айбловни нотўғри деб топишга ҳамда суд мажлисида асоссиз қатнашаётган шахснинг яхши номини тиклашга ҳам ҳақлидир. Ушбу асосда ҳар йили биринчи инстанцияда жиноят ишларини кўриб чиқиш чоғида ўнлаб одамлар оқланмоқда.

Оқлов ҳукми — одил судловнинг зарурий акти. Процессуалист олимларнинг аксарият қисми оқлов ҳукми чиқарилишини қонуний ҳодиса, одил судловнинг тўлиқ реабилитацияга олиб келувчи зарурий акти деб ҳисоблайди. Аммо ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги (ЖПК 455-м.) талаблари оқлов ҳукмига айблов ҳукмидан кам бўлмаган даражада қўйилади.

Тергов ва суд муҳокамаси босқичларида жиноят ҳодисасининг мавжудлиги жиноят ишини қўзғатиш ёки терговни давом эттиришнинг асоси сифатида исботланиши лозим. Жиноят ҳодисасининг мавжуд эмаслиги реабилитация учун асос бўлиб, турли шароитларда аниқланади. Натижада тергов ва судлов амалиётида ҳалигача кўпинча жиноят ишини тугатишнинг «жиноят ҳодисасининг йўқлиги» ва «жиноят таркибининг йўқлиги» сингари асослари чалкаштириб юборилади.

Қилмишнинг ғайриқонунийлигини белгиловчи одатдаги белгилар айти пайтда қилмишда жиноят таркибининг йўқлигини ҳам ҳал қилади. Қонунда уларнинг ҳар бири битта жиноят-процессуал нормада назарда тутилиб, уларни ажратиб қўйишга ҳаракат қилинган.

Айбланувчи ёки судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганида, терговчи ёки суд тергов предметини ташкил қилган қилмиш ҳақиқатан ҳам содир этилганлиги, айнан шу қилмиш содир этилганлиги, аммо унда жиноят таркиби йўқлигига ишонч ҳосил қилади. Қилмиш жиноят қонунда белгиланган тақиқни бузмаслиги ёки кам аҳамиятлилиги сабабли ижтимоий хавф туғдирмаслиги, шу боис жиноят бўлмаслиги мумкин. Бошқача айтганда, қилмишда жиноят таркиби элементларидан бири — объект, қилмиш ва кимгадир етказилган зиён ўртасидаги сабабий алоқадорлик (объектив томон, айб ва ҳ.к.) — бўлмаганида, шахс ҳаракатларида жиноят таркибининг йўқлиги жиноят ишини тугатиш ёки оқлов ҳукмини чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

10.3. Реабилитация этилишнинг мулкӣ ва бошқа оқибатлари

Реабилитация тўлиқ ва қисман реабилитацияларга бўлинади, аммо ҳар қандай ҳолда ҳам у муайян зиённинг қопланиши билан боғлиқ бўлади. Реабилитация этилишнинг мулкӣ ва бошқа оқибатлари ЖПКнинг 302-моддасида назарда тутилган: реабилитация этилган шахс қонунга хилоф равишда ушлаб турилгани, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлангани, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани туфайли вазифасидан қонунга хилоф равишда четлаштирилгани ёхуд тиббий муассасага жойлаштирилгани натижасида унга етказилган мулкӣ зарарни ундириш ҳамда маънавий зиён оқибатлари бартараф этилишини талаб қилиш

ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда реабилитация этилган шахснинг ЖПКнинг 310-моддасида назарда тутилган меҳнат қилиш, нафақа олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқлари ҳам тикланиши лозим.

Асоссиз равишда зарар кўрган фуқароларга зиённи қоплаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида муайян ҳуқуқий нормаларга ўзига хос юридик пойдевор қўювчи ҳамда фуқаронинг давлат ва унинг органлари (мансабдор шахслари) билан оммавий-ҳуқуқий муносабатларининг моҳиятини белгиловчи бир неча назарий принцип ётади. Асосий принциплар куйидагилардир:

1) давлатнинг етказилган зиён учун фуқаро олдидаги жавобгарлиги;

2) бевосита зарар етказган шахснинг фуқаро олдидаги жавобгарлиги;

3) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган (мансабдор шахс)нинг иммунитетини.

Турли мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимларида ушбу принципларнинг турли хил нисбати кузатилади. Бу эса жавобгарлик хусусияти ва субъектларини, репрессив талаблар доирасини, жиноий таъқиб туфайли етказилган зарарни қоплаш ҳақида даъво тушган тақдирда судьялар, айбловчилар, полициячиларнинг дахлсизлик даражасини белгилаб беради. Реабилитация этиладиган фуқароларга етказилган зарарни қоплаш асосан континентал ҳуқуқда (роман-герман типига мансуб давлатларда) ишлаб чиқилган тизимдир.

Айбланувчи ёки маҳкумга мулкӣ зиён етказилган тақдирда бундай зиён ушбу органлар мансабдор шахсларининг айбидан қатъи назар тўлиқ қопланади. Бундай ёндашув катта назарий ва амалӣ аҳамиятга эга.

Агар фуқаро суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси давомида ўзига ўзи қарши гапириб ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилган ва бу билан жиноий жавобгарликка ноқонуний тортилиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиниш, шунингдек ҳукм этилишга сабаб бўлган тақдирда, зиён қопланмайди.

Бироқ М. С. Строгович: «Агар ўзига ўзи қарши гапириш терговчи ёки суриштирувни амалга ошираётган шахснинг ноқонуний ҳаракатлари туфайли юз берган бўлса, бундай ҳолларда аниқланган ўзига-ўзи қарши гапириш реабилитация этилган инсонни зиённи қоплаш ҳуқуқидан маҳрум этмайди: ахир ҳақиқатни аниқлашга айбланувчи тўсқинлик қилмаган, у

ўзига зиён етказилишига ёрдам бермаган, буларнинг барчаси суриштирув ва дастлабки тергов органининг мансабдор шахсидан келиб чиққан»¹, — деб ёзган эди. Ушбу ҳолларда давлат зиённи қоплаш харажатларини ўз зиммасига олади.

Реабилитация дастлабки терговда ҳам юз берганлиги сабабли, нафақат процессуал мажбурлов чоралари қўлланилганда, балки суд чораларини қўллаган ҳолларда ҳам мулкий зиённи қоплаш масалалар юзага келади (масалан, реабилитация назорат тартибида ёки янги очилган ҳолатлар туфайли қонуний кучга кирган ҳукм бекор қилинганидан сўнг қўшимча терговда ишни тугатиш орқали амалга оширилаётган бўлса ва бунда айбланувчи ўзига тайинланган жазо чорасини қисман ёки тўлиқ ўтаб бўлган бўлса).

Масалан, озодликдан маҳрум қилиш натижасида маҳкум аввалги иш жойидан бўшатилади, аввалги маошини йўқотади, озодликдан маҳрум қилмаган ҳолда ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганда эса унинг иш ҳақидан муайян қисми ушлаб қолинади. Ишни тугатиб ҳукм бекор қилинган тақдирда озодликдан маҳрум қилмасдан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахснинг иш ҳақидан ушлаб қолинган пул суммаси унга тўлиқ қайтарилади. Озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жиноий жазо қўлланилганда ҳам реабилитация муносабати билан худди шу нарса юз беради.

Шу билан бирга, мулкий хусусиятга эга бўлган жазо тайинланган, масалан, мол-мулки мусодара қилинган ёки жарима солинган маҳкум реабилитация этилган тақдирда, мусодара этилган мулкни қайтариш, унинг қийматини ёки тўланган жарима қийматини қоплаш учун асос пайдо бўлади.

10.4. Қисман реабилитация этиш

Юқорида таъкидланганидек, реабилитация тўлиқ ёки қисман бўлиши мумкин. Қисман реабилитация этиш айбланувчи ёки маҳкумга етказилган даражада мулкий зиённи қоплаш ва маънавий зарарни бартараф этишга сабаб бўлади.

ЖПКнинг 303-моддасига мувофиқ, шахснинг қисман реабилитация этилишига қуйидагилар асос бўлади:

1) шахс қамокда сақлаб турилганига қараганда камроқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганлиги;

¹ Строгович М. С. Признание обвиняемым своей вины в качестве судебного доказательства // Сов. гос. и право. 1982. № 4. С. 74.

2) ҳукмдан айблов қисман чиқариб ташланиши ва бунинг натижасида қонунга кўра қамоқда сақлаш ёки озодликдан маҳрум қилиш мумкин эмаслиги;

3) озодликдан маҳрум қилиш муддатининг юқори суд томонидан ҳақиқатан ўталган муддатга қараганда камайтирилганлиги ёхуд бошқа енгилроқ жазо тури билан алмаштирилганлиги;

4) жиноий жазо тайинламай ҳукм чиқарилган ҳолларда ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, тиббий муассасага жойлаштиришнинг асоссизлиги.

Шахснинг қамоқда бўлган муддатига қараганда камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилиниши, барибир ҳукм этилиш фактини билдиради, салбий жиноий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган судланганликни яратади. Ҳатто шахс қамоқда бўлган муддатига қараганда камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганда ҳам меҳнат ва турар жой ҳуқуқий муносабатлари маҳкум учун ёмон томонга ўзгариши мумкин. Маҳкум аввалги иш ҳақи ва бошқа моддий неъматлари йўқолишида намоён бўладиган мулкый зарар кўради.

Бундан ташқари, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганда ҳам, гарчи бундай ҳукм қилишнинг оқибатлари озодликдан маҳрум қилишдаги оқибатларга қараганда енгилроқ бўлса ҳам, у ҳар ҳолда шахснинг оммавий қораланишига, ахлоқи салбий баҳоланишига олиб келади, фуқаронинг яхши номига доғ тушади ва обрўси кетади. Бунда суд судланувчининг айбсизлигини таъкидламайди, хато ҳукмга йўл қўймайди. Аксинча, унинг ҳукми қонуний ва етарлича асосли бўлади. Ахир, ўзгартирилган маҳрум қилиш муддати Жиноят кодексининг 55-моддасида, шунингдек унда назарда тутилмаган моддада белгиланган бўлади. Қонунда терговчи ёки прокурорга бундай ҳолатларни инобатга олиш мажбурияти юклатилади. Бунинг устига ишни судда кўриб чиқиш пайтига келиб, дастлабки тергов даврида номаълум бўлган янги ҳолатлар (касалик, ногиронликка чалиниш, яқинларининг вафот этиши ва ш.к.) пайдо бўлиши мумкин.

Ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва одиллигини текширишнинг бундай ҳолларида тафтиш асослари мавжуд, жазо эса кассация ва назорат тартибида ўзгартирилиши мумкин.

Қонунда назарда тутилган жазога қараганда енгилроқ жазо

тайинланиши ҳам истисно этилмаиди (ЖК 57-м.). Гарчи бундай вазият «алоҳида ҳолатлар»да юз берса ҳам, амалиётда унчалик кам учрамаиди (ўрганиб чиқилган жиноят ишларининг 50 % да учрайди).

Алоҳида ҳоллар деб содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини анча камайтирадиган ҳолатлар тушунилади. Кассация инстанциясидаги суд ҳукмининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш жараёнида қуйидаги ҳолларни текшириши шарт: суд бундай ҳолатларни аниқлаганми; улар жазо тайинлашда инобатга олинганми; ҳукмининг тавсифлаш қисмида ҳукмга айнан қайси ҳолатлар асос қилиб олинганлиги кўрсатилганми?

Ҳукмдан айбловнинг бир қисми олиб ташланиши суднинг айблов ҳажми, айб шакли ёки маҳкумнинг жиноят содир этишда иштирок этиш шарти, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги ҳақида нотўғри хулосага келганлигини билдиради. Биринчи инстанция судининг ана шу хатосини кассация ва назорат инстанциясидаги суд тузатиши керак.

Шундай вазиятларда айбловнинг ортиқча ҳажми жиноят қонунини нотўғри қўллаш билан, айниқса жиноий жавобгарликни белгилашда, давом этаётган ва такрорий содир этилган жиноятларни фарқлашда, бир гуруҳ шахслар жиноят содир этганда ҳар бирининг жавобгарлигини аниқлашда, жиноятнинг тавсифловчи белгиларини аниқлашда (ушбу белгилар бунинг устига жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш ҳақидаги қарорлар ҳамда ҳукмларда аниқ кўрсатилмаиди) йўл қўйиладиган хатолар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Бундай айблов ҳажми шахснинг жиноятни охирига етказишдан ихтиёрий қайтишининг ҳуқуқий оқибатларини белгилашга, агар амалда содир этган қилмишида бошқа жиноят таркибининг барча аломатлари бўлса, жиноятни охирига етказишдан ихтиёрий қайтган шахс ЖК бўйича жавобгарликка тортилиши лозимлигини писанд қилмасликка боғлиқ бўлиши мумкин (ЖК 26-м. 3-қ.).

Айблов ҳажмини нотўғри белгилаш дастлабки жиноий фаолиятни, айниқса жиноят қилишга уринишни ҳамда тугалланган жиноят учун жиноий жавобгарлик бошланиши учун барча зарур шарт-шароитлар мавжудлигини аниқлашдан келиб чиқади.

Суд хатолари қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатларни тартибга солувчи ЖК моддаларини нотўғри қўллашда ҳам намоён бўлади. Бундай ҳолатларга охириги зарурат:

зарурий мудофаа; ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш; буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш; касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик, шунингдек зарурий мудофаа доирасидан чиққанида ва хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда ўлдириб қўйиш кабилар киради.

Кўриб турганимиздек, жиноят ҳуқуқининг институтлари жуда мураккаб бўлиб, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида хатоларга олиб келади. Бунинг асосида ҳукмдан айблов қисмини олиб ташлаш мумкин бўлади. Бу нарса жиноий жавобгарлик субъектлари доирасининг аниқ белгиланмаганида ҳам, шунингдек жиноят содир этишда иштирок этадиган бир гуруҳ шахсларнинг мавжудлигини ёки мавжуд бўлмаганлигини аниқлашда хатоларга йўл қўйилишида ҳам, айрим ҳолларда жиноий жавобгарликка тортилган шахс айбининг шакли ва даражасини аниқлаш қийинлигида ёхуд айблилик ҳақидаги ҳулосанинг асоссизлигида ҳам ва, ниҳоят, кимнидир ўта хавфли рецидивист деб топиш шартлари ва тартибини белгиловчи қонунни нотўғри қўллашда ҳам намоён бўлади (ЖК 34-м. 3–6-қ.).

Таъкидлаш лозимки, ҳукмдан айблов қисмини чиқариш асосан ЖК нормаларини нотўғри қўллаш билан боғлиқ (ЖПК 484-м. 1-қ. 4-б., 488-м.). Бу ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини кассация ҳамда назорат тартибида текшириш жараёнида аниқланади. ЖПКнинг 481-моддасида бундай вазиятнинг бўлиши мумкинлиги назарда тутилган ва тегишли судга ишни янгитдан кўриб чиқишга бермай туриб, ҳукмга зарур ўзгартишлар киритиш мумкинлиги, аммо бунда жазони кучайтиришга ва оғирроқ жиноят ҳақидаги қонунни қўллашга йўл қўймаслиги назарда тутилган. Бундай ўзгартишларни қисман реабилитация этиш деб ҳисоблаш мумкин. Бу каби реабилитацияни қарор топган вазиятда қамоққа олиш ёки озодликдан маҳрум қилишни тақиқлаш билан боғлаб бўлмайди.

Бу ўринда яна шуни таъкидлаш лозимки, ЖПКнинг 493-моддасида қатъий буйруқ шаклида айтилганидек, жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриб, суд ЖПКнинг 83-моддаси ва 84-моддасининг 1 ва 4-қисмларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек биринчи инстанция судида кўриб чиқилган далиллар судланувчини айбли деб топиш учун етарли бўлмаса ва қўшимча далиллар тўшлаш имконияти қолмаган бўлса, айблов ҳукмини бекор қилади ва жиноят ишини тугатади.

Юқори турувчи суд озодликдан маҳрум қилиш муддатини амалда ўталганига нисбатан камроқ муддатгача камайтирган ёки енгилроқ жазо турига алмаштирганда, қуйидаги икки гуруҳ асослар мавжуд бўлади:

1) тайинланган жазо жиноятни нотўғри тавсифлаш натижасида ҳаддан ташқари қаттиқ бўлиши мумкин, суд жиноятнинг ижтимоий хавфини, судланувчининг шахсини, унинг айб依илик даражасини нотўғри баҳолаган ёки жавобгарликни енгиллаштирувчи бирор ҳолатни эътиборсиз қолдирган бўлиши мумкин в ҳ.к.;

2) жазони анча камайтиришга имкон берадиган енгиллаштирувчи, жумладан, алоҳида ҳоллар инобатга олинмаган бўлиши мумкин.

10.5. Реабилитация этилган шахсга етказилган зарарни қоплаш тартиби ва унинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш

ЖПКнинг 304-моддасига мувофиқ, реабилитация этилган шахсга ЖПКнинг 302 ва 303-моддаларида кўрсатилган қонунга хилоф ҳаракатлар билан етказилган мулкий зиён тўла ҳажмда қопланади. Зиённи қоплаш давлат ҳисобидан амалга оширилади. Бунда ЖПК 304-моддасининг 1, 3, 4, 5 ва 6-бандларида кўрсатилган зиён молия органлари томонидан, 2-бандида кўрсатилган зиён ижтимоий таъминот органлари томонидан давлат бюджети ҳисобидан қопланади. 3-бандда кўрсатилган мулк асли ҳолига қайтарилади, бунинг иложи бўлмаса, молия органлари унинг қийматини қоплайди.

Реабилитация этилган шахс вафот этган тақдирда ушбу модданинг 1, 3, 4, 5 ва 6-бандларида назарда тутилган зиённи ундириш ҳуқуқига унинг меросхўрлари, 2-бандида назарда тутилган зиённи ундириш ҳуқуқига эса боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланиши лозим бўлганлар жумласига кирувчи оила аъзолари эга бўладилар.

Агар қонунга хилоф равишда ҳукм қилинган ёхуд жиноий жавобгарликка ноқонуний тортилган фуқаро пенсия олиш учун муружаат этган кунга келиб ишламаётган ёки судлангунига ёхуд жиноий жавобгарликка тортилгунига қадар олганидан кам миқдорда маош олаётган бўлса, унга судлангунича ёхуд жиноий жавобгарликка тортилгунича эгаллаб турган лавозимида ёки бошқа ўхшаш лавозимда ҳукм қонуний кучга кирган ёхуд жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарор (ажрим) чиқарилган пайтдаги маошдан келиб чиқиб пенсия тайинланади.

Имтиёзли шартлар билан пенсия тайинлашда имтиёзли миқдорларда лавозимдан четлатилганлиги туфайли фуқаро қамоқда сақланган, жазо ўтаган вақт пенсия олиш учун мурожаат этган шахснинг танлови бўйича ё қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиниш ёки жиноий жавобгарликка тортилишгача бўлган ишга ёхуд жиноий жавобгарликдан ёки жазони ўташдан озод этилганидан кейинги ишига тенглаштирилади.

ЖПК 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра чиқарилган оқлов ҳукмида ёки ишни тугатиш ҳақидаги ажримда (қарорда) суд, ишни тугатиш тўғрисидаги қарорда эса терговчи, прокурор реабилитация этилган шахснинг ўзига етказилган мулкӣ зиённи ундириб олиш ҳуқуқини эътироф этишлари лозим.

Бироқ бир қатор ҳолларда жиноят ишини юритишнинг тугатилиши жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг реабилитация этилишига олиб келмайди. Бундай ҳолларга қуйидагилар киради: шахснинг амнистия ёки афв этиш акти чиқарилганлиги туфайли жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиниши; жазога тортиш муддатининг ўтиши, аҳволининг ўзгариши, ишнинг вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияга топширилиши.

Кейинчалик жиноят ишлари юқорида санаб ўтилган ҳолатлар бўйича тугатилган фуқароларни жиноий жавобгарликка тортиш уларга моддий зарар етказилиши билан боғлиқ бўлган бўлиши мумкин. Лекин мулкӣ жавобгарлик махсус қонунда фақат суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг нотўғри хизмат ҳаракатлари учунгина назарда тутилиши керак. Бу ўринда эса зарар қонунга мувофиқ ҳаракатлар туфайли етказилмоқда. Жиноят ишлари жиноят аломатлари аниқланганлиги туфайли кўзғатилган. Кейинчалик тергов ёки суд муҳокамаси билан айбдорларни жиноий жавобгарликка ва жазога тортиш учун асосларнинг етарчилиги аниқланган, аммо юқорида келтирилган сабаблар туфайли ушбу шахсларга нисбатан жиноий жазо ўрнига маъмурий ёки жамоат таъсири чоралари қўлланилган ёхуд (амнистия акти, жазо муддати ўтганлиги туфайли) ҳеч қандай чора умуман қўлланилмаган. Шу боис мазкур реабилитация этувчи асослар айни вақтда зарарни қоплаш ҳуқуқини истисно этувчи ҳолатлар ҳисобланади.

Бундан ташқари, фуқаролик қонун ҳужжатларида жабрланувчининг айби қоплаш миқдорига таъсир этадиган (ёки

зарарни қоплаш ҳуқуқини истисно этадиган) ҳоллар назарда тутилган. Жамият манфаатлари йўлида нафақат бировнинг соғлиғи ёки мулкига зиён етказганлик учун жавобгарлик белгилаш, балки ўз соғлиғи ва мулкига нисбатан эҳтиёткорона муносабатни тарбиялаш ҳам зарур. Шу сабабли қонунда жабрланувчининг ўзи зарар юзага келиши ёки унинг ортишига имкон берган вазиятларда унинг учун фойдали бўлмаган оқибатлар келиб чиқиши назарда тутилган. Бироқ жабрланувчи ўз ниятини амалга ошириш учун қилган ҳаракатлари натижасида юзага келтирган оқибатлар билан ушбу ҳаракатларнинг ўзи ўртасидаги зарур сабабий алоқадорлик аниқланиши керак. Шу боис жабрланувчи ўзига қарши жиноий таъқиб қўлланилишини келтириб чиқаришга ҳаракат қилган бўлса ҳам, аммо асоссиз чоралар қўлланилишининг сабаби бутунлай бошқа бўлса, зарарни қоплашни рад этиш ҳақидаги масалани қўйиш тўғри бўлмайди. Жиноят-процессуал қонунда кўрсатувлар беришга мажбурлаш тақиқлангани тўғри, мажбурлашда айбли бўлган шахс эса қаттиқ жавобгарликка тортилиши керак. Бунинг устига жабрланувчи руҳий сабаблар (тушкунликка тушиши, асабийлашиши ва ҳ.к.), тажрибасизлиги ёки ҳуқуқий саводсизлиги туфайли қайси ҳолатлар оқловчи ҳолат бўлишини ёки иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятни ўзгартирувчи бўлишини била олмаслиги мумкин.

Жабрланувчининг айбини ҳисобга олишнинг ягона мезони унинг содир этган ҳаракатларига нисбатан лозим даражада исботланган субъектив муносабати бўлиши керак, бунда фақат жабрланувчининг зарар етказишга бўлган қасди эътиборга олиниши мумкин.

Қонунга хилоф тарзда ҳукм этилганлиги ёки ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилганлиги учун лавозимдан четлаштирилганлиги туфайли ишдан ёки лавозимдан бўшатишга шахс мурожаат этган кундан бошлаб қўпи билан 5 ойлик муддат ичида, агар ушбу мурожаат оқлов ҳукми чиқарилган ёки иш тугатилган пайтдан бошлаб уч ой ичида қилинган бўлса, аввалги иши (лавозими) қайтарилиши керак, бунинг иложи бўлмаган (корхона, муассаса тугатилган, лавозим қисқартирилган) тақдирда эса, шунингдек қонунда назарда тутилган ва ишда (лавозимда) тиклашга тўсқинлик қилувчи бошқа асослар мавжуд бўлганда — бошқа тенг аҳамиятли иш берилиши керак.

Меҳнат дафтарчасига ёзилган ишдан (лавозимдан) озод қилиш ёки четлаштириш ҳақидаги ёзув ҳақиқий эмас деб то-

пилади. Шахнинг илтимосига кўра, корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти унга ҳақиқий эмас деб топилган ёзув киритилмаган меҳнат дафтарчасининг дубликатини беради.

Айни пайтда етказилган мулкий зарарни қоплаш чоралари кўрилади. Мулкий зиённинг миқдори ҳисоблаб чиқарилганидан кейин бу зиённи қоплаш учун пул тўловларини амалга ошириш тўғрисида суд ажрим, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради. Ажрим ёки қарорнинг нускаси гербли муҳр билан тасдиқланиб, тўловни амалга ошириши лозим бўлган органларга тақдим этиш учун реабилитация этилган шахсга, у вафот этган бўлса, оила аъзоларига берилади ёки юборилади (ЖПК 307-м.).

Қонунда манфаатдор шахсларга мулкий зарарни қоплаш ҳужжатлари хусусида шикоят қилиш имконияти берилган. ЖПКнинг 308-моддасига мувофиқ, терговчининг, прокурорнинг пул тўловини амалга ошириш тўғрисидаги қарори устидан манфаатдор шахслар қонунда назарда тутилган тартибда ва муддатда судга шикоят қилишлари мумкин. Суднинг тўловни амалга ошириш тўғрисидаги ажрими устидан манфаатдор шахслар юқори судга умумий тартибда шикоят қилишлари, прокурор эса протест киритиши мумкин.

Шахс ушлаб турилганлиги, қамалганлиги, лавозимидан четлаштирилганлиги, тиббий муассасага жойлаштирилганлиги ёки ҳукм қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинган, радио, телевидение ёки бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган тақдирда, реабилитация этилган шахснинг, у вафот этган бўлса, қариндошларининг, суд, прокурор, терговчининг талабига кўра тегишли оммавий ахборот воситалари унинг реабилитация этилганлиги тўғрисида бир ой ичида хабар беришлари шарт (ЖПК 309-м.). Агар улар буни қилишдан бош тортсалар, суд тартибида жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Реабилитация этилган шахснинг қонунга хилоф равишда эҳтиёт чораси тариқасида қамокда сақланган вақти, жазо ўтаган вақти, лавозимидан четлаштирилганлиги туфайли ишламай юрган вақти, тиббий муассасада сақланган вақти умумий меҳнат стажига ва ихтисослик бўйича иш стажига кўшилади. Агар оқлов ҳукми қонуний кучга кирган ёхуд жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарор (ажрим) чиқарилган кун билан ишга кириш куни ўртасидаги танаффус уч ойдан ортиқ бўлмаса, бу вақт узлуксиз стажга ҳам кўшилади.

Меҳнат стажи, қишлоқ хўжалик корхонасидаги иш стажи унинг ходимларига турли хил имтиёзлар ва афзалликлар берилган, жумладан, махсус суғурта бўйича пенсия тайинланган барча ҳолларда инобатга олинади.

Ишчи ва хизматчиларга ушбу стаж имтиёзли шартларда, имтиёзли миқдорда ва белгиланган хизмат муддати учун пенсия тайинлашда, мутахассислик бўйича ишлаш муддатига қараб ойлик маош (лавозим маоши) миқдори белгиланаётганида, шунингдек белгиланган иш муддати учун ҳамда корхона, муассаса, ташкилотнинг бир йиллик иш натижалари бўйича бир марталик мукофот тўланаётганида ҳам инобатга олинади.

Амалдаги қонун ҳужжатларида реабилитация этилган шахснинг турар жой ҳуқуқларини тиклаш ҳақидаги масала етарлича тўлиқ ҳал этилмаган деб ўйлаймиз. ЖПК 310-моддасининг 4-қисмида белгиланганидек, қонунга хилоф равишда ҳукм этилгани ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилгани туфайли уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган бундай шахсга илгари у эгаллаб турган уй-жой қайтарилади, башарти уни қайтариб беришнинг имкони бўлмаса, ўша аҳоли пунктининг ўзида аввалгисига тенг қулайликларга эга бўлган уй-жой берилди. Бунда ҳокимлик ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг маъмурияти реабилитация этилган шахсга илгариги турар жойини қайтариши, бунинг иложи бўлмаганида эса белгиланган тартибда навбатдан ташқари ўша аҳоли пунктида тенг қийматли обод турар жой бериши шарт. Бунда амалдаги нормалар ва оиласининг таркиби инобатга олинishi керак.

Шахснинг меҳнат қилиш, пенсия олиш ва уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқларини тиклаш, шунингдек мол-мулкни қайтариш ёки унинг қийматини тўлаш тўғрисидаги талаби қаноатлантирилмаган бўлса ёхуд шахс қабул қилинган қарорга рози бўлмаса, у тегишли талаб билан фуқаролик (даъво) ишини юритиш тартибида судга мурожаат қилишга ҳақлидир (ЖПК 311-м.).

Худди шу қоида қонунга хилоф тарзда ҳукм этилганлиги, қамоқда сақланганлиги ёки тиббий муассасага жойлаштирилганлиги муносабати билан ўқув юртидан четлатилган шахсга ҳам тааллуқлидир, чунки бундай шахснинг илтимоси билан у ўқишда тикланиши керак.

Бироқ қонунда реабилитация қилиш ҳақидаги талабларни тақдим этишнинг муайян муддатлари белгиланган. ЖПКнинг 312-моддасига мувофиқ, мулкий зиённи қоплаш учун пул товони тўлашни реабилитация этилган шахс ёки у вафот этган

тақдирда унинг меросхўрлари ва оила аъзолари бундай тўловларни амалга ошириш ҳақидаги ажрим ёки қарорни олган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида талаб қилишлари мумкин.

Бошқа ҳуқуқларни тиклашни реабилитация этилган шахс ҳуқуқларини тиклаш тартибини тушунтирувчи билдириш хати олган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида талаб қилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра бу муддат ўтказиб юборилган ҳолларда у манфаатдор шахснинг аризасига биноан терговчи, прокурор ёки суд томонидан тикланиши лозим.

Реабилитация этилган турли ижтимоий мақомга эга бўлган шахслар (ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, судьялар)нинг мулкӣ ёки бошқа ҳуқуқларини тиклаш муайян хусусиятларга эга. Қонунга хилоф равишда ҳукм этилганлиги сабабли ҳарбий ёки бошқа унвонларидан, шунингдек орден ва медалларидан маҳрум этилган фуқарога нисбатан жиноят ишини тугатиб ҳукмни бекор қилган суднинг тақдимномаси бўйича белгиланган тартибда унвонларни тиклаш ҳамда орден ва медалларни қайтариш ҳақидаги масала ҳал этилади.

ЖПКнинг 313-моддасига мувофиқ, реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкӣ зиённи қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш амалдаги жиноят-процессуал қонунда белгиланган қоидаларга мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Мудофаа вазири, Ички ишлар вазири ва Миллий хавфсизлик хизмати раиси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тахминий тестлар

1. Шахсни тўлиқ реабилитация қилиш учун нима асос бўлади?

- A. Оқлов ҳукми
- B. Жиноят ҳодисасининг йўқлиги
- C. Жиноят таркибининг йўқлиги
- D. Шахснинг жиноят содир этишга алоқадор эмаслиги
- E. Барча жавоблар тўғри

2. Қайси ҳолларда реабилитация этилган шахс мулкӣ зарарни қоплаш ва маънавий зарарнинг оқибатларини бартараф этиш ҳуқуқига эга бўлмайди?

- A. Оқлов ҳукми
- B. Ноқонуний ушлаб туриш
- C. Эҳтиёт чораси сифатида ғайриқонуний қамоқда сақлаш
- D. Лавозимдан ноқонуний четлатиш
- E. Гумон қилинувчи тариқасида сўроқ қилиш

3. Шахсни қисман реабилитация этиш учун нима асос бўлади?

- A. Шахснинг қамоқда бўлган муддатига қараганда кам муддатга озодликдан маҳрум қилиниши
- B. Юқори турувчи суднинг озодликдан маҳрум қилиш муддатини амалда ўтаб бўлинган муддатга қараганда камроқ миқдоргача пасайтириши
- C. Жиноий жазо тайинланмай туриб ҳукм қилинган ҳолларда ноқонуний ушлаб туриш, қамоққа олиш, тиббий муассасага жойлаштириш
- D. Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхатга алмаштириш
- E. Ҳукмдан айблов қисмининг олиб ташланиши, бунинг натижасида қонунга мувофиқ, қамоққа олиш ёки озодликдан маҳрум қилишга йўл қўйилмайди

4. Реабилитация этилган шахсга етказилган мулкӣ зарарни ким қоплайди?

- A. Молиявий органлар ва ижтимоий таъминот органлари
- B. Реабилитация этилган шахснинг турар жойидаги маҳалла қўмитаси
- C. Реабилитация этилган шахснинг иш жойидаги жамоалар
- D. Суриштирув органи, терговчи, прокурор
- E. ИИБ бошлиғи

5. Реабилитация этилган шахсдан ариза тушган кундан бошлаб қандай муддатда зарар миқдори ҳақида қарор қабул қилади?

- A. Олинган заҳоти
- B. Кўпи билан 7 кун ичида
- C. Кўпи билан 15 кун ичида
- D. Кўпи билан 1 ой ичида
- E. Кўпи билан 3 ой ичида

Текшириш учун саволлар

1. Жиноят процессида реабилитация деганда нима тушунилади ва у қандай аҳамиятига эга?
2. Реабилитациянинг қандай турлари мавжуд?
3. Реабилитация этиш учун қандай асослар бўлиши керак?
4. Қисман реабилитация этилишнинг оқибатлари қандай?
5. Реабилитация этилган шахсга зарарни қоплаш ва ҳуқуқларини тиклаш тартиби қандай?
6. Ҳарбий хизматчиларнинг мулкӣ ва бошқа ҳуқуқларини тиклашнинг хусусиятлари қандай?
7. Реабилитация муддатлари борми?

XI боб. Процессуал муддатлар ва чиқимлар

11.1. Процессуал муддатлар: тушунчаси, аҳамияти ва турлари

Процессуал муддатлар ҳақидаги масала процессуал шакл билан боғлиқ бўлиб, унга риоя этиш барча ҳаракатлар ва қарорларни жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга ошириш билан уйғун ҳолдагина жиноят ишларини қўзғатиш, тергов қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг қонунийлиги ва ўз вақтида бўлиши учун ҳақиқий кафолат бўлиб хизмат қилади. Шу муносабат билан ЖПКда (39-боб) белгиланган муддатлар жиноятларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш вазифаларининг бажарилишини таъминловчи муҳим кафолатдир. Хўш, процессуал муддат нима?

Процессуал муддат – жиноят-процессуал ҳаракат содир этилиши керак бўлган ёки уни содир этишдан тийилиш талаб этиладиган вақт оралиғи. Процессуал муддатлар ЖПКда белгиланганлиги сабабли, улар ҳуқуқ нормаси ҳисобланади ва ҳуқуқни ташкил этувчи хусусиятга эга бўлади. Бу шуни билдирадики, агар процесснинг бир субъекти жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган муайян вақт давомида қандайдир ҳаракатни бажариши мумкин ёки шарт бўлса, бошқа субъект ушбу ҳаракатни амалга ошириш учун имкон бериши, уни содир этишга тўсқинлик қилмаслиги ёки қандайдир ҳаракатларни содир этишдан тийилиши шарт бўлади.

Процессуал муддатлар муайян таснифлашга муҳтож. Аниқ ифодаланиш даражасига кўра, жиноят-процессуал нормаларнинг уч тури ажратилади: 1) қонуннинг жиноят-процессуал ҳаракатни дарҳол содир этишни буюрувчи нормалари (масалан, ЖПКнинг 221-моддасига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят бўйича иш қўзғатишлари шарт); 2) қонуннинг аниқ ифодаланган муддатларни белгиловчи нормалари эса (масалан, ЖПКнинг 475-моддасида айтилишича, ҳукм эълон қилинганидан кейин уч суткадан кечиктирилмай, ҳажми катта бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирилмай, унинг нусхаси маҳкумга ва оқланган шахсга берилиши лозим. Бошқа тарафларга ҳукм нусхаси ёки унинг кўчирмаси шу муддатда, уларнинг илтимосларига асосан берилади); 3) қонуннинг аниқ муддат белгиламайдиган, аммо

муайян ҳаракатларни умумий муддатларда содир этиш учун ружсат берадиган нормалари. Масалан, ЖПКнинг 333-моддасида, ЖПК 83-моддасининг 1 ва 2-бандларида ҳамда 84-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Бу ҳақда жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс хабардор қилинади. Бунда уларга қарор ёки ажрим устидан шикоят қилиш ҳуқуқлари ва тартиби тушунтирилиши лозим. Аммо қайси муддатда шикоят берилиши мумкинлиги қонунда айтилмаган.

Юқорида таъкидланганидек, процессуал муддатлар жиноят-процессуал кафолатларнинг турларидан биридир. Шу боис барча муддатларни яна қуйидаги гуруҳларга бўлиб таснифлаш мумкин:

– жиноятларни дастлабки тергов ва судда кўриб чиқиш тезлигини кафолатловчи муддатлар: жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби (ЖПК 329-м.), суриштирув юритиш муддати (ЖПК 341-м.), дастлабки тергов муддатлари (ЖПК 351-м.), терговчининг топшириқларини бажариш (ЖПК 347-м.), жиноят ишининг прокурорга юборилиши (ЖПК 381-м.), прокурорнинг ваколатлари (ЖПК 382-м.), айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурорнинг қарори (ЖПК 385-м.), жиноят ишининг судловга тегишлилигига кўра ўтказилиши (ЖПК 393-м.), жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ёхуд бошқача қарор қабул қилиш тартиби (ЖПК 395-м.), ҳукмнинг нусхасини маҳкумга ва оқланган шахсга бериш (ЖПК 475-м.), суд ҳукмлари, ажримларини (қарорларини) кассация тартибида қайта кўриб чиқишга йўл қўйиладиган муддат (ЖПК 500-м.), суд ҳукмлари, ажримларини (қарорларини) назорат тартибида қайта кўриб чиқишга йўл қўйиладиган муддат (ЖПК 513-м.), назорат протести билдириш ҳақидаги илтимосларни кўриб чиқиш муддатлари (ЖПК 514-м.) ва бошқалар;

– жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи муддатлар: сўроқ қилиш муддатлари (ЖПК 110-м.), ушлаб туриш муддатлари (ЖПК 226-м.), қамоққа олиш (ЖПК 242-м.), қамоқда сақлаб туриш муддати (ЖПК 245-м.), жиноят иши қўшимча терговга қайтарилганда қамоқда сақлаб

туриш муддатини ҳисоблаб чиқиш (ЖПК 246-м.), мулкীয় зиёни қоплаш учун пул товони тўлашни талаб қилиш муддати (ЖПК 312-м.) ва бошқалар;

— прокурорнинг дастлабки тергов ва судда қонунга риоя этилишини назорат қилишини кафолатловчи муддатлар: почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш (ЖПК 166-м.), телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тартиби (ЖПК 170-м.), прокурорнинг процессуал мажбурлов чоралари қўлланилиши тўғрисидаги кўрсатмасининг мажбурийлиги (ЖПК 219-м.), эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш тартиби (ЖПК 243-м.), айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим (ЖПК 256-м.), шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим (ЖПК 266-м.), жиноят ишини қўзғатиш тартиби (ЖПК 331-м.), жиноят ишини иш қўзғатилганидан кейин юбориш (ЖПК 336-м.), жиноят ишини бошқаларга ўтказиш (ЖПК 348-м.), дастлабки терговни тўхтатиш асослари ва тартиби (ЖПК 364-м.), тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайта тиклаш (ЖПК 371-м.), жиноят ишининг прокурорга юборилиши (ЖПК 381-м.), айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурорнинг қарори (ЖПК 385-м.), жиноят ишини судга юбориш (ЖПК 388-м.) ва бошқалар.

Келтирилган тасниф, гарчи шартли бўлса-да, билиш хусусиятига эга ва шу билан бирга процессуал муддатларнинг моҳиятини энг аниқ акс эттиради. ЖПКнинг 314-моддасига кўра, амалдаги ЖПКда белгиланган муддатлар, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан тайинланган муддатлар соатлар, суткалар ва ойлар билан ҳисобланади. Муддатларни ҳисоблашда муддатнинг ўтиши бошланган соат, сутка ҳисобга олинмайди, аммо бу қоида ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатларини ҳисоблашга тааллуқли эмас.

Муддатни ҳисоблашда ишдан холи вақт ҳам эътиборга олинади. Муддатлар суткалар билан ҳисобланганда муддат охириги суткада соат 24-00 да тугайди. Тегишли ҳаракат судда, прокуратурада ёки бошқа давлат муассасасида бажарилиши лозим бўлса, муддат ушбу муассасаларда иш вақти тамом бўлиши билан тугайди.

Ойлар билан ҳисобланадиган муддат охириги ойнинг муддат

бошланган кунига тўғри келган санасида тугайди, муддатнинг тугаши тегишли санаси бўлмаган ойга тўғри келса, муддат шу ойнинг сўнги суткасида тамом бўлади. Муддатнинг тугаши ишланмайдиган кунга (дам олиш, байрам кунига) тўғри келса, муддат шундан кейинги биринчи иш кунига тугайди, ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатини ҳисоблаш ҳоллари бундан мустасно.

ЖПКнинг 315-моддасига биноан, шахсни ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий муассасага жойлаштиришда муддат ушбу чоралар амалда қўлланилган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатлари ўтгач, шахс дарҳол озод қилиниши лозим.

Шикоят, илтимоснома ёки бошқа ҳужжат муддат тугагунига қадар уни қабул қилишга ваколатли шахсга топширилган ёхуд хабар қилинган бўлса, муддатга риоя этилган деб ҳисобланади. Шикоят, илтимоснома ёки бошқа ҳужжат муддат тугагунига қадар почтага топширилган бўлса, қамоқда сақланаётган ёхуд тиббий муассасадаги шахслар учун эса, дастлабки қамоқ ёки тиббий муассаса маъмуриятига топширилган бўлса, муддат ўтган деб ҳисобланмайди.

Процессуал муддатларнинг мавжудлиги процесснинг барча иштирокчиларини интизомли бўлишга ундайди, уларга муайян ҳаракатларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини юклайди. Муддатларнинг бузилиши уларга риоя этиши шарт бўлган шахсларга тегишли оқибатлар келтириши мумкин.

Процессуал муддатларга риоя этилиши дастлабки тергов ва судда қонунийликка риоя этилиш кўрсаткичларидан биридир. Прокурор назорати ҳам ана шунга қаратилган. Бироқ ушбу муддатлар ЖПКда назарда тутилган ҳоллардагина узайтирилиши мумкин.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан муайян ҳаракатни бажариш учун белгиланган муддат процесснинг манфаатдор иштирокчиси қилган илтимосга биноан муддатни белгилаган суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан узайтирилиши мумкин (ЖПК 316-м.).

ЖПКнинг 317-моддасига мувофиқ, камдан-кам ҳолларда узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат иш юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан тикланиши лозим. Ўтказиб юборилган

муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантириш ёки рад этиш хусусида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Муддатни тиклашнинг рад этилиши устидан умумий тартибда шикоят қилиниши ва протест билдирилиши мумкин.

Белгиланган муддат ўтказиб юборилганидан сўнг шикоят қилинганда ажрим ёки қарорнинг ижроси манфаатдор процесс иштирокчисининг илтимосига биноан, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги масала ҳал қилингунига қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

Бироқ суд айбланувчини қамоқда сақлаш муддати тугаган, ишнинг ҳолати бўйича эса қамоқда сақлаш кўринишидаги эҳтиёт чораси мумкин бўлмаган жиноят ишини қайта терговга юборганда, қамоқда сақлаш муддатини терговни назорат қилувчи прокурор иш унга келиб тушган пайтдан бошлаб бир ой ичида узайтириши мумкин. Мазкур муддатни бундан кейинги узайтириш айбланувчи қамоқда бўлган вақтни инобатга олган ҳолда иш умумий тартибда судга юборилгунча амалга оширилади.

11.2. Процессуал чиқимлар ва уларни қоплаш

Процессуал чиқимлар — жиноят процессининг айрим иштирокчиларига улар ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун, шунингдек ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш кабилар учун тўланадиган пул суммалари. Улар давлат ҳисобидан тўланади ва, ЖПКнинг 318-моддасига мувофиқ, қуйидагилардан иборат бўлади:

1) жабрланувчилар ва уларнинг вакиллари, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларга уларнинг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб кетиш, турар жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун, шунингдек суткалик харажат пули тариқасида бериладиган суммадан;

2) доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчилар ва уларнинг вакиллари, гувоҳлар ҳамда ҳолисларга уларни одатдаги машғулотида чалғитганлик учун тўланадиган суммадан;

3) экспертлар, таржимонлар, мутахассисларга улар суриштирув, дастлабки тергов ёки судда ўз вазифаларини бажарганлиги учун тўланадиган ҳақдан (ана шу вазифалар хизмат топшириғи тартибида бажарилган ҳоллар бундан мустасно);

4) судланувчи тўловдан озод қилинган тақдирда юридик

ёрдам кўрсатганлик учун ҳимоячига тўланадиган ҳақдан (ишни юрилтаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат ҳисобидан бўлади);

5) ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш билан боғлиқ харажатлар суммасидан;

6) экспертиза муассасаларида экспертиза ўтказиш учун сарфланган суммадан;

7) шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш учун қилинган харажатлардан;

8) жиноят ишини юритишда қилинган бошқа харажатлардан иборат бўлади.

Юқорида дастлабки тўрт бандда кўрсатилган суммалар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади.

ЖПКнинг 319-моддасига мувофиқ, гувоҳ тариқасида, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси тариқасида чақириладиган шахснинг суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга чақирилганлиги билан боғлиқ буткул вақт учун уларнинг иш жойида ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

Жиноятларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш жараёнида барча процессуал чиқимлар, жумладан, дастлабки тергов органлари ва суднинг муайян жиноят иши бўйича харажатлари ушбу иш материалларида қайд этилган бўлиши, яъни зарур ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак. Тергов якунлангач, терговчи маълумотнома тузади, унда маҳкумдан ундирилиши лозим бўлган процессуал чиқимларни акс эттиради. Маълумотномада жиноят ишининг харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлари тикилган бетлар кўрсатилади. Маълумотнома айблов хулосасига берилган иловаларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Процессуал чиқимлар, мазкур модданинг олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмларида назарда тутилганидан ташқари ҳолларда, маҳкумлардан ундирилади ёки давлат ҳисобига ўтказилади. Суд процессуал чиқимларни, таржимонга тўланган сум-

мадан ташқари, маҳкумдан ундиришга ҳақли. Процессуал чиқимлар жазодан озод қилинган маҳкум, шунингдек жазо тайинланмаган маҳкум зиммасига юклатилиши мумкин. Суд бир неча судланувчини айбли деб топган тақдирда, уларнинг ҳар биридан қанча миқдорда процессуал чиқимларни ундириш лозимлигини белгилайди. Бу ҳолда суд айбнинг оғир ёки енгиллигини, жиноят учун жавобгарлик даражаси ва маҳкумларнинг мулкӣ аҳволини инобатга олади.

Судланувчи оқланган ёки ЖПКнинг 83-моддасига мувофиқ иш тугатилган тақдирда процессуал чиқимлар давлат ҳисобига ўтказилади. Судланувчи бир айблов бўйича оқланган, бошқа айблов бўйича эса айбли деб топилган бўлса, суд у айбли деб топилган айблов билан боғлиқ процессуал чиқимларни тўлашни унинг зиммасига юклайди.

Процессуал чиқимлар ундирилиши лозим бўлган шахснинг тўловга моддий имконияти бўлмаган тақдирда чиқимлар давлат ҳисобига ўтказилади. Маҳкумнинг процессуал чиқимни тўлаши унинг қарамоғида бўлганларнинг моддий аҳволига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, суд маҳкумни процессуал чиқимларнинг ҳаммасини ёхуд бир қисмини тўлашдан озод этишга ҳақлидир. Маҳкум ҳуқуқий ёрдам учун тўловдан озод этилган тақдирда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ процессуал чиқимлар, шунингдек таржимонга бериладиган пуллар давлат ҳисобидан тўланади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга қонунда белги-ланган тартибда қақирилган процесс иштирокчисининг узрсиз сабабларга кўра келмаслиги оқибатида ишнинг судда кўрили-шини ёхуд тергов ҳаракатлари ўтказишни кечиктириш билан боғлиқ процессуал чиқимлар ана шу келмаган шахсдан унди-рилади. Моддий жавобгарлик: адвокат узрсиз сабабларга кўра келмагани учун тегишли адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига, жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси узрсиз сабабларга кўра келмагани учун тегишли жамоат бирлашмаси ёхуд жамоага юклатилиши мумкин.

Суд вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни кўриб чиқаётганида, процессуал чиқимларни тўлашни вояга ет-маганнинг хулқ-атвори устидан тегишли назорат йўқлигида айби бўлган тақдирда вояга етмаган маҳкумнинг ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга юклаши мумкин. Жабрланувчининг шикоятӣ бўйича қўзғатилган иш юзасидан судланувчи оқланган тақдирда суд процессуал чиқимларни

дастлабки тергов ўтказиш ва жиноятни судда кўриб чиқишга сабаб бўлган шикоятни берган шахсдан тўлиқ ёки қисман ундиришга ҳақлидир.

Тахминий тестлар

1. Ўзбекистон Республикаси ЖПКда белгиланган муддатлар қандай ҳисобланади?

- A. Соатларда
- B. Суткаларда
- C. Ойларда
- D. Соатларда, суткаларда, ойларда
- E. Минутларда

2. Суткаларда ҳисобланадиган муддат қачон тугайди?

- A. Охирги сутканинг 24.00 соатида
- B. Суд, прокуратура, бошқа давлат муассасасининг иш вақти тугаган пайтда
- C. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг ихтиёри бўйича
- D. Буни фақат терговчи ҳал қилади
- E. Буни суд ҳал қилади

3. Ойларда ҳисобланадиган муддат қачон тугайди?

- A. Охирги ойнинг санаси бўйича муддатнинг биринчи кунига мос келувчи кунда
- B. Ушбу ойнинг охирги кунда
- C. Ишланмайдиган (дам олиш, байрам) кунидан кейинги биринчи иш кунда
- D. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг ихтиёрига кўра
- E. Суднинг ихтиёрига кўра

4. Муддат қачон чора амалда қўлланилган пайдан бошлаб ҳисобланмайди?

- A. Ушлаб туришда
- B. Қамоққа олишда

- C. Шахсни тиббий муассасага жойлаштиришда
- D. Лавозимдан четлаштиришда
- E. Ҳарбий қисм қўмондонлиги кузатувининг белгиланиши

5. Узрли сабаблар бўйича ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳуқуқи кимга берилган?

- A. Туман ҳокимига
- B. Суриштирувчига
- C. Терговчига
- D. Прокурорга
- E. Судга

Текшириш учун саволлар

1. Жиноят процессида муддат деганда нима тушунилади?
2. Жиноят процессида муддатларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Процессуал муддатларни ҳисоблаш, узайтириш ва тиклаш тартиби қандай?
4. Процессуал чиқимлар нималардан ташкил топади?
5. Процессуал чиқимларни ундириш тартиби қандай?

МАХСУС ҚИСМ

ХII боб. Жиноят ишини қўзғатиш босқичи

12.1. Жиноят ишини қўзғатиш босқичи ва унинг аҳамияти

Суриштирув органи, терговчи, прокурор ва суднинг жиноятчиликка қарши кураш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиши кўп жиҳатдан жиноят ишининг тўғри ва ўз вақтида қўзғатилишига боғлиқ.

Жиноят ишини қўзғатиш – жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, жиноят иши ундан бошланади. Бу босқич жиноят процессининг ЖПК 2-моддасида кўрсатилган умумий вазифаларини бажаришга хизмат қилади. Лекин, бундан ташқари, у мустақил вазифага – жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш вазифасига ҳам эга.

Ушбу босқичнинг моҳияти шундаки, суриштирув органи, терговчи, прокурор ва суд ўзларига маълум бўлиб қолган ҳолида жиноят белгиларини аниқлаб, жиноят иши бўйича иш юритишни бошлаш ҳақида қарор қабул қиладилар. Бундай аломатлар бўлмаганида, шунингдек жиноят ишини юритишни истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда эса, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилади.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичи мазмунан (жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш ҳақида) тегишли процессуал ҳужжат чиқаришдангина иборат эмас. Унга жиноят ҳақида берилган ариза ёки хабар бўйича якуний қарор чиқаришдан аввал келувчи бир қатор масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш борасидаги процессуал фаолият ҳам киради. Жиноят ишини қўзғатиш учун ЖПК 322-м. 1–5-бандларида мустаҳкамланган маълумотлар ҳам сабаб бўлади. Бунда қуйидагиларни текшириш лозим:

- тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят ҳақидаги хабар жиноят ишини қўзғатиш учун қонуний сабаб бўладими;
- жиноят ҳақидаги хабардан олинган маълумотларда акс этган фактларда жиноят аломатлари борми;
- жиноят ЖКнинг қайси моддаси бўйича тавсифланиши мумкин;

– қандай аниқ маълумотлар асосида олинган хабарда акс этган фактлар ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган деб топилади;

– жиноят ҳолатлари бўйича ҳодиса жойини кўздан кечириш керак эмасми;

– дастлабки текширув ўтказиш зарурати юзага келадими ва агар бундай зарурат мавжуд бўлса, қандай текширув ҳаракатлари ўтказилиши керак;

– ушбу орган ва муайян мансабдор шахс жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масалани ҳал қилишга ҳақлими ёхуд мавжуд материаллар терговга тегишлилиги бўйича юборилиши керакми (330, 335-мм.);

– жиноят ишини қўзғатишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар аниқланмадими;

– материалларни жамоат таъсири чораларини кўриш учун жиноят ишини қўзғатмасдан туриб юбориш асослари мавжуд эмасми (ЖПК 334-моддасида белгиланган тартибда);

– жиноят иши қўзғатилган тақдирда суриштирув ёки терговни ким олиб бориши керак;

– жиноят фақат жабрланувчининг шикояти бўйича қўзғатиладиган (ЖПК 325-м.) ва у айбланувчи билан ярашган тақдирда тугатиладиган жиноятлар (ЖК 66-м.) сирасига кирмайдими, бундай ҳолда судья ярашув учун қандай чоралар кўриши мумкин;

– жиноятнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш учун, шунингдек жиноят изларини қайд этиш ва сақлаб қолиш учун қандай чоралар кўрилиши керак.

Мазкур масалалар жиноят ишини қўзғатиш ёхуд қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилганига қадар ҳал этилиши сабабли, қонунда назарда тутилган ҳаракатлар амалга оширилиши ва қўйидаги ҳужжатлар тузилиши мумкин: аризачи била туриб ёлгон хабар берганлик учун жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилганлиги ҳақида у имзолаган оғзаки ариза баённомаси; айбига иқрор бўлиб келганлик ҳақида баённома; корхона, муассаса ва ташкилотлардан, шунингдек фуқаролардан дастлабки текширув давомида тушунтиришлар олиш; терговчи ёки прокурорнинг суриштирув органига дастлабки текширув давомида оператив қидирув чоралари ўтказиш зарурлиги ҳақида берган хабарлари; ҳужжатларни терговга ёки судловга тегишлилиги бўйича юбориш ҳақидаги қарор; ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси; экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор.

Шундай қилиб, жиноят ишини қўзғатиш босқичида кенг доирадаги жиноят-процессуал ҳаракатлар бажарилади, унинг субъектлари бўлиб жиноят ҳақида ариза берган шахс (фуқаро, муассаса, корхона ёки ташкилот), суриштирув органи, терговчи, прокурор ёки судья, шунингдек жамоатчилик вакиллари, фуқаролар майдонга чиқади, ҳамда ушбу босқич давомида жиноят-процессуал муносабатларнинг бутун бошли тизимини юзага келтирувчи бир қатор процессуал ҳужжатлар чиқарилади. Ушбу босқичга ҳам қонуңда белгиланган муайян процессуал шакл хос бўлиб, унга қатъий риоя этиш жиноятлар ҳақидаги дастлабки материаллар бўйича чиқариладиган қарорларнинг қонунийлиги ва асосланганлигининг муҳим кафолати ҳисобланади.

Жиноят ишини қўзғатиш — жиноят содир этган шахсни жиний жавобгарликка тортиш, жазога ҳукм этиш ва жазолашнинг зарурий дастлабки шарти. У қонунда назарда тутилган процессуал мажбурлаш чоралари ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Фақат жиноят иши қўзғатилганидан кейин суриштирув органи, терговчи, прокурор ёки судья ўз ваколатлари доирасида тинтув ўтказиш, ашёларни олиб қўйиш, шахсларни гувоҳлар, жабрланувчилар сифатида сўроқ қилиш учун чақиришга ҳақлидир ва ҳ.к. Бинобарин, жиноят ишини қўзғатиш босқичи айрим фуқароларни жиний жавобгарликка, бошқаларни эса судловга асоссиз жалб этишдан сақлаш учун процессуал кафолат бўлиб хизмат қилади.

Жиноят ишини қўзғатиш нафақат ҳуқуқий, балки катта сиёсий аҳамиятга ҳам эга. Жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарорни суриштирув органи, терговчи, прокурор ва суд, яъни давлатнинг ваколатли органлари ва мансабдор шахслари қабул қилдилар. Ушбу органлар ва мансабдор шахсларнинг иш сифатига қараб аҳолида жиноятчиликка қарши курашнинг самарадорлиги, жамоат тартибини муҳофаза этишни ташкил қилиш ҳақида тасаввур шаклланади.

Суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суднинг қонунни бузиш билан боғлиқ ҳар қандай жиний ҳаракатларга нисбатан тез ва дадил чора кўриши жиноятчиликка қарши самарали курашнинг муҳим шартидир. У жиноятнинг фош этилишини ва ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсларнинг қонунда белгиланган жавобгарликка муқаррар тортилишини таъминлайди. Жиноят ишини ўз вақтида ва асосли равишда қўзғатиш ҳуқуқий

тартибнинг мустақамланишига, фуқароларнинг қонунларга қатъий риоя этиш руҳида тарбияланишига кўмаклашади.

Жиноят ишини асоссиз равишда қўзғатиш ҳам, қўзғатишни асоссиз рад этиш ҳам қонунни қўпол тарзда бузишдир. У давлатга ва жамиятга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига катта зарар етказади, жамоатчилик кўз ўнгида жиноятчиликка қарши курашиши лозим бўлган органларнинг обрўсини туширади.

Жиноят ишини асоссиз равишда қўзғатиш куч ва маблағларнинг бефойда сарфланишига, сунъий равишда ортиқча иш яратилишига олиб келади. Асос бўлмайд туриб жиноят ишини қўзғатиш янада жиддий қонун бузилишларига – ноқонуний ушлаб туриш, айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш, асоссиз равишда тинтув ўтказиш, қамоққа олиш ва бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллашга олиб келиши мумкин. Айни пайтда жиноят ишини қўзғатишни асоссиз равишда рад қилиш жиноят содир этган шахсларнинг жазоланмай қолишига олиб келади, жиний фаолиятнинг давом этиши учун шароит яратади, содир этилган жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принципи бузилади.

Фақат жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масалани қонуний ва асосли ҳал қилишгина жиноят процессининг дастлабки босқичида ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди. Ушбу вазифа прокурорнинг жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлигини назорат қилиш вазифасига киради.

12.2. Жиноят ишини қўзғатишга ваколатли бўлган органлар ва шахслар

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида жиноят ишини қўзғатишга ҳақли бўлган органлар ва шахсларнинг тўлиқ рўйхати берилган. Уларга суд (судья), прокурор, терговчи ва суриштирувчи киради (ЖПК 15, 321-мм.). Ушбу рўйхат кенгайтириб талқин этилиши мумкин эмас, бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги фармонида мувофиқ, хўжалик судларининг даъволарни кўриб чиқиш чоғида жиноят ишини қўзғатишларига рухсат берилган. Гарчи улар қўзғатган жиноят ишларининг сони юзлаб бўлса ҳам, буни барча юристлар бир хилда қабул қилмадилар. Бундан ташқари, айрим хўжалик раҳбарлари хўжалик судларига мурожаат этишдан хавф-

сираб қолдилар, чунки уларга моддий зиён етказилганлигидан ташқари, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиши ҳам мумкин бўлиб қолди. Ваҳоланки, ушбу фармоннинг дастлабки лойиҳасига хўжалик судлари нафақат жиноят ишини қўзғатишлари ҳақида, балки ўзлари уларни кўриб чиқишлари кераклиги ҳақида ҳам қоида киритилган эди. Яхшиямки, ушбу қоида ўтмади. Акс ҳолда, хўжалик судлари жинотий таъқибни амалга оширувчи органга айланиб қоларди, бу эса уларнинг фаолиятига зид келади. Суд ҳокимияти — ҳокимиятнинг мустақил тармоғи, аммо уни суиистеъмол қилиб бўлмайди¹.

Қонун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноят аниқланган ҳар бир ҳолатда жиноят ишини қўзғатиш ва жиноят ҳодисасини, жиноят содир этганликда айбдор шахсларни аниқлашга қаратилган барча чораларни кўриш ва уларни жазолаш вазифасини юклайди.

Айни пайтда иқтисодий жиноятчиликка қарши курашувчи жиноят қидирув хизматлари ва ИИБ органларининг бошқа бўлинмалари ўз ташаббуслари бўйича жиноятни ва уни содир этган шахсларни аниқлашлари, уларни қидириб топишлари ва етарли асослар бўлганда, жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарорлар чиқаришлари ва бундан келиб чиқувчи барча оқибатларни амалга оширишлари лозим.

Суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари аниқланган ҳар бир ҳолда ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишга нафақат ҳақлидирлар, балки мажбурдирлар.

Жиноят ишини суд ҳайъатда ва якка тартибда қўзғатиши мумкин. Судья, агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш чоғида ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжудлиги ҳақидаги хулосага келса, жиноят иши қўзғатишга ҳақлидир. Ушбу ҳолда судья ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишни тугатади, қўзғатилган жиноят ишини эса суриштирув ёки дастлабки тергов ўтказиш учун жўнатади.

Суд муҳокамаси вақтида судланувчи илгари айблов эълон қилинмаган жиноятни содир этганлигини ёки жинотий жавобгарликка тортилмаган шахснинг жиноят содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда ҳам суд жиноят иши қўзғатиши керак. Суд фуқаролик ишини кўриб чиқиш чоғида тарафнинг ёки бошқа шахснинг ҳаракатларида жиноят

¹ Қаранг: *Миренский Б.* Пути реформирования следственного аппарата // Ахборот бюллетени. 2000. № 6. С. 21.

аломатларини аниқлаган тақдирда ҳам жиноят ишини қўзғатиши мумкин.

Мамлакатимизда юридик шахслар ўртасидаги низони кўриб чиқаётганида тарафларидан бири бўлган фуқароларнинг ҳаракатларида жиноят таркибини аниқлаган *хўжалик судлари*га ҳам жиноят иши қўзғатиш ҳуқуқи берилган.

Прокурор қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат қилиш чоғида жиноят ишини қўзғатиш ҳақида асослантирилган қарорлар чиқариш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек ҳуқуқий тартибнинг жинойӣ бузилишига қарши чоралар кўради. У суриштирувчи ва терговчининг жиноят ишини қонуний ва асосли равишда қўзғатганлигини кузатиб боради.

Ички ишлар, прокуратура ва миллий хавфсизлик хизмати органларининг *терговчилари* қонунда уларнинг терговга тегишли қилиб белгиланган жиноят ишларини қўзғатадилар. Агар терговчига бошқа дастлабки тергов органининг терговига тегишли бўлган жиноят ҳақидаги дастлабки материал келиб тушган бўлса, у ушбу материални жиноят ишини қўзғатмасдан туриб, терговга тегишлилиги бўйича жўнатиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу ҳолда терговчи жиноятнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш, шунингдек жиноят изларини қайд этиш чораларини кўриши шарт. Бироқ, агар кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари ўтказиш зарур бўлса, терговчи жиноят иши қўзғатиши, бундай ҳаракатларни амалга ошириши, сўнтра ишни терговга тегишлилиги бўйича юбориши шарт.

Суриштирув органларининг жиноят ишини қўзғатиш бўйича ваколатлари уларнинг фаолиятига хос шароитлар ҳамда улар суриштирув ўтказётган жиноят ишларининг тоифасига қараб белгиланади. Улар орасида жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масалани ҳал этишда энг фаол ўринни милиция эгаллайди. Унинг зиммасига ҳуқуқий тартибни муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши кураш вазифалари юклатилган.

Агар суриштирув органига жиноят иши ҳақидаги материал келиб тушса, у жиноят иши қўзғатиши, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиши ва жиноят ишини терговга тегишлилиги бўйича юбориши лозим.

Инсон ҳуқуқларини кафолатлаш ва тергов сифатини ошириш манфаатлари йўлида дастлабки терговни терговчилар амалга оширганлари маъқул. Амалдаги ЖПКда ҳам ана шу йўлдан борилган. Бироқ амалиёт ижтимоий хавфи катта

бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ҳақидаги ишлар бўйича суриштирув органлари ҳам жиноят ишини судга юбориб, тергов иши ўтказишлари мумкинлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли ҳозирги вақтда суриштирув органларини тўлалигича қайта тиклаш, яъни уларнинг ваколатларини анча кенгайтириш ҳамда терговчиларга оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилиш вазифаларини қолдириш ҳақидаги масалалар кўриб чиқилмоқда.

12.3. Жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва тартиби

Жиноят ишини қўзғатиш сабаби — қонунда белгиланган ҳамда суриштирув органи, терговчи, прокурор ёки судга тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида маълумот берадиган манба. Сабабнинг мавжудлиги ушбу органларнинг жиноят ишини қўзғатиш зарурлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиш мажбуриятини юзага келтиради.

ЖПКнинг 322-моддасига кўра, жиноят ишини қўзғатиш учун:

- 1) шахсларнинг аризалари;
- 2) корхона, муассаса, ташкилот ҳамда жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;
- 3) оммавий ахборот воситаларининг хабарлари;
- 4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи аниқлаши;
- 5) айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади.

ЖПКда жиноят ҳақидаги маълумотларнинг у ёки бу манбаидан жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб сифатида фойдаланиш шартлари ва тартиби ҳам белгиланган.

Шахсларнинг аризалари. Булар жиноят ишини қўзғатишнинг амалиётда энг кўп тарқалган сабабидир. ЖПКнинг 324-моддасига мувофиқ, шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Фуқароларнинг оғзаки аризалари баённомада қайд этилади. Баённомада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- ариза қабул қилинган жой ва вақт;
- аризани қабул қилган шахснинг лавозими ва фамилияси;
- ариза берувчи ҳақидаги маълумотлар (фамилияси, исм-шарифи, туғилган йили, лавозими ва иш жойи, шахсини тасдиқловчи паспорт ёки бошқа ҳужжат, уй адреси);

– ЖКнинг 237-моддаси бўйича ариза берувчига ёлгон хабар берса, жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида тушунтирилган-лиги белги. Бу ариза берувчининг имзоси билан тасдиқланади;

– ариза мазмунининг биринчи шахс (аризачи) номидан баёни;

– баённомани аризачи ўқиганлиги ва унинг сўзларидан тўғри ёзилганлиги ҳақидаги белги, шунингдек аризачининг ва аризани қабул қилган мансабдор шахснинг имзоси.

Фуқаролар ёзма аризаларини имзолаган бўлишлари керак. Аноним ариза, яъни имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилган ариза жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўла олмайди (ЖПК 323-м.). Аноним аризада жиноятларга оид аниқ фактлар мавжуд бўлганда, уни суриштирув органи (ўз ташаббуси билан ёки прокурор, терговчи, суднинг топшириғи бўйича) текшириб чиқиши мумкин. Агар фактлар тасдиқланса, бундай ҳолда суриштирув органларининг жиноят аломатларини бевосита аниқлашлари жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўлади.

Қонуннинг аризани унинг муаллифи имзолаши шарт эканлигига оид талаби жиноят ҳақида маълумотлардан хабар берувчи фуқаронинг жавобгарлигини оширишга, пировардида, жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун асос қилиб олиш мумкин бўлган ишончли фактларни олишга қаратилган. Шу боис оғзаки ёки ёзма ариза ёхуд хабар олинган ҳар бир ҳолда аризачининг шахсини аниқлаш жиноят ишини асосли тарзда қўзғатиш учун катта аҳамиятга эга.

Қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар. Бундай хабарлар жиноят ишини қўзғатиш учун мустақил сабаб сифатида ажратилган. Бу билан жамоатчиликнинг жиноят ишини қўзғатиш босқичидаги иштирокининг аҳамияти таъкидланган. Улар ёзма шаклда (хизмат хати, тасдиқланган телефонограмма, телеграмма, радиogramма шаклида) баён этилиши мумкин. Хабар юборувчи содир этилган жиноятга оид ҳолатларни тасдиқловчи ўз ихтиёридаги ҳужжатларни хабарга илова қилиб юбориши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари берган хабарлар. Муайян жиноят тўғрисида матбуот, радио ва телевидение, ҳужжатли кинофильмлардаги, шунингдек оммавий ахборот воситаларига йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги хабарлар жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади.

Жиноят тўғрисидаги хабарни эълон қилган ёки тегишли жойларга юборган оммавий ахборот воситалари, шунингдек бу хабар муаллифлари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг талабига асосан ўз ихтиёрларида бўлган ҳужжатларни ва хабарни тасдиқловчи бошқа материалларни тақдим қилишлари шарт (ЖПК 327-м.). ЖПКда жиноят ишини қўзғатиш учун бундай сабабнинг белгиланганлиги милиция, терговчилар, прокурорлар ва судьяларга доимий равишда матбуот хабарларини кузатиб бориш ва улар бўйича чора кўриш мажбуриятини юклайди.

Муассаса, корхона ва ташкилотларнинг деворий газеталарида эълон қилинган хабарлар ЖПКда назарда тутилмаган. Деворий газеталардаги хабарлар жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш ваколатига эга бўлган органларга маълум бўлиб қолса, тегишли органнинг жиноят аломатларини бевосита аниқлаши бунинг сабаби бўлиб хизмат қилади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз. Бу — ариза берувчининг ўзи содир этган жинояти тўғрисида у шу жиноятни содир этишда гумон қилинмасидан ва унга айблов эълон қилинмасидан олдин берган хабари. У оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд оғзаки хабарни баённомада акс эттиради, унга арз қилувчининг шахсига доир маълумотлар киритилади ва унда арзнинг мазмуни биринчи шахс номидан баён қилинади. Баённомага арз қилувчи ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья имзо чекади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арзни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд баҳолайдилар (ЖПК 113-м.).

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз билан гумон қилинувчи ушланганида ўтказилган сўроқлардан кейинги чин кўнгилдан айбига иқдор бўлишни фарқлаш лозим. Бундай иқдорлик баъзан ички ишлар органлари амалиётида айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз сифатида нотўғри расмийлаштирилади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз билан мурожаат қилган шахс ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган шартлар мавжуд бўлганда ушлаб турилиши мумкин.

Суриштирув органи, терговчи, прокурор ва суднинг жиноят аломатларини бевосита аниқлаши. Ушбу сабабнинг ўзига хос жиҳати шундаки, жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масала тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида ариза, хабар ёки хат тушганлиги сабабли эмас, балки суриштирув органи, терговчи, прокурор, судья ёки суднинг ташаббуси билан ҳал

қилинади. Жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотларнинг бевосита аниқланиши қуйидаги ҳолларда жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлиши мумкин:

1) суриштирувчи маъмурий вазифани амалга ошираётганида ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича суриштирув ўтказиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

2) терговчи бошқа жиноятга доир иш бўйича дастлабки тергов юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

3) прокурор қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш пайтида ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича дастлабки тергов олиб бориш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

4) судья маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишни юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

5) суд фуқаровий ишни ёки бошқа жиноятга доир ишни юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида (ЖПК 328-м.).

Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол ёки уч суткадан кечиктирмасдан, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёки суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда, ўн суткадан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши лозим. Ушбу муддатлар жиноятга оид хабар олинган пайтдан бошлаб то ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунига қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.

Кўрсатилган муддатлар ичида қўшимча ҳужжатлар, изоҳлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин. Иш қўзғатилгунига қадар бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади (ЖПК 329-м.).

Жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларнинг тўлиқ ва қатъий ҳисобга олиб борилишини таъминлаш — жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масалани тўғри ва зарурий ҳал қилишнинг шарти. Жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларни рўйхатга олишдан яшириш, жиноятларни ҳар қандай шаклдаги ҳисобдан яшириш, шунингдек уларга нисбатан чоралар кўрмаслик қонунийликни кўпол равишда бузиш бўлиб, айбдорларга нисбатан қаттиқ чоралар, ҳатто жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган чораларни қўллашгача олиб келади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд жиноятга оид маълумотлар олинган ёки бундай маълумотларни бевосита ўзлари аниқлаган ҳар бир ҳолда қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) жиноят ишини қўзғатиш ҳақида;
- 2) ишни қўзғатишни рад қилиш ҳақида;
- 3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида (ЖПК 330-м.).

12.4. Жиноят ишини қўзғатиш асослари

Қонуний сабабдан ташқари, жиноят ишини қўзғатиш учун старли асосларнинг мавжуд бўлиши ҳам зарур. ЖПКнинг 321-моддасига мувофиқ, жиноят иши старли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда қўзғатилади.

«Жиноят ишини қўзғатиш асослари» тушунчаси жиноят аломатлари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотларни назарда тутади (ЖПК 322-м.). У иккита ўзаро чамбарчас боғлиқ унсурдан ташкил топади:

1) жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масалани ҳал қилишга ваколатли бўлган мансабдор шахсга маълум бўлиб қолган ҳолида жиноят аломатларининг мавжудлиги;

2) жиноят аломатларини аниқлашга асос бўладиган старли маълумотларнинг мавжудлиги.

Жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш пайтида жиноят таркибининг барча элементлари ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиш шарт эмас. Муайян шахсларни, айб шаклини, жиноят содир этилишининг мотивлари, усуллари ва бошқа ҳолатларини тўлиқ ва ҳар томонлама аниқлаш дастлабки тергов босқичининг, кейинчалик эса суд муҳокамасининг вазифаларидир.

Жиноят ишини қўзғатиш асосларининг зарурий элементи бўлмиш «жиноят аломатлари» тушунчасини таҳлил қилишда жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқнинг чамбарчас алоқадорлиги айниқса ёрқин намоён бўлади. Жиноят аломатларининг аниқланиши ЖКнинг муайян нормасида назарда тутилган ижтимоий хавfli, жинoий жазоланадиган қилмиш ҳақида старли маълумотлар мавжуд бўлишини тақозо этади.

Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда жинoий жазoга тортиладиган қилмишни фақат маъмурий, фуқаровий-ҳуқуқий ва бошқа муносабатларни юзага келтирувчи ҳаракатлардан фарқлаш имконини берувчи белгиларга алоҳида эъти-

бор бериш керак. Ушбу белгилар, аввало, жиноятнинг объектив томонига тааллуқли бўлиб, жиноят ҳодисасининг ўзи ҳақиқатда мавжуд бўлганлиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Жиноят ишини қўзғатиш чоғида аниқланган жиноят белгиларига мувофиқ қилмиш ЖКнинг тегишли моддаси бўйича тавсифланади. Жиноят процессини бундан кейинги юритиш давомида ушбу тавсифга аниқлик киритилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи фактик маълумотларни олиш ёки текшириш мақсадида суриштирув органи, терговчи, прокурор ёки суд муайян текширув ҳаракатларини амалга ошириши мумкин. Ушбу ҳаракатларнинг бутун маъноси ва вазифаси жиноят белгиларининг ва иш юритишни истисно этувчи ҳолатларнинг бор-йўқлигини аниқлашдан иборат. Бу нарса аниқланган заҳоти жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш ҳақида тегишли қарор қабул қилади. Текширув ҳаракатлари ҳақиқатан зарур бўлган ҳолларда ва фақат қонунда белгиланган муддатда амалга оширилиши мумкин. Агар сабабда жиноят аломатларини ёки уларнинг йўқлигини кўрсатувчи етарли фактик маълумотлар мавжуд бўлса, қарор қўшимча текширишсиз қабул қилиниши керак.

Жиноят ишини қўзғатиш асослари турли усулларда текширилади. Текширув доирасида тегишли органга тафтиш ёки инвентаризация ўтказиш ҳақида топшириқ берилиши, илмий билимларни талаб этувчи у ёки бу масалада мутахассис маслаҳати олиниши мумкин. Суриштирув органлари жиноятларни ва уларни содир этган шахсларни аниқлашга қаратилган оператив қидирув чораларини амалга оширишга ҳақлидирлар.

Жиноятга оид маълумотларни қўриб чиқиш натижасида қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

- 1) жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида;
- 2) жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида;
- 3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб жўнатиш тўғрисида.

Қабул қилинган қарор ҳақида аризачига хабар берилади.

12.5. Жиноят ишини қўзғатиш тартиби

Қонуний сабаб ёки етарли асослар бўлганда, қабул қилинадиган жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарорга, ЖККнинг 331-моддасига мувофиқ, тегишли процессуал ҳужжат шакли берилиши керак. Жиноят ишини қўзғатиш ҳақида суриштирув органи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим

чиқаради. Жиноят ишени кўзғатиш ҳақидаги қарор (ажрим) муҳим процессуал ҳужжатдир. Унга қўйиладиган талабларга қатъий риоя этиш жиноят ишени кўзғатишнинг қонунийлиги ва асосланганлигини таъминловчи кафолатлардан биридир.

Жиноят ишени кўзғатиш ҳақидаги қарор учта қисмдан, яъни кириш, тавсифлаш-асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Кириш қисмида: қарор номи, тузилган вақти ва жойи, қарор чиқарган шахснинг лавозими, унвони, фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади; тавсифлаш-асослантириш қисмида – жиноят ишени кўзғатиш сабаблари ва асослари баён этилади; хулоса қисмида эса – жиноят ишени кўзғатиш ҳақида қабул қилинаётган қарор жиноятнинг ЖК тегишли моддаси бўйича тавсифланиши ҳамда жиноят ишенинг бундан буён қаерга юборилиши кўрсатилган ҳолда берилди.

ЖПКнинг 331-моддасига мувофиқ, прокурор жиноят ишени кўзғатиш ҳақида қарор чиқарганидан сўнг ишени тергов ва суриштирув ўтказиш учун жўнатади. Терговчи дастлабки терговни амалга оширишга, суриштирув органи эса суриштирув ўтказишга киришади. Судья ишени юритиш ва дастлабки тергов ёки суриштирув ўтказиш учун жўнатади. Суриштирув органлари ёки терговчи жиноят ишени кўзғатиш ҳақида чиқарган қарорнинг нухаси дарҳол прокурорга юборилиши керак.

ЖПКнинг 337-моддасига мувофиқ, жиноят ишени кўзғатишнинг қонунийлиги устидан назорат олиб бораётган прокурор:

1) суриштирувчининг, суриштирув органи бошлигининг, терговчининг жиноят ишени кўзғатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва иш кўзғатишни рад қилишга;

2) суриштирувчининг, суриштирув органи бошлигининг, терговчининг жиноят иши кўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва айни вақтда иш кўзғатишга;

3) иш кўзғатиш тўғрисидаги ёки иш кўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан юқори турувчи судга протест беришга ҳақлидир.

Агар жиноят ишени терговни юритаётган шахс кўзғатган бўлса, жиноят ишени кўзғатиш ва уни ўз юритувига олиш ҳақида қарор чиқарилади. Суриштирувчи чиқарган жиноят ишени кўзғатиш ҳақидаги қарорни суриштирув органининг бошлиғи тасдиқлайди. У асоссиз равишда жиноят ишени кўзғатишга йўл қўймаслик учун дастлабки материалларни

шахсан ўрганиб чиқиши шарт. Жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарор юзасидан, ЖПКнинг 338-моддасига мувофиқ, шикоят берилиши мумкин.

12.6. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш асослари ва тартиби

Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш масалалари жиноят-процессуал фанда етарлича тадқиқ этилмаган. Айни пайтда дастлабки текширув вақтида жиноят иши қўзғатишни истисно этувчи ҳолатлар аниқланиши мумкин. Уларнинг рўйхати ЖПК-нинг 333-моддасида берилган.

Жиноят ишини қўзғатиш асослари мавжуд бўлмаган тақдирда, шунингдек иш юритишни истисно этувчи ҳолатлар (ЖПК 83-м. 1 ва 2-б. ва 84-м.) мавжуд бўлганда, прокурор, терговчи, суриштирув органи ва судья жиноят ишини қўзғатишни рад қиладилар. Шундай қилиб, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарни кўриб чиқиш ва текшириш вақтида қонунда кўрсатилган иш юритишга тўсқинлик қилувчи қандайдир ҳолатлар маълум бўлиб қолса, жиноят ишини қўзғатишга йўл қўйилмайди.

ЖПКнинг 83-моддасига мувофиқ, қуйидаги ҳолларда жиноят ишини қўзғатиш мумкин эмас, қўзғатилган жиноят ишлари эса тугатилиши лозим:

а) иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жинойий ҳодиса юз бермаган бўлса;

б) унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;

в) шахснинг жиноятга дахли бўлмаса.

ЖПКнинг 84-моддасига мувофиқ:

Қуйидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим, башарти:

1) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;

2) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;

3) айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;

4) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;

5) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;

б) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатилади-

ган ҳолларда унинг шикоятӣ бўлмаса, ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

7) шахс ижтимоӣ хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноӣ жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса.

Шахс ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганидан кейин, жавобгарликка тортиш муддати ўтган ёки амнистия акти қабул қилинган тақдирда, шунингдек айбланувчи вафот этган ҳолларда, агар айбланувчи ёки вафот этган айбланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юритиш умумӣ тартибда давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо белгиланмасдан чиқарилади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, жиноят иши юритишни истисно этувчи ҳолатларни жиноят ишини кўзғатиш босқичида ҳар доим ҳам аниқлаб бўлмайди. Кўпинча улар ўтказилган суриштирув ёки дастлабки тергов натижасида муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб этгандан сўнггина маълум бўлади. Шу боис, дастлабки материалларда жиноят аломатлари мавжудлигини кўрсатувчи етарли маълумотлар кўзга ташланса, гарчи тергов давомида жиноят ишини тугатишни талаб этувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда ҳам жиноят ишини кўзғатиш қонуний ва асосли бўлади.

Бироқ дастлабки материаллардан жиноят ишини кўзғатишни жамоат таъсири чораларини кўриш орқали истисно этувчи ҳолатлар мавжудлиги кўриниб турган бўлса, жиноят ишини кўзғатиш асоссиз бўлади.

Келиб тушган материалларда жиноят аломатлари борлигини кўрсатувчи маълумотлар бўлмаганида, худди шунингдек жиноят иши юритишни истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда, прокурор, терговчи, суриштирув органи ва судья жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилади (ЖПК 133-м.). Жиноят иши кўзғатишни рад қилишда шахс ҳаракатларида маъмурий ёки интизомий ноҳўя ҳаракат ёки жамоат тартибини бошқача тарзда бузиш аломатлари аниқланса, тегишли масъул органлар ва мансабдор шахслар келиб тушган аризани кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун жамоат бирлашмаси, меҳнат жамоаси, аҳоли истиқомат жойларидаги фуқаролар йиғинига маъмурий ёки интизомий тартибда ҳал қилиш учун юборишга ҳақлидирлар.

Жиноят ишини кўзғатишнинг рад қилинганлиги ҳақида ариза ёки хабар берган шахс, муассаса, корхона ёки жамоат ташки-

лоти хабардор қилинади ва уларга ушбу қарор юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқлари тушунтириб берилади. Жиноят ишини қўзғатиш асоссиз равишда рад қилинган тақдирда прокурор ўз қарори билан терговчи ёки суриштирув органининг нотўғри қарорини бекор қилади ва жиноят иши қўзғатади.

Тахминий тестлар

1. Жиноят процессининг қайси принципи жиноят ишини қўзғатиш босқичида энг тўлиқ тарзда амалга ошади?

- A. Тортишув принципи
- B. Жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги принципи
- C. Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги принципи
- D. Ошкоралик принципи
- E. Ҳақиқатни аниқлаш принципи

2. Жиноят ишини қўзғатишнинг қуйидаги таърифларидан қайси бири тўғри?

- A. Даствлабки терговнинг биринчи босқичи
- B. Мансабдор шахсларнинг процессуал фаолияти
- C. Жиноят процессининг мустақил босқичи
- D. Суриштирув босқичи
- E. Терговчининг тегишли (жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш тўғрисида) процессуал ҳужжат чиқаришга қаратилган фаолияти

3. Қуйида келтирилган тергов ҳаракатларидан қайси бирини жиноят ишини қўзғатишгача ўтказиш мумкин?

- A. Ҳодиса жойини кўздан кечириш
- B. Тинтув ўтказиш
- C. Телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалар орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш
- D. Эксперимент
- E. Сўроқ қилиш

4. Ушбу топшириқда жиноят ишини қўзғатиш сабаблари санаб ўтилган. Ушбу сабабларнинг ЎзР ЖПКда назарда тутилмаган вариантни кўрсатинг.

- A. Шахсларнинг аризалари
- B. Шоҳидларнинг кўрсатувлари
- C. Корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг хабарлари
- D. Оммавий ахборот воситаларининг хабарлари
- E. Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз

5. Прокурор, терговчи, сурништирув органи ёки судья ўз юритувларида бўлмаган ишлар бўйича содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ёки хабарларни қабул қилишга ҳақлими?

- A. Уларни қабул қилишлари шарт
- B. Бундай хабар ва аризаларни улар қабул қилмайдилар
- C. Улар қонунда белгиланган ҳоллардагина қабул қиладилар
- D. Ушбу масалани фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи юқори орган ҳал қилади
- E. Ушбу масалани юқори турувчи прокурор ҳал қилади

Текшириш учун саволлар

1. Жиноят ишини қўзғатиш босқичининг моҳияти ва аҳамияти нимада?
2. Жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларни қайд этиш тартиби қандай?
3. Жиноятлар ҳақида ариза ёки хабар келиб тушганда шаҳар, туман ва бошқа ички ишлар органларининг навбатчи ходимлари нима қилишлари керак?
4. Қайси органлар жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масалани ҳал қилишга ваколатли?
5. Жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асослари нималардан иборат?
6. Жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарлар бўйича дастлабки текширув қандай тартибда ўтказилади?
7. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилишнинг процессуал тартиби қандай?

8. Ариза ёки хабарларни терговга ёки судловга тегишлилиги бўйича юборишнинг процессуал тартиби қандай?
9. Прокурор жиноят ишини қўзғатиш босқичида қонунийликнинг бузилганлигини аниқланса, нима қилиши керак?
10. Жиноят ишини қўзғатишга қадар қандай тергов ҳаракатларини амалга ошириш мумкин?

ХIII боб. Дастлабки тергов босқичи

13.1. Суриштирув ва дастлабки тергов босқичининг моҳияти ва аҳамияти

Суриштирув ва дастлабки тергов — жиноят процессининг жиноят ишини қўзғатишдан кейинги босқичи бўлиб, ушбу босқичда суриштирув ва дастлабки тергов органлари содир этилган жиноятнинг ҳолатларини — жиноят ҳодисасини; айбланувчининг шахсини; унинг айблилиги; жиноят сабабларини; жавобгарлик даражаси ва хусусиятига таъсир этувчи ҳолатларни; етказилган зарар миқдорини; жиноят содир этилишига олиб келган шарт-шароитларни ва бошқаларни пухта ўрганишлари шарт. Мазкур ҳолатларни аниқлаш ва баҳолаш дастлабки текширув ҳисобланади, чунки шахс, Конституциянинг 26-моддасига мувофиқ, фақат суд ҳукми билангина айбдор деб топилиши ва жиний жазога тортилиши мумкин.

Суриштирув ЖПКнинг 38-моддасида кўрсатилган органларнинг фаолияти бўлиб, қуйидаги мақсадларга эга: 1) жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик; 2) далилларни тўплаш ва сақлаш; 3) жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш; 4) жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш.

Суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ЖПКнинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техник воситаларини қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилади. Ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари бу мақсадда тезкор қидирув чораларини ҳам кўришга ҳақлидирлар (ЖПК 339-м.).

Шу билан бирга, қонунда суриштирув вақтида содир этилган жиноятнинг ҳолатларини аниқлашга ёрдам берадиган тергов ҳаракатлари (сўроқ қилиш, қўздан кечириш, тинтув ўтказиш, гувоҳлантириш, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш, экспериментлар ва ҳ.к.) ўтказиш назарда тутилган. Суриштирув органлари ёки

терговчилар жиноятни очиш ва айбдорларни фош этиш, етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш, жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида муайян изчилликда амалга оширилган ушбу ҳаракатлар мажмуи, шунингдек улар қабул қиладиган процессуал қарорлар дастлабки терговнинг мазмунини ташкил қилади. Кўп ҳолларда суриштирув органлари кечиктириб бўлмас деб аталувчи тергов ҳаракатларини ўтказадилар. Таъкидлаш жоизки, ЖПКда кечиктириб бўлмас «тергов ҳаракатлари» тушунчаси ҳам, уларнинг рўйхати ҳам берилмаган. Бундай рўйхат илгари амалда бўлган ЖПКнинг 97-моддасида мавжуд эди. Иш ҳолатларига кўра ҳар қандай тергов ҳаракати муайян вазиятда кечиктириб бўлмас аҳамиятга эга бўлиши мумкинлиги сабабли, амалдаги ЖПКда илгари бўлган қоида такрорланмади.

Дастлабки тергов ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура терговчиларининг фаолияти бўлиб, ушбу фаолият жиноят иши бўйича олинган фактик маълумотларни топиш, аниқлаш, қайд этиш, текшириш, олиб қўйиш ва баҳолашга қаратилган. Мазкур маълумотлар содир этилган жиноятни очиш, шахсни айбланувчи тариқасида фош этиш ва жалб қилиш, унга нисбатан процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, жиноят сабаблари ҳамда унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг жиноят содир этилгунча эга бўлган мақомини тиклашни назарда тутувчи ҳуқуқни тиклаш функцияси мақсадларига эришиш учун исботланиши лозим бўлган ҳолатлар сифатида жиноят ишида аҳамиятга эга.

Дастлабки терговнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: жиноятни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган шахсни айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш, жиноят туфайли етказилган моддий зарарни қоплаш, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жиноят сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек келажакда суд муҳокамаси ўтказиш ҳамда адолатли, қонуний ва асосланган ҳукм чиқариш учун қулай шарт-шароит яратиш.

Мамлакатимизда барча жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шарт (ЖПК 345-м. 1-қ.). Дастлабки тергов ўтказиш умумий шартларга бўйсунди. Умумий шартлар деганда, жиноят-процессуал қонун билан тартибга солинган суриштирув

органи, терговчи, прокурорнинг процессуал ва тергов ҳаракатларини ўтказиш қоидалари тушунилади. Ушбу қоидаларга риоя этмаслик жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг кўпол тарзда бузилишига олиб келади. Айни пайтда уларга риоя этилиши жиноят иши бўйича ҳақиқатга эришиш, жумладан, жиноят процессининг ЖПК 2-моддасида кўрсатилган вазифаларнинг бажарилиши учун кафолат бўлиб хизмат қилади. Дастлабки терговнинг умумий шартларига қуйидагилар киради: терговни ваколатли мансабдор шахслар олиб бориши ҳақидаги талаб (ЖПК 344-м.); дастлабки терговнинг мажбурийлиги (ЖПК 345-м.); терговга тегишлилик қоида-сига риоя этиш (ЖПК 346-м.); терговчининг топшириқларини бажаришнинг шарт эканлиги (ЖПК 347-м.); жиноят ишини бошқаларга ўтказиш (ЖПК 348-м.); дастлабки терговда жамоатчиликнинг иштироки (ЖПК 349-м.); дастлабки терговнинг ўз вақтида бошланиши (ЖПК 350-м.); дастлабки тергов муддатларига риоя этиш (ЖПК 351-м.); тергов ҳаракатларида ҳолисларнинг иштироки (ЖПК 352-м.); жиноят ишидаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти (ЖПК 353-м.); дастлабки терговни терговчилар гуруҳига топшириш (ЖПК 354-м.); терговчилар гуруҳи раҳбарининг ваколатлари (ЖПК 355-м.); гуруҳ аъзолари бўлган терговчиларнинг ваколатлари (ЖПК 356-м.); тергов ҳаракатининг бир неча терговчи томонидан бажарилиши (ЖПК 357-м.); терговчининг ва прокурорнинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари юзасидан шикоят бериш (ЖПК 358-м.).

Конституцияда фуқароларнинг шахсий дахлсизлиги, уй-жойининг дахлсизлиги каби дастлабки тергов вақтида дахл қилиниши мумкин бўлган ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган. Уларни бузмаслик учун дастлабки терговни олиб борувчи органлар ҳар бир тергов ҳаракатларини алоҳида-алоҳида ҳамда уларнинг барчасини биргаликда юритишни тартибга солувчи жиноят-процессуал нормаларга оғишмай риоя этишлари керак.

Дастлабки терговда қонунийликка риоя этилишининг кафолатлари қуйидагилардир: а) ушбу фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг юксак онглилиги ва касбий тайёргарлиги; б) тергов бўлинмалари бошлиқларининг процессуал назорати; в) прокурор назорати; г) суд назорати.

Жиноят иши бўйича дастлабки тергов пухталиқ, ҳар томонламалик, тўлиқлик ва ҳолислик каби талабларга ҳам жавоб бериши керак (ЖПК 22-м.). Ушбу талаблар тергов органларига содир этилган жиноятнинг ҳолатлари ва хусусияти ҳақидаги ҳар қандай тахминни, иш учун аҳамиятли бўлган барча

ҳолатларни текшириш, тўпланган барча далилларни холисона баҳолаш мажбуриятини юклайди.

Дастлабки терговни ҳар томонлама, тўлиқ ва холис амалга ошириш талабларига риоя этган ҳолда юритиш жиноят иши бўйича қабул қилинадиган қарорлар тўғрилигининг шартларидан биридир. Уларнинг бажарилмаслиги, бир томондан, айбловга ён босиш хавфини, бошқа томондан эса, содир этилган жиноятнинг жазосиз қолиши хавфини келтириб чиқаради.

Дастлабки тергов катта юридик аҳамиятга эга. Унинг аҳамияти шундаки, тергов органлари жиноят, уни содир этган шахс ҳақидаги материалларни тўплайдилар ва бу билан қонун билан белгиланган жиноий жавобгарликнинг амалга ошишини ёки айбсиз шахснинг жиноий жавобгарликка тортилмаслигини таъминлайдилар. Дастлабки терговни амалга ошириш жиноий жавобгарликка тортилаётган шахснинг жиноий фаолиятига барҳам беради ва бошқа шахслар жиноят содир этишларининг олдини олишга ёрдам беради.

Ушбу ҳолат тарбиявий-профилактик аҳамиятга ҳам эга. Бу аҳамият яна шундаки, тергов давомида ғайриижтимоий мойилликлар фoш этилади ҳамда гумон қилинувчи ва айбланувчининг жазосиз қолиш мумкинлиги ҳақидаги тасавурлари чил-парчин қилинади, бу ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахсларнинг ҳуқуқий онги тўғри шаклланиши учун имконият яратилади, натижалар жамоатчиликда содир этилган жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳақида ишонч ҳосил қилади, шунингдек мазкур жиноятга барҳам бериш ва келажақда бу каби жиноятларнинг сабабларини ҳамда уларга имкон берган шарт-шароитларини бартараф этиш чоралари кўрилишини таъминлайди.

13.2. Дастлабки тергов шакллари

Дастлабки тергов босқичининг шаклларига суриштирув ва дастлабки тергов киради. Булар тергов органлари фаолиятининг турдош шаклларидир. Қонунда улар ўртасида муайян муносабат ўрнатилган бўлиб, ушбу муносабатта бир қатор умумий жиҳатлар ва фарқлар ҳосдир. Умумий жиҳатларга қуйидагилар киради: жиноятчиликка қарши курашдан иборат умумий мақсадлар, жиноят аломатлари мавжуд бўлганда ўз ваколати доирасида жиноят иши қўзғатишнинг бир хилда мажбурийлиги, фаолиятнинг ягона жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари

асосида амалга оширилиши, тергов ҳаракатларини ўтказишда ягона процессуал шаклларга риоя этиш, аниқланган фактларнинг тенг далилий аҳамиятга эга эканлиги ва ҳ.к.

Суриштирув билан дастлабки тергов ўртасидаги фарқ шунчалик муҳимки, қонунда терговнинг ушбу шаклларини ҳар хил органлар амалга ошириши назарда тутилган (ЖПК 42–43-боблар).

Суриштирув ва дастлабки тергов дастлабки терговнинг олдинма-кетин келувчи турли босқичларидир. Суриштирув дастлабки терговга нисбатан бўйсунувчи хусусиятга эга. Уларнинг фарқи суриштирув ва тергов органларининг айна бир ишни тергов қилишдаги ваколатларининг доираси билан белгиланади. Бунда, агар терговчининг ўзи жиноят иши кўзгатса ёхуд суриштирув органи уни кўзгатганидан кейин дарҳол ўз юритувига қабул қилса, суриштирув ўтказмаслиги ҳам мумкин (ЖПК 350-м.).

Шунингдек масалан, тергов ва суриштирувни юритиш муддатларида (ЖПК 341, 351-м.), терговчи ҳамда жиноят иши бўйича суриштирувни юритаётган шахснинг процессуал ваколатлари ҳажмида (ЖПК 36, 39-м.) ҳам фарқлар мавжуд.

Шундай қилиб, суриштирув ва дастлабки терговнинг ўзаро муносабатини аниқлаш терговнинг ушбу шаклларидан ҳар бири уларнинг ҳуқуқий табиатини ифодаловчи умумий жиҳатларга ҳам, уларни амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахслар ваколатлари ва функцияларидаги фарқларни кўрсатувчи ўзига хос жиҳатларига ҳам эга.

13.3. Суриштирув

Суриштирув деганда, жиноят процессида жиноятларни дастлабки тергов қилишнинг шаклларидан бири тушунилади. У жиноятчиликка қарши кураш вазифаларини бажаришга қаратилган бўлиб, процессуал хусусиятга эга. Бу шуни билдирадики, суриштирув органларининг тергов ўтказиш тартиби Жиноят-процессуал кодекс билан тартибга солинади, суриштирув давомида олинган фактик маълумотлар эса жиноят иши бўйича далилий аҳамият касб этади.

Суриштирув органлари — жиноят содир этилганлигига доир ахборот келиб тушганлиги муносабати билан терговчилар каби, процессуал фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган органлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида қуйидагилар суриштирув органлари ҳисобланади:

1) милиция;

2) ҳарбий қисмлар, кўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари — уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича; Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, кўшилма, муассаса ё ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича;

3) миллий хавфсизлик хизмати органлари — қонунга кўра уларнинг юртишига берилган ишлар бўйича;

4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, қамоқ тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхона ҳамда турмаларнинг бошлиқлари — шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича;

5) давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари — ёнғинларга доир ва ёнғинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар бўйича;

6) чегарани кўриқлаш органлари — давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича;

7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари;

8) давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари тегишинча божхона, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича.

Суриштирув органларининг фаолияти жиноят-процессуал ва оператив қидирув функцияларини бажаришга қаратилган. Ўз навбатида, суриштирув органларининг жиноят-процессуал фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади: жиноятлар ҳақидаги ариза (хабар)ларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш; жиноят ишини кўзғатиш учун бошқа сабабларнинг мавжудлиги сабабли текширув ҳаракатлари, суриштирув ўтказиш; терговчиларнинг топшириғи бўйича қидирув ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш; терговчиларнинг ўзлари ўтказадиган айрим тергов ҳаракатларида иштирок этиш.

Илгари амалда бўлган ЖПК бўйича суриштирув органларининг икки турдаги фаолияти мавжуд бўлган: суриштирув органларининг дастлабки тергов ўтказиш шарт бўлган ишлар бўйича фаолияти ҳамда суриштирув органларининг дастлабки тергов ўтказиш шарт бўлмаган ишлар бўйича фаолияти.

Суриштирув органи биринчи турдаги фаолият бўйича жиноят иши қўзғатилганидан кейин кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини бажарган ва 10 сутка ичида ишни терговчига оширган, иккинчи турдаги фаолият бўйича эса суриштирув органи бир ой мобайнида суриштирув ўтказган ҳамда айблов ҳулосаси бўлган иш судга оширилган ёхуд ЖПКда назарда тутилган бошқа қарор чиқарилган.

Амалдаги ЖПКга биноан, суриштирув органларининг фаолиятига анча аниқлик киритилди, яъни янги ЖПК бўйича барча ишлар юзасидан дастлабки тергов ўтказиш шарт. Бинобарин, суриштирув органи қуйидаги мақсадларда кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини амалга оширадилар:

- 1) жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик;
- 2) далилларни тўплаш ва сақлаш;
- 3) жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш;
- 4) жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш.

Суриштирув органи зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ЖПКнинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техник воситаларини қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилади. Ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органи бу мақсадда тезкор қидирув чораларини ҳам кўришга ҳақлидирлар (ЖПК 339-м.).

Умуман олганда, суриштирув органларининг фаолияти кескин ўзгарган (ЖПК 42-боб). Суриштирувчи жиноят ишини қўзғатганидан кейин ёки прокурор ёхуд суриштирув органининг бошлиғи томонидан қўзғатилган ишни олгач, дарҳол уни ўз иш юритувига қабул қилади ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини бажаришга киришади (ЖПК 340-м.) Жиноят иши юзасидан суриштирув ўн суткадан ошмаган муддатда тамомланиши лозим (ЖПК 341-м.)

ЖПКнинг 342-моддасига мувофиқ, суриштирув жиноят

ишини терговчига ўтказиш билан тамомланади. Қуйидаги ҳолларда суриштирув юритиш муддати ўтишини кутмасдан суриштирувчи ишни дарҳол терговчига ўтказиши лозим, башарти:

- 1) оғир ёки ўта оғир жиноят аниқланган бўлса;
- 2) муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса;
- 3) ишни тугатиш учун асослар аниқланган бўлса;
- 4) терговчи ишнинг ўз юритувига берилишини талаб қилган бўлса.

Суриштирувчи ишни терговчига ўтказиш ҳақида қарор чиқаради.

Суриштирувчи бундан кейинги барча ишларини терговчининг амалий раҳбарлигида бажаради. У терговчининг тергов ва қидирув ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги топшириқларини ижро этиш шартлари, тартиби ва муддатлари хусусидаги кўрсатмаларига мувофиқ бажариши шарт. Топшириқни белгиланган муддатда бажариш имконияти бўлмаса, суриштирувчи бу ҳақда терговчини хабардор қилади ва бажариш муддатини узайтиришни ёки ижро этиш шартлари ва усулларини ўзгартиришни илтимос қилади. Терговчининг талабига асосан суриштирувчи тергов ҳаракатларини юритишда унга ёрдам бериши, шунингдек жиноят иши учун далилий аҳамиятга эга бўлиши эҳтимол тутилган ҳужжатлар ва бошқа материалларни танишиб чиқиш ёки ишга қўшиб қўйиш учун тақдим қилиши шарт. Терговчи ўзининг барча топшириқлари, кўрсатма ва талабларини суриштирувчига суриштирув органининг бошлиғи орқали юборади (ЖПК 343-м.)

13.4. Дастлабки тергов

Дастлабки тергов — жиноятни тез ва тўлиқ очиш, уни содир этган шахсларни фош этиш ва айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш, жиноятни бартараф этиш чораларини кўриш, жиноят сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, шунингдек жиноят туфайли етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш чораларини кўриш мақсадларида дастлабки тергов органларининг иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашга асос бўладиган далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш борасидаги фаолияти. Дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар

органлари ва миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради (ЖПК 344-м.).

Дастлабки терговни амалга оширишда терговнинг бориши ва тергов ҳаракатларининг бажарилиши ҳақидаги барча қарорларни терговчининг ўзи мустақил қабул қилади (қонунда прокурорнинг санкциясини олиш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) ҳамда уларнинг қонуний тарзда ва ўз вақтида ўтказилиши учун тўлиқ жавобгар бўлади.

Терговчига тергов қилинаётган жиноятнинг ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириш вазифаси юклатилган. Унинг ишга доир барча қарорлари тўпланган далилларга асосланиши керак. Ушбу далилларни терговчи ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона кўриб чиқишга асосланган ўзининг ички эътиқодидан келиб чиқиб баҳолайди. Бунда у қонунга ва фуқаролик ҳуқуқий онгига таянади.

Қонунда терговчига кенг ҳуқуқ ва ваколатлар ҳамда процесуал мустақиллик берилган. Юқорида таъкидланганидек, терговчи прокурор билан суриштирувчига қараганда бошқачароқ муносабатда бўлади. Терговчи суриштирув органларига нисбатан муайян ҳуқуқларга эга. Агар суриштирув органи жиноят иши қўзғатган бўлса, терговчи барча кечиктириб бўлмас ҳаракатларнинг бажарилишини кутиб ўтирмай, бу ишни истаган вақтида ўз юритувига олиши мумкин. Амалиётда ички ишлар органлари терговчилари жиноят ишларининг кўпчилигини шахсан қўзғатадилар ва улар бўйича дастлабки терговни тўлиқ амалга оширадилар.

Тахминий тестлар

1. Дастлабки терговнинг қандай шакллари мавжуд?

- A. Дастлабки текшириш
- B. Оператив қидирув фаолияти
- C. Суд тергови
- D. Суриштирув ва дастлабки тергов
- E. Баённома шакли

2. Терговчи қандай ваколатларга эга эмас?

- A. Жиноят иши қўзғатиш ва уни тамомлаш
- B. Гумон қилинувчини ушлаб туриш ва сўроқ қилиш

- C. Айбланувчи тариқасида ишда иштирок этиш учун жалб қилиш
- D. Айбланувчини ҳибсга олиш учун санкция бериш
- E. Яширинган жиноятчиларни қидириш

3. Қуйидагилардан қайси бири суриштирув органларига кирмайди?

- A. Милиция
- B. Адлия вазирлиги
- C. Ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари
- D. Миллий хавфсизлик хизмати органлари
- E. Жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари

4. Суриштирув ўтказиш муддати қанча?

- A. Кўпи билан 3 сутка
- B. Кўпи билан 7 сутка
- C. Кўпи билан 10 сутка
- D. Кўпи билан 20 сутка
- E. Кўпи билан 30 сутка

5. Қуйидагилардан қайси бири суриштирувнинг вазифаси эмас?

- A. Жиноят содир этилишининг олдини олиш ва унга барҳам бериш
- B. Далилларни тўплаш ва сақлаб қолиш
- C. Жамоат тартибини сақлаш
- D. Жиноят содир этилишида гумон қилинувчини ушлаш
- E. Моддий зарар қопланишини таъминлаш

Текшириш учун саволлар

1. Дастлабки терговнинг қандай босқичлари мавжуд ва уларнинг аҳамияти нимада?

2. Дастлабки тергов босқичининг вазифалари нималардан иборат?
3. Дастлабки тергов органларига қайси органлар киради?
4. Дастлабки тергов органлари қандай ваколатларга эга?
5. Жиноятларни очишда терговчилар қандай ўрин тутади?
6. Суриштирув органлари олдида қандай вазифалар туради?
7. Суриштирув органларининг ваколатлари нималардан иборат?
8. Суриштирув қандай бошланади ва қанча давом этади?
9. Суриштирувнинг процессуал хусусияти нимада?
10. Суриштирувчи терговчининг топшириқлари, кўрсатмалари ва талабларини қандай тартибда ва муддатда бажаради?

XIV боб. Дастлабки терговнинг умумий шартлари

14.1. Дастлабки терговнинг умумий шартлари ва уларнинг аҳамияти

Дастлабки тергов вазифаларини бажаришга қонунда белгиланган ва дастлабки терговнинг умумий шартлари деб аталадиган муайян талаблар хизмат қилади. Ушбу талаблар суриштирув органларининг фаолиятига ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 43-боби дастлабки терговнинг умумий шартларига бағишланган бўлиб, унда истисносиз барча жиноят ишларида риоя этилиши шарт бўлган қоидалар белгиланган. Дастлабки терговнинг сифати дастлабки терговнинг умумий шартларига риоя этилишига боғлиқ. Бунда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари амалга ошиши учун шарт-шароитлар яратилади.

Назарияда умумий шартлар турлича таснифланади. ЖПКнинг 43-моддасига мувофиқ бундай тасниф қонунда қуйидагича мустақамланган:

- 1) дастлабки терговнинг терговга тегишлилиги ва ўрни;
- 2) дастлабки терговда жамоатчиликнинг иштироки;
- 3) дастлабки терговнинг бошланиши;
- 4) тергов ҳаракатларини ўтказишда ҳолисларнинг иштироки;
- 5) жиноят ишидаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти;
- 6) дастлабки терговни терговчилар гуруҳига топшириш;
- 7) терговчилар гуруҳи раҳбарининг ваколатлари, гуруҳ аъзолари бўлган терговчилар;
- 8) тергов ҳаракатини бир неча терговчининг бажариши;
- 9) терговчининг ва прокурорнинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари юзасидан шикоят бериш;
- 10) терговни ваколатли мансабдор шахслар ўтказиши ҳақидаги талаб.

14.2. Терговга тегишлилик, уни аниқлаш белгилари

Терговни тўғри ўтказиш учун уни тўғри ташкил қилиш зарур. Дастлабки терговни ўтказишнинг тўғри ташкил қилиниши эса жиноят-процессуал қонунда белгиланган терговга тегишлилик ҳақидаги қоидаларга қатъий риоя этиш орқали таъминланади.

Терговга тегишлилик деганда, жиноят ишининг терговни у ёки бу орган ёхуд мансабдор шахс ўтказиши кераклигини билдирувчи белгилари ёки хоссалари тушунилади. Жиноят иши бўйича терговни турли органлар ва мансабдор шахслар ўтказадилар. Бунда дастлабки тергов қайси жиноят бўйича ўтказилаётганлиги, шунингдек қонунда белгиланган терговга тегишлилик ҳақидаги қоидалар бўйича жиноят содир этилган жой инobatга олинади.

Терговга тегишлиликни аниқлашда жиноятнинг хусусияти ва содир этилган жойига кўра ушбу жиноят иши бўйича терговни қайси орган олиб боришни аниқлаш зарур.

ЖПКда терговга тегишлиликнинг қуйидаги турлари белгиланган: предметли (турига кўра), ҳудудий, махсус ёки шахсга оид, муқобил, ишлар алоқаси бўйича.

1. Предметли (турига кўра) терговга тегишлилик ЖПКнинг 345-моддасида назарда тутилган. Предметли терговга тегишлилик терговни ўтказиш процессуал қонунда тегишли терговчиларга юклатилган жиноят турлари билан белгиланади.

ЖПКнинг 345-моддасида прокуратура, МХХ ва ички ишлар органлари терговчилари ўртасидаги терговга тегишлилик фарқланган. Бунда ушбу органлар фаолиятининг хусусияти инobatга олинган. Бундай фарқлашга, аввало, ишнинг мураккаблиги, жиноятнинг оғирлиги, жиноят ишининг ижтимоий аҳамияти каби мезонлар асос қилиб олинган. Ваколатларнинг бундай чегараланиши жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, қонунийликни янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Предметли терговга тегишлиликнинг ўрнатилиши ва унга қатъий риоя этилиши жиноятларни тергов қилишни тўғри ташкил этиш учун катта аҳамиятга эга.

2. ЖПКнинг 346-моддасида ҳудудий жиҳатдан терговга тегишлилик белгиланган ҳамда умумий қоида сифатида барча ишлар бўйича жиноят қаерда содир этилган бўлса, жиноят иши ўша туман (шаҳар)да юритилиши белгиланган. Бироқ бир қатор ҳолларда терговнинг анча тез, холисона, тўлиқ ўтказилишини таъминлаш учун у гумон қилинувчи, айбланувчи ёки гувоҳларнинг қўпчилиги яшаган ерда ўтказилиши мумкин.

Терговчи терговни бошлагач ва жиноят бошқа туманда содир этилганлигини аниқлагач, жиноят ишини терговга тегишлилиги бўйича жўнатиш учун прокурорга топширади. Терговга тегишлилик ҳақидаги масалани узил-кесил равишда тергов бошланган туман прокурори ҳал қилади. Шу ўринда

терговчи прокурорга жиноят ишини терговга тегишлилик бўйича юбориш учун фақат барча кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказганидан кейингина тақдим этишга ҳақли эканлигини таъкидлаш зарур.

Жиноят ишини тергов қилиш давомида тергов ҳаракатларини бошқа туманда ўтказиш зарурати юзага келади. Ушбу ҳолда терговчи мазкур ҳаракатларни шахсан ўзи ўтказиши ёки бу ишни бошқа туман терговчисига ёхуд топшириқни терговчи айтган муддатда бажариши шарт бўлган суриштирув органига топширишга ҳақлидир.

Терговчининг бундай талаби алоҳида топшириқ деб аталади. Алоҳида топшириқ ишни юритаётган терговчининг ЖПК 347-моддасига мувофиқ тергов ҳаракатлари ўтказиш топширилаётган терговчига хати шаклида ифодаланadi. Унда тергов қилинаётган жиноят ишининг асосий ҳолатлари, бажарилиши керак бўлган ҳаракатлар рўйхати баён қилинади.

ЖПК 345-моддасининг 3-қисмига мувофиқ, қуйидаги жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки терговни ҳарбий прокуратура терговчилари олиб борадилар:

а) ҳарбий хизматчилар (аскарлар, матрослар, сержантлар, прапоршчиклар, мичманлар ва офицерлар таркибига кирувчи шахслар, жумладан, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари) содир этган жиноятлар;

б) ҳарбий қурувчилар ҳамда қонун ҳужжатларида махсус кўрсатма берилган шахслар содир этган жиноятлар;

в) Қуроли Кучлар ходимлари ва хизматчилари хизмат ва-зифаларини бажаришлари муносабати билан ёки ҳарбий қисм, муассаса, ҳарбий ўқув юрти, Қуроли Кучларнинг корхоналари ёки ташкилотлари ҳудудида содир этган жиноятлар.

Кўпчилик жиноятларни ички ишлар органларининг терговчилари тергов қиладилар. Ушбу органларнинг тергов аппарати терговчилар, катта терговчилар, ўта муҳим ишлар бўйича терговчилар ва ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчилардан иборат. Тергов аппарати ИИБ тизимидаги мустақил таркибий тузилмадир.

3. Махсус терговга тегишлилик жиноят субъектининг хусусиятлари билан боғлиқ.

Терговчилар процессуал муносабатларда мустақилдирлар. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 350-моддасига мувофиқ, терговчи жиноят ишини қўзғатиб, уни ўз иш юритувига олади ва бу ҳақда иш қўзғатилганлиги тўғрисидаги қарорга ёзиб

қўяди. Башарти терговчига олдин қўзғатилган иш берилган бўлса, у ишни ўз юритувига олганлиги тўғрисида қарор чиқаради, шундан сўнг дастлабки терговни бошлайди.

4. Муқобил терговга тегишлилик айрим жиноятларга оид ишларни жиноят ишини қўзғатган орган тергов қилиш билан боғлиқ. Бироқ, агар жиноят иши анча кўп меҳнат талаб қилса, жуда қийинлиги ёки ниҳоятда долзарблиги билан ажралиб турса, прокурор ёки тергов бўлинмасининг бошлиғи ушбу жиноят иши бўйича дастлабки тергов ўтказишни терговчиларнинг доимий ёки махсус тузилган гуруҳига топшириши мумкин. Бундай топшириқ ҳақида қарор чиқарилиши ва қарорда гуруҳ раҳбари ва аъзолари кўрсатилиши керак. Жиноят иши кўп меҳнат талаб этса, жуда мураккаб ёки ўта долзарб бўлса, прокурор ёки тергов бўлинмасининг бошлиғи шу иш бўйича дастлабки тергов юртишни доимий ёки махсус тузилган тергов гуруҳига топшириши мумкин. Бундай топшириқ ҳақида қарор чиқарилиши лозим бўлиб, унда тергов гуруҳининг раҳбари ва аъзолари кўрсатилади. Башарти дастлабки терговни терговчилар гуруҳига топшириш тўғрисидаги қарор жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор билан айна бир вақтда қабул қилинган бўлса, иккала масала бир қарорнинг ўзида баён этилади. Гуруҳ таркибида ўзгаришлар бўлганда ва гуруҳ раҳбари ўзгартирилганда ҳам қарор чиқарилади.

5. Алоқалар бўйича терговга тегишлилик бошқа белгилари бўйича турли хил дастлабки тергов органларининг терговига тегишли бўлган бир неча жиноят ишини бирлаштиришни билдиради. Терговчининг фаолиятини идоравий процессуал назорат қилиш ҳуқуқи, қонун бўйича, тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғига ва унинг ўринбосарига берилган (ЖПК 37-м.). Улар кенг ваколатларга эгадирлар.

Суриштирув ва дастлабки тергов органининг мураккаб фаолиятини таъминлаш учун зарур тергов ҳаракатларини ўтказиш вақтини ва уларнинг кетма-кетлигини аниқлаш жуда муҳим. Бироқ қонунда терговчи ва суриштирув органининг ҳар бир аниқ вазиятда жиноят иши бўйича қандай ҳамкорлик қилиши батафсил белгиланиши мумкин эмас. Шу боис вазифалар тақсимоти ва уларнинг ҳамкорлиги жиноятларни тергов қилиш давомида амалга оширилади. Бунда ташкил қилиш вазифасини терговчи бажаради.

Қонунга қўра, терговчига жиноят содир этган шахс аниқланган жиноят иши топширилганидан сўнг суриштирув органи унинг юзасидан фақат терговчининг топшириғи бўйича тергов ва

қидирув ҳаракатларини ўтказиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Терговчининг суриштирув органи билан ҳамкорлиги жиноятни очиш ва айбдорларни фош этиш манфаатлари йўлида оператив усулда олинган маълумотлардан фойдаланишни тақозо этади. Бироқ терговчи ушбу маълумотлардан оператив ишда қўлланиладиган усул ва воситалар ошкор бўлмаслиги чораларини кўрган ҳолда фойдаланиши керак. Бундай ҳолларда у жиноятни тергов қилиш давомида оператив ходимлар билан олинган маълумотлардан фойдаланиш усуллари ва доираси юзасидан маслаҳатлашгани маъқул.

Ўзаро ҳамкорлик вақтида терговчиларнинг суриштирув органидан иш бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар, далилларни аниқлаш учун фойдаланилиши мумкин бўлган манбалар ҳақида оператив қидирув маълумотларини олиши катта аҳамиятга эга. Оператив қидирув чораларини кўриш қонунда суриштирув органларининг зиммасига юклатилган. Айни пайтда қонунда терговчининг суриштирув органларига оператив қидирув чораларидан фойдаланиш зарурати юзага келадиган топшириқларни беришга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

ЖПКнинг 358-моддасига мувофиқ, терговчининг ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан шикоят қилиниши мумкин. Шикоят тергов бўлинмаси бошлиғига ва ишни тергов қилишда қонунларга риоя этилишини назорат қилаётган прокурорга берилади. Прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари хусусидаги шикоят юқори турувчи прокурорга берилади.

Дастлабки терговни ўтказиш муддати, ЖПКнинг 351-моддасига мувофиқ — уч ой. Ушбу муддат дастлабки тергов ўтказиш учун белгиланган муддат ҳисобланади ва унга қатъий риоя этилишини прокурор назорат қилади. Улар ҳар қандай сансалорлик ҳамда қонунда белгиланган тергов муддатларини бузиш ҳоллари юзасидан бундай қонунбузарликларга бундан буён йўл қўймаслик чораларини кўришлари керак.

Иш ниҳоятда қийин бўлган, қонунда белгиланган тергов муддати етарли бўлмаган ҳолларда, прокурорнинг дастлабки тергов муддатини узайтиришига йўл қўйилади. Дастлабки тергов муддатини тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурор беш ойгача узайтириши мумкин. Кейинчалик дастлабки тергов муддатини фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари етти ойгача ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори тўққиз ойгача

узайтириши мумкин. Алоҳида ҳолларда, содир этилган жиноятнинг оғирлигини ҳамда тергов қилинаётган ишнинг мураккаблигини инобатга олиб, дастлабки тергов муддатини Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори яна бир йилгача узайтириши мумкин.

Суд ишни кўшимча тергов ўтказиш учун қайтариб юборганда, шунингдек тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганда кўшимча тергов муддати тергов олиб боришни назорат қилаётган прокурор томонидан, мазкур ишни терговчи қабул қилган пайдан бошлаб бир ой доирасида белгиланади. Бу муддатни янада узайтириш иш судга берилгунча, тўхтатиб турилгунча ёки тугатилгунча ўтган тергов муддатини ҳисобга олган ҳолда умумий асосларда амалга оширилади.

Тергов муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномани терговчи тергов муддати тугашидан камида ўн сутка илгари прокурорга топширади. Прокурор ўз устхати билан илтимосномани қаноатлантиради ёки дастлабки терговни тамомлаб, ишни судга юбориш тўғрисида кўрсатма беради ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқаради (ЖПК 351-м.).

Дастлабки терговнинг тез амалга оширилиши асло шошма-шошарлик ва пала-партишликни билдирмайди. Шошма-шошарлик терговнинг бир томонлама амалга оширилишига, пировардида ишнинг кўшимча тергов учун қайтарилишига олиб келади. Жиноят иши бўйича ўз вақтида иш юритилишига қонунда дастлабки терговнинг анча қисқартирилган муддатларини белгилаш орқали эмас, балки ишни тўғри ташкил қилиш ҳамда терговчининг ҳар бир аниқ жиноят иши бўйича тергов муддатларини қисқартиришга доимий равишда ҳаракат қилиши билан эришилади.

Ҳар бир жиноят иши бўйича терговнинг тезлик билан қилинишини таъминловчи ҳамда тергов ҳаракатларининг изчил ва ўз вақтида юритилишини таъминловчи энг муҳим шарт-шароит терговнинг тўғри йўллари қидириб топиш ва уни мақсадли равишда амалга оширишдан иборат.

Терговчи жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш учун жамоатчилиқни жалб қилишга ҳақлидир. Шу мақсадда у жамоат бирлашмаларига, жамоаларга, аҳолига жиноят иши учун аҳамиятга молик маълумотлар ҳақида хабар қилишни, қидирилаётган шахслар ёки нарсалар турган жойни кўрсатишни сўраб муружаат қилади.

Жамоат бирлашмалари ва жамоалар терговчининг илтимос-

сита кўра, айрим тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун ўз ораларидан холислар, таржимонлар, мутахассисларни тавсия қилишлари мумкин. Жамоатчилик вакиллари бўлмиш холислар, таржимонлар ва мутахассисларга ЖПКдаги тегишли процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги қоидалар тўлиқ татбиқ этилади.

Дастлабки терговда олиб қўйиш, тинтув ўтказиш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, эксперимент ўтказиш каби ҳаракатлар, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 352-моддасига мувофиқ, камида икки нафар холис иштирокида амалга оширилади.

Фуқаро терговчининг қонуний талабларини ва таклифларини бажаришдан бош тортаётганлигини ёки терговчига қаршилиқ кўрсатаётганлигини ёхуд дастлабки тергов юритиш тартибига тўғри келмайдиган бошқа ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар қилаётганини тасдиқлаш учун ҳам холислар таклиф қилинадилар. ЖПКнинг 93-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (ЖПК 352-м.).

Бироқ улар, худди жиноят процессининг бошқа иштирокчилари каби, жиноят иши ҳақидаги маълумотларни ошкор қилмасликлари шарт. Терговчи жиноят ишидаги барча маълумотларни ёки унинг муайян қисмидаги маълумотларни ошкор қилинмайдиган деб эътироф этишга ҳақли. Ана шу асосда у тергов ҳаракатларида иштирок этаётган ёки тергов ҳаракатларини бажаришда ҳозир бўлган ёхуд тергов материаллари билан танишаётган шахслардан уларнинг зиммасига ишда мавжуд бўлган маълумотларни унинг рухсатисиз ошкор қилмаслик тўғрисида мажбурият юклатилгани ҳақида тилхат олиши мумкин. Тилхатда, шунингдек мазкур мажбуриятни бузганлик учун Жиноят кодексининг 238-моддасида биноан жавобгарлик ҳақидаги огоҳлантириш ҳам акс эттирилади.

Ишдаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти гумон қилинувчи ва айбланувчининг зиммасига юклатилиши мумкин эмас. Ҳимоячининг ишдаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти унинг гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан бўладиган суҳбатига тааллуқли эмас (ЖПК 353-м.).

Жиноят ишини битта терговчи ҳам, бир гуруҳ терговчилар ҳам тергов қилишлари мумкин. Гуруҳ раҳбари бўлган терговчи:

1) ишни ўзи раҳбарлик қилаётган терговчиларга тақсимлаб беради, уларнинг ҳар бири бажарадиган иш қисми ёки тергов йўналишини белгилайди, айрим тергов ҳаракатлари бажаришни топшириб, уларни ижро этиш муддатини белгилайди;

2) шахсан ўзи тергов ҳаракатларини бажаради ва раҳбарлиги остидаги терговчилар ўтказётган айрим тергов ҳаракатларида иштирок этади;

3) қарорлар чиқаради, шу жумладан шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, қамоққа олиш, ишни тўла ёки унинг бирор қисмини тугатиш ёхуд тўхтатиш ҳақида қарорлар чиқаради;

4) прокурорнинг кўрсатмалари ижро этилишини таъминлайди, ЖПК 36-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ишни ўз эътирозлари билан бирга юқори турувчи прокурорга юборади;

5) суриштирув органига тергов ва қидирув ишларини олиб бориш тўғрисида топшириқлар ва кўрсатмалар беради, шунингдек ундан терговчилар бажарётган тергов ҳаракатларини ўтказишда ёрдам беришни талаб қилади, ўз топшириқлари, кўрсатмалари, талаблари бажарилишини назорат қилиб боради;

6) жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш чоралари тўғрисида тақдимномалар юборади;

7) айблов хулосасини тузади ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради ва тасдиқлаш учун уларни иш билан бирга прокурорга юборади (ЖПК 355-м.).

Гуруҳ аъзолари бўлган терговчилар гуруҳ раҳбари бўлган терговчининг топшириқларини, кўрсатмаларини бажарадилар ва бу тўғрида уни хабардор қиладилар. Гуруҳ аъзолари бўлган терговчилар томонидан бажарилган тергов ҳаракатларининг натижалари жиноят ишини юритишга қабул қилиб олган терговчи бажарган ҳаракатнинг натижалари билан бир хил аҳамиятга эгадир.

Гуруҳ аъзоси бўлган терговчи гуруҳ раҳбари бўлган терговчининг топшириғини, кўрсатмасини қонунга хилоф ёки асоссиз деб ҳисобласа, бу ҳақда у гуруҳ раҳбарига ўз эътирозларини билдиради. Гуруҳ раҳбари бўлган терговчи бу эътирозларни кўриб чиқиб, топшириқни ёки кўрсатмани бекор қилади ёки уни ижро этиш учун бошқа терговчига беради ёхуд ўзи тегишли тергов ҳаракатини бажаради. Гуруҳ аъзоси бўлган терговчи ўз эътирозлари бўйича терговчилар гуруҳининг раҳбари қабул қилган қарорга рози бўлмаса, назорат олиб боровчи прокурорга ўз эътирозларини етказди, прокурор узил-кесил қарор қабул қилади (ЖПК 356-м.).

Муайян шароитларда ва мақсадларда кўздан кечириш,

тинтув, эксперимент ёки бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда унинг иштирокчилари айна бир вақтда турли биноларда бўлишлари ёки бир-бирларидан анча масофага узоқлашишлари, шунингдек башарти тергов ҳаракатларини юритишда бир қанча иштирокчиларни ёки ҳозир бўлган шахсларни кузатиш таъминланиши лозим бўлиб қолса, тергов ҳаракатларини бир неча терговчи ёки терговчининг ўзи унга ёрдам бераётган суриштирувчилар билан амалга ошириши мумкин. Бунда терговчилардан бири қолган терговчилар, суриштирувчилар ва бошқа тергов ҳаракати иштирокчилари фаолиятига раҳбарлик қилади (ЖПК 357-м.).

Терговчининг ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан шикоят тергов бўлинмасининг бошлиғига ва ишни тергов қилишда қонунларга риоя этилишини назорат қилиб бораётган прокурорга, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан шикоят эса юқори турувчи прокурорга берилади (ЖПК 358-м.).

Тахминий тестлар

1. Даствлабки терговни ўтказишга ваколатли мансабдор шахсларни санаб беринг.

- A. Ички ишлар органларининг ходимлари
- B. Прокуратура ходимлари
- C. Прокуратура, ички ишлар ва МХХ органларининг терговчилари
- D. Солиқ органларининг ходимлари
- E. Божхона хизматининг ходимлари

2. Даствлабки тергов муддатлари қанча?

- A. 10 кунгача
- B. 20 кунгача
- C. 1 ойгача
- D. 2 ойгача
- E. 3 ойгача

3. Туман, шаҳар прокурорлари даствлабки терговни қанча муддатга узайтиришлари мумкин?

- A. 1 ойгача

B. 2 ойгача

C. Узайтира олмайдилар

D. 6 ойгача

E. 1 йилгача

4. Дастлабки тергов қачон бошланади?

A. Жиноят содир этилгани ҳақида ариза (хабар) келиб тушган пайтдан

B. Жиноят иши қўзғатилган пайтдан

C. Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахс ушланган пайтдан

D. Жиноят иши юритила бошлаган пайтдан

E. Аяб қўйилган пайтдан

5. Дастлабки терговнинг энг кўп муддати қанча?

A. бир йилгача

B. бир ярим йилгача

C. икки йилгача

D. икки ярим йилгача

E. уч йилгача

Текшириш учун саволлар

1. Дастлабки терговнинг умумий шартлари нима ва улар қандай тузилган?

2. Терговга тегишлилик нима ва уни аниқлаш белгилари қандай?

3. Терговчилар гуруҳи тергов қилишининг хусусиятлари нималардан иборат?

4. Дастлабки тергов қандай бошланади ва қанча давом этади?

5. Жиноят ишларининг асослари ҳамда уларни бирлаштириш ва ажратиш тартиби қандай?

6. Жиноят ишидаги маълумотларни ошкор этишга йўл қўймаслик ҳақида нималарни биласиз?

7. Жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олишда жамоатчиликнинг иштироки қандай шаклларга ва усулларга эга?

XV боб. Терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлиги

15.1. Терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлиги ва унинг аҳамияти

Терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлиги деганда, терговчи ва суриштирув органининг биргаликда, мақсадлари, жойи ва вақти бўйича келишилган, қонунга ва қонуности ҳужжатларига асосланган, дастлабки тергов вазифаларини бажаришга қаратилган фаолияти тушунилади. Унинг суриштирув органлари ва жамоатчилик билан терговдаги ҳамкорлиги, аввало, амалиёт эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Кўпгина жиноятларнинг, айниқса, оғир турларининг очилиши қийин эканлиги маълум. Жиноятчилар жиноят содир этиш усулларини пухта ўйлаб чиқадилар, ўз жинойи фаолиятини амалга ошириш жараёнида фан ва техниканинг энг янги ютуқларини қўллайдилар ва иложи борича камроқ из қолдиришга ҳаракат қиладилар. Бир қатор ҳолларда улар атайин терговни чалғитадилар. Бундай ғайриқонуний қилмишларга қарши курашда терговчининг фақат ўз малакаси, кучи ва воситаларига таяниши мумкин эмас. Барча жойларда ҳақиқатни аниқлаш учун бу етарли эмас.

Юзага келган қийинчиликларни енгиш махсус восита ва усулларни, жумладан, суриштирув органлари эга бўлганларини қўллашни талаб этади. Илғор тажрибанинг далолат беришича, жиноят-процессуал ва оператив қидирув фаолиятини уйғунлаштириш жиноятнинг муваффақиятли очилишини таъминлайди. Дастлабки тергов ва суриштирув органлари мустақил тизимлар бўлганлиги ва бир-бирига боғлиқ эмаслиги сабабли, уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишидан иборат зарурат юзага келади.

Дастлабки тергов жараёнида далил бўлувчи ахборот манбаларини қидириб топишда муайян қийинчиликлар юзага келади. Бир терговчининг ўзи қисқа вақт ичида зарур гувоҳлар, жабрланувчиларни қидириб топиши ниҳоятда қийин. Терговчининг катта ҳудудда, сув ҳавзалари ва бошқа жойларда ашёвий далилларни излаб топишига кўп вақт ва куч талаб этилади. Бу каби вазиятларда терговчи жамоатчиликка, аҳолига мурожаат этишга

мажбур бўлади. Терговда жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиш имкони жиноятчиликка қарши курашга, бу билан давлат ишларини бошқаришга жалб этишнинг, аҳолини қонунларга аниқ ва оғишмай риоя этиш руҳида тарбиялашнинг усулларидан бири ҳамда фуқароларнинг жиноят процессида иштирок этиши принципининг аниқ намоён бўлишидир.

Терговчининг суриштирув органлари, шунингдек жамоатчилик билан ҳамкорлиги дастлабки терговни ўтказишнинг умумий шартидир. Жиноят-процессуал ва оператив қидирув фаолиятининг имкониятларини, терговчи ва жамоатчиликнинг кучларини бирлаштириш оидир этилган жиноятнинг ҳолатларини тез ва тулқ аниқлашга, одил судлов вазифаларининг бажарилишига энг кўп даражада ёрдам беради.

15.2. Терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари

Терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини жиноят-процессуал қонун (ЖПК 339, 342, 343, 347 ва баъзи бир бошқа моддалари), шунингдек улар асосида чиқарилган идоравий норматив ҳужжатлар ташкил этади.

Ҳар бир аниқ вазиятда терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлиги ё қонуннинг бевосита кўрсатмасидан (масалан, ЖПКнинг 339-моддасида суриштирув органи жиноят содир этган шахсни аниқлашнинг имкони бўлмаганлиги туфайли ишни терговчига топширган тақдирда жиноятчини аниқлаш учун оператив қидирув чоралар кўришни назарда тутган), ё терговчининг суриштирув органига топшириғи ёки кўрсатмасидан келиб чиқади (ЖПК 343-м.). Биринчи ҳолда ҳамкорлик жиноят иштини терговчига топшириш пайтидан бошланади ва жиноятчи аниқлангунча давом этади. Иккинчи ҳолда ҳамкорлик терговчининг топшириғи, кўрсатмаси сабабли юзага келади ҳамда узоқ вақт давом этиши ҳам, вақти-вақти билан бўладиган ёки бир марталик хусусиятга эга бўлиши ҳам мумкин.

Терговчи суриштирув органи билан ҳамкорлиги қуйидаги принципларга бўйсунеди:

— жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари ва идоравий норматив ҳужжатлар талабларига қатъий амал қилиш. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида терговчи ҳамкорлигининг шарт-шароитлари, шакллари ва умумий тартиби белгиланади. Идоравий норматив ҳужжатлар ҳамкорликнинг айрим

шаклларига хос бўлган ташкилий асосларни, дастлабки тергов органларидан ҳар бирининг биргаликдаги иш давомида нима қилишини белгилаб беради. Шу боис қонун ва идоравий норматив ҳужжатлар кўрсатмаларини бажариш ўзаро ҳамкорлик муваффақиятини белгилаб берувчи энг муҳим омил ҳисобланади;

– ҳар бир тергов органининг процессуал мустақиллиги. Терговчи дастлабки терговни амалга оширишда тергов йўналиши ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш ҳақида барча қарорларни мустақил равишда қабул қилади, қонунда прокурорнинг санкциясини олиш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ушбу ҳаракатлар қонуний равишда ва ўз вақтида бажарилиши учун терговчи жавобгар ҳисобланади. Терговчининг суриштирув органи билан ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил қилишда устун мавқега эгаллиги, унинг ҳамкорликда етакчи ўрин тутиши ва бунга раҳбарлик қилиши, суриштирув органининг терговчи ишларига аралашшига йўл қўйилмаслиги ана шулардан келиб чиқади. Ҳамкорлик айни пайтда терговчининг суриштирув органининг иш воситалари ва усулларини танлашига аралашмаслигини ҳам тақозо этади;

– терговчининг процессуал мустақиллигини таъминлаш, терговчи ва суриштирув органи ҳаракатларининг ўзаро келишган ҳолда амалга оширилиши. Бу ким ва қачон нимани бажариши кераклигини аниқ белгилашни, ишлаб чиқилган тадбирларнинг муқаррар равишда ва сифатли бажарилишини тақозо этади;

– суриштирув органининг терговчи берган топшириқлар ва кўрсатмаларни ўз вақтида тўлиқ ва сифатли бажариши. Жиноят иши бўйича терговнинг тез, тўлиқ ва сифатли ўтказилиши ана шунга боғлиқ;

– тергов бўлими, суриштирув органи бошлиқларининг ҳамкорликка қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари талаблари асосида раҳбарлик қилиши. Терговчи ҳамкорлигининг самарали бўлиши кўп жиҳатдан ички ишлар органлари раҳбарига, тергов бўлими ҳамда суриштирув органининг бошлиқларига боғлиқ.

15.3. Ҳамкорлик шакллари

Терговчининг ҳамкорлиги муайян шаклларда кечади. Ҳамкорлик процессуал ва нопроцессуал бўлиши мумкин.

Қонунда процессуал ҳамкорлик шакллариға қуйидагилар кiritилган:

– суриштирув органининг терговчига жиноятчини аниқлаш учун топширилган иш бўйича оператив қидирув чораларини кўриши ва бунинг натижалари ҳақида терговчига хабар бериши;

– суриштирув органининг терговчи қидирув ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш ҳақида берган топшириқ ва кўрсатмаларни бажариши (ЖПК 343-м.). Терговчига жиноят иши жиноятни содир этган шахс аниқланган ҳолларда топширилгандан кейин суриштирув органи терговчининг ёзма топшириғи ёки кўрсатмасисиз қидирув ва тергов ҳаракатларини амалга оширишга ҳақли эмас (ЖПК 347-м.). Терговчи ўзи қўзғатган ёки прокурор ёхуд суддан олган жиноят ишини ўз юритувига олаётганида ҳам худди шу қоида амал қилади. Фақат ёзма топшириқлар, кўрсатмалар, суриштирув органининг оператив қидирув ва жиноят-процессуал фаолиятига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади ҳамда суриштирув органи тергов ҳаракатини ўтказаетганида олган маълумотларга далилий тус беради. Терговчининг топшириғи, кўрсатмаси ҳамкорликнинг хусусияти, мақсад ва доирасини, шунингдек уни амалга ошириш вақтини белгилайди. Терговчининг топшириқлари, кўрсатмалари суриштирув органи учун бажариллиши мажбурийдир (ЖПК 343-м.);

– суриштирув органларининг терговчига унинг талаби бўйича айрим тергов ҳаракатларини амалга оширишида ёрдам кўрсатиши (ЖПК 347-м.). Ҳамкорлик тергов ҳаракатлари амалга оширилаётган жойни кўриқлашда, гумон қилинувчи, айбланувчи ва бошқа шахсларни тинтув, кўздан кечириш чоғида кузатиб туришда, тергов ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашда ва бошқаларда ифодаланиши мумкин;

– суриштирув органининг терговчининг шахсни мажбурий келтириш, айбланувчини қидириб топиш, айбланувчини қамоққа олиш ҳақидаги қарорини бажариши (ЖПК 264-м.). Айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлса, терговчи уни қидириб топишни суриштирув органига топширишга ҳақли, бу ҳақда махсус қарорда ёки дастлабки терговни тўхтатиб туриш ҳақидаги қарорда кўрсатилади (ЖПК 36, 365, 339, 367-м.);

– терговчи ва суриштирув органининг дастлабки тергов жараёнида оғзаки ёки ёзма ахборот, жумладан, оператив қидирув

фаолияти давомида олинадиган маълумотлар алмашиши. Бироқ оператив йўл билан олинган маълумотлар далил бўла олмаслигини ва терговчи қабул қиладиган қарорларни асослашда қўлланилиши мумкин эмаслигини ёдда тутиш лозим.

Терговчининг суриштирув органлари билан нопроцессуал ҳамкорлиги шаклларига жиноят ҳақидаги оператив қидирув маълумотларидан фойдаланиш, жиноятчини қидириб топиш борасидаги ҳаракатларни келишган ҳолда режалаштириш каби-лар киради.

Терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлигининг муваффақияти кўп жиҳатдан ҳамкорликка ички ишлар органлари раҳбари, тергов бўлими ва суриштирув органи бошлиқларининг тўғри бошчилик қилишига боғлиқ.

Тергов бўлимининг бошлиғи терговчининг суриштирув органлари ва жамоатчилик билан ҳамкорлигининг тўғрилиги ва қонунийлигини идоравий процессуал назорат қиладди. У суриштирув органлари билан ҳамкорликни лозим даражада сақлаш учун зарур чоралар кўради. Тергов бўлимининг бошлиғи ушбу турдаги фаолиятнинг ҳолатини таҳлил қиладди, ижобий ва салбий тамойилларни аниқлайди, ижобийларининг кўпайиши ва салбийларининг бартараф этилишини таъминлайди. Зарур ҳолларда оператив йўл билан олинган маълумотларни муҳокама қилишда, шунингдек улардан фойдаланиш борасидаги тадбирларда иштирок этади. Тергов бўлимининг бошлиғи терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлигига методик жиҳатдан ёрдам беради.

Ички ишлар органлари бошлиқлари терговчиларнинг ҳар бир жиноят иши юзасидан суриштирув органлари билан самарали ҳамкорлик қилишини таъминлаши керак. Улар ҳамкорликнинг тўғри ташкил қилиниши учун тўлиқ жавобгардирлар.

Ушбу мақсадларда ички ишлар органлари раҳбарлари турли хизматларнинг иш юзасидан ҳамкорлик қилишига, жамоатчилик билан зарур алоқалар ўрнатилишига шарт-шароит яратадилар. Улар, бир томондан, терговчиларнинг ўз ишларини суриштирув органларига юкламасликларини, бошқа томондан эса, суриштирув органлари ўз ваколатларига кирмайдиган ишлар билан шуғулланмасликлари, терговчиларнинг фаолиятига аралашмасликларини кузатиб турадилар.

Терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш мақсадида, ички ишлар органларининг раҳбарлари вақти-вақти билан терговчиларнинг ва бошқа

ҳодимларнинг жиноятларни тергов қилишда турли хизматлар ҳамкорлигини йўлга қўйиши масалалари юзасидан ҳисоботларини тинглайдилар.

Тахминий тестлар

1. Терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлиги қайси босқичларда амалга оширилади?

1. Жиноят ишини қўзғатиш босқичида
2. Дастлабки тергов босқичида
3. Жиноятчини қидиришда
4. Жиноят ишини қўзғатиш ва дастлабки тергов босқичида, жиноят содир этган шахсларни қидиришда
5. Судда муҳокама қилиш босқичида

2. Терговчининг суриштирув органига топшириқ бериш тартиби қандай?

- A. Суриштирувчига оғзаки кўрсатма беради
- B. Суриштирувчига ёзма кўрсатма беради
- C. Барча кўрсатма ва топшириқларни суриштирувчига суриштирув органининг раҳбарияти орқали жўнатади
- D. Суриштирувчига прокурор орқали кўрсатма беради
- E. Суриштирувчига ҳоким орқали кўрсатма беради

3. Суриштирувчининг терговчи берган топшириқни бажариши шартми?

- A. Бажариши шарт эмас
- B. Бажариши шарт
- C. Суриштирув органининг бошлиғи ихтиёрида
- D. Прокурорнинг ихтиёрида
- E. Жабрланувчининг ихтиёрида

4. Терговчи билан суриштирув органининг ҳамкорлиги қандай принципга бўйсунди?

- A. Айбсизлик презумпцияси

- В. Айбдорлик презумпцияси
- С. Партиявийлик
- Д. Қонунийлик
- Е. Демократизм

5. Терговчининг суриштирув органи билан нопроцессуал ҳамкорлик қилишининг шакллари кўрсатинг.

- А. Ҳодиса жойини кўздан кечириш
- В. Эксперимент ўтказиш
- С. Оператив қидирув ишларини ўтказиш
- Д. Гумон қилинувчини сўроқ қилиш
- Е. Айбланувчини сўроқ қилиш

Текшириш учун саволлар

1. Терговчининг суриштирув органи билан ҳамкорлиги нима ва у қандай аҳамиятга эга?
2. Ҳамкорлик субъектларига кимлар киради?
3. Дастлабки терговни ўтказишда тергов ҳаракатлари ва оператив қидирув чораларини бирга амалга ошириш қандай аҳамиятга эга?
4. Жиноят ишини қўзғатиш ва дастлабки тергов босқичларида терговчи ва суриштирув органининг ҳамкорлиги қандай шаклларда амалга оширилади?
5. Дастлабки тергов органлари жазони ижро этиш муассасалари билан қандай ҳамкорлик қилади?
6. Терговчининг ва прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан шикоят қилиш тартиби қандай?
7. Терговчининг ва прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари юзасидан қилинган шикоятни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби қандай?

XVI боб. Жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш

16.1. Гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида жалб этишнинг моҳияти ва аҳамияти

«Айб қўйиш» ва «жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш» тушунчалари бир хил маънони билдирмайди. Бу ЖПКнинг 44-боби номидан ҳам келиб чиқади. Бу гап «гумон қилиш» ва «жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш» тушунчаларига ҳам тааллуқлидир. Қонун уларни бир тартибли, бир-бирини босқич-ма-босқич алмаштирувчи турли ҳаракатларни ифодалайдиган ҳаракатлар сифатида талқин этиш учун асос беради: ЖПКнинг 360–361-моддаларида шахсга тегишли қарор чиқариб ва айб қўйиб, ушбу шахсга қарорни эълон қилиш орқали уни жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида сўз юритилади.

Жиноят процесси назариясида ушбу терминларнинг мазмуни ўртасидаги муносабатга янгича, яъни қисм ва бутун сифатида қараш қарор топди. Унга кўра, айб қўйиш шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш процессуал тартибининг элементларидан бири сифатида қаралади.

1988 йилгача Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексида гумон қилинувчининг жиноят процессида иштирок этиши расман акс этган, аммо унда «гумон қилинувчи» тушунчаси бўлмаган. Унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳам қайд этилмаган эди. 1988 йилда 1959 йилги ЖПКга ўзгартиш киритилиб, гумон қилинувчи жиноят процессининг мустақил иштирокчиси сифатида эътироф этадиган ва унга тегишли процессуал ҳуқуқлар берадиган 40¹-моддаси билан тўлдирилди¹. Бироқ шундан кейин ҳам жиноят процессининг субъекти бўлмиш гумон қилинувчининг процессуал мақоми ҳақидаги, унинг процессда пайдо бўлиш асослари, қайси пайтдан бошлаб шахс гумон қилинувчи деб ҳисобланиши мумкинлиги, гумон қилинувчи қандай ҳуқуқ ва бурчларга эга эканлиги каби масалалар борасида баҳс-мунозаралар давом этди. Масалан,

¹ Қаранг: Ведомости Верховного Совета УзССР. 1988. № 8. Ст. 99.

1959 йилги Ўзбекистон ЖПКнинг «гумон қилинувчи» тушунчасини тартибга солган 40¹-моддасида гумон қилинувчи деб: 1) жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланган шахс; 2) айб қўйилгунига қадар эҳтиёт чораси қўлланилган шахс тан олинди. Мазкур таърифдан шахснинг уни жиноят содир этганликда гумон қилиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлганда ҳам, унга нисбатан айб қўйилгунига қадар ушлаб туриш ёхуд бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш асослари мавжуд бўлганда гумон қилинувчига айланиши келиб чиқади.

Шундай қилиб, гумон қилинувчи процессуал фигурасини юзага келтирадиган юридик факт таркибига кўра мураккаб эди ва турли процессуал ҳодисалар — гумон қилиш ва процессуал мажбурлаш чораларини бирлаштирган эди. Жиноят содир этганликда гумон қилинган шахсга энг кескин мажбурлов чоралари бўлмиш ушлаб туриш ва эҳтиёт чораларини қўллаш фактининг ўзиёқ жиноят процессида гумон қилинувчи сифатида муайян чегараларни белгилар эди. Лекин, агар ушбу масалани шу ҳолатда бўлиш вақти ёки жиноят ишида гумон қилиш учун етарли далилларнинг мавжудлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқадиган бўлса, ушлаб туриш ёки эҳтиёт чоралари жиноят процессида гумон қилинувчининг пайдо бўлиши учун объектив зарур бўлган барча жиҳатларни қамраб оладими, деган савол туғилади.

Бунга фақат рад жавобини бериш мумкин. Биринчидан, «гумон қилинувчи» сўзи ҳеч бир изоҳланмаган «гумон қилиш» сўзи орқали тушунтирилади. Иккинчидан, қонунда гумон қилиш асослари ушлаб туриш ва эҳтиёт чорасини қўллаш асосларидан фарқланмайди. Ушбу асослар муҳим фарқларга эга, шу боис уларни «гумон қилинувчи» тушунчаси билан чалкаштириш мумкин эмас.

Жиноят-процессуал фаолият субъекти бўлмиш гумон қилинувчининг ўзига хос белгисини қуйидагилар ташкил этади: жиноят-процессуал фаолиятнинг амалга оширилиши; муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлиги; жиноят процессининг бошқа иштирокчилари билан жиноят-процессуал муносабатларга ўз таъаббуси билан ёки қонун талаби асосида киришиш¹.

Ўзбекистоннинг 1959 ва 1994 йиллардаги ЖПКларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида 1994 йилдаги ЖПКда гумон қи-

¹ Қаранг: *Миренский Б. А.* Новое в уголовно-процессуальном законодательстве (Общая часть). Т., 1995. С. 27.

линувчининг 1959 йилги ЖПКда мустақамланган бошқа ҳуқуқлари билан бир қаторда, қуйидаги янги ҳуқуқлари акс этганлигини кўриш мумкин: ушланганидан кейин 24 соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш; ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш; ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан ёки у ушланган пайтдан бошлаб ҳимоячи билан учрашишни талаб қилиш; терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида шахсан иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари устидан шикоятлар бериш. Буларнинг барчаси гумон қилинувчи ҳуқуқларининг амалга ошиши ишончли кафолатланганидан, гумон қилинувчи институтининг кенгайиб бораётганлиги ва ҳаётийлигидан далолат беради.

Таъкидлаш лозимки, 1994 йилги ЖПК қабул қилингунига қадар қонун ҳужжатларида гумон қилинувчининг бурчлари ҳақида ҳеч нарса дейилмаган эди. Амалдаги ЖПК, гумон қилинувчига кенг ҳуқуқлар бериш билан бирга, ундан муносиб тарздаги хулқ-атвори ҳам талаб қилади. ЖПК 48-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, гумон қилинувчи: суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши, суриштирувда ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ва қонунда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергов қилишда тартибга риоя этиши шарт.

Гумон қилинувчининг бурчларини унга суриштирувчи, терговчи жиноят ишини тергов қилиш жараёнида тушунтириб берадилар.

Шундай қилиб, гумон қилинувчи жиноят-процессуал фаолиятнинг иштирокчиси сифатида ЖПК билан тартибга солинган қарор чиқарилиши ёки баённома тузилиши туфайли муайян процессуал мақомга, ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади.

Гумон қилиш — жиноят процесси иштирокчиларидан би-

рортаси берган кўрсатув туфайли ёки кўрсатувлар олиш билан боғлиқ бўлмаган тергов ҳаракатларини амалга ошириш натижа-сида олинган маълумотларнинг мавжудлиги сабабли, унинг содир этилган жиноятга алоқаси бор ёки йўқлиги аниқланадиган ва унга айб қўйиш учун барча зарур далиллар тўпланадиган пайтгача ёхуд ушбу шахсни оқловчи ва ундан жиноят содир этганликда гумонни олиб ташлаш имконини берувчи далиллар аниқлан-гунича дастлабки тергов органларининг назарига тушадиган шахс ҳақидаги муайян ахборотнинг мавжудлиги. Гумон қилиш терговчи ёки суриштирув органи ихтиёрига ҳар қандай процессу-ал, тергов ёки оператив қидирув тадбири ўтказилиши давомида биронта шахс тўғрисида ахборот келиб тушган пайтдан бошланади. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида жалб қилиш тўғрисида қарор чиқарилган ҳамда ушбу қарор ёки ушлаб туриш ҳақидаги баённома унга эълон қилинган пайтдан бошлаб, у гумон қилинувчи мақомига эга бўлади.

Шахснинг ЖПК 221-моддасида назарда тутилган асослар бўйича жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланганлиги ёхуд ишда уни жиноят содир этишда гумон қилишга асос берувчи маълумотларнинг мавжудлиги уни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш асослари бўлиб ҳисобланади (ЖПК 359-м.).

Шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида ишти-рок этишга жалб қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарор чиқариши амалдаги ЖПКда биринчи марта кўрсатилган.

Бирор жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс иш қўзғатилгунга қадар ушланган бўлса ва ЖПКнинг 225-моддасида назарда тутилган текшириш ушлаб туришнинг асосли эканлигини тасдиқлаган бўлса, терговчи шахсни ушлаб туриш, иш қўзғатиш ва ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида тўхтамларга келиб, уларни битта қарорда баён қилади.

ЖПКнинг 360-моддасига мувофиқ, қарорда ушлаб турилган шахс қайси жиноятни содир этишда гумон қилинаётганлиги, Жиноят кодексининг қайси моддасида бу жиноят назарда ту-тилгани, ушлаб туришнинг сабаб ва асослари, шунингдек шахсни ушлаб туриш, агар жиноят иши илгари қўзғатилмаган бўлса, жиноят ишини қўзғатиш ва уни ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарор кўрсатилиши керак.

Қарор гумон қилинувчига у биринчи марта сўроқ қилин-гунига қадар эълон қилинади. Айни вақтда унга ЖПКнинг 48-моддасида назарда тутилган гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади. Сўнгра суриштирувчи ёки терговчи ЖПКнинг 111-моддасига мувофиқ, ҳимоячининг гумон қилинувчини биринчи сўроқ қилишда иштирок этишини таъминлайди, бунда гумон қилинувчи қўйилган гумонни рад этиш мақсадида ўзини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ҳимоячи билан ёлғиз гаплашиш ҳуқуқига эга.

Гумон қилинувчи суриштирувчи ёки терговчига аниқ бир ҳимоячи кераклигини шахсан айтиши мумкин ёхуд суриштирувчи ёки терговчи унга ҳимоячини таъминлаши керак. Бунда гумон қилинувчи билан тегишли адвокатлик фирмаси берадиган ордер асосида битим тузилади.

Ҳимоячининг ҳузурида суриштирувчи ёки терговчи у қайси жиноятни содир этганликда гумон қилинаётганлигини эълон қилади ва уни сўроқ қилади. Сўроқдан сўнг гумон қилинувчи тегишли сўроқ баённомасини имзолагач, вақтинчалик сақлаш ҳибсхонасига киритиб қўйилади ва ушланган пайтдан бошлаб 72 соат мобайнида терговчи гумон қилинувчига айб қўйиш учун унинг содир этилган жиноятга алоқадорлигини кўрсатувчи ишончли далилларни аниқлаши шарт.

Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этиш-га жалб қилиш тўғрисидаги қарордан фарқли равишда, жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда қўйидагилар бўлиши керак:

- 1) айбланувчи тариқасида жалб этилаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган куни, ойи ва йили;
- 2) айбловнинг мазмуни, яъни шахснинг зиммасига қўйилаётган жиноят ҳодисаси, у содир этилган жой, вақт ва бошқа муҳим ҳолатлар баёни;
- 3) Жиноят кодексининг ушбу жиноятни назарда тутган моддаси, қисми, банди акс эттирилиши лозим.

Шахс жиноят кодексининг турли моддалари, қисмлари ёки бандларида назарда тутилган бир неча жиноятни содир этишда айбланганида, бу жиноятлардан ҳар бирининг моҳияти ва юридик тавсифи алоҳида кўрсатилиши лозим.

Қарорнинг хулоса қисмида мазкур шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида тўхтамга келинганлиги ифодаланиши лозим (ЖПК 361-м.).

Жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида

иштирок этишга жалб қилиш терговчининг тўпланган далиллар мажмуидан келиб чиқиб, бу тўғрисида қарор чиқаришдан, ушбу қарорни гумон қилинувчи ёки айбланувчига тақдим этиб, айна пайтда унга тегишли ҳуқуқларини тушунтириб беришдан келиб чиқувчи айбловни ифодалашдир.

Жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш бўйича процессуал ҳаракатларда қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор бериш зарур:

- далиллар мажмуи;
- айбловнинг ифодаланиши;
- қарорнинг чиқарилиши;
- қарорнинг тақдим этилиши;
- ҳуқуқларнинг тушунтириб берилиши.

Жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш натижасида жиноят ишида марказий иштирокчи – гумон қилинувчи ва айбланувчи пайдо бўлади.

Дастлабки терговнинг бутун тизими учта босқичга бўлинади: 1) жиноят иши қўзғатишдан бошлаб жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи, тариқасида иштирок этишга жалб қилишгача; 2) жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишдан бошлаб далиллар тўплашни тугатиш ҳақида қарор қабул қилингунча; 3) жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилгандан кейин дастлабки терговни яқунлаш. Бунгача кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари ва оператив қидирув тадбирлари ўтказилади.

Жиноий жавобгарлик айблов хулосаси чиқарилган пайтда амалга ошганлиги сабабли, жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш жиноий жавобгарликка тортишнинг бошланғич пайти ҳисобланади.

Жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳаракатининг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- 1) процессда янги иштирокчиларнинг пайдо бўлиши;
- 2) шу пайтдан бошлаб ҳимоячининг иштирок этишига йўл қўйилиши;
- 3) жиноят иши бўйича текширув предметининг аниқланиши;
- 4) жавобгарлик муддатини ҳисоблаш учун охириги нуқта бўлиб хизмат қилиши.

Жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида

иштирок этишга жалб қилишнинг ўз вақтида бўлиши жиноят процесси демократизмининг эрқин белгисидир.

Жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга ўз вақтида жалб қилишнинг зарурлиги ЖПКнинг 110-моддасида белгиланган бўлиб, унга асосан терговчи дарҳол қарор чиқаради. Амалиётда ушбу процессуал ҳаракат баъзан кечиктириб юборилади. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Айбловнинг ўз вақтида қўйилишини идоравий назорат ва прокурор назорати таъминлайди.

Жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш асосларини жиний жавобгарлик асосларидан фарқлаш керак, улар бир хил эмас, аммо мазмунан алоқадордир (жиноят ҳодисаси, шахснинг айбдорлиги). Бу алоқа жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишнинг жиний жавобгарлик белгилашда бошланғич нуқта эканлигида намоён бўлади.

Ҳар қандай қарорнинг асосини қонунда унинг қабул қилиниши билан боғланидиган фактик ҳолатлар ташкил қилади. Ушбу ҳолатлар исботлаш орқали, далиллар ёрдамида аниқланганлиги сабабли, жиноят-процессуал қарорнинг қуйидаги таърифини бериш мумкин: қарор қабул қилишнинг асослари тегишли фактларни аниқловчи далиллар мажмуидир.

Жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш асослари шахснинг жиноят содир этганлигини кўрсатувчи етарли далиллар мажмуидир.

Жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишга етарли бўлган далиллар мажмуини аниқлаш учун қуйидаги икки ҳолатни аниқлаш лозим:

1) айблов қўйилгунига қадар қайси фактлар аниқланиши керак, яъни нимани аниқлаш талаб этилади;

2) терговчининг (суриштирув ходимининг) ушбу фактлар мавжудлиги ҳақидаги хулосаси қанчалик даражада ишончли бўлиши керак.

Жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш пайтига келиб исботлаш предметини ташкил қилувчи ҳолатларнинг ҳаммасини аниқлаш талаб этилмайди. Бу терговнинг турли босқичларда қарор қабул қилиш учун зарур бўлган фактлар доираси турлича бўлиши ҳақидаги қоидадан келиб чиқади.

ЖПКнинг 360 ва 361-моддаларини қиёсий таҳлил қилишнинг кўрсатишича, жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбла-

нувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш пайтига келиб қуйидагилар аниқланиши талаб этилади:

а) жиноят ҳодисаси (у содир этилган вақт, жой, усул);

б) жиноятни ушбу шахс содир этганлиги;

в) ушбу шахснинг мазкур жиноятни содир этганликда айбдорлиги, яъни исботлашнинг дастлабки икки элементини аниқлаш талаб этилади, холос (ЖПК 82-м. 1, 2-б.). Бошқа элементларни аниқлаш (ЖПК 82-м. 3, 4, 5-б.) – терговнинг кейинги вазифаси.

Ушбу ҳолатлар орасида жиноятни тавсифлашга таъсир кўрсатадиган ҳоллар, яъни айб шакли, судланганлик, такрорийлик, зарар миқдори кабилар бундан мустасно.

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш чоғида ҳал қилиниши керак бўлган асосий масалалардан бири шахснинг айбдорлигини ишончли ва тўлиқ аниқлашдир. Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этиш пайтида терговчининг айбдорлик ҳақидаги ишончли хулосаси бўлмайди ва тўла-тўқис деб ҳисобланиши мумкин эмас. Бу ўринда гап миш-мишлар ва тахминларга эмас, балки фактларга асосланган эҳтимоллик ҳақида боради, зеро қарор бу ҳолда далилларнинг тўлиқ бўлмаган мажмуига асосланади. Ишончли хулосага фақат далиллар етарли бўлгандагина келинади ва гумон қилинувчи айбланувчига айланиши мумкин. Аммо ишончли хулоса ҳақидаги концепция амалиётда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ноҳолислигига олиб келиши мумкин ва айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи жиддий чекланишига сабаб бўлади.

Терговчи жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этиш ҳақида қарор чиқарар экан, тўплаган далиллари зиддиятсиз эканлигига ҳамда айбланувчининг айбдорлиги ҳақидаги хулосага олиб келишига уни истисно қилувчи бошқа ҳолатларнинг йўқлигига ишончи комил бўлиши керак. Айни пайтда терговчи етарлича бўлмаган далилларга асосланган айбдорлик ҳақидаги хулосасини ишончли ва охириги хулоса деб ҳисоблаш мумкин эмаслиги, янги далиллар олиш ва текшириш қўйилган айбни муайян даражада ўзгартириши мумкинлигини англаши керак. Бундан кейин ҳам давом этади.

16.2. Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш

Сўроқ қилиш – шахснинг олдига бўлиб ўтган воқеани хотирада тиклаш ва ахборотни оғзаки шаклда бериш вазифасини

қўйиб, ундан жиноят ишининг муҳим ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни олишдан иборат тергов ҳаракати. Гумон қилинувчи **ва айбланувчини** сўроқ қилиш икки хил, яъни далиллар манбаи **ва ҳимоя воситаси** вазифаларини бажаради.

Айбланувчини сўроқ қилишнинг процессуал тартиби бир қатор элементлардан ташкил топади: сўроқ қилиш вақти, жойи, иштирокчилари, мазмуни ҳамда кўрсатувларни қайд этиш.

ЖПК 110-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, терговчи айбланувчини унга айб қўйилганидан сўнг дарҳол ёки бўйин товлаётган бўлса, айбланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун чақирилган, қамоққа олинган ёки мажбурий келтирилганидан кейин 24 соатдан кечиктирмай сўроқ қилиши керак. Кечиктириб бўлмас ҳолат бўлмаса, шахсни тунда сўроқ қилиш тақиқланади. Агар бу вақтда сўроқ қилиш имкони бўлмаса, кечиктириш сабаблари биринчи марта сўроқ қилиш баённомасида кўрсатилади.

Айбланувчи ва гумон қилинувчи дастлабки тергов ўтказиладиган жойда сўроқ қилинади. Терговчи агар зарур деб топса, айбланувчи касал бўлса, у даволанаётган жойда сўроқ қилиши мумкин. Терговчи, суриштирувчи сўроқ қилиш учун зарур бўлган иштирокчиларни — қонуний вакил, педагог, таржимон, ҳимоячини — таклиф қилиш учун олдиндан ҳаракат қилиши керак.

Терговчи айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдин унинг айбловга муносабатини, яъни ўзини айбли ҳисоблаши-ҳисобламаслигини ёки ўз айбини тўла ёхуд қисман рад этиши ёки этмаслигини аниқлаши шарт (ЖПК 111-м.). Ушбу масала ҳал қилинганидан сўнг айбланувчига қўйилган айб юзасидан тушунтириш бериш таклиф қилинади. Терговчи айбланувчининг кўрсатувларини эшитади, баённомага ёзиб боради, зарур ҳолларда саволлар беради.

Гумон қилинувчи, айбланувчини ҳар бир сўроқ қилиш ҳақида суриштирувчи, терговчи баённома тузади (ЖПК 106-м.), унда айбланувчининг шахсига оид маълумотлар қайд этилади. Унинг кўрсатувлари баённомага биринчи шахс номидан ва имкон қадар сўзма-сўз киритиб борилади. Зарур ҳолларда баённомада берилган саволлар ва олинган жавоблар кўрсатилади. Сўроқ қилиш туғанидан сўнг суриштирувчи, терговчи баённомани ўқиб чиқиш учун ушбу процесс иштирокчиларига тақдим этади ёки уларнинг илтимосига кўра ўқиб беради.

Гумон қилинувчи ва айбланувчи баённомага зарур қўшимча ва тузатишлар киритишни талаб қилишга ҳақлидирлар. Гумон қилинувчи ва айбланувчи баённоманинг ҳар бир бетига, тер-

говчи ҳамда сўроқда иштирок этган бошқа шахслар охирига имзо чекадилар.

16.3. Айбловни ўзгартириш, тугатиш ва унга қўшимча киритиш

Айблов турли ҳолатларда ўзгартирилиши мумкин. Бундай ҳолларда айбланувчининг айбини оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи янги далиллар тўпланиши керак.

Айбланувчига нисбатан жиноят иши бўйича қўшимча фактлар аниқланган бўлса, айблов тўлдирилиши зарур. Агар айбланувчига айб сифатида қўйилган ЖК моддаси, қисми ёки банди юридик жиҳатдан нотўғри ёритилган бўлса ва унинг иш бўйича ҳаракатлари бошқа модда билан тавсифланадиган бўлса, айблов ўзгартирилади. Бундан ташқари, агар айбланувчининг жиноят ишида бошқача тарзда иштирок этганлиги аниқланса ёки унинг жиноий фаолияти босқичлари қарорда нотўғри қайд этилган бўлса, ушбу ҳолларда қарор ўзгартирилиши ва янгитдан айб қўйилиши зарур. Агар жиноий ҳаракатларнинг юридик жиҳатдан ёритилиши аввалги ҳолида қолдирилса-ю, фактик ҳолатларнинг хусусиятигина ўзгартириладиган бўлса, дастлабки айблов ҳам ўзгартирилиши керак.

Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги янги қарор айбланувчига эълон қилинади. Айрим ҳолларда терговчилар янги айбловдан тўлиқ фойдаланмаган ҳолда, айбловни «қўшимча сифатида» янги фактлар асосидагина тақдим этадилар, илгари эълон қилинган фактларни эса ушбу қарорда келтирмайдилар, натижада айблов тўла ҳажмда тақдим этилмайди ва жиноят ишини суд қўшимча терговга қайтариши мумкин. Шу боис янги айбловда аввалги қарорда кўрсатилган ва янги аниқланган жиноят воқеалари тавсифланиши керак, акс ҳолда тўлиқ тақдим этилмаган айбловни суд қўшимча тергов ўтказиш учун қайтариши мумкин.

Айблов ўзгартирилган ёки унга қўшимчалар киритилган тақдирда айбланувчини унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириш зарур. Бу тўғрида айбланувчи билан бирга терговчи қарорга белги қўяди ва уни имзолайди. Агар прокурор ёки суд жиноят ишини қўшимча терговга қайтарса, терговчи янги айб қўйиши ҳамда айбланувчини ҳар бир воқеа бўйича сўроқ қилиши керак, акс ҳолда жиноят иши такрорий тергов учун қайтарилиши лозим.

Айбланувчининг реабилитация этилиши учун асос бўладиган

ёки ЖПК 83-моддасининг 1, 4-қисмларида назарда тутилганидек, ишни юритишга тўсқинлик қилувчи асослар аниқланса, айблов тугатилади. Айбловнинг тугатилиши ҳақида терговчи қарор чиқаради ва айна пайтда худди шу қарор билан айбланувчига қўлланилган эҳтиёт чорасини, мол-мулкнинг хатланишини, лавозимдан четлаштирилишини бекор қилади ҳамда шахсга етказилган зарарни қоплатиш ҳуқуқини тушунтириб беради. Қарорнинг нусхаси дарҳол топширилиши ёхуд ушбу шахс номига жўнатилиши керак.

16.4. Тугатилган айбловни қайта тиклаш

Агарда Жиноят кодекси ёки ЖПК нормаларини қўллашдаги хатолар натижасида жиноят иши тугатилган бўлса, шунингдек айбланувчининг айбдорлигини кўрсатувчи янги далиллар аниқланса, тугатилган айблов қайта тикланиши мумкин. Бундай ҳолларда, шунингдек айбловни одил судловга қарши қаратилган жиноятнинг ёки айбланувчининг ёхуд унинг илтимоси ёки розилиги билан ҳаракат қилган ўзга шахснинг далилларни қалбакилаштириши, яшириши ёхуд йўқ қилиб юбориши оқибатида нотўғри тугатилган бўлса, айблов Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жиний жавобгарликка тортиш муддати ичида қайта тикланиши мумкин (ЖПК 363-м.)

Агар айбланувчига нисбатан қўзғатилган айблов тугатилган бўлса, кейинчалик у айбланувчи ёхуд унинг розилиги билан ҳаракат қилган бошқа шахснинг гувоҳлар ва жабрланувчилар ҳамда бошқа шахсларга, масалан, иштирокчиларга, уларни жиноят ҳодисаси мавжуд бўлмаганлиги ҳақида кўрсатув беришга ундаш мақсадида таъсир этганлиги сабабли, шунингдек иш бўйича далилларни қалбакилаштириш, яшириш ёки йўқ қилиб юбориш оқибатида қайта тикланади.

Тахминий тестлар

1. Шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш асослари нямалардан иборат?

А. Жиноят содир этганликда гумон қилиб ушлаш ёки ишда жиноят содир этганликда гумон қилиш учун асос берувчи маълумотларнинг мавжудлиги

В. Аризанинг мавжудлиги

С. Суриштирув органи бошлиғининг кўрсатмаси

- D. Прокурорнинг оғзаки кўрсатмаси
- E. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг йўқлиги

2. Ким шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қила олмайди?

- A. Прокурор
- B. Терговчи
- C. Тергов бўлинмасининг бошлиғи
- D. Суриштирувчи

3. Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш асослари нималардан иборат

- A. Жиноят таркиби элементларининг мавжудлигидан далолат берувчи фактик маълумотлар
- B. Терговчининг ушбу шахс жиноят содир этганликда айбдор эканлиги ҳақидаги ички ишончи
- C. Жиноятни ушбу шахс содир этганлигини кўрсатувчи етарли далилларнинг мавжудлиги
- D. Терговчининг ушбу шахс жиноят содир этганликда айбдор эканлиги ҳақидаги ички ишончига олиб келувчи етарли материаллар
- E. Суриштирув органи бошлиғининг кўрсатмаси

4. Қарорнинг хулоса қисмида қандай маълумотлар бўлиши керак?

- A. Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги тўхтам (ҳал қилув қарори)
- B. Жиноятнинг моҳияти ва юридик тавсифи (квалификацияси)
- C. Айбланувчи тариқасида жалб этилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми
- D. Айбловнинг моҳияти
- E. Жиноят кодексининг ушбу жиноят назарда тутилган моддаси, қисми, банди

5. Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарор ўқиб эшиттирилганидан сўнг қайси ҳаракат амалга оширилади?

- A. Юзлаштириш
- B. Экспертизага юбориш
- C. Айбланувчини сўроқ қилиш
- D. Жиноят иши материаллари билан таништириш
- E. Ҳукмнинг ижро этилиши

Тегишириш учун саволлар

1. Шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишнинг моҳияти ва аҳамияти нимада?
2. Шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишда исботлаш доираси (чегараси) нимада?
3. Айб эълон қилишнинг тартиби қандай?
4. Гумон ва айб қўйишда ҳимоячининг иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар нимадан иборат?
5. Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилишнинг процессуал тартиби қандай?
6. Айбловни ўзгартириш, тугатиш ва тўлдириш асослари ва тартиби қандай?
7. Тугатилган айбловни қайта тиклаш асослари ва процессуал тартиби қандай?

XVII боб. Дастлабки терговни тўхтатиш ва қайта тиклаш

17.1. Дастлабки терговни тўхтатиш, унинг асослари ва шартлари

Дастлабки терговни тўхтатиш деганда, жиноят ишини юри-тишдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган, терговчи ёки прокурорнинг қарори билан расмий-лаштирилган вақтинчалик танаффус тушунилади. Ушбу танаффус вақтида мазкур мансабдор шахслар ва улар ишлайдиган органлар жиноят иши юритишни тўхтатишга олиб келувчи ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўрадилар.

ЖПКнинг 364-моддасига мувофиқ, дастлабки тергов:

1) иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган;

2) айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган;

3) айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган, башарти унинг терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаса;

4) айбланувчи ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда тўхтатилади.

Жиноят иши юритишни тўхтатишнинг мазкур ҳолатлари ҳар қандай тергов ёхуд процессуал ҳаракатни жиноят ишини қайта тикламай туриб ўтказишга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий шарт-лардир. Шу боис мазкур шартларнинг мавжудлиги терговчи, прокурорнинг дастлабки терговни тўхтатиш мажбуриятини юзага келтиради.

Шу ўринда дастлабки терговни тўхтатишнинг ушбу шарт-лари суриштирувга ҳам тааллуқлими, деган савол туғилади.

Ўзбекистоннинг 1999 йилдаги ЖПКда бу саволга ижобий жавоб берилган, яъни мазкур кодекс 105-моддасининг 5-қисмида шундай дейилган эди: «ЖПКнинг 168-моддасида назарда тутилган асослардан бири мавжуд бўлганда, суриштирув органи ўз қарори билан иш юритишни тўхтатади, қарорнинг нусхаси бир сутка ичида прокурорга юборилади». Ҳозирги вақтда ушбу жавоб ижобий бўлиши мумкин эмас. Бунинг сабаби қуйидагилардан иборат:

биринчидан, амалдаги ЖПКнинг суриштирув юритиш масалаларини тартибга солувчи 42-бобида уни тўхтатиш мумкинлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаган;

иккинчидан, ЖПКнинг 341-моддасида жиноят иши бўйича суриштирув узоғи билан ўн кун ичида тугатилиши лозимлиги аниқ айtilган, ЖПКнинг суриштирувни тамомлаш тартибини белгиловчи 342-моддасида эса уни тўхтатиш мумкинлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаган;

учинчидан, ЖПКнинг «Дастлабки терговни тўхтатиш ва қайта тиклаш» номли 45-бобида ҳам суриштирув ҳақида ҳеч нарса дейилмаган;

тўртинчидан, суриштирув функциялари шунчалик ўзгариб кетган бўлиб, вақт жиҳатидан шу қадар чекланганки, уни тўхтатиш ҳақидаги масалани қўйишнинг ўзи нотўғри бўлади.

Дастлабки тергов ЖПК 364-моддасининг 1–4-бандларида назарда тутилган асослар юзага келган вақтдан бошлаб тўхтатилади. Лекин дастлабки тергов тўхтатилгунга қадар терговчи айбланувчи йўқлигида амалга ошириш мумкин бўлган барча тергов ҳаракатларини бажариши шарт.

Дастлабки тергов муддатининг ўтиши учун зарур бўлган ушбу асосий шарт жиноят иши юритишни тўхтатиш учун талаб этилмайди. Терговчи дастлабки тергов тўхтатилгунга қадар айбланувчининг иштирокисиз бажариш мумкин бўлган барча тергов ҳаракатларини амалга ошириши, шунингдек жиноят содир этган шахсни аниқлаш чораларини кўриш керак. Дастлабки тергов фақат айблов қўйиш учун маълумотлар тўпланган ҳоллардагина тўхтатилади. Агар бундай маълумотлар бўлмаса, тергов тўхтатилмайди, балки тугатилади. ЖПКнинг 64-моддасида белгиланган муддатлар ўтанидан сўнг тўхтатилган жиноят иши тугатилиши лозим.

17.2. Дастлабки терговни тўхтатишнинг процессуал тартиби

Дастлабки тергов терговчининг асослантирилган қарори билан тўхтатилади. Қарорнинг нусхаси прокурорга юборилади. Агар жиноят иши бўйича икки ёки ундан ортиқ нафар айбланувчилар жалб этилган бўлсалар, лекин тўхтатиш учун асослар барча айбланувчиларга тааллуқли бўлмаса, терговчи айрим айбланувчиларга нисбатан жиноят ишини ажратишга ва тўхта-тишга ёки бутун иш юритишни тўхтатишга ҳақли бўлади.

ЖПКнинг 369-моддасида дастлабки терговни тўхтатиш тўғ-

рисидаги қарорнинг мазмуни тартибга солинган. Ушбу қарор уч қисмдан: кириш, тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлиши керак.

Қарорнинг кириш қисмида у тузилган кун, ой ва йил; жой; тузувчининг лавозими, ҳарбий ёки махсус унвони, фамилияси ва исми-шарифи; ушбу қарор чиқарилган жиноят ишининг материаллари кўрсатилиши керак.

Тавсиф-асослантириш қисмида содир этилган жиноятнинг моҳияти, у содир этилган вақт ва жой, ҳодиса жойини кўздан кечириш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш натижалари, жиноят содир этиш усули, мотивлари ва бошқа ҳолатлари дастлабки терговда аниқланган даражада кўрсатилган ҳолда баён этилади.

Жиноятни содир этиш ҳолатлари ишончли бўлиши, жиноят иши материаллари билан муайян даражада тасдиқланиши керак. Терговчи қарорда кўрсатган ҳолатларнинг ҳақиқийлигига ишончи комил бўлиши керак. Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарорнинг номаълум жиҳатларини турли тахминлар билан тўлдириш мумкин эмас.

Айбланувчи бир неча жиноят содир этган тақдирда ҳар бир воқеанинг ҳолатлари алоҳида баён этилади ҳамда ҳар бир воқеа ЖКнинг қайси моддаси ва унинг қисми бўйича тавсифланиши лозимлиги баён этилади. Агар жиноятни бир неча айбланувчи содир этган бўлса, қарорда улардан ҳар бири қайси қилмишни содир этганлиги ва ҳар бирининг жиноят содир этишдаги ўрни кўрсатилади. Жиноят содир этилишининг олатлари тавсифланганидан сўнг қарорда дастлабки терговни тўхтатиш асослари, жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва қидириб топиш учун кўрилган чоралар баён қилинади.

Хулоса қисмида терговчи дастлабки терговни тўхтатиш ҳақидаги қарор билан бир қаторда жиноят содир этган шахсни (агар бундай шахс аниқланмаган бўлса) аниқлаш борасида олиб борилаётган қидирув ҳаракатларини давом эттириш кераклигини таъкидлаши шарт.

Айни пайтда дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарорда жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этилиши лозим бўлган шахс аниқланмаган тақдирда ҳар доим ҳам жиноят содир этилган аниқ вақт ва жойни кўрсатишнинг, шунингдек содир этилган жойнинг бошқа ҳолатларини етарлича тўлиқ тавсифлашнинг имкони бўлмаслигини инобатга олиш лозим. Бу «камчиликлар» бундай қарорни бекор қилиш учун асос бўлмайди. Лекин агар прокурор терговчи дастлабки

терговни айбланувчининг иштирокисиз ўтказиш мумкин бўлган барча тергов ҳаракатларини амалга оширмай туриб, тўхтатганлигини аниқласа, ўз қарори билан терговчининг ҳал қилув қарорини бекор қилиши ҳамда жиноят содир этган шахсни аниқлаш учун қўшимча равишда бир қатор тергов ҳаракатлари ўтказишни топшириши мумкин.

Терговчи дастлабки терговни тўхтатганлиги ҳақида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакилларига хабар қилади.

17.3. Яширинган айбланувчини қидириш чораларини кўриш

Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб этилиши лозим бўлган шахс аниқланмаган жиноят иши бўйича дастлабки тергов тўхтатилганидан кейин терговчи жиноят қидирув бўлимига бундай шахсни аниқлаш мақсадида ёзма оператив топшириқ беради. Айнан терговчи жиноятни очишнинг ташкилотчиси бўлиши керак. Бунга жиноят қидирув бўлинмаси ва жамоатчилик билан ҳамкорликда эришилади.

Топшириқ юборилган жиноят қидирув бўлинмаси ва ички ишлар органларининг бошқа хизматлари, шунингдек суриштирув органлари жиноят содир этган шахс аниқланмаган жиноят ишини терговчига берганларидан кейин ҳам зарур оператив қидирув чоралар кўришни давом эттирадилар ва натижалар ҳақида терговчига хабар бериб турадилар. Терговчи билан жиноят қидирув ходимларининг ҳамкорлиги, шунингдек бошқа оператив хизматлар билан бўладиган ҳамкорлик уларнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш асосида жиноятни очишга қаратилган иш юзасидан ҳамкорлигида намоён бўлади.

Жиноятни очиш, айниқса тергов муваффақият қозонмаган ва жиноят иши тўхтаб қолган ҳолларда кўп вақт, куч ва воситалар сарфлашни талаб қилади. Терговчининг суриштирув органлари билан жиноятни очиш борасидаги ҳамкорлиги турли шаклларда амалга оширилади. Ҳамкорлик шакллари деганда, ушбу органларнинг биргаликда келишиб ишлашини таъминловчи ЖПКга асосланган аниқ ҳамкорлик усуллари, жиноятни тергов қилишдаги ўзаро алоқалари тушунилади. Улардан асосийлари қуйидагилардир:

-- мавжуд материалларни биргаликда ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ҳамда кейинчалик тўхтатилган жиноят иши бўйича ишларни келишган ҳолда режалаштириш;

– терговчи ва суриштирув органи ўртасида уларнинг фаолияти жараёнида мунтазам ахборот алмашиш;

– терговчининг топшириқлари ва кўрсатмаларини суриштирув органига юбориш;

– қидирув ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш;

– суриштирув органларининг тергов ва қидирув ҳаракатларини ўтказётган терговчига ёрдамлашиши;

– терговчи ва оператив ходимлар, суриштирув органларининг тўхтатилган ишлар бўйича ишлаш учун тузиладиган оператив тергов гуруҳларида биргаликда ишлаши.

Ушбу асос бўйича дастлабки терговни тўхтатиш учун терговчи айбланувчининг айнан терговдан яширинаётганлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши керак. Дастлабки тергов шахс унга айб эълон қилинганидан сўнг ҳам, айб эълон қилинмаган, аммо терговчи бунинг учун асосга эга бўлган ва айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор чиқарган тақдирда ҳам тўхтатилади.

Бундай ҳолда шахс терговдан яширинаётганлигига доир маълумот бўлганда, терговчи унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш ҳақида қарор чиқаради. Одатда бундай вазиятда эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш танланади.

Қидирув эълон қилиш учун жиноят қидирув бўлинмасига куйидаги ҳужжатлар юборилади:

а) жиноят ишини кўзгатиш ҳақидаги қарорнинг нусхаси;

б) жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарорнинг нусхаси;

в) прокурор санкция берган қамоққа олиш ҳақидаги қарор;

г) айбланувчининг оғзаки портрети, уни қаердан излаш лозимлиги, нима сабабдан яширинганлиги, бунда ким айбдор эканлиги кўрсатиладиган махсус шакл (АБД) ва ҳ.к. (агар рақамланган ёки хусусий аломатларига эга бўлган ашёлар ўғирланган бўлса). Ушбу ҳужжатлар билан бирга юбориладиган хатда айбланувчи яшириниши мумкин бўлган тахминий жой кўрсатилади.

Дастлабки терговни юритиш билан бир вақтда яширинган айбланувчи ҳам қидирилади. Бироқ қидирувни бошлашдан аввал айбланувчи ҳақиқатан ҳам яширинганлигини аниқлаш ва у биронта бахтсизликка учрамаганлигига (яъни ўлмаганлигига, касалхонага тушиб қолмаганлигига, бошқа иш бўйича қамоққа олинмаганлигига) ишонч ҳосил қилиш керак.

Қидирув эълон қилишдан аввал айбланувчининг шахсига

доир тўлиқ ва батафсил маълумотларни тўплаш зарур. Бу эса, ўз навбатида гувоҳларни сўроқ қилиш, телефон орқали сўзлашувларни эшитиб туриш, тинтув ўтказиш, ҳибсга олиш ва почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш сингари кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари ўтказишни талаб қилади.

Қидирув вақтида терговчи суриштирув органларининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши керак. Қидирув эълон қилинганидан сўнг эса у ҳужжатларни тўплаш билан шуғулланиши лозим. Айнан шу вақтда у айбланувчини аниқлаш мақсадида уни ушлаш бўйича турли режалар тузади ва дастлабки тергов давомида режага у ёки бу тузатишлар киритади.

Қидирув вақтида процессуал ҳаракатларни оператив қидирув тадбирлари билан чамбарчас боғлаб олиб бориши керак. Терговчи суриштирув органларига қидирув ўтказиш ҳақида топшириқ беришга ва улардан ушбу топшириқ қандай бажарилаётганлиги ҳақида маълумот беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Мазмунига кўра, қидирув ҳаракатлари жиноятни очишга ҳамда қонун талабларига мувофиқ, тергов ўтказишга, шунингдек жиноят содир этган шахсларни қидириб топиш ва ушлашга қаратилган оператив қидирув тадбирларининг мажмуи сифатида қаралади.

Терговчи қидирув ҳаракатларини амалга оширишда ушбу ҳаракатлар суриштирув органларигагина тааллуқли бўлган оператив қидирув чораларига айланиб кетмаслиги учун муайян талабларга риоя этиши зарур. Ушбу талабларга қуйидагилар кирради:

— терговчининг қидирув ҳаракатлари фақат ошкора воситалар ва усуллар билан, атрофдагилар учун очиқ ҳолда амалга оширилиши мумкин, аммо бу гумон қилинувчи ва айбланувчидан, жиноятга дахлдорлиги ҳақида айрим далиллар мавжуд бўлган шахсдан яширинча ўтказилишини истисно этмайди;

— қидирув ҳаракатларини ўтказаетган терговчи ҳар доим расмий шахс сифатида ҳаракат қилиши лозим.

Терговчининг тўхтатилган иш бўйича ташкилий ва қидирув ҳаракатлари билан бир қаторда, бошқа ишлар бўйича жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларни чуқур текшириш ҳам жиноятларни очишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади. Амалиётнинг кўрсатишига, ҳозирги вақтда илгариги йилларда содир этилган жиноятларнинг каттагина қисми айнан шу йўл билан очилмоқда.

Бундай шахсларни текшириш терговчининг тегишли тергов

ҳаракатларини ўтказиши, шунингдек унинг топшириғи бўйича суриштирув органларининг оператив қидирув хусусиятига эга бўлган воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказадиган ҳаракатлари орқали амалга оширилади. Текширишнинг асосий йўналишларини айбланувчининг шахсини, унинг ўтмиши ва алоқаларини ўрганиш, айбланувчини тактик жиҳатдан тўғри сўроқ қилиш ташкил қилади. Бундай сўроқ қилиш у содир этган барча жиноятларни аниқлашга, айбланувчининг хонасида ўтказиладиган тинтув чоғида бу шахс бошқа жиноятларни ҳам содир этганлигидан далолат бериши мумкин бўлган нарса ва буюмларни қидиришга қаратилиши керак.

Терговчилар ўзларининг юритувида бўлган тўхтатилган жиноят ишлари бўйича жиноятларни очиш учун фойдаланадиган шакл ва усулларга эътибор бериш лозим. Масалан, бир гуруҳ терговчилар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, амалиётда келишилган тергов ўтказиш режаларини тузиш (18 % ҳолларда); суриштирув органларига топшириқлар бериш (23,4 %), турли тергов органларига сўровлар ва хабарлар юбориш (7,2 %), ўқшаш жиноят ишларини ўрганиш (2,7 %), бошқа жиноятларни тергов қилиш чоғида фуқаролардан сўраш (3,6 %) каби чоралар қўлланилади. Бироқ сўровда қатнашган терговчиларнинг атиги 1,8 % жиноят ишларини тергов қилиш ишида криминалистик ҳисоблардан фойдаланадилар, 0,9 % аҳоли билан иш учун муҳим бўлган фактларни аниқлаш мақсадида суҳбатлар ўтказадилар ва 1,8 % бошқа жиноятларни содир этган шахсларни текширадилар.

Кўриб турганимиздек, дастлабки тергов органларининг ходимлари айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этиш учун жалб этилиши керак бўлган шахснинг аниқланмаганлиги учун тўхтатилган ишлар бўйича барча мумкин бўлган иш усулларида тўлиқ фойдаланмаяптилар. Ушбу камчиликни бартараф этиш терговчилар ишини анча самарали қилган бўлур эди. Тўхтатилган жиноят иши бўйича терговчиларнинг барча иш усулларида комплекс фойдаланиши энг ижобий самараларни беради.

17.4. Дастлабки терговни қайта тиклаш

Суриштирувчи ва терговчининг тўхтатилган жиноят иши бўйича фаолияти жиноят ишини қайта тиклаш билан боғлиқ. ЖПКнинг 371-моддасига мувофиқ, «тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов: 1) терговни тўхтатиш учун асос тариқасида ЖПКнинг 364-моддасида назарда тутилган ҳолатлар

бартараф этилганда; 2) иш бўйича айбланувчининг иштирокисиз бажарилиши мумкин бўлган қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш зарурати туғилганда қайта тикланади».

Кўпгина жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ё айбланувчи дастлабки тергов ўтказиладиган жойда олиб келинган пайтдан бошлаб, яъни терговчи тергов ҳибсхонасидан айбланувчи олиб келинганлиги ва қамоқда сақланаётганлиги ҳақида хабарнома олган пайтдан бошлаб, ёхуд яна ҳам кечроқ, яъни терговчи тергов ҳибсхонасига келиб айбланувчини чақириб, биринчи сўроқни ўтказиётган пайтдан бошлаб қайта тикланади.

Ушбу ҳолда муайян даражада қонуннинг дастлабки терговни қайта тиклаш ҳақидаги талабидан чекинишга йўл қўйилади. Чунки у дастлабки терговни тўхтатиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар йўқолган заҳоти тикланмайди.

Терговчилар масалани бу тариқа ҳал қилиб, айбланувчи дастлабки тергов ўтказиладиган жойга олиб келинишига қадар айбланувчининг иштирокида тергов ҳаракатлари ўтказишнинг амалда мумкин эмаслигидан келиб чиқадилар. Бундан ташқари, улар қайта тикланган иш бўйича тергов муддатини сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар, бунинг эса кўпинча дастлабки тергов ўтказиладиган жойга узоқ вақт давомида босқичма-босқич олиб бориладиган айбланувчининг иштирокисиз имкони бўлмайди.

Терговчи айбланувчининг иштирокида тергов ҳаракатларини ўтказиш учун реал имкониятга эга бўлган пайтдан бошлаб дастлабки терговни қайта тиклаши шарт, чунки жиноят иши айнан айбланувчининг жиноятни тергов қилишда иштирок этишини таъминлаш мумкин бўлмаганлиги сабабли тўхтатилади. Бинобарин, дастлабки терговни қамоққа олинган айбланувчи дастлабки тергов ўтказиладиган жойга етказиб келинган, соғлиги тикланган ёки мамлакатимизга қайтиб келган пайтдан бошлаб қайта тиклаш амалиётини тўғри деб ҳисоблаш лозим, чунки ушбу ҳолдагина тўхтатиш асослари амалда йўқолади ва терговчи айбланувчи иштирокида тергов ҳаракатлари ўтказиш учун ҳақиқий имкониятга эга бўлади.

Дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор асослантирилмаган ёки ноқонуний бўлса, прокурор уни бекор қилиши ва дастлабки терговни қайта тиклаш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Терговчи дастлабки терговнинг қайта тикланганлиги ҳақида прокурорга дарҳол хабар қилиши керак.

Иш юзасидан дастлабки тергов қайта тикланиши билан бир пайтда дастлабки терговнинг ўтиш муддати ҳам тикланади. Тергов муддатининг кейинчалик узайтирилиши дастлабки тер-

говни тўхтатишдан олдин ўтган тергов муддатини эътиборга олган ҳолда ЖПКнинг 351-моддасига биноан амалга оширилади.

Тахминий тестлар

1. Дастлабки терговни тўхтатиш асосларидан бирини кўрсатинг?

- A. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этилиши лозим бўлган шахснинг аниқланмаганлиги
- B. Айбланувчининг вафот этганлиги
- C. Айбланувчининг дастлабки терговга келишни истамаганлиги
- D. Прокурорнинг кўрсатмаси
- E. Жабрланувчининг талаби

2. Дастлабки терговни тўхтатишнинг мажбурий шарти нимадан иборат?

- A. Жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор чиқарилиши
- B. Гувоҳга ҳайфсан эълон қилиниши
- C. Терговчининг айбланувчи иштирокисиз амалга ошириш мумкин бўлган барча тергов ҳаракатларини ўтказганлиги
- D. Терговчининг топшириғи бўйича жиноят қидирув бўлинмасининг жавоби мавжудлиги
- E. Айблов хулосасини тузиш

3. Дастлабки терговни тўхтатиб туриш муддати қанча?

- A. Уч ойгача
- B. Дастлабки тергов учун белгиланган уч ойлик муддат тугагунча
- C. ЖПК 364-м.да назарда тутилган асослар бартараф қилингунча
- D. Дастлабки терговнинг исталган босқичида
- E. Суд муҳокамаси босқичигача

4. Қидирув эълон қилиш учун қандай ҳужжатлар зарур эмас?

- A. Жиноят ишини кўзгатиш ҳақидаги қарорнинг нусхаси

В. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб этиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси

С. Жиноят ишини юритишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси

Д. Айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор

Е. Айбланувчи тўғрисидаги маълумотнома

5. Дастлабки терговни тиклаш учун қандай асослар бўлиши керак?

А. Қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш заруратининг юзага келиши

В. Оператив қидирув ахборотининг мавжудлиги

С. Жабрланувчининг чора кўрилмаётганлиги хусусидаги шикоят

Д. ЖПКнинг 364-м.да назарда тутилган ҳолатларнинг баргараф этилиши

Е. Гувоҳдан тушган шикоятнинг мавжудлиги

Текшириш учун саволлар

1. Дастлабки терговни тўхтатиш учун қандай асослар бўлиши зарур?

2. Дастлабки терговни тўхтатишнинг процессуал тартиби қандай?

3. Қидирув эълон қилишнинг процессуал тартиби қандай?

4. Терговчи дастлабки тергов тўхтатилганидан сўнг қандай ҳаракатларни амалга оширади?

5. Дастлабки терговни қайта тиклаш асослари нималардан иборат?

6. Дастлабки терговни қайта тиклаш шартлари ва процессуал тартиби қандай?

XVIII боб. Дастлабки терговни тамомлаш

18.1. Дастлабки терговни тамомлаш ва унинг турлари

Дастлабки терговнинг сўнги босқичига иш бўйича тўпланган далилларнинг тўлиқлиги, ҳар томонламалиги ва ҳолислигини текширишга, ўтказилган терговнинг камчиликларини тўлдиришга, тергов ҳаракатларини қонун талабларига мувофиқ равишда узил-кесил расмийлаштиришга, дастлабки тергов хулосаларини ифодалаш ва асослашга, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган процессуал ҳаракатлар (ва тегишли ҳуқуқий муносабатлар) мажмуи ҳосдир.

Дастлабки терговни тамомлашнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- а) жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш;
- б) айблов хулосасини тузиш;
- в) тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун жиноят ишини судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш.

Дастлабки терговни тамомлашда терговчи ишнинг барча материалларини таҳлил қилади ва баҳолайди, иш ҳолатларининг тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона тадқиқ этилганлигини текширади. Терговчи тергов жараёнида ҳақиқатга эришиш учун зарур бўлган қонуний исботлаш воситаларининг барчасидан фойдаланилганига ҳамда иш ҳолатлари аниқланганига ишонч ҳосил қилгач, далиллар тўплашни тўхтатади, материаллар (ҳужжатлар)ни тартибга солади, ишнинг мазмунан хулосаларни ифодалайди ва асослайди. Дастлабки терговнинг ушбу якунловчи босқичида ишни бундан кейин кимга жўнатиш кераклиги ҳақида қарор чиқарилади.

Терговчи ишнинг исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларини тўлиқ аниқлаганидан ва тергов давомида юзага келган тергов тусмоллари текширилганидан кейингина дастлабки тергов тугалланган ҳисобланади.

Жиноят ишини кўзғатиш қонуний бўлган ва дастлабки тергов жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилган бўлса, у қонуний якунланади.

Агар айбланувчининг содир бўлган жиноятда айбдорлиги исботланмаган бўлса ва унга қарши қўшимча айблов далиллари бўлмаса, шунингдек уни жиноий жавобгарликдан озод қилиш

учун асослар мавжуд бўлса, ушбу шахсга нисбатан жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор чиқарилиши мумкин.

Башарти ушбу жиноят иши бўйича битта айбланувчи жавобгарликка тортилган бўлса, жиноят иши уни тугатиш ҳақида қарор чиқариш билан якунланиши мумкин.

Мабодо айбланувчи муомала лаёқатига эга эмас деб топилган бўлса ва атрофдаги кишилар учун хавfli ҳаракатлар содир этаётган бўлса, дастлабки тергов ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш учун судга юбориш ҳақида қарор чиқариш билан тамомланиши мумкин.

18.2. Жиноят ишини тугатиш, унинг асослари ва тартиби

ЖПКнинг 373-моддасига мувофиқ, жиноят ҳақидаги иш ЖПКнинг 83 ва 84-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда тугатилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи куйидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим:

- 1) иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жинoий ҳодиса юз бермаган бўлса;
- 2) унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;
- 3) унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса.

Куйидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят иши тугатилиши лозим, башарти:

- 1) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;
- 2) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;
- 3) айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;
- 4) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;
- 5) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;
- 6) иш фақат жабрланувчининг шикоятини билан қўзғатилган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- 7) шахс ижтимоий хавfli қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса.

Шахс ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганидан кейин, жавобгарликка тортиш муддати ўтган ёки амнистия акти қабул қилинган тақдирда, шунингдек айбланувчи, судланувчи вафот этган ҳолларда, агар айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо белгиланмасдан чиқарилади.

Жиноят содир этилганидан кейин ўз ҳаракатларининг моҳиятини идрок этиш ёки уларни идора қилиш имкониятидан маҳрум этадиган руҳий касалликка чалиниб қолган шахс тўғрисидаги жиноят иши ЖПКнинг 61-бобида белгиланган тартибда айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилади.

Жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ЖПКнинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

Жиноят иши қуйидаги ҳолларда шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилиши мумкин, башарти:

1) ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавfli бўлмай қолган деб эътироф этилса;

2) биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс жиноят содир этилганидан кейин етказилган зарарни бартараф этган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон қилган ва жиноятни фoш қилишга фаол кўмаклашган бўлса;

3) содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганнинг шахсини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қараб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ бўлса.

Жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор белгиланган қоидаларга риоя қилинган ҳолда тузилади.

Қарорнинг тавсиф қисмида:

1) жиноят ишини кўзгатиш асослари ва унинг содир этилишига доир тергов вақтида текширилган тусмоллар;

2) гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида ишда иш-

тирок этишга жалб қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, уларга қўйилган айб ва уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари, башарти бу шахсларга қўйилган гумон ёки айб илгари чиқарилган алоҳида қарор билан тугатилмаган бўлса;

3) жиноят ишини тугатиш асослари;

4) бу асосларни тасдиқловчи далиллар, улар ишнинг қайси жилдлари ва саҳифаларида акс эттирилганлиги;

5) ашёвий далилларнинг рўйхати, бу ашёлар сақланаётган жой ва уларнинг эгалари, шунингдек манфаатдор шахслар ёки муассасалар томонидан бу ашёларни уларга қайтариб бериш тўғрисидаги илтимослари, башарти шундай илтимос қилинган бўлса;

6) фуқаровий даъво ни таъминлаш чоралари баён қилинади.

Қарорнинг хулоса қисмида:

1) жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги;

2) гумонни ёки айбловни бекор қилиш тўғрисидаги;

3) эҳтиёт чораларини, шунингдек таъминлаш учун кўрилган чораларни бекор қилиш тўғрисидаги;

4) ашёвий далиллар тўғрисидаги қарорлар баён қилинади.

Терговчи ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқаргач, бу ҳақда гумон қилинувчига, айбланувчига, ҳимоячига, шунингдек жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва уларнинг вакилларига, худди шунингдек иш корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқаронинг берган хабари билан қўзғатилган бўлса, шу корхона, муассаса, ташкилот вакилига ёхуд фуқарога хабар қилади. Айни вақтда уларга ишни тугатиш тўғрисидаги қарор юзасидан прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилади.

Суд қўзғатган иш тугатилган ҳолларда бу ҳақда шу судга хабар қилиниши лозим.

Ҳарбий хизматга чақирилувчи шахсга нисбатан иш тугатилганда терговчи бу ҳақда етти кунлик муддат ичида ёзма тарзда туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига хабар қилади.

18.3. Дастлабки терговни айблов хулосасини тузиш билан тамомлаш

Дастлабки терговни тамомлаш терговни жиноят процессининг кейинги босқичларидан ажратиб турувчи чегарадир.

Ишни судга юборишдан аввал дастлабки терговни тамомлаш бир қатор процессуал ҳаракатларни ўз ичига олади ва унинг

жиноят иши бўйича хулосаларнинг тўғрилигини таъминлаш учун катта аҳамиятга эга бўлган муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Терговнинг хулоса қисми мазмунини ЖПКнинг 375–381-моддаларида тартибга солинган процессуал ҳаракатларнинг қуйидаги мажмуи ташкил қилади:

1) тергов жараёнида тўпланган барча далилларни айблов хулосасини тузиш учун етарли деб топиш мақсадида баҳолаш;

2) жиноят ишини тартибга келтириш ва расмийлаштириш;

3) жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига хабар бериш ва уларни иш материаллари билан таништириш;

4) айбланувчи ва унинг ҳимоячисига дастлабки терговнинг тамомланганлигини эълон қилиш ва айбланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтириб бериш;

5) жиноят ишини танишиб чиқиш учун тақдим этиш;

6) терговга қўшимча киритиш ҳақидаги илтимосларни кўриб чиқиш;

7) илтимослар қониқтирилганидан кейин иш билан такроран танишиб чиқиш;

8) дастлабки терговнинг тамомланганлигини расмийлаштириш.

Дастлабки терговнинг якунловчи қисмига хос жиҳат юқорида санаб ўтилган ҳаракатларнинг қатъий изчиллигидан иборат. Айбланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтирмай туриб, уни иш материаллари билан таништириш мумкин эмас. Илтимослар иш материаллари билан таништиришдан кейин ҳал қилинади, чунки улар иш билан танишиб чиқилганидан сўнг пайдо бўлиши мумкин ва ҳ.к.

Жиноят ишининг судда тез ва холисона кўриб чиқилиши, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилиниши ҳаракатларнинг қанчалик тўғри ва ўз вақтида бажарилишига боғлиқ. Шубҳасиз, жиноят ишининг судда муваффақиятли кўриб чиқилиши бутун тергов ҳаракатларининг қандай кечишига боғлиқ, аммо кўп нарса тергов тамомланаётганида процессуал ҳаракатларни тўғри бажаришга ҳам боғлиқ. Чунки ушбу босқичда бутун ишга хулоса ясалади ҳамда терговни тамомлаш ва ишни судга юбориш ҳақида қарор чиқарилади.

Энди бир ҳаракатни алоҳида кўриб чиқамиз.

Дастлабки тергов холис, тўлиқ ва ҳар томонлама бўлган тақдирда тамомланган ҳисобланади. Бу ишнинг барча ҳолатлари ҳеч бир шубҳа қолдирмайдиган тарзда аниқланиши кераклигини билдиради. Ишда далиллар ўртасида зиддият бўлмаслиги, камчиликлар, ҳолатларда тушунарсиз жойлар, тахминларга асосланган хулосалар қолмаслиги керак.

Дастлабки терговнинг якунловчи қисмида терговчининг ишнинг ҳар бир асосий масаласи бўйича тергов жараёнида аста-секин шаклланган ички эътиқоди тўлиқ шаклланади ва текширилади.

Тўпланган далиллар узил-кесил тартибга солинади, танқидий жиҳатдан таҳлил қилинади ва умумлаштирилади, улардаги камчиликлар ва зиддиятлар уларни тугатиш мақсадида аниқланади. Буларнинг барчаси иш бўйича тўпланган далилларни тўғри баҳолаш ва терговнинг якунланганлиги ҳақида тўғри хулоса чиқариш, айблов хулосасини тузишга киришиш ва ишни судда кўриб чиқиш учун жўнатиш мақсадида амалга оширилади. Далилларнинг тўғри баҳоланиши суд мажлисида судланувчининг айбдорлиги ҳақидаги масалани тез, тўлиқ ва ишончли равишда ҳал қилинишини таъминлайди.

Агар тергов юзаки равишда хатоликлар билан ўтказилган, ҳамда далиллар тергов тутаганидан кейин расмиётчилик билан баҳоланган бўлса, булар ишни қўшимча терговга қайтариш учун асос бўлади ва тергов органлари ишидаги жиддий камчилик деб ҳисобланади. Ишни қўшимча терговга қайтариш унинг судда кўрилишини чўзиб юборади, тўпланган далиллар тергов чўзилганлиги туфайли ўзининг аҳамиятини, долзарблигини йўқотади, гувоҳлар дастлаб берган кўрсатмаларидаги баъзи тафсилотларни унутишлари айбланувчилар ва уларнинг қариндошлари гувоҳлар ва жабрланувчиларни ўз кўрсатувларидан воз кечиш ёки уларни ўзгартиришга кўндириш орқали терговнинг боришига таъсир кўрсатишлари мумкин.

Қўшимча терговга қайтарилган ишлар таҳлили аксарият ҳолларда улар терговнинг тўлиқ эмаслиги ва бир томонламалиги, жиноятнинг нотўғри квалификация қилиниши, айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи бузилганлиги, унинг шахси етарли ўрганилмаганлиги каби сабабларга кўра қайтарилишини кўрсатмоқда.

Ишнинг тартибга солиниши ва расмийлаштирилиши тергов натижаларининг тўғри чиқарилиши, айблов хулосасининг тўғрилиги ва ишончлилигини таъминловчи зарур шарт-шароитлардан биридир.

Процесс иштирокчиларини расмийлаштирилмаган иш билан таништириш, ишни кераксиз материаллар билан тўлдириб юбориш танишиб чиқиш жараёнини қийинлаштиради ҳамда виждонсиз айбланувчиларга у ёки бу ҳужжатни сездирмай олиб қўйиш имконини беради.

Ишни тартибга солиш ва расмийлаштириш — ишда мавжуд материалларни тегишли тартибда танлаб, уларни процессуал жиҳатдан тўғри расмийлаштирилганлиги нуқтаи назаридан текшириш, тикиш, рақамлаш ва ҳужжатлар рўйхатини тузиш демакдир.

Республикамиз ЖПКда жиноят ишида ҳужжатларни қайси тартибда тахлаш кўрсатилмаган. Амалиётда иш материалларини тартибга солишнинг энг қулай тартиби шаклланган бўлиб, ушбу тартиб ҳужжатлар рўйхатида ифодалангани ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) ҳужжатлар рўйхати;
- 2) жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги қарор;
- 3) жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлган материаллар (ариза, хабар);

- 4) мажбурлов чоралари ва тинтув ҳақидаги материаллар (ушлаб туриш ҳақидаги баённома, ҳибсга олиш, тинтув ўтказиш кабилар ҳақидаги қарор ва ҳ.к.);

- 5) суриштирув ва тергов материаллари (сўроқ қилиш, кўздан кечириш, таниб олиш учун кўрсатиш баённомалари ва ҳ.к.);

- 6) тафтишлар, экспертизаларга оид материаллар, ашёвий далилларни, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни тикиб қўйиш;

- 7) тергов ўтказиш муддатини узайтириш расмийлаштирилганлигига оид материаллар (агар шундай бўлган бўлса, терговни тамомлаш баённомаси ва айблов хулосаси (алоҳида);

- 8) ашёвий ва ёзма далиллар (ишжилд охирида, конвертда).
Агар айбланувчилар бир нечта бўлса, ҳужжатлар худди шу тартибда ҳар бири учун алоҳида тикилади.

Бир жилд одатда 300 варақдан иборат бўлади, ундан ортиқ тикиш тавсия этилмайди. Ишни тартибга солиш ва расмийлаштириш терговчининг тўпланган далилларнинг тўлиқлиги, процессуал жиҳатдан тўғри расмийлаштирилишини назорат қилишининг самарали воситасидир.

Иш материалларини ўз вақтида тартибга келтириш ва расмийлаштириш талаби терговчида процессуал шаклга ҳурмат, ишга юзаки қараш билан келишмаслик каби туйғуларни тарбиялашга ёрдам беради.

ЖПКнинг 375-моддаси жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиш ҳуқуқининг таъминланишини тартибга солади.

Терговчи тўпланган далилларни айблов ҳулосасини тузиш учун етарли деб топганидан кейин айбланувчи ва ҳимоячига дастлабки тергов тамомланганлигини эълон қилади, уларга ишдаги барча материаллар билан танишиб чиқишга доир ҳуқуқларини тушунтиради ва танишиб чиқиш учун ишни тақдим этади.

Агарда иш тугатилган бўлса, терговчи бу ҳақда ва иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи ҳақида гумон қилинувчини, айбланувчини ва ҳимоячини хабардор қилади ҳамда уларнинг илтимосига биноан уларга танишиб чиқиш учун ишни тақдим этади.

Терговчи дастлабки тергов тамомланганлиги ва иш айблов ҳулосаси билан судга юборилиши ёки иш тугатилганлиги тўғрисида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига хабар қилади, башарти улар хоҳласалар, барча иш материаллари билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиради. Сўнг терговчи кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчиларининг илтимосига мувофиқ, танишиб чиқиш учун уларга ишни тақдим этади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, ҳолислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тергов ҳаракатлари баённомасининг кириш қисмлари танишиб чиқиш учун тақдим қилинмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда баённомаларнинг кўрсатиб ўтилган процесс иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кириш қисмлари муҳрланган ҳолда сақланади.

Башарти айбланувчининг ҳимоячиси ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакили узрли сабабларга биноан белгиланган вақтда иш материаллари билан танишиб чиқиш учун кела олмаса, терговчи танишиб чиқиш муддатини кўпи билан беш суткага кечиктириши мумкин. Ҳимоячи ёки вакил бу муддат ичида келмаган тақдирда айбланувчига бошқа ҳимоячини таклиф қилиш, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарга бошқа вакил чақириш учун имконият яратилади.

ЖПК 376-моддасида жиноят ишидаги материаллар билан танишиб чиқиш тартиби белгиланган. Унга кўра, терговчи ишдаги материалларни танишиб чиқиш учун тикилган ва рақамланган кўринишда, ҳар бир жилддаги ҳужжатларни рўйхат қилган тарзда тақдим этади.

Иш билан танишиб чиқиш учун зарур бўлган муддат чекланмайди. Лекин процесс иштирокчилари ишдаги материаллар билан танишишни атайлаб чўзишга уринаятган бўлсалар, терговчи ўз қарорида ишдаги материаллар билан танишиш учун муайян муддат белгилашга ҳақлидир. Иш билан танишиб чиқаётган шахс ундаги ҳужжатлардан кўчирмалар ёзиб олишга ҳақлидир, давлат сирларини ўз ичига олган маълумотлар бундан мустасно.

Терговчи ишдаги материаллар билан танишиб чиққанлик тўғрисида баённома тузади ва бундан кейинги оғзаки илтимосларни баённомага киритади. Процесс иштирокчиси ёзма тарзда алоҳида илтимоснома берса, бу ҳақда баённомада ёзиб қўяди. Илтимослар қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби ЖПКнинг 377-моддасида кўрсатилган.

Айбланувчи, ҳимоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш билан танишиб чиқишгач ёки бирор сабабга кўра танишиб чиқишдан бош тортганларидан кейин терговчи улардан қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш ёки янги қарорлар қабул қилиш хусусида илтимослари бор ёки йўқлигини аниқлайди.

Терговчи илтимос қондирилгандан кейин, у ким томонидан ва кимларнинг манфаатлари йўлида билдирилган бўлишидан қатъи назар, айбланувчи, ҳимоячига, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ишдаги барча материаллар билан яна танишиб чиқиш имкониятини беради (ЖПК 378-модда).

Шу билан терговчининг дастлабки терговни юритишда каттагина босқични ташкил этувчи ҳаракатлари ниҳоясига етади. Агар терговчи ушбу ҳаракатларнинг барчасини амалга ошириб, терговнинг тўлиқ ва холис эканлиги, жиноят ишини судга юбориш учун етарлилиги ҳақида хулосага келса, у иш бўйича дастлабки тергов натижалари қайд этиладиган яқунловчи процессуал ҳужжат бўлмиш айблов хулосаси тузади.

Айблов хулосаси — дастлабки терговни яқунловчи ва унинг натижаларини ифодаловчи процессуал ҳужжат бўлиб, унинг асосида жиноят иши судга юборилиши керак. Айблов хулосасида терговчи келган хулосалар, тақдим этилиши лозим бўлган далиллар таҳлили айбланувчининг айблов ва оқлов мақсадида келтирилган асослари ҳамда айбловнинг юридик квалификацияси келтирилади.

Ушбу муҳим тергов ҳужжатида терговчи ўтказилган бутун тергов натижасида шаклланган ўзининг айбланувчининг айб-

дорлигига бўлган ишончини акс эттиради. Бунда у айблов иш бўйича тўпланган далиллар билан тасдиқланганлигини, айбланувчининг унга қўйилган айб бўйича келтирган асослари ва эътирозлари ишонарли чиқмаганлиги, айбловни рад эта олмаганлигини баён этади. Айблов хулосасини терговчи тузади, аммо ушбу ҳужжат уни прокурор тасдиқлаганидан кейингина юридик кучга киради.

Айблов хулосаси муҳим юридик (процессуал-ҳуқуқий), сиёсий ва техникавий аҳамият касб этади. Унинг юридик аҳамияти шундаки, айблов хулосаси терговнинг якуний босқичидаги процессуал восита ҳисобланади. Терговчи айблов хулосасини тузаётганида ишнинг барча материалларини уларнинг ҳар томонламалиги, тўлиқлиги ва ҳолислиги нуқтаи назаридан яна бир бор текширади ва баҳолайди.

Айблов хулосасининг юридик аҳамияти яна шундаки, у прокурор ва суд (судья) ўзларига берилган ваколат доирасида қарор чиқаришлари учун асос ҳисобланади.

Прокурорга айблов хулосаси — ишни судга юбориш, судьяга эса — уни судда кўриб чиқиш учун тайинлаш ҳақида қарор чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Суд айбловни асосланган деб топгач, ишни суд мажлисида фақат айблов хулосасида қайд этилган шахсларга нисбатан ва дастлабки терговда уларга қўйилган айб нуқтаи назаридангина кўриб чиқиши шарт.

Булардан яна бир — учинчи процессуал-ҳуқуқий аҳамияти келиб чиқадики, у иш бўйича суд муҳокамасининг доирасини белгилаб беради. Суд агарда суд муҳокамаси давомида судланувчи учун оғирроқ жазога олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқласа, айблов хулосасида келтирилган айблов ифодасини ва юридик квалификациясини ўзгартиришга ҳақли эмас. Бундай ҳолатда суд айбловни ўзгартириш ва қайта айб эълон қилиш учун ишни қўшимча терговга қайтаради, шундан сўнг суд муҳокамасининг доирасини белгиловчи янги айблов хулосаси тузилади.

Айблов хулосасининг аҳамияти унинг айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқининг процессуал кафолати эканлигида ҳам ўз ифодасини топади. Айбланувчи ўзига берилган айблов хулосаси мазмуни билан танишиб чиққач, суд муҳокамасида иштирок этишга аввалдан тайёргарлик кўриши, қандай ҳимояланишни ўйлаб кўриши, қандай илтимослар қилишни мўлжаллаб қўйиши мумкин.

Айблов хулосасининг сиёсий аҳамияти шундаки, суд тергови бошланиши билан эълон қилинадиган ушбу хулоса суд мажлиси залида ҳозир бўлганларни муҳокама қилинаётган ишнинг моҳияти билан таништиради.

Қонуний тарзда тўпланган далилларга асосланган айблов хулосаси фуқароларни жиноятларга ва уларни содир этган шахсларга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялашга ёрдам беради, жиноятларга қарши кураш олиб борувчи органларнинг обрўсини оширади.

Айблов хулосаси техникавий жиҳатдан ҳам аҳамиятга эга. Уни тузиш чоғида айбловни асословчи барча далилий материаллар муайян тартибга солинади. Бу эса суднинг ҳамда суд муҳокамаси иштирокчиларининг иш материаллари билан танишишини ва унинг моҳиятини тушунишини оsonлаштиради. Айблов хулосасининг тузилиши ва мазмуни жиноят-процессуал қонун ҳамда тергов қилинган жиноятнинг хусусияти билан боғлиқ (ЖПК 379-модда).

Айблов хулосаси тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Тавсиф қисмида дастлабки терговда аниқланган ҳолатлар: жабрланувчи, шунингдек айбланувчи тўғрисидаги маълумотлар; айбланувчининг айбдорлигини тасдиқловчи далиллар, айбланувчининг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важлари ва уларни текшириш натижалари баён қилинади.

Хулоса қисмида айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади ҳамда эълон қилинган айбловнинг мазмуни Жиноят кодексининг шу жиноятни назарда тутган моддаси ёки моддаларини ҳам кўрсатган ҳолда баён қилинади.

Айблов хулосасида баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи иш саҳифалари кўрсатилиши керак. Терговчи айблов хулосаси қаерда ва қачон тузилганлиги кўрсатиб, уни имзолайди.

Амалиётда юридик адабиётда тавсия этилган тартиб ўзини оқлади. Унга кўра тергов натижасида олинган маълумотлар қуйидаги тартибда баён этилади:

1) жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлган ҳолатлар ёки сабаб;

2) жиноятни тергов қилишда аниқланган фактик ҳолатлар, уларни тасдиқловчи далиллар билан бирга;

3) терговчи айбланувчининг шахси ҳақида тўплаган маълумотлар, улар ушбу шахснинг жамият учун хавфлилик даражаси ва жавобгарлик хусусияти ҳақидаги масалани ҳал қилишда муҳимдир;

4) айбланувчининг унга эълон қилинган айб мазмуни бўйича тушунтиришлари ва уларни текшириш натижалари.

Фактик ҳолатларни ҳамда уларни аниқлашга ёрдам берган далилларнинг манбаларини баён этиш усули ишнинг хусусиятига боғлиқ.

Агарда айбланувчи ўзини айбдор деб тан олмаса ва айблов билвосита далилларга асосланса, иш ҳолатларини уларни тергов қилиш чоғида аниқланган кўринишда ва тартибда таърифлаган маъқул.

Фактик ҳолатларни жиноят содир этилган кетма-кетликда баён этиш бевосита далилларга эга бўлган ишлар бўйича, яъни иш бўйича тўпланган далиллар шубҳасиз аниқ бўлганлиги сабабли уларни жуда батафсил таҳлил қилиш зарур бўлмаганида тавсия этилади. Кўпинча терговчилар ўзига хос аралаш усулдан, яъни юқорида санаб ўтилган усулларни бирлаштириб фойдаланадилар.

Айблов хулосасининг тавсиф қисмида фактик ҳолатларни баён этишда айбланувчининг жавобгарлигини энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, шунингдек айбланувчининг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларни келтириш зарур. Ушбу ҳолатларнинг барчаси ишончли далилларга асосланиши ва айблов хулосасида тегишли манбаларга ҳавола этган ҳолда келтирилиши керак.

Ушбу қисмда айбланувчининг унга қўйилган айб бўйича тушунтиришларининг моҳияти ва уларни текшириш натижалари баён этилади.

Айбланувчининг содир этилган жиноятга муносабати алоҳида аҳамиятга эга. Чин кўнгилдан пушаймон қилиш, жиноятни очишга фаол кўмаклашиш жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатлар ҳисобланади. Бу ҳақда айблов хулосасида кўрсатиш зарур.

Айбланувчи ўзини айбдор деб тан олмаган ҳолатларда айблов хулосасининг тавсиф-асослантириш қисмида унинг важлари воқеликка мос эмаслиги кўрсатилиши лозим. Шу боис айбланувчининг у эътироз билдираётган фактлар бўйича тушунтиришларини ҳам, терговчи топган ва ушбу тушунтиришларини рад этадиган далилларни ҳам келтириш зарур. Бунда айбланувчини фош этадиган далиллар шундай мантиқий изчилликда келтирилиши керакки, бундан уларнинг жиноят ҳодисаси билан чамбарчас боғлиқлиги кўриниб туриши, айбдорлик ҳақидаги хулоса эса ишонарли бўлиши керак.

Айблов хулосасининг тавсиф-асослантириш қисмида, шунингдек жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига олиб келган шарт-шароитлар билан боғлиқ ҳолатлар ҳам баён этилиши зарур. Бу судга айбланувчининг хатти-ҳаракатини тўғри баҳолаш ва унинг қилмишлари қандай асосга эгаллигини аниқлаш, бинобарин, жиноятларнинг олдини олиш чораларини кўриш имконини беради.

Ушбу қисмнинг мазмуни иш материалларига мос келиши керак. Терговчининг тахминлари, тасаввурлари иш бўйича тўп-ланган далиллар мазмуни ва маъносини бузиб кўрсатилишига таъсир этмаслиги лозим. Аниқланган фактларга ҳолисона ёндашувни субъектив баҳо билан алмаштириш ҳам мумкин эмас.

Айблов хулосасининг мазкур қисмини баён этилаётган ҳолатларни тасдиқлаш учун далиллар келтириб ишнинг моҳияти учун муҳим бўлмаган умумий фикрлар билан тўлдириб юбормаслик керак. Бунда жиноят ишининг тегишли варақларига ҳаволалар қилиш зарур, чунки бу жиноят ишини ўрганишни ва айблов хулосасининг тўғри тузилганлигини текширишни осонлаштиради.

Тавсиф-асослантириш қисмида баён этилган фактик ҳолатлар асосида унинг хулоса қисми тузилади. Хулоса қисмида айбланувчиларнинг анкета маълумотлари батафсил келтирилади, айблов баёни ва жиноят деб баҳоланаётган қилмишлар квалификацияланишига асос бўлган ЖК моддалари келтирилади.

Айблов ифодаланиши жиноятнинг моҳияти, содир этилган вақти жойи, усули, шунингдек айбланувчининг ҳаракатлари натижасида етказилган зиён ҳақидаги қисқача баёндир.

Хулоса қисми тавсиф-асослантириш қисмида баён этилган барча фактик ҳолатларга мос келиши ҳамда ЖК Махсус қисмининг муайян моддасида назарда тутилган жиноятнинг аниқ таркибини кўрсатувчи юридик хулоса бўлиши керак.

Айблов фабуласини тузишда жиноят ишида айбланувчи тарихида иштирок этишга жалб этиш тўғрисидаги қарорда баён этилган айбловнинг ифодаланишидан келиб чиқиш, эълон қилинган айб доирасига ҳамда ЖКнинг айбланувчининг ҳаракатларини квалификациялашга асос бўлган моддаси матнига қатъий риоя этиш лозим.

Жиноят иши бўйича бир неча айбланувчи иштирок этаётган бўлса, хулоса қисмида уларга қўйилаётган айб ҳар бири бўйича аниқ ажратилиши керак. Айблов баёнини тузилаётганида уларнинг ҳар бири нимада айбланаётганлиги ва унинг жиноят

содир этишдаги ўрни қандай эканлиги аниқ кўрсатилган ҳолда айбланувчиларнинг айби индивидуаллаштирилиши зарур.

Агар айбланувчи ЖКнинг турли моддаларида кўрсатилган бир неча жиноятни содир этганликда айбланаётган бўлса, хулоса қисмида барча моддалар келтирилади.

Айблов хулосаси тузилиб, тайёр бўлганидан сўнг, терговни уни иш материаллари билан бирга прокурорга жўнатиши лозим ва ушбу ҳаракат одатда хизмат хати шаклида расмийлаштирилади.

Айблов хулосасига терговчининг фикрича суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхати, шунингдек қўлланилган эҳтиёт чоралари, гумон қилинувчи ва айбланувчи қанча вақт қамоқда сақланганлиги тўғрисидаги, ашёвий далиллар, фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари, суд чиқимлари тўғрисидаги маълумотлар илова қилинади.

Суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатида терговчи уларнинг турган жойи ҳамда кўрсатувлари ёки хулосалари ишнинг қайси саҳифасида баён қилинганлигини кўрсатади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатида уларнинг тахаллуслари кўрсатилиши мумкин. Хавфсизлиги таъминланишига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар улар иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомаларининг кириш қисмлари билан бирга муҳрланган ҳолда судга тақдим этилади. Улар билан фақат айблов хулосасини тасдиқловчи прокурор ва ишни кўриб чиқувчи судья танишишлари мумкин (ЖПК 380-м.).

Тузилган айблов хулосаси барча зарур иловалар билан бирга бир неча нусхада тайёрланади. Прокурор тасдиқлаган асл нусха жиноят ишига қўшиб қўйилади, иккинчи нусхаси кузатув иш-жилдида қолади, қолганлари эса айбланувчилар ва ҳимоячиларга жўнатилади.

ЖПКнинг 381-моддасига мувофиқ, терговчи айблов хулосасини имзолаганидан кейин жиноят ишини дарҳол прокурорга юборади.

18.4. Прокурор айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан бажарадиган ишлар

Прокурор терговчидан жиноят иши келиб тушганда барча материалларни ЖПКнинг 384-моддасида кўрсатилган талабларга мувофиқ пухта ўрганиб чиқиши ва текшириши керак. Хусусан:

1) айбланувчи зиммасига қўйилаётган қилмиш содир этилган ёки этилмаганлигини ва бу қилмишда жиноят таркиби бор-йўқлигини;

2) қўйилган айб ишдаги мавжуд далиллар билан асослан-тирилган-асослан-тирилмаганлигини;

3) айбланувчининг исботланган барча жиноий қилмишлари айблов мазмунига киритилган-киритилмаганлигини;

4) жинояти фош қилинган барча шахслар айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган-қилинмаганлигини;

5) айбловни ёки ишни тугатишга сабаб бўладиган ҳолатлар бор-йўқлигини;

6) айбланувчининг қилмишларига тўғри ёки нотўғри тавсиф берилганлигини;

7) эҳтиёт чораси тўғри ёки нотўғри танланганлигини;

8) фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини;

9) жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланган-аниқланмаганлигини ҳамда уларга барҳам бериш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини;

10) тергов синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона ўтказилган-ўтказилмаганлигини;

11) айблов хулосаси ЖПКнинг 379 ва 380-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ тузилган-тузилмаганлигини;

12) суриштирувчи ва терговчи ЖПКнинг бошқа талабларига риоя қилган-қилмаганлигини текшириши шарт.

ЖПКнинг 385-моддасига мувофиқ, прокурор ёки унинг ўринбосари айблов хулосаси билан келган жиноят ишини кўпи билан беш суткада кўриб чиқиши ва қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши шарт:

1) ишни судга юбориш учун асослар мавжуд деб толиб, айблов хулосасини тасдиқлаш;

2) ўз қарори билан айблов мазмунидан айрим бандларни чиқариб ташлаш, енгилроқ жиноятни назарда тутувчи қонунни

қўллаш ва шу ўзгартишлар билан айблов хулосасини тасдиқлаш;

3) қўшимча тергов ўтказиш учун ишни ўз кўрсатмалари билан терговчига қайтариш;

4) иш юритишни тўхтатиш;

5) ишни тугатиш.

Башарти айбловни тўлдириш ёки уни оғирлаштириш томонига ёхуд ҳақиқий ҳолатларга кўра аввалги айбловдан жиддий фарқ қиладиган томонга ўзгартириш талаб қилинса, прокурор ёки унинг ўринбосари қўшимча ёки ўзгартирилган айб эълон қилиш учун ишни қўшимча терговга қайтаради.

ЖПКнинг 386-моддаси асосида айблов хулосаси билан келган жиноят иши бўйича прокурор ёки унинг ўринбосари эҳтиёт чорасини ўз қарори билан бекор қилишга, ўзгартиришга ёки илгари эҳтиёт чораси танланмаган бўлса, шундай чорани татбиқ этишга ҳақлидир. Бунда ЖПКнинг 28-бобидаги қоидалар қўлланилади.

Жиноят иши судга юборилгунга қадар прокурор ёки унинг ўринбосари суд мажлисига чақириладиган шахсларнинг рўйхатини ўз қарори билан қисқартириш ёки тўлдиришга ҳақлидир. Бунда айбланувчилар, муомала лаёқатига эга бўлган жабрланувчилар, вояга етмаган айбланувчиларнинг қонуний вакиллари, шунингдек фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахслар ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинганлар ва уларнинг вакиллари рўйхатдан тушириб қолдирилиши мумкин эмас. Дастлабки терговда гувоҳ сифатида сўроқ қилинмаган ва эксперт сифатида хулоса бермаган шахслар рўйхатга қўшимча қилиб киритилиши мумкин эмас (ЖПК 387-м.).

Прокурор ёки унинг ўринбосари айблов хулосасини тасдиқлаб, жиноят ишини тегишли судга юборади ҳамда ишнинг судга юборилганлиги ҳақида айбланувчига ва ҳимоячига, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига дарҳол хабар қилади ва, агар илтимослари бўлса, уларни судга юборишга ёки суд мажлисида баён қилишга ҳақли эканликлари тўғрисида маълум қилади (ЖПК 388-м.).

Тахминий тестлар

1. Дастлабки терговни тамомлашнинг барча турларини кўрсатинг.

- A. Жиноят ишини тугатиш
- B. Айблов хулосасини тузиш
- C. Ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш
- D. A, B, B
- E. B, B

2. Жиноят ишини тугатишнинг асосларини тартибга солувчи ЖПК моддаларини кўрсатинг?

- A. 364 ва 371-моддалар
- B. 83 ва 84-моддалар
- C. 86 ва 95-моддалар
- D. 185-модда
- E. 315-модда

3. Қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш ёки янги қарор қабул қилиш ҳақида илтимослар қилиш муддати қанча?

- A. 3 сутка
- B. 10 сутка
- C. 15 сутка
- D. 20 сутка
- E. 7 сутка

4. Айблов хулосасини ким имзолайди?

- A. Прокурор
- B. Суд
- C. Суриштирув органининг бошлиғи
- D. Терговчи
- E. Айбланувчи

5. Жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги сабабли жиноят ишини тугатиш мумкинми?

- A. Барча ҳолларда мумкин
- B. Содир этилган жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилмаган бўлса мумкин
- C. Мумкин эмас
- D. Фақат прокурорнинг рухсати билан мумкин
- E. Фақат суриштирув органининг рухсати билан мумкин

Текшириш учун саволлар

1. Дастлабки терговни тамомлашнинг қандай турлари бор?
2. Жиноят ишини тугатишнинг асослари ва процессуал тартиби қандай?
3. Дастлабки терговни реабилитация қилинадиган ва реабилитация қилинмайдиган асослар бўйича тамомлаш қандай хусусиятларга эга?
4. Жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарор юзасидан шикоят қилишнинг процессуал тартиби қандай?
5. Тугатилган жиноят иши бўйича иш юритишни қайта бошлаш асослари, шартлари ва тартиби қандай?
6. Дастлабки терговни тамомлаш қандай процессуал тартибга эга?
7. Манфаатдор шахсларнинг жиноят иши материаллари билан танишиш ҳуқуқи қай тариқа таъминланади?
8. Айблов ҳулосасининг тузилиши ва мазмуни қандай?
9. Дастлабки терговда ҳисоб-қайд интизомига қандай тартибда риоя этилади?

ХІХ боб. Суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунларни ижро этишини назорат қилиш

19.1. Умумий қондалар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига мувофиқ, барча вазирликлар, идоралар, мансабдор шахслар ва алоҳида фуқароларнинг қонунларни аниқ ва бир хилда бажаришлари устидан назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорларга юклатилган. Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари сирасига жиноятчиликка қарши курашувчи органларнинг қонунларни ижро этишини назорат қилиш ҳам киради («Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 30 август қонунининг 4-моддаси).

Прокурор суриштирув ва дастлабки терговни юритишда қонунларнинг ижросини назорат қилар экан бирорта ҳам жиноят очилмай қолмаслигини ва жиноят содир этган ҳеч бир шахс қонунда белгиланган жавобгарликдан қутулмаслигини; қонунда белгиланган жиноят ишларини қўзғатиш ва тергов қилиш, фуқароларни жинойи жавобгарликка тортиш; процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тартибига, қонуннинг шахс ҳуқуқлари муҳофаза қилиш, ишнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текширилиши ҳақидаги талабларига қатъий риоя этилишини; жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига олиб келган шарт-шароитлар аниқланиши ва бартараф этилиши учун чоралар кўрилишини кузатиб туради.

Прокурор ўзининг суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятида қонунийликка риоя этилишини назорат қилиш функциясини, ушбу органларнинг қайси идорага тегишлилигидан қатъи назар, бажаради. Прокурорнинг жиноят ишларини қўзғатиш ва тергов қилиш муносабати билан жиноят-процессуал қонунда назарда тутилган тартибда берган кўрсатмалари суриштирув ва дастлабки тергов органлари учун бажарилиши мажбурийдир. Прокурор терговчилар ва суриштирув органларининг барча ҳаракатлари ва ҳужжатлари қонунга мос бўлишини кузатиб туриш билан чекланмайди, балки терговни жиноятларнинг тез ва тўлиқ очилишига ва

самарали тарзда олди олиншига қаратиш чораларини кўради. У суриштирув ва дастлабки тергов чоғида юзага келадиган процессуал масалаларни мазмунан ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Айрим тергов ҳаракатлари фақат прокурорнинг санкцияси билан ўтказилиши мумкин, айти пайтда терговчи жиноят ишларини прокурор розилигисиз ҳам тугатишга ҳақлидир.

Прокурорнинг суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунларга риоя этилишини назорат қилиш борасидаги кенг миқёсли ваколатлари процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ва фуқаролар ҳуқуқларини жиддий чеклаш билан боғлиқ бўлган дастлабки тергов хусусиятларининг ўзига хос жиҳатларидан, шунингдек прокурорнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги муҳим ўриндан келиб чиқади. Прокурор назорати суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятида қонунларга қатъий риоя этилишини ҳамда шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини таъминлашга қаратилган. Прокурор қонунийликни назорат қилиш функциясини бажариш билан бирга, айти пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларга ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

19.2. Дастлабки тергов юртишнинг қонунийлигини назорат қилиш

Прокурор жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар қонунларни қандай ижро этаётганликларини назорат қилиш жараёнида ўз ваколатлари доирасида куйидагиларни амалга ошириши лозим:

— суриштирув ва дастлабки тергов органларидан текшириш учун жиноят ишларини, суриштирув, тезкор қидирув фаолиятининг ҳужжатлари ва материалларини ҳамда бошқа маълумотларни талаб қилиш;

— содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари ижросини ҳар ойда камида бир марта текшириш;

— терговчилар ва суриштирувчиларнинг ноқонуний ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилиш;

— жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят гавсифини белгилаш, айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш, айрим тергов ҳара-

катларини бажариш ва жинойт содир этиб яширинган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

— суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этиш ҳамда зарур ҳолларда ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажариши ёки терговни тўла ҳажмда амалга ошириш;

— тергов ҳамда эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш муддатини узайтириш;

— жинойт ишларини суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов ўтказиш учун ўз кўрсатмалари билан қайтариш;

— ҳар қандай жинойт ишини суриштирув органидан олиб, терговчига бериш, шунингдек уни бир дастлабки тергов органидан бошқасига, бир терговчидан бошқасига ўтказиш;

— суриштирувчини ёки терговчини, агар у ишни тергов қилиш чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлса, суриштирув ёхуд дастлабки терговни давом эттиришдан четлатиш;

— қонунда назарда тутилган ҳолларда тергов ҳаракатлари олиб борилишига санкция бериш;

— жинойт ишларини қўзғатиши ёки уларни қўзғатишни рад этиш, жинойт ишларини тугатиши ёхуд улар юзасидан иш юритилишини тўхтатиш;

— қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ишни тугатишига розилик бериш;

— айблов хулосасини ёки қарорини тасдиқлаш, ишни судга юбориш.

Прокурорнинг жинойт-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берган терговолди текшируви ўтказиш, жинойт ишлари қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ кўрсатмалари суриштирув ва дастлабки тергов органлари учун мажбурийдир.

Қонунда дастлабки тергов органларига энг муҳим процессуал қарорларнинг нусхаларини прокурорга юбориш мажбурияти юкланган бўлиб, бу ушбу қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва ўз вақтида қабул қилишини назорат қилишга имкон беради. Прокурорга жинойт ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхасидан ташқари жинойт ишини тугатиш ва дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ҳам юборилади (ЖПК 331, 382, 364-м).

Прокурор фуқароларни қамоққа олиш учун санкция бериш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, прокурорлар ва уларнинг

Ўринбосарлари ўз ваколатлари доирасида жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чекловчи бошқа ҳаракатларга ҳам санкция берадилар.

Прокурор айбланувчи, гувоҳларни сўроқ қилишда ва бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этиб, уларнинг ўтказилиш тартибини белгиловчи қонунларнинг ижросини, шунингдек процесснинг тегишли иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза қилинишини назорат қилиш имкониятига эгадир.

Тўлиқ ва ҳолисона терговни таъминлаш мақсадида, прокурор ҳар қандай ишни суриштирув органидан терговчига, шунингдек бир дастлабки тергов органидан бошқасига, бир терговчидан бошқасига олиб бериш ҳуқуқига эга. Айбланувчи тариқасида ишга жалб этишнинг қонунийлиги ва асослилигини назорат қилиш ҳамда фуқароларнинг шахсий эркинлигини чеклаш билан боғлиқ бўлган ушлаб туриш ва дастлабки қамоқ сингари жиноят-процессуал мажбурлов чораларини қўллаш айниқса муҳим.

Прокурор ҳеч ким ноқонуний ва асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилмаслигини кузатиб туриши шарт. Ўз ташаббуси билан ҳам, шикоят келиб тушганда ҳам у айблов қўйиш учун далиллар етарли даражада тўпланганлигини текширади ва зарур бўлганда айбловни ўзгартириш ёки айбланувчига нисбатан иш юритишни тугатиш ҳақида ёзма кўрсатма беради ёхуд жиноят ишига айбланувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб этиш тўғрисидаги асосланмаган қарорни шахсан бекор қилади.

Фуқароларга шахсининг дахлсизлиги кафолатланади. Суд қарорисиз ёки прокурор санкциясиз ҳеч ким ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас (Конституциянинг 25-м., ЖПКнинг 18-м.). Прокурор санкцияси — эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олиш асослилигининг кафолатларидан бири ҳамда терговчи ва суриштирув олиб бораётган шахс ҳаракатларининг қонунийлигини назорат қилишнинг муҳим шакли. «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 24 ва ЖПКнинг 243-моддасига мувофиқ, фуқароларни қамоққа олиш учун санкция бериш ҳуқуқи қуйидагиларга тегишли: Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори, уларнинг ўринбосарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, уларга

тенглаштирилган прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек туман (шаҳар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар.

Прокурор қамоққа олиш учун санкция бериш ҳақидаги масалани ҳал қилаётганида, қамоққа олиш учун асослар кўрсатилган барча материаллар билан синчиклаб танишиб чиқиши шарт. Аввало, у тергов органларининг эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисидаги қарорининг мазмуни билан танишиб чиқади, унинг қонунийлигини текширади, ҳибсга олиш масаласини қўйган терговчининг ёки суриштирувчининг вазларини тинглайди, жиноят иши материалларини ўрганиб чиқади, зарур ҳолларда ҳибсга олиш масаласи ҳал қилинаётган шахсни сўроқ қилади (вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳар қандай ҳолда ҳам сўроқ қилинади) ҳамда шу тариқа қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар борлигини аниқлайди.

Прокурорнинг ваколатига тергов қилиш ва айбланувчини қамоқда сақлаш муддатини узайтириш масаласи ҳам киради. Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятида қонунийликка риоя этилишини назорат қилиб, фуқароларнинг жиноят содир этганликда гумон қилиниб асоссиз равишда ушлаб турилиши ҳолларига йўл қўймаслиги шарт.

Ушлаб туришнинг кечиктириб бўлмас хусусияти туфайли, жиноят-процессуал қонунда суриштирув органи ва терговчига ушбу чорани қўллаш ҳақидаги масалани мустақил равишда, прокурор санкциясиз ҳал қилиш ҳуқуқи берилган. Шу боис ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилигини прокурор одатда ушлаб туриш чораси амалда қўлланилганидан кейин назорат қилади. Бундай тартиб прокурорнинг асоссиз равишда ушлаб турилган шахсни озод қилиш учун зарур чоралар кўришига ва шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклашига имкон беради, бироқ унга барча ҳолларда ҳам жиноят процессида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларини асоссиз равишда чеклашнинг олдини олишига имкон бермайди. Шу сабабли асоссиз равишда ушлаб туриш ҳолларига йўл қўймаслик учун прокурор суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятида ушлаб туришнинг фақат қонунда кўрсатилган асослар бўлган ҳамда гумон қилинувчи шахсни жамиятдан ажратиш ҳақиқатан ҳам зарур бўлган ҳоллардагина қўлланишини кафолатловчи қонунийликка қатъий риоя этилишини таъминлаши шарт.

Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларнинг ушлаб турилиши қонуний эканлиги юзасидан холисона прокурорлик назоратини таъминлаш учун прокурорга амалга оширилган ушлаш ҳақида ўз вақтида хабар бериш катта аҳамиятга эга.

ЖПКнинг 225-моддасига мувофиқ, ушлашнинг асослилигини текшириш, ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва кўздан кечириш, ушланган шахс милиция идорасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келинганидан сўнг кўпи билан 24 соат ичида амалга оширилиши керак.

Ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилигини прокурор, аввало, ушлаб туриш ҳақидаги хабарда берилган маълумотларни таҳлил қилиш орқали текширади. Прокурор ушлаб туришнинг асослилигига шубҳаланса, суриштирувни амалга ошираётган шахсдан ёки терговчидан керакли тушунтиришлар олади, шунингдек жиноят иши материалларини ўрганиб чиқади. Зарур ҳолларда у жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланган шахсни сўроқ қилади. Сўроқ қилиш ушлаб туриш учун асослар мавжудлигини ва ушлаб туриш ҳолатларини, шунингдек ушлаб турилган шахсга унинг процессуал ҳуқуқлари ўз вақтида ва тўлиқ тушунтирилганлигини текшириш имконини беради.

Прокурорнинг ушлаб туриш қонуний эканлигини назорат қилишининг муҳим усули ушланганларни вақтинчалик сақлаш ҳибсхоналарини мунтазам равишда текшириб туришдир. Бундай текширув ноқонуний ушлаб туриш фактларини, шунингдек белгиланган режим, ушлаб туриш муддатлари, ушланганларнинг ҳуқуқлари бузилиши фактларини аниқлашга имкон беради.

Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунларни ижро этишини назорат қилиш билан бирга, терговчилар ва суриштирув ўтказаятган шахсларнинг ноқонуний қарорларини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай қарор расмийлаштириладиган процессуал ҳужжат прокурорнинг қароридир.

Прокурорга жиноятни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноятни тавсифлаш, айрим тергов ҳаракатларини амалга ошириш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш ҳақида ёзма кўрсатма беришга ҳам ҳақлидир (Прокуратура тўғрисидаги қонуннинг 4-м.; ЖПКнинг 34, 240, 243, 382-м.м.). Ушбу кўрсатмалар терговчи ва суриштирувчи учун бажарилиши мажбурийдир. Терговчи прокурорнинг айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш, айбловнинг тавсифланиши ва ҳажми, ишни судга юбориш ёки тугатиш ҳақидаги кўрсатмаларига рози бўлмаганида ишни юқори турувчи проку-

рорга ўз эътирозларини ёзма равишда баён этган ҳолда тақдим этишга ҳақлидир. Ушбу ҳолда прокурор ўз қарори билан қуйи турувчи прокурорнинг кўрсатмасини бекор қилади ёки тергов ўтказишни бошқа терговчига топширади (ЖПК 36-м. 3-қ.). Бундай тартиб терговчининг процессуал мустақиллигини таъминлайди ва дастлабки терговнинг энг муҳим масалалари бўйича ўзининг ички эътиқодига мос қарор қабул қилишига имкон беради.

ЖПК 36-моддасининг 3-қисмида белгиланган қоидалар суриштирув органига тааллуқли эмас. Суриштирув органининг бошлиғи ёки суриштирувчи прокурорнинг кўрсатмаларига рози бўлмаганида, уларни бажаришни тўхтатмаган ҳолда улар хусусида юқори турувчи прокурорга шикоят қилишга ҳақлидирлар.

Прокурор терговчи билан тергов бўлимининг бошлиғи ўртасида жиноят ишини юритиш муносабати билан юзага келадиган низоларни ҳал қилади. Терговчи тергов бўлими бошлиғининг кўрсатмаларига рози бўлмаган тақдирда ушбу кўрсатмалар хусусида прокурорга шикоят қилади, прокурор эса тегишли қарор қабул қилади. Прокурорнинг қонунда белгиланган тартибда берган кўрсатмалари тергов бўлимининг бошлиғи учун бажарилиши мажбурийдир. Ушбу кўрсатмалар юзасидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш уларнинг бажарилишини тўхтатмайди.

Прокурор суриштирув органи ёки терговчининг ҳаракатлари юзасидан берилган шикоятларни ҳам кўриб чиқади. Ушбу шикоятлар бевосита прокурорнинг ўзига ёхуд ҳаракатлари хусусида шикоят қилинган суриштирувчи ёки терговчи орқали берилади. Шикоятлар ҳам ёзма, ҳам оғзаки бўлиши мумкин. Прокурор шикоятни олгач, уни кўриб чиқиши ва натижалар ҳақида аризачига хабар бериши, шикоятни рад этган тақдирда эса шикоят асоссиз деб топилишига сабаб бўлган ҳолатларни баён этиши керак.

Прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари хусусидаги шикоят юқори турувчи прокурорга берилади. Агар ишни тергов қилиш чоғида қонун бузилишига йўл қўйилган бўлса, прокурор ЖПК-нинг 80-моддасига мувофиқ, терговчи ёки суриштирувчини суриштирув ёки дастлабки терговни бундан кейин олиб боришдан четлаштиришга ҳақлидир. Терговчи ёки суриштирувчини рад этиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш ҳам унинг ваколатига киради.

19.3. Дастлабки терговнинг тамомланишини назорат қилиш

Дастлабки тергов айблов хулосаси жиноят ишини тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун судга юбориш ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор чиқарилиб тамомланишидан қатъи назар, прокурор қабул қилинган қарорнинг қонунийлигини ва асослилигини назорат қилади.

Прокурорга ўзининг юритувида бўлган ёхуд суриштирув органи ёки терговчининг юритувида бўлган ишни қонунда кўрсатилган ҳар қандай асослар бўйича ўз қарори билан тугатиш ҳуқуқи берилган. У жиноят ишини юритишни тўхтатиши мумкин. Дастлабки тергов айблов хулосаси чиқарилиб тамомланганда, прокурор ёки унинг ўринбосари кўпи билан 5 сутка ичида жиноят ишини кўриб чиқиши ва у бўйича қарор қабул қилиши шарт.

Прокурор айблов хулосасини тасдиқлаётганида илгари танланган эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки ўзгартиришга ёхуд, агар илгари танланмаган бўлса, эҳтиёт чораси танлашга ҳақлидир. Бундан ташқари, у айблов хулосасига илова қилинган суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатини ўзгартириши мумкин.

ЖПКнинг 388-моддасига мувофиқ, прокурор ёки унинг ўринбосари айблов хулосасини тасдиқлаб, жиноят ишини тегишли судга юборади. Худди шу судга барча илтимоснома ва шикоятлар иш билан бирга суд мажлисида текширилиши ва ҳал қилиниши учун жўнатилади.

Айни пайтда прокурор ёки унинг ўринбосари айбланувчи ва унинг ҳимоячисига айблов хулосаси ва (суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатидан бошқа) иловаларининг нусхаларини юборади. Айблов хулосасига ёки иловаларга ўзгартишлар киритилган бўлса, ушбу ўзгартишлар ҳақидаги қарорнинг нусхасини юборади.

Тахминий тестлар

1. Прокурорнинг кўп воқеали жиноят ишлари бўйича ваколатларига нималар кирмайди?

А. Терговни тугатиш ва ишни ушбу воқеалар бўйича юбориш ҳақида кўрсатма бериш

- В. Терговни тугатиш ҳақида ёзма кўрсатма бериш
- С. Жиноят ишини тўхтатиш ҳақида кўрсатма бериш
- Д. Воқеаларга доир қисми бўйича терговни тугатиш
- Е. Айблов хулосаси чиқариш

2. Прокурорнинг айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан эҳтиёт чораси ҳақида қарори:

- А. Фақат бекор қилиш
- В. Фақат ўзгартириш
- С. Эҳтиёт чорасини бекор қилиш, ўзгартириш ёки танлаш
- Д. Айбланувчини эҳтиёт чорасисиз қолдириш
- Е. Интизомий жазо чорасига ўтиш

3. Прокурор жиноят ишини қайси судга юборади?

- А. Ҳар қандай судга
- В. Юқори турувчи судга
- С. Тегишли судга
- Д. Фуқаролик ишлари бўйича судга
- Е. Хўжалик судига

4. Прокурор терговчининг қайси қарорларига санкция беради?

- А. Жиноят ишини кўзгатиш ҳақидаги
- В. Гумон қилинувчини ушлаб туриш
- С. Ёлон қилиш
- Д. Тинтув ўтказиш
- Е. Мулкни хатлаш

5. Прокурор айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан бир ой ичида қарор қабул қилиши мумкинми?

- А. Мумкин
- В. Мумкин эмас
- С. Бу унинг ихтиёрида
- Д. Юқори турувчи прокурор билан келишган ҳолда мумкин
- Е. Жабрланувчи билан келишган ҳолда мумкин

Текшириш учун саволлар

1. Прокурорнинг суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунларга риоя этишларини назорат қилиши қандай вазифа ва шаклларга эга?
2. Прокурор суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунларга риоя этишларини назорат қилишда қандай ваколатларга эга?
3. Прокурор айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан қандай масалаларни ҳал қилади?
4. Прокурор айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан қандай қарор қабул қилишга ҳақли?
5. Прокурор назорати билан идоравий текширувнинг муносабати нимада намоён бўлади?

XX боб. Судловга тегишлилик. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш

20.1. Судловга тегишлилик ва унинг турлари

Судловга тегишлилик — муайян суднинг ёки муайян бўғин ёхуд даражадаги судларнинг бирон бир тоифадаги жиноят ишларини биринчи инстанция суди тариқасида кўриб чиқиш ваколати. Бироқ, жиноят ишларининг судловга тегишлилиги ҳақида гапирганда, одатда ишнинг жиноят иши қайси судда ва ушбу суднинг қандай таркибида кўриб чиқилиши ҳақидаги масала ҳал қилинишига имкон берадиган хусусиятлари ёки белгилари назарда тутилади. Судловга тегишлиликни аниқлаш жиноят иши қайси судда ва қандай таркибда кўрилишини аниқлаш демакдир.

Предметли (турга оид), ҳудудий ва шахсга оид судловга тегишлилик фарқланади. Предметли судловга тегишлиликни аниқлашнинг умумий принципини қуйидагича таърифлаш мумкин: туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судларининг судловига юқори турувчи ва ҳарбий судларнинг судловига тегишли ишлардан бошқа барча жиноят ишлари тегишлидир.

Қорақалпоғистон Республикасининг жиноят ишлари бўйича Олий суди ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар судларининг судловига тегишли бўлган жиноят ишларининг рўйхати ЖПК 389-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган.

Мамлакатимиз Олий судининг судловига жуда мураккаб ва муҳим бўлган жиноят ишлари тегишлидир. Ҳарбий судлар судловига тегишли ишлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Юқори суд қуйи суд судловига тегишли ҳар қандай жиноят ишини биринчи инстанция суди тариқасида ўзи кўриш учун олишга ҳақлидир (ЖПК 390-моддаси).

Жиноят иши жиноят содир этилган жойдаги судда кўрилади. Жиноят содир этилган жойни аниқлаш имконияти бўлмаса, ишни дастлабки тергов тамом бўлган ҳудуддаги суд кўради.

Узоққа чўзилган ёки давомли жиноятларга доир ишлар жиноят қайси ҳудудда тамомланган ёки тўхтатилган бўлса, шу ҳудуддаги суднинг судловига тегишли бўлади (ЖПК 391-моддаси).

Бир неча шахсни турли ҳудудларда содир этган жиноятлари учун айблаш тўғрисидаги жиноят ишлари, шунингдек бир шахсни бир неча жиноятни содир этишда айблаш тўғрисидаги жиноят ишлари бирлаштирилганда, агар бу ишлар бир хил даражадаги икки ёки бир неча суднинг судловига тегишли бўлса, ишни дастлабки тергов қайси ҳудудда тамомланган бўлса, шу ҳудуддаги суд кўради. Бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар турли даражадаги судларнинг судловига тегишли бир неча жиноятни содир этишда айбланган бўлса, бундай ишларни юқори суд кўради.

Агарда иш бўйича бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар бир неча жиноятни содир этишда айблансалар ва бу шахслардан лоақал бири ёки жиноятлардан бири ҳақидаги иш ҳарбий суднинг судловига тегишли бўлса, барча жиноятлар ва барча шахсларга доир ишларни ҳарбий суд кўради (ЖПК 392-моддаси).

Жиноят иши тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўрилишини таъминлаш мақсадида, ишни юқори суд раисининг қарори билан бир суддан бошқа судга ўтказиш мумкин. Ишни бошқа вилоятдаги ёки Қорақалпоғистон Республикасидаги судга ўтказиш масаласини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ҳал этади.

Башарти судья жиноят ишини судда муҳокама қилиш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида иш мазкур суднинг судловига тегишли эмаслигини аниқласа, уни судловга тегишлилигига кўра ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаради. Ишнинг ўтказилишига фақат у суд мажлисида кўрила бошлангунига қадар йўл қўйилади.

Иш шу даражадаги бошқа суднинг судловига тегишли экани суд мажлисида маълум бўлиб қолса ва ишнинг ҳолатларини тўлиқ текширишга зарар етказмайдиган бўлса, суд ишни кўришни давом эттираверади, акс ҳолда суд уни судловга тегишлилигига кўра бошқа судга юбориб, бу ҳақда ажрим чиқаради.

Суд ўз мажлисида ишнинг юқори суд ёки ҳарбий суд судловига тегишлилигини аниқлагач, уни тегишли судга юбориб, бу хусусда ажрим чиқаради. Юқори суднинг суд мажлисида кўрила бошланган ишни қуйи судга юборишга йўл қўйилмайди (ЖПК 393-моддаси).

Судловга тегишлилик хусусида судлар ўртасида баҳс бўлишига йўл қўйилмайди. ЖПКда назарда тутилган тартибда бир суддан бошқа судга юборилган жиноят иши албатта кўриб чиқиш учун қабул қилиниши лозим (ЖПК 394-моддаси).

20.2. Жиноят ишени судда кўриш учун тайинлаш, униги вазифалари ва аҳамияти

Жиноят ишени судда кўриш учун тайинлаш босқичи иш судга келиб тушган пайтдан бошланади.

Жиноят процессиниги жиноят ишени судда кўриш учун тайинлаш босқичи қуйидаги вазифаларни бажаради:

– ҳар бир иш бўйича шахсни жиноят процессида айбланувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб қилишнинг қонунийлиги ва асосланганлигини текшириш;

– ишени суд мажлисида кўриб чиқиш учун етарли асослар мавжудлигини текшириш;

– мазмунан кўриб чиқилиши лозим бўлган ҳар бир иш бўйича уни судда ўз вақтида, тўлиқ ва ҳар томонлама кўриш учун барча зарур ташкилий чораларни кўриш;

судда кўриш учун етарли асослар бўлмаган ишларнинг бундан кейинги ҳаракатида, яъни қўшимча терговга юбориш, иш юритишни тугатиш ёки тўхтатишга оид масалаларни ҳал қилиш.

Жиноят ишени судда кўриш учун тайинлаш босқичидаги ревизия (тафтиш, назорат) асослари айниқса дастлабки терговда қонунийликка риоя этилишини, суриштирув ва тергов органлари тўплаган материалларнинг тўлиқлигини, содир этилган қилмишнинг тўғри квалификацияланганлигини, зарур ҳолларда тегишли асослар мавжуд бўлганда, ишени тугатиш ва тўхтатиш ҳуқуқиниги амалга оширилишини назорат қилиш – буларнинг ҳаммаси суд фаолиятидаги муҳим бўғиндир. Бироқ ЖПК 396-моддасиниги 1-бандида судьяга судловга тегишлилик ҳақидаги масалани ҳал қилиш ваколати берилган, 404-моддада эса судниги жиноят ишени қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги ажрими юзасидан шикоят бериш ва даъво қилиш ҳуқуқи назарда тутилган бўлса ҳам, судловга тегишлилик ва ишени қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги масала жиноят-процессуал қонундан ўрин олмай қолди.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида айтиш мумкинки, жиноят ишени судда кўриш учун тайинлашнинг бош вазифаси жиноят ишлари бўйича юзаки кўрилган жиноятларнинг ва у ёки бу шахсга асоссиз равишда айб қўйилган ёки бошқа жиддий қонунбузарликларга йўл қўйилган ишларнинг биринчи инстанция судида кўрилишига йўл қўймасликдан иборат. Ушбу босқичда судья иш бўйича ифодаланган айбловни тасдиқлаш ёки, бунинги устига, уни мазмунан ҳал қилиш вазифасига эга

эмас. Бу босқичда судья айбловнинг исботланганлиги ҳақида, айбланувчининг унга айб сифатида қўйилаётган жиноий қилмишни содир этганликда айбдорлиги ҳақида ҳеч қандай, жумладан, дастлабки хулосаларни ҳам чиқара олмайди. Унинг вазифаси прокурор тасдиқлаган айбловни судда кўриш учун қабул қилиш ёки, бошқача айтганда, жиноят ишини муҳокамага тайинлаш учун барча фактик, моддий-ҳуқуқий ва процессуал шарт-шароитлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлашдан иборат бўлади¹.

Судья жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан умуман шуғулланмаслиги керак. Ушбу босқичда судья айнан далилий материаллар ҳажми билан боғлаб қўйилган ва қўшимча материаллар (ҳужжатлар, ашёлар ва бошқа фактик маълумотлар)ни талаб қилишга ҳақли эмас. Далиллар баҳоланади, аммо фақат уларнинг етарлилиги, мақбуллиги ва тегишлилиги нуқтаи назаридан баҳоланади. Судья айблов хулосасига рози бўлиш ёки бўлмаслик, айбланувчига нисбатан танланган эҳтиёт чорасини тўғри ёки нотўғри деб топиш, ишни суд мажлисида кўриш учун асосларнинг етарлилигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида, суриштирув ва дастлабки тергов органлари тўплаб берган барча далилларни баҳолаши керак.

Бундан ташқари, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ишни суд мажлисида кўришга нисбатан ташкилий вазифани ҳам бажаради. Одатда ушбу босқичда йўл қўйилган ташкилий хатолар ҳукмнинг бекор қилинишига олиб келмайди, лекин улар суд муҳокамасини анча қийинлаштириши ва ишни кўриб чиқиш муддатини чўзиб юбориши мумкин. Бу, табиийки, бутун суд фаолиятининг самарадорлигига таъсир этади.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида ҳали муайян шахсга қўйилган айбнинг исботланганлиги ҳақида ҳам, жиноят ҳодисасининг ўзи исботланганлиги ҳақидаги масалага ҳам ишончли равишда жавоб бериш мумкин эмас. Судья жиноят ҳодисасига нисбатан, иш материалларидан ва қўйилган айбдан келиб чиқиб, айбланувчига қўйилган айб жиноят таркибига эга эканлиги ёки эга эмаслиги ҳақида ҳамда суд мажлисида бошқа масалалар билан бир қаторда айбланувчи унга айб сифатида қўйилаётган жиноий қилмишни содир этганлиги ишончли ёки

¹ Қаранг: *Фаткуллин Ф. Н.* Изменение обвинения. М., 1971. С. 87.

ишончли эмаслиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Судья ёки суд тергов давомида иш бўйича мавжуд далилларнинг ишончлилиги ва етарлилигини текширганидан кейингина жиноят ҳодисаси мавжудлиги ва судланувчи айбининг исботланганлиги ҳақида хулоса қилишга ҳақлидир.

Табиийки, суриштирув ва дастлабки терговнинг ҳар томонламалиги, тўлиқлиги ва ҳолислиги ҳақида масалаларини жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида ҳал қилишга тўғри келган жиноят ишларининг сонига қарабгина хулоса чиқариб бўлмайди. Бироқ, агар ушбу босқич орқали ўтган ва кўриб чиқилган жиноят ишларининг умумий сонини судда тугатилган ишлар сони, шунингдек оқлов ҳукмлари ва кўшимча терговга юборилган ишлари сони билан қиёслайдиган бўлсак, жиноят ишларининг асосий қисми бўйича судьялардан дастлабки тергов сифати ва у ёки бу жиноятларни содир этган шахсларни жинойий жавобгарликка тортишнинг тўғрилиги масаласида асосли шубҳа туғилмайди. Буни Ўзбекистон мустақиллиги давридаги суд статистикаси ҳам тасдиқлайди: ўртача ҳар йили жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда (статистик ҳисоботларда суднинг жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш мажлисида, деб кўрсатилган) 0,06 % (1994 й.)дан 5,84 % гача ишлар тугатилган. 1997 йилнинг биринчи ярим йиллигида жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда жиноят ишларини тугатишнинг кескин пасайиши (0,77 %) кузатилса-да, фарқ анча катта бўлмоқда. Афтидан, судьялар ишнинг тақдири ҳақидаги масалани бевосита суд мажлисида ҳал қилиш истагини билдирмоқдалар, чунки унда кўпроқ далилларни текшириш ҳамда манфаатдор бўлган ва бўлмаган процесс иштирокчиларининг сўзларини тинглаш мумкин.

Кўшимча терговга юборилган жиноят ишларининг сони 0,83 % (1996 й.)дан 5,78 % (1994 й.)гача ўзгариб турса, ишлари кўшимча терговга юборилган шахсларнинг сони эса ундан ҳам кўпроқ – 2,7 % (1997 й.)дан 12,7 % (1994 й.)гача ўзгариб туради. Гарчи ушбу статистика бир қараганда кичик кўринса-да, у Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходимларининг фикрларидан фарқ қилади. Улар биз ўтказган сўровда ишларни кўшимча терговга юборишдан воз кечиш тамойили кўзга ташланаётганлигини айтган эдилар.

Судловга тегишлиликни белгилаш чоғида прокуратура ва тергов ходимлари Жиноят кодекси моддаларининг қисмларига

эътибор бермайдилар. Аслида эса, судловга тегишлилик бир қатор ҳолларда айнан ЖК Махсус қисмининг нормаларида назарда тутилган жиноятнинг квалификацияловчи белгиларига боғлиқ бўлади. ЖПКнинг жиноят ишларининг судловга тегишлилигини назарда тутувчи 389-моддасида туман (шаҳар) судининг судловига юқори судларнинг ва ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлган ишлардан ташқари ҳамма жиноят ишлари тегишли эканлиги таъкидланса ҳам (1-қисм), жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судловига тегишли бир қатор жиноятлар рўйхати берилган. Бунинг устига, рўйхатда келтирилган ҳар бир жиноятда ЖКнинг тегишли моддасидаги қисмлар кўрсатилган (2-қисм). Худудий судловга тегишлилик бўйича муаммоли масалалар деярли учрамайди.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда ишни судда кўриш учун қонуний асосларнинг мавжудлигини суд тартибида назорат қилиш суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг фаолиятини янада яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлиб, умуман, қонунийликнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради. Гарчи жиноят ишини судга юборишдан олдин прокурор текширса-да, унинг суд муҳокамасига жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида дастлабки суд назорати тартибида кўриб чиқмай туриб, бевосита суд муҳокамасига киритиш ишни мазмунан тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга салбий таъсир этиши мумкин. Суднинг жиноят процессидаги фаоллиги судьяларнинг суд муҳокамаси давомида судланувчининг айбдорлиги ва адолатли жазоланиши ҳақидаги масаланинг мазмунан ҳал этилишидан аввал қўйилган айбнинг қонунийлигига ишонч ҳосил қилиш мажбуриятини тақозо этади.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш суриштирув ва дастлабки тергов юритилишини суд даражасида текширишнинг муҳим шаклларида бири судьянинг якка тартибда бундай тартибни ўрнатиши ушбу босқични суриштирув ва дастлабки тергов органлари инсонни жинойий жавобгарликка тортиш ҳақида чиқарган хулосаларнинг асосланганлигини судда текшириш акти деб тан олишни истисно этмайди.

Жиноят процессининг ушбу босқичи суд фаолиятининг четлаб ўтиш мумкин бўлмаган босқичидир. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари тергов қиладиган барча жиноят ишлари, айблов хулосаси тузилиб, уни прокурор

имзолаганидан сўнг уларни судда кўришга тайинлаш ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун судга жўнатилади.

Ушбу босқичдан аввал келадиган дастлабки тергов босқичида тегишли ҳаракатларни амалга ошириб, жиноятни тўлиқ очиш, айбдорни фош этиш, исботлаш предметига кирувчи барча ҳолатларни аниқлаш зарур. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашдан кейин келувчи суд муҳокамаси босқичида иш мазмунан кўриб чиқилади, судланувчининг жинойи жавобгарлиги ва жазоланиши ҳақидаги масала ҳал қилинади. Шу сабабли жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичи, бир томондан, дастлабки терговга нисбатан назорат босқичи, бошқа томондан, суд муҳокамасига нисбатан тайёргарлик босқичи ҳисобланади. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашнинг бевосита вазифаси эса бошқа босқичларнинг, жумладан, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси босқичларининг ўхшаш вазифаларидан тубдан фарқ қилади.

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашнинг бош вазифаси уни амалга оширишнинг ўзига хос процессуал усуллари, вазифалари, шунингдек жиноят-процессуал фаолият иштирокчиларининг процессуал ҳолатларини ҳам белгилаб беради. Бу вазифа судьянинг суриштирув ва дастлабки тергов етказиб берган барча материалларни, шунингдек процесс иштирокчиларидан, жамоат бирлашмалари ва жамоалардан келиб тушган илтимосномаларни синчиклаб ўрганиши ва таҳлил қилиши орқали бажарилиши мумкин. Афсуски, булар ЖПКнинг 49-бобида ҳозирча назарда тутилмаган.

Судья қўйилган айбнинг қонунийлиги ва асосланганлиги ҳақидаги масала борасида келган хулосалар суд муҳокамасида айбдорлик масаласи қандай ҳал қилинишини олдиндан белгилаб бермайди. Далилларнинг бевосита текширилмаслиги амалда жиноят-процессуал фаолият иштирокчилари доираси анча тор бўлишига, шунингдек уларнинг ушбу босқичдаги процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари чекланишига олиб келади. Аммо жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда судья, янги айблов фактик ҳолатларига кўра айблов хулосасида белгиланган айбдан кескин фарқ қилмаган тақдирда, айблов хулосасидан айбловнинг айрим бандларини олиб ташлаши ёки енгилроқ жиноят ҳақидаги жиноят қонунини қўллаши мумкин. Лекин, Тошкент шаҳар судида жиноят ишларини танлаб ўрганиш натижаларининг кўрсатишича, судьялар бунга камдан-кам ҳолларда борадилар, кўпинча эса бу ишни суд муҳокамаси босқичига қолдирадилар. Аслида, бу

жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашнинг аҳамиятини пасайтиради. Афтидан, биз сўров ўтказган адвокатларнинг ҳаммалари жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашни жиноят процессининг мустақил босқичи деб ҳисобласалар ҳам, уларнинг 90 % суд амалиётида бу босқич амалда учрамаслигини айтганликлари тасодиф эмас, уларнинг фикрича, судьялар қарор ёки ажрим бланкини ҳукми расмийлаштириш вақтида ёки жиноят ишини юқори инстанциядаги идорага юборишга тайёрлашдан аввал тўлдирадилар.

Прокуратура ходимларининг 73 % сўров пайтида худди шундай фикрни билдирганлар ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги муносабати билан ўз ҳуқуқларининг чекланганлигини айтганлар. Улар эндиликда жиноят ишларининг судда кўрилишини назорат қилмайдилар, балки суд муҳокамасида иштирок этадилар, холос. Шу боис, уларнинг фикрича, прокуратура ходимлари жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда расмиётчилик кўринишларига таъсир этиш имкониятини йўқотдилар.

Прокурор судга таъсир кўрсата олмаслиги қонуний ҳодиса, аммо прокурорнинг жиноят ишини судда кўришга тайинлаш учун жавобгарлигини унинг жиноят процессидаги мазкур босқичда бир қатор жиноят ишларида иштирок этиши орқали ошириш лозим.

Маълумки, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг пировардида айблов ҳулосаси шаклида ифодаланган ҳулосалари суд муҳокамаси учун асос бўлиб хизмат қилади. Лекин тергов вақтида тўпланган далиллар тергов давомида жиноят-процессуал қонун талаблари иш бўйича нотўғри ҳулосаларга олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган жиддий бузилишлар юз бермаган тақдирдагина процессуал салоҳиятга ва аҳамиятга эга бўлади. Шу боис суриштирув ва дастлабки тергов вақтида жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилганлигини синчиклаб текшириш судьянинг жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашдаги энг биринчи вазифасидир. Бундай текширув мазкур тайинлашнинг тартиби деб номланувчи махсус таомил орқали амалга оширилиши ҳам табиийдир.

20.3. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш вақтида судья қабул қиладиган ажрим (қарор)

Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорда: унинг қачон ва қаерда чиқарилгани; судьянинг лавозими ва фамилияси; судланувчининг фамилияси, исми, отасининг

исми, Жиноят кодексининг унга нисбатан эълон қилинган айбга доир моддаси; ишнинг суд мажлисида қўрилиши учун етарли асослар борлиги тўғрисидаги хулоса; судланувчиларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор; суд муҳокамасида давлат айбловчисининг, шунингдек ҳимоячининг иштироки; суд муҳокамаси ўтказиладиган жой ва вақт кўрсатилиши лозим (ЖПК 397-моддаси).

Жиноят ишини судда қўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида айбланувчининг яширинганлиги маълум бўлиб қолса, судья ушбу айбланувчига нисбатан ишни юритишни тўхтатиш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида ажрим чиқаради, ЖПК 410 ва 418-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Айти чоғда айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш масаласи ҳал этилади.

Айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганлиги суд-тиббий экспертиза хулосаси билан тасдиқланган тақдирда, судья айбланувчи соғайгунига қадар ишни юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

ЖПК 399-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ юритишдан тўхтатилган жиноят иши айбланувчини қидириш чораларини кўриш учун айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга ўтказилади. ЖПКнинг 83-моддасида ҳамда 84-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса, суд жиноят ишини тугатади. Шу билан бирга, суд қўлланилган эҳтиёт чораларини, фуқаровий даъвои таъминлаш чораларини бекор қилади ҳамда ашъвий далиллар масаласини ҳал этади.

Суд ЖПК 84-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича ишни тугатишга ҳақлидир. Ишнинг тугатилгани тўғрисида айбланувчи ва жабрланувчига хабар берилади (ЖПК 401-моддаси).

20.4. Процесс иштирокчиларини жиноят иши материаллари билан таништириш

Судья жиноят иши судда муҳокама қилиш учун тайинланганидан сўнг прокурор, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига, башарти улар дастлабки тергов даврида иш материаллари билан таништирилмаган бўлсалар, ишдаги барча материаллар билан танишиб чиқишлари ва ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни қўчириб олишларига имконият яратиши шарт (ЖПК 402-моддаси).

Судья ўз қарорида кўрсатилган шахсларни суд мажлисига чақириш тўғрисида фармойиш беради, уларга чақирув қоғози топширилишини таъминлайди, шунингдек суд мажлисига тайёргарлик билан боғлиқ бошқа чораларни кўради (ЖПК 403-моддаси).

Суднинг жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш ва ишни тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан айбланувчи, жабранувчи хусусий шикоят бериши ва прокурор хусусий протест билдириши мумкин (ЖПК 404-моддаси).

Жиноят ишини судда муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисида судьянинг қарори чиқарилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн суткада суд ишни кўришни бошлаши лозим. Жиноят ишини кўриб чиқиш бошланган вақтдан эътиборан узоғи билан икки ой ичида суд уни мазмунан ҳал этишни тугатиши лозим.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган муддатни, биринчи инстанция судининг ажримига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси тўрт ойгача узайтириши мумкин.

Судларда жиноят ишларини кўриб чиқиш муддатини тўрт ойдан кўпроққа узайтиришга алоҳида ҳолларда фақат мураккаб ва кўп воқеали ишлар бўйича йўл қўйилади. Биринчи инстанция судининг ажримига асосан, беш ойгача бўлган бундай узайтиришни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари ва олти ойгача бўлган шундай узайтиришни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси амалга оширади. (ЖПК 405-моддаси).

Тахминий тестлар

1. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашнинг қуйидаги таърифларидан қайси бири тўғри?

А. Жиноят процессининг айбланувчининг айбдорлиги ҳақидаги масала ҳал қилинадиган босқичи

В. Жиноят процессининг судья ишни тергов қилишда ҳуқуқларга, ЖПКнинг айбланувчи тариқасида ишга жалб этилган фуқаронинг ҳуқуқларини таъминлашга доир барча талабларига риоя этилганлигини, ишни судда кўришга тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг йўқлигини текширадиган, суд мажлисини тайинлаш ҳақида қарор чиқарадиган тайёрлов ҳаракатларини бажарадиган босқичи

- C. Суд муҳокамасининг дастлабки босқичи
- D. Суд дастлабки терговнинг қонунийлигини текширадиган босқич
- E. Суд мажлисининг ажралмас таркибий қисми

2. Жиноят процесси ишгирокчиларидан қайси бири жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда қатнашади?

- A. Судья, халқ маслаҳатчилари
- B. Судья, прокурор, ҳимоячи, халқ маслаҳатчилари
- C. Судья, прокурор, ҳимоячи, халқ маслаҳатчилари, айбланувчи, жабрланувчи
- D. Судья
- E. Прокурор, судья

3. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда қандай қарор қабул қилинмайди?

- A. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ҳақида
- B. Жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиш ҳақида
- C. Жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида
- D. Жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш ҳақида
- E. Ҳукм

4. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ёхуд бошқа қарорни қабул қилиш ҳақидаги масала қайси муддатда ҳал қилинади?

- A. 5 сутка
- B. 8 сутка
- C. 7 сутка
- D. 15 сутка
- E. 20 сутка

5. Қонунда жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида қарорни бажариш муддатини узайтириш назарда тутилганми?

- A. Ҳа
- B. Йўқ
- C. Билмайман
- D. Бу масала муҳим эмас
- E. Бу масалани судланувчининг ўзи ҳал қилади

Тегиштириш учун саволлар

1. Судловга тегишлиликнинг қандай турлари мавжуд?
2. Ҳудудий судловга тегишлилик деганда нима тушунилади?
3. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашнинг моҳияти нимадан иборат?
4. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш вақтида судья қандай ажрим (қарор)лар қабул қилади?
5. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш учун қандай муддатлар белгиланади?
6. Процесс иштирокчиларини жиноят иши материаллари билан таништириш қандай ҳолларда амалга оширилади?

XXI боб. Суд муҳокамаси босқичи

21.1. Суд муҳокамасининг моҳияти, аҳамияти ва вазифалари

Суд муҳокамаси – жиноят процессининг дастлабки тергов ва ишни судда кўриш учун тайинлашдан кейин келувчи босқичи бўлиб, жиноят ишини биринчи инстанция судининг мажлисида кўриб чиқишдан иборат. Фақат суд муҳокамаси натижасидагина судланувчи жиноят содир этганликда айбдор деб тан олинishi ва унга жиноий жазо тайинланиши ёки айбсиз деб тан олинishi ва оқланиши мумкин. Суднинг шахсни айбдор деб топиш ва унга нисбатан жазо чорасини тайинлаш ёки айбсиз шахсни оқлаш ҳақидаги қарори ҳукмда баён қилинади.

Суд ушбу масалаларни ҳал қилиш орқали одил судловни амалга оширади. Суд муҳокамаси одил судловни амалга оширишнинг ўзига хос процессуал шаклидир. Суд муҳокамасининг вазифаси жиноят ишлари бўйича одил судловнинг вазифалари билан мос келади. Суд муҳокамаси иш аниқланган ҳолатларини ҳақиқатда мавжуд бўлган ҳолатларга мос тарзда аниқланишини таъминлаши, ушбу ҳолатларга жиноят қонуни нуқтаи назаридан тўғри баҳо бериши ҳамда жиноят содир этганликда айбдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки айбсиз шахсни оқлаш ҳақида қарор чиқариш билан тугалланиши керак. Жиноят процессининг бундан аввалги босқичлари суд муҳокамаси учун тайёргарлик босқичлари ҳисобланади. Суд уларсиз суд мажлисида жиноят ишини мазмунан ҳал қила олмайди, лекин улар суд қарорини олдиндан белгилаб бермайди. Суд муҳокамасида жиноят ишининг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириш учун имкониятлари кўпроқ. Бунинг сабаби шундаки, суд муҳокамасида далилларни текшириш натижалари ишончлилиги ва жиноят ишини ҳал қилиш чоғида фуқаролар ҳуқуқларининг муҳофаза қилинишини энг кўп даражада кафолатлаш орқали жиноят процессининг барча принциплари энг тўлиқ равишда намоён бўлади.

Ишни тўғри ҳал қилиш мақсадида суд муҳокамасида жиноят ишининг барча ҳолатлари текширилади ва бу билан дастлабки тергов органлари ҳаракатлари, хулосалари ва қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлиги текширилиши таъминланади.

Суд муҳокамасида дастлабки терговда тўпланган барча далиллар янгитдан текширилади. Бироқ суд бундан ташқари

суд муҳокамаси иштирокчилари тақдим этган ёки ўзи аниқлаган қўшимча далилларни ҳам кўриб чиқади. Судда барча далиллар судланувчи, унинг ҳимоячиси, жабранувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва улар вакилларининг фаол иштирокида текширилади. Суд муҳокамасида жиноят процесси ушбу иштирокчиларининг қатнашиши улар ҳуқуқларининг амалга оширилишига хизмат қилади, судловнинг тортишув асосида амалга оширилишини таъминлайди ва тақдим этилган дастлабки тергов материалларини ҳолисона баҳолашга имкон беради.

Суд муҳокамаси ўз вазифалари, унда кўриладиган масалалар доираси, қабул қилинадиган қарорларнинг хусусияти ниҳоят, суд муҳокамасида барча жиноят процессуал принципларнинг амалга оширилишини таъминловчи вазифалари билан жиноят процессининг асосий, марказий босқичини ташкил қилади.

Очиқ суд мажлисларида, ишнинг натижасидан манфаатдор барча шахслар иштирокида ва ошкора ўтказиладиган суд муҳокамаси фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришга ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Суд муҳокамаси иштирокчиларининг қўплиги ва унинг ошкора тарзда ўтиши жиноят процессида ижтимоий назоратнинг амалга оширилишига, жумладан дастлабки тергов ва прокуратура органларининг ҳаракатлари ва қарорлари назорат қилинишига, шунингдек судларнинг жамиятдан махфий муассасаларга айланишининг олдини олишга ёрдам берувчи шароитларни яратади.

Биринчи инстанция судида суд муҳокамасининг вазифалари жиноят ишини яқка тартибда кўришда ҳам, жамоа бўлиб ҳал қилишда ҳам умумий бўлади. Суд учта профессионал судьядан иборат бўладими, судья ва икки нафар халқ маслаҳатчисидан ёки битта судьядан иборат бўладими — бундан қатъи назар, ушбу вазифалар бир хилдир. Суд муҳокамасининг процессуал шакллари бир-биридан фарқ қилса ҳам, уларнинг барчасида одил судлов амалга оширилади.

Суд муҳокамаси бир қатор кетма-кет бир-бирини алмаштирувчи босқичлар (қисмлар)га бўлинади. У ишни ушбу суд мажлисида кўриб чиқиш мумкин ёки мумкин эмаслиги текшириладиган ва уни тайёрлаш ва ташкил қилиш чоралари кўриладиган тайёрлов қисмидан бошланади. Сўнгра суд далилларни бевосита текширадиган суд тергови босқичи ўтказилади. Шундан кейин суд музокаралари бўлиб ўтади, унда суд муҳокамаси

иштирокчилари ўзларининг ишга бўлган муносабатларини асослайдилар, кейин эса судланувчига охириги сўз берилади. Суд муҳокамасининг якунловчи босқичида ҳукм чиқарилади ва эълон қилинади. ЖПКда ушбу босқичларнинг ҳар бирида суд муҳокамасини ўтказиш тартиби белгилаб қўйилган.

Ишни биринчи инстанция судида кўриб чиқиш тартибини белгиловчи бир қатор қоидалар бутун суд муҳокамаси давомида, унинг барча босқичларида амал қилади.

Суд муҳокамасининг умумий шартлари — қонунда мустаҳкамланган ҳамда суд муҳокамасининг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи ва ушбу босқичда жиноят процессининг барча принциплари амалга оширилишини таъминловчи қоидалар суд муҳокамасининг умумий шартларига унинг бевоситалиги, оғзакилиги ва узлуксизлиги, доираси (чегаралари), суд таркибининг ўзгармаслиги, суд мажлисида раислик қилувчининг вазифаси, суд муҳокамасининг иштирокчилари, котиби, тартиби, баённомаси ҳақидаги қоидалар, шунингдек суд чиқарган айбловни ўзгартириш, эҳтиёт чораси, жиноят иштини қўзғатиш, тугатиш ва тўхтатиш, қўшимча тергов ўтказиш учун жўнатиш ҳақидаги нормалар ҳамда суд мажлиси тартибини бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган чоралар киради.

Суд муҳокамасининг умумий шартлари ЖПКда унга ишларни биринчи инстанция судида нафақат судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси таркибида, балки якка тартибда ва уч нафар профессионал судьядан иборат таркибда кўриб чиқиш мумкинлигини назарда тутувчи ўзгартишлар киритишдан аввал мустаҳкамланган эди. Бироқ суд муҳокамасининг умумий шартлари биринчи инстанция судларида жиноят ишларини кўришга доир барча тартибларда ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Биринчи инстанция суди ишни кўришда иш бўйича далиллари бевосита текшириши, яъни судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларни сўроқ қилиши, экспертларнинг хулосасини тинглаши ва зарур бўлганда уларни сўроқ қилиши, ашёвий далилларни кўздан кечириши, баённомалар ва бошқа ҳужжатларни эълон қилиши шарт. Ушбу таърифда бевосита суд муҳокамасининг моҳияти ўз ифодасини топган. Судьялар ишни ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни барча далилларни суд мажлисида бевосита идрок этиш орқали оладилар ва фақат шу асосда иш бўйича хулоса чиқарадилар. Бунда одатда фактлар ҳақидаги маълумотларнинг дастлабки манбалари текширилиши керак. Суд муҳокамасининг

бевоситалиги судга ишни ҳал қилиш учун зарур ахборотни беришда тартиб бузилишларининг олдини олишга имкон беради. Шу боис бевоситалик ишнинг ҳолатларини воқеликка мос тарзда аниқлашнинг муҳим шартидир.

Суд далилларни бевосита идрок этиш ўрнига ишнинг текширилиши лозим бўлган ҳолатлар бўйича тўпланган далилларни, тергов ўтказиш вақтида қайд этилган ёзма материалларни ўрганиш ва эълон қилиш билан чекланишга ҳақли эмас. Суд қонун билан қатъий чекланган ҳоллардагина (одатда қандайдир далилни дастлабки манбада бевосита текшириш мумкин бўлмаган тақдирда) бундай материалларни эълон қилиши мумкин. Бироқ ўшанда ҳам эълон қилинган материаллар суд мажлисида ҳар томонлама текширилиб тасдиқланганидан кейингина ҳукмга асос қилиб олинishi мумкин. Суд нафақат гувоҳлар, жабрланувчилар, судланувчиларнинг кўрсатувларини бевосита тинглайди, балки мавжуд ашёвий ва ёзма далилларни кўздан кечириши ва текшириши керак. Суд иш бўйича текширадиган фактларни тасдиқловчи тергов ҳаракатлари баённомалари (сўроқ ва юзлаштириш баённомаларидан ташқари) суд муҳокамасида кўриб чиқилган бошқа далиллар билан бирга эълон қилиниши, текширилиши ва баҳоланиши керак. Суд ҳукмда суд муҳокамасида эълон қилинмаган ва текширилмаган далилларга ҳавола қилиши мумкин эмас. Ушбу қонуннинг бузилиши суд ҳукмининг бекор қилинишига сабаб бўлади.

Суд муҳокамасининг бевоситалиги судьялар мустақиллиги ва иш бўйича қарор қабул қилишда эркинлигининг шарт-шароити ва ифодасидир. Суд муҳокамасининг бевоситалиги унинг процессуал шаклининг зарурий жиҳатидир. Шу билан бирга, у суд муҳокамасининг умумий шартларига кирувчи процессуал шаклнинг бошқа бир қатор талаблари билан кафолатланади. Бевоситалик билан суд таркибининг узлуксизлиги ва ўзгармаслиги каби шартлари ҳам боғлиқ.

Агар юритилаётганида танаффус эълон қилинган иш ҳайъат таркибида кўриб чиқилаётган бўлса, суднинг ушбу таркиб аъзоларидан ҳеч бири – профессионал судья ҳам, халқ маслаҳатчиси ҳам – танаффус вақтида бошқа жиноят ишини кўришда иштирок этишга ҳақли эмас. Ушбу қоида маъмурий жазо бериш ҳақидаги ишларга ҳам дахлдор. Агар бир иш бўйича ўтказилаётган суд мажлисининг танаффуси вақтида суд ёки судья қандайдир бошқа ишни кўриб чиқса, бунинчи иш бўйича суд муҳокамаси давом эттирилиши мумкин эмас. Ҳатто янги ишни

кўришда танаффус эълон қилган суднинг бутун таркиби эмас, балки мазкур таркибдаги судьялардан фақат биттаси иштирок этган бўлса ҳам уни қайта бошлашга тўғри келади. Ушбу қоида бузилган тақдирда иш бўйича чиқарилган ҳукм бекор қилиниши керак.

Узлуксизлик талаби суд муҳокамасининг барча босқичларида амал қилади. Бундан ташқари, бу суд муҳокамасининг барча босқичлари бевосита навбат билан келиши лозимлигини билдиради. Судьялар бошқа ишларни суд тергови тугаганидан кейин (томонлар музокарасидан олдин) ҳам, уларнинг айрим иштирокчилари чиқишлари орасида ҳам, судланувчининг охирги сўзидан аввал ҳам кўриб чиқишлари мумкин эмас. Суд муҳокамаси босқичларининг яхлитлиги ана шунда намоён бўлади.

Суд судланувчининг охирги сўзини тинглагач, ҳукм чиқариш учун дарҳол алоҳида маслаҳатлашув хонасига кириб кетиши керак. Суд муҳокамасининг узлуксизлиги суднинг текширилаётган далилларни бевосита ва бир бутун ҳолда идрок этишига ёрдам беради, иш бўйича асосланган ички эътиқод шаклланиши учун шароит яратади, ҳукмнинг асосли бўлишини осонлаштиради, ҳукмда баён қилинган суд хулосаларининг ишнинг ҳақиқий ҳолатларига ва суд мажлисида бевосита кўриб чиқилган далилларга мос келишига кўмаклашади.

21.2. Жиноят ишини кўришда суд таркибининг ўзгармаслиги

Ҳар бир ишни судьяларнинг айна бир таркиби кўриб чиқиши лозим. Агар судьялардан бирортаси мажлисда иштирок этишни давом эттира олмаса, унинг ўрнига бошқа судья тайинланади ва суд муҳокамаси қайтадан бошланади.

Қонунда судья алмашганда суд муҳокамасини қайта бошлаш талабидан фақат битта истисно назарда тутилган. Кўриб чиқилиши узоқ вақт талаб қиладиган иш бўйича захирадаги халқ маслаҳатчиси чақирилиши мумкин. Халқ маслаҳатчиларидан бири суд таркибидан чиққан тақдирда у захирадаги халқ маслаҳатчиси билан алмаштирилади ва суд муҳокамаси давом эттирилиши мумкин (ЖПК 407-модда). Бунга захирадаги халқ маслаҳатчиси суд муҳокамасида бошидан иштирок этган ва унинг алмаштирилиши суд терговини қайта бошлашни талаб этмайдиган тақдирдагина йўл қўйилади. Суд таркиби ўзгармайдиган шароитда ҳар бир судьяга суд муҳокамасида юз бераётган барча воқеаларни бевосита идрок этиш, шунингдек суд текши-

рувида ва қарор қабул қилишда фаол иштирок этиш имконияти таъминланиши зарур. Бусиз судьяларнинг тенглигини ҳамда ишни кўриш ва ҳал қилишда ҳақиқий коллегияликни кафолатлаб бўлмайди.

Суд муҳокамаси оғзаки шаклда ўтказилади. Бу уни жиноят процессининг қарорлар асосан ишнинг ёзма материаллари асосида қабул қилинадиган бошқа босқичларидан ажратиб туради. Суд муҳокамасида зарур ахборотнинг ҳаммаси эшитиш орқали идрок этилиши лозим. Суд процессининг барча тингловчиларини тинглайди, гувоҳлар фақат оғзаки кўрсатув берадилар ва берилган саволларга оғзаки жавоб берадилар, экспертлар ўзларининг ёзма хулосаларини эълон қиладилар, суд барча ёзма далилларнинг мазмунини ўқиб эшиттириши лозим, акс ҳолда ҳукмда уларга ҳавола қилиш мумкин эмас. Суд, шунингдек давлат айбловчиси, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, судланувчи, ҳимоячининг (агар суд мажлисида ҳимоячи иштирок этаётган бўлса) нутқларидан иборат бўладиган суд музокараларини ҳам тинглайди. Жиноят процессининг ушбу иштирокчилари судга ўзлари таклиф этаётган суд қарорининг ифодасини ёзма шаклда тақдим этишга ҳақли бўлсалар ҳам, аммо ушбу ёзма ифода музокаралардаги чиқишларнинг ўрнини боса олмайди.

Суд муҳокамасининг оғзакилиги бутун суд таркибининг далилларни баравар ва бевосита идрок этишини таъминлайди. Оғзакилик туфайли суд муҳокамаси иштирокчилари уларга берилган процессуал ҳуқуқларини энг самарали тарзда амалга оширишлари мумкин. Оғзаки шакл суд муҳокамаси иштирокчиларининг далилларни текширишда фаол иштирок этишини таъминлайди, илтимослар қилиш, рад этиш, саволлар билан мурожаат этиш, тушунтиришлар бериш, ўз фикрини билдириш кабиларни анча осонлаштиради. Оғзакилик процессининг барча иштирокчиларига ахборотдан тенг фойдаланиш имконини таъминлайди, чунки улар суд мажлисида юз бераётган воқеаларни бир вақтнинг ўзида идрок этиш имконига эга бўладилар. Оғзаки шакл туфайли суд муҳокамасида ортиқча вақт сарфининг олдини олиш мумкин.

Оғзакилик юз бераётган барча воқеаларни суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар учун тушунарли бўлишини таъминлайди. Бусиз суд муҳокамасининг ошкоралиги принципи ҳеч бир маънога эга бўлмайди.

Суд муҳокамасининг бевоситалиги, узлуксизлиги, оғзакилиги ва суд таркибининг ўзгармаслиги ишни ҳал қилувчи

судьяларнинг ахборотни идрок этишининг процессуал усулини белгилаб беради.

Суд мажлисига раис қилувчи судья раҳбарлик қилади. Раислик қилувчи иш ҳайъатда кўрилганда ҳам, якка тартибда кўрилганда ҳам бир хил функцияларни бажаради. Биринчи инстанция судида ишни кўриб чиқаётган уч нафар профессионал судьядан ёки судья ва халқ маслаҳатчиларидан иборат ҳайъатда судьялар барча масалаларни ҳал қилишда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар. Шу билан иш бўйича раислик қилувчи судья процессуал-ташқилий хусусиятга эга бир қатор қўшимча вазифаларни ҳам бажаради. У суд мажлисини ва судьялар маслаҳатини бошқаради, яъни бутун процесс иштирокчиларининг ҳам, суд таркибининг ҳам фаолиятини ташкил қилади.

Раислик қилувчи қуйидагиларни бажаради: а) ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириш ҳамда ҳақиқатни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган ҳамма чораларни кўради; б) кўрилаётган ишга алоқаси бўлмаган ҳолатларни суд муҳокамасига киритмайди; в) суд мажлисида суднинг обрўсига мос келадиган, суд процессини тўғри идрок этишга ёрдам берадиган муҳитни яратади; г) суд мажлиси ўтадиган залда тартибга риоя қилинишини таъминлайди.

Шу сабабли суд мажлисида раислик қилувчи бир қатор махсус ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. У иш бўйича суд мажлисини очади, суд таркибини эълон қилади, сўроқ қилинган гувоҳлар ҳали сўроқ қилинмаганлари билан мулоқотта киришишларининг олдини олиш учун чоралар кўради, процесс иштирокчиларига — уларнинг ҳуқуқларини, таржимонга — унинг мажбуриятини, эксперт ва мутахассисга — уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, судланувчи ва гувоҳларнинг шахсини аниқлайди, судланувчига айбловнинг моҳиятини тушунтиради, суд мажлисида барча процессуал ҳаракатлар амалга оширилганлигини эълон қилади, қонунда белгиланган тарзда уларнинг амалга оширилишини кузатиб туради, далилларнинг текширилишига раҳбарлик қилади, процесс иштирокчиларининг суд муҳокамаси давомида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳақидаги фикрларини аниқлайди, суд мажлиси баённомасининг тўғри юритилишини таъминлайди. Раислик қилувчи судьялар муҳокамасига мажлис давомида ва маслаҳат хонасида ҳал қилиш лозим бўлган барча масалаларни кўяди ва суд қарорини эълон қилади, одатда ҳукмни ўзи ўқиб эшиттиради ва унинг устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб беради.

Назарий жиҳатдан раислик қилувчига айблов фаолиятига хос мажбуриятлар юклатилиши мумкин эмаслиги шубҳасиз. Тортишувчилик асосларида қурилган жиноят процессида суд функциялари айблов функцияларидан ажратилиши керак. Бироқ амалдаги ЖПКга биноан, судда раислик қилувчи айблов ҳоқимиятининг баъзи алоҳида ҳуқуқларига эга, айнан – айблов хулосасини ўқиб эшиттиради, судланувчини ва судга чақириладиган бошқа шахсларни биринчи бўлиб сўроқ қилади, айбловчи далилларни аниқлаш чораларини кўради. Суднинг одил судлов органи сифатидаги вазифасига кўра, раислик қилувчи ва суднинг бундай ваколатлари, умуман олганда, бартараф этилиши керак.

21.3. Суд муҳокамасининг доираси

Қонунда суд муҳокамасининг доираси белгиланган, яъни судга топширилган иш бўйича суд текшируви ва қарорининг предметини нима ташкил қилиши мумкинлиги ва суд ишни кўришда қайси масалаларни ҳал қилишга ҳақли эмаслиги кўрсатилган.

Суд муҳокамасининг доираси: а) шахслар доираси ва б) айблов мазмуни билан чекланган. Судда иш фақат айбланувчига нисбатан ва судьянинг суд мажлисини тайинлаш ҳақидаги қарори чиқарилган айблов бўйича муҳокама қилинади. Суд айб эълон қилинмаган шахсларга нисбатан ишни кўриб чиқиши мумкин эмас. Суд судья суд мажлисини тайинлаган айблов доирасидан чиқишга ҳақли эмас. Ушбу қоида бузилган тақдирда ҳукм бекор қилиниши лозим.

Суд муҳокамаси доирасини чеклаш жинойий жавобгарликка тортишнинг қонуний тартибини, ишнинг барча ҳолатларини ишончли тарзда аниқлаш ва айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини кафолатлаш вазифалари билан боғлиқ.

Айб мазмуни бўйича суд муҳокамаси доираси судда икки чекловга риоя этилган тақдирда, яъни 1) судланувчининг аҳволи оғирлашмаган; 2) унинг ҳимояланиш ҳуқуқи бузилмаган тақдирда ўзгартирилиши мумкин.

Судланувчи у содир этган деб айбланган жиноятга қараганда оғирроқ жиноятни содир этганликда айбдор деб топилганда, унинг аҳволи айбловни ўзгартириш орқали ёмонлаштирилган бўлади. Қаттиқроқ жазо қўлланилишига олиб келиши мумкин бўлган айблов оғирроқ айблов ҳисобланади. Айбнинг квалификациясини ЖКнинг қаттиқроқ жазо назаф да тутилган моддасига (унинг банди ёки қисмига) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Агар

ЖК Махсус қисмининг қилмишни квалификациялашга асос бўлиши лозим бўлган санкциясининг юқори ёки қуйи чегараси баландроқ бўлса ёки қўшимча жазо назарда тутилган ёхуд жазони ўташнинг қаттиқроқ тартиби белгиланиши мумкин бўлса, айбловни ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Судланувчи ҳаракатларининг квалификацияси ўзгармайдиган, аммо айблов таркибига жавобгарликнинг ошиши ва жазонинг кучайишига имкон берувчи фактик ҳолатлар киритиладиган айблов ҳам оғирроқ айблов бўлади.

Шундай қилиб, ўзининг юридик ва фактик таркибига кўра судланувчига нисбатан қаттиқроқ жазо қўлланилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай айблов, умуман олганда, оғирроқ айблов бўлади. Судланувчи ҳимояланиш учун барча ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган, айбловни рад этиш учун барча қонуний воситалардан тўлиқ фойдаланган, ўзининг жавобгарлигини енгиллаштиришга ҳаракат қилган тақдирдагина суд ўзгартирилган айблов бўйича ҳукм чиқариши мумкин. Агар янги айблов суд мажлисидагина юзага келган бўлса, судланувчи бундай имкониятга эга бўлмайди.

Ўзгартирилган айблов ҳақиқий ҳолатлари бўйича суд муҳокамаси тайинлаш босқичида унга қўйилган айбдан катта фарқ қилса, суд ўзгартирилган айблов бўйича ҳукм чиқаришга ҳақли бўлмайди. Айб сифатида қўйилган жиноят билан ўхшаш жиҳатта умуман эга бўлмаган ёки ўзининг асосий жиҳатлари билан ундан фарқ қиладиган жиноятда айблов ана шундай айблов бўлади.

21.4. Айбловни судда ўзгартириш

Суд муҳокамаси тайинланган айблов доирасида суд муҳокамаси ўтказган суд айбловга қўшилмаслиги, судланувчини оқлаши ёки айбловни ўзгартириши, яъни бошқа айб бўйича айблов ҳукми чиқариши ҳам мумкин.

Айбловнинг янги жиноят-ҳуқуқий мазмуни судланувчининг аҳволини оғирлаштирмаган (айбловни ўзгартиришга йўл қўйишнинг жиноят-ҳуқуқий шarti) ва унинг ҳимояланиш ҳуқуқини бузмаган (айбловни ўзгартиришга йўл қўйишнинг жиноят-процессуал шarti) тақдирда судда айбловни ўзгартиришга йўл қўйилади. Қонунда мазкур шартларга аниқлик киритилган. Айбловни оғирроғига алмаштириш орқали судланувчининг аҳволини оғирлаштиришга йўл қўйилмайди.

Судлов амалиётида айбловни ўзгартириш судланувчининг

аҳволини оғирлаштирган, яъни оғирроқ айбловга ўтиш ҳисобланган ҳолатлар ҳақида муайян тасаввурлар ишлаб чиқилган. Суд жиноятнинг квалификациясини ўзгартириши ва ЖКнинг қаттиқроқ жазони назарда тутувчи моддасини қўллаши мумкин эмас. Шунингдек жазонинг оғирроқ турини, энг кам ёки энг кўп жазоси каттароқ бўлган ҳамда қўшимча жазони ёки жазони ўташнинг қаттиқроқ тартиби билан боғлиқ жазони назарда тутувчи моддани қўллаш мумкин эмас.

Айбловнинг, гарчи квалификацияни ўзгартиришни талаб қилмаса-да, жиноий фаолиятнинг янги воқеаларини ёки қўшимча оғирлаштирувчи ҳолатларни қўшадиган, шунингдек етказилган зарарнинг каттароқ миқдоридан келиб чиқадиган тури оғирроқ айблов деб тан олинади.

Айбловни оғирроғига ўзгартириш доимо судланувчининг аҳволини оғирлаштириш, шунингдек унинг ҳимояланиш ҳуқуқини бузиш билан боғлиқдир. Судланувчи тергов давридаёқ ўзига берилган барча ҳуқуқларидан фойдаланиб, янги айбловдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Шу боис, суд айбловни оғирроғига ўзгартириш зарур, деб ҳисоблаганда, ишни қўшимча терговга жўнатади. Суд илгари қўйилган айб доирасидан чиқиши, уни судьянинг ишни судда кўриб чиқиш учун тайинлаш ҳақидаги қароридан ифодаланган айбловга нисбатан кенгайтириши мумкин эмас.

Суд айбловни кўриб чиқиш учун суд муҳокамаси тайинланганига нисбатан фактик ҳолатларига кўра жиддий фарқланадиган айбловга ўзгартиришга ҳақлидир. Янги айблов оғирроқ бўлмаса ҳам ва қаттиқроқ жазо тайинланишига олиб келмаса ҳам бунга йўл қўйилмайди.

Суд амалиётининг шаклланган стандартларида «айбловни фактик ҳолатлари бўйича илгари қўйилганидан жиддий фарқ қилувчи айбловга алмаштириш» тушунчаси очиб берилган. Унга янги айбловга биноан нисбат берилиши керак бўлган жиноят ё илгари қўйилгани билан умумий жиҳатларга эга бўлмаслиги, ё ундан жиноят таркибининг элементлари бўйича фарқ қилиши хосдир. Кўпинча бу фарқлар жиноятнинг объектив томонига тааллуқли бўлади. Шуниси равшанки, одам ўлдиришда айблаш билан ўзини ўлдиришга етказишда айблаш, безорилик ва талончиликка суиқасд билан босқинчилик, автомашинани олиб қочиш ва талон-тарож қилиш каби жиноятлар ўзларининг фактик ҳолатлари бўйича жиддий фарқ қиладиган жиноятлар деб топилиши керак.

Айбловнинг бошқасидан фактик ҳолатлари бўйича жиддий фарқ қилишини баҳолаганда, айбланувчи аниқланган фактлар бошқача талқин этилишини билмай туриб, ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини ҳақиқатда амалга ошириш имконига эга бўлганми, деган саволга жавоб бериш зарур. Суд янги айб қўйилмасидан туриб, ҳимояланиш ҳуқуқи тўлиқ амалга оширилиши мумкин эмаслигини тан олган ҳолда ишни қўшимча терговга жўнатади.

Агар айбловни ўзгартириш айбловнинг судланувчининг жавобгарлигини оғирлаштирувчи қисмини ёки жиноят аломатларини чиқариб ташлашдан иборат бўлса, суд ўзгартирилган айблов бўйича ҳукм чиқаришга ҳақли бўлади.

Суд муҳокамаси доираси суднинг тергов давомида қўйилмаган янги айб бўйича, шунингдек жиноий жавобгарликка тортилмаган шахсларга нисбатан ҳукм чиқариш имконини рад этади. Суд янги айблов бўйича ва янги шахсга нисбатан жиноят ишини қўзғатишга ҳақли, ҳолос.

Агар суд муҳокамасида судланувчи илгари айб қўйилмаган жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, суд муҳокамани тўхтатмаган ҳолда янги айблов бўйича жиноят иши қўзғатади.

Суд жиноят иши қўзғатилганлиги ҳақида ажрим чиқаради ва уни умумий тартибда дастлабки тергов олиб бориш учун жўнатади. Ажримга суд олган ва жиноят иши қўзғатилишига асос бўладиган материаллар илова қилинади. Агар ушбу материаллар суд қараб чиқаётган жиноят ишидан ўрин олган бўлса, улар ажратиб олиниши керак. Материалларни ажратиш ҳақидаги қарор суднинг янги айблов бўйича жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги ажримга киритилади.

Суд янги айблов бўйича қўзғатилган ишни терговчи ёки прокурор ўз қарори билан тўхтатган ҳолларда ҳам янги айблов бўйича жиноят иши қўзғатишга ҳақлидир. Суд жиноят ишини тўхтатиш ҳақидаги аввалги қарор билан боғланмаган ва агар у суд муҳокамаси давомида жиноят ишини тўхтатиш асоссиз бўлган деб тан олган ёки тергов органлари илгари воз кечган терговни давом эттириш зарурлигини тасдиқловчи қўшимча маълумотлар олган тақдирда ушбу қарорни бекор қилиш ҳақидаги масалани қўймаслиги керак.

Агар янги айблов жиноят ишини суд кўраётган айблов билан боғлиқ бўлса ва уларни алоҳида-алоҳида кўриш ишни текширишнинг ҳар томонламалиги, тўлиқлиги, холислиги ҳамда тўғрилигига таъсир этиши мумкин бўлса, бутун иш қўшимча

терговга қайтарилиши керак.

Янги шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатиш учун ҳам худди шундай тартиб белгиланган. Суд жиноий жавобгарликка тортилмаган шахс жиноят содир этганлигидан далолат берувчи ҳолатларни муҳокама қилиш давомида ўз ажрими билан ушбу шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатади ва зарур материалларни тергов ўтказиш учун жўнатади ёки, ишларни алоҳида кўриш мумкин эмаслиги ҳақидаги хулосага келиб, бутун ишни яхлитлигича қўшимча терговга қайтаради.

Суд муҳокамаси давомида янги айблов бўйича ёки янги шахсларга нисбатан исталган пайтда жиноят иши қўзғатилиши мумкин. Бунинг учун етарли асос аниқланса кифоя қилади.

Бироқ қонунда била туриб ёлғон кўрсатув ёки хулоса берган гувоҳ, жабрланувчи, экспертга нисбатан жиноят иши қўзғатишнинг махсус тартиби белгиланган. Агар суд ушбу жиноятлар одил судловга қарши содир этилганини кўрсатувчи белгилар мавжудлиги ҳақидаги хулосага келса, гувоҳ, жабрланувчи ёки эксперт жалб этилган иш бўйича қарор чиқариш билан бир вақтда ушбу шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатиши мумкин. Бу айрим далилларнинг тўғрилигини баҳолаш уларнинг барчасини биргаликда кўришга асосланиши лозимлиги билан боғлиқ. Далилларга судда ҳукм чиқариш пайтидагина охирги баҳо берилади. Бундан ташқари, ҳукм чиқарилгунга қадар гувоҳ, жабрланувчи ёки экспертга нисбатан жиноят иши қўзғатишнинг тақиқланиши ушбу шахсларнинг суд муҳокамаси вақтида берадиган кўрсатувлари ёки хулосаларининг мазмунига таъсир этиши эҳтимолига тўсқинлик қилади.

Суд жиноят иши қўзғатилган янги шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашга ҳақлидир. Суд ўзининг бу ҳуқуқидан суд муҳокамаси юритилаётган судланувчига қарши янги айблов бўйича жиноят иши қўзғатишда ҳам фойдаланиши мумкин. Қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда, суд гумон қилинувчига нисбатан ҳам, айбланувчига нисбатан ҳам эҳтиёт чорасини қўллаши мумкин.

21.5. Суд муҳокамасини кечиктириш ва жиноят ишини қўриб чиқишни тугатиш асослари

Суд мажлисига чақирилган шахслардан биронтасининг келмаслиги оқибатида ёки янги далилларни талаб қилиб олиш зарурати муносабати билан жиноят ишини муҳокама қилиш мумкин бўлмаганида, суд муҳокамани қолдиради ва келмаган

шахсларни чақриш ёки янги далилларни талаб қилиб олиш чораларини кўради.

Судланувчи қочиб яширинган, шунингдек унинг суд мажлисига келишига имкон бермайдиган руҳий ёки бошқа оғир касалликка чалинган тақдирда суд ушбу судланувчига нисбатан ишни кўришни тўхтатади ва қолган судланувчиларга нисбатан муҳокамани давом эттиради. Бироқ, агар алоҳида-алоҳида кўриш ҳақиқатни аниқлашни қийинлаштирадиган бўлса, бутун ишни юритиш тўхтатилади. Яширинган судланувчига нисбатан қидирув суднинг ажрими билан эълон қилинади.

Судланувчининг оғир касалга чалинганлиги туфайли ишни кўриш тўхтатилган тақдирда суд судланувчига нисбатан танланган эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласини ҳам муҳокама қилиши керак.

Куйидаги ҳолларда суд жиноят ишини кўпи билан икки марта кўшимча терговга қайтаради:

1) дастлабки тергов тўлиқ бўлмаган, суд мажлиси эса буни тўлдиролмаган тақдирда;

2) суриштирувчи ёки терговчи ЖПК талабларини жиддий тарзда бузган бўлса ва бу ишнинг тўғри ҳал қилинишига тўсқинлик қилса;

3) айбланувчига илгари қўйилган айб билан боғлиқ бошқа айбни қўйиш учун ёхуд айбловни фактик ҳолатлар бўйича айблов хулосасида назарда тутилган айбловга қараганда оғирроқ ёки ундан жиддий равишда фарқ қиладиган айбловга ўзгартириш учун асослар мавжуд бўлганда;

4) ушбу ишга айбланувчи тариқасида бошқа шахсларни жалб қилиш учун асослар бўлса-ю, уларга тааллуқли материалларни жиноят ишидан ажратиш мумкин бўлмаса;

5) иш нотўғри қўшилган ёки ажратилган бўлса.

Суд ишни прокурорга қайтараётганида ўзининг ажримида қайтариш асосларини ва қўшимча равишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни кўрсатиши шарт.

Агар суд мажлиси вақтида 83-моддада ва 84-модда биринчи қисмининг 1, 2, 3-бандларида назарда тутилган асослар аниқланса, суд муҳокамани давом эттиради ҳамда 83-моддада назарда тутилган асослар бўйича оқлов ҳукми, 84-модда биринчи қисмининг 1, 2, 3-бандларида назарда тутилган асослар бўйича эса айбдор шахсга жазо тайинламаган ҳолда айблов ҳукми чиқаради.

Суд муҳокамасининг исталган вақтида бунинг учун зарур асослар юзага келган сари иш тугатилиши мумкин.

21.6. Суд мажлисида ажрим чиқариш тартиби ва суд мажлисининг тартиби

Суд муҳокамаси вақтида ҳал қилинадиган барча масалалар юзасидан суд ажрим чиқаради.

Жиноят иштини қўшимча тергов ўтказиш учун прокурорга юбориш, янги айблов бўйича ёхуд янги шахсга нисбатан иш қўзғатиш, ишни тугатиш ёки тўхтатиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, рад этиш тўғрисида ажримлар, шунингдек хусусий ажримлар суд томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқарилади. Бу ажримлар алоҳида ҳужжатлар тарзида расмийлаштирилади ва суд томонидан имзоланади.

Бошқа барча ажримлар суднинг хоҳиши билан ё юқорида кўрсатилган тартибда, ёки ўз жойида чиқарилиб, бу ажрим суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади. Суд муҳокамаси вақтида суднинг чиқарган ҳар бир ажрими дарҳол эълон қилиниши лозим.

Судьялар кириб келаётганларида суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ўринларидан турадилар. Суд процессининг барча иштирокчилари судга тик турган ҳолда мурожаат қиладилар, кўрсатувлар берадилар ва баёнотлар қиладилар. Ушбу қоидадан фақат раислик қилувчининг рухсати билангина четга чиқилиши мумкин.

Суд процессининг барча иштирокчилари, шунингдек суд залида ҳозир бўлган барча шахслар раислик қилувчининг суд мажлисида белгиланган тартибга риоя қилиш тўғрисидаги фармойишларини сўзсиз бажаришлари лозим. Ўн олти ёшга тўлмаган шахслар, башарти улар судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ бўлмасалар, суд мажлиси залига киритилмайдилар.

21.7. Суд мажлисининг баённомаси

Суд муҳокамаси вақтида суд мажлисининг котиби ЖПКнинг 90—92-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида баённома юритади.

Суд мажлисининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади: суд мажлиси бошланган ва тамом бўлган вақт кўрсатилган ҳолда мажлис бўлган жой ва сана; суднинг номи ва таркиби; суд мажлисининг котиби, таржимон, айбловчи, ҳимоячи, судланувчи, жабрланувчи ва унинг вакили, фуқарови ё даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, шунингдек суд чақирган бошқа

шахслар; кўрилатган иш; судланувчининг шахсига доир маълумотлар; ҳозир бўлган ва ҳозир бўлмаган гувоҳлар ҳамда уларнинг келмаганлик сабаблари.

Баённомада: раислик қилувчининг барча фармойишлари кўрсатилади ва суднинг ҳаракатлари қандай тартибда ўтган бўлса, шу тартибда ёзилади; ишда иштирок этувчи шахсларнинг ариза ва илтимослари; судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатувларининг батафсил мазмуни; берилган саволларга экспертнинг жавоблари; суд музокараларининг тартиби, суд музокараларида иштирок этган шахсларнинг хулосалари ҳамда судланувчи охириги сўзининг мазмуни; башарти процесс иштирокчилари илтимос қилсалар, ишни кўриш пайтида юз берган ҳолатлар тўғрисидаги мулоҳазалар акс эттирилади.

Суд зарур деб топган ҳолларда гувоҳлар ва жабрланувчилар ўзлари берган кўрсатувларини суд мажлисининг баённомасида имзолайдилар. Баённомани раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби ҳам имзолайдилар.

Баённоманинг мазмуни бўйича раислик қилувчи билан суд мажлисининг котиби ўртасида келишмовчилик бўлган тақдирда котиб ўз мулоҳазаларини баённомага илова қилиши шарт. Бу мулоҳазаларни суд таркиби кўради. Мазкур масала юзасидан ажрим чиқарилиб, баённомага илова қилинади.

Баённома тўлиқ бўлишини таъминлаш учун стенограмма юритилиши мумкин. Стенографик ёзув ишга илова қилинмайди. Суд муҳокамаси чоғидаги сўроқ қилишлар овоз ёзиш, видеоёзув ёки кинотасвирга олиш воситаларида акс эттирилиши мумкин. Бундай ҳолда фонограмма, видеокассета ва кинотасма суд мажлисининг баённомасига илова қилиниб, баённомада ушбу воситалар қўллангани қайд этилади.

Суд мажлисининг баённомаси ҳукм чиқарилган куннинг эртасидан, мураккаб ишлар бўйича эса уч суткадан кечиктирмай имзоланиши лозим.

21.8. Суд мажлисида тартибни бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган чоралар

Суд муҳокамаси иштирокчиларидан бирортаси суд мажлисида тартибни бузганида, раислик қилувчининг фармойишига бўйсунмаганида ёки судга ҳурматсизлик қилганида унга нисбатан ЖПКнинг 272-моддасида назарда тутилган чоралар қўлланилади. Тартиббузар бундай ҳаракатларнинг такрорланиши унинг суд

мажлиси залидан чиқариб юборилишига сабаб бўлиши, бундан ташқари у маъмурий жавобгарликка ҳам тортилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилади. Агар огоҳлантириш таъсир қилмаса, процесснинг бундай иштирокчиси суднинг ажрими билан, бошқа шахслар эса раислик қилувчининг буйруғи билан суд мажлиси залидан чиқариб юборилади. Иш эса чиқариб юборилган шахсларсиз муҳокама қилишда давом этилади.

Агар суднинг ажрими айбланувчи ёки ҳимоячига дахлдор бўлса, ишни кўриб чиқиш кечиктирилиши керак. Бир шахсни айблаш ёки ҳимоя қилишни аввал бошидан бир неча айбловчилар ёки бир неча ҳимоячилар амалга оширган ҳоллар бундан мустасно. Чиқариб юборилган айбловчи ёки ҳимоячининг ўзини муносиб тутмаганлиги ҳақида суд хусусий ажрим чиқаради. Ушбу ажрим тегишли равишда юқори турувчи прокурорга ёки адвокатлар ҳайъатининг раёсатига жўнатилади.

Агар суд мажлисининг залидан судланувчи чиқариб юборилган бўлса, ҳукм унинг иштирокида ўқиб эшиттирилиши ёки ўқиб эшиттирилганидан сўнг дарҳол унга имзо чектириб эълон қилиниши керак.

Суд мажлиси залидан чиқариб юборилган шахсни (судланувчи, айбловчи ва ҳимоячидан ташқари) раислик қилувчи шу жойнинг ўзида чиқарилган ажрим асосида маъмурий жавобгарликка тортиши мумкин. Ажрим суд мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Тахминий тестлар

1. Суд муҳокамасининг куйидаги таърифлардан энг тўлиғини кўрсатинг?

А. Жиноят процессининг одил судловни амалга оширувчи босқичи

В. Жиноят процессининг суд томонлар иштирокида жиноят ишини кўриб чиқадиган, судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлигини аниқлайдиган ҳамда жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахсга қонунда назарда тутилган жиноий жазони қўлайдиган ёхуд айбсиз шахсни оқлайдиган босқичи

С. Жиноят процессининг марказий босқичи бўлиб, унда суд жиноий-ҳуқуқий судлов принципларини ва суд муҳокамасининг умумий шартларини амалга ошириб, иш бўйича мавжуд далилларни ҳам текширади ва судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги ҳамда унга нисбатан жазо чорасини қўллаш ҳақидаги масалани ҳал қилади

- D. Жиноят процессининг энг муҳим босқичи бўлиб, унда суд муайян жиноят ишининг барча ҳолатларини батафсил кўриб чиқиб, у бўйича қонунга мувофиқ охирги қарорни қабул қилади
- E. Тарафларнинг фуқаролик ҳуқуқидаги тортишуви

2. Суд муҳокамаси неча қисмдан иборат?

- A. 4 қисм
- B. 3 қисм
- C. 6 қисм
- D. 5 қисм
- E. 7 қисм

3. Суд муҳокамасининг тузилишига доир тўғри жавобни кўрсатинг.

- A. Суд тергови, томонлар музокараси, судланувчининг охирги сўзи, ҳукмнинг ўқиб эшиттирилиши
- B. Суд мажлисининг тайёрлов қисми, суд тергови, томонлар музокараси ва судланувчининг охирги сўзи, ҳукм чиқарилиши
- C. Суд мажлисининг тайёрлов қисми, суд тергови, томонлар музокараси, судланувчининг охирги сўзи, ҳукм чиқарилиши ва ўқиб эшиттирилиши
- D. Суд тергови, томонлар музокараси ва судланувчининг охирги сўзи, ҳукм чиқарилиши
- E. Суд тергови ва ҳукм чиқарилиши

4. Суд муҳокамасининг тайёрлов қисми қайси ҳаракатлар билан бошланади?

- A. Суд муҳокамаси иштирокчилари келган-келмаганлигини текшириш
- B. Суд муҳокамаси иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш
- C. Суд мажлисини очиш ва қайси жиноят иши муҳокама қилинишини эълон қилиш
- D. Суд таркибини эълон қилиш
- E. Ҳукмни ўқиб эшиттириш

5. Қуйидаги масалалардан қайси бири суд муҳокамаси тайёрлов қисмида ҳал қилинади?

- A. Раислик қилувчи судланувчидан айблов тушунарли ёки тушунарсиз эканлигини, у ўзини айбдор деб тан олиш-олмаслигини сўрайди
- B. Таржимонга унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти тушунтирилади
- C. Далилларни текшириш тартиби белгиланади
- D. Айблов хулосаси ўқиб эшиттирилади
- E. Айблов ҳукми ўқиб эшиттирилади

Текшириш учун саволлар

- 1. Суд муҳокамасининг моҳияти ва аҳамияти нимада?
- 2. Суд муҳокамасининг вазифалари нималардан иборат?
- 3. Суд муҳокамасининг умумий шартлари қандай?
- 4. Суд муҳокамасининг доирасига нималар киради?
- 5. Янги шахсларга нисбатан ва янги айблов бўйича жиноят иши қўзғатишнинг процессуал тартиби қандай?
- 6. Судда жиноят ишини тўхтатиш асослари нималардан иборат?
- 7. Судда жиноят ишини тугатишнинг процессуал тартиби қандай?
- 8. Суд мажлисида суд қандай ажримлар чиқаришга ҳақли?
- 9. Суд мажлисининг баённомасига қандай талаблар қўйилади?
- 10. Суд мажлисидаги тартибни бузувчи шахсга қандай чоралар қўлланилади?

XXII боб. Суд муҳокамасининг тартиби

22.1. Суд муҳокамасининг тузилиши

Суд муҳокамасининг тузилиши деганда, жиноят иши материалларининг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилишини таъминлашга ва суднинг объектив ҳақиқатни аниқлашга қаратилган процессуал ҳаракатларни ўтказишнинг қонунда ва судда белгиланган кетма-кетлик тартиби тушунилади. Суд муҳокамаси босқичида амалга ошириладиган ҳаракатларнинг табиатидан келиб чиқиб, унинг қуйидаги қисмларини ажратиш мумкин:

- 1) суд муҳокамасининг тайёрлов қисми (ЖПК 428–438-м.);
- 2) суд тергови (ЖПК 439–448-м.);
- 3) тарафларнинг музокараси (ЖПК 449–456-м.);
- 4) судланувчининг охириги сўзи (ЖПК 451-м.);
- 5) ҳукм чиқариш (ЖПК 454-м.).

Суд муҳокамасининг ҳар бир қисми суд муҳокамаси босқичининг олдида турган умумий вазифалар доирасидаги махсус вазифаларга эга бўлиб, гарчи турли қисмларнинг тартибга солиниш ҳажми ва даражаси турлича берилган бўлса-да, Жиноят-процессуал кодекс нормаларининг талабларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказилади. Масалан, суд муҳокамаси тайёрлов қисми ва ҳукм чиқаришнинг барча ҳаракатлари кетма-кетлиги қонунда аниқ белгилаб қўйилган, суд терговидаги процессуал ҳаракатларнинг хусусияти ЖПКда тартибга солинган, уларни ўтказиш кетма-кетлиги эса суд ихтиёрига ҳавола қилинган.

22.2. Суд муҳокамасининг тайёрлов қисми

Суд муҳокамасининг тайёрлов қисми уни очиш билан бошланади ва суднинг айблов хулосасини ўқиб эшиттиришигача давом этади. Суд мажлисининг ушбу босқичида далилларни тўлиқ ва ҳар томонлама текшириш ҳамда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этган ҳолда ишни тўғри ҳал қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилади. Айни пайтда суд муҳокамасининг тайёрлов қисми суд терговига тайёрланиш мақсадидагина ўтказилади, деб ҳисобламаслик керак. Ариза ва илтимосларни ҳал қилиш ёки

ишда иштирок этувчи шахслардан бирортаси бўлмаганида, жиноят ишини кўриш мумкинлиги ҳақидаги масалани ҳал қилиш — асло тайёрлов аҳамиятига эга бўлган масалаларгина эмас. Айтилганлар суд мажлисининг айнан шу қисмида соф тайёрлов аҳамиятига эга бўлган (масалан, судга келганликни текшириш, гувоҳни суд мажлиси бўлаётган залдан чиқариш, суд таркибини эълон қилиш, судланувчининг шахсини аниқлаш каби) бир қатор масалаларнинг ҳал қилинишини истисно этмайди.

ЖПКда суднинг процессуал ҳаракатларини қайси тартибда ўтказиши зарурлиги ҳақида бевосита кўрсатмалар берилмаган. Амалда судлар ушбу ҳаракатларни ЖПКнинг суд муҳокамасининг тайёрлов қисмини тартибга солувчи моддаларида жойлашган тартибда ўтказадилар.

Суд мажлиси куйидагича очилади: раислик қилувчи суд (суднинг номи тўлиқ келтирилади) очиқ деб эълон қилинишини ўқиб эшиттиради. Шундан сўнг у қайси иш муҳокама қилинишини, сўнгра судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, жиноят квалификация қилинган жиноят қонунининг моддасини хабар қилади.

Суд муҳокамаси ўтказиладиган жой ва вақт жиноят ишини кўришга тайинлаш ҳақидаги қарорда кўрсатилади (ЖПК 397-м. 7-б.). Суд мажлиси аниқ белгиланган вақтда очилиши керак.

«Раислик қилувчи» деганда, жиноят ишини биринчи инстанцияда кўраётган суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судьяси тушунилади (ЖПК 408-м.).

Тегишли процессуал ҳаракатларнинг барчасини суд ва суд муҳокамаси иштирокчилари фақат мажлис очилганидан сўнг бажаришлари мумкин. Суд мажлисининг котиби мажлис очилгунига қадар судга чақирилган шахсларнинг келган-келмаганлигини текширади.

Котибнинг маърузаси мажлис очилганидан кейин тингланади. Бунда котиб суд мажлисига келганлар ҳақида ва келмаганларнинг ҳозир бўлмаслик сабаблари ҳақида, шунингдек бу қайси манбадан маълум бўлганлиги тўғрисида хабар бериши керак. Маъруза тугаганидан сўнг судьялар ва суд муҳокамаси иштирокчилари (раислик қилувчининг рухсати билан) котибга аниқлик киритувчи саволлар беришлари мумкин, суд эса, зарур бўлганда, айрим шахсларнинг келмаганлик сабабларини аниқлаш чораларини кўриши лозим.

Раислик қилувчи таржимонга ЖПКнинг 72-моддасида на-

зарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек жавобгарлигини тушунтиради.

Суд мажлиси очик деб эълон қилинган заҳоти таржимон ўз вазифаларини бажаришга киришади. Шу боис унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари унга биринчи бўлиб баён этилади. Бунда раислик қилувчи унинг ушбу мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлиги ва била туриб нотўғри таржима қилганлиги учун жавобгарлигини тушунтиради (ЖПК 430-моддаси). Ушбу процессуал ҳаракат бажарилганлиги суд мажлисининг баённомасида албатта қайд этилади.

ЖПКнинг 20-моддасига биноан, таржима жинойт иши юри-тилаётган тилга қилинади, ишда иштирок этаётган ва ушбу тилни билмайдиган шахсга эса — унинг она тилига, ёхуд розилиги билан у биладиган бошқа тилга таржима қилинади.

ЖПКнинг 72-моддасида санаб ўтилган мажбуриятлардан ташқари, таржимон суд ҳукмини ҳам маҳкум (оқланган) шахснинг она тилига ёки у биладиган бошқа тилга таржима қилиши лозим.

Суд мажлисининг унга келмаган гувоҳлар бўлмаганида ишни муҳокама қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида фикр билдиришга ҳақли бўлган иштирокчилари илтимос қилган тақдирда уларга, бу тўғрида таржимонга унинг процессуал ҳолати тушунтирилгунига қадар нима дейилганидан қатъи назар, котибнинг мажлисга келганлар ҳақидаги ва келмаган шахсларнинг ҳозир бўлмаслик сабаблари ҳақидаги хулосаси бўйича маърузасининг мазмуни ҳам таржима қилиб берилади.

Жинойт ишида иштирок этувчи барча шахслар таржимоннинг хизматидан бепул фойдаланадилар. Таржимоннинг меҳнати учун ҳақни суд тўлайди. Таржимон тариқасида кар-соқовларнинг имо-ишораларини тушунадиган шахс таклиф этилган бўлса, унга нисбатан ҳам худди шу қоидалар амал қилади.

Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилаётганида ва ЖПКнинг 431-моддасида санаб ўтилган бошқа шахслар ҳақида хабар бераётганида, уларнинг ҳар бирининг процессуал ҳолатларини ва фамилияларини айтиб ўтиши керак. Бундан ташқари, у суд таркибини эълон қилганидан сўнг, агар захирадаги халқ маслаҳатчиси ҳам мажлисда қатнашаётган бўлса, уни ҳам таништириши шарт.

Суд мажлисида прокурор иштирок этаётган бўлса, раислик қилувчи унинг лавозимини ва унвонини хабар қилади. Агар ҳи-моячи иштирок этаётган бўлса, у айнан қайси ҳайъатда рўйхатда

турадиган адвокат эканлиги ёки жамоат бирлашмасининг ёхуд корхона, муассаса, ташкилот жамоасининг вакили ёки ҳимоячи сифатида иштирок этиши учун рухсат берилган бошқа шахс эканлиги маълум қилинади, эксперт ёки мутахассис ҳақида эса — уларнинг ихтисослиги хабар қилинади.

Айбловчи деганда — прокурор ёки жамоат айбловчиси, ҳимоячи деганда эса — адвокат ёки жамоат ҳимоячиси тушунилади.

Раислик қилувчи ишда иштирок этаётган шахсларга иштирок этишни рад этиш ҳуқуқлари мавжудлигини, аммо ушбу рад этиш муайян сабабларга асосланиши кераклигини ҳамда ЖПКнинг 76—79-моддаларида кўрсатилган асослар бўлгандагина ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Сўнгра ҳар бир иштирокчидан унинг ушбу ҳуқуқи унга тушунарли ёки тушунарли эмаслиги, у рад қилишни иташ-истамаслиги, айнан кимни нима сабабдан рад қилишини аниқлайди.

Агар судтанувчи вояга етмаган шахс бўлса ва суд мажлисига отаси ҳам, онаси ҳам келган бўлса, суд вояга етмаган шахснинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаб, ўз ажрими билан улардан бирига суд жараёнида қонуний вакил бўлиш ҳуқуқини бериши мумкин. Бу тўғрида алоҳида ажрим чиқарилади, қонуний вакилга эса ажрим чиқарилганидан сўнг унинг рад қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

ЖПК 431-моддасининг мазмунидан Захирадаги халқ маслаҳатчисини рад қилиш масаласини суд тўлиқ таркибда кўпчилик овози билан маслаҳатхонада ҳал қилиши келиб чиқади.

Бутун суд таркибини ёки раислик қилувчини ёхуд икки нафар халқ маслаҳатчисини ёки захирадаги маслаҳатчи бўлмаётган туриб, улардан бирини рад қилиш ҳақидаги илтимос қондирилган тақдирда иш кўрилиши мумкин эмас ва унинг муҳокамаси қолдирилади.

Прокурорни ёки процесснинг бошқа иштирокчиларини рад қилиш масаласи судьяларни рад қилиш масаласи ҳал қилинганидан кейингина кўриб чиқилади. Суд мажлиси очилганидан сўнг гувоҳлар залдан чиқариб турилади.

Гувоҳларни махсус ажратилган хонага олиб бориш ҳақидаги кўрсатмани раислик қилувчи беради. Унинг ўзи гувоҳлар залдан чиқарилганларидан кейин суд мажлиси залида то сўроқ учун чақирилмагунича пайдо бўлмасликлари чораларини кўради. Агар суд тергови бир кундан ортиқ давом этиши

олдиндан маълум бўлса, раислик қилувчи ҳар бир гувоҳни судга келиши керак бўлган кундан хабардор қилиши лозим.

Гувоҳлар айна пайтда жабрланувчи ёки қонуний вакил бўлган ҳоллар ушбу қоидадан мустасно бўлиб, улар суд залидан чиқарилмайдилар.

Судланувчининг қонуний вакили суд муҳокамасининг иштирокчиси бўлганлиги туфайли у келмаган ҳолларда ишни усиз кўриб чиқиш мумкинлиги ҳақидаги масала муҳокама қилинади.

Ушбу масала юзасидан суд муҳокамаси иштирокчиларининг фикрлари тингланганидан сўнг биронта иштирокчи бўлмаган ҳолда ишни кўриш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги ҳақидаги хулосани прокурор беради. Суд муҳокамасини давом эттириш мумкин эмас деб топилган тақдирда суд ишни муҳокама қилишни қолдириш ҳақида ажрим чиқаради ва келмаган шахсларнинг келтирилишини таъминлаш чораларини кўради.

Судьялар ўзларининг қарорини ишни қолдириш ёхуд уни жойида ёки маслаҳат хонасида муҳокама қилишни давом эттириш ҳақидаги ажрим шаклида чиқарадилар.

Суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида ҳал қилинадиган масалаларга судланувчининг шахсини аниқлаш ҳақидаги масалалар ҳам киради, чунки бундай масалалар нафақат жазо чораси ҳақидаги масалаларни ҳал қилишда, балки озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақлаш тартибини белгилашда ҳам, фуқаровий даъво ҳақидаги масалани ҳал қилишда ҳам аҳамиятга эга бўлиши мумкин ва ҳ.к. Судланувчининг шахсини тавсифловчи маълумотларга ЖПКнинг 434-моддасида санаб ўтилганларидан ташқари, яна Ватанни ҳимоя қилиш бўйича жанговар ҳаракатларда иштирок этганлиги, давлат мукофотлари, фахрли унвонларининг борлиги, озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаганлиги, илгари судланганлиги каби маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

Асосли, адолатли ҳукм чиқаришнинг муқаррар шартини қонуннинг судланувчига энг муҳим ҳужжатлар нусхаларини топшириш вақтини белгилаш ҳақидаги талаби ташкил қилади. Ушбу ҳужжатларга айблов хулосасининг тасдиқланган нусхалари киради.

Агар тегишли ҳужжатларнинг нусхалари ўз вақтида топширилган бўлса, раислик қилувчи қуйидагиларни аниқлаши лозим:

1) жиноят процесси олиб борилган тилни билмайдиган судланувчига унинг она тилига ёки у биладиган бошқа тилга таржима қилиниши таъминланганлигини;

2) ҳар бир судланувчининг ўз ҳужжатлар нусхасига эга эканлигини;

3) ҳужжатлардан олинган кўчирмалар ва парчалар эмас, балки тўлиқ нусхалари топширилганлигини.

Ушбу қоидалар бузилганлиги аниқланганда ишни муҳокама қилиш қолдирилади.

Процесс иштирокчилари суд мажлисида фаол иштирок этиш ва ўзларининг процессуал функцияларини муваффақиятли амалга ошириш имкониятига эга бўлишлари учун улар ўзларининг ҳуқуқларини ишни кўриб чиқишнинг қайси пайтда, қайси тартибда, қай тариқа ва қайси доирада амалга оширишларини аниқ билишлари керак.

Раислик қилувчи, аввало, судланувчига унинг ЖПК 46-моддасида санаб ўтилган ҳуқуқларини тушунтириш билан чекланмасдан унинг процессуал ҳолатини тушунтириб бериши, процессуал мажбуриятларини бажармаганлиги учун ва суд мажлисидаги тартибни бузганлик учун жавобгар бўлишни ҳам айтиб ўтиши керак (ЖПК 271, 272-моддалари).

Ишда ҳимоячи иштирок этган тақдирда судланувчига, унинг ҳимоячиси бор-йўқлигидан қатъи назар, барча ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкинлиги тушунтирилади. Жиноят иши бир неча судланувчига нисбатан кўриб чиқилганда, уларнинг ҳуқуқлари барчаларига бир пайтда (бирданига) тушунтирилади.

Жабрланувчига унинг судланувчи билан ярашиш ҳуқуқи тушунтирилганида жабрланувчини бундай ярашувга фақат суд маслаҳатхонага чиқиб кетгунича йўл қўйилиши ҳақида огоҳлантириш зарур.

Раислик қилувчи экспертга унинг ҳуқуқлари ва тўғри хулоса бериш мажбуриятини тушунтиради. Экспертга икки ҳолда, яъни унинг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича ҳамда суд тақдим этган материаллар хулоса бериш учун етарли бўлмаганида хулоса беришдан бош тортиши мумкинлиги маълум қилинади (ЖПК 172, 176-моддалари).

ЖПКнинг 69, 70-моддаларида белгиланган қоидаларига мувофиқ, раислик қилувчи мутахассисга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради. Мутахассис унинг билимлари ва маҳоратидан фойдаланишни талаб қилувчи процессуал ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этиши, суднинг эътиборини далилларни текшириш ва айрим процессуал ҳаракатларни ўтказиш билан боғлиқ ҳолатларга қаратиши, муҳокама давомида юзага келган терговга оид масалалар

юзасидан кўрсатувлар беринчи шарҳ. Мутахассис раислик қилувчининг рухсати билан шахсларга процессуал ҳаракатларни юритиш юзасидан саволлар беришга ва далилларни текширишга алоқадор аризалар беришга ҳаққидир.

Мутахассис ўз вазифаларини бажаришдан бош тортганлиги учун ЖПКнинг 69-моддасида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади.

Суд мажлисида иштирок этаётган шахсларга ҳамда экспертлар ва мутахассисларга алоҳида тарзда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг барчасини суд мажлисининг котиби баённома билан расмийлаштиради.

Суд муҳокамасининг барча иштирокчилари илтимоснома қўзғатиш бўйича тенг ҳуқуқларга эга. Судланувчи, ҳимоячи ва жамоат ҳимоячиси ҳам прокурор, жабрланувчи ёхуд жамоат айбловчиси қилган илтимослар билан мурожаат этишлари мумкин. Фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарнинг илтимослари даъво предмети билан боғлиқ. Илтимос билан мурожаат қилиш унинг илгари рад этилганлиги билан боғлиқ эмас.

Илтимослар оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин, аммо иккала ҳолда ҳам улар асосланган бўлиши лозим. Илтимослари бор ёки йўқлиги ҳақидаги савол суд муҳокамасининг ҳар бир иштирокчисига алоҳида-алоҳида берилади.

Дастлабки терговда у ёки бу сабабга кўра рад этилган илтимоснома бу ерда яна бир бор берилиши мумкин. Берилган илтимосларга доир масала тўғри ҳал қилинишининг зарурий шарти, фикрларни тинглаш тартибидан қатъи назар, ҳар бир иштирокчига қолган барча иштирокчиларнинг илтимослари ҳақида ўз фикрларини айтиш имконини беришдан иборат.

ЖПК 438-моддасининг маъносига кўра, илтимослар бевосита берилганидан ва муҳокама қилинганидан сўнг ҳал этилиши лозим. Илтимоснинг рад этилиши шахснинг кейинчалик яна ушбу илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Илтимос қаноатлантирилган ҳолда ҳам, рад этилган ҳолда ҳам суднинг илтимослар бўйича қарори ажрим шаклида қабул қилинади. Ажрим ё маслаҳатхонада, ё судьяларнинг жойдаги муҳокамасидан сўнг чиқарилади. Сўнгги ҳолда ажрим суд мажлисининг баённомасига киритилади.

Суд муҳокамаси бошлангунча келиб тушган илтимослар суд мажлисининг тайёрлов қисмида ҳал қилинади. Уларни тезлик

билан ҳал қилиш мақсадида, суд раиси ёки иш бўйича раислик қилувчи, агар бу вақтга келиб у тайинланган бўлса, муайян тайёрлов ҳаракатларини қилиши — маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраб олиши мумкин.

22.3. Суд тергови, унинг аҳамияти ва мазмуни

Суд тергови — суд муҳокамасининг марказий қисми бўлиб, унда суд жиноят процесси принципларининг энг тўлиқ амалга оширилиши шароитида жиноятнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш мақсадида барча мавжуд далилларни текширади.

Суд ва томонларнинг суд тергови мазмунининг таркибий қисми бўлган далилларни текшириш фаолияти суд музокаралари ва суд ҳукмларига асос бўладиган пойдеворни яратди. Шу боис ҳукмнинг қонунийлиги ва асослилиги кўп жиҳатдан ўтказилган суд терговининг сифатига боғлиқ.

Суд тергови дастлабки терговнинг такрорланиши эмас. Бу — ишнинг барча ҳақиқий ҳолатларини мустақил равишда текшириш бўлиб, тергов қилиш давомида дастлаб тўпланган материаллардан мустақил равишда амалга оширилади. Суд терговини процессуал фаолиятнинг бошқа субъектлари — суд томонларининг ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг фаол ёрдамида ўтказилади, бунда барча далилларнинг турли нуқтаи назарлардан бир вақтда таҳлил қилиниши таъминланади. Суд тергови далилларни ошқора, оғзаки, бевосита ва узлуксиз текшириш тарзидаги махсус процессуал шаклда амалга оширилади. Суд терговчи ва прокурорнинг хулосалари ҳамда улар олган далиллар билан чекланмайди. Суд терговда исботлаш давомида воқеанинг барча имкониятдаги тусмоллари текширилади; суд айблов хулосасида ифодаланган тусмолга эргашмайди ва суд мажлисида текширилган далилларга, жумладан, суднинг ўзи олган қўшимча маълумотларга асосланган қарорни қабул қилиши шарт.

Суд терговда исботлаш процессуал шартларининг хусусиятига кўра, суднинг фактик маълумотларини текшириш борасидаги ҳаракатлари жиноятларни тергов қилиш давомида ўтказиладиган тергов ҳаракатларидан муайян фарқларга эга. Қонунда (ЖПК 70-моддасида) суднинг ҳар қандай тергов ҳаракатларини ўтказиши мумкинлиги назарда тутилган бўлса-да, кўпгина тергов ҳаракатлари бу ўринда суднинг муайян шахсларни сўрош

қилиши жараёнининг таркибий қисми кўринишида юз беради. ЖПКда суд терговдаги исботлаш жараёни учун хос бўлган асосий суд ҳаракатлари сифатида судланувчи, жабрланувчи, гувоҳни сўроқ қилиш, экспертиза ўтказиш, ашёвий далилларни кўздан кечириш, ҳужжатларни ўқиб эшиттириш, ҳодиса жойи ва хоналарни кўздан кечириш санаб ўтилган. Бироқ судда тергов эксперименти, гувоҳлантириш, текшириш учун намуналар олиш жараёнларини ўтказиш ҳам истисно этилмайди.

Суд терговда далилларни текширишдан аввал айблов ифодаланган ҳужжатлар ўқиб эшиттирилади, шунингдек далилларни текшириш тартиби муҳокама қилиниб белгиланади.

Айблов хулосасини ўқиб эшиттиришдан кўзланган мақсад қайси айблов суд муҳокамасининг мавзуи эканлигини ошқора эълон қилишдан иборат. Судья айбловни ўзгартирган ҳолларда суд мажлисини тайинлаш ҳақидаги масалани ҳал қилиш чоғида судьянинг қарори ҳам ўқиб эшиттирилади.

ЖПКда мазкур ҳужжатларни ким ўқиб эшиттириши белгиланмаган. Амалиётда уларни одатда раислик қилувчи ўқиб беради. Баъзан бу иш халқ маслаҳатчисига топширилади. Бироқ бундай амалиёт суднинг фаолиятига айблов хусусияти бағишлайди, бу эса унинг тортишув жараёнидаги мавқеига мос келмайди, чунки бу жараёнда айбловнинг процессуал функцияси суднинг ишни ҳал қилиш функциясидан ажратилган. Процессуал функцияларнинг бўлиниши мантиғига асосланадиган бўлсак, айблов хулосасини прокурор, у бўлмаган тақдирда — суд мажлисининг котиби ўқиб эшиттириши лозим. Жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар ўз аризаларини ўзлари билдирадilar.

Суд айблов хулосасини ўқиб эшиттирганидан сўнг судланувчининг айбловга муносабатини аниқлайди. Раислик қилувчи судланувчини (улар бир нечта бўлса, ҳар бирини) айбловнинг тушунарли бўлган-бўлмаганлигини сўрайди, зарур бўлганда судланувчига айбловнинг моҳиятини тушунтиради ва у ўзини айбдор деб тан олиш-олмаслигини сўрайди (ЖПК 439-модда). Судланувчининг истаги бўйича раислик қилувчи унинг айбловга муносабатини тўлиқ очиб бера олиши учун унга ўз жавобини асослаш имконини беради.

Сўнгра далилларни текшириш тартиби муҳокама қилинади ва белгиланади, яъни суднинг томонлар иштирокида ишда мавжуд бўлган ва қўшимча равишда тақдим этилган барча маълумотларни кўриб чиқиш кетма-кетлиги ҳақидаги масалани ҳал қилади.

Қонунда ҳар бир суд ҳаракатининг процессуал тартиби батафсил белгиланиши билан бир қаторда, айти пайтда ҳар бир жиноят иши буйича суд исботлаши ўзига хос бўлганлиги сабабли, уларни юритишнинг муайян кетма-кетлиги илгаридан белгиланмаган. **Қонунда** судга суд тергови бошида далилларни текширишнинг ишни кўриш учун энг мақбул бўлган тартибини белгилаш ҳуқуқи берилган. Ана шу мақсадда суд айбловчи, судланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларининг судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, экспертларни сўроқ қилиш кетма-кетлиги ҳақидаги таклифларини тинглайди ва далилларни текшириш тартиби ҳақида ажрим (қарор) чиқаради. Суд терговининг исталган пайтида суд аввал белгиланган тартибни ўзгартиришга ҳақли бўлиб, бу тўғрида ҳам тегишли қарор қабул қилади.

Суд мавжуд далилларнинг турли манбаларини текшириш кетма-кетлигини аниқлайди, масалан, судланувчилар, гувоҳлар, жабрланувчиларни қачон сўроқ қилишни ҳал қилади, муайян турдаги далилларнинг ҳар бирига мурожаат этиш пайтини белгилайди, яъни судланувчиларни, гувоҳларни ва бошқаларни қайси тартибда сўроқ қилиш кераклигини ҳал қилади. Бунда суд судланувчининг унга қўйилган айбга муносабатини, унинг кўрсатувларининг сўроқ қилинаётган бошқа шахслар кўрсатувларига қандай таъсир этиши мумкинлигини, далилларнинг муайян манбаидаги маълумотларнинг ҳажми ва аҳамиятини, бир турдаги далилларни бошқалари ёрдамида текшириш мумкинлигини ва бошқа ҳолатларни инобатга олади.

Энг кўп қўлланиладиган тартибга кўра, агар судланувчи кўрсатув беришни истаса, дастлаб у, сўнгра жабрланувчи, гувоҳлар сўроқ қилинади ва бошқа далиллар текширилади. Бу билан суд ва суд муҳокамасининг барча иштирокчилари дарҳол ишнинг моҳияти билан таништирилади, судланувчи эса ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини энг кўп даражада амалга оширади. Агар судланувчилар бир нечта бўлса, биринчи бўлиб, гарчи бундай тартиб айблов томон оғишнинг пайдо бўлишига ва айбланувчининг ўз айбини тан олганлигига ортиқча баҳо беришга ёрдам берса ҳам, одатда ўзини айбдор деб тан олган ва ўз шерикларини фош этаётган судланувчилар сўроқ қилинади.

Жабрланувчи одатда гувоҳлардан олдин сўроқ қилинади, чунки у ишнинг натижасидан манфаатдор бўлиб, барча гувоҳларни сўроқ қилиш вақтида суд залида бўлиши ва уларнинг кўрсатувларини текширишда иштирок этиш имконига эга

бўлиши керак. Гувоҳларни сўроқ қилиш кетма-кетлиги улар кўрсатувларининг аҳамиятига кўра, шунингдек жиноятнинг ва унинг айрим воқеаларининг ривожланишидаги хронологик кетма-кетликка қараб белгиланиши мумкин.

Судда экспертиза бошқа далилларни текширишга асосланиши керак, бироқ уни ўтказишни асоссиз равишда чўзиш ярамайди, чунки бу унинг хулосаларини текширишга салбий таъсир қилиши мумкин.

Ашёвий далилларни кўздан кечириш, воқеа жойини ва хонани кўздан кечириш, ҳужжатларни ўқиб эшиттириш кўпинча суд терговининг охирига қолдирилади, аммо муайян ишларда судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳни сўроқ қилиш вақтида уларни ўтказиш самаралироқ бўлиши мумкин.

Мураккаб, ҳажми жиҳатидан катта ишларни кўришда далилларни текшириш тартибини ҳар бир воқеага нисбатан алоҳида белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу суднинг ва суд муҳокамаси иштирокчиларининг эътиборини айбловнинг муайян қисмига тортиш ва у билан боғлиқ ҳолатларнинг барчасини тўлиқроқ аниқлашга ёрдам беради. Баъзан ишнинг мураккаблик даражаси ва далилларнинг миқдорига қараб фақат айбланувчиларнинг кўрсатувлари ёхуд айбланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари воқеалар бўйича текширилади, қолган далиллар эса барча воқеаларга нисбатан текширилади.

22.4. Суд терговда тергов ҳаракатларининг хусусиятлари

Судланувчилардан ўз айбини тан олиши ёки олмаслиги ҳақида сўралганидан сўнг суд томонларнинг далилларни текшириш кетма-кетлиги ҳақидаги таклифларини эшитади. Бундай кетма-кетликни суд ажрим билан мустақкамлайди.

Агар далилларни текшириш судланувчиларни сўроқ қилишдан бошланган бўлса, улардан кейин жабрланувчиларни сўроқ қилади. Судланувчилар кўрсатув беришдан бош тортган ёки бошқа далиллар текширилгунича кўрсатувлар беришга рози бўлмаган тақдирда жабрланувчи, гувоҳларни сўроқ қилиш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, ёзма далилларни ўқиб эшиттириш, экспертизалар ва бошқа суд ҳаракатларини ўтказиш кетма-кетлиги ҳақидаги масалани суд ишнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб ва томонларнинг таклифларини инобатга олиб ҳал қилади.

Раислик қилувчи гувоҳни сўроқ қилишдан аввал унинг шахсини аниқлайди ҳамда уни кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради. Сўнгра раислик қилувчи гувоҳга барчанинг олдида ошкора равишда қуйидаги мазмунда қасамёд қилишни таклиф этади: «Иш юзасидан ўзимга маълум бўлган ҳамма нарсани судга айтиб беришга қасамёд қиламан. Фақат ҳақиқатни, барча ҳақиқатни гапириб бераман, ҳақиқатдан ўзга нарсани гапирмайман». Қасамёд матни гувоҳга унинг мажбурияти ва жавобгарлиги тушунтирилгани ҳақидаги гувоҳнинг тилхати билан биргаликда суд мажлисининг баённомасига илова қилинади.

Ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳга ҳам ЖПКнинг 441-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ошкора қасамёд қилиш таклиф қилинади, лекин кўрсатув беришдан бош тортгани ёки била туриб ёлгон кўрсатув бергани учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайди ва ундан тилхат олинмайди.

Судда сўроқ қилиш ЖПКнинг 96–108-моддаларида назарда тутилган талабларга амал қилган ҳолда олиб борилади. Ҳар бир гувоҳ ҳали сўроқ қилинмаган гувоҳлар иштирокисиз сўроқ қилинади. Сўроқ қилинган гувоҳлар суд мажлиси залида қоладилар ва суд тергови тамом бўлмасидан илгари залдан фақат суднинг ижозати билан чиқиб кетишлари мумкин.

Вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилиш ҳақиқатни аниқлаш манфаатлари талаб қилган ҳолларда суднинг ажрими билан судланувчининг йўқлигида ўтказилиши мумкин. Судланувчи суд мажлиси залига қайтиб кирганидан кейин гувоҳнинг берган кўрсатувлари унга маълум қилиниши ҳамда шу гувоҳга саволлар беришга имконият яратилиши лозим.

Ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳ сўроқ қилиниб бўлгач, суд бу гувоҳнинг мажлис залида қолиши зарур деб ҳисоблайдиган ҳолларни мустасно этганда, суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши лозим.

Жабрланувчи, шунингдек эксперт ва мутахассис суд муҳокамасининг бошидан охиригача суд мажлиси залида бўлишга ва барча сўроқлар чоғида ҳозир бўлишга ҳақлидирлар.

Судланувчини сўроқ қилиш ишнинг унга маълум ҳолатлари тўғрисида кўрсатув бериши ҳақида раислик қилувчининг таклифи билан бошланади. Шундан кейин судланувчини давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили сўроқ

қиладилар. Сўнгра судланувчига бошқа судланувчилар ва уларнинг ҳимоячилари саволлар бериши мумкин.

Жабрланувчиларни, шунингдек айблов хулосасига илова қилинган рўйхатга биноан суд мажлисига чақирилган ёки айбловчи томоннинг илтимосига биноан қўшимча равишда чақирилган гувоҳлар ва экспертларни сўроқ қилиш ҳам 442-модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган тартибда ўтказилади. Башарти гувоҳлар ва экспертлар суд мажлисига ҳимоя томонининг илтимосига биноан чақирилган бўлсалар, уларни дастлаб шу илтимосни қилган судланувчи ёки унинг ҳимоячиси, кейин эса бошқа судланувчилар ва уларнинг ҳимоячилари, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили, давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари сўроқ қиладилар.

Раислик қилувчи ва халқ маслаҳатчилари сўроқ қилинаётган ҳар қандай шахсга суд терговининг исталган пайтида саволлар беришга ҳақлидирлар. Суд мажлисида кўрсатув бериб бўлган шахсларга берган кўрсатувларини тўлдириш ва аниқликлар киритиш учун суднинг ижозати билан саволлар берилиши мумкин.

Тарафларнинг илтимосларига ёки суднинг ташаббусига кўра раислик қилувчи, халқ маслаҳатчиларидан бири ёки суд мажлисининг котиби суриштирувда ва дастлабки терговда ишга қўшиб қўйилган, иш учун аҳамиятли бўлиши эҳтимол тутилган ёзма далилларни, экспертларнинг хулосаларини ва тергов ҳаракатлари баённомаларини ўқиб эшиттиради.

Суднинг талабига кўра ёки бошқа шахсларнинг ташаббуслари билан тақдим қилинган ҳужжатларни суд ўқиб эшиттиради ва тарафларга тақдим қилади, улар эса шу ҳужжатларнинг ишга аҳамияти бор-йўқлиги тўғрисида ўз фикрларини баён қиладилар. Сўнгра суд ҳужжатларни ишга қўшиш ёки тегишлилигига қараб қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд кўздан кечиришни ЖПКнинг 135—141-моддаларида назарда тутилган талабларга амал қилган ҳолда ўтказди. У суриштирувда ва дастлабки терговда ишга қўшилган ашёвий далилларни, шунингдек тарафлар ва бошқа шахслар бевосита суд муҳокамасида тақдим этган нарсаларни суд мажлиси залида тарафларнинг иштирокида кўздан кечиради. Суд кўздан кечиришни ўтказишга экспертларни, мутахассисларни, гувоҳларни ҳам жалб этиши мумкин.

Суд жой, бинолар, иншоотлар, хоналарни, шунингдек суд мажлиси залига келтириб бўлмайдиган транспорт воситалари ва бошқа объектларни улар турган жойга бориб 444-модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган шахслар иштирокида кўздан кечиради. У терговда гувоҳлантиришни суд ЖПКнинг 142–147-моддаларида назарда тутилган талабларга амал қилган ҳолда ўтказди.

Гувоҳлантириш ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, алоҳида хонада шифокор ёки бошқа мутахассис томонидан, гувоҳлантирилаётган шахснинг жинсидаги холислар иштирокида ўтказилади. Гувоҳлантириш ўтказиб бўлинганидан сўнг процесснинг мазкур иштирокчилари суд мажлиси залига қайтиб кирадилар ва у ерда тарафларнинг, гувоҳлантирилган шахснинг ва холисларнинг иштирокида шифокор ёки бошқа мутахассис гувоҳлантирилган шахснинг баданида излар ёки белгилар аниқланган бўлса, шу хусусда ахборот беради ҳамда тарафларнинг, судьяларнинг саволларига жавоб беради. Бу маълумотлар, шунингдек гувоҳлантирилган шахснинг ҳамда холисларнинг мулоҳаза ва тушунтиришлари суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади ва улар шифокор, бошқа мутахассис, гувоҳлантирилган шахс ва холисларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Суд терговда экспертиза ЖПКнинг 172–187-моддаларида назарда тутилган талабларга амал қилган ҳолда тайинланади ва ўтказилади. Суд мажлисида экспертизани илгари дастлабки терговда хулоса берган экспертлар ёки суд тайинлаган янги экспертлар ёхуд ҳам илгариги, ҳам кейин тайинланган экспертлар биргаликда ўтказди.

Тарафлардан бирортасининг илтимоси бўйича ёки ўз ташаббуси билан суд экспертиза тайинлаш тўғрисида ажрим чиқаради ва уни суд мажлисида ўқиб эшиттиради. Ажримда экспертиза ўтказиш топширилган шахс ёки экспертиза муассасаси кўрсатилади ва эксперт олдига саволлар қўйилади. Бунда суд тарафларга уларнинг экспертни рад этиш, тараф кўрсатган қўшимча шахсни экспертлар сафига киритиш, эксперт олдига қўшимча саволлар қўйиш, экспертизани тарафларнинг иштирокида ўтказиш тўғрисида илтимослар қилиш, шунингдек экспертиза давомида изоҳ бериб бориш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиради.

Илтимослар ёки экспертни рад қилиш тўғрисидаги арзларни суд ЖПКнинг 80-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳолда кўриб чиқади.

Суд терговида эксперт сўроқ қилинаётган шахсларга саволлар беришга, ёзма далиллар, тергов ҳаракатларининг баённомалари, бошқа экспертларнинг хулосалари билан танишишга, кўздан кечиришлар, экспериментларда ва экспертиза предметига оид суднинг бошқа ҳаракатларида иштирок этишга ҳақлидир.

Суд тергови давомида экспертнинг олдига қўшимча саволлар қўйилиши мумкин. Экспертиза предметига оид ҳолатлар текшируви тугаллангач, суд хулоса тайёрлаш учун экспертга муҳлат беради. Башарти бунинг учун лаборатория тадқиқотлари ўтказиш лозим бўлса, суд экспертга тегишли объектларни беради.

Эксперт ўз хулосасини суд мажлисида ўқиб эшиттиради. Хулоса суд мажлисининг баённомасига илова қилинади. Эксперт хулоса берганидан сўнг, хулосада баён қилинган ҳолатлар бўйича у суд мажлисида сўроқ қилиниши мумкин.

Суд терговида таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент ўтказиш ва эксперт текшируви учун намуналар олиш ЖПКнинг 125–131, 153–156, 188–197-моддаларида назарда тутилган ҳолатларга мувофиқ ўтказилади. Тарафлар шу суд ҳаракатлари муносабати билан илтимослар қилишга ва ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидирлар. Суд ушбу ҳаракатларни ўтказишда қўмаклашишни суриштирув органининг бошлиғи ёки терговчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент ўтказиш ҳамда намуналар олиш жараёни ва натижалари, шунингдек мазкур суд ҳаракатларининг юритилиши муносабати билан билдирилган илтимослар, мулоҳазалар ва тушунтиришлар суд мажлисининг баённомасида қайд қилинади.

Барча далиллар текшириб чиқилганидан кейин раислик қилувчи тарафлардан улар суд терговини тўлдирмоқчимилар ва агар тўлдирмоқчи бўлсалар, нима билан тўлдирмоқчи эканликларини сўрайди. Башарти бу ҳақда илтимос қилинса, суд уни муҳокама қилади ва ҳал этади. Илтимосларни қаноатлантириш учун зарур бўлган қўшимча ҳаракатлар бажарилганидан сўнг раислик қилувчи суд терговини тамом бўлган деб эълон қилади.

22.5. Тарафлар музокарасининг мазмуни ва тартиби

Суд тергови тамомланганидан сўнг суд тарафларнинг музокарасини эшитишга ўтади. Музокара давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг нутқлари билан бошланади. Сўнгра жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари,

ҳимоячи ва жамоат ҳимоячиси, судланувчи, фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили сўзга чиқади.

Давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг, шунингдек ҳимоячи ва жамоат ҳимоячисининг сўзга чиқиш навбатини суд уларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда белгилайди.

Тарафлар ўзларининг нутқларида суд терговидида кўриб чиқилмаган далилларни келтиришга ҳақли эмасдирлар. Текшириш учун судга янги далилларни тақдим этиш лозим бўлса, тарафлар суд терговини янгитдан бошлаш тўғрисида илтимос қилишлари мумкин.

Давлат айбловчиси суд терговининг якунларини инобатга олиб, ўз нутқида судланувчининг айблилиги ёки айбли эмаслиги тўғрисидаги хулосасини асослантириши лозим. Давлат айбловчиси судланувчи айбли деган хулосага келганда, унга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган жазо тури ва меъёри ҳақида судга ўз фикрини баён қилади.

Тарафлар нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин, улардан ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан эътирозлар ёки мулоҳазалар билан яна бир мартадан сўзга чиқишлари мумкин. Сўнгги эътироз билдириш ҳуқуқи ҳамиша ҳимоячи ва судланувчига берилади.

Суд тарафларнинг музокарасини муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин эмас, лекин раислик қилувчи музокарада иштирок этаётган шахсларнинг нутқларини, баъшарти улар кўрилаган ишга дахли йўқ ҳолатларга тааллуқли бўлса, тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

Музокара тамом бўлганидан кейин тарафлар ЖПК 457-моддасининг биринчи қисмидаги 1–6-бандларида назарда тутилган масалалар юзасидан чиқариладиган қарорнинг ўзлари таклиф этадиган мазмунини судга ёзма равишда тақдим этишлари мумкин. Давлат айбловчиси ва ҳимоячи учун қарорнинг бундай мазмунини судга тақдим этиш мажбурийдир.

22.6. Судланувчининг охириги сўзи ва суд терговини янгитдан бошлашнинг процессуал тартиби

Тарафларнинг музокараси тамом бўлганидан кейин раислик қилувчи судланувчига охириги сўз беради. Судланувчининг охириги сўзи вақтида унга ҳеч қандай савол беришга йўл қўйилмайди.

Суд судланувчининг охириги сўзини муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин эмас, лекин раислик қилувчи судланувчининг сўзини, у ишга мутлақо алоқаси йўқ ҳолатларни баён

қила бошлаган ҳолларда, тўхтатишга ҳақлидир (ЖПК 451-моддаси).

Башарти тарафлар музокарадаги нутқларида ёки судланувчи охириги сўзида иш учун алоҳида аҳамиятга молик янги ҳолатлар тўғрисида гапирсалар ёки муқаддам текширилмаган, лекин ишга алоқадор далилларни келтирсалар, суд тарафларнинг илтимосларига кўра ёки ўз ташаббуси билан суд терговини янгитдан бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради. Янгитдан бошланган суд тергови тамом бўлганидан кейин суд тарафларнинг музокарасини янгитдан очади ва судланувчига охириги сўз беради (ЖПК 452-моддаси).

Тахминий тестлар

1. Суд муҳокамасининг тузилиши қандай?

- A. Жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш, томонлар музокараси ва ҳукм чиқариш
- B. Суд муҳокамасининг тайёрлов қисми, томонлар музокараси ва ҳукм чиқариш
- C. Суд тергови, тарафлар музокаралари ва ҳукм чиқариш
- D. Суд тергови, тарафлар музокаралари ва судланувчининг охириги сўзи
- E. Суд муҳокамасининг тайёрлов қисми, суд тергови, тарафлар музокаралари ва судланувчининг охириги сўзи

2. Суд мажлисининг тайёрлов қисми нимадан иборат?

- A. Суд мажлисини очиш, тарафларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, аризалар ва илтимосларни ҳал қилиш тартибини тушунтириш
- B. Процесс иштирокчиларининг судга келган-келмаганлигини текшириш, уларга ҳуқуқларини, аризалар ва илтимосларни ҳал қилиш тартибини тушунтириш
- C. Суд таркибини эълон қилиш, судланувчининг шахсини аниқлаш, унинг ҳуқуқларини ҳамда аризалар ва илтимосларни ҳал қилиш тартибини тушунтириш
- D. Суд мажлисини очиш, процесс иштирокчиларининг судга келган-келмаганлигини текшириш, таржимон, эксперт, мутахассис, судланувчи ва томонларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, суд таркибини эълон қилиш, томонларга рад қилиш ҳуқуқини тушунтириш,

гувоҳларни суд мажлиси залидан чиқариш, жиноят ишини процесс иштирокчиларидан бирортаси бўлмаган ҳолда кўриш мумкинлиги масалани ҳал қилиш, судланувчининг шахсини, унга процессуал ҳужжатларнинг нусхаларини бериш пайтини аниқлаш, аризалар ва илтимосларни ҳал қилиш тартибини тушунтириш

Е. Суд мажлисини очиш, жиноят ишини процесс иштирокчиларидан бирортаси бўлмаган ҳолда кўриш мумкинлиги масаласини ҳал қилиш, судланувчининг шахсини, унга процессуал ҳужжатларнинг нусхаларини бериш пайтини аниқлаш ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш

3. Суд терговни нимадан иборат?

А. Айблов хулосасини ўқиб эшиттириш, далилларни текшириш кетма-кетлигини белгилаш, гувоҳларнинг қасамёди ва уларни жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантириш, тергов ҳаракатларини амалга ошириш, суд терговини тўлдириш ҳақидаги масалани аниқлаш

В. Суд терговини бошлаш, далилларни текшириш кетма-кетлигини белгилаш, гувоҳларнинг қасамёди ва уларни жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантириш, судланувчини ва суд мажлисидаги бошқа иштирокчиларни сўроқ қилиш

С. Далилларни текшириш кетма-кетлигини белгилаш, гувоҳларнинг қасамёди ва уларни жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантириш, бир қатор тергов ҳаракатларини амалга ошириш

Д. Далилларни текшириш кетма-кетлигини белгилаш, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш, илтимослар ҳақидаги масалани ҳал қилиш

Е. Далилларни текшириш кетма-кетлигини белгилаш, кўздан кечириш ва бошқа тергов ҳаракатларини амалга ошириш, тарафлардан улар суд терговини тўлдиришини иташ-истамасликларини, истасалар айнан нима билан тўлдирмоқчи эканликларини сўраш, илтимослар қилинган тақдирда уларни муҳокама қилиш ва мазмунан ҳал қилиш

4. Тарафлар музокарасининг мазмунини нималар ташкил қилади?

А. Жабрланувчи ва судланувчининг чиқишлари

В. Жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва ҳимоячининг чиқишлари

С. Давлат айбловчиси, судланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг чиқишлари

Д. Давлат ва жамоат айбловчисининг, ҳимоячи ва жамоат ҳимоячисининг чиқишлари

Е. Давлат ва жамоат айбловчисининг, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки унинг вакили, ҳимоячи ва жамоат ҳимоячиси, судланувчи, фуқаровий жавобгар ва унинг вакилининг чиқишлари

5. Судланувчи охириги сўзининг мазмуни нимадан иборат?

А. Унга айбловнинг мазмуни бўйича саволлар бериш

В. Айбловнинг моҳиятига доир саволларни аниқлаш

С. Судга жазони енгиллаштириш ҳақида илтимос қилиш

Д. Судланувчининг иш моҳияти бўйича истаган нарсасини айтиб бериш ва судга илтимослар билан мурожаат этиш истаги

Е. Суд муҳокамаси демократизмининг намоён бўлиши

XXIII боб. Ҳукм

23.1. Ҳукм унинг, моҳияти ва аҳамияти

Ҳукм суд мажлисида судланувчининг айбдор ёки айбсизлиги ва унга нисбатан жазо қўллаш ёки қўлламаслик ҳақидаги масала хусусида чиқариладиган суднинг ҳал қилув қарордир. Айбсизлик презумпцияси конституциявий принципи айнан ҳукмда намоён бўлади ва унга асосан, ҳеч ким суд ҳукмисиз ва қонунга хилоф равишда жиноят содир этганликда айбдор деб топилиши ҳамда жиноий жазога тортилиши мумкин эмас (Конституциянинг 26-моддаси). Ҳукм давлат номидан чиқариладиган одил судловнинг энг муҳим ҳужжатидир.

Судья ҳукми алоҳида хонада, суд эса маслаҳатхонада чиқаради. Бундай пайтда мазкур хонада фақат судьянинг ўзи ёки ушбу иш бўйича суд таркибига кирган судьялар ҳозир бўлишлари мумкин, бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишларига йўл қўйилмайди.

Кеч кириши билан, зарурат бўлган тақдирда эса, кун давомида ҳам суд маслаҳатни тўхтатишга ҳақлидир. Маслаҳатлашув дам олиш куни ва байрам кунда ҳам тўхтатилади. Судьялар маслаҳатлашув вақтида айtilган мулоҳазаларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Суднинг ҳукми айблов ёки оқлов турларига бўлинади. Айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукми жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларидаги барча камчиликларни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиниши лозим.

Айблов ҳукмининг қуйидаги турлари мавжуд: 1) жазо тайинлаш билан; 2) жазодан озод қилиш билан; 3) жазо тайинламасдан чиқариладиган айблов ҳукмлари.

Суд қуйидаги ҳолларда жазодан озод қилиб, айблов ҳукмини чиқаради:

1) мазкур ҳукм билан судланувчига тайинланган жазони қўллашдан озод қилувчи амнистия акти эълон қилинган бўлса;

2) шахснинг ҳукм чиққунига қадар қамоқда бўлган вақти Жиноят кодексининг 62-моддасида назарда тутилган дастлабки

қамоқни ҳисобга олиш қоидаларини назарда тутиб суд томонидан тайинланган жазо чорасига тенг ёки бу чорадан ортиқ бўлса.

Суд қуйидаги ҳолларда жазо тайинламасдан айблов ҳукмини чиқаради:

1) маҳкум содир этган жиноят учун жазо тайинлашни истисно этадиган амнистия акти эълон қилинган бўлса;

2) мазкур жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетган бўлса;

3) ҳукм чиқариладиган вақтга келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилигини йўқотса ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолса;

4) маҳкумнинг тузалишига жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлланиладиган жамоат таъсир чоралари ёки маъмурий жазо чоралари кўриш йўли билан эришиш мумкин бўлса;

5) ҳукм чиқариш вақтигача судланувчи вафот этган бўлса.

Ҳатто судланувчининг айбига иқрорлиги ҳам, ушбу айб иш бўйича тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина айблов ҳукмига асос қилиб олиниши мумкин.

Оқлов ҳукми жиноят ҳодисаси аниқланмаган, судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаган, шунингдек судланувчининг жиноят содир этишда иштирок этганлиги исботланмаган тақдирда чиқарилади.

Оқлов ҳукми қуйидаги ҳолларда чиқарилади:

1) жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2) судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса;

3) жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор бўлмаса.

Жиноят бошқа шахс томонидан содир этилганлиги аниқланса, шунингдек судланувчига қўйилган айблов иш ҳолатлари батафсил текширилганидан кейин ишонарли тарзда ўз тасдиғини топмаса, суд ЖПК 464-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган асосга кўра судланувчини оқлайди. Башарти ўша асос бўйича оқлов ҳукми чиқарилганда жиноятни содир этган шахс аниқланмай қолган бўлса, суд бу шахсни аниқлаш ва уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш чораларини кўриш учун ишни ҳукм кучга киргандан сўнг прокурорга юборади.

ЖПКнинг 457–459-моддаларида назарда тутилган масалалар ҳал этилганидан сўнг суд ҳукми тузишга киришади. Судда иш қайси тилда кўрилган бўлса, ҳукм шу тилда, аниқ ва тушунарли ибораларда баён қилинади ҳамда кириш, тавсиф ва қарор қисмларидан иборат бўлади.

Ҳукм уни чиқаришда қатнашган судьялардан бири ёки ҳукмни якка ўзи чиқарган судья томонидан қўлда ёки техник воситалардан фойдаланган ҳолда ёзилиши лозим. Ҳукмга киритилган тузатишлар ҳукм эълон қилинишидан олдин изоҳланиши ва судьянинг (судьяларнинг) имзоси билан тасдиқланиши лозим (ЖПК 465-м.).

23.2. Ҳукмнинг мазмуни ва уни чиқариш тартиби

Ҳукм кириш, тавсиф ва хулоса қисмларидан иборат бўлади (ЖПК, 466–468-м.). Ҳар бир қисм ҳукм турига қараб ўз мазмунига эга бўлади. Ҳукмнинг асосий талаблари — қонунийлик, адолатлик ва асослантирилганлик (ЖПК 455-м. 3, 4-қисмлар).

Ҳукм қонун талаблари бузилмасдан амалга оширилган суд муҳокамаси натижасида, қонунда назарда тутилган тартибда ва шароитда чиқарилган бўлса ва унда барча масалалар тўғри, яъни моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига мувофиқ тарзда ҳал қилинган бўлса, қонуний деб эътироф этилади.

Агар ҳукм суд мажлисида ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текширилган далилларга асосланган бўлса, у асосли деб эътироф этилади. Ҳукмнинг асослилиги, аввало, унинг ҳақиқийлиги бўлиб, бу аниқланган фактларнинг шубҳасизлигини ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳоланганлигини билдиради.

Ҳукм адолатли бўлиши керак. Бу ҳол суд судланувчининг айбини аниқлаши ҳамда жиноятнинг оғирлигига ва судланувчининг шахсига мос келадиган жазо тайинлаши кераклигини билдиради. Ҳукмга қўйиладиган барча талаблар ўзаро боғлиқ ва алоқадордир. Агар ҳукм асосли бўлмаса, адолатсиз бўлса, у қонуний бўлолмайди ва аксинча. Ҳукм катта ижтимоий-сиёсий, жиноят-процессуал ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган процессуал ҳужжатдир.

Ҳукмнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти шундаки, суд содир этилган қилмишга давлат номидан баҳо беради, давлатнинг жиноят содир этган шахсга муносабатини ифодалайди ҳамда давлат мажбурлов чораларини амалга ошириб, одил судловнинг инсонпарварлиги ва демократизмини кўрсатади. Ҳукмнинг жиноят-процессуал аҳамияти қуйидагилардадир:

— унда суд муҳокамасига яқун ясалади;

— жиноят содир этган ҳар бир шахс одил жазога ҳукм қилиниши ва ҳеч бир айбсиз шахс жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва жазога маҳкум этилмаслиги каби жиноят процессининг вазифалари бажарилади;

– маҳқум, оқланган шахсларга, ҳимоячи, қонуний вакил, жабрланувчи, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакилига ҳукм юзасидан шикоят қилиш, прокурорга эса кассация судига протест билдириш ҳуқуқи берилади.

Ҳукм қонунийликнинг ва ҳуқуқий тартибнинг мустаҳкамланишига, жиноятларнинг олдини олишга ҳамда фуқароларни жамият қонун-қоидаларига оғишмай риоя этиш руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

23.3. Суд ҳукм чиқараётганида ҳал қиладиган масалалар

Суд ҳукм чиқариш вақтида алоҳида хонада (маслаҳатхонада) кўйидаги масалаларни ҳал қилади:

1) судланувчи айбли деб топилаётган қилмиш ҳақиқатан содир этилганми;

2) бу қилмиш жиноят деб ҳисоблангани ва у Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилган;

3) бу қилмишни судланувчи содир этганми;

4) судланувчи жиноят содир этилишида айблими, башарти айбли бўлса, унинг айби қандай шаклда;

5) судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар борми;

6) судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши керакми;

7) судланувчига қандай жазо тайинланиши лозим ва у шу жазони ўташи керакми;

8) судланувчини Жиноят кодексининг 34-моддасига мувофиқ ўта хавфли рецидивист деб топиш лозимми;

9) озодликдан маҳрум қилинган маҳқум жазони қандай тартибли колонияда ўташи лозим ва жазо муддатининг бир қисмини турмада ўташи керакми;

10) фуқаровий даъво қаноатлантирилиши керакми, бу даъво кимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозим, шунингдек фуқаровий даъво кўзгатилмаган бўлса, жиноят туфайли келтирилган мулкий зарар ундирилиши керакми, судланувчилар шериклик ёки ҳиссадорлик тартибида жавобгарликка тортилишлари лозимми;

11) фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланган мол-мулкни нима қилиш керак;

12) ашёвий далилларни нима қилиш керак;

13) процесс чиқимларини кимнинг зиммасига ва қанча миқдорда юклаш керак;

14) судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш керакми;

15) судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёхуд унинг устидан ҳомийлик белгилаш зарурми.

Судланувчи бир неча жиноятни содир этганликда айбланаётган бўлса, суд 457-модданинг 1–8-бандларида назарда тутилган масалаларни ҳар бир жиноят бўйича алоҳида-алоҳида ҳал қилади. Жиноятни содир этишда бир неча судланувчи айбланаётган бўлса, суд ушбу моддада кўрсатилган масалаларни ҳар бир судланувчига нисбатан алоҳида-алоҳида ҳал қилади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари экспертнинг тегишли хулосаси мавжуд бўлгандагина қўлланилиши мумкин.

Суд муҳокамаси жараёнида ЖПК 533-моддасининг биринчи қисми 1–4-бандларида назарда тутилган ҳолатлардан бирортаси аниқланиб қолса, суд ҳукмнинг ижросини қонунда белгиланган тартибда кечиктириш масаласини муҳокама қилиши шарт.

Суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси пайтида судланувчининг руҳий касаллиги ва ақли норасолиги ҳақидаги масала келиб чиққан ҳолларда суд ҳукм чиқариш вақтида бу масалани яна бир бор муҳокама қилиши шарт. Судланувчи ижтимоий хавfli қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган ёки уни содир этганидан кейин ўз ҳаракатларини идрок эта олмайдиган ёки идора қила олмайдиган руҳий касалликка чалинган деб топган тақдирда, суд ЖПКнинг 577-моддасида назарда тутилган ажримни чиқаради.

Шартли ҳукм қўлланилганда суд шартли ҳукм қилинган шахс устидан кузатув олиб боришни кимга юклатиш лозимлигини ҳал қилади. Шартли ҳукм қилиш тўғрисида жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг илтимосномаси бўлса, суд шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атворини кузатиш учун уни шу бирлашма ёки жамоага топшириши мумкин.

Иш суд таркиби томонидан кўриладиётган бўлса, ҳукм чиқариш олдидан раислик қилувчи бошчилигида судьяларнинг маслаҳатлашуви ўтказилиб, раислик қилувчи суд ҳал қилиши лозим бўлган саволларни ЖПКнинг 457-моддасида кўрсатилган изчилликда кўяди. Ҳар бир савол унга маъқулловчи ёки рад этувчи жавоб қайтариладиган шаклда қўйилиши керак. Жавоб қайтарганидан сўнг судья жавобнинг мотивларини ифодалаши мумкин.

Ҳар бир саволни ҳал қилишда судьялардан ҳеч бири овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Барча масалалар овоз-

ларнинг оддий кўпчилиги билан ҳал қилинади. Раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради.

Биринчи навбатда судланувчининг манфаатига тўлароқ мос келадиган фикр овозга қўйилади. Агарда оқлаш тўғрисида овоз берган судья ёки судьялар озчиликни ташкил қилиб, бошқа судьялар эса жиноятнинг тавсифи ёки жазо чораси тўғрисида ҳар хил фикрда бўлсалар, оқлаш учун берилган овоз ёки овозлар Жиноят кодексининг енгилроқ жазо чорасини назарда тутган тегишли моддаси бўйича квалификация қилиш учун берилган овозга қўйилади.

Ишни судья кўраётган бўлса, ЖПКнинг 457–459-моддаларида кўрсатилган масалаларни якка ўзи ҳал қилади (ЖПК 460-м.).

ЖПКнинг 457–459-моддаларида кўрсатилган масалаларни алоҳида хонада (маслаҳатхонада) муҳокама қилиш вақтида суд иш учун аҳамияти бўлган бирор ҳолат қўшимча равишда аниқланиши керак деб топса, ҳукм чиқармай, суд терговини яна давом эттириш тўғрисида ажрим чиқаради. Суд тергови тамом бўлганидан кейин суд яна тарафларнинг музокарасини бошлайди ва судланувчининг охириги сўзини эшитади.

Мазкур масалаларни ижобий ҳал қилгач, суд ҳукм чиқаради. Ҳукмни раислик қилувчи ва халқ маслаҳатчилари имзолайдилар. Агарда улардан бирортаси бошқача фикрга эга бўлса, у ушбу фикрини ёзма равишда баён этади ва жиноят ишига қўшиб қўяди (ЖПК 472-м.).

Суд ҳукми имзолаганидан кейин суд мажлиси залига қайтиб чиқади ва раислик қилувчи ҳукми эълон қилади. Ҳукм чиқариш билан бир вақтнинг ўзида суд, агар бунга асослар мавжуд бўлса, хусусий ажрим чиқаради. Унда давлат органлари, жамоат ташкилотлари ёки мансабдор шахсларнинг диққатини жиноят содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бир ойлик муддат ичида тегишли чоралар кўриб бартараф этиш учун, иш юзасидан аниқланган қонун бузилишлари фактларига қаратади.

Оқлов ҳукми чиқарилган тақдирда суд фуқарога унинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш тартибини тушунтириши ҳамда ноқонуний тарзда жазога ҳукм қилиниши, жинойий жавобгарликка ғайриқонуний тортилиши, эҳтиёт чораси сифатида қонунга хилоф равишда қамоқда сақланиши натижасида унга етказилган зарарни қоплаш чораларини кўриши шарт. Зарарни қоплаш шарт-шароитлари ва тартиби республика қонун ҳужжатларида, норматив, идоравий ҳужжатларда белгиланади.

23.4. Хукми эълон қилиш

Суд ҳукми имзолаганидан кейин суд мажлиси залига қайтиб чиқади ва раислик қилувчи ёки халқ маслаҳатчиси ҳукми эълон қилади. Суд мажлиси залида ҳозир бўлган барча шахслар, шу жумладан суд таркиби ҳам ҳукми тик туриб эшитадилар. Ҳукм судланувчи билмайдиган ёки старлича билмайдиган тилда баён қилинган бўлса, ҳукм эълон қилингандан кейин, таржимон ҳукми судланувчининг она тилида ёки у тушунадиган бошқа тилда ўқиб эшиттиради.

Раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга ҳукмнинг мазмунини, ҳукм устидан улар истаги бўйича апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш муддати ва тартибини тушунтиради. Агарда судланувчи фавқулодда жазо чораси — ўлим жазосига ҳукм қилинган бўлса, унга афв этишни сўраб илтимос қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилади.

Судланувчи оқланганда, шунингдек жазо тайинланмасдан ёки жазодан озод қилиб ёхуд шартли равишда озодликдан маҳрум этиб ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаб ҳукм чиқарилганда ҳамда судланувчи дастлабки қамоқда сақланган вақтдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда қамоқда сақланаётган судланувчи дарҳол бевосита суд мажлиси залининг ўзида озод қилиниши лозим. Ҳукм эълон қилинганидан кейин уч суткадан кечиктирилмай, ҳажми катта бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирилмай, унинг нусхаси маҳкумга ва оқланган шахсга берилиши лозим. Бошқа тарафларга ҳукм нусхаси ёки унинг кўчирмаси шу муддатда, уларнинг илтимосларига асосан бериледи.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг вояга етмаган болалари, қари ота-оналари, қарамоғида бошқа шахслар бўлса ва улар қаровсиз ҳамда ёрдамсиз қолаётган бўлса, суд айблов ҳукмини чиқариш билан бир вақтда уларни қариндошлари ёки бошқа шахсларнинг ёхуд муассасаларнинг васийлигига ёки ҳомийлигига топшириш тўғрисида, маҳкумнинг қаровсиз қолаётган мол-мулки ёки уй-жойи бўлса, уларни кўриқлаб туриш чораларини кўриш тўғрисида ажрим чиқаради.

ЖПКнинг 50-моддасида кўрсатилган тартибда тайинланган адвокат ишда ҳимоячи бўлиб қатнашган ҳолларда суд адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмаси раҳбарининг илтимосномаси бўлган тақдирда ажрим чиқариб, унда адвокатлар бюроси,

ҳайъати ёки фирмаси фойдасига маҳкумдан ҳақ ундириш ва бу ҳақнинг миқдори тўғрисидаги масалани ҳал қилади.

ЖПКнинг 298 ва 300-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда йўл қўйилган камчиликларга жалб қилиш зарур бўлганда суд ҳукм чиқариш билан бир вақтда хусусий ажрим ҳам чиқаради.

Ушбу моддада кўрсатилган барча процессуал қарорлар суд мажлисининг залида ҳукм эълон қилинганидан кейин ўқиб эшиттирилиши лозим. Ҳукм эълон қилинганидан кейин раислик қилувчи ёки суд раиси қамоқда сақланаётган маҳкумнинг яқин қариндошлари ёки унинг ҳимоячиси илтимосига кўра у билан учрашиш имкониятини бериши шарт.

23.5. Суднинг хусусий ажримлари

Бир неча шахсни турли ҳудудларда содир этган жиноятлари учун айблаш тўғрисидаги жиноят ишлари, шунингдек бир шахсни бир неча жиноятни содир этишда айблаш тўғрисидаги жиноят ишлари бирлаштирилганда, агар бу ишлар бир хил даражадаги икки ёки бир неча суднинг судловига тегишли бўлса, иш дастлабки тергов қайси ҳудудда тамомланган бўлса, шу ҳудуддаги суд томонидан кўрилади.

Бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар турли даражадаги судларнинг судловига тегишли бир неча жиноятни содир этишда айбланган бўлса, бундай ишлар юқори суд томонидан кўрилади.

Агарда иш бўйича бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар бир неча жиноятни содир этишда айблансалар ва бу шахслардан лоақал бири ёки жиноятлардан бири ҳақидаги иш ҳарбий суднинг судловига тегишли бўлса, барча жиноятлар ва барча шахсларга доир иш ҳарбий суд томонидан кўрилади.

Жиноят иши тўла, холисона ва ўз вақтида кўрилишини таъминлаш мақсадида иш бир суддан бошқа судга юқори суд раиси қарори билан ўтказилиши мумкин. Ишни бошқа вилоятдаги ёки Қорақалпоғистон Республикасидаги жиноят ишлари бўйича судга ўтказиш масаласини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ҳал этади.

Агарда судья жиноят ишини судда муҳокама қилиш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида иш мазкур суднинг судловига тегишли эмаслигини аниқласа, ишни судловга тегишлилигига кўра ўтказиш тўғрисида ажрим чиқариши керак.

Ишнинг ўтказилишига фақат иш суд мажлисида кўрила

бошлангунига қадар йўл қўйилади. Иш шу даражадаги бошқа суднинг судловига тегишли экани суд мажлисида маълум бўлиб қолса, ишнинг ҳолатларини тўлиқ текширишга зарар етказмайдиган бўлса, суд ишни кўришни давом эттираверади, акс ҳолда суд ишни судловга тегишлилигига кўра бошқа судга юбориб, бу ҳақда ажрим чиқаради.

Суд ўз мажлисида ишнинг юқори суд ёки ҳарбий суд судловига тегишлилигини аниқлагач, уни тегишли судга юбориб, бу ҳақда ажрим чиқаради. Юқори суднинг суд мажлисида кўрила бошланган ишни қуйи судга юборишга йўл қўйилмайди.

Тахминий тестлар

1. Ҳукмнинг қайси таърифи энг тўғри?

- A. Ҳукм – одил судлов ҳужжати
- B. Ҳукм – жиноят иши натижаларини акс эттирувчи ҳужжат
- C. Ҳукм – суднинг шахсни жазолаш ҳақидаги қарори
- D. Ҳукм – суд ўз мажлисида судланувчининг айбдор ёки айбсизлиги ва унга нисбатан жазо қўллаш ёки қўлламаслик ҳақидаги масала хусусида чиқарган қарор
- E. Ҳукм – жиноят ишининг якуни

2. Ҳукмнинг қандай тури мавжуд эмас?

- A. Оқлов
- B. Айблов
- C. Жазодан озод қилган ҳолда айблов
- D. Шикоят қилинган айблов ҳукми
- E. Ҳукм ижросини кечиктирган ҳолда айблов

3. Ҳукмга қандай талаблар қўйилмайди?

- A. Холислик
- B. Қонунийлик
- C. Асослилик
- D. Адолатлилик

4. Ҳукм чиқарилаётганида маслаҳат хонада ким ҳозир бўлиши мумкин?

- A. Прокурор
- B. Ҳимоячи
- C. Халқ маслаҳатчилари
- D. Суд мажлисининг котиби
- E. Судланувчи

5. Суд ҳукм чиқараётганида қандай масалаларни ҳал қилмайди?

- A. Жиноят ҳақидаги
- B. Жазо ҳақидаги
- C. Фуқаровий даъво ҳақидаги
- D. Мулкни мусодара қилиш ҳақидаги
- E. Шартли ҳукм қилинган шахсни кузатиш ҳақидаги

Текшириш учун саволлар

- 1. Ҳукмнинг моҳияти ва аҳамияти нимада?
- 2. Ҳукмга қандай талаблар қўйилади?
- 3. Суд ҳукм чиқараётганида қандай масалаларни ҳал қилади?
- 4. Ҳукмнинг қандай турлари бор?
- 5. Оқлов ҳукмларининг қандай турлари мавжуд?
- 6. Ҳукм қандай қисмлардан ташкил топади?
- 7. Хусусий ажримнинг моҳияти, аҳамияти нимада ва унинг қандай турлари мавжуд?

XXIV боб. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари

24.1. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари, уларнинг моҳияти ва турлари

Жиноят процесси – кўп босқичли жараён, бўлиб чиқарилган ҳукм, ажрим ёки қарор «охирги ҳақиқат» эмас. Улар қонунийлик, асослилиги ва адолатлилиги нуктаи назаридан текширилиши мумкин. Бундай текширишга апелляция, кассация ва назорат тартибида йўл қўйилади.

Ишни юқори суд томонидан кўриш:

- 1) апелляция тартибида – ЖПКнинг 497²-моддасида кўрсатилган шахсларнинг шикоятларига ва протестларига биноан;
- 2) кассация тартибида – ЖПКнинг 498-моддасида кўрсатилган шахсларнинг шикоятларига ва протестларига биноан;
- 3) назорат тартибида – қонунда протест билдириш ҳуқуқи берилган суд раиси, прокурор ёки улар ўринбосарларининг протестларига биноан, янги очилган ҳолатлар муносабати билан эса, қонунда протест билдириш ҳуқуқи берилган прокурор ёки унинг ўринбосари протестига биноан амалга оширилади (ЖПК 478-м.).

Биринчи ва иккинчи ҳолларда ушбу суд ҳужжатлари бўйича апелляция ва кассация тартибида шикоят қилиш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг шикоятлари ва протестлари юзасидан текшириш ўтказишга йўл қўйилади. Учинчи ҳолда – назорат тартибида, яъни қонунга мувофиқ протест билдириш ҳуқуқи берилган суд раиси, прокурор ёки уларнинг ўринбосарлари, янги очилган ҳолатлар туфайли эса – қонунда протест билдириш ҳуқуқи ёки унинг ўринбосарининг протести бўйича текшириш ўтказишга йўл қўйилади.

ЖПКнинг 479-моддасига мувофиқ, ЖПКнинг 497², 498 ва 516-моддаларида назарда тутилган процесс иштирокчилари биринчи инстанция судининг ҳукми ва ажрими устидан белгиланган тартибда апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга, шунингдек суд қарорларини на-

зорат тартибида қайта кўриб чиқишни илтимос қилишга ҳақлидир. Бу ҳолда улар ўз важларини тасдиқловчи қўшимча материаллар тақдим этишлари мумкин.

Апелляция, кассация шикоят, апелляция, кассация ёки назорат протести тушганлиги тўғрисида суд тушган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, ана шу процесс иштирокчиларига маълум қилади ва айнаи вақтда мазкур ҳужжатларнинг нусхасини маҳкумга, жабрланувчига ва оқланган шахсга жўнатади. Кўрсатилган шахслар иш билан, шу жумладан қўшимча тақдим этилган материаллар билан танишишга ҳамда судга ўз эътирозларини билдиришга ҳақлидирлар.

Апелляция ёки кассация шикояти берган шахсга, шунингдек берилган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, ана шу процесс иштирокчиларига суд ишнинг кўрилиш вақти ва жойи ҳақида хабар беради.

Маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида иштирок этишга ҳақлидирлар. Мазкур шахслар жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкумни истисно қилганда, ишни кассация ва назорат тартибида кўриш чоғида ҳам иштирок этишга ҳақлидир. Жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкумнинг кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисида иштирок этиши, шунингдек уни суд мажлисига олиб келиш зарурлиги масаласини суд ҳал қилади. Иш кўриладиган жой ва вақт ҳақида ўз вақтида огоҳлантирилган мазкур шахсларнинг узрсиз сабабларга кўра келмаганликлари ишни кўришга монелик қилмайди. Лекин суд маҳкумни, оқланган шахсни, шунингдек жабрланувчини, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни ва уларнинг вакилларини тушунтириш бериш учун чақириши мумкин (ЖПК 479-м.).

Жиноят ишининг апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрилишида прокурор қатнашади.

Ишнинг кўрилишида:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳайъатларида — тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари,

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори томонидан ваколат берилган прокурор;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатларида — тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қатнашади (ЖПК 480-м.).

Апелляция, кассация, назорат инстанциясига процесс иштирокчилари иш учун аҳамиятга молик ҳужжатлар, мутахассисларнинг фикрлари ва бошқа қўшимча материалларни тақдим этишга ҳақлидирлар. Бундай материаллар суд томонидан ишни кўришга тайёрлаш вақтида ҳам талаб қилиб олинishi мумкин.

Қўшимча материаллар ЖПКнинг 149, 170, 290 ва 398-моддаларида назарда тутилган тергов ҳаракатлари ўтказишни терговчига топшириш йўли билан ҳам олинishi мумкин (ЖПК 481-м.).

Жиноят процесси учун юқори судда жиноят ишини кўриш чегараси ҳақидаги масала жуда муҳим.

Суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибда кўришда ҳукм, ажрим ва қарорнинг қонунийлигини, асослигини ва адолатлигини ишда мавжуд бўлган ҳамда процесс иштирокчилари қўшимча тақдим этган ёхуд суднинг ўзи талаб қилиб олган материаллар асосида, янги очилган ҳолатлар муносабати билан ишни янгитдан кўришда эса, бу ҳолатларни тергов қилиш материаллари асосида текширади.

Бунда суд шикоят ёки протестда баён этилган вазиятлар билан чекланмасдан, ишни барча маҳкумларга, шу жумладан шикоят бермаган ҳамда устидан шикоят ёки протест билдирилмаганларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширади (ЖПК 482-м.).

Қонунда юқори судда жиноят ишини кўриш муддатлари аниқ белгиланган, яъни апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди жиноят ишини шикоят ёки протест келиб тушган кундан бошлаб ўн беш суткадан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди эса бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқишга киришиши лозим.

Иш ўта мураккаб бўлган тақдирда ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли суд раиси бу муддатни кўпи билан ўн беш

суткага, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ёки унинг ўринбосари эса, кўпи билан бир ойга узайтириши мумкин. Ишни кўриш муддати узайтирилганлиги ҳақида процесснинг манфаатдор иштирокчилари хабардор қилинишлари лозим (ЖПК 483-м.).

24.2. Ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари

Апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб берилганлиги;

2) ҳукмда баён қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги;

3) ЖПК нормаларининг жиддий бузилганлиги;

4) Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги;

5) жазонинг адолатсизлиги.

Дастлабки тергов ва суд терговининг камчиликларини ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриш пайтида бартараф этишнинг имкони бўлмаса, ҳукм бекор қилиниши лозим (ЖПК 484-м.)

Суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) суднинг ҳукми ёки ажримини (қарорини) ўзгартиришсиз қолдиради;

2) ҳукми ёки ажримни (қарорни) ўзгартиради;

3) ҳукми ёки ажримни (қарорни) бекор қилади ва ишни қўшимча терговга ёки янгитдан судда кўриш учун жўнатади ёхуд ишни тугатади.

Апелляция инстанцияси суди ЖПКнинг 487–489-моддаларининг талаблари бузилганлигини аниқлаган тақдирда аввалги суд қарорини бекор қилади ва янги ҳукм чиқаради.

Назорат инстанцияси суди жиноят ишини назорат тартибида кўриб, апелляция ёки кассация ажримини бекор қилади, шунингдек агар кейин суд ажримлари, қарорлари чиқарилган бўлса, уларни ҳам бекор қилади ва ишни янгитдан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқишга ўтказилади.

Агар биринчи инстанция суди йўл қўйган камчиликларни тўлдириш ва процессуал қоидабузарликларни бартараф этиш имконияти бўлса, апелляция инстанцияси суди, тўлиқ ёки

қисман, кассация ва назорат инстанцияси суди эса қисман суд тергови ўтказиш ва ҳукмга ўзгартишлар киритишга ҳақлидир.

Юқори инстанция суди асослар мавжуд бўлган тақдирда, маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишга, унга тарбия колонияси ёки жазони ижро этиш колониясининг қаттиқроқ турини белгилашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш миқдорини кўпайтиришга ҳақлидир. Ушбу суд ҳукмининг айрим маҳкумларга қўйилган айблов қисмини ёки фуқаровий даъво қисмини бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақлидир.

Ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриш чоғида биринчи инстанция суди Жиноят кодекси нормаларини нотўғри қўлагани ёхуд жиноятнинг оғирлик даражасига ва маҳкумнинг шахсига мувофиқ келмайдиган жазо белгилагани аниқланса, суд ишни янгитдан кўриб чиқишга юбормасдан, ЖПКнинг 494-моддаси талабларига риоя этган ҳолда ҳукмга зарур ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир (ЖПК 491-м.).

ЖПКнинг 494-моддасига мувофиқ, суд жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрган вақтида жазони кучайтиришга, шунингдек оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўлашга ҳақли эмас.

Оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўлаш зарурлиги муносабати билан ёхуд жазонинг енгиллиги учун жабрланувчи шикоят берган ёки прокурор протест билдирган ҳоллардагина ана шу асослар бўйича кассация тартибида ҳукм бекор қилиниши ва иш янгитдан судда кўриш учун юборилиши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди жиноят ишини кўриб чиқиш натижалари бўйича янги ҳукм чиқариб, аввалгисини бекор қилишга, оғирроқ жиноят ҳақидаги қонунни қўлашга ёки қаттиқроқ жазо тайинлашга ҳақлидир. Аммо бунга фақат жабрланувчи ёки унинг вакили ушбу асослар бўйича шикоят қилган ёхуд прокурор протест билдирган тақдирдагина йўл қўйилади.

Оқлов ҳукмини юқори суд фақат прокурорнинг апелляция ёки кассация протести, жабрланувчининг ёки унинг вакилининг шикояти ёхуд оқланган шахсининг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг апелляция ёки кассация шикояти, шунингдек назорат тартибида берилган протест бўйича бекор қилиши мумкин (ЖПК 494-м.).

Жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриб чиққан суднинг иш ҳолатлари тўла-тўқис ва ҳар томонлама текширилишини таъминлашга, шунингдек Жиноят кодекси ҳамда

ЖПК нормалари бузилишларини бартараф этишга қаратилган кўрсатмаларига ишни янгитдан судда кўриш чоғида амал қилиш мажбурийдир. Бироқ апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди ишни қўшимча терговга ёхуд янгитдан судда кўриш учун юбораётганида айблов исботлангани ёки исботланмагани, у ёки бу далилларнинг ишончли ёки ишончсизлиги, бир далилнинг иккинчисидан афзаллиги, жиноятнинг тавсифи ва жазо чораси ҳақида олдиндан хулоса чиқариб қўйишга ҳақли эмас (ЖПК 495-м.).

Куйидаги ҳолларда тергов тўлиқ эмас ва бир ёқлама деб топилади:

1) ЖПКнинг 82–84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар – яъни айблаш, ҳукм қилиш, реабилитация учун ёхуд айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар – етарлича тўлиқ аниқланмаган бўлса;

2) кўрсатувлари ишни ҳал қилишга таъсир этиши мумкин бўлган шахслар сўроқ қилинмаган, зарур бўлишига қарамай экспертиза ўтказилмаган, ҳужжатлар, ашёвий далиллар талаб қилиб олинмаган ёки натижалари иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилмаган бўлса;

3) ишни қўшимча терговга ёки янгитдан судда кўришга юборган суднинг ажримиде ёки қарориде баён қилинган ҳолатлар текширилмаган бўлса, дастлабки тергов ёхуд суд тергови тўлиқ эмас ёки бир ёқлама ўтказилган деб эътироф этилади (ЖПК 485-м.).

Табиийки, ҳукмда баён қилинган суд хулосалари жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаслиги биринчи инстанция судининг жиддий хатоси ҳисобланади.

Куйидаги ҳолларда ҳукм жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмас деб эътироф этилади:

1) суд хулосалари суд мажлисида кўрилган далиллар билан тасдиқланмаган бўлса;

2) суд ўз хулосасига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олмаган бўлса;

3) иш учун муҳим бўлган ҳолатларга оид далиллар бир-бирига зид бўлгани ҳолда, суд қайси асосларга кўра далиллардан баъзиларини ишонарли деб топиб, бошқаларини рад этганлиги ҳукмда кўрсатилмаган бўлса;

4) суднинг ҳукмда баён қилинган хулосаларида жиддий зиддиятлар мавжуд бўлиб, улар судланувчининг айблилиги масаласини ҳал қилишга, Жиноят кодекси нормаларини тўғри қўл-

лашга ёки жазо чорасини белгилашга таъсир кўрсатган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ва юқори судда бу зиддиятларни бартараф этиш имконияти бўлмаса (ЖПК 486-м.).

Аксарият ҳолларда суд жиноят-процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилиши туфайли бекор қилинади ёки ўзгартирилади. Уларга процесс иштирокчиларини қонунда белгиланган ҳуқуқлардан маҳрум қилган ёки бу ҳуқуқларни чеклаган ёхуд суд ишни ҳар томонлама кўриб чиқишига бошқача тарзда халал берган ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган қоидабузарликлар киради.

Ҳукм қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши керак:

- 1) ҳукми қонунга хилоф таркибдаги суд чиқарган бўлса;
- 2) судьянинг ҳукми яқка ўзи чиқариши тартиби ёки уни чиқаришда судьялар маслаҳатлашувининг сир сақланиши бузилган бўлса;
- 3) иш судланувчининг йўқлигида кўрилган бўлса (судланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган ва судга келишдан бўйин товлаган, унинг йўқлиги иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга монелик қилмаган ёхуд у суд мажлиси тартибини бузганлиги учун суд мажлиси залидан чиқариб юборилган ҳоллар бундан мустасно);
- 4) дастлабки тергов тамомланганидан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган ва бу қоидабузарликни ҳукм чиқарган суд бартараф этмаган бўлса;
- 5) ҳимоячиси бўлмаган судланувчига ҳимоя нутқи учун сўз берилмаган бўлса;
- 6) судланувчига охириги сўз берилмаган бўлса;
- 7) судланувчининг она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган бўлса;
- 8) қонунга кўра ҳимоячининг иштироки шарт бўлса-ю, иш унинг иштирокисиз тергов қилинган ёки кўриб чиқилган бўлса;
- 9) ишни юритишни истисно этадиган ҳолатлар бўла туриб, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтказилган бўлса;
- 10) суд мажлиси баённомаси ишга тикилмаган ёхуд имзоланмаган бўлса (ЖПК 487-м.).

Баён этилганларнинг барчаси биринчи инстанция суди йўл қўядиган процессуал хатоликларга тааллуқли. Энди жиноят-ҳуқуқий қоидабузарликларга тўхталамиз.

Жиноят кодекси нормалари қуйидаги ҳолларда нотўғри қўлланилган деб эътироф этилади:

1) Жиноят кодекси Умумий қисми моддаларининг талаблари бузилган бўлса;

2) жиноят тавсифи Жиноят кодексининг қўлланилиши керак бўлган моддаси (модданинг қисми, банди) ўрнига бошқа моддаси (модданинг қисми, банди) билан берилган бўлса;

3) маҳқумга Жиноят кодексининг мазкур моддасида назарда тутилмаган жазо тури ва меъёри тайинланган бўлса (ЖПК 488-м.).

Ниҳоят, агар жазо Жиноят кодексининг тегишли моддасида белгиланган доирада тайинланган бўлса-да, тури ва меъёри жиҳатидан рўйи-рост адолатсиз бўлса, жиноятнинг оғирлик даражасига ва судланувчининг шахсига номувофиқ, яъни адолатсиз деб эътироф этилади (ЖПК 489-м.).

Хукмнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига олиб келадиган асослар ана шулардан иборат.

24.3. Юқори суд ажримининг (қарорининг) мазмуни ва уни ижро этиш учун юбориш

Жиноят ишини апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўраётган суднинг ажрими ёки қарорида қуйидагилар акс эттирилган бўлиши лозим:

1) ажрим ёки қарор чиқарилган вақт ва жой;

2) ажрим ёки қарор чиқарган суднинг номи ва таркиби, иш-ни кўришда қатнашган прокурор ва бошқа шахслар;

3) апелляция, кассация шикоят, апелляция, кассация ёки назорат тартибида протест берган шахс;

4) шикоят ёки протест берилган хукмнинг, ажримнинг (қарорнинг) қарор қисми мазмуни;

5) шикоятнинг, протестнинг, уларга нисбатан билдирилган эътирозларнинг мазмуни, ишда иштирок этаётган шахслар тушунтиришларининг қисқача баёни ва прокурорнинг фикри;

6) шикоят, протест бўйича суднинг қарори.

Шикоят, протест қаноатлантирилмай қолдирилганда, уларда келтирилган важлар қандай сабабларга кўра асоссиз ёки аҳамиятсиз деб топилганлиги ажримда ёхуд қарорда кўрсатилиши лозим. Агар ҳукм, ажрим ёки қарор бекор қилинса ёки ўзгартирилса, апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди қонуннинг қайси моддаларидаги талаблар бузилганлигини ҳамда бекор қилинаётган ёки ўзгартирилаётган қарорнинг асоссизлиги нимадан иборат эканлигини кўрсатиб ўтиши керак.

Иш апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан қўшимча терговга ёки янгитдан судда кўриш учун юборилаётганида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар кўрсатилиши зарур.

Апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди ЖПКнинг 298 ва 300-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини суриштирув, дастлабки тергов ўтказишда ва суд муҳокамасида йўл қўйилган камчиликларга жалб қилиш зарур бўлганда хусусий ажрим чиқаради.

Ажримни суднинг тўлиқ таркиби, суд раёсатининг қарорини раислик қилувчи, Пленум қарорини эса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва Пленум котиби имзолайдилар. Чиқарилган ажрим ёки қарорни раислик қилувчи ёки суд таркибидаги судьялардан бири суд мажлиси залида дарҳол ўқиб эшиттиради (ЖПК 496-м.).

Ажрим ёки қарор чиқарилганидан кейин у узоғи билан беш сутка ичида жиноят иши билан бирга қўшиб ҳукм ёки апелляция ёхуд кассация ажрими чиқарган судга ёки бошқа судга, иш қўшимча терговга жўнатилган тақдирда эса, айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга ижро этиш учун юборилади. Қамокдан озод этилиши лозим бўлган маҳкумни, агар у суд мажлисида қатнашаётган бўлса, озод этишга доир ажрим ёки қарор залнинг ўзидаёқ ижро этилади. Бошқа ҳолларда ажрим ёки қарор чиқарилган вақтдан эътиборан узоғи билан йигирма тўрт соат ичида унинг нусхасини суд жазони ижро этиш муассасасининг маъмуриятига юборади (ЖПК 497 м.).

XXV боб. Апелляция тартибида иш юритиш босқичи

25.1. Апелляция тартибида иш юритиш, унинг вазифалари ва аҳамияти

Апелляция тартибида иш юритиш — юқори турувчи суд томонидан процесс иштирокчиларининг шикоят и ёхуд прокурорнинг протести бўйича суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукм, ажрим ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги текшириладиган жиноят процессининг босқичидир.

Апелляция тартибида иш юритиш босқичининг қонуний кучга кирмаган ҳукм (ажрим ва қарор)ларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, юқори турувчи суднинг биринчи босқич судларининг фаолиятига раҳбарлик қилиши каби вазифалари мавжуд.

Ҳукм юзасидан апелляция тартибида шикоят қилиниши ёки протест билдирилиши мумкин. Бунда биринчи инстанция суди чиқарган ажримлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳукм устидан шундай ҳаракатларни содир этиш билан бир пайтнинг ўзида амалга оширилиши мумкин (ЖПК 497¹-м.).

Ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят қилиш ҳуқуқи маҳкумга, оқланган шахсга, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакилларига, жабрланувчилар ва уларнинг вакилларига берилган. Фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари ҳукмнинг фуқаровий даъвога тааллуқли қисми бўйича шикоят қилишлари мумкин.

Апелляция тартибида протест билдириш ҳуқуқи жиноят ишини кўриб чиқишда давлат айбловчиси сифатида иштирок этган прокурорга тегишли. Мамлакатимизнинг бош прокурори ва унинг ўринбосарлари, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари, туман ёки шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ўз ваколатлари доирасида, жиноят ишини кўриб чиқишда иштирок этган-этмаганликларидан қатъи назар, ҳукм юзасидан апелляция тартибида протест билдиришга ҳақлидирлар.

Куйидагиларнинг:

1) **жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан** — Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига;

2) **округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳукмлари устидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ҳукмлари устидан берилган апелляция шикоятлари ва протестлари айти шу судларнинг ўзи томонидан кўриб чиқилади.

Апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади. Шикоят ёки протест бевосита апелляция инстанцияси судига топширилган бўлса, суд ЖПК 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариш учун уларни ҳукм чиқарган судга юборади.

Биринчи инстанция судининг ҳукми устидан апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида берилиши мумкин.

Ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда апелляция шикояти ёки протести бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳукм чиқарган судга муддатни тиклаш сўралган илтимоснома билан мурожаат қилишлари мумкин. Зарур ҳолларда бу масала илтимоснома берган шахснинг иштирокида ҳал қилинади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклашнинг рад этилганлиги устидан юқори судга шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин, у муддатни тиклашга ва ишни хусусий шикоят ёки протест бўйича кўриб чиқишга ҳақлидир. Бунда ЖПК 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талаблар бажарилиши лозим.

Апелляция шикояти берилиши ёки апелляция протести

билдирилиши ҳукми ижро этишни тўхтатиб туради. Ҳукм устидан шикоят бериш ва протест билдириш учун белгиланган муддат тугагач, ҳукм чиқарган суд ЖПК 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариб, ишни шикоятлар, протестлар ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар, шунингдек тақдим этилган қўшимча материаллар билан бирга ўн кундан кечиктирмай апелляция инстанцияси судига юборади. Бу муддатни алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари кўпи билан йигирма кунга узайтириши мумкин.

Ҳар қандай ҳолда ҳам апелляция тартибидаги шикоят ёки протест ёзма шаклда берилади. Бундай шикоят ёки протестда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) шикоят, протест йўлланаётган суд инстанциясининг номи;
- 2) шикоят берган шахс, унинг процессуал мавқеи, яшаш жойи ёки туриш манзили тўғрисидаги маълумотлар;
- 3) ҳукми чиқарган суднинг номи, ҳукм чиқарилган сана, шикоят берилаётган ва протест билдирилаётган ҳукм кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс тўғрисидаги маълумотлар;
- 4) шикоят, протест берган шахснинг вазлари, унинг фикрига кўра ҳукм ёки бошқа қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги ҳамда илтимосининг моҳияти;
- 5) аризачи ўз талабларини асослаётган ва апелляция инстанцияси суди томонидан текширилиши лозим бўлган далиллар, шу жумладан илгари биринчи инстанция судида текширилмаган далиллар;
- 6) шикоятга, протестга илова қилинаётган материаллар рўйхати;
- 7) шикоят, протест берилган сана ҳамда шикоят, протест берувчи шахснинг имзоси.

Апелляция шикояти ёки протести унинг чиқарган ҳукми устидан шикоят қилинаётган ёки протест билдирилаётган суд инстанциясига процесс иштирокчиларининг сонига мувофиқ кўпайтирилган нусхаларни илова қилган ҳолда берилади. Қамокда сақланаётган шахс жазони ижро этиш муассасасининг маъмуриятига апелляция шикоятини нусхаларни илова қилмасдан беришга ҳақлидир.

Шикоят қилиш ёки протест билдириш учун белгиланган муддат ўтгач, ҳукм чиқарган суд инстанцияси беш кун ичида жиноят ишини апелляция шикояти ёки протести билан бирга юқори суд инстанциясига юборади.

Ҳукм эълон қилинганидан сўнг ва апелляция шикояті ёки протести бериш муддати ўтгунича тарафлар шикоят қилиш ёки протест билдиришнинг ушбу йўлидан воз кечишлари ҳақида ариза беришлари мумкин. Демак, тарафлар ҳукм хусусида апелляция ёки кассация тартибида шикоят қилиш ёки протест билдириш йўлини танлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Апелляция шикояті ёхуд протестини бериш муддати давомида уларни беришни рад этиш ҳаракати қайта кўриб чиқилиши мумкин. Бундай рад этиш ёки рад этишни қайта кўришни тарафлардан бири шахсан ёки ишончли кишиси орқали амалга ошириши мумкин.

Апелляция инстанциясидаги суд муҳокамаси бошлангунича, ҳар қайси тараф берган апелляция шикояті ёхуд протестини қайтариб олишга ҳақлидир. Буни апелляция шикояті ёки протестини берган шахс амалга оширади. Бироқ прокурор берган апелляция протестини фақат юқори турувчи прокурор қайтариб олиши мумкин.

25.2. Апелляция тартибида ишни кўриб чиқиш тартиби

Апелляция инстанцияси апелляция шикояті ёки протестини фақат уларни берган шахсга нисбатан ва улар қаратилган шахсга нисбатан ҳамда апелляция шикояті ёхуд протестни берган шахснинг процессуал мақомига муносиб тарздагина кўриб чиқади.

Апелляция инстанцияси апелляция шикоятлари ёки протестларида ифодаланган асослар ва талабларидан ташқари, ишнинг ҳам ҳуқуқий, ҳам фактик томонларини кўриб чиқиши шарт. Бунда апелляция инстанцияси жиноят ишини апелляция шикояті бермаган ёки ушбу шикоятта алоқаси бўлмаган томонларга нисбатан ҳам кўриб чиқади. Бунда уларга нисбатан ҳам уларнинг ҳолатини оғирлаштирмай туриб қарор чиқаришга ҳақли бўлади.

Прокурор тарафлардан бирининг манфаатини кўзлаб берган апелляция протести бўйича апелляция инстанцияси унинг ҳолатини оғирлаштиришга ҳақли эмас. Апелляция инстанциясининг раиси, ишни олиб, апелляция шикояті ёки протестини кўриб чиқиш муддатини белгилайди. Бундай шикоят ёхуд протест тарафларни чақирган ҳолда кўриб чиқилади.

Апелляция шикояті ёки протести одатда қамоқда сақланаётган судланувчининг иштирокида кўриб чиқилади.

Лозим тарзда хабардор қилинган тарафлардан бирининг апелляция инстанциясига келмаслиги жиноят ишининг кўриб чиқилишига халақит бермайди, бироқ зарурат бўлганда, тарафларнинг ҳозир бўлишини шарт деб топиши мумкин.

Апелляция шикоятни ёки протестини кўриб чиқишда прокурорнинг иштирок этиши шарт ҳисобланади. Апелляция инстанциясида иш юритиш биринчи инстанция судидаги иш юритиш қоидалари бўйича ўтказилади.

Жиноят ишини кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида тарафларга хабар берилади. Иш кўриладиган жой ва сана ҳақида вақтида хабардор қилинган шахсларнинг ҳозир бўлмаслиги ишни кўриш ва қарор чиқаришга монелик қилмайди.

Раислик қилувчи қандай иш кўрилишини маълум қилади ва тарафларнинг келган-келмаганлигини аниқлайди, сўнгра суд таркиби аъзоларининг, прокурорнинг, суд котибининг, агар таржимон мажлисда иштирок этаётган бўлса, таржимоннинг ҳамда ҳимоячининг фамилияси ва исмини эълон қилади, рад қилиш ҳақида арзлар бор-йўқлигини текширади. Раислик қилувчи ҳозир бўлган процесс иштирокчиларига уларнинг апелляция инстанциясида ишни кўриш чоғидаги ҳуқуқларини тушунтиради. Шундан кейин раислик қилувчи ҳозир бўлган тарафлардан илтимослари бор-йўқлигини сўрайди ва билдирилган илтимослар бўйича апелляция инстанцияси ажрим чиқаради.

Ишни кўриш судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади. У ишнинг моҳияти, шикоят ёки протестнинг важлари ҳамда уларга қарши билдирилган эътирозларнинг моҳиятини баён қилади. Судга қўшимча материаллар тақдим этилган ёхуд суднинг ўзи бундай материалларни талаб қилиб олган ҳолларда раислик қилувчи ёки судья уларни ўқиб эшиттиради ва ишда иштирок этаётган шахсларга танишиш учун тақдим қилади.

Раислик қилувчи апелляция шикоятни берган шахсга, апелляция шикоятни ва протести кимга нисбатан берилган бўлса ўша шахсга, уларнинг ҳимоячилари ва вакилларига, сўнгра эса прокурорга сўз беради. Агар берилган апелляция шикоятлари орасида прокурорнинг апелляция протести бўлса, сўз биринчи навбатда унга берилади.

Суд тарафларнинг сўзларини эшитиб, ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини лозим даражада текшириб кўришни таъминлаш заруратидан келиб чиқиб, бевосита суд мажлисида текшириладиган далиллар ҳажмини

аниқлаш тўғрисида; суд мажлисига судланувчини, жабрланувчиларни, гувоҳларни, экспертлар ва зарурат бўлса, бошқа шахсларни чақириш тўғрисида; судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини сақлаб қолиш, танлаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шундан кейин суд унинг мажлисига чақирилган судланувчини, гувоҳларни, жабрланувчиларни сўроқ қилиш йўли билан далилларни текширишга, шунингдек тарафларнинг илтимоси бўйича ҳамда ўзининг ташаббуси билан ҳужжатларни, баённомаларни ва ишга оид бошқа материалларни ўқиб эшиттиришга киришади. Далилларни текшириш тартиби тарафларнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳлар, агар суд тарафларнинг илтимоси бўйича ёки ўзининг ташаббуси билан уларни чақиришни зарур деб топган бўлса, апелляция инстанцияси судида сўроқ қилинадилар.

Тарафлар янги далилларни талаб қилиб олишни илтимос қилсалар, улар ушбу далилларни айтишлари ва уларни олиш йўллари кўрсатишлари керак.

Тарафлар янги гувоҳларни чақириш, экспертиза ўтказиш, уларга биринчи инстанция суди томонидан текшириб кўриш рад этилган ашёвий далиллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилишга ҳақлидир. Келтирилган илтимосларни ҳал этиш ЖПКнинг 438-моддаси қоидалари асосида амалга оширилади, бунда апелляция инстанцияси суди илтимос биринчи инстанция судида қаноатлантирилмаган деган асосда илтимосни қаноатлантиришни рад этишга ҳақли эмас.

Далилларни текшириш тугагач, судья тарафлардан суд терговига қўшимча қилиш ҳақида илтимослари бор-йўқлигини суриштиради, суд бу илтимосларни ҳал этади ва суд музокараларига ўтади.

Суд музокаралари ЖПКнинг 449-моддаси қоидалари асосида ўтказилади, бироқ бунда шикоят, протест берган шахс биринчи бўлиб сўзга чиқади. Музокаралари тамом бўлганидан кейин раислик қилувчи судланувчига, агар у иштирок этаётган бўлса, охириги сўз беради, шундан кейин суд қарор чиқариш учун маслаҳатхонага киради.

25.3. Апелляция инстанцияси судининг ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳал қилув қарори

Апелляция инстанцияси шикоят ёки протестни кўриб чиқиш натижасида биринчи инстанция суди ҳукмининг ўрнини тўлиғича ёки қисман босадиган ажрим ёки ҳукм чиқаради.

Апелляция инстанцияси ЖПКнинг 54-бобида назарда тутилган умумий қоидаларга мувофиқ, ЖПК 49715-модданинг учинчи қисми талабларини инобатга олган ҳолда ҳукм чиқаради.

Апелляция инстанцияси суди қарорида қандай асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳукми тўғри деб, шикоят ёки протестнинг важлари эса асоссиз деб топилганлиги, биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилишга ёки уни ўзгартиришга нималар асос бўлганлиги кўрсатилиши керак.

Апелляция инстанцияси қарор қабул қилаётганида биринчи инстанция суди текшириб кўрган ва ишончли деб топган далилларга апелляция шикоятлари, протестларини кўриб чиқишда текширилган янги далилларни қўшган ҳолда таянишга ҳақлидир.

Қарор ЖПКнинг 473-моддаси қоидалари асосида эълон қилинади.

Апелляция инстанцияси ишни апелляция тартибида кўриш натижасида қуйидаги қарорлардан бирини чиқаради:

1) биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартиришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдириш ҳақидаги ажрим;

2) биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилиш ва оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги ажрим;

3) биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилиш ва ишни тугатиш ҳақидаги ажрим;

4) биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартирувчи ҳукм;

5) биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилиш ва ЖПК 419-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича ишни қўшимча тергов юритиш учун юбориш ҳақидаги ажрим;

6) биринчи инстанция судининг ҳукмини ёки ажримини бекор қилиш ва ишни янгитдан судда кўриш учун юборишга ҳақли.

Биринчи инстанция судининг ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун ва янги ҳукм ёхуд ажрим чиқариш учун қуйидагилар асос бўлади:

– ҳукмда баён қилинган суд ҳулосалари жиноят ишининг апелляция инстанциясида текширилган ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;

– жиноят қонунининг нотўғри қўлланиши;

– жиноят-процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилиши;

– ҳукмда тайинланган жазонинг жиноятнинг оғирлик даражасига ва судланувчининг шахсига номувофиқлиги.

Апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг ҳукмида баён этилган жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатлари ҳақидаги ҳулосалар текширилган далилларга мос келмаслигини аниқлагач, ушбу ҳукми тўлиғича ёки қисман бекор қилади ва амалга оширилган суд тергови натижасига кўра янги ҳукм чиқаради.

Апелляция инстанцияси, суд мажлисида текширган далилларини баҳолаб, биринчи инстанция судининг ҳукми бўйича ариқланмаган ёки ушбу суд эътиборга олмаган фактларни исботланган деб топишга ҳақли.

ЖПК 488-моддасида кўрсатилган қонунбузарликлар жиноят қонунини нотўғри қўллаш деб топилади. Бунда апелляция инстанциясидаги суд, ишни кўриб чиқиш натижасида қилмишни юридик жиҳатдан нотўғри баҳоланган деб топиб, жиноят тавсифини ЖКнинг енгилроқ жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси бўйича ўзгартиришга ҳақлидир. Худди шу суднинг ўзи ишни кўриб чиқиш натижаларига кўра оғирроқ жиноят ҳақидаги қонунни қўллашга ёки қаттиқроқ жазо тайинлашга ҳақлидир. Аммо бунинг учун айбловчи ёхуд хусусий айбловчи, жабрланувчи, уларнинг вакиллари ушбу асослар бўйича шикоят қилган ёки протест билдирган бўлишлари керак (аммо қўйилган айб доирасидан чиқмасликлари керак).

ЖПКнинг 487-моддасида кўрсатилган қонун бузилишлари жиноят-процессуал қонунни жиддий бузиш деб ҳисобланади. Агар биринчи инстанция суди иш юзасидан жиноят-процессуал қонунни жиддий равишда бузишга йўл қўйган бўлса, апелляция инстанцияси суд муҳокамаси ўтказди. Бунда у йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этиш чораларини кўради, сўнгра биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилади ҳамда ишни кўриб чиқиш натижаларини инобатга олган ҳолда янги ҳукм чиқаради.

Суд ҳукм бўйича тайинланган жазони унинг ҳаддан ташқари

оғирлиги натижасида адолатсиз, содир этилган жиноятнинг оғирлигига ва судланувчининг шахсига мос келмайди деб топиб, жазо тайинлашнинг умумий принципларга асосан жазони енгиллаштиради.

Айни пайтда апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг ҳукми бўйича тайинланган жазога қараганда оғирроқ жазо тайинлаши мумкин. Аммо бунга ушбу асос бўйича айбловчи протест билдирган ёки жабрланувчи хусусий айбловчи ёки уларнинг вакилларига шикоят қилган тақдирдагина йўл қўйилади.

Апелляция инстанцияси фақат жабрланувчи, хусусий айбловчи, уларнинг вакиллари берган шикоят ёки прокурор судланувчининг асоссиз оқланганлиги хусусида билдирган протест бўйича айблов ҳукми чиқариб оқлов ҳукмини бекор қилиши мумкин. Оқлов ҳукми оқланган шахснинг шикоятига кўра оқлаш асослари бўйича ҳам ўзгартирилиши мумкин.

Апелляция инстанциясининг суд мажлисида суд мажлисининг котиби ЖПКнинг 426-моддасида назарда тутилган қоидаларга асосан баённома юритади. Суд мажлисининг баённомаси хусусида эътирозлар билдирилиши мумкин. Уларни судья ЖПКнинг 427-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқади.

Апелляция инстанциясининг қарори эълон қилиниши билан, дарҳол қонуний кучга киради. Аммо ЖПКнинг 57-бобида белгиланган қоидаларга мувофиқ, назорат тартибда юқори судга шикоят қилиниши ёки протест билдирилиши мумкин.

Агар ўз вақтида берилган шикоят ёки протест ўша ишнинг ўзи бошқа шахснинг шикояти ёхуд протести бўйича кўриб чиқилганидан сўнг ёки ЖПКда апелляция шикоятини бериш учун белгиланган муддат тикланганидан сўнг келиб тушган бўлса, апелляция инстанциясидаги суд илгарироқ бўлиб ўтган ишни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қарор чиқаради ва апелляция иш юритувини тўлиқ тиклайди.

Тахминий тестлар

1. Апелляция тартибида иш юритиш босқичи ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг турларига тааллуқлими?

- A. Ҳа
- B. Йўқ
- C. Назорат тартибида иш юритишдан сўнг
- D. Юқори суднинг топшириғига биноан
- E. Жиноят ишини биринчи инстанция судида қайта кўриб чиқишдан олдин

2. Қуйида келтирилганларидан қайси бири ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартларига киради?

- A. Ишни тафтиш асослари бўйича кўриб чиқиш
- B. Қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш
- C. Апелляция тартибида иш юритиш
- D. Юқори суд кўрсатмаларини бажаришнинг мажбурийлиги
- E. Ҳукм моҳияти ва шаклини бир вақтда текшириш

3. Апелляция инстанциясининг мажлиси ҳақида суд процесснинг қайси иштирокчисига хабар қилмайди?

- A. Маҳкумга
- B. Жабранувчига
- C. Оқланган шахсга
- D. Маҳкумнинг ҳимоячисига
- E. Гувоҳларга

4. Биринчи инстанция суди ҳукмга апелляция тартибида шикоят қилинганлиги ёки протест билдирганлиги ҳақида процесс иштирокчиларига хабар бериши шартми?

- A. Ҳа, шарт
- B. Йўқ, шарт эмас
- C. Қонунда ушбу масала тартибга солинмаган
- D. Жавоб беришим қийин

Е. Савол муҳим эмас

5. Апелляция инстанцияси суди шикоят ёки протест нусхасини манфаатдор иштирокчиларга юборадими?

- A. Ҳа, юборади
- B. Йўқ, юбормайди
- C. Қонунда ушбу масала тартибга солинмаган
- D. Жавоб беришим қийин
- E. Савол муҳим эмас

Текшириш учун саволлар

1. Апелляция тартибида иш юритишнинг тушунчаси?
2. Ким апелляция тартибида шикоят қилиш ва протест билдириш ҳуқуқига эга?
3. Апелляция инстанцияси судининг жиноят ишини кўриб чиқиши керак бўлган чегаралари ва муддатлари қандай?
4. Апелляция инстанцияси суди ҳукми бекор қилиши ёки ўзгартириши мумкинми?
5. Биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилишнинг асослари қандай?
6. Апелляция тартибида жиноят ишини кўриб чиқувчи суд қандай ваколатларга эга?
7. Апелляция инстанцияси судининг ажрими (қарори)нинг мазмуни ва тузилиши қандай?

XXVI боб. Кассация тартибида иш юритиш босқичи

26.1. Кассация тартибида иш юритиш, унинг вазифалари ва аҳамияти

Барча юқори судлар қуйи турувчи судларнинг фаолиятини назорат қиладилар. Ушбу назорат процессуал шаклда амалга оширилади ҳамда қуйи турувчи судлар қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишда намоён бўлади. Амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига кўра суд фаолиятини кассация, назорат тартибида, шунингдек ишларни янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш йўли билан назорат қилиш мумкин.

Кассация тартибида иш юритиш — процесс иштирокчилари келтирган шикоятлар ёки прокурорнинг протести бўйича биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширадиган босқич. Унинг вазифаси қонуний кучга кирган ноқонуний ва асосланмаган ҳукмнинг ижро этилишига йўл қўймасликдан иборат.

Суд қарорларини кассация тартибида текшириш маҳкумнинг ва процесснинг бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. У қонуний кучга кирган ҳукм юзасидан жиноят процессининг иштирокчиларидан кимдир шикоят қилган тақдирда амалга оширилиши мумкин. Прокурор ҳукмга рози бўлмаган тақдирда протест билдиради. Бундай шикоят ва протест кассация шикояти ва кассация протести деб аталади.

Шикоят қилиниши ёки протест билдирилиши қонуний кучга кирган ҳукм ижросини кечиктиради ва кассация инстанциясида иш кўриб чиқилгунча тўхтатиб туради. Жиноят ишларини кассация тартибида кўриб чиқиш судлар йўл қўйган хатоларни тезда тўғрилашга имкон беради, қонуний кучга кирган ноқонуний ва асоссиз ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар ижро этилишининг олдини олади, бу билан одил судлов мақсадлари ва вазифаларининг амалга оширилишини таъминлайди.

Кассация тартибида иш юритиш ҳукм юзасидан шикоят қилиш ёки протест билдириш, жиноят ишини шикоят ёки

протест билан бирга кассация инстанциясига юбориш, жиноят ишيني кассация инстанциясида кўриб чиқиш ва у бўйича қарор қабул қилиш кабиларни ўз ичига олади.

Шикоят қилиш эркинлиги. Шикоят қилиш эркинлиги кенг миқёсдаги манфаатдор шахсларга ҳукм юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқи берилганлигида намоён бўлади. Ушбу шахслар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳукмларидан ташқари, ҳар қандай суднинг ҳукми юзасидан шикоят қилишга ҳақлидирлар. Қонунда шикоят шаклига ҳеч қандай талаб қўйилмаган. Шикоят ҳар қандай асос бўйича берилиши, яъни иш юритишда йўл қўйилган қонун бузилишларига ҳам, ишнинг моҳияти (айбдорликнинг исботланганлиги ёки исботланмаганлиги, қилмишнинг тавсифланиши, жазо чораси кабилар)га ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Шикоят билан ҳукм чиқарган судга ҳам, юқори турувчи судга ҳам мурожаат қилиш мумкин. Бу эса фуқарога ўзининг шикоят қилиш ҳуқуқини амалга оширишига ёрдам беради. Процесс иштирокчилари она тилида шикоят қилишга ҳақлидирлар. Кассация шикоятларидан давлат божи олинмайди.

Кассация тартибида иш юритишнинг асослари. Кассация тартибида иш юритишнинг асослари шунда намоён бўладики, ушбу инстанция суди кассация тартибида ишни кўриб чиқаётганида кассация шикояти ёки протестида келтирилган далиллар билан чеклаб қўйилмаган бўлиб, ишни тўлиқ ҳажмда барча, шу жумладан, шикоят қилмаган ва протест билдирилмаган маҳкумларга нисбатан текшириб чиқади. Бу кассация инстанцияси ҳукмнинг қонун талабларига ва ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқлигини ҳар томонлама текшириши ҳамда ўз ваколатлари доирасида биринчи, апелляция инстанцияларида йўл қўйилган моддий ва процессуал қонунни ҳар қандай бузиш ҳолларини бартараф этиши шарт. Бунда шикоят ёки протестда ушбу қонунбузарликлар кўрсатилган-кўрсатилмаганлигининг аҳамияти йўқ. Кассация инстанцияси биринчи ёки апелляция инстанцияси судининггина эмас, балки тергов органларининг ҳам ҳаракатлари ва қарорлари қонуний эканлигини текширади. Чунки улар йўл қўйган хатоликлар қонуний кучга кирган ҳукмнинг қонунийлиги ва асослилигига таъсир этиши мумкин.

Асослар мавжуд бўлганда, кассация инстанцияси ҳукми бекор қилиши ёхуд унга зарур ўзгартишлар киритиши шарт. Аммо бунда қабул қилинадиган қарор кассация протести

билдирилмаган ёки жабранувчи шикоят қилмаган маҳкумларнинг аҳволини оғирлаштирмаслиги керак.

Тафтиш текшируви жиноят процессида ошкоралик принципининг намоён бўлишидир. У ишнинг ҳар томонлама ва тўлиқ таҳлил қилинишини таъминлайди, айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи таъминланишини ва ҳукм юзасидан шикоят қилиш эркинлигини кафолатлайди, шунингдек қўйи турувчи судлар фаолиятининг суд назорати амалга оширилишига ёрдам беради.

Ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш. Ҳукмларни кассация тартибида қайта кўриб чиқиш суднинг иш юзасидан қонун талабларига риоя этишининг ҳам, ҳукмда ишнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғри аниқланишининг ҳам текширилишини қамраб олади.

Ҳукмнинг қонунийлиги суриштирув, тергов органлари ва биринчи ёки апелляция инстанцияси суди ЖПК талабларини аниқ ва қатъий бажарганлигини, жиноят қонуни нормаларини тўғри қўллаганлигини, шунингдек фуқаровий даъво ёки моддий зарарни қоплаш масалаларини тўғри ҳал қилганликларини билдиради. Ҳукмнинг асослилиги унинг ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқлигини, мазмуни бўйича тўғрилигини билдиради. Шу нуқтаи назардан, кассация инстанцияси суди иш тўлиқ текширилганлигини, иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириш учун иш юзасидан етарли маълумотлар тўпланганлигини, ушбу далиллар текширилган-текширилмаганлигини ва тўғри баҳоланганлигини, суд ўз ҳукмида келган қарор ишнинг ҳақиқий (тан олинган ёки аниқланган) ҳолатларига мос келиш-келмаслигини, ушбу ҳолатлар суд мажлисида кўриб чиқилган далилларга мос келиш-келмаслигини текширади.

Кассация тартибида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари апелляция ва назорат тартибида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари билан бир хил бўлиб, улар «Суд муҳокамасининг умумий шартлари» бобида кўрсатилган эди.

Биринчи инстанция судидан фарқли равишда, кассация инстанцияси суд терговини амалга оширмайди. Ҳукмнинг қонунийлиги ва асослилигини ушбу суд ишдаги ёзма материалларни ўрганиш ва баҳолаш орқали текширади. Зарур ҳолларда кассация инстанцияси тергов йўли билан олинishi мумкин бўлмаган қўшимча материалларни талаб қилиб олиши мумкин. Баён этилганлар сабабли ушбу инстанция ҳукмда аниқланмаган ёки рад этилган фактларни аниқлашга ҳақли эмас.

Маҳкумнинг ҳукм юзасидан шикоят қилиши натижасида унинг аҳволини оғирлаштиришга йўл қўйилмаслиги кассация тартибида шикоят қилиш эркинлигининг кафолатларидан бири маҳкумнинг шикояти бўйича ҳукмнинг қайта кўриб чиқилиши унинг ҳолатини ёмонлаштиришга олиб келиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоидадир. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

1) суд ишни ҳар қандай асос бўйича (ҳукм юзасидан прокурор протест билдирганми ёки процесс иштирокчиларидан кимдир шу хусусда шикоят қилганми, бундан қатъи назар) кассация тартибида кўриб чиқаётганида жазони кучайтиришга ёки оғирроқ жиноят ҳақидаги қонунни қўллашга ҳақли эмас.

Кассация инстанциясида жазони кучайтиришга йўл қўйилмаслиги суднинг қуйидагиларга ҳақли эмаслигини билдиради: биринчи инстанция суди жиноят қонунини бузиб тайинлаган бўлса ҳам, ҳукм билан тайинланган жазо меъёрини оширишга; биринчи инстанция суди танлаган жазо турини оғирроғига алмаштиришга; биринчи инстанция суди кўрсатмаган бўлса, қўшимча жазо муддатини аниқлашга; шартли жазони, енгилроқ бўлса ҳам ҳақиқатда ўташ лозим бўлган шартсизига алмаштиришга; шартли ҳукм қилишда синов муддатини оширишга; суд ҳукмда тайинлаганига қараганда қаттиқроқ режимли колония турини белгилашга ва ҳ.к.

Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция суди тайинлаган жазони енгиллаштирган тақдирда ҳам маҳкум ҳаракатлари тавсифини (квалификациясини) оғирроқ жиноят ҳақидаги қонун билан алмаштиришга ҳақли эмас;

2) кассация инстанцияси маҳкумнинг (унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакилининг) шикояти бўйича ишни кўриб чиқаётганида, оғирроқ жиноят ҳақидаги қонунни қўллаш зарурлиги ёки тайинланган жазонинг енгиллиги туфайли, ҳукми бекор қилишга ва янгитдан кўриб чиқишга беришга ҳақли эмас. Бу билан мазкур шахслар уларнинг шикоятлари чиқарилган ҳукмга нисбатан ноқулай оқибатлар келтириши хавфидан қутуладилар.

Ушбу асослар бўйича ҳукмнинг бекор қилиниши фақат у юзасидан ушбу асослар бўйича прокурор протест билдирган ёки жабрланувчи шикоят қилган тақдирдагина қонуний бўлади;

3) суриштирув, дастлабки ёки суд тергови бир томонлама ёки нотўлиқ бўлганлиги ёхуд суднинг ҳукмда баён этилган ҳулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги туфайли, шунингдек агар ушбу асослар кассация шикоятларида

ёки протестда кўрсатилмаган бўлса, кассация инстанцияси суди айблов ҳукмини бекор қилишга ҳамда ишни янгитдан кўриб чиқиш учун юборишга ҳақли бўлади. Шу билан бирга, суд бундай қарорни қабул қилаётганида айблов доирасидан (чегарасидан) чиқишга ва ажримда аниқланиши маҳкумнинг аҳволини оғирлаштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни кўрсатишга ҳақли эмас;

4) суд ҳукм юзасидан прокурор протест билдирган ёки жабрланувчи, шунингдек оқланган шахснинг ўзи шикоят қилган тақдирдагина оқлов ҳукмини кассация тартибида бекор қилиши мумкин;

5) дастлабки ҳукм маҳкумнинг (оқланган шахс ҳимоячиси, қонуний вакилининг) шикояти бўйича кассация тартибида бекор қилинганидан сўнг, биринчи инстанция суди ишни янгитдан кўриб чиқаётганида, жазони кучайтиришига ёхуд оғирроқ жиноят ҳақидаги қонунни қўллашига йўл қўймайди. Дастлабки ҳукм прокурорнинг кассация тартибидаги протести ёхуд жабрланувчининг шикояти бўйича жазонинг енгилиги учун ёки оғирроқ жиноят ҳақидаги қонунни қўллаш зарурлиги сабабли бекор қилинган тақдирда, шунингдек ҳукм бекор қилинганидан кейин ишни янгитдан тергов қилиш чоғида айбланувчи оғирроқ жиноят содир этганидан далолат берувчи ҳолатлар аниқланган тақдирдагина маҳкумнинг аҳволини оғирлаштиришга йўл қўйилади.

Суднинг маҳкум берган кассация шикоятини кўриб чиқиш натижасида унинг аҳволини оғирлаштиришга йўл қўйилмаслиги — маҳкумнинг ҳукм юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқининг муҳим кафолати. Айти пайтда шунинг ўзи одил судловнинг ҳам кафолатидир, чунки кассация шикоятлари тергов органлари ва биринчи инстанция суди фаолиятида суд хатолари ва қонун бузилишларини аниқлаш воситасидир.

26.2. Жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқувчи суднинг ваколатлари

Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирган ҳукми устидан шикоят беришга ҳақлидир. ЖПКнинг 511-моддасида кўрсатилган шахслар қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан протест билдиришга; фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳукмнинг

фуқаровий даъвога дахлдор қисми, судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили эса ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақлидирлар (ЖПК 498-м.).

Ҳукм устидан кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш маълум бир тартибга бўйсунди. Қуйидагиларнинг:

1) жиноят ишлари бўйича туман ёки шаҳар судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан – Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига;

2) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан – шу судларнинг кассация ҳайъатларига;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан – шу суднинг судлов ҳайъатига;

4) округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан эса шу суднинг кассация ҳайъатига кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

Кассация шикоятлари ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади. Шикоят ёхуд протест бевосита кассация инстанцияси судига топширилган бўлса, суд уларни ҳукм чиқарган судга ЖПКнинг 479-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариш учун юборади (ЖПК 499-м.).

Кассация тартибида шикоят қилиш ёки кассация протестини билдириш ҳукм ижросини тўхтатмайди. Ҳукм чиқарган суд ЖПК 479-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариб, 30 кундан ортиқ бўлмаган муддат ичида ишни шикоятлар, протестлар ва улар юзасидан билдирилган эътирозлар, шунингдек тақдим этилган қўшимча материаллар билан бирга кассация инстанцияси судига юборади. Бу муддат алоҳида ҳолларда юқори суд раиси ёки унинг ўринбосари томонидан кўпи билан йигирма кунга узайтирилиши мумкин.

Ҳукм устидан шикоят берган ёки протест билдирган шахс ўз шикояти ёхуд протестини қайтариб олишга ҳақлидир. Юқори турувчи прокурор ҳам протестни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Маҳқум эса ўз ҳимоячисининг шикоятини қайтариб олишга ҳақли (ЖПК 503-м.).

Биринчи инстанция судининг раиси кассация шикояти ёки протести тушган иш кассация инстанцияси судида кўриладиган кун ва жойни белгилайди, бу ҳақда ЖПКнинг 498-моддасида кўрсатилган шахслар хабардор қилинади. Гувоҳлар, экспертлар ва мутахассислар суд мажлисига суд лозим топсагина таклиф қилинади (ЖПК 405-м.).

ЖПКнинг 506-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси судида жиноят ишини кўриш тартиби қуйидагича: раислик қилувчи суд мажлисини очиб, қандай иш кўрилишини маълум қилади ва суд мажлисига кимлар келганини аниқлайди, шундан кейин суд ишни кўришга киришиш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилади. Сўнг раислик қилувчи суд таркибини, суд мажлисида ҳозир бўлган процесс иштирокчиларининг фамилияларини эълон қилади, ҳозир бўлганлардан рад қилиш ҳақида арзлари бор-йўқлигини сўрайди. Бундай арзлар бўлган тақдирда суд улар юзасидан қарор қабул қилади.

Раислик қилувчи ҳозир бўлган процесс иштирокчиларига уларнинг кассация инстанциясида ишни кўриш чоғидаги ҳуқуқларини тушунтиради, ЖПКнинг 479-моддаси талабларига риоя қилинган ёки қилинмаганлигини аниқлайди ва зарур бўлса, уларни бажариш чораларини кўради. У суд мажлисида иштирок этаётган шахслардан илтимослари бор-йўқлигини сўрайди. Билдирилган илтимослар бўйича суд ажрим чиқаради. Илтимосларни қаноатлантириш учун зарур бўлса, суд мажлиси кейинга қолдирилиши мумкин.

Ишни кўриш судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади. У ишнинг моҳияти, шикоят ёки протестнинг важлари ҳамда уларга қарши билдирилган эътирозларнинг моҳиятини баён қилади. Судга қўшимча материаллар тақдим этилган ёхуд суднинг ўзи бундай материалларни талаб қилиб олган ҳолларда раислик қилувчи ёки судья уларни ўқиб эшиттиради ва ишда иштирок этаётган шахсларга танишиш учун тақдим қилади.

Суд мажлисида ҳозир бўлган маҳқум ёки оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари, қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари тушунтирув берадилар. Шикоят берган шахс биринчи бўлиб сўзга чиқади. Иш протест бўйича кўрилатган бўлса, прокурор протестни асослаб беради. Ҳам шикоят, ҳам протест берилган ҳолларда сўзга чиқиш навбатини суд белгилайди.

Юқорида кўрсатилган шахсларнинг тушунтирувлари эшитиб бўлингач, суд мажлисига чақирилган гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар сўроқ қилинадилар. Уларни суд муҳокамасининг қайси иштирокчиси чақиртирган бўлса, аввало ўша шахс сўроқ қилади. Ихтилофлар чиқиб қолса, уларни суд ҳал қилади.

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар сўроқ қилиниб бўлгач, суд тарафларнинг ЖПКнинг 449-моддасига мувофиқ ўтказиладиган музокарасини бошлайди. Тарафлар музокараси ва маҳкумнинг охириги сўзи тутаганидан кейин суд қарор чиқариш учун маслаҳатхонага кириб кетади.

Суд муҳокамасининг бориши ва мазмуни ҳақида суд мажлисининг баённомаси тузилади. Баённома ЖПКнинг 426-моддасида кўрсатилган муддатда тайёрланиши лозим. Баённома билан суд мажлисининг барча иштирокчилари танишишга ва зарурат бўлганда ЖПКнинг 427-моддасида назарда тутилган тартибда унга ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидир (ЖПК 506-м.).

26.3. Хусусий шикоят ва протестларни ҳал қилиш

Баъзи маҳкумларга дахли бўлган кассация шикояти ёки протести бирор сабабга кўра кассация инстанцияси судига бошқа маҳкумларнинг жиноят иши кўриб бўлинганидан кейин келиб тушса, шунингдек маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг кассация шикояти, ушбу маҳкумга доир иш процесснинг бошқа иштирокчиси берган кассация шикояти ёки протести бўйича кўриб чиқилганидан сўнг келиб тушган бўлса, кассация инстанцияси суди бундай шикоят ёки протестни кўриб чиқиши ва у бўйича ажрим чиқариши шарт.

Бу ажрим аввал чиқарилган ажримга зид бўлса, иш бир ёки ҳар иккала ажрим устидан протест бериш масаласини ҳал қилиш учун назорат тартибда протест билдириш ваколатига эга бўлган суд раисига жўнатилади (ЖПК 508-м.).

ЖПКнинг 509-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради. Ушбу ажрим судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ажримни барча судьялар имзолайдилар. Овоз беришда озчиликни ташкил этган судья ажримга имзо қўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир.

Кассация инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибда шикоят қилиниши ва протест билдирилиши мумкин.

1. Кассация тартибида иш юритишнинг келтирилган таърифларидан қайси бири тўғри?

А. Жиноят процессидаги иккинчи инстанция суди процесс иштирокчилари қилган шикоятлар ёки прокурорнинг протести бўйича биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширадиган босқич

В. Жиноят процессидаги юқори суд шикоятлар ва прокурорнинг протести бўйича қўйи турувчи суд ҳукмининг қонунийлиги ва асослилигини текширадиган босқич

С. Жиноят процессидаги юқори суд процесс иштирокчилари қилган шикоятлар ёки прокурорнинг протести бўйича қўйи турувчи суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширадиган мустақил босқич

Д. Кассация тартибида иш юритиш – бу назорат тартибида иш юритиш

Е. Кассация тартибида иш юритиш – бу апелляция

2. Қуйидаги таърифлардан қайси бири кассациянинг жиҳати эмас?

А. Шикоят қилиш эркинлиги

В. Ҳукм моҳияти ва шаклини бир вақтнинг ўзида текшириш

С. Ишни тафтиш тартибида текшириш

Д. Юқори суднинг биринчи инстанция судлари фаолиятига раҳбарлик қилиши

Е. «Ёмонликка буриш»га йўл қўйилмаслиги

3. Ҳукм юзасидан кассация тартибида шикоят қилиш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларни кўрсатинг.

А. Маҳкумнинг ҳимоячиси

В. Жабрланувчи

С. Оқланган шахс

Д. Прокурор

Е. Эксперт, агар унинг хулосасини суд рад этган бўлса

4. Кассация тартибидаги шикоятлар ёки протестлар қайси судга берилади?

А. Ҳукм чиқарган судга

В. Юқори судга, лекин қонунда белгиланган ҳоллардагина

С. Шикоятлар ва протестни ҳукм чиқарган судга ҳам, юқори судга ҳам бериш мумкин

Д. Юқори судга

Е. Қўйи судга

5. Ҳукм юзасидан шикоят қилиш ва протест билдириш муддати қанча?

А. Ҳукм эълон қилинганидан кейин 10 сутка ичида

В. Ҳукм эълон қилинганидан кейин 7 сутка ичида

С. Ҳукм эълон қилинганидан кейин 15 сутка ичида

Д. Маҳкум, оқланган шахсга ҳукм нусхаси топширилганидан кейин 10 сутка ичида

Е. А ва Г

Текшириш учун саволлар

1. Кассация тартибида иш юритишнинг моҳияти, аҳамияти ва вазифалари нималардан иборат?

2. Кассация тартибида иш юритишнинг хусусиятлари нималардан иборат?

3. Ҳукм юзасидан шикоят бериш ва протест билдириш тартиби ва муддатлари қандай?

4. Ким ва қачон шикоятлар ёки протестни қайтариб олиши мумкин?

5. Жиноят ишини кассация инстанциясида кўриш тартиби ва муддатлари қандай?

6. Хусусий шикоятлар ва протестларни ҳал қилиш тартиби қандай?

7. Кассация инстанцияси суди ҳуқуқларининг доираси қандай?

8. Жиноят ишини кассация тартибида кўрувчи суд қандай ваколатларга эга?

XXVII боб. Назорат тартибида иш юритиш босқичи

27.1. Назорат тартибида иш юритиш босқичи, унинг вазифалари ва аҳамияти

Кассация тартибида фақат процесс иштирокчилари шикоят қилган ёки прокурор протест билдирган ҳукмларнинггина қонунийлиги ва асослилиги текширилади. Бошқа ҳукмлар шикоят қилиш ва протест билдириш муддати ўтганидан сўнг қонуний кучга киради ва ижро этилиши керак бўлади. Бироқ ушбу ҳукмлар қонунга хилоф бўлиши ва ҳам фактик, ҳам юридик хатоларга эга бўлиши мумкин. Бир қатор ҳолларда, гарчи бундай хатолар жиноят иши материалларида мавжуд бўлса ҳам, иккинчи инстанция суди ҳукмнинг қонунийлиги ва асослилигини текшираётганида уни бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларини топа олмайди. Баъзан апелляция ёки кассация инстанциясининг ўзи нотўғри қарорлар чиқаради, ҳукмларни қонунга хилоф равишда бекор қилади ёки ўзгартиради.

Ҳеч бир адолатсиз ҳукм кучида қолдирилиши мумкин эмаслигидан келиб чиқиб, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин ҳам ишни қайта кўриш ва суд хатоларини тузатиш, адолатни тиклаш имконияти назарда тутилади. Ҳукмни бундай тарзда қайта кўришга кассация ва назорат тартибида иш юритиш чоғида йўл қўйилади.

Ишларни назорат тартибида қайта кўриб чиқиш (назорат тартибида иш юритиш) — жиноят процессининг юқори турувчи суд протест билдиришга ваколатли бўлган мансабдор шахслар келтирган протест бўйича биринчи ва апелляция инстанцияларидаги судларнинг қонуний кучга кирган ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг, шунингдек суд органлари кассация ёки назорат тартибида чиқарган ажримлари ва қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текширадиган босқичи.

Назорат тартибида иш юритиш, кассация тартибида иш юритиш каби, қуйи судларнинг суд фаолиятини назорат қилиш шакли бўлиб, аввало, суд хатоларини тузатиш мақсадига хизмат қилади. Бироқ кассация тартибида иш юритишнинг бевосита мақсади нотўғри ҳукмларнинг ижросига йўл қўймаслик бўлса, назорат

тартибида иш юритиш қонуний кучга кириб улгурган ҳукмлар, ажримлар ва қарорларни тузатиш воситасидир.

Апелляция тартибида иш юритишдан фарқли равишда, назорат тартибида иш юритиш предметини суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори (ҳукми, ажрими ёки қарори)гина ташкил қилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикасининг жиноят ишлари бўйича Олий судида, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатида жиноят ишларини назорат тартибида кўриш асосларини ЖПКнинг 498-моддасида кўрсатилган шахсларнинг шикоятлари ва протестлари ташкил қилади. Жиноят ишларини суд ҳайъатларида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати Пленумида назорат тартибида кўриб чиқишга қонунда протест билдириш ҳуқуқи билдирилган суд раиси, прокурор ёки уларнинг ўринбосарлари протест билдирганларидагина йўл қўйилади (ЖПК 511-м. 1-қ.).

Назорат тартибида қуйидагилар қайта кўрилиши мумкин: 1) биринчи инстанция судининг ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари; 2) судья суд мажлисини тайинлаётганида чиқарган қарорлар; 3) кассация ажримлари; 4) ҳукми ижро этиш босқичида ижро этилган қарорлар; 5) қуйи назорат инстанциясининг қарорлари (ажримлари).

Кассация тартибида жиноят иши фақат бир марта, битта суд инстанциясида кўриб чиқилиши мумкин. Суд назорати тартибида жиноят иши турли назорат инстанцияларида бир неча бор кўриб чиқилиши мумкин.

Назорат тартибида иш юритиш жиноят процессининг кам учрайдиган (истисноли) босқичи сифатида унинг тизимини ташкил этувчи қуйидаги босқичлардан иборат:

1) ҳукм ёки бошқа суд қарори юзасидан протест билдириб берилган шикоятлар, аризалар, илтимосномалар ва тақдимномаларни кўриб чиқиш;

2) суд қарори юзасидан протест билдириш ёки буни рад этиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун жиноят ишини талаб қилиб олиш ва ўрганиш;

3) протест билдириш;

4) жиноят ишини протест бўйича назорат инстанцияси судида кўриб чиқиш;

5) қарор қабул қилиш ва уни эълон қилиш.

Назорат инстанцияси судлари, қуйи судлар йўл қўйган хато-

ларни тузатиб, асоссиз ва ноқонуний суд қарорларини бекор қилиб, ҳукмларни ўзгартириб ва жиноят ишлари юритишни тўхтатиб, қонуннинг тўғри қўлланишини таъминлайдилар. Бундан мақсад ҳар бир содир этилган жиноят учун адолатли жазо берилишига ҳеч бир айбсиз шахс жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва жазоланмаслигига эришишдир.

Жиноят ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш қонуний кучга кирган суд қарорларининг қонунийлиги, асослилигини ва адолатлилигини текширишга ва хатоларни тузатишга имкон беради. Бу эса одил судлов вазифаларига эришиш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофаза этилишининг кафолатидир.

Назорат тартибида иш юритиш одил судловни амалга оширишда қонунларнинг бир хилда тушунилиши ва қўлланилишини таъминлаб, суд амалиётига жиддий таъсир кўрсатади.

27.2. Қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим (қарор) юзасидан шикоят қилиш ёки протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Протест билдиришда инстанциявийликка риоя қилиниши керак. Бу суд назорати тартибида протест билдирилган жиноят иши, юқори инстанцияда кўриб чиқилишидан аввал, қуйи суд-назорат инстанциясида кўрилиши кераклигини билдиради.

Инстанциявийлик жиноят ишининг ҳаракатидаги ва бир суд назорат босқичидан бошқасига, энг қуйисидан энг юқорисигача ўтишидаги қатъий изчилликдир. Ушбу талабга мувофиқ, юқори суднинг назорат инстанцияси одатда, агар жиноят иши унга нисбатан қуйи турувчи суднинг назорат инстанциясида кўрилмаган бўлса, бу ишни ўз юритувига қабул қилишига ҳақли бўлмайди.

Назорат тартибидаги протест уни ваколатли шахс ўз ваколати доирасида ва тегишли назорат инстанциясига билдирган тақдирдагина кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Қонуний кучга кирган ишлар бўйича чиқарилган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан ЖПКнинг 498-моддасида кўрсатилган шахслар назорат тартибида шикоят беришлари мумкин.

Чиқарилган ҳукмлар ва ажримлар (қарорлар) билан бирга ишларни назорат тартибида кўриб чиқишга улар фақат апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан кейин қонунда протест билдириш ҳуқуқи берилган суд раиси, прокурор ёки уларнинг ўринбосарлари протест

билдирганларидагина йўл қўйилади. Бунда қуйидагилар протест билдиришга ҳақли:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси — барча инстанция судларининг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан, мамлакатимиз Олий суди раисининг ўринбосарлари, Бош прокурор, унинг ўринбосарлари — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларидан ташқари, ҳар қандай суднинг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан;

2) Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар — жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг ҳукмлари ва ажримлари устидан; ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судлов ҳайъатларининг ажримлари устидан;

3) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори — округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳукмлари ва ажримлари устидан, ишни апелляция ёки кассация тартибида кўрган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ажримлари устидан (ЖПК 511-м.)

ЖПКнинг юқорида келтирилган моддасида санаб ўтилган шахслар ўз ваколатлари доирасида текшириш ва назорат тартибида протест билдириш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун ҳар қандай жиноят ишини суддан талаб қилиб олишга ҳақлидирлар.

Ишларни жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларидан талаб қилиб олиш ҳуқуқига Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раисининг ўринбосари, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раисларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг ўринбосарлари, туман, шаҳар прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳам эгадирлар. Бундай ҳуқуққа ҳудудий судлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг ўринбосарлари, мамлакатимиз Ҳарбий прокурорининг ўринбосарлари, округлар ҳарбий прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳам эгадирлар.

Ишларни талаб қилиб олишга фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, мансабдор шахсларнинг,

ишни назорат тартибида юритиш ҳақида топшириқ олган ҳимоячиларнинг илтимосномалари, судьялар ва прокурорларнинг тақдимномалари, оммавий ахборот воситаларининг хабарлари, шунингдек ишни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг бевосита шундай қарорга келишлари сабаб бўлади (ЖПК 512-м.)

Шикоят ёки протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) назорат тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга киргандан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади (ЖПК 513-м.)

27.3. Талаб қилиб олинган жиноят ишнни текшириш ва қарор қабул қилиш

Назорат протести билдириш ҳақидаги илтимоснома бир ойгача бўлган муддатда, иш талаб қилиб олинадиган ва текшириладиган ҳолларда эса икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши лозим (ЖПК 514-м.)

Келиб тушган илтимоснома юзасидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилиниши лозим:

1) илтимосномада келтирилган вазлар ҳукм ёхуд ажрим (қарор)нинг қонунийлиги ва асослилигига шубҳа туғдирса, ишни талаб қилиб олиш ҳақида;

2) илтимосноманинг ўзида, шунингдек унга қўшиб топширилган ёки текшириш чоғида талаб қилиб олинган суд қарорлари нусхасида ва бошқа материалларда илтимосномада келтирилган вазлар асоссиз бўлиб, протест билдиришга асос бўла олмаслиги кўриниб турса, ишни талаб қилиб олишни рад этиш ҳақида;

3) протест бериш ваколатига эга бўлган бўйсунувчи прокурор ёки қўйи суднинг раиси томонидан ушбу ишга доир ҳукм ёхуд ажрим (қарор)га протест билдиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинмаган бўлса, илтимосномани уларга жўнатиш ҳақида.

Назорат инстанциясининг илтимоси бўйича қандай қарор қабул қилинмасин, илтимоснома билан мурожаат этган шахсга, корхона, муассаса ёки ташкилотга қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилинади (ЖПК 515-м.).

Назорат тартибида талаб қилиб олинган жиноят ишини протест билдириш ваколатига эга бўлган шахс ёки унинг топширигига биноан илгари ушбу ишни кўришда қатнашмаган прокурор ёхуд судья текширади.

Ҳукми ёки ажримни (қарорни) қонунга хилоф ва асоссиз деб топган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар протест билдирадilar ва ишни шу протест билан бирга тегишли назорат инстанцияси судига юборадilar (ЖПК 516-м.)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикасидаги ҳар қандай суднинг протест билдирилган ҳукми ва ажрими (қарори) ижро этилишини келтирилган протест назорат тартибида ҳал қилингунига қадар тўхтатиб туришга ҳақлидирлар. Қонуннинг очикдан-очик бузилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлган тақдирда мазкур шахслар жиноят ишини талаб қилиб олиш билан бир вақтда ҳукм, ажрим ва қарорнинг ижросини то улар юзасидан протест билдирилгунига қадар уч ойдан ошмайдиган муддатга тўхтатиб қўйишга ҳақлидирлар (ЖПК 517-м.).

Протест берган шахс протестни қайтариб олишга, юқори турувчи прокурор эса ўзига бўйсунувчи прокурор билдирган протестни қайтариб олишга ҳақли. Протестни қайтариб олишга фақат назорат инстанцияси суди иш кўришни бошлагунига қадар йўл қўйилади. Протест ва уни қайтариб олиш тўғрисидаги ҳужжат ишда қолдирилади (ЖПК 518-м.).

27.4. Жиноят ишларини протестлар бўйича назорат тартибида кўрувчи судлар

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раёсатлари мазкур судларнинг жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари кўрган ишлар бўйича чиқарилган тегишли апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўрадilar.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари

бўйича судлов ҳайъати Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раёсатларининг қарорлари устидан, шунингдек мазкур судлар томонидан биринчи инстанция тариқасида кўрилган ишлар бўйича чиқарилган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раёсати мазкур суднинг округ ва ҳудудий ҳарбий судлар томонидан кўрилган ишлар бўйича чиқарилган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатининг қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди биринчи инстанция тариқасида кўрган ишлар бўйича мазкур суд чиқарган апелляция ва кассация ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг апелляция ва кассация ажримлари устидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг назорат тартибида чиқарилган ажримлари устидан билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари устидан назорат тартибида билдирилган протестлар бўйича ишларни кўради. Зарур ҳолларда протестлар бўйича ишлар Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судини, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини четлаб ўтиб, назорат тартибида бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кўрилиши мумкин (ЖПК 519-м.).

27.5. Назорат инстанцияси судида жиноят ишини кўриш тартиби

Назорат инстанцияси судида жиноят иши ЖПКнинг 506-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан кўрилади. Агар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раёса-

тида ишни кўриш чоғида протестни қаноатлантириш тарафдорлари билан қаршилар овози тенг келиб қолса, протест маҳкум (оқланган шахс) фойдасига ҳал қилинган ҳисобланади, маҳкумнинг (оқланган шахснинг) аҳволини оғирлаштириш ҳақидаги масала қўйилган протест эса рад этилади (ЖПК 520-м.).

Назорат инстанцияси суди биринчи инстанция суди чиқарган ҳукми қонунга хилоф ва асоссиз деб топиб, бу ҳукми ҳамда апелляция ёки кассация ажримини, шунингдек назорат тартибида чиқарилган ажримлар ва қарорларни, агар улар туфайли ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган бўлса, бекор қилади ёки ўзгартиради. Бунда ЖПК 490-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қарорлардан бири қабул қилиниши мумкин.

Протестни кўриб чиқаётган суд олдинги ҳукм ёки ажрим асоссиз равишда бекор қилинган ёки ўзгартирилган, апелляция, кассация ёки назорат тартибида ишни кўриш чоғида қонуннинг бузилишига йўл қўйилган ва бу ажрим ёки қарорни тўғри чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин эди деб эътироф этган тақдирда апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажримлари, назорат инстанцияси судининг ажримлари ва қарорлари ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши лозим.

Суд назорат тартибида чиқарилган ажрим ёки қарорни бекор қилар экан, биринчи инстанция судининг ҳукмини ва апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажримини ўзгартиришлар билан ёки ўзгартиришсиз ўз кучида қолдиришга ҳақлидир (ЖПК 521-м.).

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми тушунтириб берганидек, судларнинг қуйидаги масалалар бўйича ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари қонуний кучга кирганидан сўнг бир йил ўтгач, маҳкумнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган асослар бўйича назорат тартибида қайта кўрилиши ва бекор қилиниши мумкин эмас: маҳкумга нисбатан амнистия ҳужжатини қўллаш; ҳукм ижросини кечиктириш тартибини қўллаш ёки бундай кечиктириш ҳақидаги тақдимномани рад этиш; маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топмаслик ёки юқори суд инстанциясининг ҳукмдан бундай деб топиш ҳақидаги ҳал қилув қарорини олиб ташлаш; жазони ўташ муддатини ҳисоблаш; маҳкумни касаллиги ёки ногиронлиги туфайли жазо ўташдан озод қилиш; маҳкумга нисбатан жазодан шартли равишда муддатидан аввал озод қилишни қўллаш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғига алмаштириш; маҳкумни жазо ўташ учун енгилроқ режимдаги

ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасасига юбориш; шартли ҳукм қилинган шахсга белгиланган синов муддатини қисқартириш.

Тахминий тестлар

1. Назорат тартибида протест билдиришни рад этиш хусусида шикоят қилиш мумкинми?

- A. Ҳа, мумкин
- B. Йўқ, мумкин эмас
- C. Қонунда бу масала тартибга солинмаган
- D. Бу масала аҳамиятга эга эмас
- E. Баъзан шикоят қилиниши мумкин

2. Ҳукм ва ажрим (қарор)нинг ижросини тўхтатиб туришга ким ҳақли эмас?

- A. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси
- B. Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори
- C. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари
- D. Олий Мажлис раиси
- E. Туман прокурори

3. Назорат тартибида билдирилган протестни қайтариб олишга ким ҳақли эмас?

- A. Протест билдирган шахслар
- B. Юқори прокурор, агар протестни унга бўйсунувчи прокурорлар билдирган бўлса
- C. Олий суднинг раиси, протестни ким билдирганидан қатъи назар
- D. Қонунда ушбу масала тартибга солинмаган
- E. Қонунда ушбу масала қисман тартибга солинган

4. Назорат тартибида билдирилган протест қачонгача қайтариб олиниши мумкин?

- A. Жиноят иши назорат инстанцияси судида кўриб чиқи-лишидан бир сутка аввал
- B. Жиноят ишини назорат инстанцияси судида кўриб чиқиш бошлангунича

С. Жиноят иши, қачон кўрилишидан қатъи назар, қайтариб олинishi мумкин

Д. Жиноят иши назорат инстанцияси суди кўриб чиқаётган исталган пайтда қайтариб олинishi мумкин

Е. Қайтариб олиш тақиқланган

5. Назорат тартибида ҳукми ва ажримни (қарорни) бекор қилиш ёки ўзгартириш учун нима асос бўла олмайди?

А. Суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир томонламалиги

В. Кўшимча материалларнинг тақдим этилиши

С. ЖПК нормаларининг жиддий бузилиши

Д. ЖК нормаларининг нотўғри қўлланилиши

Е. Жазонинг адолатсизлиги

Текшириш учун саволлар

1. Назорат тартибида иш юритишнинг вазифалари ва аҳамияти нимада?

2. Назорат тартибида иш юритишни кўзғатиш тартиби қандай?

3. Жиноят процесси иштирокчиларидан қайси бири қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим (қарор) юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга?

4. Қайси шахслар қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим юзасидан протест билдириш ҳуқуқига эга?

5. Назорат тартибида текшириш учун жиноят иши қайси тартибда талаб қилиб олинади?

6. Назорат тартибида протест билдириш ҳақидаги илтимос қайси муддатда кўриб чиқилади?

7. Қайси судлар жиноят ишларини назорат тартибида билдирилган протестлар бўйича кўриб чиқадилар?

8. Жиноят ишини назорат инстанцияси судида кўриб чиқишнинг процессуал тартиби қандай?

9. Юқори судлар назорат тартибида ажримлар ва қарорларни бекор қилиши ва ўзгартиришининг моҳияти нимада?

XXVIII боб. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш

28.1. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш, унинг вазифалари ва аҳамияти

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш, мамлакатимизнинг амалдаги ЖПК бўйича, жиноят процессининг мустақил босқичи эмас, балки назорат тартибидаги иш юритиш босқичига киради. Аммо бу жиноят-процессуал фаолиятнинг ушбу босқичи аҳамиятини пасайтирмайди.

Иш юритишни қайтадан бошлаш орқали муайян ишни биринчи ва кейинги инстанция судларида муҳокама қилиш давомида йўл қўйилган хатолар ва суистеъмолликлар аниқланади ва бартараф этилади. Айблов ҳукмининг қонунийлиги ва асослилигини уни бекор қилиш ёки енгилроқ жазо қўллаш мақсадида текшириш зарурати юзага келганда янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш муддатлари чекланмайди. Ушбу тартибда барча суд инстанцияларининг ҳукмлари ва бошқа ҳал қилув қарорлари қайта кўрилиши мумкин.

Шу билан бирга, иш юритишни қайтадан бошлаш уни жиноят-процессуал фаолиятнинг бошқа босқичларидан, жумладан, назорат тартибида иш юритиш босқичидан ажратиб турувчи бир қатор муҳим хусусиятларга эга. Унинг асосий хусусияти иш юритишни бошлаш асосларининг ўзига хослигидадир.

28.2. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш сабаблари, асослари ва тартиби

Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш ҳуқуқига прокурор эга. Фуқароларнинг мурожаатлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг, жамоат бирлашмаларининг хабарлари, оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари, шунингдек бошқа жиноят ишлари бўйича бевосита тергов юритиш ёки судда кўриб чиқиш жараёнида олинган маълумотлар янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатишга сабаб бўлади.

ЖПК 522-моддасининг 1—3-бандларида назарда тутилган ҳо-

латлардан бири бўйича етарли маълумотлар бўлса, прокурор жиноят ишини қўзғатади, кейин иш умумий тартибда тергов қилинади ва кўриб чиқилади.

Прокурор янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатишга асос йўқ деб ҳисобласа, ўз қарори билан иш қўзғатишни рад этади. Бу ҳақда иш қўзғатишни сўраб илтимоснома билан мурожаат қилган шахсга хабар берилиб, унга қарор юзасидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилади (ЖПК 524-м.).

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлашга қўйидагилар асос бўлади:

1) жабрланувчи ёки гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бергани, шунингдек ашёвий далиллар, тергов ҳамда суд ҳаракатлари баённомалари ва бошқа ҳужжатлар сохта эканлиги ёки била туриб ёлғон таржима қилингани қонунга хилоф ва асоссиз ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқарилишига сабаб бўлганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

2) иш бўйича тергов ўтказган суриштирувчи ёки терговчи ёхуд терговнинг бориши устидан назорат қилган прокурор томонидан қонунга хилоф ва асоссиз ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқаришга олиб келган жинойий суиистеъмолларга йўл қўйилгани суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

3) мазкур ишни кўриш чоғида судьяларнинг жинойий суиистеъмолларга йўл қўйгани суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

4) ҳукм ёхуд ажрим (қарор) чиқариш чоғида судга маълум бўлмаган, ўз ҳолича ёки илгари аниқланган ҳолатлар билан бирга маҳкумнинг айбсизлигидан ёхуд у ҳукм этилганига нисбатан оғирлик даражаси бўйича бошқа жиноят содир этганлигидан ёхуд оқланган ёки иши тугатилган шахснинг айбдорлигидан далолат берадиган бошқа ҳолатлар (ЖПК 522-м.).

Янги очилган ҳолатлар муносабати билан айблов ҳукмини маҳкумнинг манфаатини кўзлаб қайта кўриб чиқиш ҳеч қандай муддатлар билан чекланмайди. Маҳкумнинг ўлими уни реабилитация қилиш мақсадида иш юритишни янги очилган ҳолатлар муносабати билан қайтадан бошлашга тўсқинлик қилмайди.

Оқлов ҳукмини ёки ишни тугатиш ҳақидаги суднинг ажримини (қарорини) қайта кўриш, шунингдек суднинг айблов ҳук-

мини ва ажримини (қарорини) жазонинг енгиллиги ёки оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурлиги сабабли қайта кўриш фақат Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жавобгарликка тортиш муддати давомида ва янги ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмасдан амалга оширилиши мумкин.

Янги ҳолатлар очилган кун қуйидагича ҳисобланади:

1) ЖПК 522-моддасининг 1–3-бандларида назарда тутилган ҳолларда — сохта далиллар тақдим этганликда, била туриб нотўғри таржима қилганликда ёки иш бўйича тергов юритишда ёхуд ишни судда кўришда жинойий суиистеъмол содир этганликда айбли шахсларга нисбатан чиқарилган ҳукм қонуний кучга кирган кун;

2) ЖПК 522-моддасининг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда — янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисида прокурор қарор чиқарган кун (ЖПК 523-м.).

Янги очилган ҳолатлар юзасидан тергов ўтказиш қонун бўйича жиноят, ишини қўзғатиш учун асос бўладиган ҳолатларни аниқлаш билан чекланади. Бунда ЖПКда назарда тутилган қоидаларга риоя қилинган ҳолда сўроқ қилиш, кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш ва бошқа зарур тергов ҳаракатлари ўтказиш мумкин (ЖПК 525-м.).

Иш юритишни қайтадан бошлашга асослар мавжуд бўлганда прокурор ишни судга юборади. ЖПК 522-моддасининг 1–3-бандларида назарда тутилган ҳолларда иш судга прокурорнинг протести ҳамда қонуний кучга кирган ҳукмнинг нусхаси билан, ўша модданинг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда эса, тергов материаллари билан биргаликда юборилади.

Иш юритишни қайтадан бошлаш учун асослар бўлмаса, прокурор ўз қарори билан ишни тергов қилишни тугатади. Бу ҳақда манфаатдор шахсларга хабар берилади ва уларга қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқи тўғрисида айтилади (ЖПК 526-м.).

Шундай қилиб, янги очилган ҳолатларни текшириш прокурорнинг қаттиқ назоратидадир. Аксинча бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки амалиётда янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш кўп учрамайди. Бу иш юритишни қайтадан бошлаш асосларини пухта текшириш ва бундай асослар қай тариқа текшириляётганини назорат қилишни талаб этади.

28.3. Суднинг янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш ҳақидаги масалани ҳал қилиши

Прокурорнинг янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги протести:

1) туман (шаҳар) судлари ва гарнизон ҳарбий судлари ҳукм ёки ажрим чиқарган ишлар бўйича – тегишли юқори суднинг раёсатида;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судлари, шунингдек Қуролли Кучларнинг ҳарбий суди ҳукм, ажрим, қарор чиқарган ишлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли ҳайъатларида;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳукм ва ажрим чиқарган ишлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатида;

4) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати ёки Пленуми қарор чиқарган ишлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумида кўриб чиқилади (ЖПК 527-м.).

Тахминий тестлар

1. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш асослари нималардан иборат?

А. Жабрланувчи ёки гувоҳ била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлигининг ёхуд эксперт хулосаси ёлғонлигининг, далиллар сохталаштирилганлигининг аниқланиши

В. Суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ноқонуний ва асоссиз ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқарилишига олиб келган жиноий суиистеъмолликларининг аниқланиши

С. Судьянинг ушбу жиноят ишини кўриб чиқишда мансабини жиноий суиистеъмол қилганлигининг аниқланиши

Д. Судга ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқараётганида маълум бўлмаган ҳамда маҳкумнинг айбсизлигидан ёки унинг бошқа оғирликдаги жиноятни содир этганлигидан далолат берувчи ўзга ҳолатлар

Е. Барча жавоблар тўғри

2. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш муддатлари қандай?

- A. Иш юритишни қайтадан бошлаш муддатлари ҳукмнинг айблов ёки оқлов ҳукми эканлигига боғлиқ
- B. Бир йил давомида
- C. Жазони ижро этиш муддати давомида
- D. Жиноий жавобгарликка тортиш муддати давомида
- E. Айблов ҳукмини маҳкумнинг фойдасига қайтадан кўриш муддати чекланмаган, оқлов ҳукмини оғирроқ жиноят ҳақидаги қонунни қўллаш мақсадида қайтадан кўриб чиқишга эса жавобгарликка тортиш муддати давомидагина ва янги ҳолатлар аниқланган кундан бошлаб кўпи билан бир йил давомида йўл қўйилади

3. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш ҳуқуқи кимга тегишли?

- A. Суриштирувчи, терговчи, прокурорга
- B. Тергов бўлинмасининг бошлиғига
- C. Прокурорга
- D. Судья ёки судга
- E. А, Б, В, Г биргаликда

4. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлашга нима сабаб бўлади?

- A. Бевосита тергов ва бошқа ишларни кўриб чиқиш давомида олинган маълумотлар
- B. Фуқароларнинг мурожаатлари, мансабдор шахслар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг хабарлари, оммавий ахборот воситаларининг хабарлари
- C. Маҳкумнинг аризаси ёки илтимоси
- D. Фуқароларнинг мурожаатлари, мансабдор шахслар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг хабарлари, оммавий ахборот воситаларининг хабарлари, бевосита тергов ва бошқа ишларни кўриб чиқиш давомида олинган маълумотлар
- E. Имзосиз аризалар

5. Янги очилган ҳолатларни текшириш доираси қандай?

А. Илгари қўйилган айблов

В. Маҳкумнинг айбсизлигидан далолат берувчи янги фактлар

С. Маҳкумнинг оғирроқ жиноят содир этганлигидан далолат берувчи янги фактлар

Д. Янги очилган ҳолатларни текшириш доираси қонун бўйича жиноят иши қўзғатиш учун асос бўладиганларини аниқлаш билан чекланади

Е. Маҳкум сохталик билан ўзини ўзи айблаганлиги ва оғир жиноят содир этган бошқа шахснинг айбини ўзига олганлиги фактларининг аниқланиши

Текшириш учун саволлар

1. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлашнинг вазифалари ва аҳамияти нималардан иборат?

2. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлашнинг асослари ва сабаблари нимадан иборат?

3. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш учун қонунда қандай муддатлар белгиланган?

4. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш тартиби қандай?

5. Янги очилган ҳолатлар юзасидан тергов ўтказиш доираси қандай?

6. Янги очилган ҳолатлар юзасидан тергов ўтказиш борасида прокурор қандай ваколатларга эга?

7. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш ҳақидаги масалаларни қайси судлар ҳал қилади?

8. Иш юритишни қайтадан бошлаш масаласини кўриб чиқишда суд муҳокамасининг тартиби қандай?

9. Суд янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш ҳақидаги масалани қандай ҳал қилади?

XXIX боб. Ҳукми ижро этиш босқичи

29.1. Ҳукми ижро этиш босқичи, унинг вазифалари ва аҳамияти

Жиноят процесси олдида турган вазифалар қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқариш, шунингдек уни ўз вақтида ва аниқ бажариш орқали амалга оширилади.

Ҳукми ижро этиш – жиноят процессининг якунловчи (охирги) босқичи бўлиб, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларга тайинланган жазонинг ижро этилишини, маҳкумларнинг ахлоқини тузатиш, уларнинг конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, шунингдек рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш жараёнларини процессуал ва жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари талабларига қатъий мувофиқ ҳолда таъминлашдан иборат.

Ушбу мақсадга ҳақиқатда эришиш қўйидагиларга боғлиқ:

- содир этилган қилмишнинг оғирлигига тўлиқ мос келувчи жазони тайинлашда одиллик;
- жинорий жазони ижро этувчи органлар фаолиятининг самарадорлиги;
- ушбу босқичда юзага келадиган масалаларни тўғри ҳал қилиш.

Ҳукми ижро этиш босқичининг аҳамияти ҳар бир жиноятчи адолатли жазога тортилиши учун жиноят процесси вазифаларининг бажарилишига ёрдам беришидadir. Ҳукмнинг самарали ижро этилиши фуқароларда ҳар бир жиноят учун жазонинг муқаррарлигига бўлган ишончни ҳосил қилишга ёрдам беради ва бу жиноятлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилувчи омил вазифасини бажаради.

29.2. Ҳукми ижро этиш асослари ва шартлари

Жинорий жазони ижро этиш мақсадига эришишда ЖПК нормаларини амалга ошириш билангина чекланиб бўлмайди, чунки ушбу жараён жазони ижро этиш механизмларининг ҳам ишлашини тақозо этади. Шу боис Жиноят-ижроия кодекси (ЖИК) нормаларига мурожаат этишимиз асосли ва мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси ЖИК 5-моддасига мувофиқ, жазони ижро этиш асосларини суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими, қарори, шунингдек амнистия ёки афв этиш ҳужжатлари ташкил қилади.

Ҳукм унинг устидан апелляция шикоятни бериш ва протест билдириш муддати ўтиши билан қонуний кучга киради. Апелляция шикоятни берилган ёки протест билдирилган тақдирда ҳукм, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори суд кўриб чиққан куни қонуний кучга киради. Апелляция инстанциясининг ҳукми ва ажрими улар чиқарилган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Маҳкумлар икки ва ундан ортиқ бўлган тақдирда, башарти шулардан лоақал бирига нисбатан ҳукм устидан шикоят берилган ёки протест билдирилган бўлса, юқори суд ишни кўриб чиққунига қадар маҳкумларнинг ҳаммасига нисбатан ҳукм қонуний кучга кирмай туради.

Ҳукм қонуний кучга кирган ёки иш апелляция инстанцияси судидан қайтарилган кундан бошлаб уч кундан кечикмай, ҳукм чиқарган суд томонидан ижро эттирилади. Иш фақат биринчи инстанция судига юборилиши лозим, прокурорга ёки бошқа судга юборилиши мумкин эмас (ЖПК 528-м.).

Қонунда ҳукмларнинг айрим турларини ижро этишнинг алоҳида тартиби ва муддати назарда тутилган. ЖПКнинг 529-моддасига мувофиқ, суд ҳукми эълон қилгач, суд мажлиси залида қўйидагиларни дарҳол қамоқдан озод қилади: 1) оқланган шахсни; 2) жазо тайинланмаган маҳкумни; 3) жазодан озод этилган маҳкумни; 4) ушлаб туриш ёки эҳтиёт чорасини қўллаш оқибатида қамоқда бўлган вақтдан ёхуд назорат тартибида бекор қилинган ҳукмга биноан шу иш бўйича жазони ўтаган вақтдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилган маҳкумни; 5) шартли равишда озодликдан маҳрум этилган маҳкумни; 6) озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога маҳкум этилган шахсни.

Биринчи инстанция судининг ажрими шу ажрим устидан кассация тартибида хусусий шикоят бериш ва хусусий протест билдириш муддати ўтиши билан ёхуд шикоят ёки протест билдирилган тақдирда иш юқори судда кўриб бўлинганидан кейин қонуний кучга киради ва ижро этилади.

Суднинг шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин бўлмаган ажрими шу ажрим чиқарилиши биланоқ дарҳол кучга киради ва ижро этилади. Жиноят ишини тугатиш ҳақидаги суд

ажримнинг айбланувчини ёки судланувчини қamoқдан озод қилишга оид қисми дарҳол ижро этилиши лозим.

Кассация инстанцияси судининг ажрими у эълон қилинган пайгдан қонуний кучга киради.

Юқори инстанция судининг ажрими, қарори ЖПКнинг 497-моддасида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиб ижро этирилади, яъни ажрим (қарор) чиқарилганидан кейин у узоғи билан беш сутка ичида жиноят иши билан бирга қўшиб уни ижро этириш ваколатига эга бўлган судга юборилади. Жиноят иши қўшимча терговга жўнатилган тақдирда эса – айблов ҳулосасини тасдиқлаган прокурорга ижро этиш учун юборилади.

Агар ажрим (қарор)га кўра маҳкум қamoқдан озод қилиниши лозим бўлса, ажрим (қарор) суд залининг ўзида ижро этилади ва унинг нусхаси ушбу ажрим (қарор) чиқарилганидан кейин 24 соатдан кечиктирилмай жазони ижро этиш муассасасининг маъмуриятига юборилади.

Қонуний кучга кирган ҳукмнинг хусусиятлари унинг барқарорлиги, шубҳасизлиги, алоҳидалиги ва мажбурийлигида намоён бўлади. Ҳукмнинг барқарорлиги шундаки, у қонун кучига эга бўлади ва қонунийлик, асослилик ва адолатлилик талабларига жавоб бермаса ҳам, кассация тартибида унинг устидан шикоят қилиниши ва протест билдирилиши мумкин эмас. Хато фақат назорат тартибида тузатилиши мумкин.

Ҳукмнинг мажбурийлиги унинг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бажарилиши шарт эканлигини билдиради.

Суд ҳукмида мавжуд топшириқларнинг амалга ошириши уни ижро этишнинг моҳиятини ташкил қилади. Ушбу моҳият қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) ҳукми қонунда белгиланган тартибда ижро этириш;
- б) суднинг ҳукм ижросини назорат қилиши;
- в) ахлоқ тузатиш таъсири кўрсатиш жараёни;
- г) жазони ижро этишда юзага келадиган масалаларни ҳал қилиш.

Суд ҳужжатларини ижро этиш босқичи Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг нормалари билан тартибга солинган бўлиб, уларда қуйидагилар белгилаган:

- жиноий жазони, бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш принциплари, тартиби ва шартларини;
- маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини;
- маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситалари ҳамда уларни қўллаш тартибини;

- маҳқумларни жазони ўташдан озод қилиш тартибини;
- маҳқумларни ахлоқан тузатишда давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхона, муассаса, ташкилотларнинг, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг иштироки.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, демократизм, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш ва маҳқумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш принципларига асосланади.

Маҳқумларни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларига жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими), меҳнат ва тарбиявий таъсирнинг бошқа чоралари; таълим ва касб тайёргарлиги киради. Ушбу воситалар жазо турини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, шунингдек маҳқумнинг шахси ва хулқ-атворини инобатга олган ҳолда қўлланилади.

29.3. Ҳукми, ажрими ва қарорни ижро эттириш тартиби

Ҳукм, ажрим ва қарорни ижро эттириш уларни қабул қилган суд зиммасига юклатилади. Ҳукми ижро этиш тўғрисидаги фармойишни судья ёки суд раиси ҳукми ижро этиш мажбурияти юклатилган органга ҳукмнинг нусхаси билан биргаликда юборади. Иш апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрилганда ҳукм ўзгартирилган бўлса, ҳукм нусхасига апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судининг ажрими ёхуд қароридан нусха илова қилинади.

Ҳукми ижро этувчи органлар унинг ижро этилганлиги ҳақида ҳукми чиқарган судга дарҳол хабар беради. Жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳқум жазони қаерда ўтаётгани ҳақида ҳукми чиқарган судга хабар бериши шарт.

Суд қарорини ўз вақтида ёки тўлиқ бажармаслик қонун ҳужжатларига биноан жавобгарликка сабаб бўлади. Қонуний кучга кирган ҳукмнинг нусхаси зарур ҳолларда маҳқумнинг иш, ўқиш ёки яшаш жойига юборилади. Ушбу ҳукм ҳақида зарур ҳолларда матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка маълум қилинади.

Суд маҳқумни ҳарбий унвонидан ёки махсус унвонидан маҳрум этиш тўғрисида қарор чиқарган бўлса, ҳукмнинг нусхасини ижро этиш учун ана шу унвонни берган органга юборади. Суд

давлат мукофотлари билан тақдирланган ёки олий ҳарбий ёхуд махсус унвонга эга бўлган шахсга нисбатан айблов ҳукмини чиқаришда уни ана шу мукофотлар ёки унвонлардан маҳрум этиш тўғрисида тегишли органга тақдимнома киритишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал қилади.

Ҳукмнинг жарима солиш ва бошқа мулкый ундиришлар қисмини ижро этиш учун ижро варақалари ёки уларнинг дубликатлари маҳкумнинг яшаш жойи ёки жазони ўташ жойидаги суд ижрочиларига юборилади.

Қамоқда сақланаётган маҳкумни озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳукм қонуний кучга киргани ва ижро эттирилиши ҳақида суд маҳкумнинг оиласини хабардор қилиши шарт. Қамоқда сақланаётган маҳкум билан учрашувларга ҳукми ижро эттиришдан аввал ЖПКнинг 477-моддаси асосида рухсат этилади.

Суд маҳкумнинг вояга етмаган фарзандларини муассасаларнинг, қариндошларининг ёки бошқа шахсларнинг ҳомийлигига бериш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса, суд бу ҳақда болалар турган жойдаги васийлик органига, шунингдек маҳкумга хабар беради.

Маҳкумнинг қаровсиз қолган мол-мулки ва турар жойини қўриқлаш чораларини кўриш зарурлиги тўғрисида суд мол-мулк ва турар жой жойлашган ердаги ҳокимликка ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилади, бу ҳақда маҳкумни хабардор этади (ЖПК 531-м.).

29.4. Ҳукм, ажрим, қарорни ижро этувчи органлар

Жарима тариқасидаги жазони суд ижро этади. Бундай жазога ҳукм қилинган шахс жаримани ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч ойлик муддат ичида ихтиёрий равишда тўлаши шарт. Агар белгиланган муддатда жаримани тўлиқ миқдорда тўлаш имкони бўлмаса, суд маҳкумнинг илтимосига кўра ҳукмнинг ижросини ЖПКнинг 533-моддасида белгиланган тартибда кечиктириши ёки маҳкумнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда жаримани олти ойлик муддат ичида бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этиши мумкин.

Маҳкумнинг жаримани тўлашдан бўйин товлаши бу жазони Жиноят кодексининг 44 ва 82-моддаларида назарда тутилган тартибда ва доирада бошқа жазо билан алмаштиришга сабаб бўлади. Ички ишлар органларига қонун билан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳ-

рум этиш ва ўлим жазоси кўринишидаги жазоларни ижро этиш вазифаси юклатилган.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазосини маҳкум яшайдиган жойдаги ушбу органларнинг жазоларни ижро этиш инспекцияси ижро этади. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

— бундай турдаги жазоларга ҳукм қилинган шахсларни ҳисобга олиш, маҳкумларнинг иш жойидаги маъмуриятга тегишли кўрсатмалар юбориш;

— маъмуриятнинг ҳукм талабларини бажаришини текшириш ва маҳкумларнинг хулқ-атворини назорат қилиш, ушбу жазоларни бажаришдан бўйин товловчи шахсларга қонунда назарда тутилган чораларни кўриш.

Қамоқ — озодликдан маҳрум этиш эмас, балки ЖКнинг 48-моддасида суд ҳукми билан белгиланган ва озодликни бир ойдан олти ойгача бўлган муддатга жиддий чекловчи мустақил жазо тури сифатида назарда тутилган.

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар ҳукм чиқарилган жойдаги махсус қамоқ уйларида бошқалардан қаттиқ ажратилган шароитда ўтайдилар. Маҳкумлар жазони ўташ учун қамоқ уйларига тергов ҳибсхонасининг маъмурияти ҳукм қонуний кучга кирганлиги тўғрисида суд хабарномасини олган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида жўнатилади.

Маҳкумларнинг қамоқ жазосини ўташ шароитлари ва тартиби қуйидаги принципларга асосланади:

— биринчи марта қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахсларни илгари қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаган шахслардан, эркакларни аёллардан, вояга етмаганларни катта ёшдагилардан алоҳида сақлаш;

— қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг маиший-яшаш шароитлари белгиланган гигиена ва санитария қоидаларига мос бўлиши шарт. Улар икки кишилик, тўрт кишилик ва умумий камераларда сақланадилар. Бир маҳкумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси икки ярим квадрат метрдан кам бўлиши мумкин эмас. Маҳкумга ётиш учун алоҳида жой, кўрпа-тўшак ва чойшаб, шунингдек тергов ҳибсхоналарига қамоқда турган шахслар учун қонун ҳужжатларида белгиланган норма бўйича овқат берилади. Қамоқ уйининг камералари радиоэшиттириш тармоғи билан жиҳозланади. Маҳкумларга стол устида ўйналадиган ўйинлар, газеталар, журналлар берилади, улар кутубхонадан фойдаланиш, сони чекланмаган

ҳолда хат-ёзишмалар олиш ва жўнатиш (аммо уларнинг ёзишмалари назорат қилиниши керак), пул жўнатмалари олиш ва юбориш, посилтка ва бандероллар жўнатиш ҳуқуқига эга.

Маҳқумларга учрашувлар, телефон орқали сўзлашувлар, посылкалар олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш қаттиқ чекланган ва одатда рухсат этилмайди. Айрим маҳқумларга ёки алоҳида шароитлар мавжуд бўлганда ушбу қоидадан истиснолар назарда тутилган.

Вояга етмаган маҳқумларга яқин қариндошлари билан ҳар ойда бир марта муддати уч соатгача бўлган қисқа муддатли учрашув имконияти берилади.

Маҳқума ҳомиладор аёллар ва ёнида боласи бор аёлларгина, шунингдек шифокорнинг хулосасига кўра даволанишга ва кучли овқат билан таъминланишга муҳтож деб топилган беморларга тиббий хулосада белгиланган миқдорда ва турда йўқловлар олишга рухсат этилади.

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар қамоқ уйининг хўжалик хизматига оид ишларига ҳафтасига тўрт соатгача бўлган муддатга ҳақ тўламаган ҳолда жалб этилишлари мумкин. Бундай уйларнинг маъмурияти маҳқумлар билан тарбиявий иш олиб боради. Уларга яхши хулқ-атвор учун қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин: ташаккур эълон қилиш, илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш, ҳар кунги сайр вақтини бир соатга кўпайтириш.

Жазони ўташ тартибини бузганлиги учун маҳқумларга қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин: огоҳлантириш, ҳайфсан, ўн суткагача бўлган муддатга, аёллар ва вояга етмаганларни эса – 7 суткагача бўлган муддатга карцерга киритиб қўйиш, ҳар кунги сайрнинг рағбатлантириш тариқасида кўпайтирилган муддатини бекор қилиш.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини жазони ижро этиш муассасалари амалга оширади. Жазони ижро этиш муассасаларига қуйидагилар киради:

- жазони ижро этиш колониялари;
- тарбия колониялари;
- турмалар;

– озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга мўлжалланган тергов ҳибсхоналари.

Вояга етган маҳқумлар учун мўлжалланган колониялар сақлаш режимининг турларига кўра қуйидагиларга бўлинади:

– эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун ҳукм этилган шахслар, шунингдек умумий ва қаттиқ тартибли колониялардан ёки тарбия колонияларидан ўтказилган маҳқумлар сақланадиган манзил-колониялар;

– умумий тартибли колониялар озодликдан маҳрум этишга биринчи марта ҳукм қилинган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган бўлиб, қуйидагиларга бўлинади: 1) қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун; 2) оғир жиноят содир этганлик учун; 3) илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлик учун қайта судланган аёллар учун;

– қаттиқ тартибли колониялар қуйидагиларга бўлинади:

1) ўта оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган колониялар;

2) илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлик учун қайта судланган эркаклар сақланадиган колониялар;

3) илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва ўта оғир жиноят содир этганлик учун яна судланган аёллар, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилган аёллар сақланадиган колониялар.

– махсус тартибли колониялар озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, ўта хавфли рецидивист деб топилган, шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган эркакларни сақлаш учун мўлжалланган;

– умумий тартибли тарбия колониялари қуйидагиларга бўлинади:

а) эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноят учун ҳукм қилинган вояга етмаган шахслар сақланадиган колониялар;

б) қасддан унча оғир бўлмаган ва оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган вояга етмаганлар сақланадиган колониялар;

в) ўта оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган вояга етмаганлар сақланадиган колониялар;

г) илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлик учун қайта судланган аёл жинсига мансуб вояга етмаган шахслар сақланадиган колониялар;

— кучайтирилган тартибли тарбия колониялари илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлик учун қайта судланган эркак жинсига мансуб вояга етмаган шахсларни сақлаб туришга мўлжалланган колониялар;

— турмалар турма қамоғига ҳукм қилинган шахсларни, шунингдек умумий ва қаттиқ тартибли колониялардан жазони ўташ тартибини ашаддий бузганлиги учун ўтказилган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар тергов ҳибсхонасининг маъмурияти ҳукм қонуний кучга кирганлиги тўғрисида суд хабарнома олган кундан бошлаб 10 кунлик муддат ичида жазони ижро этиш учун жўнатилади.

Жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкум етиб келган кунидан бошлаб уч кунлик муддат ичида бу ҳақда ҳукм чиқарган судни хабардор қилиши, шунингдек маҳкумнинг оиласига муассаса манзилени кўрсатиб, ҳамда маҳкумнинг ёзишма олиб бориш, учрашув, посилка, йўқлов ва бандероллар олиш, телефон орқали сўзлашув ҳуқуқларини тушунтириб, хабарнома юбориши шарт.

Муассасага етиб келган маҳкумлар уларнинг шахсини ўрганиш ва шароитга мослашиб олишлари учун 15 суткагача муддатта, одатда қабул бўлимига жойлаштирилади. Уларга жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида керакли ахборот берилади, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс одатда бутун жазо муддатини битта муассасада ўтайди. Қонунда эркаклар ва аёллар, вояга етмаган ва катта ёшлилар, озодликдан маҳрум этишга биринчи марта ҳукм қилинган шахслар ва илгари бу жазо турини ўтаган маҳкумлар алоҳида-алоҳида сақланиш белгиланган.

Қуйидагилар бошқа маҳкумлардан батамом ажратилиб, шунингдек алоҳида-алоҳида сақланади: ўта хавfli рецидивистлар; ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган; маҳкум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар; суд ва ҳуқуқ-тартиботни муҳо-

фаза қилувчи органларнинг собиқ ходимларига мансуб маҳкумлар; турли юқумли касалликларга чалинган маҳкумлар.

Жазодан кўзланган мақсадга эришиш учун жазони ижро этиш муассасаларида махсус режим ўрнатилади. Ушбу режим куйидагиларни таъминлайди:

— маҳкумларни батамом ажратиб кўйиш, уларни кўриқлаш ва назорат қилиб туришни;

— маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, шунингдек уларнинг ўз мажбуриятларини адо этишини, муайян тоифадаги маҳкумларнинг алоҳида-алоҳида сақланишини;

— муассаса турига қараб, маҳкумларнинг ҳар хил шароитда сақланишини;

— маҳкумларнинг ва муассаса ходимларининг хавфсизлигини.

Манзил-колонияларда жазо ўташ шартлари шундайки, уларда маҳкумлар:

— соқчисиз, аммо назорат остида сақланадилар;

— эрталаб ўриндан туришдан кечки ётишгача бўлган вақт мобайнида колония ҳудудида эркин юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар;

— агар улар бажараётган иш ёки олаётган таълим тақозо этса, маъмуриятнинг рухсати билан колония ҳудудидан ташқарида назоратсиз юришлари мумкин;

— фуқаролар киядиган кийимда юрадилар;

— ёнларида пул ва қимматли буюмлар сақлашлари, ундан чекланмаган ҳолда фойдаланишлари мумкин;

— уларга чекланмаган миқдорда телефон орқали сўзлашишлари, посилка, йўқлов ва бандероллар олишлари ҳамда жўнатишларига рухсат этилган;

— ҳар ойда бир марта узоқ муддатли учрашув олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай учрашув маҳкумнинг илтимосига биноан манзил-колония ҳудудидан ташқарида ўтказилиши мумкин. Қисқа муддатли учрашув чекланмаган миқдорда, аммо одатда ишдан бўш вақтда бериледи;

— улар хоналарга бўлинган ётоқхоналарда яшайдилар, сақлаш режимини бузмаган, оиласи бор маҳкумларга манзил-колония ҳудудида ёки ундан ташқарида оиласи билан алоҳида яшашга рухсат берилиши мумкин. Манзил-колония маъмуриятининг вакили маҳкумлар яшаётган жойга сутканинг исталган вақтида кириши мумкин;

— муассаса жойлашган ҳудуддаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан ўқишлари мумкин;

— уларни бошқа ишга ўтказиш, ишдан бўшатиш каби манзил-колония маъмурияти билан келишилган ҳолда амалга ошириладиган муайян истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат қилдилар.

Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар ва қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

— белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 40 % гача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш;

— йил мобайнида тўрт марта қисқа муддатли ва уч марта узоқ муддатли учрашув олиш;

— тўрт марта телефон орқали сўзлашиш, тўртта посылка ёки йўқлов, тўртта бандерол олиш.

Қаттиқ тартибли колонияларда ҳам маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар ва худди умумий тартибли колонияларда сақланадиган маҳкумларникига ўхшаш ҳуқуқларга эгадирлар. **Фарқи фақат шундаки, йил мобайнидаги учрашувлар, телефон орқали сўзлашувлар, олинадиган посылка, йўқлов ва бандероллар сони битта кам бўлади.**

Махсус тартибли колонияларда маҳкумлар камераларда яшайдилар. Уларга кинофильмлар ва телекўрсатувлар кўриш тақиқланади. Улар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

— белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 40 % гача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш;

— йил мобайнида икки марта қисқа муддатли ва икки марта узоқ муддатли учрашув олиш;

— икки марта телефон орқали сўзлашиш, иккита посылка ёки йўқлов, иккита бандерол олиш.

Турмаларда маҳкумлар умумий камераларда сақланадилар. Алоҳида ҳолларда, маҳкумнинг батамом ажратиб қўйилишини таъминлаш мақсадида, муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори асосида уни бир кишилик камерада сақлашга йўл қўйилади.

Улар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 30 % гача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин; ҳар куни 30 минутли сайр қилиш ҳамда йил мобайнида: бир марта қисқа муддатли учрашув, бир

марта телефон орқали сўзлашув, иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Ҳомиладор аёллар ва ёнида эмизикли боласи бор аёллар, шуниингдек I ва II гуруҳ ногиронлари турмаларда жазони енгиллаштирилган сақлаш шароитида ўтайдилар. Ушбу шароитда рағбатлантириш тариқасида ҳар кунлик сайр муддати I соатга узайтирилиши мумкин.

Тарбия колонияларида 16 ёшгача бўлган вояга етмаган маҳкумлар одатда каттароқ ёшдаги маҳкумлардан алоҳида сақланади. Уларга белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 50 % гача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш рухсат этилган. Улар йил мобайнида: олти марта қисқа муддатли учрашув ва тўрт марта узоқ муддатли учрашув, тўрт марта телефон орқали сўзлашув, олтига посилка ёки йўқлов, олтига бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Улар муассаса ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган маданий-томоша ва спорт тадбирларини кўришга юбориш; қисқа муддатли учрашув ўрнига ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки яқин қариндошлари кузатувида 8 соатгача бўлган муддатга эркинликка чиқариш; ҳибсхонада бўлиш муддатини қисқартириш ва ундан муддатидан илгари озод қилиш тариқасида рағбатлантирилишлари мумкин. Уларни ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо ҳам катта ёшдаги маҳкумларга қараганда қисқароқ (16 ёшгача бўлган маҳкумларга — етти суткагача, 16 ва ундан катта ёшдагиларга — 10 суткагача) муддатга қўлланилади.

Ўлим жазосини ижро этиш шартлари ушбу турдаги жазонинг хусусиятлари билан боғлиқ. Бу жазо фақат чекланган сонли ўта оғир жиноятлар учун тайинланиши мумкин. Ўлим жазосининг алоҳида хусусияти шундаки, ижро этилган ҳукмни тузатиб ёки бекор қилиб бўлмайди. Шу боис мазкур жазони қўллаш пена-логиянинг ҳозирги концепциясига зид келади. Ушбу концепцияга мувофиқ, жиноятчини қайта тарбиялаш мумкин. Ўлим жазосини ижро этишга асос қилиб олинган уни жисмонан йўқ қилиш эса тарбия элементларига эга эмас.

Ўлим жазосига ҳукм қилинган маҳкумлар икки кишилик камераларда кучайтирилган кўриқлов остида ва бошқалардан батамом ажратиб қўйилган ҳолда сақланадилар. Уларга нисбатан турма қамоғи учун назарда тутилган сақлаш шароитлари татбиқ этилади. Ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларни енгиллаштирилган шароитга ўтказишга йўл қўйилмайди.

Бундай жазога ҳукм қилинган шахслар қуйидагиларга ҳақлидирлар:

- қонунда назарда тутилган тартибда зарур фуқаровий-ҳуқуқий ва оида-никоҳ муносабатларини расмийлаштиришга;
- юридик ёрдам олиш ҳамда муддати ва миқдори чекланмаган ҳолда адвокат билан учрашишга;
- чекланмаган миқдорда хат олиш ва жўнатишга;
- яқин қариндошлари билан ҳар ойда бир марта қисқа муддатли учрашувга;
- руҳоний билан учрашувга;
- зарур тиббий ёрдам олишга;
- ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин афв этиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишга, ушбу масала кўриб чиқилгунига қадар ҳукмнинг ижроси тўхтатиб турилади.

Ўлим жазосини ижро этиш учун суднинг ҳукми, фармойиши ҳамда афв этиш тўғрисидаги илтимосномани рад этиш ёки афв этишни рад этиш тўғрисидаги хабарнома асос бўлади.

Ўлим жазоси оммага кўрсатмасдан отиш йўли билан ижро этилади. Бир неча шахсга нисбатан тайинланган ўлим жазосини ижро этиш уларнинг ҳар бирита нисбатан алоҳида ва бошқаларига кўрсатмасдан прокурор, жазони ижро этувчи орган бошлиғи ва маҳкумнинг ўлганлигини қайд қилувчи шифокор иштирокида амалга оширилади.

Ҳукм ижро этилганлиги тўғрисида далолатнома тузилиб, уни ижро вақтида ҳозир бўладиган мазкур шахслар имзолайдилар. Жазони ижро этган орган маъмурияти ўлим жазоси ижро этилганлиги ҳақида ҳукм чиқарган судга уч кунлик муддат ичида хабар қилиши шарт. Суд маҳкумнинг яқин қариндошларини воқеадан хабардор қилади. Марҳумнинг жасади дафн қилиш учун берилмайди. Дафн этилган жой маълум қилинмайди.

Ахлоқ тузатиш ишларини ижро этиш вазифаси маҳкумнинг турар жойидаги ички ишлар органлари инспекциясига, бундай инспекция бўлмаганида эса ҳукм чиқарилган жойдаги ушбу органларнинг инспекциясига юклатилган. Бу жазони одатда маҳкум жазога ҳукм қилингунига қадар ишлаган жойда ўтайди оширилади. Ҳукмда жазони бошқа жойларда ўташ зарурлиги кўрсатилган тақдирда бундай жойни инспекция белгилайди.

Вояга етмаган маҳкумлар турар жойларидаги корхоналарга юбориладилар. Маҳкумнинг иш жойидаги муассаса, корхона, ташкилот маъмурияти маҳкумнинг иш ҳақида ҳукмда кўрсатилган фоизини ҳар ойда тўғри ва ўз вақтида давлат

фойдасига ушлаб қолинишини таъминлайди, инспекцияни маҳкумнинг хулқ-атворида юз бераётган барча ўзгаришлар ва унга нисбатан кўрилган чоралардан хабардор қилади.

Маҳкум ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаган тақдирда инспекция судга ўталмаган жазони ЖК 46 ва 83-моддаларида назарда тутилган тартибда озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш ҳақида тақдимнома киритади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазони ижро этишни маҳкумнинг турар жойидаги ички ишлар органларининг жазони ижро этиш инспекцияси амалга оширади. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради:

— ушбу турдаги жазога ҳукм қилинган шахсларни ҳисобга олиш;

— маҳкумнинг иш жойидаги корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига ёки муайян турдаги фаолият билан шуғулланишга берилган рухсатни бекор қилишга ваколатли органга ҳукм талабларининг ижро этилганлиги ҳақида хабарнома юбориш;

— маҳкумнинг ҳукмда кўрсатилган тақиққа риоя этишини назорат қилиш;

— у ишлайдиган жойидаги маъмуриятнинг, шунингдек муайян турдаги фаолият билан шуғулланишга берилган рухсатни бекор қилишга ваколатли органнинг ҳукмда белгиланган талабларни бажаришини текшириш;

— агар маҳкум ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган ёки киришган бўлса, мудофаа ишлари бўйича бўлимга ёки хизмат бўлимига ҳукмнинг нусхаларини юбориш.

Маҳкумнинг иш жойидаги маъмурият инспекциядан хабарнома олган кундан бошлаб уч кундан кечикмай уни лавозимидан ёки шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган меҳнат фаолиятининг туридан озод қилиши ва инспекцияга ҳукм ижро этилганлиги, шунингдек маҳкум бошқа ишга ўтказилганлиги ёхуд у билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилганлиги ҳақида ёзма равишда хабар бериши шарт. Хабарга тегишли ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

Муайян турдаги фаолият билан шуғулланишга берилган рухсатни бекор қилиш ваколатига эга бўлган органнинг ҳукмини ижро этиши учун ҳам худди шундай тартиб ва муддатлар белгиланган. Ушбу турдаги жазога ҳукм қилинган шахс ҳукм талабларини бажариши, инспекцияга ушбу жазони ўташ билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим этиши, яшаш, ишлаш жойи ўзгарганлиги ёки меҳнат шартномаси тўхтатилганлиги ҳақида

хабар бериши, чақирилганда инспекцияда ҳозир бўлиши шарт. Инспекцияга боришдан бўйин товлаган тақдирда белгиланган тартибда у ерга мажбуран олиб борилиши мумкин.

Жиноят предмети бўлган мол-мулкни давлат эгалигига ўтказиш кўринишидаги жазони ижро этиш ҳукм чиқарган суднинг ижро варақасини, мулк рўйхати ва ҳукм нусхасини суд ижрочисига юбориш орқали амалга оширилади. Бу тўғрида тегишли солиқ органи хабардор қилинади.

Жазони ва жинойи-ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини ижро этувчи муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари; ушбу чораларни ижро этишда қонунларга риоя этилишини эса Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар қонунда белгиланган ваколатлари доирасида назорат қиладилар.

29.5. Ҳукми ижро этиш босқичида маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати

Жиноят-ижроия кодексининг 8–9-моддаларига мувофиқ, маҳкумлар муайян турдаги жазони ижро этиш тартиби ва шарт-шароитларидан келиб чиқиб белгиланадиган муайян ҳуқуқлар ва эркинликларга эга бўладилар ҳамда мажбуриятларни бажарадилар.

- Маҳкумларнинг асосий ҳуқуқлари қуйидагилардан ибор
- жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида, ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот олиш;
 - жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятига, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат этиш;
 - ўз таклиф, ариза ва шикоятларига мурожаат этилган тилда жавоб олиш;
 - тушунтириш бериш ҳамда ёзишмалар олиб бориш;
 - ахборот материалларидан фойдаланиш;
 - амбулатория-поликлиника ва стационар шароитида тиббий ёрдам олиш;
 - ижтимоий таъминот, шу жумладан, қонун ҳужжатларига мувофиқ, пенсия олиш;
 - ариза бўйича адвокатлар билан учрашув олиш орқали улардан сони учрашувлар сони ҳисобига кирмайдиган ҳамда миқдори ва муддати чекланмайдиган малакали юридик ёрдам олиш;

– жазони ижро этувчи органларнинг мансабдор шахслари кўрадиган чоралар орқали таъминланадиган шахсий хавфсизлик ҳуқуқига эга.

ЖИКнинг 12-моддасига мувофиқ, маҳкумларга виждон эркинлиги, яъни ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи кафолатланади.

Маҳкумларнинг асосий мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- жазони ўташ тартиби ва шартларига риоя этиш;
- жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятининг қонунга асосланган талабларини бажариш.

Маҳкумларнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажармаслиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

29.6. Суд ҳукми, ажрим ва қарорни ижро этишда ҳал қиладиган масалалар

Судья озодликдан маҳрум этилган шахсга нисбатан ҳукми ижросини қуйидаги асослардан бирортаси мавжуд бўлганда кечиктириши мумкин:

1) маҳкум жазони ўташига монелик қиладиган даражада оғир касал бўлиб қолганида – у соғайгунича;

2) ҳукми ижро этиш пайтигача маҳкума ҳомиладор бўлиб қолса – бир йилдан ошиқ бўлмаган муддатга;

3) маҳкумнинг ёш боласи бўлса – у уч ёшга тўлгунига қадар;

4) жазони дарҳол ўташни бошлаш ёнғин ёки бошқа бирор табиий офат юз берганлиги, оиланинг меҳнатга яроқли ягона аъзоси оғир касал бўлиб қолганлиги, вафот этганлиги оқибатида ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар маҳкум ёки унинг оиласини жуда мушкул аҳволга солиб қўйиши мумкин бўлса – уч ойдан ошмаган муддатга.

Ҳукмнинг жарима солиш, фуқаровий даъвони қаноатлантириш ёки келтирилган зиённи қоплаш қисмининг ижро этилишини олти ойгача кечиктириш ёки тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини судья ишнинг муайян ҳолатларини ва маҳкумнинг моддий аҳволини эътиборга олиб ҳал қилади.

Ута хавфли рецидивистларга ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳукмнинг ижросини кечиктириш мумкин эмас (ЖПК 533-м.).

Маҳқум жазони ўтаётган вақтида жазони ўташга монелик қиладиган сурункали руҳий касалликка ёки бошқа оғир касалликка дучор бўлган тақдирда судья жазонинг ижро қилинишига мутасадди органнинг тақдимномасига биноан, махсус тиббий комиссиянинг хулосасига асосан маҳқумни ўталмай қолган жазони ўташдан озод қилиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақлидир. Сурункали руҳий касалликка дучор бўлган маҳқумни ўталмай қолган жазодан озод қилишда судья унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллашга ёки уни соғлиқни сақлаш органлари ёхуд қариндошлари васийлигига беришга ҳақлидир. Бундай шахслар соғайган тақдирда, башарти бу ҳол жазонинг ижро этиш муддати тугашига қадар содир бўлса, суд тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Руҳий касалликка дучор бўлган шахслардан ташқари, оғир касалликка дучор бўлган шахсларни ўталмай қолган жазодан озод қилиш масаласини ҳал қилишда судья содир этилган жиноятнинг оғирлигини, маҳқумнинг шахсини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олади.

Маҳқумни ўталмай қолган жазодан касаллиги туфайли озод қилганда судья уни фақат асосий жазодан эмас, балки қўшимча жазо чорасидан ҳам озод қилишга ҳақли, бу ажримда кўрсатилиши лозим (ЖПК 534-м.).

Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан Жиноят кодекси 72-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ, жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин (ЖПК 535-м.).

Жиноят кодексининг 73 ва 74-моддаларида назарда тутилган ҳолларда жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан судья қўллайди.

Интизомий қисмда жазони ўтаётганларга нисбатан ана шу чораларни интизомий қисм қўмондонлигининг тақдимномасига биноан судья қўллайди.

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан

алмаштириш ўн саккиз ёшга тўлмайд жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг биргаликдаги тақдимномасига биноан ёхуд маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига асосан судья томонидан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш тарзидаги жазодан озод қилишни жамоат бирлашмаси, жамоа, маҳкумнинг ўзи ёки унинг ҳимоячисининг илтимосномасига биноан судья амалга оширади. Ушбу масалалар юзасидан тақдим этилган илтимосномалар уларни рад этиш тўғрисида қарор чиққан кундан бошлаб камида олти ой ўтгач, қайта кўриб чиқилиши мумкин (ЖПК 536-м.).

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ маҳкумни жазони ижро этишнинг бир тартибли колониясидан бошқа тартибли колониясига, турмадан колонияга ва колониядан турмага ўтказишни жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан, шунингдек маҳкумнинг ёки унинг ҳимоячисининг илтимосномасига кўра судья амалга оширади.

Судья жазони ижро этишнинг бир тартибли колониясидан бошқа тартибли колониясига, турмадан колонияга, колониядан турмага ўтказишни рад этса, бу масала юзасидан киритилган тақдимнома ёки илтимоснома рад қилиш ҳақида қарор чиқарилган кундан бошлаб камида олти ой ўтгач қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ва умумий тартибли тарбия колониясидан кучайтирилган тартибли тарбия колониясига ўтказишни тарбия колонияси маъмуриятининг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия билан келишилган тақдимномасига биноан судья амалга оширади.

Ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масаласини ҳал этишда судья унинг тузалиш даражасини ҳисобга олиши лозим. Маҳкум тарбия колониясида жазони ўташ муддатини давом эттириш учун узоғи билан йигирма ёшга тўлгунига қадар қолдирилиши мумкин (ЖПК 537-м.).

Бошқа шахс содир этган жиноят ҳақидаги иш юзасидан тергов ҳаракатлари олиб бориш зарур бўлганда жазони ижро этиш

колонияси ёки тарбия колониясида ўташ шарти билан озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган маҳкум тергов ҳибсхонасига Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан — уч ойгача муддатга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарларининг розилиги билан — олти ойгача муддатга ёки иш судда кўрилиши муносабати билан — суд ажримига биноан иш кўрилиб бўлгунига қадар ушлаб турилиши мумкин (ЖПК 538-м.).

Жарима солишни ва ахлоқ тузатиш ишларини жазонинг бошқа тури билан алмаштиришни Жиноят кодексининг 44 ва 46-моддаларига мувофиқ судья ички ишлар органи тақдимномаси билан ёки жамоат бирлашмаси ёхуд жамоанинг илтимосномаси бўйича амалга оширади (ЖПК 539-м.).

Маҳкумга нисбатан ижро этилмаган бир неча ҳукм мавжуд бўлиб, кейинги ҳукмни чиқарган суд бундан беҳабар бўлса, ҳукм ижро этилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди ҳукм қилинган шахсга Жиноят кодексининг 60-моддасига амал қилиб, мазкур ҳукмларнинг ҳаммасида белгиланган жазоларни қўллаш тўғрисида ажрим чиқаради (ЖПК 540-м.).

Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолган шахсларни озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўташдан озод қилиш, ҳукм ижросини кечиктириш, ҳукмни ижро қилмаслик, жарима солишни ва ахлоқ тузатиш ишларини жазонинг бошқа тури билан алмаштириш, ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни умумий меҳнат стажига қўшиш, руҳий касал шахсларга қўлла-наётган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўзгартириш ёки бекор қилиш, алкоголизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган шахсларга нисбатан мажбурий даволаш чораларини қўллаш, узайтириш ёки тўхтатиш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек ҳукмни ижро этишда юз берадиган ҳар қандай шубҳа ва ноаниқликларни ҳукмни чиқарган суд ҳал қилади. Башарти ҳукм уни чиқарган суд фаолият кўрсатаётган ҳудуддан ташқарида ижро этилаётган бўлса, бу масалаларни тенг даражадаги суд ҳал этади, ҳукм ижро этилаётган ҳудудда тенг даражадаги суд бўлмаса, юқори суд ҳал этади. Бундай ҳолларда ажримнинг нусхаси ҳукм чиқарган судга жўнатилади.

Маҳкумни касаллиги ёки ногиронлиги сабабли жазони ўташдан озод қилиш, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ

жазо билан алмаштириш, жазонинг шартлилигини бекор қилиш, бир жазони ижро этиш колониясидан ёки тарбия колониясидан бошқа турдаги колонияга, жазони ижро этиш колониясидан турмага ва турмадан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш ҳақидаги масалаларни маҳқум жазони ўтаб турган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси ҳал қилади.

Озодликдан маҳрум этишга шартли равишда ҳукм қилинганда синов муддатини қисқартириш ёки шартли ҳукмни бекор қилиб, маҳқумни ҳукмда белгиланган жазони ўташ учун жўнатиш ҳақидаги, ҳукмнинг ижро этилиши кечиктирилган маҳқумни жазодан озод этиш, шунингдек ҳукмнинг ижросини кечиктиришни бекор қилиш ва маҳқумни озодликдан маҳрум этишни ўташ учун юбориш тўғрисидаги, судланганликни олиб ташлаш ҳақидаги масалаларни шу маҳқумнинг истиқомат жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси ҳал қилади (ЖПК 541-м.).

Ҳукмни ижро этиш тўғрисидаги масалаларни судья прокурор ҳамда маҳқум иштирокида суд мажлисида ҳал қилади. Маҳқумнинг ЖПК 532-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлари таъминланади. Судья вояга етмаган, шунингдек жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган маҳқумларга доир ҳукмларни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқаётганида ҳимоячи иштирок этиши шарт.

Агар масала ҳукмнинг фуқаровий даъво тўғрисидаги қисмини ижро этишга тааллуқли бўлса, суд мажлисига фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари ҳам чақирилади. Мазкур шахсларнинг суд мажлисига келмай қолиши ишни кўришни тўхтатиб қўймайди.

Маҳқумни касаллиги ёки ногиронлиги сабабли жазони ўташдан озод этиш, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш, жазонинг шартлилигини бекор қилиш тўғрисидаги, бир жазони ўташ колониясидан бошқа тартибли колонияга, бир тартибли тарбия колониясидан бошқа тартибли тарбия колониясига, тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига, жазони ижро этиш колониясидан турмага ва турмадан жазони ижро этиш колониясига, махсус тартибли жазони ўташ колониясидан қаттиқ тартибли жазони ўташ колониясига ўтказиш тўғрисидаги, ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳқумнинг меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги

масалалар маҳкум жазони ўтаб турган жойдаги туман (шаҳар) судининг ажрими билан ҳал этилади.

Иш жазонинг ижросини амалга оширувчи муассаса ҳамда вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг бир-галикдаги тақдимномасига биноан кўриб чиқиладиган ҳолларда судья мазкур комиссияни илтимоснома кўриладиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилади.

Бошқа маҳкумларга тарбиявий таъсир кўрсатиш мақсадида муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномани судья жазони ижро этиш колониясида ёки тарбия колониясида кўриб чиқиши мумкин.

Ишни кўриш тақдимнома ёки илтимосномани ўқиб эшиттиришдан . бошланади, кейин судья тақдим этилган материалларни текширади ва суд мажлисида ҳозир бўлган шахсларнинг фикрларини эшитади. Охирида маҳкум ёки унинг ҳимоячисига сўз берилади. Сўнгра судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради (ЖПК 542-м.).

Судья шартли ҳукм қилинган шахснинг синов муддатини қисқартириш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқаётганида суд мажлисига ана шу шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат олиб борувчи органларнинг, шунингдек маҳкумни кузатиб турувчи ва у билан тарбиявий иш олиб борувчи жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакиллари таклиф этилади (ЖПК 543-м.).

Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги масалани судья жазони ўтаб бўлган шахснинг, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакилининг ёхуд жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг илтимосномасига асосан кўриб чиқади. Бунда илтимоснома ким ҳақида берилган бўлса, шу шахснинг суд мажлисида қатнашиши шарт. У ҳимоячи олиш ҳуқуқи билан таъминланади. Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги илтимосномани жамоат бирлашмаси ёки жамоа берган бўлса, уларнинг вакиллари суд мажлисида иштирок этиши шарт.

Судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тақдим қилинган илтимосномани ўқиб эшиттиришдан бошланади, сўнг судья судда ҳозир бўлганларнинг фикрларини эшитади ва ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради. Судланганликни олиб ташлаш рад этилса, судьяга бу масалага доир қайта илтимоснома ажрим чиққан кундан бошлаб камида бир йил ўтганидан кейин киритилиши мумкин (ЖПК 544-м.).

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масалани жамоат бирлаш-

маси ёки жамоа илтимосномаси бўйича, жазони ўтаб чиққан шахс меҳнатга қобилиятсиз бўлган тақдирда эса, унинг илтимосномаси бўйича ҳам мазкур шахс турган жойдаги туман /шаҳар/ жиноят ишлари бўйича судининг судьяси кўриб чиқади.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масалани судья кўриб чиқаётган пайтда илтимоснома ким ҳақида берилган бўлса, шу шахснинг, шунингдек илтимос қўзгатган жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили қатнашиши шарт.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мавжуд материалларни ўқиб эшиттиришдан бошланади, сўнг судья чақирилган шахсларни тинглайди, маҳкумнинг ахлоқ тузатиш ишларини ўташ вақтида ҳалол меҳнат қилганлиги ва намунали хулқидан далолат берувчи маълумотларни аниқлаб олади.

Ахлоқ тузатиш ишлари ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан судья чиқарган ажрим устидан юқори судга шикоят бериш ва протест билдириш мумкин (ЖПК 545-м.).

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги масалани гарнизон ҳарбий судининг судьяси ана шундай турдаги жазоларнинг муддати тугагач, қўмондонликнинг илтимосига биноан ЖПКнинг 545-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқади (ЖПК 546-м.).

Инсонпарварлик принциpidан келиб чиқиб ва маҳкумларнинг ахлоқан тузалишини рағбатлантириш мақсадида, Ўзбекистон қонун ҳужжатларида суд тайинлаган жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ҳоллари, тартиби ва шартлари белгиланган.

Жиноят-ижроия кодексининг 163-моддасига биноан, суд тайинлаган жазо муддати тугагунига қадар маҳкум қуйидаги ҳолларда жазони ўташдан озод қилиниши мумкин:

- муддатидан илгари шартли озод қилинганда;
- жазо енгилроғи билан алмаштирилганда;
- касаллиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги туфайли;
- амнистия ёки афв этилганлиги туфайли.

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш, шунингдек жазони енгилроғи билан алмаштиришни суд Жиноят-процессуал кодексининг 536-моддасида ва ЖИКнинг 164-моддасида белгиланган тартибда қўллайди.

Маҳқум жазо муддатининг Жиноят кодекси 73, 74, 89 ва 90-моддаларида белгиланган қисмини ўтаб бўлганидан сўнг бир ойлик муддат ичида жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти уни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштиришга тақдим этиш масаласини кўриб чиқиши ҳамда тақдим қилиш ёки рад этиш ҳақида қарор чиқариши шарт.

Маъмурият маҳқумни жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишга ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришга тақдим этишни рад қилган тақдирда маҳқум ёки унинг адвокати судга тегишли илтимоснома билан мурожаат этишга ҳақли.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш тариқасидаги жазодан озод қилишни жамоат бирлашмаси, жамоа, маҳқумнинг ўзи ёки ҳимоячиси илтимосномасига биноан, суд амалга оширади. Суд жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни рад этган тақдирда, бу ҳақда ажрим чиққан кундан бошлаб камида олти ой ўтганидан кейин тақдимнома такроран киритилиши ёки илтимоснома такроран берилиши мумкин (ЖИК 164-м.).

ЖКнинг 75-моддасига мувофиқ, шахс ҳукм чиқарилганидан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка, шунингдек жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқача оғир касалликка чалиниб қолса, жазони ўташдан озод қилиниши лозим.

Бундай ҳолларда жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти маҳқумни жазони ўташни давом эттиришдан озод қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритади. Айни бир вақтда судга тиббий комиссия хулосаси ва маҳқумнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилди юборилади.

Маҳқумни ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазодан меҳнат қобилиятини йўқотганлиги оқибатида озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома ижтимоий таъминот органларининг тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг хулосаси асосида киритилади.

Жазони ўташ даврида ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилган аёлларни жазодан озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома бундай таътил ҳуқуқини берувчи тиббий ҳужжат асосида киритилади.

Жазодан амнистия ёки афв акти асосида озод қилиш тартиби ушбу актлар ва бошқа қонунлар (низом, қарорлар) билан белгиланади.

- Жазони ижросини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:**
- маҳкумнинг суд тайинлаган жазо муддатини ўтаб бўлиши;
 - жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиниши;
 - суд ҳукмининг бекор бўлиши ва иш юритишнинг тугатилиши;
 - ҳукмнинг назорат тартибида ўзгартирилиши ва жазонинг шартли ҳукм билан алмаштирилиши;
 - маҳкумнинг вафоти.

Тахминий тестлар

1. Ҳукм қонуний кучга кирадиган пайтни кўрсатинг.

- A. Айблов ҳукми – агар у юзасидан шикоят қилинмаган ёки протест билдирилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят қилиш ва протест билдириш муддати ўтганидан кейин
- B. Судланувчини жазодан озод қилувчи айблов ҳукми – эълон қилинганидан сўнг
- C. Судланувчини жазодан озод қилувчи ҳукм – агар у юзасидан шикоят қилинмаган ёки протест билдирилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят қилиш ва протест билдириш муддати ўтганидан кейин
- D. Оқлов ҳукми – эълон қилинганидан сўнг
- E. Оқлов ҳукми – агар у юзасидан шикоят қилинмаган ёки протест билдирилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят қилиш ва протест билдириш муддати ўтганидан кейин

2. Ҳукм қачондан бошлаб ижро этилади?

- A. Барча ҳукмлар – эълон қилинганидан сўнг дарҳол
- B. Айблов ҳукми – қонуний кучга кирганидан сўнг
- C. Оқлов ҳукми – эълон қилингандан сўнг дарҳол
- D. Судланувчини жазодан озод қилувчи айблов ҳукми – эълон қилингандан сўнг дарҳол
- E. Олий жазо тайинловчи айблов ҳукми – афв этиш ҳақидаги илтимос ҳал қилинганидан сўнг

3. Қонуний кучга кирган ҳукмни қайси орган ижро эттиради?

- A. Айблов ҳукмини ИИВ органлари ижро эттиради

В. Айблов ҳукмини ушбу ҳукми чиқарган суд ҳукм нусхасини уни ижро этиш ҳақидаги кўрсатма билан бирга мазкур ҳукми ижро этиш вазифаси юклатилган органга юбориш йўли билан ижро эттиради

С. Оқлов ҳукмини – уни чиқарган суд

Д. Маҳкумга жамоат айблови эълон қилган ҳукми – суд унинг мазмунини жамоатчиликка хабар қилиш йўли билан

Е. Ҳукм ижро этиладиган жой ҳоқими

4. Суднинг судланганликни олиб ташлаш ёки муддатидан олдин олиб ташлаш ҳақидаги ажрими юзасидан шикоят қилиш мумкинми?

А. Ҳа, мумкин

В. Йўқ, мумкин эмас

С. Бундай ажрим юзасидан прокурор протест билдириши мумкин, холос

Д. Баъзан мумкин

Е. Тарафларнинг ихтиёрига кўра

5. Суд ҳукми бўйича белгиланган жазодан муддатидан аввал озод қилиш ҳақидаги масалани ким ҳал қилади?

А. Ҳукми чиқарган судья

В. Ҳукми ижро этиш жойидаги суд

С. Прокурор

Д. Жазони ижро этиш муассасасининг бошлиғи

Е. Жазони ижро этиш муассасаси жойлашган ердаги ҳоким

Текшириш учун саволлар

1. Жазони ижро этиш босқичининг аҳамияти ва вазифалари нималардан иборат?

2. Ҳукм, ажрим (қарор) қачон қонуний кучга киради ва ижро этилади?

3. Қандай ҳолларда шахс суд мажлиси бўлган залнинг ўзида қамоқдан озод қилинади?

4. Ҳукм, ажрим ва қарорни ижро этириш тартиби қандай?

5. Маҳкум ҳукми ижро этиш босқичида қандай ҳуқуқларга эга?

6. Қандай ҳолларда ҳукми ижро этиш кечиктирилиши мумкин?
7. Жазони ўташдан касаллик туфайли озод қилиш тартиби қандай?
8. Ҳукм, ажрим ва қарорни қайси органлар ижро этадилар?

XXX боб. Вояга етмаганлар ишларини юритиш

30.1. Вояга етмаганлар ишларини юритишнинг хусусиятлари

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларини юритиш жиноят-процессуал қонун билан тартибга солинади. Шу билан бирга, вояга етмаган айбланувчи ёки гумон қилинувчи жиноят процессининг иштирокчиси сифатида психологик ва ёш билан боғлиқ хусусиятларга эга. Бу эса, шубҳасиз, ушбу шахсларни жиноят ишида гумон қилинувчи (айбланувчи) тариқасида иштирок этиш учун жалб этиш масалаларини жиноят-процессуал тартибга солишда ўз аксини топади. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг ушбу йўналишдаги ривожланиш тамойиллари вояга етмаган гумон қилинувчилар (айбланувчилар)нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини кучайтириш ташкил қилади. Бу эса содир этилган жиноят ҳолатларининг, вояга етмаганларнинг жиноят содир этишига олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларнинг ҳар томонлама тўлиқ, ва ҳолисона текширилишини, вояга етмаган шахснинг тарбияланиб жамиятга қайта мослашнинг даражасининг ошишини ҳамда унинг келажақда биронта жиноят содир этишининг олдини олишини таъминлайди.

Жиноят қилгунига қадар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби умумий қоидалар, шунингдек ЖПКнинг 548–564-моддалари асосида белгиланади.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби вояга етмаган шахснинг ҳуқуқий ҳолати, ёши, ҳуқуқий лаёқатида муайян чеклашларнинг, жумладан ота-оналари, васийлари ёхуд ҳомийларининг мулкӣ жавобгарлиги мавжудлиги билан белгиланади. Бундан ташқари, жиноят процессида ушбу шахслар бир қатор процессуал кафолатларга эга. Уларга, жумладан, ҳақиқатни аниқлаш, вояга етмаган гумон қилинувчилар, айбланувчиларнинг ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш, вояга етмаганларнинг жиноятларини кўриб чиқишда суд муҳокамаси профилактик таъсирининг кафолатлари киради.

ЖПК 60-моддасининг нормалари жиноят процессининг умумий қоидаларига қўшимча бўлиб хизмат қилади, чунки ушбу бобда жиноят процессининг умумҳуқуқий

кафолатларидан фойдаланиш билан бир қаторда вояга етмаган гумон қилинувчилар, айбланувчилар учун махсус кафолатлар қўлланиши назарда тутилган.

Ушбу махсус кафолатларнинг қўлланиши қонунда белгиланган 18 ёш билан чегараланади. Агар шахс 18 ёшга тўлмай туриб жиноят содир этган бўлса, бундай ишни тергов қилиш ва судда кўриб чиқишда қонуний вакилнинг иштирок этиши мажбурий институт бўлади. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритишда қонуний вакилнинг иштирок этиши шарт.

Шу сабабли вояга етмаган шахснинг ёшини аниқлашдан иборат асосли масала юзага келади, хусусан, шахс туғилган кунида эмас, балки кейинги суткадан бошлаб вояга етган ҳисобланади. Ушбу қоида 13, 14 ва 16 ёшга тўлган ҳолда ҳам қўлланилади. Вояга етмаган шахснинг ёшини аниқлаш унинг ёшидан далолат берувчи тегишли ҳужжатларни аниқлаш билан ўзаро боғлиқ. Шу боис суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд вояга етмаган шахснинг ёшини тегишли ҳужжатлар (паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, фуқаролик ҳолатлари ҳужжатларини қайд этиш дафтаридаги ёзувлар ва ҳ.к.) бўйича аниқлаш қоидасига қатъий риоя этишлари керак. Ушбу саволга ҳужжатлар йўқлиги ёхуд ҳақиқийлигига нисбатан муайян шубҳа мавжудлиги сабабли уларни ўрганиб жавоб бериш мумкин бўлмаган ҳолларда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд суд-тиббиёт экспертизаси тайинлаши керак (ЖПК 173-м. 3-б.).

Суд-тиббиёт экспертизасининг хулосаси бўйича, айбланувчининг туғилган куни деб экспертлар айтган йилнинг охири куни ҳисобланади, ёшни энг кам ва энг кўп миқдордаги йиллар билан ҳисоблаганда эса, бу шахснинг экспертиза тахмин қилаётган ёшидан келиб чиқилади.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни ички ишлар органларининг терговчилари умумий асосларда кўзгатадилар. Жиноятни вояга етмаган шахс катта ёшдаги шахс билан бирга содир этган ёхуд вояга етмаган шахс 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай ҳолларда бу терговга тегишлилик масаласига асло таъсир этмайди. Шу боис ишни тергов қилишни ички ишлар органларининг терговчилари давом эттирадилар.

Дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича, ЖПКнинг 82—84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, қуйидагилар исботланиши лозим:

- 1) вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, оyi, куни);
- 2) вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати;
- 3) унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;
- 4) катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги (ЖПК 548-м.).

Мазкур ҳолатлар ЖПКнинг 82–84-моддаларига кўра аниқла-ниши лозим бўлган маълумотларга аниқлик киритади. Ушбу маълумотлар вояга етмаганларнинг жиноят ишларида алоҳида аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, бундай ишларда уларни аниқлаш ва қўллаш шарт. Акс ҳолда суд жиноят ишини дарҳол қўшимча терговга қайтаради.

Терговчи, вояга етмаган шахснинг ўзига хос хислатларини ўрганиш давомида, унинг соғлиғига ҳам алоҳида эътибор бериши керак. Бунда у вояга етмаган шахс ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тўлиқ англаши мумин бўлган-бўлмаганлигини аниқлаши шарт. Вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчининг танишлари ва қариндошларини сўроқ қилиш кейинчалик суд-тиббиёт экспертизаси тайинлаш ва жиноят иши материалларини тегишли эксперт муассасаларига ёхуд экспертларга юбориш учун мажбурий шарт бўлиши керак. Бунда мутахассислар вояга етмаган шахснинг амалдаги ақлий ривожланиш даражасини, жумладан унинг жисмоний ёшига ёки амалдаги ақлий ривожланиш ёшига мос келувчи ёшига мувофиқлигини аниқлашлари керак.

Дастлабки тергов ва суд органлари вояга етмаган шахснинг соғлиғига оид маълумотларни аниқлашда болалигида оғир касал-ликларга чалинган-чалинмаганлиги, қандайдир жисмоний ёки ру-ҳий нуқсонларнинг мавжудлиги фактларига эътибор беришлари керак. Бундай фактлар аниқланган тақдирда дастлабки тергов ор-ганлари, вояга етмаган шахс жиноят содир этаётганида ўз ҳара-катлари учун жавоб бериши мумкинмиди ёки уларни бошқара олармиди, деган саволга жавоб бериш учун, жиноят иши бўйича суд-психиатрия экспертизаси тайинлаши керак.

Вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчининг ўзига хос хислатлари, жумладан унинг ўқиши ёки иши, унинг ўқишга, меҳнатга, ижтимоий фойдали фаолиятга бевосита муносабати, ўқиш, ишлаш, яшаш жойидаги, жамоат жойларидаги хулқи, ички ишлар органлари профилактика хизматида ҳисобда турган-турмаганлиги ҳақидаги маълумотлар дастлабки тергов

органларининг диққат марказида бўлиши керак. Ушбу маълумотлар жиноят иши материалларида процессуал шаклда ўз ифодасини топиши керак. Амалиётнинг далолат беришича, вояга етмаган шахснинг жиноий хулқ-атвори унинг ғайриижтимоий майллари ҳамда меҳнатга, билим олишга, ақлий ривожланиш масалаларига муносабати билан боғлиқ.

Ушбу қарашларга уларнинг маънавий жиҳатдан мажруҳлиги, кўполлиги, худбинлиги, ўз мақсадларига эришиш учун одамларга зўрлик ишлатишга интилиш, дунёқарашининг торлиги, истъомлчилик, баъзан эса жинсий истакларнинг устунлиги, ҳиссий лаззатланишга, наркотик ва заҳарли воситаларни қабул қилишга интилиш, ўз дунёсига чўмиш, ўзини гиёҳвандлик, жинсий муносабатлар, қуроли зўравонлик, терроризмни тарғиб қилувчи дунё билан чеклаш ҳамда жамиятга қайта мослашиш, қайта тарбияланишга қаратилган ҳар қандай фикрий фаолиятни истисно этиш ва ўзининг тубан эҳтиёжлари ва истакларини қондириш учун жиноят содир этишга ҳам тайёрлик хосдир.

Мазкур маълумотлар вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳаёт ва тарбияланиш шароитини текшириш орқали тўпланади. Бу нафақат жиноий ҳаракатлар содир этилишига олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш зарурлиги билан, балки вояга етмаган шахснинг жавобгарлиги масаласини тўғри ҳал қилиш ва суднинг унга нисбатан адолатли жазо чорасини қўллаши зарурлиги билан ҳам боғлиқ.

Яшаш ва тарбияланиш шароитларини ўрганишда вояга етмаган шахснинг оиласи, ота-онаси, уларнинг маълумот даражаси, мутахассислиги, ахлоқий жиҳатлари, ўзаро ва болаларга муносабатлари, тарбиялаш билан боғлиқ ота-оналик мажбуриятларини қандай бажаришлари, оиладаги аҳвол, оиланинг турмуш даражаси, унинг молиявий-моддий шароитлари, оиладаги, ўқув юртидаги, иш жойидаги аҳвол, таниш-билишлари, турмушдаги яқинлари, қизиқишлари, вояга етмаган шахснинг бўш вақтидан қандай фойдаланаётганлиги ва бошқа маълумотлар жиноят иши материалларида процессуал йўл билан қайд этилиши лозим.

Жиноят ишида катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор-йўқлигини текшириш, вояга етмаган шахсни жиноий фаолиятга жалб этиш шарт-шароитларини аниқлашнинг зарурий шартидир. Бундай жалб этишнинг шаклига кўра ушбу ҳаракатлар вояга етмаган шахсни жиноий ҳаракатларни содир этишга мажбурлаш мақсадида, уни ишонтириш, қўрқитиш, онгини бузиш орқали унда жиноят содир этишда иштирок этиш

истагини рағбатлантириш билан боғлиқ. Бундай жалб этиш уни сотиб олиш, алдаш, бахиллик, нафрат ёки бошқа тубан ҳис-туйғуларни, қасдни юзага келтириш, манқуртлаштириш орқали, диний экстремизм ёки фундаментализмнинг энг реакцион шаклларида фойдаланиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бунда катта ёшли иштирокчи ёки далолатчи вояга етмаган шахсни жинойий фаолиятга жалб этиш учун қандай ҳаракатлар содир этганлигини аниқлаш муҳим.

Жиноят содир этилишига олиб келган криминоген ҳолатларни текшириш вояга етмаган шахсда жиноят содир этиш истагини, жумладан ғайриижтимоий майллар ҳамда ўсмирнинг жинойий қасдни шакллантирган ва жиноят содир этиш учун қулай шароит яратган одатлари юзага келишининг манбаларини аниқлаш билан бевосита ва ўзаро боғлиқдир. Шу сабабли вояга етмаган шахс яшаган микромуҳитни ўрганиш, ўқиш жойида тарбиявий ишлар олиб борилишини ва оиладаги аҳволни таҳлил қилиш дастлабки тергов органлари ва суд учун бажарилиши шарт бўлган вазифа бўлиши керак.

Жиноятни вояга етмаган шахс катта ёшли жиноятчининг бевосита иштирокида содир этган бўлса, вояга етмаган шахсга нисбатан очилган жиноят ишhini ажратиш муҳим (ЖПК 332-м.).

Бир ёки бир неча жиноятни биргалашиб содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан ишни ажратишга, агар бу иш ҳолатлари бўйича зарур бўлиб қолса ҳамда бундай ажратиш суриштирувнинг, дастлабки терговнинг ва суд томонидан ишни кўриб чиқишнинг тўлиқ ва холисона бўлишига таъсир қилмаса, йўл қўйилади. Жиноят ишларини ажратиш суриштирувчи, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими бўйича амалга оширилади.

30.2. Вояга етмаган шахсни қамоққа олиш

Вояга етмаган шахс алоҳида ҳолларда, яъни бу ҳол содир этилган жиноятнинг оғирлиги билан боғлиқ бўлган тақдирда ва ЖПКнинг 221, 238, 242-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, ушлаб турилиши ва қамоққа олиниши мумкин. Бинобарин, вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўйилган айбнинг оғирлиги, айбланувчининг шахси, машғулот тури, ёши, соғлиги, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни инобатга олган ҳолда қўллаш мумкин.

Жиноятнинг оғирлик даражаси, жиноятни такроран содир этиш, жинойий муҳит билан алоқадорлик, жиноят содир

этгандан сўнг салбий хулқ-атворда бўлиш, узоқ вақт давомида муайян иш билан машғул бўлмаслик каби ҳолатлар терговчининг вояга етмаган шахсни қамоққа олишига ҳуқуқ берувчи алоҳида ҳоллар деб ҳисобланади.

Вояга етмаган шахсни қамоққа олиш ҳақида терговчи қарор чиқаради. Қарорни прокурор имзолаши керак.

Қамоққа олинган вояга етмаган шахслар катта ёшдагилардан ҳамда жазога ҳукм этилган вояга етмаганлардан алоҳида сақланишлари керак. Ушбу қарор терговчи вояга етмаган айбланувчининг ҳимоячиси олдида унга айблов қўйиб, уни айбланувчи тариқасида сўроқ қилганидан кейингина ўқиб эшиттирилиши керак. Вояга етмаган шахсни сўроқ қилиш пайтида ҳимоячи билан бирга педагог, шунингдек унинг қонуний вакили ҳозир бўлишлари мумкин.

Вояга етмаган шахсни қамоққа олишга санкция бериш ҳақидаги масалани ҳал этиш чоғида прокурор жиноят иши материаллари билан синчиклаб танишиши ва барча ҳолларда ҳам уни сўроқ қилиши керак. Вояга етмаган шахснинг ушлаб турилганлиги ва қамоққа олинганлиги ҳақида унинг ота-онасига уларнинг ўрнини босувчи шахсларга хабар берилади.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш вояга етмаган шахсга нисбатан фақат ушбу ЖПКнинг 236-моддасида назарда тутилган асослар бўлганда ва унга беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этганликда айб эълон қилинган ҳамда айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини бошқа эҳтиёт чоралари таъминлай олмайдиган тақдирда қўлланилиши мумкин.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланилган вояга етмаган айбланувчи катта ёшдагилардан, шунингдек вояга етмаган маҳкумлардан алоҳида сақланиши лозим (ЖПК 558-м.).

Эҳтиёт чораларини қўллаш учун асослар бўлган тақдирда, вояга етмаган айбланувчини, судланувчини турмуш ва тарбияланиш шароитига кўра илгариги яшаш жойида қолдириб бўлмаса, у терговчининг прокурор санкция берган қарорига ёки суднинг ажримига биноан болалар муассасасига жойлаштирилиши мумкин (ЖПК 557-м.).

Вояга етмаган айбланувчига ЖПКнинг 237-моддасида назарда тутилган эҳтиёт чораларидан ташқари, уни ота-онасининг (ЖПК 555, 556-м.), ёпиқ болалар муассасасида тарбияланаётган вояга етмаганларга нисбатан эса шу муассаса раҳбарларининг қаровига топшириш қўлланилиши мумкин. Ушбу чораларнинг қўлланилиши ўсмир билан зарур тарбиявий иш олиб бориш,

унинг хулқини, бўш вақтини амалда назорат қилишни, чақирилганда ҳозир бўлишини, зарарли таъсирларга барҳам беришни таъминлаш имконини беради.

Мазкур ҳаракатлар ушбу шахсларнинг вояга етмаган шахснинг терговчи ва суд ҳузурига келишини ҳамда муносиб хулқатворда бўлишини таъминлашдан иборат ёзма мажбурият олиши билан кечади.

Вояга етмаган шахсни қаровга олган ота-она, васий, ҳомий, ёпиқ болалар муассасаларининг раҳбарларидан тилхат олинаётганида уларга ушбу эҳтиёт чорасининг моҳияти ҳамда уларнинг зиммасига юклатилган мажбуриятлар бузилган тақдирда улар тортилиши мумкин бўлган жавобгарлик тушунтириб берилади. Бундан ташқари, ушбу шахслар вояга етмаган шахс гумон қилинаётган ёки айбланаётган жиноятнинг хусусияти ҳақида огоҳлантириладилар ва уларга ўсмирга қараб туриш борасида айрим тавсиялар берилади.

ЖПКнинг 556-моддасига мувофиқ, вояга етмаган айбланувчи ўз вазифасини бажармаган тақдирда уни ўз қарамоғига олган шахс қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши мумкин.

Вояга етмаган айбланувчи терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга одатда ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари орқали чақиртирилади. Ишнинг ҳолати буни талаб қилгандагина бошқача тартибда чақиртиришга йўл қўйилади. Қамоқда сақланаётган вояга етмаган шахс жазони ижро этиш жойининг маъмурияти орқали чақиртирилади.

18 ёшгача жиноят содир этган айбланувчи бу вақтга келиб вояга етганлигидан қатъи назар, вояга етмаган жиноятчиларнинг ишлари бўйича ҳимоячининг қамоққа олиш, айблов эълон қилиш пайтидан бошлаб ва суд муҳокамаси давомида иштирок этиши шарт. Бундан шу нарса келиб чиқадики, агар ҳимоячини айбланувчининг ўзи, унинг қонуний вакили таклиф қилмаган бўлса, терговчи ҳимоячининг ишда юқорида айтилган босқичдан бошлаб иштирок этишини ўз ташаббуси билан таъминлаши шарт.

30.3. Вояга етмаганлар ишлари бўйича суд муҳокамасининг хусусиятлари

Суд вояга етмаганлар жиноятлари ҳақидаги ишни ўз юритувига қабул қилаётганида, ЖПКнинг 396-моддасида белгиланган умумий масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш билан бир

қаторда иш юзасидан айбланувчининг шахсига, яшаш ва тарбияланиш шароитларига оид маълумотлар, жиноят мотивлари, унинг содир этилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитлар аниқланганлигига, шунингдек ўсмирни жиноят содир этишга жалб этган катта ёшдаги иштирокчилар ва шахслар топилганлигига алоҳида эътибор қаратади. Дастлабки терговнинг тўлиқ эмаслиги, агар буни суд мажлисида бартараф этиб бўлмаса, ишни қўшимча терговга қайтариш учун асос бўлади.

Судья, суд мажлисини тайинлар экан, тергов органларининг вояга етмаган айбланувчига ҳимояланиш ҳуқуқини кафолатловчи жиноят-процессуал нормаларга риоя этган-етмаганлигини текширади ва унинг қамоққа олиниши учун асослар бўлган ёки бўлмаганлигини синчиклаб ўрганadi.

Суд мажлисини тайинлашда вояга етмаган судланувчининг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиларини, шунингдек ўқув-тарбия муассасасининг ёки ўсмирнинг ўқиш ёки ишлаш жойидаги жамоат ташкилотининг вакилларини суд мажлисига чақиртириш ҳақидаги масала албатта муҳокама қилинади. Вояга етмаган шахс ҳақидаги ишни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида унинг қонуний вакиллари, шунингдек у ўқиган ёки ишлаган корхона, муассаса ва ташкилот, профилактика хизмати хабардор қилинадилар. Зарур ҳолларда суд ушбу ташкилотлар вакилларининг суд мажлисига келишини таъминлаш чораларини кўрадилар.

Вояга етмаган судланувчининг қонуний вакилини суд мажлисига чақиртириш ҳақидаги масалани ҳал қилишда ЖПК 60-моддасининг 2-қисмида белгиланган қонуний вакил бўлиши мумкин бўлган шахслар (айбланувчининг ота-онаси, фарзандликка олувчилари, васийлари, ҳомийлари, айбланувчига ҳомийлик қилувчи муассаса ва ташкилотларнинг вакиллари) рўйхати тугалланган рўйхат эканлигини инобатга олиш лозим. Агар вояга етмаган шахснинг ота-онаси бўлмаса ва ёлғиз ёки тегишли тартибда васий ёки ҳомий этиб тайинланган шахснинг уйда яшаса, вояга етмаган шахснинг қонуний вакили сифатида судья васийлик ва ҳомийлик органининг вакили чақиртирилади.

Суд мажлисига қонуний вакил сифатида ота-оналардан бири чақиртирилади. Агар суд мажлисига ота-онанинг иккови келган бўлса, суд уларнинг фикрини инобатга олиб ҳамда судланувчининг қонуний манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш вази-фаларидан келиб чиқиб, улардан қайси бирига қонуний

вакиллик ҳуқуқини беришни ҳал қилади. Бу ҳақда тегишли ажрим чиқарилади. Муайян ҳолатларда суд иккала ота-онани вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили деб топиши мумкин.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, вояга етмаганлар иши бўйича комиссия вакилларининг суд мажлисида иштирок этиши ҳақидаги масалани суд айбланувчи тариқасида вояга етмаган шахс жалб этилган ҳар бир иш бўйича ҳал қилади. Бу вакиллар суд мажлисида иштирок этишга вояга етмаган шахс ҳақидаги иш кўриладиган суд мажлисининг тарбиявий таъсирини кучайтириш ҳамда жиноят сабаблари унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мақсадида жалб этиладилар. Улар иш кўриб чиқиладиган бутун вақт давомида суд залида ҳозир бўлишга ҳақлидирлар. Зарур бўлганда суд уларни судланувчининг яшаш ва тарбияланиш шароити, жиноят содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ва бошқа масалалар юзасидан гувоҳ сифатида сўроқ қилиши мумкин.

18 ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятларига оид ишлар бўйича суднинг асослантирилган ажрими бўйича ёпиқ суд мажлиси ўтказишга йўл қўйилади (ЖПК 19-м.). Бундай тартибдан содир этилган жиноятнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама ва тўлиқ текшириш учун энг қулай шарт-шароит яратиш ҳамда бир қатор ҳолларда вояга етмаган шахсни манфаатдор шахсларнинг эҳтимол тутилган кўнгилсиз таъсирларидан сақлаш мақсади кўзланади.

Суд мажлисининг тайёрлов қисмида вояга етмаган шахснинг қонуний вакилига бутун суд мажлиси давомида суд залида ҳозир бўлиш, суд терговида далилларни текширишда иштирок этиш, далиллар тақдим этиш, илтимослар қилиш ва рад этиш ҳуқуқлари тушунтириб берилади (ЖПК 61-м.).

Зарур ҳолларда у судланувчининг шахси, соғлиғи ва умумий ривожланиши, шунингдек вояга етмаган шахснинг яшаш ва тарбияланиш шароитларига тааллуқли масалалар бўйича гувоҳ сифатида сўроқ қилинишлари мумкин.

Қонуний вакилнинг суд мажлисида иштирок этиши вояга етмаган айбланувчининг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган алоҳида ҳолларда суд ўзининг асослантирилган ажрими билан қонуний вакилни суд мажлисида иштирок этишдан батамом четлаштириши ёхуд у ёки бу суд мажлисида иштирок этишини чеклаши мумкин (ЖПК 549-м.).

Жиноят-процессуал қонун судга вояга етмаган судланувчини

ҳам суд залидан чиқариб юбориш ҳуқуқини беради. Буни суд, тарафларнинг фикрларини инобатга олиб, унга салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатларни текшириш пайтида, ҳимоячининг ёки қонуний вакилнинг илтимоси бўйича ёхуд ўз ташаббуси билан амалга оширади. Масалан, оиладаги аҳволни, ота-оналар ўртасидаги муносабатларни, уларнинг ахлоқий қиёфасини, турмушда нотўғри ҳулқини ва шу қабиларни аниқлаш чоғида.

Вояга етмаган шахс суд залига қайтарилганидан сўнг раислик қилувчи унга йўқлигида бўлиб ўтган муҳокама мазмунини етарли ҳажмда ва шаклда маълум қилади ва унинг йўқлигида сўроқ қилинган шахсларга савол бериши учун вояга етмаганга имконият яратиб беради (ЖПК 561-м.). Вояга етмаган судланувчига нисбатан ҳукм чиқаришда суд, ЖПКнинг 457-моддасида кўрсатилган масалалардан ташқари, башарти вояга етмаган шахс шартли ҳукм қилинса, унга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланса, вояга етмаган шахсга жамоат тарбиячиси тайинлаш зарурлигини муҳокама қилишга мажбур (ЖПК 563-м.).

Жамоат тарбиячиси одатда тегишли илтимоснома йўқлиги сабабли, маҳкум қайта тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш учун ташкилотга ёки меҳнат жамоасига берилиши мумкин бўлмаган ҳолларда тайинланади. Жамоат тарбиячиларининг номзодлари иш жойидаги меҳнат жамоаларининг умумий мажлисида ёки жамоат ташкилотлари томонидан кўрсатилади. Вояга етмаган шахсга жамоат тарбиячисини тайинлаш зарурлигига доир қарорни жиноят ишини кассация ёки назорат тартибида кўриб чиқаётган суд ҳам қабул қилиши мумкин.

Тахминий тестлар

1. Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар бўйича қайси ҳолатлар аниқланмайди?

- A. Ёши (туғилган куни, оёи, йили)
- B. Соғлиғи, умумий ривожланиши ва шахсий хислатлари
- C. Яшаш ва тарбияланиш шароити
- D. Тарбиясига салбий таъсир этувчи ҳолатлар
- E. Жиноят туфайли етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори

2. Вояга етмаган шахсга нисбатан эълон қилинган ҳукмда қайси масалалар ҳал қилинади?

A. Суд шартли ҳукм қилинган ҳолларда жамоат тарбиясини тайинлаш зарур деб ҳисоблаши учун асослар

B. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларини қўллаш

C. Ҳукм ижросини кечиктириш ва жамоа ёки шахс зиммасига уларнинг розилиги билан маҳкумни кузатиб туриш ва у билан тарбия ишларини олиб бориш мажбуриятини юклатиш масаласи

D. Шартли ҳукм қилинган, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланилган ҳамда ҳукм ижроси кечиктирилган ҳолларда жамоат тарбиячисини тайинлаш масаласи

E. Суднинг вояга етмаган шахсга нисбатан ҳукм ижросини кечиктиришни тақиқлаш ҳақида махсус қарор чиқарганлиги

3. Қуйидаги эҳтиёт чораларидан қайси бири вояга етмаган шахсларга қўлланилиши мумкин?

A. Қамоққа олиш

B. Шахсий кафиллик

C. Жамоат бирлашмасининг кафиллиги

D. Гаров

E. Ота-оналар назоратига бериш

4. Жиноят иши материаллари кимнинг иштирокида вояга етмаган шахсга берилади?

A. Ҳимоячининг

B. Прокурорнинг

C. Маҳалла вакилининг

D. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вакилининг

E. Вояга етмаган шахс яшайдиган жойдаги милиция профилактика нозирининг

5. Вояга етмаган шахс бир кунда неча соат сўроқ қилиниши мумкин?

- A. 8 соат
- B. 6 соат
- C. 4 соат
- D. Терговчининг ихтиёрига кўра
- E. Бунинг аҳамияти йўқ

Текшириш учун саволлар

1. Вояга етмаган шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатиш қандай хусусиятларга эга?
2. Вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишлар бўйича қайси ҳолатлар исботланиши лозим?
3. Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилиш қандай хусусиятларга эга?
4. Вояга етмаганлар иштирокидаги ишлар бўйича дастлабки терговни амалга ошириш хусусиятлари қандай?
5. Вояга етмаганлар ишлари бўйича суд мажлисининг моҳияти нимада?

XXXI боб. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш

31.1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ва уларни қўллаш асослари

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, жиноят, яъни жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этишда айбдор бўлган шахсларгина жиноий жавобгарликка тортилиши ва жазоланиши мумкин. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этаётган вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали руҳий касал эканлиги, руҳияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа касаллиги оқибатида ўз ҳаракатларини идора қила олмаган шахслар жиноий жавобгарликка тортилмайдилар. Бундай шахсларга суд ажримига мувофиқ тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин.

Ақли норасо ҳолатда жиноят содир этган, ammo суд ҳукм чиқаргунига қадар ўз ҳаракатларини идора қилиш имкониятидан маҳрум этадиган руҳий касалликка чалинган шахслар жазога тортилмайдилар. Бундай шахсларга ёхуд жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан ҳам тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари — суд ақли норасо ҳолатда ижтимоий хавфли қилмишларни содир этган ёхуд бундай қилмишларни ақли расо ҳолатда содир этиб, ҳукм чиқарилгунига қадар ёки жазо ўтаётган вақтда уларни ўз ҳаракатлари учун жавоб бериш ёки уларни бошқариш имкониятидан маҳрум этадиган руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан уларнинг бузилган руҳий соғлигини тиклаш, жамиятни уларнинг хавфли хатти-ҳаракатларидан муҳофаза қилиш ва янги жиноий қилмишларнинг олдини олиш мақсадида кўрадиган вақтинчалик тиббий йўсиндаги чоралар.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазо чоралари ҳисобланмайди. Бироқ улар давлат мажбурлов воситаларидир, чунки ушбу чоралар беморнинг ёки унинг яқин қариндошларининг истагидан қатъи назар қўлланилади, фуқароларнинг эркинликларини чеклаш билан боғлиқ бўлади

ҳамда фақат суднинг ажрими билан тайинланади, ўзгартирилади ва тўхтатилади.

Ақли норасо ҳолатда ижтимоий хавфли қилмишларни содир этган ёхуд бундай қилмишларни ақли расо ҳолатда содир этиб, ҳукм чиқарилгунига қадар ёки жазо ўтаётган вақтда уларни ўз ҳаракатлари учун жавоб бериш ёки уларни бошқариш имкониятидан маҳрум этадиган руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан суд соғлиқни сақлаш органларининг даволаш муассасалари амалга оширадиган куйидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин:

1) оддий кузатувли психиатрия касалхонасига жойлаштириш;

2) кучайтирилган кузатувли психиатрия касалхонасига жойлаштириш;

3) қатъий кузатувли психиатрия касалхонасига жойлаштириш.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун куйидагилар асос бўлади: биринчидан, шахснинг жиноят қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этганлиги факти; иккинчидан, қонунда назарда тутилган тартибда аниқланган ушбу шахснинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш пайтида ақли норасо бўлганлиги ёки жиноят содир этганидан сўнг унинг ўз ҳаракатлари учун жавоб бериш ва уларни бошқариш имкониятидан маҳрум қилувчи руҳий касалликка чалинганлиги.

Шахсни ақли норасо деб топиш ёхуд унинг жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка чалинганлиги ҳали унинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашга муҳтожлигини билдирмайди. ЖПКнинг 565-моддасига мувофиқ, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалаларни кўриш тартиби ЖПКнинг умумий қоидалари, шунингдек 566—581-моддалари асосида белгиланади ҳамда ушбу нормалар ижтимоий хавфли қилмишни содир этган руҳий касалларга нисбатан улар содир этган қилмишининг хусусияти ва ўзининг касаллик ҳолати бўйича жамият учун хавф туғдирадиган ҳолларда қўлланилади.

31.2. Дастлабки терговни ўтказиш

Руҳий беморларнинг ижтимоий хавфли қилмишлари ҳақидаги ишлар умумий асосларда қўзғатилади (ЖПК 221—338-м.). Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг руҳий касалликка чалинганлиги ҳақида маълумотларнинг мавжудлиги жи-

ноят иши қўзғатишни истисно этмайди, чунки ақли норасолик ҳолати суд-психиатрия экспертизаси хулосаси асосида аниқланади. Ушбу экспертизани дастлабки тергов вақтида ўтказиш мумкин.

ЖПКнинг 566-моддасига мувофиқ, жиноят қилганидан кейин руҳий касалликка дучор бўлиб қолган шахснинг жинояти тўғрисидаги иш бўйича шахсда жиноят содир этгандан кейин юзага келган ва жазо қўллашни истисно этувчи руҳий касаллик борлиги исботланиши лозим.

Ақли норасонинг ижтимоий хавfli қилмиши тўғрисидаги иш юзасидан қуйидагилар исботланиши лозим:

1) ЖПК 82-моддасининг 1, 2 ва 5-бандларида назарда тутилган ҳолатлар;

2) шахс қилмиш содир этган вақтида сурункали руҳий касал эканлиги, руҳияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа касаллиги, шунинг оқибатида унинг ақли норасо ҳолатда бўлганлиги, яъни ўз ҳаракатларини идрок ёки идора қила олмаганлиги;

3) мазкур шахснинг дастлабки тергов юритиш ва суд муҳокамаси вақтидаги руҳий ҳолати.

Шу билан бирга, жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка дучор бўлиб қолган шахснинг иши бўйича, шунингдек ижтимоий хавfli қилмиш содир этган ақли норасо шахснинг иши бўйича шахснинг бундан кейинги хатти-ҳаракати ўзи ва атрофдагилар учун хавф туғдириши мумкинми-йўқми эканлиги, унинг даволанишга муҳтожлиги ёки муҳтож эмаслиги, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланишига зарурат бор ёки йўқлигини ва қандай чоралар қўллаш лозимлигини ҳал қилиш учун асос бўладиган ҳолатлар ҳам исботланиши лозим.

Агар ушбу шахсларнинг руҳий ҳолати имкон берса, терговчи удар иштирокида айрим тергов ҳаракатларини ўтказишга ҳақлидир. Шахснинг тергов ҳаракати ўтказишда иштирок эта олмаслиги эксперт хулосаси ёки шифохона маълумотномаси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ақли норасо деб топилган шахсларнинг кўрсатувлари ва тунунтиришлари дастлабки тергов жараёнида ҳам, суд муҳокамасида ҳам далилий аҳамиятга эга бўлмайди. ЖПКнинг 571-моддасига мувофиқ, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни юритишда суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш ҳақида қарор чиқарилган вақтдан бошлаб ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Ишга киришган вақтдан бошлаб ҳимоячи, башарти ҳимояси остидаги шахснинг соғлиғи халал бермаса, у билан холи учрашишга ҳақли, шунингдек ЖПКнинг 53-моддасида назарда тутилган бошқа барча ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

Суд-психиатрия экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажримни ижрога юборишдан олдин терговчи ёки суд у билан ҳимоячини таништириши ва унинг қўйидаги ҳуқуқларини таъминлаши зарур: тайинланган экспертни ёки умуман экспертиза муассасасини рад қилиш; муайян шахсни эксперт қилиб тайинлашни илтимос қилиш; экспертнинг олдига қўшимча саволлар қўйиш; экспертиза ўтказилаётганида қатнашиш учун рухсат сўраш. Терговчи ёки суд ҳимоячининг илтимосномасини, башарти асослар бўлса, қондиради ва экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримга тегишли қўшимчалар ва ўзгартишлар киритади.

Суд-психиатрия экспертизасининг хулосасига кўра, ҳимоя остидаги шахс жиноят содир этилгандан сўнг руҳий касал бўлиб қолган ёки ақли норасо бўлса ёхуд унинг ақли расолигини истисно этмайдиган, аммо ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқини мустақил амалга оширишда қийинчилик туғдирадиган руҳий камчиликлари бўлса, ЖПК 571-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳимоячининг ишда иштирок этиши шарт эканлиги ҳақидаги қондаси амал қилишда давом этади. Кейинчалик суд-психиатрия экспертизасининг хулосаси асосида шахс ақли расо ва руҳий соғлом деб топилса, ишда ҳимоячининг иштироки масаласи умумий тартибда ҳал қилинади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг руҳий ҳолатини ва унда руҳий касаллик пайдо бўлган пайтни аниқлаш учун суд-психиатрия экспертизаси ўтказилиши шарт (ЖПК 173-м.). Ушбу мақсадларда иш бўйича қўйидаги фактик маълумотлар аниқланиши керак: бундай шахс илгари руҳий касалликлар билан оғриганми; у психоневрологик диспансерда ҳисобда турадими, қандай ташхис билан; шахс бундай ҳисобда қанча вақтдан бери туради; у илгари руҳий касаллар шифохонасига даволаш учун жойлаштирилганми; унга нисбатан илгари суд-психиатрия экспертизаси ўтказилганми; ўтказилган бўлса, нима сабабли ўтказилган; ушбу шахснинг саломатлигини, уйда ва жамоат жойларидаги хулқ-атворини акс эттирувчи бошқа ҳолатлар.

Агар ақли норасо шахснинг ҳаракатлари туфайли муайян бир шахсга зиён етказилган бўлса, ЖПКнинг 54-моддасига му-

вофиқ уни жабрланувчи деб топиш ва унга етказилган моддий зарарни қоплаш чораларини кўриш зарур. Ушбу ишлар бўйича терговчи ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиш содир этишининг сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш чораларини кўриши шарт.

Шахс тиббий муассасага жойлаштирилганда жиноят ишини юриштирининг тўхтатиб турилишига доир масалалар, ЖПКнинг 569-моддасига мувофиқ, қуйидагича ҳал қилинади: башарти гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг руҳий ёки бошқа оғир касаллиги амбулатория экспертизасининг хулосаси ёки бошқа тиббий ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлса ва қандай касалликка дучор бўлганлигини аниқлаш, ақли расолиги, муомалага лаёқатлилиги масаласини ҳал этиш, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини танлаш учун стационар экспертиза ўтказилаётган бўлса, шахс тиббий муассасага жойлаштирилган даврда, башарти бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказишга ҳожат бўлмаса, ишни юришти тўхтатиб турилиши мумкин.

Ишни юриштирининг тўхтатиб турилиши айбланувчини қамоқда сақлаш ва шахснинг тиббий муассасада бўлишига оид қонунда белгиланган муддатлар ўтишини тўхтатмайди.

Терговчи иш бўйича тўпланган далиллар суд-психиатрия экспертизасининг хулосаси асосида ақли норасо деб топилган шахс ижтимоий хавfli қилмиш содир этганлиги фактини тасдиқлайди, деган хулосага келганидан ҳамда ЖПКнинг 61-бобида назарда тутилган барча талабларни бажарганидан сўнг у дастлабки терговни тамомланган деб топади. Терговчи ЖПКнинг 572-моддасида белгиланган талабларни бажаради, яъни процесс иштирокчиларини иш материаллари билан таништиргач ва илтимосномаларни ҳал қилгач, ишни судга юбориш тўғрисида қарор тузади.

Терговчи қарорнинг тавсиф-асослаш қисмида ЖПКнинг 566-моддасида назарда тутилган ҳолатларни, шунингдек ишни судга юбориш асосларига норози бўлган ҳимоячининг ва бошқа шахсларнинг вазларини, агар шундай вазлар билдирилган бўлса, баён қилади ва иш саҳифаларига ҳавола қилиб, унинг фикрича, ишни судга юбориш учун асослар борлигини тасдиқловчи далиллар келтиради.

Ишни судга юбориш тўғрисидаги қарорга суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхати, шунингдек дастлабки тергов юритилган муддат, устидан тергов ўтказилган шахснинг қамоқда ва тиббий муассасада бўлган муддати, ашёвий далиллар,

фуқаровий даъво ва уни таъминлаш чоралари, процессуал чикимлар тўғрисидаги маълумотномалар илова қилинади.

ЖПКнинг 573-моддасига мувофиқ, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни терговчи уни судга ошириш тўғрисидаги қарор билан бирга прокурорга ўтказди. Прокурор иш билан танишиб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади: 1) ЖПКнинг 83 ва 84-моддаларида назарда тутилган асосларга кўра ишни тугатиш; 2) қўшимча тергов ўтказиш учун ишни терговчига қайтариш; 3) қарорни тасдиқлаб ишни судга ошириш.

31.3. Ишнинг судда кўрилиши

Судья тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни прокурордан олгач, уни ЖПКнинг 395–405-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан ўтказиладиган суд муҳокамасига тайинлайди. Суднинг қонуний вакилга суд мажлиси тайинланганлиги ҳақида хабар бериш, иш ҳужжатлари билан танишиш, далилларни текширишда иштирок этиш, далиллар тақдим этиш, илтимослар қилиш ва рад этиш имконини таъминлаш мажбуриятлари руҳий беморларни ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолати бўлиб хизмат қилади.

Суд муҳокамаси ЖПКнинг 50–52-бобларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ўтказилади. Суд мажлисида прокурор ва ҳимоячи иштирок этиши шарт.

Суд тергови прокурорнинг ишни судга ошириш тўғрисидаги қарорни ўқиб эшиттиришидан бошланади. Шундан сўнг суд тарафларнинг иштирокида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар мавжудлигини тасдиқлайдиган ёки рад этадиган далилларни текширади: сўроқ қилади, кўздан кечириш ўтказди, ҳужжатларни ўқиб эшиттиради, экспертларни тинглайди, ҳақиқатга эришиш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни бажаради.

Суд тергови тамомланганидан сўнг суд тарафларнинг музокарасига ўтади. Музокаранинг охирида ҳимоячи сўзга чиқади. Охириги эътироз билдириш ҳуқуқи ҳам унга берилади.

Тарафларнинг нутқларини эшитиб бўлгач, судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради. Алоҳида хонада суд қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

1) жиноят содир этилганми ёки ақли норасо шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этганми;

2) ана шу жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш иши кўри-
лаётган шахс томонидан содир этилганми;

3) мазкур шахс ҳозирги вақтда руҳий касалми;

4) жиноят содир этганидан кейин руҳий касалликка дучор бўлиб қолган ёки ақли норасо ҳолда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш талаб этиладими, агар талаб этилса, айнан қандай чора-ни қўллаш керак;

5) мазкур шахс руҳий касалликдан умумий асосларда давола-нишга муҳтожми.

Суд, шунингдек ЖПК 457-моддаси 1-қисмининг 10–14-бандларида назарда тутилган масалаларни ҳам ҳал қилади. Ушбу иш бўйича суд ЖПКнинг 577-моддасида тартибга солинган тегишли ажрим чиқаради.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш ЖПКнинг 578-моддасида тартибга солинган. Унга мувофиқ, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахс соғайган тақдирда ёки соғлиғи ўзгариб, шахс руҳий касал бўлса-да, суд томонидан дастлаб белгиланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларидан бошқа хил даволанишга муҳтож бўлса ёхуд бу хилдаги чораларга муҳтож бўлмаса, суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилади ёки ўзгартиради.

Жиноят содир этган ва кейин руҳий касалликка дучор бўлиб қолганлиги туфайли тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахс соғайган тақдирда суд ишни шахс руҳий касал бўлган босқичдан бошлаб умумий тартибда юритишни тиклаш масаласини ҳал қилиши лозим (ЖПК 579-м.).

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш ва иш юритишни тиклаш ЖПКнинг 580-моддасида белгиланган асослар мавжуд бўлганда амалга оширилади. Ушбу моддада белгиланганидек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини бекор қилиш ёки ўзгартириш ва иш юритишни умумий тартибда тиклаш тўғрисидаги масалаларни судда кўриб чиқишга қуйидагилар сабаб бўлади: 1) мажбурлов чораси тайинланган шахс сақланаётган тиббий муассаса маъмуриятининг шифокорлар комиссияси берган хулосага асосланган илтимосномаси; 2) прокурорнинг шифокорлар комиссияси берган хулосага асосланган тақдимномаси; 3) мазкур шахснинг ҳимоячиси, яқин қариндошлари, қонуний вакиллари ёки бошқа манфаатдор фуқароларнинг, шунингдек жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг илтимосномаси.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини бекор қилиш ёки ўзгартириш, шунингдек иш юритишни умумий тартибда тиклаш масалаларини тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида ажрим чиқарган суд ёки ушбу чора қўлланаётган жойдаги суд кўриб чиқади. Суд мажлисида прокурор ва ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Шифокорлар комиссиясининг илтимосномага қўшиб берилган ёки талаб қилиб олинган хулосаси судда шубҳа туғдирса, суд суд-психиатрия экспертизасини тайинлаши, қўшимча ҳужжатлар талаб қилиши, илтимоснома қим ҳақида берилган бўлса, шу шахсни, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиши ва бошқа зарурий ҳаракатларни ўтказиши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш, ўзгартириш, шунингдек бекор қилишни ёки ўзгартиришни рад этиш тўғрисида суд ажрим чиқаради, бу ажрим суд мажлисида ўқиб эшиттирилади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш рад қилинган тақдирда такрорий илтимоснома рад этиш ҳақида ажрим чиққан кундан олти ой ўтгандан кейингина кўриб чиқиш учун қабул қилиниши мумкин.

Суднинг ажрими устидан шикоят бериш ёки протест билдириш масалалари ЖПКнинг 581-моддасида тартибга солинган.

Тахминий тестлар

1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича дастлабки тергов давомида қайси ҳолатлар аниқланиши керак эмас?

- A. Қилмишни содир этиш пайтида шахсда сурункали руҳий касалликнинг мавжудлиги
- B. Шахснинг дастлабки тергов юритиш ва суд муҳокамаси вақтидаги руҳий ҳолати
- C. Шахснинг бундан кейинги хатти-ҳаракати унинг ўзи ва атрофдагилар учун хавф туғдириши мумкинми ёки мумкин эмаслиги
- D. Судланувчининг шахсини ифодаловчи ҳолатлар
- E. Жиноятнинг тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд эҳтиётсизлик орқасида ёки ўзига ортиқча ишониш натижасида содир этилганлиги

2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга оид ишларни кўриб чиқишда суд мажлисида қайси шахслар ҳозир бўлишлари шарт?

- A. Прокурор
- B. Жамоат айбловчиси
- C. Жамоат ҳимоячиси
- D. Ишни кўриб чиқиладиган шахс, башарти унинг касаллиги имкон берса
- E. Жабрланувчи, агар у мавжуд бўлса

3. Ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши ҳақидаги ишни терговчидан олган прокурор нима қилиши мумкин?

- A. Терговчининг қарорини тасдиқлаб ишни судга юбориши
- B. Ишни тугатиши
- C. Ишни қўшимча дастлабки тергов ўтказиш ҳақидаги кўрсатма билан терговчига қайтариши
- D. Ақли норасо шахс касаллигининг хусусияти ишни судга кўриб чиқишга ҳалал берса иш юритишни тўхтатиши
- E. Янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритишни қайта бошлаши

4. Агар суд-психиатрия экспертизасини ўтказмаётган эксперт жиноят содир этилишига имкон берган янги шарт-шароитларни аниқласа, нима қилиши керак?

- A. Ҳеч нарса, чунки бу унинг ваколатига кирмайди
- B. Аниқланган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида тақдимнома юбориши
- C. Бу ҳақда терговчига хабар қилиши
- D. Прокурорга маълумот юбориши
- E. Уни судга гувоҳ сифатида чақиришларини талаб қилиши

5. Суд белгиллаган руҳий касал беморни мажбурий даволаш қандай тартибда тугатилади?

- A. Даволовчи врачнинг маълумотномаси бўйича

- В. Ҳомийлик ва васийлик органлари томонидан
- С. Руҳий касал шахснинг оила аъзосининг аризаси бўйича
- Д. Суд тиббий муассасанинг хулосаси асосида
- Е. Прокурорнинг кўрсатмаси бўйича

Текшириш учун саволлар

1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича иш юритиш асослари нималардан иборат?
2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича иш юритишда исботланиши лозим бўлган ҳолатларга нималар кирази?
3. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича дастлабки терговни амалга ошириш қандай хусусиятларга эга?
4. Жиноят содир этган шахс оғир, лекин тузатса бўладиган касалликка чалинган жиноят ишларини дастлабки тергов қилиш якунланганида қандай қарор қабул қилинади?
5. Мазкур тоифадаги жиноят ишларини судда кўриб чиқиш қандай хусусиятларга эга?
6. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари ва тартиби қандай?
7. Мазкур тоифадаги ишлар бўйича суд ажрими юзасидан шикоят қилиш ёки протест билдириш тартиби қандай?

XXXII боб. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш

32.1. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш тушунчаси

Жиноят ишларини ярашув асосида кўриб чиқиш — демократик ҳуқуқий давлат шаклланиши даврида жиноят ҳуқуқини либераллаштиришнинг кўринишларидан бири ва айна вақтда жиноят процессида ҳуқуқни тиклаш функциясини амалга оширишнинг самарали шаклларида биридир.

Ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш жиноятдан жабрланган шахс ҳамда жиноий қилмишни биринчи марта содир этган айбдор шахс (гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи) ўртасида жабрланувчининг жиноятгача бўлган мақомини тўлиқ тиклаш ва жиноят туфайли етказилган зарарни бартараф этиш тўғрисида аҳдлашувга келиш орқали жиноят ишини тугатишнинг турларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66-1-моддасида назарда тутилган 26 та жиноят таркибидан бирининг мавжудлиги ярашув учун иш юритишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг шартлари қуйидагилардан иборат: 1) шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни илк бор содир этганлиги; 2) шахс ўз айбини тан олганлиги ва қилмишидан пушаймон эканлиги; 3) шахс етказилган зарарни бартараф этишга фаол ҳаракат қилаётганлиги, яъни етказилган зарарни бартараф этаётганлиги; 4) жабрланувчининг терговчига гумон қилинувчи (айбланувчи) билан, судда эса — судланувчи билан ярашганлиги тўғрисидаги ариза билан ихтиёрий равишда муурожаат этиши; гумон қилинувчи, айбланувчи (судланувчи)нинг, уларнинг қонуний вакиллариининг жабрланувчи билан ярашишга розилигининг мавжудлиги.

32.2. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг процессуал тартиби

ЖПКнинг 582-моддасига мувофиқ, ярашилганлиги муносабати билан Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда

тутилган жиноятлар, яъни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар рўйхатида бўлган жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилиши мумкин.

Ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин.

Аризада етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт.

Агар ярашув тўғрисидаги ариза иш биринчи инстанция сузида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришади.

Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда гумон қилинувчининг, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради.

Қарорнинг тавсиф қисмида қуйидагилар кўрсатилади: жиноят иши қўзғатилишининг асослари, ишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, улар айбланаётган қилмишлар ва уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари, шунингдек ярашув тўғрисидаги аризанинг мазмуни ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчининг аризага муносабати.

Қарорнинг қарор қисмида: 1) ишни судга юбориш тўғрисидаги; 2) эҳтиёт чораси тўғрисидаги, шунингдек фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари тўғрисидаги; 3) ашёвий далиллар тўғрисидаги қарор кўрсатилади.

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этиш учун бир неча шахс жалб қилинган бўлиб, барчаси

билан ҳам ярашувга эришилган бўлмаса, ярашувга эришилмаган гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга тааллуқли материаллар ажратилади ва улар бўйича иш юритиш умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади, бу ҳақда қарорда кўрсатилади.

Иш қарор чиқарилганидан кейин уч сутка ичида прокурорнинг розилиги билан судга юборилади.

32.3. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси ва суд ажрими

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади.

Суд мажлисида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячилари, прокурор иштирок этади.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини ўқиб эшиттириш билан бошланади.

Суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) содир этилган жиноят ҳолатлари тўғрисидаги сўзларини эшитади.

Суд:

ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабабларини;

гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўз айбига ихтиёрий иқрор бўлганлигини;

гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлигини ва етказилган зарарни бартараф этиш чораларини кўрган-кўрмаганлигини;

жабрланувчига (фуқаровий даъвогарга) ёки гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига бирон бир тазйиқ бўлган-бўлмаганлигини;

етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалаларни;

гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари ярашувга розилиklarини аниқлайди.

Шундан сўнг суд ҳимоячи ва прокурорнинг фикрини эшитади.

Агар суд мажлиси давомида ярашув, айбга иқрор бўлиш ихтиёрий эмаслиги, зарарни қоплашдан бош тортиш, шунингдек

содир этилган қилмишда оғирроқ жиноят таркиби белгилари мавжудлиги аниқлангудек бўлса, суд умумий қоидалар бўйича дастлабки тергов юритилиши учун ишни прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд муҳокамасининг натижалари бўйича суд қонунда белгиланган тартибда ажрим чиқаради (ЖПК 586-м.).

Суд мажлиси вақтида ЖПКнинг 90–92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан баённома юритилади.

Суднинг ажрими қуйидаги қоидалар бўйича тузилади.

Суд ажримининг кириш қисмида: ажрим чиқарилган вақт ва жой; ажрим чиқарган суднинг номи, судьянинг, суд мажлиси котибининг, тарафларнинг, таржимоннинг исми, отасининг исми ва фамилияси; гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси, туғилган йили, ойи, куни ва жойи, яшаш жойи, ишлаш жойи, машғулоти, маълумоти ва иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Суд ажримининг тавсиф қисмида ярашув учун асос бўлган ҳолатлар баён этилади, ЖПКнинг 585-моддасида санаб ўтилган масалаларга жавоблар ифодаланади.

Ажримнинг қарор қисмида суд қуйидаги масалаларни ҳал этади: суд мажлиси баённомасини тасдиқлаш ҳамда жиноят ишини тугатиш ёки уни умумий қоидалар бўйича дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги; эҳтиёт чораси тўғрисидаги; ашёвий далиллар тўғрисидаги; зарарни қоплаш тўғрисидаги.

Суднинг ажримига гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячи томонидан хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин».

XXXIII боб. Хорижий давлатларнинг жиноят процесси

33.1. Хорижий давлатлар жиноят процесси ва жиноят-процессуал қонунчилигининг умумий тавсифи

Ҳозирги давлатларнинг жиноят процесси тортишувга асосланган (Буюк Британия) ёки тергов ва тортишувга асосланган (Франция ва бошқалар) процесс сифатида амал қилади. Ислом дини дунёсига кирувчи давлатларда у ислом ҳуқуқи ва дунёвий қонунчиликка асосланган.

Айрим хорижий давлатларда қонуннинг устунлиги принципи эндиликда бош принцип бўлмай қолган. Ҳукумат ва суд муассасаларига жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўриб чиқишни тартибга солувчи ҳужжатлар чиқариш ваколати берилган. Баъзан давлатлар бир-бирларидан ҳуқуқий тизим намуналарини оладилар ва ўзларининг тарихий, миллий ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўзларига мослаштиришга ҳаракат қиладилар.

Масалан, Буюк Британиянинг ҳуқуқий тизимини мерос қилиб олган АҚШ «умумий ҳуқуқ» мамлакатларига киритилади. Бу Америка судлари қўллайдиган қонунларнинг асосий қисми анъанавий равишда прецедент ҳуқуқидан ташкил топганлигини билдиради. Прецедент ҳуқуқи — оралиқ апелляция судлари ва сўнги инстанция судлари ўз қарорларини тушунтириш учун берган ёзма ҳулосалар асосида чиқарилган юридик принциплар ва қоидалардан иборат. Суд прецеденти доктринасига мувофиқ, ушбу қарорлар барча кейинги ишларни кўриб чиқишда мажбурий ҳисобланади. Мазкур ишлар бошқаларидан фарқ қилиши исботланган ёхуд, баъзан бўлиб турганидек, бу қарорлар бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно. Гарчи АҚШ юриспруденциясининг асосини прецедент ҳуқуқи ташкил этса-да, ҳозирги вақтда прецедент ҳуқуқи (умумий ҳуқуқ) қоидалари билан бир қаторда федерал қонун чиқарувчи органлар ва штатларнинг қонун чиқарувчи органлари қабул қилган қарорлар (статут ҳуқуқи) кенг қўлланилади. Бундан ташқари, суд муҳокамасида кўпинча маъмурий органлар қабул қиладиган кўплаб қонун ҳужжатлари ва низомлардан фойдаланилади.

Америка судларининг қарорлари нашр этилганда улар одатда «докладлар» деб аталувчи жилдланган томларга жамлаб эълон қилинади. Кўпчилик штатларнинг ўз расмий «докладлари» мав-

жуд. Барча штатлар судларининг қарорлари хусусий ноширлар миждозларга қулайлик бўлиши учун чоп эттирадиган минтақавий «докладларга» киритилади. Федерал суд органларининг қарорлари алоҳида «докладлар» сифатида чоп этилади. Ҳар бир штатда баъзан кодекс деб аталадиган кўп жилдли қонун ҳужжатлари ёки статутлар тўплами бўлади. Федерал қонун ҳужжатлари биргаликда Қўшма Штатлар Кодексларига жамланган. Бундан ташқари, федерал даражадаги ва штатлар даражасидаги маъмурий қарорларнинг кўплаб эълон қилинган жилдлари мавжуд. Буюк Британияда жиноят процесси парламентнинг уч юз йил давомида қабул қилинган 300дан ортиқ ҳужжатларида мустақамланган процессуал нормалар асосида амалга оширилади. Ўзаро зиддиятли қадимий қонун ҳужжатларининг кўплиги, процессуал қоидалар, институтлар ва шаклларнинг архаик ва казуистик эканлиги, суд прецедентларининг мавжудлиги, қонунларнинг кодексларга жамланмаганлиги, инглиз жиноят процессини ниҳоятда мураккаб қилади.

Европанинг континентал давлатларида жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари ёзма хусусиятта эга бўлиб, ҳар бир мамлакат ўзининг жиноят-процессуал кодексига ёки жиноят-процессуал қонунига ёхуд қоидаларига эга. Ушбу қонун ҳужжатлари доимий равишда янги қонунлар (Германияда), декретлар, ордонанслар (Францияда) билан тўлдирилиб ва ўзгартирилиб боради.

Ҳозирги Франциянинг жиноят процесси 1958 йилги Конституция, 1958 йилги ЖПК ва ҳукумат мажлисларида қабул қилинган тегишли ордонанслар асосида амалга оширилади.

Германия жиноят процессининг асосини 1965 йилги таҳрирда амал қилаётган 1877 йилги Жиноят-процессуал қоидалар ташкил қилади.

Жиноят процесси прокуратура, полиция ёки ҳудудий судьяларга жиноят ҳақида ёзма ёки оғзаки шаклда ариза беришдан бошланади. Жиноий таъқибни бошлаш ҳақидаги масалани прокуратура ҳал қилади. Прокуратура бундай қарорни қабул қилишдан аввал дастлабки текширув — суриштирув ўтказиши. Суриштирув чоғида жиноятнинг ҳолатлари аниқланади, далилларни қайд этиш чоралари кўрилади, ҳужжатлар талаб қилиб олинади. Прокуратура ходимлари қасамёд қилдириб сўроқ қилишдан бошқа ҳар қандай тергов ҳаракатини ўтказиши, ушбу ҳаракатларни ўтказишни полицияга топшириши мумкин.

Полиция федерация ёки ўлкалар даражасидаги ички ишлар вазириликларининг тасарруфидадир. У жиноятларни аниқлашда кенг, уларни тергов қилишда эса тор ваколатларга эгадир. Полиция жиноятлар ҳақидаги аризалар асосида далиллар йўқотилишига тўсқинлик қилиш мақсадида кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари ўтказишга ҳақлидир. Тўпланган барча материалларни полиция дарҳол прокурорга ёки бевосита ҳудудий судьяга бериши шарт. Полиция ушланган шахс қочишга уринган тақдирда уни ҳибсга олиш ҳақида топшириқ беришга ҳақлидир. У айрим тергов ҳаракатларини ҳам ўтказишга мажбур. Бироқ амалда полиция асосий тергов органи ҳисобланади. Сўнгги йилларда полицияни прокуратуранинг оператив тасарруфидан озод қилиш, унинг мустақиллигини кучайтириш ва ваколатларини кенгайтириш тамойиллари кузатилмоқда.

Ўтказилган суриштирув айблов учун етарли асос берган ҳолларда прокуратура иш материалларини дастлабки тергов ўтказиш учун судга беради ёки ушбу жиноят иши билан шуғулланадиган судда кўриб чиқиш учун айблов ҳужжатини жўнатади.

Жаҳондаги барча конституциялар орасида Япониянинг 1946 йилда қабул қилинган Конституцияси жиноят процессига оид энг кўп нормаларга эга. Унда, жумладан, жиноят процессининг қуйидаги принциплари мустаҳкамланган: ҳеч ким унинг иши судда кўриб чиқилишидан иборат ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас (32-м.), жиноят содир этилган жойда ушланган ҳоллардан ташқари ҳолларда шахсни ушлаш учун ваколатли адлия органи берган ва ушлаш сабаби аниқ кўрсатилган ордер зарур (33-м.), ушланган шахс ушланганидан сўнг дарҳол бунинг сабабини билиш ва адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга, ушланган шахснинг талаби бўйича эса ушлаб туриш сабаби унга очиқ суд мажлисида унинг ўзи ва адвокати иштирокида кўрсатилади (34-м.), турар жойига кириб тергов ўтказиш, шунингдек ҳужжатлар ва шахсий ашёларини тинтиш ва олиб қўйиш учун суд идоралари берган ордер бўлиши зарур (35-м.), қийнаш қатъиян ман этилади (36-м.), айбланувчи ўз ишининг холис судда тез ва ошқора кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга (37-м.) ва ҳ.к.

Айбланувчига давлат ҳисобидан унинг талаби бўйича сўроқ қилиниши мумкин бўлган гувоҳларни чақириш, шунингдек малакали адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

Конституцияда ушбу принциплар қайд этилганлигининг

боиси шундаки, аввалги Конституция амал қилган даврда жиноят ишлари бўйича ўтказиладиган терговларда гумон қилинувчининг энг оддий ҳуқуқлари бузилар, судлар эса шаклланиб бўлган ишончига асосланган адолатсиз ҳукмлар чиқарар эди. 1948 йилда Японияда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кучайтирувчи янги Жиноят-процессуал кодекс қабул қилинди. Айрим ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган ЖПК ҳозир ҳам амал қилмоқда.

Япония Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, жиноятларни асосан полиция тергов қилади, прокуратура эса унга умумий кўрсатмалар беради, холос. Айрим ҳолларда прокурор зарур деб ҳисобласа, терговни ўзи ўтказиши мумкин. Японияда жиноят ишларини тергов қилиш фаолияти хизмат вазифаси ҳисобланадиган терговчилар институти йўқ.

Япония полицияси жиноятларни тергов қилиш борасида катта имкониятларга эга. Аммо кўплаб гумон қилинувчилар мавжуд бўлган ёки порахўрлик билан боғлиқ ёхуд компаниялар фаолиятига алоқадор бўлган мураккаб ишларни прокуратура полиция ёрдамида тергов қилади. Адлия вазири нафақат прокурорлар фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва ушбу фаолиятни назорат қилади, балки унинг ваколатига айрим ишларни тергов қилиш ва улар юзасидан чоралар кўриш муносабати билан бош прокурорнинг ҳаракатларига раҳбарлик қилиш ҳуқуқи ҳам киради.

ЖПКда прокурорга жиноятчини жиноий жавобгарликка тортиш зарурати бўлмаса, унинг тавсифланиши, ёши ва қаерда эканлиги, жиноятнинг оғирлик даражаси ва содир этилиш ҳолатлари, шунингдек жиноят содир этилганидан сўнг қарор топган ҳолатларни инобатга олиб, айблов қўзғатмаслик ҳуқуқи берилган.

Ислом ҳуқуқида жиноят ишларининг мазмунига қараб уларни кўриб чиқиш тартибида муҳим фарқлар йўқ. Тўғри, битимлар ва шахсий мақом масалалари бўйича фуқаровий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган одатдаги тортишувлар, шунингдек маънавий бузуқликда ёлғон айблаш, қотиллик ва баданга шикаст етказиш каби жиноятларни қози фақат ҳуқуқи бузилган шахснинг даъвоси бўйича кўриб чиқади. Бошқа ишлар ҳар қандай шахснинг талаби бўйича, жумладан, қозининг ўз ташаббуси билан ҳам судда муҳокама қилиниши мумкин. Ҳар қандай масалани қози битта мажлис давомида якка тартибда ҳал қилади.

Қозиларнинг ҳуқуқий ваколати (юрисдикция) доираси анча ўзгарувчан бўлиб, турли омиллар таъсирида вақти-вақти билан ўзгариб туради. Саҳиҳ халифалар (чаҳорёрлар) ҳукмронлик қилган даврларида қозиларга одатда фуқаровий ва оилавий ишларга доир низоларни ҳал қилиш ҳуқуқи берилган. Баъзи вақтларда уларга амалдорларнинг ўзбошимчалиги юзасидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш топширилган. Вақт ўтиши билан қозилар ваколатларининг доираси кенгайиб борган ва бошқа тоифадаги ишларни ҳам қамраб ола бошлаган.

Одатда, қозининг ваколатлар доираси уни тайинлаш пайтида белгиланади. Баданга етказилган шикаст учун товон тўлаш масалаларидан бошқа барча жиноят ишларини кўриб чиқишга оид кўпчилик ҳоллар унинг ваколатига киритилмайди. Ушбу вазифа узоқ вақт давомида ҳуқуқбузарга нисбатан мажбурий жазо чоралари қўллаш имконига эга бўлган ҳукмдор, унинг жойлардаги вакиллари ва миршабларнинг ваколатига кириб келмоқда. Бундай «меҳнат тақсимоти» кўп жиҳатдан қозилар ўзининг самарали мажбурлов аппаратига деярли эга бўлмаганлиги ва шу боис уларнинг қарорлари низолашган томонлар унинг қарорига ихтиёрий равишда рози бўлган ҳоллардагина тўлиқ ва аниқ амалга ошиши мумкинлиги билан изоҳланади. Куч ишлатишга тўғри келганда эса қози тегишли воситаларга эга бўлган органларга муурожаат этишга мажбур бўлади.

Шу боис ислом давлати ҳақидаги назарияда суд ҳокимиятини ижро этувчи ҳокимиятдан бутунлай ажратиш назарда бўлмаганлигини, қозининг ижро этувчи аппарат билан ўзаро муносабатининг ва улар ваколатларини ажратиб қўйишнинг аниқ ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмаганлигини эслаш зарур. Натижада ҳукмдорлар ва жойлардаги вакиллар қозиларнинг ваколатлари доирасини белгилаб қўйиш билан чекланмай, балки одил судловни амалга оширишларига бевосита аралаштишлари ҳам мумкин. Қози чиқарган қарорларнинг ижроси ҳам уларга бевосита боғлиқ бўлган. Агар халифа уларни тан олмаса, қозининг истеъфога чиқишдан бошқа чораси қолмаган. Жойлардаги вакиллар, ўз навбатида, юридик жиҳатдан суд қарорларини ижро этиши шарт бўлмаган. Бу ўринда кўп нарса қозининг обрўсига ва жойлардаги вакил билан муносабатига боғлиқ бўлган. Ушбу муносабатлар яхши бўлса, вакил ҳам қозини қўллаб-қувватлаган, қозининг қарорлари бажарилган. Акс ҳолда, қози ожиз бўлиб қолган.

Дунёвий судларнинг ишларни кўриб чиқиш тартиби қозилар

қўллаган процесс қоидаларидан жиддий фарқ қилади. Масалан, улар ислом ҳуқуқида тақиқланган далилларни (жумладан, қийноқ орқали олинган кўрсатувларни) ҳам қабул қилишлари мумкин. Аммо дунёвий судлар ислом ҳуқуқининг кўплаб қоидаларини жамият тараққиёти эҳтиёжларига мослаштиришнинг йўлларида бири бўлди. Бунда ўзгарган манфаатлар ва шарт-шароитларни инобатга олишнинг адолатлилиги ва зарурлигига асосланилган.

Кўплаб ислом давлатларининг ҳозирги суд тизимларига илк ўрта аср давридаёқ қарор топган исломий ва дунёвий судларнинг дуализми хосдир. Фақат тўртта давлатда (Миср, Жазоир, Яман ва Тунисда) қозилар судлари ҳозирги вақтда тугатилган.

Қозилар сақланиб қолган араб мамлакатларининг суд тизими-ни иккита асосий гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳи анча юксак ижтимоий тараққиёт даражасига эришган ва давлат табиатан ўрта ва юқорироқ синфларнинг манфаатларини ифода-лайдиган мамлакатларда (Иордания, Ливан, Марокаш, Суданда) қарор топган. Ушбу гуруҳга Ироқ, Ливия ва Сурия давлатларининг суд тизимлари ҳам киради. Бу мамлакатларнинг ҳар бирида мусулмон судлари ўзига хос тарзда ташкил қилинган. Кўпинча улар фақат қуйи инстанция судларини шакллантириш билан чекланиб қолади (масалан, Марокашда). Бироқ айрим ҳолларда мусулмон судларининг кўп босқичли тизими амал қилади. Масалан, Суданда уларга уч босқичдаги туман мусулмон судлари ва бир қанча апелляция судлари киради.

Аҳолиси ислом ҳуқуқининг турли йўналишлари ва мазҳабларига амал қиладиган мамлакатлар суд тизимларининг хусусияти шундаки, уларда мусулмон судларининг бир неча параллел (мувозий) тизимлари ташкил қилинади (масалан, Ироқ ва Ливанда суннийлик ва жаъфарийлик судлари, Ироқ ва Сурияда друздлар учун махсус судлар). Кўпинча ушбу гуруҳга кирувчи мамлакатларда апелляция инстанцияси вазифасини бажарувчи олий мусулмон судлари ҳам ташкил қилинади. Масалан, Ливанда олий сунний ва жаъфарий судлар уч нафар судья ва махсус прокурордан иборат бўлади, Иорданияда эса апелляция судини қирол раис ва бошқа аъзолардан иборат таркибда тайинлайди. Ливияда бир неча апелляция судлари ташкил қилинган бўлиб, уларнинг ҳар бири раис, унинг ўринбосари ва маслаҳатчиларидан иборат. Айни пайтда қарорни учта маслаҳатчи кўпчилик овоз билан қабул қилади. Айрим ҳолларда мусулмон судларининг қарорлари юза-

сидан апелляция шикоятлари юқори турувчи фуқаролик судига (Марокашда), Ироқ, Сурия, Суданда эса — олий суд инстанциясининг махсус палатасига берилади (Суданда бош қозикалон Олий суд аъзоси ҳисобланади). Бу ерда мусулмон судларининг таркибини давлат бошлиғи, адлия вазири ёки олий кенгаш белгилайди. Барча қозилар давлат хазинасидан маош оладилар, мусулмон судларининг қарорларини эса ваколатли давлат муассасалари — полиция, ички ишлар органлари ва шу кабилар бажарадилар.

Яқин вақтларгача Исроил давлатининг жиноят процесси ҳақида биз жуда кам маълумотларга эга эдик. СССР парчаланиши билан Ўзбекистон ва Исроил ўртасида нормал дипломатик муносабатлар ўрнатилиши, ўзаро фойдали муносабатларнинг (айниқса иқтисодий ва савдо-сотиқ соҳасида) муваффақиятли ривожланиши, «Ўзбекистон — Исроил» дўстлик ва маданий алоқалар жамиятининг таъсис этилиши ва фаолият кўрсатиши, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Исроилга ташриф буюриши ҳамда муносабатларнинг янада ривожланиши ва терроризмга қарши курашда ҳамкорлик ўрнатишнинг зарурлиги ушбу давлатнинг жиноят процессини ўрганиш заруратини юзага келтирди.

Исроилдаги жиноят процесси қуйидаги принципларга асосланган:

1) у ёки бу ҳаракатни содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилмаган ҳеч бир шахс жиноий жазога тортилиши мумкин эмас (қонунийлик принципи). Ушбу принципнинг амалий маъноси шундаки, содир этилиш пайтида қонун билан тақиқланган ҳаракат жазоланадиган ҳаракат деб ҳисобланади. У ёки бу ҳаракатни тақиқловчи ёки илгари тақиқланган ҳаракат учун қаттиқроқ жазо белгиловчи янги қонун қўлланиладиган тақдирда, унда назарда тутилган жазо тақиқланган ҳаракатни янги қонун эълон қилинганидан кейин содир этган шахсларгагина қўлланилиши мумкин. Янги қонун илгари қилиниши мумкин деб ҳисобланган ёки илгари енгилроқ жазо белгиланган ҳаракатларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Масалан, 1990 йилда автомобиль ўғрилиги учун энг қаттиқ жазо муддатини уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум этишга алмаштирган қонун қабул қилинди. 1989 йилда автомобиль ўғирлаган шахс ушбу жиноятни содир этганлиги учун уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниши мумкин эмас.

Нима жиноят эканлигини ва у ёки бу жиноятни содир этган

одам қандай жазога тортилиши мумкинлигини белгилаш қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ваколатига киради. Суд у ёки бу ҳаракатни «ўхшашига қараб» ёки ҳар қандай бошқа принципга асосланиб жиноий ҳаракат деб эълон қилиш ҳуқуқига эга эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимият ва суд ҳокимияти функцияларининг аниқ ажратилганлиги ҳуқуқий давлат тузилишининг энг муҳим хусусиятидир.

Бирор бир ҳаракат Исроилда жиноят деб ҳисобланиши учун у тегишли қонун ҳужжатида жиноят деб аниқ белгиланган бўлиши керак. У ёки бу ҳаракатнинг ахлоқ мезонлари нуқтаи назардан гуноҳ деб ҳисобланиши ҳали уни жиноятга айлантirmайди. Агар қонунда муайян ҳаракатнинг содир этилиши тақиқланмаган бўлса, у жиноят ҳисобланмайди.

Масалан, Исроил қонунларида ҳаёти ёки соғлиғига бевосита хавф таҳдид солаётган одамга ёрдам кўрсатиш барчанинг мажбурияти эканлиги назарда тутилмаган. Ҳар бир фуқарони у ёки бу аниқ вазиятда, жумладан, йўл-транспорт ҳодисасидан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш мажбуриятини юкловчи ва бошқа қонунлар бор. Уларнинг фикрича, инсон ҳаётини қутқариш ёки жабрланган шахсга ёрдам кўрсатишдан бўйин товлаётган шахс энг оғир ахлоқий қоралашга муносиб (қутқариш ёки ёрдам кўрсатиш ҳаракатлари ўз ҳаётига хавф туғилиши билан боғлиқ бўлмаган тақдирда). Айни пайтда бу қилмиш, қонунда жиноят деб белгиланмаган бўлса, жиноят ҳисобланмайди;

2) айби жиноий ният қилганликдангина иборат бўлган шахс жиноий жазога тортилиши мумкин эмас. Бу принцип жиноий ниятлар ва мўлжалларнинг ўзи оғир жиноят ҳисобланиши мумкин эмаслигини билдиради. Фақат аниқ фаол ёки пассив жиноий ҳаракатгина жиноят деб топилиши мумкин. Пассив ҳаракат, яъни ҳаракатсизлик қонунда назарда тутилган мажбуриятнинг бузилиши бўлган тақдирдагина жиноят деб топилиши мумкин. Бундай мажбуриятнинг манбаи бўлиб у ёки бу қонун ҳужжати, бошқа шахс билан имзоланган битим, ушбу шахснинг муайян ҳаракатларни содир этишини назарда тутувчи лавозимни эгаллагани кабилар хизмат қилиши мумкин.

Хусусан, ўз боласини боқмаганлиги натижасида боласи ўлган ёки касалликка чалинган ота ёки она оғир жиноят содир этганликда айбдор ҳисобланади. Пляжда (тегишли меҳнат шартномасида назарда тутилган) ўз вазифасини бажармаганлиги оқибатида чуқаётган шахснинг ўлимига сабабчи бўлган қутқарувчи ҳақида ҳам худди шундай дейиш

мумкин. Беморга зарур дори бераётган врач ёки ҳамшира уларнинг ҳаракатсизлиги туфайли беморнинг аҳволи ёмонлашганлиги учун жавобгарликка тортилади.

У ёки бу жиноий ҳаракатни содир этганлик учун айб фақат ўз хатти-ҳаракатини назорат қилишга қодир бўлган, яъни ўзини қонун талабларига мос тарзда тутиш учун объектив имкониятга эга бўлган шахсгагина қўйилиши мумкин. Демак, у ёки бу жиноий ҳаракатни — ҳам актив, ҳам пассив ҳаракатни — содир этишга тўғридан-тўғри жисмоний зўрлик ишлатиб мажбур этилган одам ушбу жиноятни содир этишда айбдор деб топилиши мумкин эмас. Масалан, бошқа бир одам устига итариб юборилган ёхуд боғлаб қўйилгани учун чақирув хатига мувофиқ ҳарбий хизматга бориш учун ҳозир бўла олмаган шахс айбдор деб топилиши мумкин эмас;

3) қонундан тақиқланган ҳаракатнинг маъносини тушунишга қодир бўлмаган шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Бинобарин, 12 ёшгача бўлган шахслар, шунингдек руҳий касаллиги ёки ақлий қолоқлиги туфайли ҳақиқий воқелик билан ҳар қандай алоқадан маҳрум бўлган ёки ўзини қонунга мос тутиш учун ҳеч бир имконияти бўлмаган шахслар жиноий жавобгарликка тортилмайдилар. Масалан, касаллиги туфайли жиноят содир этишга туртки берувчи мутлақо бошқариб бўлмас ички импульслар таъсирига дучор бўлган шахс ушбу импульслар таъсирида жиноят содир этганлиги учун жазога ҳукм этилиши мумкин эмас.

Исроил қонунларида нафақат хусусий шахсларни, балки турли хил жамоат ёки тижорат бирлашмалари (компаниялар, концернлар, кооператив ширкатлар ва ш.к.)ни жиноий жавобгарликка тортиш мумкинлиги назарда тутилган. Одатда у ёки бу бирлашма юқори лавозимли раҳбарларидан бирининг жиғоий ҳаракат содир этганлиги ушбу бирлашмани жиноий жавобгарликка тортишнинг зарур шарти бўлиб хизмат қилади. Ушбу раҳбарнинг вазифалари ва ваколатлари шунчалик кенг бўлиши керакки, унинг жиноий ҳаракатларини мазкур бирлашманинг жиноий ҳаракатлари билан бир деб ҳисоблаш мумкин бўлиши керак. Жамоат ёки тижорат бирлашмасини жиноий жавобгарликка тортиш ушбу бирлашманинг у ёки бу аниқ жиноий ҳаракатларни содир этишда айбдор бўлган ходимларини шахсий жиноий жавобгарликдан озод қилмайди;

4) айби бўлмаган шахс жиноий жазога тортилиши мумкин эмас. Ушбу принцип айби фақат жиноий ниятларида бўлган

шахс жиноий таъқиб этилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги принципга (яъни жиноят процессининг 2-принципига) кўшимчадир.

Ҳаракатда аниқ айб таркиби бўлмаса, нафақат ният, балки ҳаракат ҳам жиноят деб топилиши мумкин эмас. Бошқача айтганда, ушбу ҳаракатни содир этаётган шахс муайян жиноий мақсадга асосланиши керак. Одатда жиноят содир этилаётган пайтда жиноятчининг ушбу ҳаракат қонунни бузиш эканлигини билиши айбдан далолат беради.

Масалан, инсон ўзлаштириб олган нарсаси бошқа бировга (ташкilotта, бирлашмага ва шу кабиларга) тегишлилигини билган тақдирдагина ўғрилиқ содир этганликда айбдор деб топилиши мумкин. Гардеробда янглишиб, яъни бировнинг зонгини ўзиники деб ўйлаб олган кимса ўғри деб ҳисобланиши мумкин эмас. Ўзининг қурбони полициячи эканини билмаган шахс полициячига тажовуз қилишда айбдор деб топилиши мумкин эмас. Ҳаракатлари бошқа бировнинг ўлимига олиб келиши ёки кимгадир жисмоний зиён етказиши мумкинлигини билмаган шахс қасддан одам ўлдирганликда ёки қасддан жисмоний зиён етказганликда айбдор деб топилиши мумкин эмас.

Алоҳида ижтимоий қизиқиш уйғотувчи айрим ҳолларда қонун жиноий ният мавжудлиги мезони билан чекланиб қолмайди, балки кўшимча айбдорлик мезони — жиноий бепарволик мезонини киритади. Масалан, Исроил қонунинда инсон ўлимига ёки жисмоний зиён етказилишига олиб келган бепарволик жиноят деб тан олинади. Бепарволиги инсон ўлимига сабаб бўлган шахс у ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ўлимга олиб келиши мумкинлигини англамаган тақдирда ҳам айбдор деб топилиши мумкин. Бунда шу ҳол юз беришини англаши кераклигининг ўзи етарли ҳисобланади.

Қонунни билмаслик жиноят содир этганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди, чунки жиноят қонунларининг асосий қоидаларини ҳар бир фуқаро билиши зарур, деб ҳисобланади;

5) ҳаракатлари муайян ҳолатлар туфайли оқласа бўладиган ёки чидаса бўладиган деб топилиши мумкин бўлган шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Бунга ўзини ҳимоя қилиш ҳаракати, мажбуран қилинган ҳаракатлар, зарурий хусусиятга эга бўлган ҳаракатлар, мастлик кабилар кирати.

Хусусан, судланувчи шахс (масалан, бирор шахсни қонуний равишда қамаган полициячи ёки муайян вазиятларда оддий фуқаро) унга айб сифатида қўйилаётган ҳаракатларни бажаришга маж-

бур бўлганлигини ёки қонуан бунга ваколатли бўлганлигини айтади. Ёки бошқа мисол: ҳарбий ҳаракатлар вақтида бировнинг уйига кириш ҳақида буйруқ олган аскар, гарчи унга берилган буйруқ ноқонуний хусусиятта эга бўлганлиги кейинчалик аниқланса ҳам, ҳаракатларининг оқланганлиги принципига асосланган ҳимояланиш вариантыдан фойдаланиши мумкин. Бироқ тинч аҳолига қарата ўқ узиш ёки ҳеч бир айбсиз одамни уриш ҳақида буйруқ олган аскар унга ушбу ҳаракатни содир этиш буюрилганлигини айтиб, ўзини оқлай олмайди. Бундай буйруқ ғайриқонунийлиги аниқ кўриниб турган топшириқнинг яққол мисолидир. Бу каби буйруққа бўйсунган шахс ўз ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилади.

Ўзини ҳимоя қилиш, ҳаракатларнинг мажбурийлиги ва зарурий хусусияти тегишли равишда бизнинг қонунчиликдаги зарурий мудофаа, буйруқни бажариш ва охирги заруратга ўхшайди.

Одатда, жиноят содир этиш пайтида жиноятчининг алкоғолдан ёки наркотик воситалардан мастлик ҳолати айбни енгиллаштирувчи ҳолат бўла олмайди. Шу билан бирга, муайян вазиятларда (масалан, агар инсон ўзи билмаган ҳолда ёки мажбуран (кимдир маст қилувчи моддани унинг овқатига қўшган ва бошқа ҳолларда) мастлик ҳолатига тушиб қолган бўлса) ана шу вазифани бажариши мумкин. Қолган барча ҳолларда маст ҳолда жиноят содир этган шахс одатдаги тартибда жиноий жавобгарликка тортилади. Қонунда маст ҳолда жамоат жойларида пайдо бўлиш тақиқланади;

б) айби бутунлай аниқ исботланиши мумкин бўлмаган шахс жиноий жазога тортилиши мумкин эмас. Ушбу принцип кўпчилик жиноятларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Ундан чекинишга қонунда махсус кўрсатилган айрим ҳоллардагина йўл қўйилади.

Шундай қилиб, Исроил қонунчилигига кўра, жиноят ҳуқуқи соҳаси унинг қўлланилиши билан жуда кам фарқ қилади.

33.2. Судгача бўлган иш юритиш ва унинг фарқланиши

Кўпчилик хорижий давлатларда судгача бўлган иш юритиш вазифаси полиция органларига юклатилган. Буюк Британияда дастлабки тергов айбловчи далилларни қидириб топишга ва қайд этишга киришган пайтдан бошланиб, тўпланган далиллар биринчи инстанция судига тақдим этилиши мумкин бўлган пайтда яқунланади. Бунда ишнинг барча ҳолатларини чуқур текшириш

талаб этилмайд, тахминан бўлса-да, айбланувчининг айбдорлигини кўрсатувчи айблов далилларини тўплаш етарли бўлади. Дастлабки терговни ўтказувчи асосий орган полициядир. Инглиз полициячилари (констебеллар) тергов чоғида катта ҳуқуқлардан, хусусан, тинтув ўтказиш ва ашёларни олиб қўйиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Айрим ишларни (масалан, агар ўлим сабаби шубҳа туғдирса, мурдани аниқлашга доир ишларни) коронерлар (графликлар ёки шаҳарларнинг кенгашлари тайинлайдиган мансабдор шахслар тергов қиладилар. Коронерлар терговни ўз ташаббуси билан бошлашлари ва зарур тергов ҳаракатларини ўтказишлари мумкин. Оғир жиноятлар (жумладан, ўлим жазосига тортиладиган жиноятлар)га доир ишлар бўйича жинойий таъқибни ички ишлар вазири тайинлайдиган оммавий таъқиблар директори амалга оширади. Расман полициячи амалдорлар айблов далилларига эга бўлган баённомалар тузишга ҳақли эмасдирлар, аммо улар судьяга гувоҳларни тақдим этадилар ва ўзлари ҳам аниқлаган ҳолатлар юзасидан кўрсатувлар берадилар. Бу билан улар айбловчи ва гувоҳ функцияларини барабар бажарадилар. Айбланувчини оқловчи ёки унинг айбини енгиллаштирувчи далилларни тўплаш вазифаси айбланувчининг ўзига ёхуд унинг адвокатига юклатилади.

Францияда кўп ҳолларда дастлабки тергов бутунлай полиция суриштируви шаклида ўтказилади. Унинг асосий органлари префектлар ва суд полициясидир. Хусусан, ЖПКнинг 30-моддасида префектлар ва суд полициясига ички ва ташқи хавфсизликка қарши жиноятларни ва ножўя ҳаракатларни тергов қилиш бўйича жуда катта ваколатлар берилган. Префект бевосита ўзи ёки полиция орқали ушбу жиноятлар ва ножўя ҳаракатларни тергов қилиш учун барча зарур ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир. У ҳибсга олиши, ашёларни олиб қўйиши, тинтув ўтказиши ва бошқа тергов ҳаракатларини амалга ошириши мумкин. Ушбу ҳаракатларни суд текширмайд. ЖПКнинг 61–63-моддаларида полициянинг нафақат гумон қилинувчиларни, балки жиноят содир этилган жойда ёки унинг яқинида бўлган жабрланувчилар, гувоҳларни ҳам ушлаб туриш ҳуқуқи белгиланган. ЖПКда шахсларни ушлаб туриш учун асослар рўйхати кенгайтирилган. Бунинг устига суд полициясининг ишни прокурорга топширмай, суриштирув ўтказиши мумкин бўлган муддат чекланмаган. Гумон қилинувчи, жабрланувчи ва ҳар қандай шахс тергов манфаатлари йўлида ушлаб турилиши мумкин.

Қонунда бевосита кўрсатилганлиги сабабли (баъзан эса прокурорнинг ихтиёрига кўра) дастлабки терговни ўтказиш шарт деб топилган айрим ишлар бўйича дастлабки терговдан аввал полиция суриштируви амалга оширилади. Дастлабки тергов ўтказиш — тергов судьясигагина тегишли бўлган функция. Тергов судьялари олий трибуналлар аъзоларидан тайинланади. Тергов судьяси республика президентининг декрети билан уч йил муддатга тайинланади. Оғир жазо чоралари қўлланилиши назарда тутилган жиноятларга оид ишлар бўйича, шунингдек қилмиш-ни 18 ёшгача бўлган шахс содир этганда, дастлабки тергов ўтказилиши шарт. Кўпчилик ишлар тергов судьясига полиция терговни яқунлаганидан кейингина келиб тушади.

Тергов судьялари ўз юритувида бўлган деярли ҳар бир иш бўйича дастлабки қамоқ чорасини қўллайдилар. Тергов судьяси шахсга нисбатан дастлабки қамоқ кўринишидаги эҳтиёт чорасини танлаш ҳақида ўз қарорини асослаб бериши шарт эмас.

Германияда дастлабки терговни тергов судьяси ўтказди. Дастлабки тергов давлатга хиёнат қилганлик тақиқланган бирлашмаларда иштирок этганлик, давлат хавфсизлигига ва мудофаага қарши жиноятлар содир этганлик, одам ўлдириш тўғрисидаги ишлар ва қасамёд қилган судьялар судловига тегишли бўлган бошқа оғир жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек айбланувчи илтимос қилган бошқа барча ҳолларда ўтказилиши шарт. Дастлабки терговда сўроқ қилиш, кўздан кечириш, ашёларни олиб қўйиш, тинтув, экспертиза ўтказиш амалга оширилади, ҳужжатлар талаб қилиб олинади ва бошқа тергов ҳаракатлари амалга оширилади. Айбланувчи прокуратура вакили ва ҳимоячи иштирокида сўроқ қилинади. Дастлабки тергов яқунланганлиги ҳақида айбланувчига хабар берилади, жиноят иши эса прокуратурага топширилади.

Жиноят иши прокуратуранинг айблов ҳужжати билан бирга оралик босқич деб аталадиган ва уни судда муҳокама қилишга тайинлаш масалалари ҳал қилинадиган босқичдан кейингина судга келиб тушади. Судда муҳокама қилиш учун тайинлаш ҳақидаги ажрим айбланувчига иш судда кўриб чиқилгунига қадар топширилади. Уни кўриб чиқиш кuni ва соатини суд раиси тайинлайди, гувоҳларнинг ҳозир бўлишини ва судга далилларнинг тақдим этилишини прокуратура таъминлайди (агар иш прокуратурадан келиб тушган бўлса).

Судловга тегишлилик жиний жазоланадиган қилмишнинг оғирлигини инобатга олган ҳолда аниқланади. Германиянинг жиноят қонунчилигига кўра, уларнинг уч хил тури мавжуд:

жиноятлар, унча оғир бўлмаган жиноятлар ва ножўя ҳаракатлар. Жиноят — бир йил ва ундан ортиқ вақтга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланадиган қилмиш. Унча оғир бўлмаган жиноятларга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланадиган ёки жарима солинадиган бошқа барча қилмишлар киради. Ножўя ҳаракатлар — олти ҳафтагача озодликдан маҳрум қилиш ёки 500 маркагача миқдордаги жарима билан жазоланадиган қилмишлар.

Ушбу жиноят ишларини кўриб чиқиш учун Германияда 4 босқичдаги судлар тизими ташкил қилинган: ҳудудий судлар; ўлка судлари; ўлканинг олий суди; Олий федерал суд. Дастлабки уч босқичдаги судлар асосида жиноят ишларини кўриб чиқиш учун турли суд органлари ташкил этилади.

АҚШда жиноятларни тергов қиладиган кенг тармоқли полиция аппарати ташкил этилган. Булар — ФТБ (Федерал тергов бюроси), Иммиграция ва натурализация хизмати, Қирғоқ соқчилик хизмати, Разведка ва бошқа федерал полиция муассасалари. Бунда ФТБ федерал жиноят қонунларида назарда тутилган тахминан 200 турдаги жиноятлар (хоинлик, саботаж, одамларни ўгирлаб эвазига пул сўраш ва бошқалар) бўйича тергов олиб боради. Жиноят процессининг федерал қоидалари АҚШ округ федерал судларига давлатга қарши жиноят содир этганлик учун айблов қўйишга ваколатли бўлган мансабдор шахсга қасамёд қилиб келтирилган ёзма ариза асосида жиноий таъқибни бошлаш имконини беради. Бундай ариза асосида фуқаро айбдор деб топилади ва ҳибсга олинади. Айбланувчини ҳибсга олиш учун ордер иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга қаратилган тергов ҳаракатларини дастлабки ўтказишсиз берилиши мумкин ва ҳибсга олиш учун айбланувчи жиноят содир этганлиги ҳақида тахмин мавжудлигининг ўзи етарли бўлади. Ҳибсга ордерсиз ҳам олиш мумкин.

Ҳибсга олинган шахс амалда назоратсиз бўлган жиноий таъқиб органларининг ихтиёрига тушади. Ушбу органларнинг ҳибсга олинган шахсга нисбатан мажбуриятлари берилган ариза ҳақида хабар бериш ва унинг адвокат чақириш ҳамда дастлабки тергов ўтказишни илтимос қилиш ҳуқуқини тушунтириш билан чекланади. Дастлабки тергов ўтказиш ҳақида илтимос қилинган тақдирда жиноий таъқиб органининг вазифаси гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглашдан иборат бўлади. Округ федерал судларининг судловига тегишли ишлар бўйича жиноий таъқибни амалга оширувчи давлат органлари ўзларининг терговни тамомлаш ҳақидаги қарорларини ишнинг ҳақиқий

ҳолатларига ва ҳуқуқ нормаларига ҳавола этган ҳолда асослашга мажбур эмасдирлар. Гувоҳларнинг кўрсатувларидан жиноят содир этилган ва уни айбланувчи содир этган деб ҳисоблаш учун реал асослар мавжудлиги келиб чиқсагина ишни округ федерал судига дарҳол юбориш ҳақида қарор қабул қилинади. Буларнинг барчаси полиция, прокуратура ва судга жиноят содир этмаган шахсларни таъқиб этиш имконини беради. Бу эса кейинчалик тергов органлари етказган зарарни қоплашга олиб келади.

33.3. Жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш. Суд муҳокамаси. Кассация назорат иш юритиши. Махсус иш юритиш

Буюк Британияда давлатга қарши ва айблов акти чиқаришни талаб этувчи бошқа оғир жиноят ҳақидаги ишлар қасамёд қилган судларнинг судловига тааллуқлидир. Ушбу ишлар бўйича дастлабки иш юритиш айбловчи тўплаган далилларнинг жиноят ишини қасамёд қилган судлар кўриб чиқиши учун тайинлашга етарлилиги ҳақидаги масалани ҳал қилиши керак бўлган судья (судьялар) олдида юз беради. Бунинг учун судья айбловчининг, айблов гувоҳларининг сўзларини тинглайди ва айбловчи тўплаган бошқа далилларни кўриб чиқади. Айбланувчи ўзини ҳимоя қилиш учун тушунтиришлар беришга ва далиллар тақдим этишга ҳақлидир. Далилларни адвокат ҳам тақдим этиши мумкин. Дастлабки иш юритиш жиноят ишини қасамёд қилган судьялар кўриб чиқиши учун тайинлашга маълумотларнинг етарлилиги ҳамда эҳтиёт чораси (айбланувчи ҳибсга олиниши керакми ёки гаровга мулк олиниб қўйиб юборилиши мумкинми) ҳақидаги масалаларни ҳал қилиш мақсадига эга.

Айбланувчини гаров эвазига қўйиб юбориш қоидалари хиёнатта доир ишларга қўлланилмайди. Бошқа барча ишлар бўйича мулкни гаровга олиш асосида қамокдан озод қилишга йўл қўйилади. Эҳтиёт чораси сифатида гаров (мулкӣ кафилик)ни танлаш асоси ва шарти қонунда аниқ белгиланмаган ва одатда суднинг ихтиёри бўйича белгиланади. Кафилга қўйиладиган асосий талаб — тўловга қобиллик. Процесс бошлангунича гаров эвазига озодликка чиқиш ҳуқуқи — ҳамма учун ҳам қўлланиладиган амалий имтиёз эмас. Дастлабки иш юритиш тугаганидан кейин муайян ҳақ эвазига

айбланувчи баъзи ҳужжатлар (гувоҳларнинг ёзма кўрсатувлари ва ш.к.)нинг нусхаларини олиши мумкин. 1971 йилдан сўнг айблов ҳужжатига эга бўлган ишлар одатда Тож судига (Court of the Crown) юборилади. Ушбу суд уларни, қаерда содир этилганидан қатъи назар, кўриб чиқади. Мазкур ишларнинг судловга тегишлилигини қирол курсиси (Royal bench) суди бўлинмасининг раиси аниқлайди.

Францияда жиноят ишини қасамёд қилган судьялар кўриб чиқиши учун тайинлаш ҳақидаги масалани апелляция судининг айблов камераси ҳал қилади. Бироқ ушбу камера айбланувчининг ҳуқуқларини кафолатламайди. Прокурорни айбловни ёзма шаклда ифодалашга ва ҳам айбловчи далилларни, ҳам айбланувчининг фойдасига хизмат қиладиган далилларни келтиришга мажбурловчи айблов ҳужжати ҳақидаги қоидалар амал қилмайди. Айблов камерасининг мажлисида айбланувчининг номидан фақат адвокат қатнашиши мумкин. Айблов камерасининг жиноят ишини судда кўриб чиқишга тайинлаш ҳақидаги қарори юзасидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

Германияда участка судида ножўя ҳаракатлар ҳақидаги ишларни бир нафар судья ёхуд бир нафар судья (икки нафар судья) ва икки нафар шеффендан¹ иборат таркибдаги суд кўриб чиқади.

Ўлка суди жиноят ишларини қуйидаги таркибда кўриб чиқади: кичик жиноят палатаси — бир нафар суд аъзоси ва икки нафар шеффен; катта жиноят палатаси — уч нафар суд аъзоси ва икки нафар шеффен. Ушбу суд инстанцияларида участка суди, қасамёд қилган судьялар суди ёки ўлка олий судининг судловига тегишли бўлмаган жиноят ишлари кўриб чиқилади.

Қасамёд қилган судьялар суди бир ёки бир неча ўлка судлари ҳудудида уч нафар профессионал судья, жумладан, ўлка олий судининг аъзоси бўлган раислик қилувчи, судьялар билан биргаликда суд муҳокамаси вақтида айбдорлик ҳақидаги масалани ҳам, жазо чораси ҳақидаги масалани ҳам ҳал қилувчи олти нафар қасамёд қилган маслаҳатчилардан иборат таркибда амал қилади. Қасамёд қилган судьялар судида қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш, босқинчилик ва бошқа жиноятлар ҳақидаги ишлар кўриб чиқилади.

Ўлка олий судида давлатга хиёнат, давлат сирини ошкор этиш, геноцид каби жиноятларга оид ишлар кўриб чиқилади.

¹ Шеффен (нем.) — маслаҳатчи.

Олий Федерал суднинг оғир жиноятлар билан шуғулланувчи сенати олий суд инстанцияси ҳисобланади. Унда ўта муҳим ишлар кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, Германияда Олий Федерал суднинг беш нафар судьялардан иборат Махсус сенати бошчилик қиладиган фавқулодда судлар тизими мавжуд. Улар Конституцияни муҳофаза қилиш идораси тақдим этадиган жиноят ишларини кўриб чиқадилар. Ушбу идоранинг фаолияти, аслида, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган. Тергов муддатлари баъзан бир неча йил давом этади.

Суд муҳокамаси судланувчининг ва судга чақирилган бошқа шахсларнинг ҳозир бўлганликларини текширишдан бошланади. Гувоҳлар суд залидан чиқарилганларидан кейин ишни судда кўриб чиқишга тайинлаш ҳақидаги ажрим эълон қилинади ва судланувчи сўроқ қилинади. Сўнгра суд тергови жараёнида далиллар текширилади: гувоҳлар, экспертлар сўров қилинади, ҳужжатлар ўқиб эшиттирилади, ашёвий далиллар кўздан кечирилади ва ҳ.к.

Германия жиноят процесси айрим чеклашлар билан бирга тафтиш ўтказиш тартибида ҳам апелляцияга бериш орқали ҳукм юзасидан шикоят қилишни назарда тутди. Апелляция тартиби, аслида, биринчи инстанция судида ишни кўриб чиқишни такрорлайди. Бунда жиноят иши янгитдан мазмунан ҳал қилиниши мумкин.

Тафтиш тартибида участка судларининг ҳукмлари олий ўлка судининг оғир жиноятлар билан шуғулланувчи сенатида, шеффенлар судининг ҳукмлари эса — ўлка судида, қасамёд қилган судьялар судининг ҳукмлари эса — федерал суд қошидаги оғир жиноятлар билан шуғулланувчи сенатда текширилади. Тафтиш тартибида ҳукмнинг қонун талабларига мослиги текширилади.

Ўлка олий судларининг ва Федерал суднинг ҳукмлари юзасидан на апелляция тартибида ва на тафтиш тартибида шикоят қилиниши мумкин. Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг ижро этилиши лозим. Ҳукм чиқарган суд унинг тасдиқланган нусхасини прокурорга юборади. Прокурор жиноятчини ушлаб келиш ёки ҳибсга олиш ҳақида буйруқ чиқариш орқали ҳукмни ижро эттиради.

Япония Жиноят-процессуал кодексига англо-америка ҳуқуқидан тортишув принципи кириб келган. Жиноят иши қуйидаги кетма-кетликда ошқора кўриб чиқилади: раислик қилувчи айбланувчига унинг шахсини тасдиқлашга қаратилган саволлар беради. Прокурор айблов ҳулосасини ўқиб эшиттиради. Раислик

қилувчи айбланувчига ўзига қарши кўрсатув бермаслик ҳуқуқини тушунтириб беради. Айбланувчи ва унинг ҳимоячиси иш юзасидан ўз фикрларини билдирадилар. Суд залида прокурорнинг тақдимномаси бўйича ва суднинг розилиги билан далиллар текширилади. Ундан кейин ҳимоя тарафи тақдим этган далиллар текширилади. Гувоҳга саволларни нафақат айблов ва ҳимоя вакиллари, балки судьялар ҳам берадилар. Одатда далилларни текширишнинг якуний босқичида айбланувчига саволлар берилади. Далилларни текшириш якунлангач жиноят ишини суд залида кўриб чиқиш прокурорнинг айблов нутқи, ҳимоячининг нутқи ҳамда судланувчининг охириги сўзи билан тамомланади. Сўнгра, бироз давом этадиган танаффусдан кейин ҳукм ўқиб эшиттирилади.

Ишнинг бундай тартибида, бир томондан, прокурор, бошқа томондан, айбланувчи ва унинг ҳимоячиси тенг ҳуқуқли тарафлар сифатида иш кўрадилар, раислик қилувчи эса бетараф ҳакам вазифасини бажаради.

Автомашиналарнинг ҳайдовчилари содир этадиган йўл-транспорт ҳаракатига оид қонунларнинг бузилиши ҳақидаги ишлар жиноят ишларини судда кўриб чиқишнинг тезлаштирилган тартиби ҳақидаги қонунга мувофиқ соддалаштирилган судлов судларида ҳал қилинади. Бу ишларни кўриб чиқишда прокурор ва ҳимоячи суд залида одатда ҳозир бўлмайдилар. Судья, прокурор тақдим этган айблов хулосаси, ҳужжатлар ва ашёвий далилларга асосланиб, жарима ёки пеня солиш ҳақидаги қарорни дарҳол ўқиб эшиттиради. Суд залида ўз ишлари бўйича қарор чиқарилишини кутаётган бошқа шахслар ҳам кўп бўлганлиги боис, айбланувчига ўз фикрини баён этиши учун вақт амалда берилмайди. Суд қарорига рози бўлмаганлар ЖПКда назарда тутилган тартибни қўллаган ҳолда ўз ишининг судда кўриб чиқилишини талаб этишлари мумкин. Япония жиноят процессининг энг катта муаммоси шундаки, ишнинг судда тезлик билан кўриб чиқилиши ҳуқуқи Конституцияда қайд этилган бўлишига қарамай, бундай муҳокамага ҳаддан ташқари кўп вақт сарфланади. Турли инстанциядаги судларда ишларни кўриб чиқиш учун ўртача уч ойдан (соддалаштирилган судлов судларида) 6,5 ойгача (мамлакатнинг Олий судида) вақт сарфланади. Аммо жиноят ишларининг асосий кўпчилиги ҳар ҳолда нисбатан қисқа вақтда кўриб чиқилади, чунки айбланувчилар уларга жиноят сифатида қўйиладиган фактларнинг ҳам, қўлланиладиган қонунларнинг ҳам устидан шикоят қилмайдилар.

Кўплаб айбланувчилар иштирок этадиган ёки айбланувчилар ўзларининг айбсизлигини қаттиқ туриб ҳимоя қиладиган ишларни кўриб чиқиш узоқ вақт талаб қилади. Чунки кўплаб далиллар текширилади, гувоҳлар узоқ вақт сўроқ қилинади. Шундай ҳоллар бўладики, биринчи инстанция судининг ўзига ишни кўриб чиқиш учун деярли 10 йил вақт талаб қилинади, апелляция тартибида кўриб чиқиш билан бирга эса 20 йилдан ортиқ вақт сарфланади. Бу вақт мобайнида айбланувчи шунчалик кўп маънавий ва жисмоний азоблар тортадики, уларнинг ўзи эндиликда жиноий жазони ташкил қилади. Узоқ вақт давом этадиган суд муҳокамасидан сўнг у айбсиз деб топилса, Конституциянинг 20-моддасига асосланган қонунга мувофиқ, товон пули олади.

АҚШ жиноят процессида давлат жиноятлари ва бошқа оғир жиноятлар ҳақидаги ишлар қасамёд қилган судьялар судловига киритилган. Бу ишлар тортишув шаклида юритилади, улар юзасидан судья ҳузурида дастлабки тергов олиб борилиши шарт. Амалда ундан аввал полиция тергови амалга оширилади. Айнан шу босқичда айбланувчига, баъзан эса гувоҳларга ҳам қўрқитувчи маънавий ва жисмоний таъсир чоралари қўллаб, сўроқ қилишга йўл қўйилади. Полиция органлари далилларни тўплагач, уларни судга тортишув тартибида кўриб чиқиш учун тақдим этишлари керак. Далилларни судья айбланувчи ёки унинг ҳимоячиси иштирокида кўриб чиқади. Далиллар етарлича тўпланган деб топилгач, айблов хулосаси тузилади. Уни федерал прокурор ёки штат прокурори айблов актида баён этади. Унда айбланувчи бузган қонун, қоидалар, қарорлар ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилиниши керак. Аслида, бу талаб федерал судларда бажарилиши шарт эмас. Зеро, Федерал қоидаларда айтилганидек, «қилинган ҳаволалардаги хатолик ёхуд ҳавола қилмаслик айблов ҳужжатининг ёки ҳукмнинг бекор қилинишига асос бўлмайди». Сўнгра жиноят иши судда муҳокама қилишга тайинлаш учун жўнатилади.

Назарий жиҳатдан, ўлим жазосига тортилмайдиган жиноят ҳақидаги ҳар бир иш бўйича айбланувчи гаров эвазига озод қилиниш ҳуқуқига эга; ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларга оид ишлар бўйича эса гаров эвазига озод қилиш масаласини судья кўриб чиқади. Гаров эвазига озод қилишнинг деярли барча ҳолларида гаров миқдорини судья ўз ихтиёри билан белгилайди. Гаров ҳақидаги масалани ҳал қилишга таъсир этувчи фикр-мулоҳазалар ишнинг муайян ҳолатлари, судланув-

чининг шахсига хос хислатлар ва обрў-эътиборига боғлиқ бўлади, бироқ асосийси — муайян судьянинг шахсий фикри.

Штатларнинг федерал қонунлари бўйича жиноят ишини судда кўриб чиқишга тайинлашда муайян фарқлар мавжуд. Ушбу тартибнинг энг типик жиҳати қуйидагиларда ифодаланadi: прокурор тузган айблов ҳужжати дастлабки тергов тамомлангандан сўнг жиноят иши қайси суднинг судловига тегишли бўлса, ўша суднинг котибига юборилади. Котиб ҳужжатнинг тўғри тузилганлигини текширади, сўнгра уни судьяга тасдиқлаш учун тақдим этади. Судья ўз имзоси билан айблов ҳужжатини тасдиқлайди. Оғирроқ жиноятлар бўйича ишни судда кўриб чиқишга Катта жюри (23 нафар қасамёд қилган судьялар) қарори билан тайинланади. Ушбу жюри асосан муайян талабларга жавоб берадиган шахслардан ташкил топади. Катта жюри мажлислари ёпиқ тарзда ўтади. Уларда айбловчи далиллар кўриб чиқилади ҳамда айбловчининг мулоҳазалари тингланади. Сўнгги вақтларда мажлисларга айбланувчини чақириб унинг кўрсатувларини олиш амалиёти қарор топди. Жиноят ишини судда кўриб чиқишга тайинлаш ҳақидаги қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади ҳамда айблов ҳужжатидаги тасдиқлаш ҳақидаги ёзув шаклида баён этилади.

Буюк Британияда жиноят ишини мазмунан (умуман кўриб чиқишдан аввал айблов ҳужжатини тасдиқлаш ва судланувчига тақдим этиш; судланувчининг унга қўйилган айб хусусидаги фикрини аниқлаш; қасамёд қилган судьялар жюриси (курсиси) ни шакллантириш ишлари бажарилади. Том маънодаги суд муҳокамаси суд тергови, тарафлар музокараси, қасамёд қилган судьяларнинг ҳукм тузиши ва чиқариши, жазо белгилаш ва судья(лар)нинг ҳукм чиқариши кабиларни ўз ичига олади. 1933 йилгача айблов ҳужжатини Катта жюри (12–13 нафар қасамёд қилган судьялар) тасдиқлаганлар. Ҳозир эса буни расман суднинг идора ходими (клерк) бажаради. Судланувчи айблов ҳужжатидан биринчи бор жиноятнинг юридик тавсифини, айблов ифодасини ва суд мажлисига чақириладиган гувоҳлар рўйхатини билиб олади. Ишнинг бундан буёнги бориши судланувчининг айблов ҳужжатида (айбловнинг юридик тавсифи ва ифодасига) муносабатига боғлиқ. Судда айблов қўйилганидан сўнг айбланувчи қуйидагилар ҳақида огоҳлантирилади: «Агар истамасангиз, жавоб беришга мажбур эмассиз, аммо сиз айтган гаплар баённомага киритилиши ва

далил сифатида судга қарши фойдаланилиши мумкин». Агар айбланувчи ўз айбини тан олса, суд тергови ҳатто юритилмайди ва суд ҳукм чиқаради. Суд муҳокамаси айбланувчи ўзининг айбдорлигига иқрор бўлмаган тақдирдагина тўлиқ амалга оширилади. Ушбу ҳолда суд тергови ва тарафлар музокарасини ўз ичига олувчи суд музокараси бошланади.

Суд муҳокамасини айблов ҳужжатининг моҳиятини баён этувчи айбловчи ўз нутқи билан очади. Шундан сўнг айблов далиллари текширилади ва бу ҳаракат айбловчининг текширув натижалари бўйича такроран сўзга чиқиши билан якунланади. Судланувчига (унинг ҳимоячисига) айблов исботланмаганлиги ва иш тутатилиши лозимлиги ҳақида арз қилиш (ва оқловчи далилларни тақдим этиш) имконияти берилади. Судья бунга рози бўлган тақдирда қасамёд қилган судьяларга судланувчини оқлаш ҳақида кўрсатма бериши мумкин. Бироқ амалда бундай ҳол учрамайди.

Оқловчи далилларни текшириш ҳимоячи (судланувчи)нинг кириш сўзи билан бошланади. Шундан сўнг судланувчи ишнинг моҳияти бўйича кўрсатувлар беради. Сўнгра ҳимоянинг гувоҳлари сўроқ қилинади ва бошқа оқловчи далиллар текширилади. Текширув натижалари бўйича ҳимоячи (судланувчи)нинг такрорий сўзга чиқишида хулоса қилинади. Суд тергови айбловчининг учинчи нутқи билан тамомланади. Айбловчи бунда оқлов далилларини таҳлил қилади.

Шундан сўнг судья қасамёд қилган судьяларга қарата мурожаат қилади. Унда кўриб чиқиляётган иш бўйича қандай ҳукм чиқариш лозимлиги ҳақида аниқ тушунча беради. Шундан кейин қасамёд қилган судьялар маслаҳат қилиш учун кириб кетадилар ва кўпчилик овоз билан ҳукм чиқарадилар. Қасамёд қилган судьяларнинг ҳукми, яъни улар шахснинг айбдорлиги ёки айбсизлигига доир саволга берган жавоби асослантирилмайди. Қасамёд қилган судьяларнинг айблов қароридан кейин судья ўз айблов ҳукмини чиқаради ва унда жазо белгилайди. Қасамёд қилган судьяларнинг оқлов қароридан сўнг судья оқлов ҳукми чиқаради.

Францияда, қонунга мувофиқ, жиноят ишини уч нафар доимий аъзо ва тўққиз нафар маслаҳатчидан иборат суд кўриб чиқади. Бу ишнинг барча масалаларини ҳал қилувчи яхлит ҳайъатдир. Ўлим жазоси, каторга ишлари ёки ҳуқуқлари чекланган ҳолда озодликдан маҳрум этиш жазолари тайинланиши мумкин бўлган ишлар ушбу суднинг судловига

тегишлидир. Суд мажлисида раислик қилувчига (одатда у апелляция суди камераларидан бирининг раиси) ишни судга тайёрлаш борасидаги барча тадбирлар; судланувчини суднинг қамоқ уйига ўтказиш ҳақида топшириқ бериш; судланувчини дастлабки сўроқ қилиш; тергов материалларини тўлдириш ҳақида топшириқлар бериш; ҳимоячи тайинлаш каби вазифалар юклатилган. Франция судида қасамёд қилган судьялар суди раисининг алоҳида мавқеи дискрецион ҳоқимият (ўз хоҳиши бўйича қарор чиқариш ҳоқимияти) номи билан маълум. Судья ўз ташаббуси билан далилларни талаб қилиб олиши, суд терговининг боришини бошқариш хусусида якка тартибда қарорлар қабул қилиши, айбланувчини сўроқ қилиши мумкин. Ушбу сўроқ одатда айблов табиатига эга бўлади.

Ишни судда кўриб чиқиш ишнинг суд муҳокамасига тайинланиши ҳақидаги қарорни ўқиб эшиттириш ҳамда ишнинг моҳиятини баён этувчи прокурорнинг қисқача нутқи билан бошланади. Унинг марказий қисми — раиснинг судланувчини сўроқ қилиши. Фақат раисдан кейингина судланувчини прокурор ҳамда суд муҳокамасининг бошқа иштирокчилари сўроқ қиладилар. Гарчи суд муҳокамаси тортишувга асосланган деб ҳисобланса-да, прокурорга айбланувчи ва унинг ҳимоячисига қараганда, кенгроқ ҳуқуқлар берилган. Прокурор шахсан ўзи сўроқ қилади, ҳимоячи эса гувоҳлар ва экспертларга фақат раислик қилувчи орқали саволлар бериши мумкин. Қонунда гувоҳларни суд мажлисига чақириш борасидаги харажатларни буни илтимос қилган тараф қоплаши кераклиги кўрсатилган. Иш материалларини текшириш суд музокаралари билан яқунланади. Дастлаб фуқаровий даъвогар ва прокурор сўзга чиқадилар. Сўнгра сўз ҳимоячига берилади. Судья ва маслаҳатчилар судланувчининг охириги сўзини тинглаб бўлгач, маслаҳатхонада ҳукм чиқарадилар.

Айблов хулосаси чиқариш учун 8 овоздан иборат кўпчилик зарур. Жазо чораси ҳақидаги масала оддий кўпчилик овоз билан ҳал қилинади. Суд муҳокамаси ҳукми ўқиб эшиттириш билан яқунланади. Назарий жиҳатдан Францияда далилларни судьяларнинг ички эътиқоди бўйича эркин баҳолаш тизими мавжуд. Бироқ полиция баённомаларида қайд этилган фактларни гувоҳларнинг кўрсатувлари билан рад этишни тақиқловчи қоида амал қилади. Бу қоидани суд амалиёти полиция амалдорларидан келиб чиқувчи барча далилларга тааллуқли деб ҳисоблайди. Мазкур ҳужжатларни ҳам судьялар эркин баҳолай олмайдилар.

АҚШда қасамёд қилган судьялар иштирокидаги суд муҳока- маси қасамёд қилган судьялар таркибини шаклантиришдан бошланади. Тарафлар қасамёд қилган судьяларни рад этишлари мумкин. Бироқ амалда судланувчи ўзини малакали ва фаол адвокат хизматлари билан таъминлашга қодир бўлган тақдирда- гина ушбу имкониятдан фойдалана олади. Ушбу адвокат судгача, қасамёд қилган судьялар рўйхати судланувчига топширилганда, қасамёд қилган судьяларни рад этиш мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаши керак бўлади. Қасамёд қилган судьяларни рад этиш асосларини тартибга солувчи қонун нормаларининг ноаниқлиги, рад этган судланувчининг раддиясини қониқтиришни асослантирмаган ҳолда рад этиш мумкинлиги судга қасамёд қилган судьяларнинг исталган таркибини танлашни осонлаштиради. Айбланувчи ўзини гувоҳ сифатида сўроқ қилишларини сўраган тақдирда у ҳимоянинг гувоҳи сифатида — гувоҳлик қасамёди қабул қилдирилиб ва ёлгон гувоҳлик бергани учун жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилиб, сўроқ қилиниши мумкин. Судьялар, баъзан эса прокурорлар ҳам ёлгон гувоҳлик бергани учун айбла- нувчини жавобгарликка тортиш мақсадида, уни гувоҳ сифатида кўрсатув беришга мажбурлашга ҳаракат қиладилар. Айбланувчи кўрсатув беришдан қатъиян бош тортган тақдирда унга нисбатан «судни ҳурмат қилмаганлик учун» жазолаш ҳақидаги қонун қўлланилиши мумкин. Бунинг учун нафақат айбланувчилар, балки судланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат бурчини виждонан бажараётган ва бу билан суднинг гашига тегаётган адвокатлар ҳам жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Суд муҳокамасига хос бўлган жиҳатлардан бири суднинг по- лиция билан яқин алоқасидир: сиёсий ишлар бўйича гувоҳлар сифатида суд мажлисида ҳақ тўланадиган хабарчилар ва бошқа агентлар иштирок этишлари мумкин. Судланувчи айбига иқдор бўлган тақдирда, суд тергов ўтказмасдан туриб ва қасамёд қил- ган судьяларнинг ҳукмини эшитмай туриб жазо тайинлаш ҳуқу- қига эга. Ушбу ҳолда гувоҳлар айбдорга қандай жазо тайинла- ниши масаласи хусусида қарор чиқариш учунгина сўроқ қили- нишлари мумкин. Суд тергови айбланувчи айбини рад этган тақдирдагина ўтказилади. У икки қисмдан иборат бўлади. Биринчиси айбловчи (прокурор)нинг сўзга чиқиши билан бошланади. Шундан сўнг айблов гувоҳлари сўроқ қилинадилар ва бошқа айблов далиллари текширилади. Ҳимоячи айбловчи

чақирган гувоҳларни сўроқ қилишга, уларга айбловчи билан бирга саволлар беришга ҳақлидир. Суд терговининг иккинчи қисми айбловчига ўз эътирозларини билдираётган ҳимоячининг нутқи билан бошланади. Сўнгра ҳимоячи ҳимоя гувоҳларини сўроқ қилади ва судланувчининг фойдасига бошқа далилларни тақдим этади. Бунда айбловчи ҳимоянинг гувоҳларига ҳимоячи билан бирга савол бериш ҳуқуқига эгадир. Шундан сўнг айбловчига яна сўз берилади.

Суд тергови ҳимоя тараф тақдим этган далилларни кўриб чиқиш билан якунланади. Шундан сўнг судья қасамёд қилган судьяларга қарата нутқ сўзлайди. Унда кўриб чиқилган далилларнинг аҳамиятини тушунтириб беради, яъни мазкур иш бўйича қандай қарор чиқариш лозимлиги ҳақида тушунча беради. Оғир жиноятларга доир ишлар бўйича қасамёд қилган судьяларнинг яқдил қарори талаб этилади. Қасамёд қилган судьяларнинг қарори ва унинг асосида чиқарилган жазо тайинлаш ҳақидаги ҳукм суд мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Буюк Британияда ҳукмларни қайта кўриб чиқиш апелляция деб аталади. Фактик асослар бўйича қасамёд қилган судьялар чиқарган қарор юзасидан шикоят қилишга (апелляцияга) ишни кўриб чиққан судьянинг ёки апелляция инстанциясининг рухсати билангина йўл қўйилади. Ҳукмнинг жазо чорасини белгилаш қисми юзасидан фақат апелляция инстанциясининг рухсати билан шикоят қилиниши мумкин. Буюк Британияда борган сари кўпроқ қарор топаётган амалиётга мувофиқ, судья ўз ҳукмини жазони енгиллаштириш тарафига ҳам, оғирлаштириш тарафига ҳам қайта кўриб чиқиши мумкин. Бу нарса ҳукм суд мажлисининг баённомасида қайд этилганидан кейин қилинади. Ушбу ҳолларда судья маҳкумни ўз ҳузурига чақириб, унга янги ҳукмни эълон қилади. Бунинг натижасида амалда ҳукмлар юзасидан шикоят қилиш институтига жиддий тузатишлар киритилади.

Францияда қасамёд қилган судьялар иштирокидаги суд ҳукми юзасидан фақат жиноят қонуни ва процессуал шакллар бузилганлиги важдан кассация тартибида республиканинг кассация судига шикоят қилиниши мумкин. Кассация суди қонун расман бузилганлигини аниқлаган тақдирдагина ҳукмни бекор қилади. У ишнинг мазмунан тўғри ҳал қилинганлигини текширмайди.

АҚШда ҳукм юзасидан шикоят қилиш институтига апелляция ва кассация элементларнинг уйғунлиги хос. Ҳукмни фактик асослари бўйича текшириш камдан-кам учрайди. Маҳкумнинг

шикоят кўриб чиқиладиган пайтда (шикоят берилган пайтдан бошлаб у рад этилгунча) қамокда ўтказган вақти ҳукм тайинлаган жазо муддатига кирмайди. АҚШда шикоят беришнинг жуда мураккаб ва кўп босқичли тизими мавжуд. Бир қатор ҳолларда ҳукмларни штатларнинг олий судлари ва АҚШ Олий суди бир неча йиллар давомида қайта кўриб чиқадилар.

Умуман олганда, АҚШ судлари ягона суд тизимидан ёки давлат тузилмасидан иборат эмас. «Аслида, — деб ёзади Д. Мидор, — биз ягона Америка судлар тизими ҳақида сўз юрита олмаймиз. Бунинг ўрнига кўплаб бир-биридан мустақил бўлган тизимларга эгамиз. Худди шунигдек Америка ҳуқуқининг манбалари ҳам жуда кўпдир. Бир тизим судлари кўпинча бошқа тизимда ишлаб чиқилган қонунни қўллайдилар ва изоҳлайдилар. Бунинг устига, кўпинча айна бир иш икки ёки ундан ортиқ бир-бирини такрорловчи суд тизимларининг судловига тегишли бўлади. Бу ва бошқа ҳолатлар Қўшма Штатлар судлов тизимининг ниҳоятда мураккаб бўлишига олиб келган»¹. Америка суд тизимидаги асосий фарқ штатлар билан федерал тузилмалар ўртасида кўзга ташланади. Федерал ҳуқуқат ва штатлар ҳуқуқатлари биргаликда мавжуд бўлиб, федерал ҳуқуқатга кенг ваколатлар берилган. Айна пайтда қолган барча ваколатлар штатларнинг ҳуқуқатларига тегишлидир. Ушбу ҳуқуқатларнинг ҳар бири ўзининг мустақил ва етарли суд тизимига эга.

Ҳозирги вақтда 50 та штат ва, бинобарин, 50 та штат суд тизимлари мавжуд. Шунга ўхшаш тизимлар Колумбия округида ва Пуэрто-Рико Ҳамдўстлигида ҳам бор. Виржиния ороллари, Гуама, Америка Самоаси ва Мариана ороллариининг шимолий зонасида ҳам ҳудудий судлар мавжуд. Шундай қилиб, Америка суд тизими Мэн штатининг шимоли-шарқий соҳилларидан то Тинч океанининг энг узоқдаги оролларигача ва Пуэрто-Рикодан Аляскагача чўзиладиган улкан ҳудудни қамраб олади.

Суд тизимининг ва штатлардаги 50 та суд тизимларининг тузилиши пирамидага ўхшайди. Умуман олганда, бу тизимлар ўхшаш, улар ўртасидаги фарқлар муайян тузилиши ва фаолиятига тааллуқлидир. Пирамиданинг асосини биринчи инстанция судлари ташкил этади. Унинг чўққисидида одатда олий суд деб аталувчи энг юқори инстанция суди туради. Кўпчилик штатларда ва федерал тизимда оралиқ назорат, яъни апелляция судлари ҳам мавжуд. Бу судларнинг барчаси ўз табиати (характери) ва суд ҳоқимияти концепцияси бўйича Англиянинг умумий ҳуқуқи ва

¹ Қаранг: Мидор Д. Американские суды. Сент-Пол, Миннесота, 1991. С. 3.

адолат ҳуқуқи судига асосланади. Ушбу юридик тизимни XVII ва XVIII асрларда Англиядан кўчиб келган муҳожирлар Шимолий Америка қирғоқларига олиб келганлар. Луизиана штати, шу нуқтаи назардан, ноёб гибриддир, чунки унинг илдизлари Франциянинг фуқаролик ҳуқуқи тизимига бориб тақалади.

Америка судлари Буюк Британия ва бошқа мамлакатлардаги судлардан ҳокимиятлар бўлиниши ва конституциявий назорат ҳуқуқи каби асосий жиҳатлари билан фарқ қилади. Американинг ҳокимиятлар бўлиниши концепциясига мувофиқ, бутун давлат ҳокимияти уч қисмга — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши керак. Ҳар бир тармоқнинг бошида алоҳида мансабдор шахс ёки расмий орган туради. Энг оддий тарзда ушбу доктринанинг моҳиятини куйидагича изоҳлаш мумкин: қонун чиқарувчи тармоқ қонунлар ишлаб чиқади, қонун ҳужжатлари чиқаради; ижро этувчи ҳокимият қонунларга риоя этилишини таъминлайди; суд ҳокимияти эса қонунларни талқин этади ва тушунтиради, ишлар бўйича қарорлар чиқаради. Ҳокимиятни бундай бўлишдан кўзланган мақсад фуқароларни айрим шахслар ёхуд ягона ташкилот қўлида тўпланган ҳокимиятнинг суиистеъмолликларидан ҳимоя қилишдир. Америка сиёсатининг сирлари орасида ушбу принципга эркинлик ва ҳуқуқий давлат кафолати сифатида асосий аҳамият берилади. Мазкур принцип АҚШнинг барча давлат тузилмаларида ўз ифодасини топган. Шу боис федерал судлар ва штатларнинг судлари қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқдан мустақил бўлган ҳокимиятнинг алоҳида тармоғи сифатида фаолият кўрсатади.

Америка судларига хос яна бир жиҳат — конституциявий назорат ҳуқуқи. Ушбу доктринага мувофиқ, суд қонун ҳужжати (статути)ни ё Федерал Конституцияга, ё штат Конституциясига зид деб, бинобарин, ижро этилмаслиги лозим деб эълон қилиш ваколатига эга. Шу тариқа, судлар ижро этувчи ҳокимият вакиллариининг қарорларини ҳам Конституцияга хилоф деб эълон қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳужжатларнинг Конституцияга мос ёки мос эмаслиги ҳақидаги қарорлар ҳар қандай фуқаровий ёки жиноят ишлари муносабати билан қабул қилиниши мумкин. Америка Қўшма Штатларида алоҳида Конституциявий судлар йўқ. Ҳар қандай суд, у штат даражасида бўладими, ёки федерал даражадами, агар муҳокама қилинаётган иш бўйича қарор қабул қилиш учун зарур бўлса, штат даражасидаги ёки федерал даражадаги юридик ҳужжатлар ёхуд қарорларнинг конституциявийлиги хусусида қарор қабул қилиши мумкин. Штат судлари

штат конституциясининг ҳам, Федерал Конституцияни ҳам қўлайдилар; бунда улар ўртасида зиддият келиб чиққанида, Федерал Конституцияга устунлик берилади. Федерал судлар Федерал Конституцияга мувофиқ фаолият кўрсатадилар; улар, агар штатлар конституциялари қоидаларининг мазмуни таҳлил қилинаётган бўлса, гарчи одатда бу каби қарорларни штат судлари қабул қилсалар ҳам, ушбу конституция қоидаларига мурожаат этиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Буюк Британияда номаълум бўлган ва континентал ҳуқуқнинг одатдаги судларида қўлланилмайдиган конституциявийлик ҳақида қарор чиқариш ҳуқуқи Америка судларига халқнинг сайлаб қўйилган вакиллари чиқарган ҳужжатларни, улар юқорироқ мавқедаги қонун — Конституцияга зидлиги сабабли, бекор қилиш ҳуқуқини беради.

Конституциявий назорат ҳуқуқи ва ҳокимиятлар бўлиниши Американинг «Қонун ҳокимияти» концепциясининг асосий элементларидир. Улар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳаракатларини назорат қилиш учун асосий давлат ҳужжатларини қўллайдиган суд ҳокимиятининг мустақиллигини кафолатлайди. Қонун ҳокимияти барча учун бажарилиши мажбурий бўлган ҳамда белгиланган тартибга мувофиқ тарзда амал қиладиган объектив мустақил судьялар қўллайдиган принциплар, нормалар ва қоидалар мажмуи бўлишини ҳам назарда тутди. Пировард натижада судлар муҳофаза этадиган ҳуқуқий тартиб барча шахсларни қамраб олади ва ҳеч ким қонундан устун бўлмайди.

АҚШдан фарқли равишда, Исроилнинг жиноят процесси тизими анча мукамал бўлиб, уч даражадаги судлардан, яъни яраштирув судлари, округ судлари, Олий суддан иборат. Бундан ташқари, Исроилда аниқ белгилари бўйича бирлаштирилган у ёки бу масалаларни кўриб чиқишга ихтисослашган қуйидаги судлар мавжуд: меҳнат низолари (ходимларнинг иш берувчиларга даъволари, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари, ишдан бўшатишганда товон тўлаш, Миллий суғурта бошқармасидан у ёки бу нафақаларни олиш кабилар) бўйича судлар, транспорт судлари (йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузганлик ҳақидаги ишлар, йўл полицияси вакилларининг тегишли қарорлари юзасидан тегишли даъволар қилиш ва бошқалар), ҳарбий судлар (ҳарбий хизматчиларнинг жиноят таркибига эга бўлмаган мансаб билан боғлиқ ножўя ҳаракатларини кўриб чиқади), *раввинат* судлари ва бошқа уюшмаларнинг (уруғларнинг) диний судлари.

Барча фуқаролик судларида судьялар комиссиянинг қарорларига асосан касбига кўра, тайинланадилар. Ушбу комиссияга адлия вазири ва ҳукуматнинг яна бир вакили, кнессет (парламент)нинг икки нафар депутати, адвокатлар ҳайъатининг икки нафар вакили ва Олий суднинг уч нафар судьяси, жумладан, Олий суд президенти киради. Тайинланган судья ёш чегараси бўйича белгиланган вақтгача ўз вазифаларини бажаради — 70 ёшида у истеъфога чиқиши шарт. Судьянинг қарори у ёки бу мансабдор шахсга ёхуд умуман ҳукуматга «ёқмай қолганда» ишдан бўшатилиши мумкин эмас. Исроилнинг барча фуқаролари қонун ва суд олдида тенгдирлар. Фуқаро давлатдан даъво қилиб судга арз қилиши мумкин. Бунда судьянинг назарида давлатнинг мақоми оддий фуқаронинг мақомидан асло фарқ қилмайди.

Яраштирув судлари майда ҳуқуқбузарликларга оид жиноят ишларини кўриб чиқадилар. Округ судлари оғир жиноятлар (қотиллик, босқинчилик, зўравонлик ва бошқалар) ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш, шунингдек яраштирув судлари чиқарган ҳукмлар юзасидан берилган шикоятларни кассация тартибида кўриб чиқиш билан шуғулланадилар.

Исроилда энг юқори суд босқичини Олий суд ташкил қилади. У округ судлари чиқарган ҳукмлар юзасидан берилган шикоятларни кассация тартибида кўриб чиқиш билан шуғулланади. Айрим ҳолларда Олий судга яраштирув суди чиқарган қарор хусусида берилган шикоят юзасидан округ суди чиқарган кассация қарори борасида протест билдирилиши мумкин.

Баъзан Исроилнинг Олий суди Олий адолат суди сифатида намоён бўлади. Олий адолат судига протест билдирилиши мумкин бўлган қарорларнинг мисоли бўлиб қонунга хилоф тарзда ҳибсга олиш, раввинат судининг ўз ваколатлари доирасидан чиқиши кабилар ҳисобланади. Олий адолат судига шикоят қуйи инстанциядаги ҳеч бир суд муассасасига берилиши мумкин бўлмаган ҳолдагина мурожаат қилиш мумкин.

Исроилда у ёки бу фуқарога қарши жиноий айблов билан хусусий шахс эмас, балки давлат чиқади. Жиноят процесси иккита асосий қисмга бўлинади. Процесснинг биринчи қисмида судланувчининг айби аниқланади. Агар судланувчи айбдор деб топилса, иккинчи қисмда суд жазолаш ҳақида ҳукм чиқаради.

Жиноят процесси бошида судья судланувчидан унга қарши тақдим этилган айблов хулосасида кўрсатилган жиноятни содир этганликда ўзини айбдор деб ҳисоблаш-ҳисобламаслигини сўрайди. Агар судланувчи айбига иқрор бўлса, суд уни айбдор деб

эълон қилади ва протестнинг биринчи қисми якунланади, агар судланувчи ўзини айбдор деб тан олмаса, далилларни тинглаш бошланади. Давлат прокуратурасининг вакиллари судга айблов гувоҳларини чақиртирадилар. Ушбу гувоҳлар ўз кўрсатувларини берадилар. Сўнгра судланувчи судга ҳимоянинг гувоҳларини таклиф қилади.

Ҳар бир гувоҳ уч бора сўроқ қилинади — эъвал қайси тарафнинг фойдасига гувоҳлик бермоқчи бўлса, ўша тараф томонидан, сўнгра бошқа тарафнинг вакили томонидан ва яна қайси тарафнинг фойдасига кўрсатув бераётган бўлса, ўша тарафнинг вакили томонидан.

Суд тарафларнинг гувоҳлик кўрсатувлари ва аризаларини эшитгач, судланувчининг айбдорлик даражаси ҳақида қарор қабул қилади. Агар судланувчи айбдор деб топилса, айблов вакиллари ва судланувчининг адвокатларига судланувчига тайинланиши керак бўлган жазо чораси борасида ўз фикрларини баён этиши учун имкон беради. Шундан сўнг суд ҳукм чиқаради ва жазо тайинлайди.

Бир қатор хорижий давлатларда ўзига хос соддалаштирилган (йиғма) иш юритиш мавжуд. Буюк Британияда турли хил жиноят ишларининг анчагина қисми соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилади. Уларга транспорт ҳайдаш қоидаларини бузганлик, баданга хавфли шикаст етказганлик, болаларни ўғирлаганлик номусга тегиш, уйга бузиб кириб ўғрилиқ қилиш кабилар ҳақидаги жиноят ишлари киради. Ишлар йиғма тартибда кўрилганда, айблов ҳужжати тузиш, ишни судда муҳокама қилишни тайинлаш ва бошқа процессуал кафолатларга риоя этиш талаб этилмайди. Суд жараёни ниҳоятда соддалаштирилади: ишларни суд қасамёд қилган судьяларсиз якка ўзи кўриб чиқади; белгиланган тартибда процессуал жиҳатдан текширилмаган маълумотлар ҳукм учун асос қилиб олинishi мумкин. Ишларни йиғма тартибда кўриб чиқиш одатда бир неча дақиқа давом этади. Судья (судьялар) ўз ҳукми билан деярли ҳар доим гувоҳ сифатида қатнашаётган фикрлари ва хулосаларини тасдиқлайди. У полициячиларнинг кўрсатувлари бўйича ҳукм чиқаради.

Францияда икки ойгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланадиган ножўя ҳаракатлар ҳақидаги ишларни судья якка ўзи кўриб чиқади. Уртача оғирликдаги жазога тортишга олиб келувчи ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни уч нафар профессионал судья (юқори инстанция трибунали) прокурорнинг албатта иштирок этиши ва ҳимоячининг

иштирокига рухсат этилиши билан ҳал қиладилар. Иш юритиш оғзаки, расмий ва тортишувга асосланган ҳолда амалга оширилади. Қуйи турувчи судларнинг ҳукмлари хусусида апелляция тартибида шикоят қилиниши мумкин.

АҚШда, қасамёд қилган судьялар судида иш юритишдан ташқари, ноҳўя ҳаракатларга оид ишлар бўйича йиғма иш юритиш ҳам мавжуд. Бу — далилларни текшириш ҳақидаги процессуал талабларни бажармасдан, айблов ҳужжати тузмасдан, ишни суд муҳокамасига тайинламасдан ва қасамёд қилган судьялар иштирокисиз иш юритиш. Асосан полиция ёки жабрланувчи тақдим этган материаллар бўйича бутун иш юритиш магистрат олдида юз беради. Процессуал қоидаларга ишда адвокат иштирок этган ҳолдагина роя этилади. Бу эса камдан-кам ҳолларда бўлади. Айбланувчини судга полициячи олиб келади. Иш муҳокамаси полиция тузган ва жиноят содир этилганлиги фактини тасдиқловчи баённомаларни ўқиб эшиттиришдан бошланади. Сўнгра айблов гувоҳлари сўроқ қилинади, айбланувчининг эътирозлари эшитилади. Айбланувчи таклиф қилган гувоҳлар ҳам сўроқ қилиниши мумкин. Шундан кейин айбланувчига охириги сўз билан чиқиш имкони берилади. Сўнгра судья хулосалар чиқариш учун полиция материаллари асос бўлган ҳукмни эълон қилади. Бу жараён атиги бир неча дақиқа вақт олади. Йиғма иш юритишдан воз кечиш ва ишларни қасамёд қилган судьяларга кўриб чиқиш учун бериш адвокатга, унинг судни бундай қарор чиқариш зарурлигига ишонтириш маҳоратига боғлиқ. Баъзан, аксинча, адвокатлар айбланувчиларни енгилроқ жиноятни содир этганликда айбига иқроп бўлишга ва шу тариқа ишни судьянинг ёлғиз ўзи кўриб чиқиши учун қолдиришга кўндирадилар. Сабаби адвокат муайян қарорга келиш учун ёлғиз судья билан келишиши осон бўлади.

33.4. МДҲ мамлакатларидаги жиноят процессининг ижтимоий-ҳуқуқий хусусияти

Собиқ Совет мамлакати ўрнида юзага келган янги мустақил давлатларда жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

1) жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг янги ижтимоий муносабатларни акс эттирувчи қабул қилинган конституциялар билан тўлиқ мослиги;

2) халқаро ҳуқуқий нормаларнинг амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига имплементация қилинганлиги;

3) инсон ҳуқуқлари кафолатларининг кучайтирилганлиги ҳамда биринчи ўринга шахс ҳуқуқларини муҳофаза қилиш вазифалари олиб чиқилганлиги;

4) жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи янги ЖПКларнинг ишлаб чиқилганлиги.

Бунинг натижасида МДХнинг кўпчиликлари мамлакатларида янги ЖПКлар қабул қилинди. Улар аввалгидек, юзага келаётган муаммоларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириб борилмоқда.

Ана шундай муаммолардан бири — тергов аппаратининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидаги ўрни. Қозоғистон Республикасида мустақил давлат тергов қўмитаси таъсис этилган эди. Терговчиларнинг оператив ишдан узилиб қолганлиги ва жиноятларнинг очилиши учун жавобгарликни зиммасига олишга тайёр эмасликлари сабабли унинг фаолияти муваффақиятсизликка учради.

Россия Федерациясида Россия ИИБ ҳузурида расман унга бўйсунмайдиган, аммо ўзининг бутун ишини ички ишлар органлари билан мувофиқлаштирадиган тергов қўмитаси фаолият кўрсатади. Бу ерда прокурорнинг жиноят ишларини кўриб чиқишга аралашувини чеклаш тамойили кўзга ташланмоқда.

МДХ мамлакатларининг кўпчилигида, аввалгидек, материалларни судгача тайёрлашнинг баённома шакли мавжуд. У жамият учун катта хавф туғдирмайдиган ва одатда аниқ шароитларда содир этилган жиноятларга нисбатан табақалаштирилган жиноят процессининг шаклларида биридир. Агар, масалан, Россияда ушбу процессуал шакл дастлаб 19 та жиноят таркибига қўлланилган бўлса, кейинчалик у анча кенгайиб ҳозирги вақтда тахминан 50 та жиноят таркиблари бўйича қўлланилиши мумкин. Бу эса жиноят процессидаги жиноятлар сонининг каттагина қисмини ташкил қилади. Унинг ютуғи шундаки, у жиноятларни тез очиш, шунингдек жиноятнинг барча ҳолатларини ҳамда жавобгарликка тортилаётган шахсга оид маълумотларни тўлиқ, холисона ва ҳар томонлама текшириш имконини беради. У, шунингдек суднинг айбдорга нисбатан ҳукм чиқариш пайтини жиноят содир этилган пайтга энг кўп даражада яқинлаштириш ва бу билан жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишга ҳам имкон беради.

Жиноят ишини судда муҳокама қилиш учун материалларни

тайёрлашнинг протокол шаклини ҳозирги пайтдаги юритиш кўпгина мамлакатларда (роман-герман, англо-саксон ҳуқуқий тизимларида) амал қиладиган жиноят ишлари бўйича жиноят процесси билан бемалол қиёсласа бўлади.

МДХ мамлакатларидаги жиноят процессининг бошқа бир хусусиятини улардан айримларида қасамёд қилган судьялар судининг мавжудлиги ташкил этади. Бироқ Россияда масалан, 89 та минтақадан атиги тўққизтасида қасамёд қилган судьялар суди ташкил қилинган ва амал қилмоқда. Уларда жиноят ишлари умумий миқдорининг тахминан 3–4 % кўриб чиқилмоқда. Уларнинг 40 % оқлов ҳукми билан яқунламоқда.

МДХ мамлакатларида фуқарога суриштирув ва дастлабки тергов органлари, прокуратура ва суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарни қоплашга алоҳида эътибор берилади. Бу жиноят процессида шахс ҳуқуқларини муҳофаза қилишни кучайтириш сиёсатини акс эттиради.

Тахминий тестлар

1. Хорижий давлатлардаги жиноят процесси қандай хусусиятга эга?

- A. Инквизиция
- B. Тергов-тортишув
- C. Бизнинг жиноят процессидаги каби
- D. Тергов
- E. Апелляция

2. Қайси давлатда суриштирувни прокуратура олиб боради?

- A. Буюк Британияда
- B. Францияда
- C. АҚШда
- D. Германияда
- E. Исроилда

3. Қайси ҳуқуқий тизимда диний нормалар дунёвий қонун ҳужжатлари билан бир қаторда қўлланилади?

- A. Роман-герман

- B. Англо-саксон
- C. Ислом мамлакатларида
- D. МДХ мамлакатларида
- E. Исроилда

4. Қуйидаги мамлакатлардан қайси бирида қасамёд қилган судьялар суди мавжуд?

- A. Буюк Британияда
- B. Францияда
- C. АҚШда
- D. Германияда
- E. Исроилда

5. Қайси мамлакатда давлат тергов қўмитаси тузилиб, сўнгра тугатилди?

- A. Россия Федерацияси
- B. Қозоғистон Республикасида
- C. АҚШда
- D. Францияда
- E. Германияда

Тегишириш учун саволлар

1. Континентал Европа давлатларининг жиноят процессига энг кўп даражада хос бўлган жиҳатлар нималардан иборат бўлади?
2. 'Инглиз тилида сўзлашувчи давлатларнинг жиноят процессига хос хусусиятлари нимада?
3. Мусулмон давлатларидаги жиноят процесси ҳақида нималарни биласиз?
4. Исроил давлатининг жиноят процесси қандай хусусиятларга эга?
5. МДХ мамлакатларининг жиноят процесси қандай хусусиятларга эга?

Тавсия этиладиган адабиёт

Абдумаджидов Г. Расследование преступлений: Процессуально-правовое исследование. Т., 1986.

Акрамходжаев Б.Т. Ишни кассация ва назорат тартибида юритишда хуқуқни тиклаш функциясининг инъикоси. Т., 1997.

Акрамходжаев Б.Т. Правовосстановительная функция в уголовном процессе. Т., 1997.

Акрамходжаев Б.Т. Сущность правосстановительной функции // Экономика и статистика. 1997. № 6.

Александров А.А. Разрешение гражданского иска в уголовном процессе. Горький, 1978.

Алимджанов Б., Вальдман В. Компетенция эксперта в уголовном процессе. Т., 1986.

Анашкин Г.З., Перлов И.Д. Возобновление дел по вновь открывшимся обстоятельствам. М., 1982.

Арсеньев В.Д., Заболоцкий В.Г. Использование специальных знаний при установлении фактических обстоятельств уголовного дела. Красноярск, 1986.

Асриев Б.В. Начальник следственного отдела: процессуальное положение и руководство следователями. М., 1986.

Астанова Л., Гарьягдыева Э. Правовое положение свидетеля в уголовном процессе. Т., 1990.

Астанова Л.И. Теоретические основы охраны прав личности в уголовном процессе и их реализация в правоприменительной деятельности. Т., 1997.

Ахмедова Л.Х. Принцип открытого разбирательства уголовных дел. Т., 1997.

Барцевский М.Ю. Бизнес-адвокатура в США и Германии. М., 1995.

Бедняков Д.И. Непроцессуальная информация и расследование преступлений. М., 1991.

Белозеров Ю.Н., Николюк В.В. Исполнение приговора в уголовном процессе. М., 1984.

Божьев В. П. Уголовно-процессуальные отношения. М., 1975.

Быков В.М., Гришин Ю.А. Обвинительное заключение по групповым делам. Т., 1988.

Воскобитова Л.А. Система оснований к отмене или изменению приговора в кассационном порядке. М., 1985.

Гапанович Н.Н., Мартынович П.П. Основы взаимодействия следователя и органа дознания при расследовании преступлений. Минск, 1983.

Горский Г.Ф., Кокорев Л.Д., Элькин П.С. Проблемы доказательств в уголовном процессе. Воронеж, 1978.

Гранат Н.Л. Основы обеспечения законности на предварительном следствии. М., 1988.

Григорьев В.Н. Обнаружение признаков преступления органами внутренних дел. Т., 1986.

Григорьев В.Н. Задержание подозреваемого органами внутренних дел. Т., 1989.

Громов Н.А. Возбуждение производства по вновь открывшимся обстоятельствам. Волгоград, 1984.

Грошевой Ю.М., Пономаренко Л.Г., Хотенец В.М. Кассационный протест прокурора по уголовным делам. Киев, 1989.

Луковская Н.П. и др. Расследование и судебное разбирательство дел о преступлениях несовершеннолетних. М., 1974.

Гуляев А.П. Процессуальные сроки в стадиях возбуждения уголовного дела и предварительного расследования. М., 1976.

Гуляев А.П. Следователь в уголовном процессе. М., 1981.

Гуценко К.Ф. Уголовная юстиция США. М., 1979.

Давлетов А.Д. Прокурорский надзор в Республике Узбекистан. Т., 1995.

Давлетов А.Д. Прокурорский надзор. Т., 2000.

Даев В.Г. Взаимосвязь уголовного права и процесса. Л., 1982.

Добровольская Т.Н. Принципы уголовного процесса. М., 1971.

Добровольская Т.Н. Деятельность суда, связанная с исполнением приговора. М., 1979.

Доказывание и доказательства в уголовном процессе. Н.-Новгород, 1998.

Дубинский А.Я. Исполнение процессуальных решений следователя: Правовые и организационные проблемы. Киев, 1984.

Дубинский А.Я. Производство предварительного расследования органами внутренних дел. Киев, 1987.

Дубриный В.А. Деятельность следователя по расследованию преступлений (Общая характеристика. Цели. Действия). Саратов, 1987.

Ефимичев С.П. Правовые организационные вопросы окончания предварительного расследования с обвинительным заключением. Волгоград, 1977.

Загорский Г.И. Судебное разбирательство по уголовному делу. М., 1985.

Заринов З., Кержнер М. Профилактика правонарушений. Т., 1993.

Заринов З.С. Профилактическая функция следственных подразделений органов внутренних дел. Т., 1986.

Зинченко И.А. Использование в уголовно-процессуальном доказывании фотоснимков, кинолент и видеogramм. Т., 1988.

Зусь Л.Б. Правовое регулирование в сфере уголовного судопроизводства. Владивосток, 1984.

Иммунитеты в российском уголовном процессе. М., 1998.

Истина и только истина. Проблемы, дискуссии, предложения. М., 1990.

Кадырова В.В. Назначение уголовного дела к судебному разбирательству — новый институт уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан // *Общественные науки в Узбекистане.* 1997. № 6.

Кадырова В.В. Особенности назначения дела к рассмотрению в различных судебных органах // *Хозяйство и право.* 1997. № 1—2.

Казанджан М.А. Прекращение уголовного дела следователем органов внутренних дел. Т., 1987.

Казинян Г.С., Соловьев А.Б. Проблемы эффективности следственных действий. Ереван, 1987.

Камалходжаев Д. Реабилитация в уголовном процессе. Т., 1996.

Каневский Л.Л. Расследование и профилактика преступлений несовершеннолетних. М., 1982.

Карташкин В.А. Права человека в международном и внутригосударственном праве. М., 1995.

Кержнер М.Ю., Акрамходжаев Б.Т. Хукуқбузарликларнинг олдини олишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни. Т., 1996.

Клюкова М.Е., Малков В.П. Приостановление предварительного следствия в связи с психическим или иным тяжким заболеванием обвиняемого // *Правоведение.* 1991. №1.

Ковтун Н.Н. О роли суда в доказывании по уголовному делу в свете конституционного принципа состязательности // *Государство и право.* М., 1996. № 6.

Колесников И.И. и др. Информационно-аналитическая работа: планирование и контроль в следственном аппарате. М., 1991.

Косенко А.С. Розыскные действия в уголовном процессе. Хабаровск, 1989.

Крылов И.Ф., Бастрыкин А.И. Розыск, дознание, следствие. Л., 1984.

Кулахметов А.Б. Прекращение уголовного дела с передачей материалов в комиссию по делам несовершеннолетних. Т., 1997.

Ларин А.М. От следственной версии к истине. М., 1976.

Ларин А.М. Презумпция невиновности. М., 1982.

Ларин А.М. Уголовный процесс: структура права и структура законодательства. М., 1985.

Ларин А.М. Расследование по уголовному делу: процессуальные функции. М., 1986.

Ларин А.М. и др. Уголовный процесс России. М., 1997.

Ликас А.Л. Культура правосудия. М., 1990.

Лифшиц Ю.Д. и др. Дознание в органах внутренних дел Казахской ССР. Караганда, 1990.

Лукашевич В.З. Установление уголовной ответственности в уголовном процессе. Л., 1985.

Лупинская П.А. Пересмотр переговоров, определений и постановлений, вступивших в законную силу, в порядке судебного надзора. М., 1978.

Маликов М.Ф. Эффективность приговора в уголовном процессе. Саратов, 1982.

Международные нормы и правоприменительная практика в области прав и свобод человека. М., 1993.

Методология и методика изучения следственных ошибок, их причин и мер преодоления. М., 1986.

Мидор Д.Д. Американские суды. Сент-Пол, Миннесота, 1991.

Миразов Д., Бадалбаев А. Что ты знаешь о своих правах? Т., 1997.

Миренский Б.А. Новое в уголовно-процессуальном законодательстве (Общая часть). Т., 1995.

Миренский Б.А. Новое в уголовно-процессуальном законодательстве (Особенная часть). Т., 1995.

Миренский Б.А. Хартия расследования и разбирательства преступлений // Экономика и статистика. 1995. № 8-9.

Миренский Б.А. Сравнительный анализ процессуального законодательства Республики Узбекистан // Хозяйство и право. 1998. № 10-11.

Миренский Б.А. Применение норм международного права в новом уголовном и уголовно-процессуальном законодательстве Республики Узбекистан // Общественные науки в Узбекистане. 1995. № 10-11-12.

Миренский Б.А. Правоохранительные органы Республики Узбекистан. Т., 1999.

Михайлова Г.А. Производство по применению принудительных мер медицинского характера. М., 1987.

Морщакова Т.Г., Петрухин И.Д. Оценка качества судебного разбирательства по уголовным делам. М., 1987.

Надь Л. Приговор в уголовном процессе. М., 1982.

Насириддинов Ф.З. Даствлабкн терговни тўхтатиш ва қайта тиклаш. Т., 1997.

Организация работы следователя. М., 1983.

Пашкевич П.Ф. Процессуальный закон и эффективность уголовного судопроизводства. М., 1984.

Перлов И.Д. Кассационное производство в уголовном процессе. М., 1968.

Перлов И.Д. Надзорное производство в уголовном процессе. М., 1974.

Петерин Б.С., Трошкин Е.З. Возбуждение и расследование уголовных дел. М., 1997.

Петрухин И.Л. Неприкосновенность личности и принуждение в уголовном процессе. М., 1989.

Петрухин И.Л., Батурова Г.П., Морщакова Т.Т. Теоретические основы эффективности правосудия. М., 1979.

Петуховский А.А., Якупов Р.Х. Возвращение уголовных дел на дополнительное расследование. Горький, 1979.

Побегайло Г. И. Предание суду. М., 1982.

Познанский В.А. Вопросы теории и практики кассационного производства в уголовном процессе. Саратов, 1978.

Полянский Н.Н. и др. Проблемы судебного права. М., 1983.

Программа дальнейшего развития судебной реформы в Республике Узбекистан // Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. 1996. №3-4.

Протченко Б.А. Принудительные меры медицинского характера. М., 1976.

Репкин Л.М. Приостановление предварительного следствия. Волгоград, 1975.

Рыжаков А.П. Краткий курс уголовного процесса. М., 1998.

Савицкий В.М. Очерк теории прокурорского надзора. М., 1975.

Саркисянц Г.П. Законный представитель несовершеннолетнего обвиняемого в суде. Т., 1985.

Сидорова В.М. Отсрочка исполнения приговора несовершеннолетнему. М., 1982.

Скаредов Г.И. Участие прокурора в следственных действиях. М., 1987.

Следственные действия. Волгоград, 1984.

Спиридинов В.И. Прокурорский надзор в стадии исполнения приговора. М., 1985.

Стецовский Г.П. Адвокатура. М., 1989.

- Стецовский Ю.И., Ларин А.М.* Конституционный принцип обеспечения обвиняемому права на защиту. М., 1988.
- Сюкияйнен Л.Р.* Мусульманское право. М., 1986.
- Таджиев Т.* Реабилитация в уголовном процессе. Т., 1986.
- Таджиев Х.С.* Прокурорский надзор и ведомственный контроль за расследованием преступлений. Т., 1985.
- Темушкин О.П.* Организационно-правовые формы проверки законности и обоснованности приговора. М., 1978.
- Теоретические вопросы автоматизации информационного обслуживания предварительного следствия. М., 1981.
- Томин В. Т.* Уголовное судопроизводство: революция продолжается. Горький, 1989.
- Уголовно-процессуальное право / Под ред. П.А.Лупинской. М., 1995.
- Филиппов П.М., Темушкин О.П.* Деятельность следователя по возмещению материального ущерба и обеспечению конфискации имущества. Волгоград, 1982.
- Хайдаров Н.Н.* Правовой статус подозреваемого в уголовном процессе. Т., 1999.
- Цыткин Л.* Право на защиту в кассационном и надзорном производстве при исполнении приговора. М., 1985.
- Чеджемов Т.Б.* Судебное следствие. М., 1979.
- Чувилев А.А.* Взаимодействие следователя органов внутренних дел с милицией. М., 1981.
- Шило М.А.* Проблемы реабилитации на предварительном следствии. Ашхабад, 1981.
- Шимановский В.В.* Общие условия производства предварительного следствия. Ленинград, 1983.
- Шурухнов Н.Г.* Предварительная проверка заявлений и сообщений о преступлениях. М., 1985.
- Элькинд П.С.* Толкование и применение норм уголовно-процессуального права. М., 1967.
- Элькинд П. С.* Цели и средства их достижения в уголовно-процессуальном праве. Л., 1976.
- Якуб М. Л.* Процессуальная форма в уголовном судопроизводстве. М., 1981.
- Якупов Р.Х.* Возобновление предварительного следствия. Волгоград, 1976.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	3
УМУМИЙ ҚИСМ.....	5
I боб. Жиноят процесси ва унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятидаги ўрни.....	5
1.1. Жиноят процесси ва унинг вазифалари.....	5
1.2. Жиноят процессининг тизими, жиноят-процессуал функциялар, процессуал ҳаракатлар, процессуал қарорлар.....	7
1.3. Жиноят-процессуал ҳуқуқ.....	18
1.4. Жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар.....	19
1.5. Жиноят-процессуал фаолият шакллари ва даражалари.....	20
1.6. Жиноят процесси – илм ва ўқув фани.....	22
II боб. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари.....	25
2.1. Жиноят-процессуал қонун – жиноят-процессуал ҳуқуқнинг бош манбаи.....	25
2.2. Жиноят-процессуал тартибга солишнинг механизми ва хусусиятлари.....	27
2.3. Жиноят-процессуал қонуннинг замон, макон ва шахслар бўйича амал қилиши.....	33
2.4. Судлар, прокурорлар, терговчиларнинг хорижий давлатларнинг тегишли муассасалари билан алоқа қилиш ва уларнинг процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳақидаги топшириқларини бажариш тартиби.....	36
2.5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми, Бош прокурор ва Ички ишлар вазирлиги норматив ҳужжатларининг қўлланилиши.....	39
III боб. Жиноят процессининг принциплари.....	51
3.1. Жиноят процессининг принциплари ва уларнинг аҳамияти.....	51
3.2. Жиноят процесси принципларининг тизими ва таснифланиши.....	52
3.3. Қонунийлик.....	53
3.4. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши.....	54
3.5. Жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқиш.....	55
3.6. Судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi.....	56
3.7. Жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги.....	58

3.8. Одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш.....	59
3.9. Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш	60
3.10. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш	62
3.11. Судда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши.....	63
3.12. Жиноят ишлари юритиладиган тил	65
3.13. Жиноят ишини юритишда жамоатчиликнинг иштироки.....	67
3.14. Ҳақиқатни аниқлаш.....	68
3.15. Айбсизлик презумпцияси.....	69
3.16. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини	70
ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш.....	70
3.17. Судда ишларни юритишда тортишув.....	71
3.18. Далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш	72
3.19. Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи	73
IV боб. Жиноят процессининг иштирокчилари	76
4.1. Жиноят процессининг иштирокчилари ва уларнинг таснифланиши	76
4.2. Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар.....	78
4.3. Жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари	83
4.4. Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар	85
4.5. Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар.....	96
4.6. Жиноят процессида иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар. Рад қилишлар	102
V боб. Жиноят процессида далиллар	108
5.1. Исбот қилиш ҳуқуқи ва унинг далиллар назарияси билан ўзаро муносабати.....	108
5.2. Ҳақиқатни аниқлаш – исботлашнинг мақсади	108
5.3. Исботлаш предмети ва доираси	110
5.4. Далиллар ва уларнинг хоссалари.....	111
5.5. Далилларни таснифлаш.....	112
5.6. Исботлаш жараёни: далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш	113
5.7. Далилларни баҳолаш. Ички ишонч – далилларни баҳолаш усули ва натижаси.....	119
VI боб. Тергов ҳаракатлари – исботлаш воситалари	123
6.1. Тергов ҳаракатлари, уларнинг турлари ва тизими	123

6.2. Сўроқ қилишнинг умумий қоидалари	127
6.3. Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш	131
6.5. Юзлаштириш учун асослар	135
6.6. Таниб олиш учун кўрсатиш	136
6.7. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш....	138
6.8. Кўздан кечириш	140
6.10. Мурдани эксгумация қилиш	144
6.11. Эксперимент	145
6.12. Олиб қўйиш	147
6.13. Тинтув	150
6.14. Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали	153
олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш	153
6.15. Экспертиза	154
6.16. Экспертиза текшируви учун намуналар олиш	161
6.17. Нарсалар ва ҳужжатларни тақдим қилиш	163
VII боб. Процессуал мажбурлов	169
7.1. Процессуал мажбурлов чоралари ва уларнинг аҳамияти .	169
7.2. Гумон қилинувчини ушлаб туриш ва сўроқ қилиш	170
7.3. Эҳтиёт чораларининг умумий тавсифи	176
7.4. Эҳтиёт чораларини қўллаш асослари ва процессуал тартиби	178
7.5. Эҳтиёт чораларининг турлари ва уларнинг тавсифи	180
7.6. Лавозимдан четлаштириш	189
7.7. Мажбурий келтириш	191
7.8. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш	192
7.9. Процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш	193
7.10. Процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик	200
VIII боб. Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш	205
8.1. Жиноят процессида фуқаровий даъво	205
8.2. Мол-мулкни жабранувчи ёки фуқаровий даъвогарга қайтариш	212
8.3. Ҳукмнинг мулкий ундиришлар тўғрисидаги қисми ижросини таъминлаш	213
IX боб. Жиноятларнинг олдини олиш чоралари	218
9.1. Жиноятларнинг олдини олиш ва унинг аҳамияти	218
9.2. Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги тақдимнома	221

X боб. Реабилитация	230
10.1. «Реабилитация» тушунчаси	230
10.2. Реабилитациянинг асослари ва оқибатлари	232
10.3. Реабилитация этилишнинг мулкый ва бошқа оқибатлари... ..	234
10.4. Қисман реабилитация этиш	236
10.5. Реабилитация этилган шахсга етказилган зарарни қоплаш тартиби ва унинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш	240
XI боб. Процессуал муддатлар ва чиқимлар	248
11.1. Процессуал муддатлар: тушунчаси, аҳамияти ва турлари	248
11.2. Процессуал чиқимлар ва уларни қоплаш	252
МАХСУС ҚИСМ	257
XII боб. Жиноят ишени кўзғатиш босқичи	257
12.1. Жиноят ишени кўзғатиш босқичи ва унинг аҳамияти ..	257
12.2. Жиноят ишени кўзғатишга ваколатли бўлган органлар ва шахслар	260
12.3. Жиноят ишени кўзғатиш сабаблари ва тартиби	263
12.4. Жиноят ишени кўзғатиш асослари	267
12.5. Жиноят ишени кўзғатиш тартиби	268
12.6. Жиноят ишени кўзғатишни рад қилиш асослари ва тартиби	270
XIII боб. Дағлабки тергов босқичи	275
13.1. Суриштирув ва дағлабки тергов босқичининг моҳияти ва аҳамияти	275
13.2. Дағлабки тергов шакллари	278
13.3. Суриштирув	279
13.4. Дағлабки тергов	282
XIV боб. Дағлабки терговнинг умумий шартлари	286
14.1. Дағлабки терговнинг умумий шартлари ва уларнинг аҳамияти	286
14.2. Терговга тегишлилик, уни аниқлаш белгилари	286
XV боб. Терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлиги	296
15.1. Терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлиги ва унинг аҳамияти	296
15.2. Терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари	297
15.3. Ҳамкорлик шакллари	298

XVI боб. Жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш.....	303
16.1. Гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида жалб этишнинг моҳияти ва аҳамияти	303
16.2. Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш	310
16.3. Айбловни ўзгартириш, тугатиш ва унга қўшимча киритиш	312
16.4. Тугатилган айбловни қайта тиклаш	313
XVII боб. Дастлабки терговни тўхтатиш ва қайта тиклаш	316
17.1. Дастлабки терговни тўхтатиш, унинг асослари ва шартлари	316
17.2. Дастлабки терговни тўхтатишнинг процессуал тартиби	317
17.3. Яширинган айбланувчини қидириш чораларини кўриш	319
17.4. Дастлабки терговни қайта тиклаш	322
XVIII боб. Дастлабки терговни тамомлаш	326
18.1. Дастлабки терговни тамомлаш ва унинг турлари	326
18.2. Жиноят ишини тугатиш, унинг асослари ва тартиби.....	327
18.3. Дастлабки терговни айблов хулосасини тузиш билан тамомлаш	329
18.4. Прокурор айблов хулосаси билан келган жиноят иши юзасидан бажарадиган ишлар	340
XIX боб. Суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунларни ижро этишини назорат қилиш	344
19.1. Умумий қоидалар	344
19.2. Дастлабки тергов юритишнинг қонунийлигини назорат қилиш	345
19.3. Дастлабки терговнинг тамомланишини назорат қилиш	351
XX боб. Судловга тегишлилик. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш	354
20.1. Судловга тегишлилик ва унинг турлари	354
20.2. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш, унинг вазифалари ва аҳамияти	356
20.3. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш вақтида судья қабул қиладиган ажрим (қарор).....	361
20.4. Процесс иштирокчиларини жиноят иши материаллари билан таништириш	362

XXI боб. Суд муҳокамаси босқичи.....	366
21.1. Суд муҳокамасининг моҳияти, аҳамияти ва вазифалари	366
21.2. Жиноят ишени кўришда суд таркибининг ўзгармаслиги	370
21.3. Суд муҳокамасининг доираси	373
21.4. Айбловни судда ўзгартириш.....	374
21.5. Суд муҳокамасини кечиктириш ва жиноят ишени кўриб чиқишни тугатиш асослари	377
21.6. Суд мажлисида ажрим чиқариш тартиби ва суд мажлисининг тартиби	379
21.7. Суд мажлисининг баённомаси.....	379
21.8. Суд мажлисида тартибни бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган чоралар	380
XXII боб. Суд муҳокамасининг тартиби	384
22.1. Суд муҳокамасининг тузилиши	384
22.2. Суд муҳокамасининг тайёрлов қисми.....	384
22.3. Суд тергови, унинг аҳамияти ва мазмуни.....	391
22.4. Суд терговида тергов ҳаракатларининг хусусиятлари	394
22.5. Тарафлар музокарасининг мазмуни ва тартиби	398
22.6. Судланувчининг охириги сўзи ва суд терговини янгитдан бошлашнинг процессуал тартиби.....	399
XXIII боб. Ҳукм	403
23.1. Ҳукм унинг, моҳияти ва аҳамияти	403
23.2. Ҳукмнинг мазмуни ва уни чиқариш тартиби.....	405
23.3. Суд ҳукм чиқараётганида ҳал қиладиган масалалар	406
23.4. Ҳукмни эълон қилиш	409
23.5. Суднинг хусусий ажримлари	410
XXIV боб. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари	413
24.1. Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг умумий шартлари, уларнинг моҳияти ва турлари	413
24.2. Ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари	416
24.3. Юқори суд ажримининг (қарорининг) мазмуни ва уни ижро этиш учун юбориш	420
XXV боб. Апелляция тартибида иш юритиш босқичи	422
25.1. Апелляция тартибида иш юритиш, унинг вазифалари ва аҳамияти	422
25.2. Апелляция тартибида ишни кўриб чиқиш тартиби	425

25.3. Апелляция инстанцияси судининг ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳал қилув қарори.....	428
XXVI боб. Кассация тартибида иш юритиш босқичи.....	433
26.1. Кассация тартибида иш юритиш, унинг вазифалари ва аҳамияти	433
26.2. Жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқувчи суднинг ваколатлари	437
26.3. Хусусий шикоят ва протестларни ҳал қилиш	440
XXVII боб. Назорат тартибида иш юритиш босқичи.....	443
27.1. Назорат тартибида иш юритиш босқичи, унинг вазифалари ва аҳамияти	443
27.2. Қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим (қарор) юзасидан шикоят қилиш ёки протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар.....	445
27.3. Талаб қилиб олинган жиноят ишини текшириш ва қарор қабул қилиш.....	447
27.4. Жиноят ишларини протестлар бўйича назорат тартибида кўрувчи судлар.....	448
27.5. Назорат инстанцияси судида жиноят ишини кўриш тартиби	449
XXVIII боб. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юретишни қайтадан бошлаш.....	453
28.1. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юретишни қайтадан бошлаш, унинг вазифалари ва аҳамияти	453
28.2. Янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юретишни қайтадан бошлаш сабаблари, асослари ва тартиби	453
28.3. Суднинг янги очилган ҳолатлар туфайли иш юретишни қайтадан бошлаш ҳақидаги масалани ҳал қилиши	456
XXIX боб. Ҳукми ижро этиш босқичи	459
29.1. Ҳукми ижро этиш босқичи, унинг вазифалари ва аҳамияти	459
29.2. Ҳукми ижро этиш асослари ва шартлари.....	459
29.3. Ҳукми, ажримни ва қарорни ижро этириш тартиби ..	462
29.4. Ҳукм, ажрим, қарорни ижро этувчи органлар	463
29.5. Ҳукми ижро этиш босқичида маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати	473
29.6. Суд ҳукм, ажрим ва қарорни ижро этишда ҳал қиладиган масалалар	474

XXX боб. Вояга етмаганлар ишларини юритиш	485
30.1. Вояга етмаганлар ишларини юритишнинг хусусиятлари	485
30.2. Вояга етмаган шахсни қамоққа олиш	489
30.3. Вояга етмаганлар ишлари бўйича суд муҳокамасининг хусусиятлари	491
XXXI боб. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш	497
31.1. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ва уларни қўллаш асослари	497
31.2. Дастлабки терговни ўтказиш	498
31.3. Ишнинг судда кўрилиши	502
XXXII боб. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш	507
32.1. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш тушунчаси	507
32.2. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг процессуал тартиби	507
32.3. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси ва суд ажрими	509
XXXIII боб. Хорижий давлатларнинг жиноят процесси	511
33.1. Хорижий давлатлар жиноят процесси ва жиноят- процессуал қонунчилигининг умумий тавсифи	511
33.2. Судгача бўлган иш юритиш ва унинг фарқланиши	521
33.3. Жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш. Суд муҳокамаси. Кассация назорат иш юритиши	525
Махсус иш юритиш	525
33.4. МДХ мамлакатларидаги жиноят процессининг	540
ижтимоий-ҳуқуқий хусусияти	540

- Ў – 33 **Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси:**
Дарслик / Б. А. Миренский, А. Х. Раҳмонқулов,
Ж. Камалходжаев, В. В. Қодирова. Т.: Ўзбекистон
Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – 514 б.
ББК 67.99(2У)93

Дарсликда жиноят процесси фанининг Умумий ва Махсус қисмлари батафсил баён этилган бўлиб, асосий эътибор жиноят процессининг энг муҳим тушунча ва принципларига қаратилган ҳамда шу нуқтаи назардан жиноят процессининг иштирокчилари, исботлашни амалга ошириш, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тартиби ва асослари, жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш, жиноятларнинг олдини олиш чоралари, реабилитация, процессуал муддатлар ва чиқимлар ҳақидаги ва бошқа масалалар ёритилган. Муаллифлар жиноят процессининг босқичларига ўзига хос ёндашув асосида таъриф берганлар, ҳар бир босқични алоҳида-алоҳида кўриб чиққанлар.

Юридик олий ўқув юртларининг талабалари, тингловчилари, курсантлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимларига мўлжалланган.

Юридик фанлар доктори, профессор
МИРЕНСКИЙ Борис Аронович;

юридик фанлар номзоди
РАҲМОНҚУЛОВ Ахрор Худоёрович;

юридик фанлар номзоди, доцент
ҚОДИРОВА Виктория Владимировна;

юридик фанлар номзоди
КАМАЛХОДЖАЕВ Джапар;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ

Дарслик

